ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 4

2026 йил 26 - 31 январь

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

ИККИНЧИ БЎЛИМ

67. «Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан маданият ва туризм соҳаларидаги алоқаларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 30 январдаги ПФ-15-сон Фармони

68. «Жиззах вилоятида саноат ва қишлоқ хўжалиги бошқарувини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 30 январдаги ПҚ-34-сон қарори

69. «2026-2027 йилларда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 30 январдаги ПҚ-35-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

70. «Янги замонавий сузиш ҳавзаларини (бассейн) қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 27 январдаги 29-сон қарори

71. «Чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 январдаги 31-сон қарори

72. «Айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 январдаги 32-сон қарори

73. «Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 январдаги 33-сон қарори

74. «Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 январдаги 34-сон қарори

75. «Ижтимоий реестрга киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 29 январдаги 35-сон қарори

76. ««Фаол ҳаётга қадам» дастури жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 29 январдаги 36-сон қарори

77. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 январдаги 38-сон қарори

78. «Қурилиш объектларининг арзон қум-шағал материалларига бўлган талабини қондириш ҳамда уларнинг нархи барқарор бўлишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 январдаги 39-сон қарори

79. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 январдаги 40-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

80. “O‘zbekiston Respublikasining davlat qimmatli qog‘ozlari bilan REPO bitimlarini tuzish va ijro etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1829-5-son)*

81. “Avtomototransport vositalarida amaliy mashg‘ulotlarni va imtihonlarni o‘tkazishga mo‘ljallangan o‘quv avtodromiga qo‘yiladigan talablarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3494-1-son)*

82. “Akkreditatsiya to‘g‘risidagi guvohnoma blankalarini ro‘yxatga olish va saqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3761-son)*

83. “Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3762-son)*

84. “Донор қони ва унинг таркибий қисмларини кейинчалик, зарурат бўлганда, донорнинг ўзига ишлатилишини кўзлаб топшириш (аутодонорлик) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3763-сон)*

85. “Электр пайвандлаш ишларида ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3764-сон)*

86. “Maktabgacha, umumiy o‘rta va qo‘shimcha ta’lim tashkilotlarini moddiy-texnik jihozlash talablari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta’limi vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 29-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3765-son)*

87. ““Oziq-ovqat mahsulotlariga, ularni ishlab chiqarish vositalariga va xalq iste’moli mollariga sanitariya-epidemiologik xulosa berish tartibi to‘g‘risida yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1525-3-son)*

88. ““O‘zbekiston Respublikasida avtomototransport vositalari haydovchilarini tayyorlash va qayta tayyorlash bilan shug‘ullanuvchi ta’lim muassasalarini bitirgan haydovchilikka nomzodlarga beriladigan yagona namunadagi guvohnomani berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1652-4-son)*

89. ““Maxsus axborot portali operatorining davlat xaridlarini tashkil etish hamda o‘tkazish borasidagi faoliyati to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3015-3-son)*

90. “Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimchalar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3481-3-son)*

91. “Tovarning kelib chiqish mamlakati to‘g‘risidagi dastlabki qarorni qabul qilish tartibi haqidagi nizomning 3-ilovasiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3505-1-son)*

92. “Moddiy madaniy meros obyektlarining qo‘riqlanadigan tegra loyihasining nusxasini boshqa shaxslarga taqdim etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash” O‘zbekiston Respublikasi Madaniy meros agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3766-son)*

93. “Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3197-4-сон)*

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 06/26/15/0102-son
03.02.2026-y

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil « 30 » январь ПФ–15 -son

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан маданият ва туризм соҳаларидаги алоқаларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Маданий дипломатия соҳасида, давлатлараро муносабатларда очиқлик ва ўзаро ҳурмат қилиш тамойилларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, маданият ва санъат, маданий мерос ва туризм соҳаларида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Хорижий мамлакатларда Ўзбекистоннинг маданият ва туризм соҳаларидаги ташаббусларини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1-иловада назарда тутилган давлатлардаги элчихоналарининг штат жадвалига қўшимча равишда **маданият ва туризм масалалари бўйича маслаҳатчи** (кейинги ўринларда – маслаҳатчи) лавозими киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналаридаги маданият ва туризм масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятининг **асосий йўналишлари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

(а) маслаҳатчи лавозимига тайинлаш ва ундан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Креатив иқтисодиёт ва туризм бўйича департаменти бошлиғи тақдимномасига мувофиқ ташқи ишлар вазири томонидан амалга оширилади. Маслаҳатчилар фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан тасдиқланади;

(б) маслаҳатчи тегишли давлатдаги дипломатик ваколатхона раҳбарига бўйсунади ва унинг икки томонлама муносабатларни ривожлантириш фаолиятига кўмаклашади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Креатив иқтисодиёт ва туризм бўйича департаменти бошлиғига ҳисобдор бўлади;

(в) маслаҳатчи штат бирликларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

(г) маслаҳатчи штат бирлиги киритилаётган дипломатик ваколатхоналарга биттадан автотранспорт воситаси харид қилиш ва сақлаш учун қўшимча лимит ажратилади. Бунда ушбу автотранспорт воситаларини харид қилиш билан боғлиқ барча харажатлар Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

(д) маслаҳатчи фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси фаолиятини ташкил этиш ва туризм соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–348-сон қарорида назарда тутилган Туризм қўмитасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари фаолияти билан уйғунлаштирилади.

Ташқи ишлар вазирлиги Туризм қўмитаси, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда 2026 йил якунида маслаҳатчилар фаолиятини Туризм қўмитасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари фаолияти билан уйғунлаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

QMMB: 06/26/15/0102-son
03.02.2026-y

5. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Креатив иқтисодиёт ва туризм бўйича департаменти бошлиғи Г.О. Умерова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/15/0102-son
03.02.2026-y

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 30 январдаги ПФ–15-сон Фармонига
1-илова

Тузилмасига маданият ва туризм масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги элчихонаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги элчихонаси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Индонезия Республикасидаги элчихонаси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонаси.
6. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликларидаги элчихонаси.
7. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси.

QMMB: 06/26/15/0102-son
03.02.2026-y

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 30 январдаги ПФ–15-сон Фармонига
2-илова

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналаридаги маданият ва туризм масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятининг АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

I. Маданият соҳасида

1. Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, маданият ва санъат ютуқларини тизимли равишда оммалаштириш ҳамда шу орқали мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлашда иштирок этиш.

2. Қабул қилувчи мамлакатда Ўзбекистон маданияти кунлари, миллий адабиёт ва маданият тадбирлари, кинофестиваль, гастроль ва тақдимотларни юқори даражада ташкил этиш ҳамда маданий яқинлик ва ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш.

3. Икки мамлакатнинг маданият, санъат муассасалари ва соҳадаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасида бевосита ҳамкорликни йўлга қўйиш, кадрлар тайёрлаш ва тажриба алмашиш бўйича қўшма таълим дастурлари ва амалиётларни ташкил этиш.

4. Икки давлат ўртасида маданият ва креатив индустрия соҳаларидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг лойиҳаларига ҳар томонлама кўмаклашиш, шунингдек, халқаро институтлар, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари, ҳомийлар ва донорларнинг маблағларини жалб этиш.

5. Хориждаги ватандошлар ва маданий марказлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг миллий ўзликни, она тили ва анъаналарини асраб-авайлашга қаратилган ташаббуслари ва маданий-маърифий тадбирларига белгиланган тартибда кўмаклашиш.

II. Туризм соҳасида

6. Қабул қилувчи мамлакат ахборот маконида Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини кенг ёритишга қаратилган ахборот кампанияларини ўтказиш, шунингдек, мамлакатнинг сайёҳлик жозибадорлигини оширувчи тарғибот материалларини мунтазам равишда тарқатиш.

7. Тарихий-маданий, гастрономик, зиёрат, ҳунармандчилик, таълим ва тиббиёт туризми каби истиқболли йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда бу борда эксперт таҳлилини ўтказиш ва аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.

8. Туризм соҳаси субъектлари ва икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишга кўмаклашиш, маҳаллий компанияларнинг соҳа кўргазмалари ва бизнес-форумларда иштирокини ташкил этиш.

9. Туризм соҳасидаги икки томонлама халқаро шартномалар, “йўл хариталари” ва Ҳукуматлараро комиссия қарорлари ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш, шунингдек, соҳавий ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан кенгайтириш чораларини кўриш.

10. Қабул қилувчи мамлакатнинг туризм бозори конъюнктураси ва креатив иқтисодиёт тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш асосида Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва туризм инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар бериб бориш.

QMMB: 06/26/15/0102-son
03.02.2026-y

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 30 январдаги ПФ–15-сон Фармонига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сон Фармони 4-иловасининг 17-позицияси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3325-сон қарорида:

(а) номидаги “Вазирлар Маҳкамаси” сўзлари “Президенти Администрацияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 1-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон Фармонига мувофиқ Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бўйсунувига ўтказилгани маълумот учун қабул қилинсин”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги “Ипак йўли” туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3815-сон қарорининг 3-банди олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Университетнинг ректори белгиланган тартибда Туризм қўмитаси тавсиясига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3920-сон қарорининг 1-банди биринчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси” сўзлари “Президенти Администрацияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Ипак йўли” туризм халқаро университетининг бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–4115-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Маданият ва санъатни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–36-сон қарорида:

(а) 1-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон Фармонига мувофиқ Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бўйсунувига ўтказилгани маълумот учун қабул қилинсин”;

(б) 2-бандда:

(i) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“маданий мерос соҳасида давлат сиёсатини юритишга кўмаклашиш”;

(ii) олтинчи – ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича еттинчи – ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(iii) қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, ушбу соҳадаги муносабатларни такомиллаштириб бориш чораларини кўриш”;

(в) қуйидаги мазмундаги 3^1-банд билан тўлдирилсин:

“3[1]. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

Жамғарма бошқарув ходимларининг чекланган сони 70 нафар этиб белгилансин;

Жамғарма тасарруфида “Бухоро биенналеси дирекцияси” давлат муассасаси ташкил этилсин”;

(г) қуйидаги мазмундаги 5[1]-банд билан тўлдирилсин:

“5[1]. Қуйидагилар оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Жамғармага бепул берилсин:

Самарқанд шаҳри Маҳмуд Қошғарий кўчаси 85/а-уй манзилида жойлашган “Ипак йўли” арт-резиденцияси биноси, амалдаги молиялаштириш манбалари ҳамда штатлар сони сақланган ҳолда;

Самарқанд шаҳри Беруний кўчаси 1-уй манзилида жойлашган “Ипак йўли” санъат галереяси биноси, амалдаги молиялаштириш манбалари ҳамда штатлар сони сақланган ҳолда;

Тошкент шаҳри Зарқайнар кўчаси 2-уй манзилида жойлашган “Охунгузар” маданий мерос объекти.

Белгилаб қўйилсинки, 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети ҳисобидан Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” арт-резиденцияси, “Ипак йўли” санъат галереяси ва Самарқанд вилояти болалар кутубхонасини сақлаш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш учун маблағлар Жамғармага ажратилади”;

(д) 6-банддаги “иловага” сўзи “2-иловага” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ж) қуйидаги мазмундаги 1-илова билан тўлдирилсин:

QMMB: 06/26/15/0102-son
03.02.2026-y

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 9 декабрдаги ПҚ–36-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) мақоми, вазифалари ва функциялари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, ҳисобдорлик масалалари тартибини белгилайди.

2. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан амал оширади.

3. Жамғарма давлат муассасаси ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампларга, бланкаларга, мустақил балансга, ўз мулкига, шунингдек, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига, тижорат банкларида миллий ва хорижий валютадаги ҳисобварақларига эга бўлади.

4. Жамғарманинг расмий номи:

(а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси;

қисқартирилган номи – Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси;

(б) рус тилида:

тўлиқ номи – Фонд развития культуры и искусства при Администрации Президента Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – Фонд развития культуры и искусства;

(в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Art and Culture Development Foundation under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – Art and Culture Development Foundation.

5. Жамғарма фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан мувофиқлаштирилади.

2-боб. Жамғарманинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

(а) молиявий, ташкилий ва ижодий йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш асосида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, шунингдек, маданият арбобларини ҳамда тасвирий санъат, адабиёт, театр, мусиқа ва хореография соҳаларида уларнинг ташаббуси билан ташкил этиладиган тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

(б) халқаро ва давлатлараро маданий алоқаларни кенгайтириш, маданият ва санъат соҳасида халқаро маданият ташкилотлари ва хайрия жамғармалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш, мамлакатимизда маданият ва санъатга доир ҳомийликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

(в) маданиятлараро ижодий мулоқотни йўлга қўйиш ва ўзбек санъатининг жаҳон бадиий ва маданий маконига интеграциялашувига кўмаклашиш, шунингдек, мамлакатимизнинг маданий ва илмий-техник салоҳияти ҳамда рақобатбардошлиги билан боғлиқ жиҳатларни намойиш этиш;

(г) маданият ва санъат соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шу билан бирга, маданият ва санъат муассасаларини зарур адабиётлар ва даврий нашрлар билан таъминлаш;

(д) хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз музейлари ва бошқа маданият муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

(ж) маданий мерос соҳасида давлат сиёсатини юритишга кўмаклашиш;

(з) халқаро стандартларга мувофиқ янги маданият муассасаларини қуриш учун молиявий маблағ ва кўмак бериш;

(и) маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни капитал ҳамда жорий таъмирлаш;

(к) халқаро институтлар, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари, ҳомийлар ва донорлар билан ҳамкорликда лойиҳаларнинг биргаликда молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш;

(л) жаҳондаги илғор тажрибаларни мамлакатимизда жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида маданият ва санъат соҳасини молиялаштириш бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш;

(м) аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

(н) қонунчиликда белгиланган манбалардан тушаётган маблағларни жамғаришни таъминлаш;

(о) ажратилаётган мақсадли маблағлардан тўғри, самарали ва мақсадли фойдаланиш устидан тизимли назорат ўрнатиш;

(п) Жамғарма ва унинг тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар учун мақсадли маблағлар ажратиш;

(р) креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, ушбу соҳадаги муносабатларни такомиллаштириб бориш чораларини кўриш.

7. Жамғарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

(а) *молиявий, ташкилий ва ижодий йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш асосида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, шунингдек, маданият арбобларини ҳамда тасвирий санъат, адабиёт, театр, мусиқа ва хореография соҳаларида уларнинг ташаббуси билан ташкил этиладиган тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида:*

(i) маданият ва санъат соҳасини молиялаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

(ii) миллий ва хорижий маданият ҳамда санъат намояндаларининг ижоди билан танишишга доир тадбирларни ташкил этиш;

(iii) маданият ва санъатни ривожлантириш, маданий мерос соҳаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

(iv) маданият ва санъатнинг турли соҳаларини оммалаштириш, шунингдек, маданият арбобларини қўллаб-қувватлаш тадбирларини ўтказиш;

(v) Жамғарманинг ҳар йиллик календарь режасини тузиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига киритиш, бунда лойиҳаларнинг халқаро, давлатлараро ва республика каби даражаларини белгилашни назарда тутиш;

(vi) маданият ва санъатни ҳамда ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

(vii) маданият ва санъатни ҳамда муаллифлик киносини оммалаштириш ва ривожлантириш чораларини кўриш;

(б) *халқаро ва давлатлараро маданий алоқаларни кенгайтириш, маданият ва санъат соҳасида халқаро маданият ташкилотлари ва хайрия жамғармалари билан ҳамкорликни ривожлантириш,*

хорижий инвестиция ва грантларни жалб этиш, мамлакатимизда маданият ва санъатга доир ҳомийликни ривожлантиришга кўмаклашиш борасида:

(i) хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ўзаро тадбирлар, шу жумладан, уларнинг инвестиция лойиҳаларида, грантларни ажратишдаги иштирокини ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси маданияти ва санъатини ривожлантиришга йўналтирилган бошқа ёрдамлар кўрсатиш;

(ii) ўзбек маданияти ва санъатини оммалаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган халқаро маданий тадбирларнинг республика ва унинг ташқарисида ўтказилишини ташкил қилиш;

(iii) Ўзбекистон Республикасида меценатликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

(в) *маданиятлараро ижодий мулоқотни йўлга қўйиш ва ўзбек санъатининг жаҳон бадиий ва маданий маконига интеграциялашувига кўмаклашиш, шунингдек, мамлакатимизнинг маданий ва илмий-техник салоҳияти ҳамда рақобатбардошлиги билан боғлиқ жиҳатларни намойиш этиш борасида:*

(i) маданият ва санъат арбобларини жаҳон маданий ҳамжамиятига кенг жалб этиш, шу жумладан, уларнинг халқаро кўргазмалар, конференциялар, фестиваллар ва шу кабилардаги иштирокини таъминлашга доир тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

(ii) Ўзбекистон маданияти ва санъатини жаҳон даражасида кенг тарғиб қиладиган адабиётлар яратиш ва уларни хорижий нашриёт уйлари орқали оммалаштириш;

(г) *маданият ва санъат соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шу билан бирга, маданият ва санъат муассасаларини зарур адабиётлар ва даврий нашрлар билан таъминлаш борасида:*

(i) маданият ва санъат соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлашга, ёшлар ҳамда Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида Ўзбекистон маданияти ва санъатини ривожлантиришга қаратилган фаолият билан шуғулланувчи шахсларни рағбатлантиришга доир тадбирларни, шу жумладан, грант дастурларини шакллантириш орқали ташкил этиш;

(ii) Жамғарма ва унинг тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича тадбирлар учун мақсадли маблағлар ажратиш;

(д) *хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз музейлари ва бошқа маданий муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш борасида:*

(i) хорижий тажрибани доимий ўрганиш ва музейлар ҳамда бошқа маданият муассасаларининг фаолияти самарадорлигини оширишда кўмаклашиш;

(ii) музейлар, маданий мерос объектлари ва маданият муассасаларида инклюзив муҳитни яратиш;

(ж) *маданий мерос соҳасида давлат сиёсатини юритишга кўмаклашиш борасида:*

(i) Маданий мерос агентлиги фаолиятини ривожлантириш, унинг ваколат доирасига кирувчи масалалар, ижро ва меҳнат интизомини таъминлаш бўйича тавсиялар бериш;

(ii) Маданий мерос агентлиги таклифига асосан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асрашга доир ишлар амалга ошириладиган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг ҳар йиллик манзилли рўйхатини кўриб чиқиш ҳамда келишиш;

(iii) Маданий мерос агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг раҳбарлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (индикаторлари)ни мониторинг қилиб бориш;

(з) *халқаро стандартларга мувофиқ янги маданий муассасалар қуриш учун молиявий маблағ ва кўмак бериш борасида:*

(i) маданият ва санъат объектларини лойиҳалаш, реставрация, реконструкция ҳамда қурилиш-таъмирлаш бўйича мазкур мақсадлар учун ажратилган республика бюджети ва ўз маблағлари ҳисобидан буюртмачи функциясини бажариш;

(ii) жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, янги маданият муассасаларини қуриш ишларини амалга оширишга хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

(iii) халқаро стандартларга мувофиқ янги маданият муассасаларини қуриш ишларини амалга ошириш;

(iv) маданият муассасаларини қуриш учун мақсадли молиявий маблағлар ажратиш;

(и) *маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни капитал ҳамда жорий таъмирлаш борасида:*

(i) музейлар, маданий мерос объектлари ва маданият муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

(ii) маданият муассасаларини лойиҳалаш, реставрация, реконструкция қилиш ва қуриш учун етакчи халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб этиш;

(iii) музейлар, маданий мерос объектлари ва маданият муассасаларида реставрация, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини белгиланган тартибда амалга ошириш;

(к) *халқаро институтлар, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари, ҳомийлар ва донорлар билан ҳамкорликда лойиҳаларнинг биргаликда молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш борасида:*

(i) халқаро институтлар, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари, ҳомийлар ва донорлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

(ii) Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатни ривожлантиришга йўналтирилган грантлар ажратиш ва бошқа кўмак беришда халқаро институтлар, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари, ҳомийлар ва донорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қўшма тадбирларни, шу жумладан, уларнинг инвестиция лойиҳаларида иштирок этишини ташкил этиш;

(л) *жаҳондаги илғор тажрибаларни мамлакатимизда жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида маданият ва санъат соҳасини молиялаштириш бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш борасида:*

(i) маданият ва санъат соҳасида жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш;

(ii) илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича асосли таклифларни тайёрлаш;

(iii) илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режалари ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш;

(м) *аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида:*

(i) жорий ҳолатни ўрганиш, шунингдек, маданият ва санъат ташкилотлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган пулли хизматлар ҳажмини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

(ii) пулли асосда ноёб бренд маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш, роялти тизимини қўллаш, шу жумладан, китоб, босма нашрлар савдоси ва Жамғарма томонидан ўтказиладиган маданий тадбирларга чипта савдосини амалга ошириш;

(iii) Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида мамлакатимиз маданияти ва санъати соҳасидаги энг яхши ютуқларни тарғиб қилиш мақсадида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш;

(н) *қонунчиликда белгиланган манбалардан тушаётган маблағларни жамғаришни таъминлаш борасида:*

(i) таҳлил ўтказиш ва Жамғармага маблағларнинг ўз вақтида тушишини таъминлаш;

(ii) Жамғармага маблағларнинг тушиши ва сарфланишини прогноз қилиш;

(iii) Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини молия ташкилотларига жойлаштириш;

(о) *ажратилаётган мақсадли маблағлардан тўғри, самарали ва мақсадли фойдаланиш устидан тизимли назорат ўрнатиш борасида:*

(i) ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини мониторинг қилиш;

(ii) Жамғарманинг даромад ва харажатлари сметаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

(iii) Жамғарманинг идоравий мансуб ташкилотларини сақлаш харажатлари ва фаолиятини молиялаштириш чораларини кўриш, бу борада қўшимча молиялаштириш масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиш;

(iv) Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ҳисобини юритиш ва уларнинг бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига ҳар йиллик ҳисоботни тақдим этиш;

(п) *Жамғарма ва унинг тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар учун мақсадли маблағлар ажратиш борасида:*

(i) Жамғарма ва унинг тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни рағбатлантириш бўйича таклифларни, уларга давлат мукофотлари бериш юзасидан тақдимномаларни киритиш;

(ii) хизмат вазифаларини бажариш чоғидаги алоҳида хизматлари учун ва пенсияга (нафақага) чиқиши муносабати билан қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш;

(iii) ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш (ходимлар учун уй-жой қуриш ва харид қилиш, санаторий-курортда даволаниш ва тиббий хизмат кўрсатиш, мукофотлар тўлаш, устамалар белгилаш, моддий ёрдам ва бошқалар);

(iv) ходимларининг лавозим маоши, илмий даражалари, узоқ муддат узлуксиз хизмати учун устама ҳақлар, байрам кунлари учун мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалар, рағбатлантириш тўловлари, қўшимча моддий рағбатлантириш тўловлари ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларни тўлаб бориш;

(p) *креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, ушбу соҳадаги муносабатларни такомиллаштириб бориш чораларини кўриш борасида:*

(i) креатив индустрияни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқариш;

(ii) креатив иқтисодиётнинг жорий ҳолати бўйича таҳлилий материалларни шакллантириш;

(iii) креатив индустрия соҳасидаги миллий ва халқаро лойиҳалар амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

(iv) зарурият туғилганда креатив иқтисодиёт соҳасида ишчи гуруҳлар, идоралараро комиссиялар ва экспертлик платформалари фаолиятини ташкил этиш.

3-боб. Жамғарманинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Жамғарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(а) белгиланган тартибда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан Жамғарма ваколатларига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур ахборотларни сўраш ва олиш;

(б) ўз банк ҳисобварақларида мазкур Низомнинг 22-бандида белгиланган манбалардан тушадиган маблағларни жамғариш;

(в) Жамғарма томонидан ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш, қоидабузарликлар аниқланган тақдирда молиялаштиришни тўхтатиш ёки ажратилган маблағларни қайтариб олиш;

(г) вақтинча бўш маблағларни ликвидли молиявий инструментларга (депозитлар, қимматли қоғозлар, облигациялар ва шу кабиларга) жойлаштириш;

(д) Жамғарма маблағларининг маданият ва санъатни ривожлантиришга доир аниқ лойиҳалар учун ажратилишида шартларни белгилаш;

(ж) ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун хорижий ҳамкорлар билан шартномалар тузиш;

(з) маданият ва санъатни ривожлантиришнинг турли масалалари бўйича белгиланган тартибда ташаббуслар билан чиқиш;

(и) ёшлар ҳамда Ўзбекистон маданияти ва санъатини ривожлантиришга қаратилган фаолият билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган шахсларга грантлар шаклида маблағлар ажратиш;

(к) оммавий ахборот воситалари ва бошқа ахборот манбаларида ўз фаолияти ҳақида материалларни эълон қилиш;

(л) Жамғарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

(м) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Жамғармага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш;

(н) ўз ваколатлари доирасида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

(о) идоравий мансублигидан қатъи назар, республикадаги барча музейлар, маданий мерос объектлари ҳамда маданият ва санъат муассасалари Жамғарма лойиҳаларининг амалга оширилишига ўз ваколатлари доирасида яқиндан кўмаклашиш;

(п) Жамғарма идоравий мансуб ташкилотларининг давлат мулкини бир бўлинмадан бошқасига белгиланган тартибда ўз ташкилий тузилмаси доирасида, текин фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш;

(р) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган фаолият турларини амалга ошириш;

(с) Жамғарма қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Жамғарма:

(а) мазкур Низомда белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилишини таъминлаши;

(б) Жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши юзасидан доимий назоратни амалга ошириши;

(в) Жамғарма даромадларининг истиқболли кўрсаткичлари бажарилиши самарадорлигини таҳлил қилиш, аниқланган ва маблағларининг келиб тушишига салбий таъсир кўрсатаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриши шарт.

4-боб. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш тартиби

10. Жамғарма фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади.

11. Жамғарма раиси мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департамент бошлиғига тенглаштирилади.

12. Жамғарма раиси бир нафар биринчи ўринбосарга ва икки нафар ўринбосарга эга бўлади.

13. Жамғарма раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

14. Жамғарма раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитларига кўра тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

15. Жамғарма бошқарув ходимлари Жамғарма раиси томонидан тўғридан-тўғри суҳбат асосида лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

16. Жамғарма раиси:

(а) Жамғарманинг идоравий мансуб ташкилотларининг низомларини (уставларини), шунингдек, ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида Жамғарма ва идоравий мансуб ташкилотларнинг тузилмаларини тасдиқлайди;

(б) Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлайди;

(в) Жамғарманинг ҳар йиллик календарь режасини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига киритади, бунда лойиҳаларнинг халқаро, давлатлараро ва республика каби даражаларини белгилашни назарда тутади;

(г) Жамғармага юкланган асосий вазифалар ва функцияларга мувофиқ Жамғарма фаолиятини ташкил этади, Жамғарманинг штатлар жадвалини тасдиқлайди, хўжалик, меҳнат ва бошқа шартнома ҳамда ҳужжатларни Жамғарма номидан имзолайди;

(д) Жамғарма раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритади;

(ж) маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни шартнома асосида уларга, истисно тариқасида, Жамғарма маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаган ҳолда жалб қилади;

(з) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Жамғарма ходимларига уларнинг асосий эгаллаб турган лавозимлари бўйича лавозим маошлари (тариф ставкалари)га қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар ҳамда узоқ муддат хизмат қилгани учун устама ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорларини белгилайди;

(и) Маданий мерос агентлиги директори маслаҳатчилари, марказий аппарати бошқарма ва бошқа таркибий тузилмалари раҳбарлари, ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, унинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарлари, шу жумладан, давлат музейлари директорлари лавозимларига номзодларни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш масалаларини белгиланган тартибда кўриб чиқади;

(к) ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши ҳақидаги ҳисоботни тақдим этади;

(л) Жамғарма маблағлари тушумларини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланилиши, шу жумладан, хорижий инвестиция ва ҳомийларни жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

(м) мазкур Низомга ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

17. Жамғарма бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

18. Қуйидаги ташкилотлар Жамғарма тасарруфидаги идоравий мансуб ташкилотлар ҳисобланади:

(а) “Замонавий санъат маркази” давлат муассасаси;

(б) “Франция маданият маркази” давлат муассасаси;

(в) “Миллий реставрация маркази” давлат муассасаси;

(г) “Республика болалар кутубхонаси” давлат муассасаси;

(д) “Жадидлар мероси давлат музейи” давлат муассасаси;

(ж) “Бухоро биенналеси дирекцияси” давлат муассасаси;

(з) Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” арт-резиденцияси” давлат муассасаси;

(и) Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” санъат галереяси” давлат муассасаси;

(к) “Самарқанд вилояти болалар кутубхонаси” давлат муассасаси;

(л) “Қўқон шаҳар болалар кутубхонаси” давлат муассасаси;

(м) “Креатив индустрия парки дирекцияси” масъулияти чекланган жамияти.

19. Жамғарма раисига Жамғарма ва идоравий мансуб ташкилотларнинг тузилмалари ва штатлар жадвалига ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

20. Жамғарма раисининг таклифига биноан Жамғарманинг Васийлик кенгаши тузилиши мумкин, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан тасдиқланади.

21. Жамғарма ҳузурида маданият ва санъат арбобларидан иборат Эксперт кенгаш тузилиши мумкин, унинг таркиби Жамғарма раиси томонидан тасдиқланади.

5-боб. Жамғарма фаолиятини молиялаштириш

22. Қуйидагилар Жамғарма фаолиятини, шу жумладан, Жамғарма томонидан ташкил этиладиган эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳлар, шартнома асосида жалб этиладиган маҳаллий ва хорижий мутахассисларга тўловларни амалга ошириш ҳамда Жамғарма ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

(а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

(б) Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

(в) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳамда халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари, меценатлик кўмаги, грантлари;

(г) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

23. Жамғарма раиси Жамғарма маблағларининг тасарруфчиси ҳисобланади.

24. Жамғармани таъминлаш харажатлари қоплангандан сўнг Жамғарма маблағлари Жамғарманинг даромад ва харажатлари сметасига мувофиқ мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган вазифа ва функцияларни бажариш учун йўналтирилади.

25. Жамғарманинг даромад ва харажатлар сметаси бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бюджет ташкилотлари учун (чораклар, тушумлар манбалари ва уларнинг сарфланиш йўналишлари бўйича) қонунчиликда белгиланган тартибда тузилади ва Жамғарма раиси томонидан тасдиқланади.

26. Жамғарманинг бўш маблағларидан грант асосида миллий маданий давлат дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштириш (биргаликда молиялаштириш) учун фойдаланилиши мумкин.

27. Жамғармага, истисно тариқасида, товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олиш учун етказиб берувчилар билан импорт битимлари (шартномалари) тузилган тақдирда, Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобидан (Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар бундан мустасно) 15 фоиздан ортиқ аванс тўлашга, шунингдек, Жамғарманинг тегишли йил учун мўлжалланган календарь режасида кўрсатилган муддатлардан қатъи назар лойиҳалар бўйича ушбу йил давомида шартномалар (битимлар) тузишга рухсат берилади.

7-боб. Якуний қоидалар

28. Жамғарма ҳар йили қонунчиликка мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлайди. Жамғарманинг молиявий ҳисоботи молиявий йил якунлангандан сўнг аудиторлик ташкилотлари томонидан мажбурий

QMMB: 06/26/15/0102-son
03.02.2026-y

тартибда текширилади. Молиявий ҳисобот, аудиторлик хулосаси ҳар йили 1 майдан кеч бўлмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига тақдим этилади.

29. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар";

(з) қарорга илова қарорга 2-илова деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 октябрдаги "Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–5270-сон қарорида:

(а) 3-бандниng "а" кичик банди иккинчи хатбошисидаги ", "Ипак йўли" арт-резиденцияси, "Ипак йўли" санъат галереяси" сўзлари чиқариб ташлансин;

(б) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 30 октябрдаги ПҚ–5270-сон қарорига
3-илова

"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети Васийлик кенгашининг ТАРКИБИ

А.Ў. Аққулов	–	Туризм қўмитаси раиси, *Васийлик кенгаши раиси*
Б.Г. Абдикаримов	–	Маданий мерос агентлиги директори, *Васийлик кенгаши раиси ўринбосари*
С.А. Садуллаев	–	иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
С.Б. Раджабов	–	олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари
Б.А. Абдуҳалимов	–	Фанлар академияси вице-президенти
Ф.К. Умаров	–	Самарқанд шаҳар ҳокими

QMMB: 06/26/15/0102-son
03.02.2026-y

Лавозими бўйича – “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети ректори, *Васийлик кенгаши котиби*

Изоҳ: Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Васийлик кенгаши раиси Васийлик кенгашининг таркибига янги аъзоларни қўшимча равишда киритиш, шунингдек, бошқа вазирликлар ва идораларнинг экспертлари ва мутахассисларини жалб қилиш ҳуқуқига эга”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5282-сон қарорига 1-илованинг 25-позицияси “Масъул ижрочилар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ёшлар ишлари агентлиги, Спорт вазирлиги, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси”.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида маданий мерос соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–177-сон қарорининг 5-бандида:

(а) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(б) “а” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) Жамғарма раиси ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси раиси ҳисобланади”.

QMMB: 07/26/34/0100-son
02.02.2026-y.

4 (1232)-son
68-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 30 » январь № ПҚ–34

Жиззах вилоятида саноат ва қишлоқ хўжалиги бошқарувини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Жиззах вилоятида саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш, ушбу йўналишда кенг кўламли ислоҳотларни янада жадаллаштириш, ҳудудда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларининг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари – вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси бошлиғи лавозими тугатилсин. Бунда Жиззах вилояти инвестициялар, саноат ва савдо бошқармасида мавжуд **штат бирликлари доирасида** бошқарма бошлиғи лавозими сақлаб қолинади.

2. Жиззах вилояти ҳокимлиги тузилмасининг **умумий штат бирликлари** доирасида:

(а) ҳокимнинг **тоғли ҳудудлар** ва **яйловларни** ривожлантириш, инвестиция ва савдо масалалари бўйича ўринбосари;

(б) ҳокимнинг **дашт** ва **чўл ҳудудларида** саноатни ривожлантириш, инвестиция ва савдо масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари киритилсин.

3. Қуйидагилар Жиззах вилояти ҳокимлиги тузилмасига киритилаётган ҳоким ўринбосарларининг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

(а) ҳокимнинг **тоғли ҳудудлар** ва **яйловларни** ривожлантириш, инвестиция ва савдо масалалари бўйича ўринбосарининг:

(i) тоғли ҳудудларда **фойдали қазилма захирасига** эга ер участкаларини аниқлаш ва **зарур инфратузилмани яратиш**, тоғ-кон саноати йўналишидаги инвестиция лойиҳаларини **амалга ошириш**;

(ii) **тоғ ва яйлов ҳудудлари**нинг **саноат, ишлаб чиқариш, туризм, экспорт** бўйича салоҳиятини ошириш, **маҳаллий ва хорижий инвестицияларни** жалб қилиш;

(iii) яйлов ҳудудларида қишлоқ хўжалигига мос келадиган **"ўсиш нуқталари"**ни аниқлаш, **чорвачилик, боғдорчилик, асаларичилик** соҳаларини ривожлантириш ҳамда **экспортбоп ўсимликлар етиштириш**ни йўлга қўйиш;

(iv) тоғли ҳудудлар ва яйловларни **муҳофаза қилиш**, деградацияга учраган яйловларни қайта тиклаш ва глобал иқлим ўзгаришларига **мослашувчан экотизимни яратиш**;

(б) ҳокимнинг **дашт** ва **чўл ҳудудларида** саноатни ривожлантириш, инвестиция ва савдо масалалари бўйича ўринбосарининг:

(i) дашт ҳудудларида янги имкониятларни аниқлаш, зарур инфратузилмани яратиш орқали **вилоят саноатидаги ва ялпи ишлаб чиқаришга қўшадиган улушини** ошириш;

(ii) чўл ҳудудларда **ерости сув захираларини** аниқлаш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантириш;

(iii) дашт ва чўл ҳудудларида экологик инфратузилмани барпо этиш, чанг бўронларининг олдини олишга қаратилган **"яшил белбоғлар"**ни ташкил этиш ҳамда **қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш мақсадида** қуёш панеллари фермалари ва шамол генерациясини оммалаштириш;

(iv) дашт ва чўл ҳудудларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали ҳудудларда **чорвачилик, қуёнчилик, туячиликни ривожлантириш** бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш.

4. 2026 йилдан бошлаб янги киритилаётган вилоят ҳокими ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашда **натижага** йўналтирилган **бошқарув тизими тажриба-синов тариқасида** жорий этилади. Бунда:

(а) уларга самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларини (кейинги ўринларда – KPI кўрсаткичлари) белгилашда тегишли ҳудудларда саноатни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича стратегик кўрсаткичлар ва мақсадли **индикаторлар кўзда тутилади**;

(б) фаолият самарадорлигини баҳолаш бўйича KPI кўрсаткичлари таснифланади (стратегик, ҳудуд ва туман), уларнинг **ўзаро мутаносиблиги таъминланган ҳолда ишлаб чиқилади**;

(в) уларнинг фаолияти самарадорлиги KPI кўрсаткичлари бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида белгиланган мақсадларга эришганлик даражаси ва натижадорлиги билан баҳоланади;

(г) KPI кўрсаткичларига эришиш бўйича "**йўл хариталари**" натижага йўналтирилган бошқарувга асосланган чора-тадбирлардан иборат бўлади;

(д) KPI кўрсаткичларига эришиш натижаси **ҳар чорак ва йил якуни бўйича** "samaradorlik.gov.uz" электрон платформасида баҳоланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги Жиззах вилояти ҳокимлигида жорий қилинган **тажриба-синовнинг ижобий натижаларини** бошқа ҳокимликларда ҳам жорий қилиш юзасидан **2026 йил декабрь ойига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

6. Қуйидагилар:

(а) Жиззах вилояти ҳокимлиги тузилмасига киритилаётган ҳоким ўринбосарларига бириктирилган ҳудудлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

QMMB: 07/26/34/0100-son
02.02.2026-y.

(б) Жиззах вилоятининг **тоғ, яйлов, дашт ва чўл ҳудудларини ривожлантириш бўйича стратегик** мақсадлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

7. Жиззах вилояти ҳокимлиги **бир ҳафта муддатда** мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Жиззах вилояти ҳокимининг тегишли ўринбосарлари функционал вазифалари ва уларнинг котибиятлари тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** Жиззах вилояти ҳокимлиги тузилмасига киритилаётган ҳоким ўринбосарларининг мазкур қарорнинг 3-бандида назарда тутилган вазифаларидан ҳамда ушбу қарорга 2-иловада белгиланган стратегик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, уларнинг KPI кўрсаткичларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги директори вазифасини бажарувчиси У.Ш. Хусаинов белгилансин.

10. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/34/0100-son
02.02.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 30 январдаги ПҚ–34-сон қарорига
1-илова

Жиззах вилояти ҳокимлиги тузилмасига киритилаётган ҳоким ўринбосарларига бириктирилган ҳудудлар РЎЙХАТИ

Т/р	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари	Бириктирилган ҳудудлар
1.	Вилоят ҳокимининг тоғли ҳудудлар ва яйловларни ривожлантириш, инвестиция ва савдо масалалари бўйича ўринбосари	Бахмал тумани Зомин тумани Фориш тумани Ғаллаорол тумани Янгиобод тумани
2.	Вилоят ҳокимининг дашт ва чўл ҳудудларида саноатни ривожлантириш, инвестиция ва савдо масалалари бўйича ўринбосари	Арнасой тумани Дўстлик тумани Зафаробод тумани Зарбдор тумани Мирзачўл тумани Пахтакор тумани Шароф Рашидов тумани Жиззах шаҳри

QMMB: 07/26/34/0100-son
02.02.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 30 январдаги ПҚ–34-сон қарорига
2-илова

Жиззах вилоятининг тоғ, яйлов, дашт ва чўл ҳудудларини ривожлантириш бўйича СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР

Т/р	Вилоят ҳокими ўринбосари				Туман ҳокими ўринбосари			Масъул туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари	Масъул давлат органлари ҳудудий бўлинмалари
	Стратегик мақсадлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	Индикаторлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	Субиндикаторлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	2026 йил режаси		
Ҳокимнинг тоғли ҳудудлар ва яйловларни ривожлантириш, инвестиция ва савдо масалалари бўйича ўринбосари (Бахмал, Зомин, Фориш, Ғаллаорол, Янгиобод туманлари)									
1.	Тоғли ҳудудлар ва яйловларда инвестицион муҳитни яхшилаш	18	Инвестицияларни жалб қилиш	50	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш (млн доллар)	40	594,2	Туман ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари	Туман инвестиция бўлими
					Аҳоли жон бошига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (минг сўм)	40	10 653		
					Ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш (сони)	20	146		
			Махсус иқтисодий ва саноат зоналарини ривожлантириш	50	Махсус иқтисодий ва саноат зоналарида ишга туширилган лойиҳалар (сони)	25	10	Туман ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари	Туман инвестиция бўлими
					Махсус иқтисодий ва саноат зоналарида ишлаб чиқариш ҳажми (млрд сўм)	25	11250		
					Махсус иқтисодий ва саноат зоналарида бўш ер майдони (га, регрессив)	25	23		
					Махсус иқтисодий ва саноат зоналарида ишчилар сони (нафар)	25	135		

QMMB: 07/26/34/0100-son
02.02.2026-y.

Т/р	Вилоят ҳокими ўринбосари				Туман ҳокими ўринбосари			Масъул туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари	Масъул давлат органлари ҳудудий бўлинмалари
	Стратегик мақсадлар	Ўлчов бирлиги (фоиз)	Индикаторлар	Ўлчов бирлиги (фоиз)	Субиндикаторлар	Ўлчов бирлиги (фоиз)	2026 йил режаси		
2.	Тоғли ҳудудлар ва яйловларда табиий минерал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	20	Фойдали қазилмалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш	100	Фойдаланилаётган конлар сони (та)	50	8	Туман ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари	
					Фойдаланилмаётган конлар сони (та, регрессив)	50	15		
3.	Тоғли ҳудудларнинг ўзига хос саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш	20	Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (ҚТЭМҚ) ўрнатиш	40	Янги ўрнатилган энергия манбалари қурилмалари (қуёш панеллари, шамол генераторлари ва микроГЭС) қуввати (МВт)	100	438	Туман ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари	Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими
			Экспорт ҳажмини ошириш	60	Экспорт қилинган саноат маҳсулотлар ҳажми (млн доллар)	50	87,4	Туман ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари	Туман инвестиция бўлими
					Экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотлар ҳажми (млн доллар)	50	109,5		
4.	Тоғли ҳудудлар ва яйловларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш	18	Боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш	25	Янги боғлар ташкил этиш (га)	40	2 162,6	Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари	Туман қишлоқ хўжалиги бўлими
					Эскирган ва самарасиз боғларни янгилаш (га)	800	650		
					Боғдорчилик маҳсулотларининг ҳажми (млрд сўм)	40	662,8		

QMMB: 07/26/34/0100-son
02.02.2026-y.

Т/р	Вилоят ҳокими ўринбосари				Туман ҳокими ўринбосари			Масъул туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари	Масъул давлат органлари ҳудудий бўлинмалари
	Стратегик мақсадлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	Индикаторлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	Субиндикаторлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	2026 йил режаси		
			Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш	25	Чорвачилик маҳсулотлари ҳажми (млрд сўм)	25	1600		
					Чорвачиликка ихтисослашган янги хўжаликлар ташкил этиш (сони)	25	12		
					Йирик шохли қорамоллар бош сони (минг бош)	25	600,6		
					Қўй ва эчкилар бош сони (минг бош)	25	1 889,1		
			Асаларичиликни ривожлантириш	20	Асал ишлаб чиқариш ҳажми (тонна)	50	810,5		
					Асал ишлаб чиқарувчи хўжаликлар сони (та)	50	31		
			Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	30	Томчилатиб суғориш жорий қилинган яйловлар (га)	100	670		
5.	Тоғли ҳудудлар ва яйловларда туризм инфратузилмасини ташкил қилиш	24	Жамоавий ва индивидуал жойлаштириш воситаларини ривожлантириш	60	Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари (сони)	10	9	Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари	Вилоят туризм бошқармаси
					Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахслар (нафар)	15	602 100		
					Санатория-курорт муассасалари (сони)	10	1		
					Санатория-курорт муассасаларида жойлаштирилган шахслар (нафар)	15	212 650		
					Дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар (сони)	10	2		

QMMB: 07/26/34/0100-son
02.02.2026-y.

Т/р	Вилоят ҳокими ўринбосари				Туман ҳокими ўринбосари			Масъул туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари	Масъул давлат органлари ҳудудий бўлинмалари
	Стратегик мақсадлар	Ўлчов бирлиги (фоиз)	Индикаторлар	Ўлчов бирлиги (фоиз)	Субиндикаторлар	Ўлчов бирлиги (фоиз)	2026 йил режаси		
					Дам олиш ташкилотлари ва туристик базаларда хизмат кўрсатилган шахслар (нафар)	15	9 170		
					Индивидуал жойлаштириш воситалари (меҳмон уйлари, дала ҳовли, ўтов лагери) сони	10	35		
					Умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари (сони)	15	53		Туман иқтисодиёт ва молия бўлими
			Асосий туристик ресурсларни ривожлантириш	40	Махсус тоғ инфратузилмаларини ташкил қилиш (дор йўллари, кўприк, км)	100	2	Туман ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари	Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими
Ҳокимнинг дашт ва чўл ҳудудларида саноатни ривожлантириш, инвестиция ва савдо масалалари бўйича ўринбосари (Арнасой, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор, Шароф Рашидов туманлари ва Жиззах шаҳри)									
1.	Дашт ва чўл ҳудудларида инвестицион муҳитни яхшилаш	20	Инвестицияларни жалб қилиш	40	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш (млн доллар)	40	766,5	Туман ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари	Туман инвестиция бўлими
					Аҳоли жон бошига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (минг сўм)	40	12100		
					Ишлаб чиқилган лойиҳалар (сони)	20	253		
			Махсус иқтисодий ва саноат	30	Махсус иқтисодий ва саноат зоналарида ишга туширилган лойиҳалар (сони)	25	18	Туман ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо	Туман инвестиция бўлими

T/r	Вилоят ҳокими ўринбосари				Туман ҳокими ўринбосари			Масъул туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари	Масъул давлат органлари ҳудудий бўлинмалари
	Стратегик мақсадлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	Индикаторлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	Субиндикаторлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	2026 йил режаси		
			зоналарини ривожлантириш		Махсус иқтисодий ва саноат зоналарида ишлаб чиқариш ҳажми (млрд сўм)	25	5100	масалалари бўйича ўринбосари	
					Махсус иқтисодий ва саноат зоналарида бўш ер майдони (га, регрессив)	25	15		
					Махсус иқтисодий ва саноат зоналарида ишчилар сони (нафар)	25	6 925		
2.	Дашт ва чўл ҳудудларида ресурслардан самарали фойдаланиш	15	Сув таъминотини яхшилаш	100	Суғориш тармоқларини ўтказиш (км)	50	132	Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари	Туман қишлоқ хўжалиги бўлими
					Томчилатиб суғориш жорий қилинган майдонлар (га)	50	6000		
3.	Дашт ва чўл ҳудудларининг саноат ва савдо салоҳиятини ошириш	20	Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (ҚТЭМҚ) ўрнатиш	25	Янги ўрнатилган энергия манбалари қурилмалари (қуёш панеллари, шамол генераторлари) қуввати (МВт)	100	14,5	Туман ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари	Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими
			Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	35	Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (минг сўм)	100	19348	Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари	Туман иқтисодиёт ва молия бўлими

QMMB: 07/26/34/0100-son
02.02.2026-y.

Т/р	Вилоят ҳокими ўринбосари				Туман ҳокими ўринбосари			Масъул туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари	Масъул давлат органлари ҳудудий бўлинмалари
	Стратегик мақсадлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	Индикаторлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	Субиндикаторлар	Ўлчов бирлиги *(фоиз)*	2026 йил режаси		
			Экспорт ҳажмини ошириш	40	Экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми (млн доллар)	100	211,1	Туман ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари	Туман инвестиция бўлими
4.	Дашт ва чўл ҳудудларида чорвачиликни ривожлантириш	15	Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш	100	Чорвачилик маҳсулотлари ҳажми (млрд сўм)	25	1200	Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари	Туман қишлоқ хўжалиги бўлими
					Чорвачиликка ихтисослашган (қуён, туя в.б.) хўжаликлар ташкил этиш (сони)	25	23		
					Йирик шохли қорамоллар бош сони (минг бош)	25	422,4		
					Қўй ва эчкилар бош сони (минг бош)	25	680,9		
5.	Дашт ва чўл ҳудудларида туризм инфратузилмасини ташкил қилиш	10	Жамоавий ва индивидуал жойлаштириш воситаларини ривожлантириш	60	Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари (сони)	15	8	Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари	Вилоят туризм бошқармаси
					Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахслар (нафар)	20	186 340		
					Дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар (сони)	15	2		
					Дам олиш ташкилотлари ва туристик базаларда хизмат кўрсатилган шахслар (нафар)	20	14 550		
					Индивидуал жойлаштириш воситалари (меҳмон уйлари, ўтов лагери) сони	15	34		

QMMB: 07/26/34/0100-son
02.02.2026-y.

Т/р	Вилоят ҳокими ўринбосари				Туман ҳокими ўринбосари			Масъул туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари	Масъул давлат органлари ҳудудий бўлинмалари
	Стратегик мақсадлар	Ўлчов бирлиги (фоиз)	Индикаторлар	Ўлчов бирлиги (фоиз)	Субиндикаторлар	Ўлчов бирлиги (фоиз)	2026 йил режаси		
					Умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари (сони)	15	77		Туман иқтисодиёт ва молия бўлими
			Асосий туристик ресурсларни ривожлантириш	40	Махсус чўл инфратузилмаларини (сафари, экотуризм объектлари) ташкил қилиш (сони)	100	1	Туман ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари	Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими
6.	Дашт ва чўл ҳудудларида экологик инфратузилмани барпо этиш	20	Чанг бўронларининг олдини олиш мақсадида “яшил белбоғлар” ташкил этиш	50	Қишлоқ хўжалиги ерларида иҳотазорлар барпо қилиш (га)	50	167	Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари	Туман қишлоқ хўжалиги бўлими
					Янтоқ, саксовул, изен ва бошқа чўл ўтлари экилган майдон (га)	50	188		
			Тупроқ эрозиясини камайтириш	50	Тупроқ шўрланишини камайтириш (га)	50	242		
					Тупроқлардаги гумус миқдорини ошириш (га)	50	3 195		

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 30 » январь № ПҚ–35

2026–2027 йилларда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Жиззах вилояти иқтисодиётининг юқори суръатларда ва барқарор ўсишини таъминлаш, ҳудудда инфратузилма ва бизнес муҳитини янада яхшилаш, туризм салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, “яшил” тамойил ва ёндашувларни кенг жорий қилиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш ҳамда камбағалликни қисқартириш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Асосий мақсадлар

1. **Қуйидагилар Жиззах вилоятини 2026–2027 йилларда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:**

(а) **ялпи ҳудудий маҳсулот** ҳажми йиллик ўртача **8,5 фоиз**га, саноат ишлаб чиқариш ҳажми **7,8 фоиз**га, бозор хизматлари ҳажми **13,2 фоиз**га ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми **4,6 фоиз**га ўсишини таъминлаш;

(б) 2026 йилда ишсизлик даражасини **3 фоиз**га ва камбағаллик даражасини **2,8 фоиз**га тушириш, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов, Бахмал, Ғаллаорол, Дўстлик, Зомин ва Зафаробод туманларини **камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудуд**га айлантириш;

(в) **хорижий инвестициялар** умумий миқдорини **5 миллиард** АҚШ доллари ва ҳудудий **экспорт ҳажми**ни 2026 йилда **500 миллион** АҚШ долларига етказиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини **30 фоиз**га қисқартириш;

(г) 2026 йилда **182 та** маҳаллани **жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш**.

II. Вилоятда маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштириш

2. Қуйидагилар:

(а) Жиззах вилоятида 2026–2027 йилларда **амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари** рўйхати **1-илова**га мувофиқ тасдиқлансин;

(б) Жиззах вилояти ҳокимининг **тоғли ҳудудлар** ва **яйловларни ривожлантириш, инвестиция, ва савдо масалалари** бўйича ўринбосари **2026 йил якунига қадар**:

(i) жами қиймати **1,5 миллиард АҚШ доллари** бўлган **39 та йирик инвестиция лойиҳалар**и амалга оширилишини;

(ii) тоғли ҳудудларда мавжуд имкониятларни тўлиқ рўёбга чиқариш, **табиий ресурслардан самарали фойдаланиш** ҳамда **зарур инфратузилмани яратиш орқали** инвестициялар кенг жалб қилинишини таъминласин;

(в) Жиззах вилояти ҳокимининг **дашт** ва **чўл ҳудудларида саноатни ривожлантириш, инвестиция, ва савдо** масалалари бўйича ўринбосари **2026 йил якунига қадар:**

(i) жами қиймати **1 миллиард АҚШ доллари** бўлган **60 та йирик инвестиция лойиҳалар**и амалга оширилишини;

(ii) янги саноат корхоналари сонини ошириш орқали юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда аҳоли даромадлари ўсишини таъминласин.

3. Жиззах вилоятида **маҳаллалар ихтисослашувини** уларнинг географик жойлашуви, мавжуд хомашё ва ер ресурсларидан келиб чиқиб, аниқланган қиёсий устунликлари асосида **чуқурлаштириш** мақсадида **2026–2027 йилларда** қуйидагилар амалга оширилсин:

(а) Агросаноатни ривожлантириш агентлиги, “Uzagrostar xolding” компанияси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги:

(i) Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Фориш ва бошқа туманларнинг **57 та** боғдорчиликка ихтисослашган маҳаллаларида **5 минг** гектар эски боғ ва токзорларни янгиласин ҳамда **4,6 минг** гектар ер майдонида янги интенсив саноатлашган плантацияларни ташкил этсин;

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

(ii) **Шароф Рашидов**, **Ғаллаорол**, **Зарбдор**, **Янгиобод, Зомин, Мирзачўл, Бахмал** ва бошқа туманларнинг **126 та сабзавот** ва **полизчиликка ихтисослашган** маҳаллаларида **10 минг** гектар аҳоли томорқаси ва ижара ер майдонларида ҳосилдорлиги юқори ва экспортбоп маҳсулотлар етиштирилишини таъминласин;

(б) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги **Фориш, Ғаллаорол, Дўстлик**, **Зафаробод**, **Мирзачўл** ва бошқа туманларда **чорвачиликка** ихтисослашган **140 та** маҳаллада **101 минг** бош чорва молларининг наслини яхшилаш чораларини кўрсин;

(в) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги **саноат йўналишида:**

(i) **50 та** маҳаллани саноатга ихтисослаштирсин, **Шароф Рашидов**, **Дўстлик, Ғаллаорол, Арнасой** ва **Зафаробод** туманларида **40 та** маҳаллани ўз фаолияти билан қамраб олувчи **5 та тадбиркорлик марказларини ташкил этсин**;

(ii) Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тажриба-синов тариқасида вилоятдаги эркин иқтисодий зонадаги корхоналар, шу жумладан, **автомобилсозлик корхоналари** атрофидаги **15 та** маҳаллада **кооперация орқали кичик ишлаб чиқариш**ларни кенгайтирсин;

(г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги **хизматлар ва туризм йўналишида**:

(i) Туризм қўмитаси билан биргаликда **Арнасой, Бахмал**, **Зафаробод**, **Фориш** ва **Шароф Рашидов** туманларида **5 та** йирик туризм комплекслари ҳамда **туризмга** ихтисослашган **25 та** маҳаллада туризм хизматлари ва объектларини;

(ii) Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда вилоят ҳудудидан ўтган **158 км** узунликдаги халқаро ҳамда **1,4 минг км** узунликдаги давлат аҳамиятидаги йўллар бўйида **1 000 та** савдо, логистика ва бошқа кичик хизмат кўрсатиш объектларини;

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

(iii) шаҳар ва туман марказларида биттадан истироҳат боғлари ҳамда **100 та** маҳаллага хизмат кўрсатувчи гавжум кўчаларни ташкил этсин.

4. Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Жиззах вилоятида маҳаллаларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин. Бунда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган маҳаллаларда "Uzagrostar xolding" компаниясини жалб қилган ҳолда лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутсин.

5. Қуйидагилар:

(а) 2026–2027 йилларда Жиззах вилоятидаги маҳаллаларда боғдорчилик, сабзавотчилик ва полизчилик плантацияларини ҳамда наслли чорва молларини кўпайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар **2-илова**га мувофиқ;

(б) 2026–2027 йилларда Жиззах вилоятидаги маҳаллалар ихтисослашуви асосида ташкил этиладиган **саноат, туризм** ҳамда **хизмат кўрсатиш** объектлари бўйича мақсадли кўрсаткичлар **3-илова**га мувофиқ;

(в) Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли яшаши ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича "йўл харитаси" **4-илова**га мувофиқ;

(г) Жиззах вилоятида электрон онлайн **аукцион савдоларига чиқариладиган** норуда ер қаъри участкалари рўйхати **5-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

III. Саноатни ривожлантириш

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** вилоятдаги жами **350 миллиард** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарувчи **50 та** саноат корхоналарида **таннархни** пасайтириш дастурини тасдиқласин. Бунда Жиззах вилояти ҳокимлиги Дастурга киритилган саноат корхоналарига маҳсулот таннархини пасайтиришга доир амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрсин.

7. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, "Ўзавтосаноат" АЖ:

(а) 2026 йилда **120 миллион АҚШ доллари миқдоридаги** инвестиция ҳисобига автомобиллар учун камида **200 тур**даги бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйсин ҳамда маҳаллийлаштириш

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

даражасини камида **40 фоизга** етказиш бўйича дастур ишлаб чиқсин ва ижросини таъминласин;

(б) 2026 йилдан бошлаб автомобилсозликда янги ишлаб чиқарилган бутловчи қисмларга **сертификат олиш** (валидация) харажатларининг **50 фоизини** Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб беришни йўлга қўйсин.

8. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ ҳар бир инвестиция лойиҳаси кесимида тармоқ жадвалларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

(а) 2026 йил 1 июнга қадар Фориш тумани "Учқулоч" МФЙ ҳудудидаги **қўрғошин-рух конида** геология-қидирув ишларини якунласин;

(б) 2026 йил 1 июлга қадар вольфрамни қазиб олиш ва уни қайта ишлашни янада кенгайтириш бўйича **5 йиллик дастур**ни тасдиқлаш ҳақидаги қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(в) 2026 йил 1 августга қадар ушбу қарорга 5-иловага мувофиқ норуда ер қаъри участкалари электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин;

(г) 2026 йил 1 сентябрга қадар Ғаллаорол тумани "Авлиё" конидаги **11 тонна олтин ресурсига** эга **истиқболли** майдонга инвесторларни жалб қилсин.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Жиззах вилояти ҳокимлиги, "Ўзкимёсаноат" АЖ билан биргаликда **2026 йил 1 октябрга қадар** Жиззах шаҳридаги "Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки ҳудудида бўш турган **10 минг метр квадрат** ўлчамдаги бинодан жойларни тадбиркорларга таклиф қилиб, истиқболли лойиҳаларни шакллантирсин.

11. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **уч ой муддатда** тажриба синов тариқасида Жиззах вилоятидаги барча **махсус иқтисодий ва саноат зоналарини** стратегик ривожлантириш, мувофиқлаштириш,

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

самарали бошқариш ва инвесторларга **пуллик хизмат** кўрсатишни ташкил этиш мақсадида ягона дирекцияни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

IV. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **бир ой муддатда** халқаро молия институтларидан тадбиркорликни ривожлантириш учун жалб қилинадиган маблағлар ҳисобидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари учун белгиланган шартларда қуйидаги кредитларни ажратиш учун **10 миллион АҚШ доллари** миқдорида кредит ресурсларини йўналтирсин:

(а) Жиззах вилоятида жисмоний (ўзини ўзи банд қилган) шахсларга **наслли чорва молларини** харид қилишга – **100 миллион** сўмгача;

(б) Мирзачўл туманида жисмоний (ўзини ўзи банд қилган) шахсларга туячиликни ривожлантириш, туризм объектларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлашга – **150 миллион сўм**гача.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги **2026 йилда**:

(а) “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ билан биргаликда олманинг янги навларини яратиш учун Бахмал тумани “Музбулоқ” МФЙ ҳудудида **100 гектар**ли интенсив боғ ташкил қилиш;

(б) “Бахмал агростар” МЧЖ билан биргаликда Бахмал туманида **123 гектар** ер майдонида янги интенсив олма ва нок боғлари ҳамда мевани қайта ишлаш комплексини барпо қилиш;

(в) Бахмал туманида **1,5 минг гектар** эски боғларни янгилашни таъминласин. Бунда:

(i) кейинчалик ҳар йили эски боғларнинг камида **30 фоизи**ни янгилаш;

(ii) аҳоли ва фермерларга “IN-VITRO” шароитида кўпайтирилган кўчатларни харид қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаб бериш тартибини сертификатланган кўчатларга ҳам татбиқ этиш назарда тутилсин.

V. Хизматлар ва туризмни ривожлантириш

14. Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2026–2027 йилларда **Бирлашган Араб**

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Амирликларидаги ҳамкорлар билан **11 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги инвестиция ҳисобига Арнасой аэропортини кенгайтириш чораларини кўрсин.

15. Жиззах вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Туризм қўмитасининг Бахмал, Фориш, Зафаробод, Шароф Рашидов, Ғаллаорол ва Арнасой туманларида **туризм мажмуаларини** ташкил этиш мақсадида қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) лойиҳаларни амалга ошириш бўйича буюртмачилик вазифасини бажариш учун Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузурида "Жиззах вилоятида туризм лойиҳалари ва инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш департаменти" давлат муассасасини ташкил этиш;

(б) Жиззах вилоятининг туризмга ихтисослашган туманларида электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкаларини сотишдан тушган маблағларни **2027 йил 31 декабрга қадар** (сотиш билан боғлиқ харажатлар чегирилган ҳолда) туризм мажмуаларини инфратузилма билан таъминлаш ва Департамент фаолиятини молиялаштириш учун йўналтириш;

(в) буюртмачилик ва бошқа вазифаларни бажаришда, жумладан, лойиҳалар, мастер режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, лойиҳа (техник) топшириқларини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларини қабул қилиш ва техник назоратни амалга ошириш юзасидан **компания** ва **консультантлар**ни жалб этиш.

VI. Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси **халқаро молия институтлари**ни жалб қилган ҳолда **2026 йил 1 декабр**га қадар:

(а) Зомин ва Бахмал туманларини боғловчи умумий фойдаланишдаги "D-052" **Даштобод ш. – Зомин ш. – Бахмал қ. – Ғаллаорол ш.** автомобиль йўлининг **24–182 км** қисмини;

(б) Фориш туманидан ўтувчи "D-048" **Жиззах ш. – Янги қишлоқ қ. – Қизилча қ. – Қизилқум қ.** йўлининг **7–114 км** қисмини;

(в) Шароф Рашидов туманидаги **Учтепа қ.– Оқтом қ.** "D-051" йўлининг **0–26 км** қисмини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа концепцияси ва баҳолаш ҳужжатини ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун қарз маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги **2026 йил якунига қадар** Жаҳон банки иштирокидаги "**Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш**" 2-босқич лойиҳаси доирасида Шароф Рашидов туманидаги **9 та** маҳаллада инфратузилмани яхшилаш учун **8 миллион АҚШ доллари миқдорида** маблағ ажратилишини таъминласин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жаҳон банкининг **"Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш"** лойиҳаси доирасида **икки ой муддатда** Жиззах вилоятини ҳудудий режалаштириш стратегияси ҳамда "Янги Ўзбекистон" қиёфаси мақоми берилган **Ғаллаорол** ва **Зафаробод** туманлари, шунингдек, **Бахмал** тумани бўйича фазовий ва мастер режаларни ишлаб чиқиш учун нуфузли хорижий компанияни жалб этсин. Бунда ишлаб чиқиладиган **фазовий ва мастер режалар** ушбу туманларда амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳаларини танлаш ва уларга ўзгартириш киритишга асос бўлади.

19. Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги **2026 йил 1 апрелга қадар** хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов туманини **ягона агломерация сифатида** ривожлантириш бўйича бош режа ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритишни таъминласин. Бунда:

(а) Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов тумани ўртасидаги **40** гектар бўш ер майдонига **Янги Жиззах шаҳрини жойлаштириш** ҳамда унда **1 200 хонадонли 50 та кўп қаватли уй**ларни қуриш;

(б) Жиззах шаҳри ичидаги тирбандликларни камайтириш мақсадида **10 км** узунликда айланма йўл қуриш;

(в) ҳудудда зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш;

(г) Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов туманини боғлайдиган ягона жамоат транспорти тизимини йўлга қўйиш;

(д) ҳудудда ягона маъмурий марказ қуриш, тумандаги давлат муассасаларини шу ерга кўчириш ҳамда бўшайдиган биноларни хусусий секторга бериш бўйича аниқ лойиҳаларни киритиш назарда тутилсин.

VII. Молиявий ресурслар

20. Жиззах вилояти ҳудудида маънан эскирган таъмирталаб объектларни, жумладан, маҳаллалардаги ижтимоий соҳа объектлари, олис ва чекка ҳудуддаги маҳаллаларни боғловчи йўллар, ичимлик суви тармоқлари, юқори кучланишли электр тармоқлари, оқова сув тармоқларини таъмирлаш ҳамда барпо этиш мақсадида:

(а) Жиззах вилояти ҳокимлиги **2026–2027 йилларда** Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан йиллик **4 фоиз** ставкада **2 йиллик** имтиёзли давр билан **7 йил** муддатга **40 млн АҚШ доллари** эквивалентидаги кредит маблағлари миллий валютада жалб этилишини таъминласин. Бунда:

(i) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан инфратузилма объектларининг манзилли рўйхати Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда шакллантирилиб, Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашида маъқулланади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига киритилади;

(ii) Вазирлар Маҳкамаси Раёсати таъмирланадиган инфратузилма объектларининг манзилли рўйхатини тасдиқлайди;

(iii) ажратилган маблағлар **2027–2032 йилларда тенг улушларда** Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига Жиззах вилояти маҳаллий бюджетидан уларни ҳар йилги бюджет параметрларида назарда тутган ҳолда қайтарилади;

(iv) мазкур кичик бандда кўзда тутилган маблағларнинг **30 млн АҚШ доллари** 2026 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратилиши режалаштирилган маблағлардан иқтисод қилинган қисми ҳисобидан ва **2027 йилда** Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси параметрларида режалаштирилган **10 млн АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни жалб қилиш бўйича аризаларга мувофиқ ажратилади;

(v) Жиззах вилояти ҳокимлиги инфратузилма объектларини ўз вақтида таъмирлаш ҳамда барпо этиш, шунингдек, кредит маблағларини жалб қилиш ҳамда улардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан **200 миллиард сўм** Жиззах вилояти ҳокимлигига ажратилсин. Бунда:

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

(i) саноат зоналари инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги саноат корхоналаридан чиқаётган оқова сувни (тегишли хулоса асосида) **тозалаш иншоотини қуриш учун 100 миллиард сўм;**

(ii) Жиззах шаҳрида тирбандликларни камайтириш мақсадида **10 км** узунликда айланма йўл қуриш учун **60 миллиард сўм;**

(iii) Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов туманини ягона агломерация сифатида ривожлантириш бўйича бош режа ишлаб чиқиш ва инфратузилма билан таъминлаш учун **40 миллиард сўм** ажратилади.

VIII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

21. Белгилансинки, мазкур қарор ижроси:

(а) ҳар ойда Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан вилоятнинг туман (шаҳар) ҳокимликлари иштирокида;

(б) ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасида Жиззах вилояти ҳокими, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

22. Қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров, Ж.А. Ходжаев ва А.Ж. Раматов ҳамда Жиззах вилояти ҳокими У.М. Мустафоев белгилансин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 30 январдаги ПҚ–35-сон қарорига
1-илова

Жиззах вилоятида 2026–2027 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари РЎЙХАТИ

Т/р	Туманлар	Маҳалла номи	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати			Лойиҳа қиймати *(минг долл.)*	шу жумладан		яратила-диган иш ўрни	Ишга тушиш муддати (ой/йил)
				ўлчов бирлиги	натура	млрд сўм		ўз маблағи *(минг долл.)*	хорижий инвестиция *(минг долл.)*		
	Жами лойиҳа сони		**99**			**15 337**	**2 558 393**	**112 781**	**2 445 612**	**25 142**	
Жиззах вилояти ҳокимининг тоғли ҳудудлар ва яйловларни ривожлантириш, инвестиция ва савдо масалалари бўйича ўринбосари масъуллигидаги инвестиция лойиҳалари											
	Тоғли ҳудуд жами		**39**			**6182**	**1533342,6**	**84830,6**	**1448512**	**5795**	
	Бахмал тумани		**8**			**145,0**	**44 264,5**	**9 264,5**	**35 000,0**	**440**	
1	Бахмал тумани	"Тонготар" МФЙ	Томат пастаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш	тонна	2 000,0	40,0	1 000	1 000		25	2026 йил сентябрь
2		"Узунбулоқ" МФЙ	Зафарон ўсимлиги етиштиришни ва қайта ишлар лойиҳасини кенгайтириш	кг	100	15	22 000		22 000	30	2026 йил декабрь
3		"Тонготар" МФЙ	Томат пастаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш	тонна	850,0	18,5	1 000	1 000		25	2026 йил декабрь
4		"Файзобод" МФЙ	Мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишлашни ташкил қилиш	тонна	1400	25,5	7 058	7 058		85	2026 йил декабрь
5		"Файзобод" МФЙ	Мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишлашни ташкил қилиш	тонна	1000	9,5	2 200		2 200	20	2026 йил декабрь
6		"Узунбулоқ" МФЙ	Зафарон гулидан эфир мойи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	кг	200	5,5	2 041	41	2 000	25	2026 йил декабрь
7		"Тонготар" МФЙ	Томат пастаси ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	тонна	1200	16	5 083	83	5 000	80	2026 йил декабрь
8		"Файзобод" МФЙ	Мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишлашни ташкил қилиш	тонна	1600	15	3 883	83	3 800	150	2026 йил декабрь

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Т/р	Туманлар	Маҳалла номи	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати			Лойиҳа қиймати *(минг долл.)*	шу жумладан		яратила-диган иш ўрни	Ишга тушиш муддати (ой/йил)
				ўлчов бирлиги	натура	млрд сўм		ўз маблағи *(минг долл.)*	хорижий инвестиция *(минг долл.)*		
	Ғаллаорол тумани		**6**			**2 916,0**	**302 500,0**	**7 000,0**	**295 500,0**	**645**	
9	Ғаллаорол тумани	"Хонимқўрғон" МФЙ	Қанд лавлаги етиштириш ва шакар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	200	1800	150 000		150 000	200	2026 йил декабрь
10		"Узунбулоқ" МФЙ	Базальтни қайта ишлашни ташкил этиш	минг тонна	20,0	18,0	5 000		5 000	100	2026 йил сентябрь
11		"Ғўбдин" МФЙ	Паррандачилик I-II-тартибли репродуктор ота-она галаси наслчилик корхонасини ташкил этиш	минг бош	100,0	45,0	7 000	7 000		80	2026 йил декабрь
12		"Қўйтош" МФЙ	Вольфрам қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси	минг тонна	30	25	20 000		20 000	100	2026 йил декабрь
13		"Кўкбулоқ" МФЙ	Ун маҳсулотини ишлаб чиқариш	тонна	200	5	500		500	15	2026 йил сентябрь
14		"Узунбулоқ" МФЙ	Бошқа рангли металл рудаларини қазиб олиш	кг	930	1023	120 000		120 000	150	2026 йил декабрь
	Зомин тумани		**10**			**1 633,0**	**646 805,4**	**24 793,4**	**622 012,0**	**2 170**	
15	Зомин тумани	"Ғаллакор" ҚФЙ	Биологик технологиялар, маккажўхоридан шакар сиропини олиш, қишлоқ хўжалиги дронларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	5,0	792,0	400 000		400 000	90	2026 йил декабрь
16		"Чилонзор" МФЙ, "Чорвадор" ҚФЙ	Наслли ота-оналик паррандачиликни ривожлантириш	минг бош	100,0	45,0	40 000		40 000	100	2027 йил февраль
17		"Ғаллакор" ҚФЙ	Буғдойдан оқсил ва этанол ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	50,0	25,0	66 000		66 000	300	2026 йил декабрь
18		"Ғаллакор" ҚФЙ	Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	5,0	10,0	10 000		10 000	120	2026 йил сентябрь
19		"Ғаллакор" ҚФЙ	Темир бетон маҳсулотлари ҳамда йирик ўлчамли кўприк йўл ўтказгичлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	млн.куб	10,0	30,0	40 000		40 000	210	2026 йил ноябрь

Т/р	Туманлар	Маҳалла номи	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати			Лойиҳа қиймати *(минг долл.)*	шу жумладан		яратила-диган иш ўрни	Ишга тушиш муддати (ой/йил)
				ўлчов бирлиги	натура	млрд сўм		ўз маблағи *(минг долл.)*	хорижий инвестиция *(минг долл.)*		
20	Зомин тумани	"Ғаллакор" ҚФЙ	Шамол парраги ишлаб чиқаришни ташкил этиш	дона	3 000,0	80,0	60 000		60 000	120	2026 йил декабрь
21		"Ғаллакор" ҚФЙ	Ойна маҳсулотлари учун плёнка ҳамда елим ишлаб чиқаришни ташкил этиш	тонна	4 000,0	28,0	6 000		6 000	80	2026 йил июль
22		"Ғаллакор" ҚФЙ	Кенг турдаги маиший техника воситалари ҳамда бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2-босқич)	млн дона	1	300	19 835	19 835		1 000	2026 йил ноябрь
23		"Чилонзор" МФЙ	Сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	минг тонна	20	198	12		12	100	2026 йил декабрь
24		"Оби-ҳаёт" ҚФЙ	Узумни қайта ишлаш орқали вино маҳсулоти ишлаб чиқариш	минг литр	10	125	4 959	4 959		50	2026 йил сентябрь
	Фориш тумани		**8**			**1 312,0**	**458 702,5**	**22 702,5**	**436 000,0**	**1 935**	
25	Фориш тумани	"Эгизбулоқ" МФЙ	Қирғоқ бўйларида дам олиш ва туризм комплексини барпо этиш	ўрин	416,0	20,0	80 000		80 000	250	2026 йил октябрь
26		"Эгизбулоқ" МФЙ	Гидроксид кальций ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	100,0	42,0	24 000	4 000	20 000	1 100	2026 йил декабрь
27		"Эгизбулоқ" МФЙ	Базальт тошидан вата ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	20,0	200,0	70 000		70 000	150	2026 йил декабрь
28		"Эгизбулоқ" МФЙ	Базальт тошидан турли хил қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	15,0	90,0	30 000		30 000	20	2026 йил ноябрь
29		"Эгизбулоқ" МФЙ	Гидроксид кальций ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	300	150	40 273	15 273	25 000	80	2026 йил декабрь
30		"Эгизбулоқ" МФЙ	Цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш	млн тонна	1	450	63 430	3 430	60 000	200	2026 йил август
31		"Эгизбулоқ" МФЙ	Охак ишлаб чиқариш лойиҳасини кенгайтириш	минг тонна	1	10	1 000		1 000	15	2026 йил ноябрь

T/p	Туманлар	Маҳалла номи	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати			Лойиҳа қиймати *(минг долл.)*	шу жумладан		яратила-диган иш ўрни	Ишга тушиш муддати (ой/йил)
				ўлчов бирлиги	натура	млрд сўм		ўз маблағи *(минг долл.)*	хорижий инвестиция *(минг долл.)*		
32	Фориш тумани	"Эгизбулоқ" МФЙ	Қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш	млрд КВт	1,1	350	150 000		150 000	120	2026 йил декабрь
	Янгиобод тумани		**7**			**176,0**	**81 070,2**	**21 070,2**	**60 000,0**	**605**	
33	Янгиобод тумани	"Ҳавотоғ" ҚФЙ	Каврак ўсимлигини етиштириш ва экспортни амалга ошириш	тонна	3 000,0	37,5	20 000	10 000	10 000	50	2026 йил ноябрь
34		"Янгиобод" ШФЙ	Пахтачиликда фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги техника хизматларини йўлга қўйиш	минг тонна	30,0	120,5	50 000		50 000	300	2026 йил август
35		"Янгиобод" ШФЙ	Ип калва ишлаб чиқариш (2-босқич)	минг тонна	200	6,5	9 917	9 917		150	2026 йил ноябрь
36		"Ҳавотоғ" ҚФЙ	Маъданли сув ишлаб чиқариш	тонна	3000	4,5	37	37		40	2026 йил апрель
37		"Дўстлик" МФЙ	Чақиқ тош ишлаб чиқариш	тонна	15000	5	826	826		20	2026 йил сентябрь
38		"Янгиобод" ШФЙ	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	тонна	1200	1	165	165		30	2026 йил ноябрь
39		"Янгиобод" ШФЙ	Замонавий технологиялар асосида сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш	минг дона	10	1	124	124		15	2026 йил декабрь

Т/р	Туманлар	Маҳалла номи	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати			Лойиҳа қиймати *(минг долл.)*	шу жумладан		яратила-диган иш ўрни	Ишга тушиш муддати (ой/йил)
				ўлчов бирлиги	натура	млрд сўм		ўз маблағи *(минг долл.)*	хорижий инвестиция *(минг долл.)*		
Жиззах вилояти ҳокимининг дашт ва чўл ҳудудларида саноатни ривожлантириш инвестиция ва савдо масалалари бўйича ўринбосари масъуллигидаги инвестиция лойиҳалари											
	Дашт ва чўл ҳудудлар жами		**60**			**9155,2**	**1025050,45**	**27950,45**	**997100**	**19347**	
	Арнасой тумани		**9**			**160,5**	**253 191,7**	**991,7**	**252 200,0**	**605**	
1	Арнасой тумани	"Бахтли" МФЙ	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш	тонна	1 500,0	9,8	60 000		60 000	50	2026 йил декабрь
2		"Бахтли" МФЙ	Сабзавот ва полиз экинлари етиштириш ва қадоқлашни ташкил этиш	тонна	400,0	3,2	3 000		3 000	30	2026 йил октябрь
3		"Бахтли" МФЙ	Пахта терим комбайнларини йиғишни ташкил этиш	дона	500,0	50,0	48 000		48 000	100	2026 йил декабрь
4		"О.Водий" МФЙ	Экспорт-импорт ташқи савдо хизматларини ташкил этиш	минг тонна	15,0	25,0	40 000		40 000	50	2026 йил сентябрь
5		"О.Водий" МФЙ	Бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	тонна	500,0	35,0	40 000		40 000	100	2026 йил сентябрь
6		"Бахтли" МФЙ	Томчилатиб суғориш технологияларини ишлаб чиқариш ва ўрнатишни ташкил этиш	гектар	10000	8,5	30 000		30 000	100	2026 йил декабрь
7		"Бахтли" МФЙ	Ип-калава ишлаб чиқаришни ташкил этиш	тонна	1 500,0	9,8	30 000		30 000	120	2026 йил сентябрь
8		"О.Водий" МФЙ	Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш	тонна	4500	12,5	992	992		15	2026 йил август
9		"Бахтли" МФЙ	Ширин картошка ва сабзавот экинлари етиштириш ҳамда қайта ишлашни ташкил этиш	тонна	500,0	6,8	1 200		1 200	40	2026 йил декабрь

T/p	Туманлар	Маҳалла номи	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати			Лойиҳа қиймати *(минг долл.)*	шу жумладан		яратила-диган иш ўрни	Ишга тушиш муддати (ой/йил)
				ўлчов бирлиги	натура	млрд сўм		ўз маблағи *(минг долл.)*	хорижий инвестиция *(минг долл.)*		
	Дўстлик тумани		**6**			**393,9**	**83 938,0**	**438,0**	**83 500,0**	**890**	
10	Дўстлик тумани	"F.Ғулом" МФЙ	Ҳар хил қулфлар, икки томонлама тугмалар ҳамда йирик полиграфия стикер, ёзувли, этикеткалар босиб чиқаришни ташкил этиш	млн дона	1,0	15,0	15 000		15 000	40	2026 йил декабрь
11		"Қаҳрамон" МФЙ	Йиллик қуввати 50 мВт қуёш фотоэлектр станцияси ташкил этиш	млн.кВт	81,5	48,9	50 000		50 000	80	2026 йил декабрь
12		"Саноатчилар" МФЙ	Ўсимлик ёғларини ишлаб чиқариш	тонна	6000	50	5 025	25	5 000	200	2026 йил октябрь
13		"Саноатчилар" МФЙ	Биоаммофос ишлаб чиқариш	тонна	40000	120	5 413	413	5 000	120	2026 йил декабрь
14		"Манас" МФЙ	Пахтани қайта ишлаш	тонна	15000	120	5 500		5 500	400	2026 йил сентябрь
15		"Манас" МФЙ	Эгилувчан қувурлар ишлаб чиқариш	тонна	2000	40	3 000		3 000	50	2026 йил сентябрь
	Зарбдор тумани		**7**			**405,5**	**76 413,2**	**1 413,2**	**75 000,0**	**10 565**	
16	Зарбдор тумани	"Андижон" МФЙ	Чорвачилик комплексини ташкил этиш	тонна	100,0	10,5	1 000	1 000		20	2026 йил октябрь
17		"Шарқ юлдузи" МФЙ	Наслли паррандачиликни ривожлантириш	млн бош	2,0	20,0	2 000		2 000	30	2026 йил декабрь
18		"Оқар" МФЙ	Пахта тўқимачилик кластерини ташкил этиш	Минг тонна	8,0	200,0	40 000		40 000	10 000	2026 йил декабрь
19		"Шарқ юлдузи" МФЙ	Ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	6,0	25,0	20 000		20 000	30	2026 йил декабрь
20		"Ёшлик" МФЙ	Гўштни қайта ишлаши ташкил қилиш	тонна	1000	60	10 000		10 000	120	2026 йил декабрь
21		"Янгиобод" МФЙ	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини кенгайтириш	млн дона	3	80	3 000		3 000	350	2026 йил октябрь
22		"Оқар" МФЙ	Донли ва дуккакли экинларни саралаш ва қадоқлашни ташкил қилиш	минг тонна	5	10	413	413		15	2026 йил декабрь
	Зафаробод тумани		**6**			**712,5**	**136 491,7**	**991,7**	**135 500,0**	**515**	
23	Зафаробод тумани	"Чимқўрғон" ҚФЙ	Базальт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	тонна	95,0	3,0	15 000		15 000	25	2026 йил декабрь
24		"Ёрқин" ШФЙ	Ипак толали гилам ишлаб чиқаришни кенгайтириш	минг м2	1,0	6,5	3 000		3 000	100	2026 йил октябрь

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Т/р	Туманлар	Маҳалла номи	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати			Лойиҳа қиймати *(минг долл.)*	шу жумладан		яратила-диган иш ўрни	Ишга тушиш муддати (ой/йил)
				ўлчов бирлиги	натура	млрд сўм		ўз маблағи *(минг долл.)*	хорижий инвестиция *(минг долл.)*		
25	Зафаробод тумани	"Бирлик" ҚФЙ	Томчилатиш ва ёмғирлатиб суғориш ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	дона	300,0	3,8	10 000		10 000	10	2026 йил ноябрь
26		"Бирлик" ҚФЙ	Пахта етиштириш ва қайта ишлаш (ўсимлик ёғи ва калава ип) ишлаб чиқариш	минг тонна	8	79,2	12 000		12 000	40	2026 йил декабрь
27		"Нурафшон" ШФЙ	Парранда етиштириш, озуқа ишлаб чиқариш, сўйиш ва қадоқлаш.	минг тонна	10	25	992	992		40	2026 йил декабрь
28		"Писталикент" ШФЙ	Оҳак тош қазиб олиш, кўмир ёқилғисида реаген(т-?) оҳак ишлаб чиқариш	млн. тонна	1,0	595,0	95 500		95 500	300	2026 йил декабрь
	Мирзачўл тумани		**6**			**165,0**	**56 074,4**	**1 074,4**	**55 000,0**	**350**	
29	Мирзачўл тумани	"Ғалаба" МФЙ	Жинси маҳсулотлар, мато бўяш ва тайёр тикув маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	2,0	12,0	22 000		22 000	100	2026 йил декабрь
30		"Ғалаба" МФЙ	Аммоний сульфат калий минерал ўғити ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	15,0	16,0	30 000		30 000	50	2026 йил декабрь
31		"Ғалаба" МФЙ	Спирт ишлаб чиқаришни кенгайтириш	минг долл.	90	27	413	413		60	2026 йил март
32		"Мирзадала" МФЙ	Хитой технологияси асосидаги газбетон ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг куб	100	40	661	661		40	2026 йил апрель
33		"Ғалаба" МФЙ	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш	минг тонна	10,0	40,0				50	2026 йил сентябрь
34		"Ғалаба" МФЙ	Аммоний сульфат калий ишлаб чиқариш	минг тонна	15	30	3 000		3 000	50	2026 йил ноябрь
	Пахтакор тумани		**6**			**342,5**	**44 743,8**	**4 743,8**	**40 000,0**	**450**	
35	Пахтакор тумани	"Буюк ипак йўли" МФЙ	Озуқавий ўсимликлар етиштириш ва чорва моллари учун тайёр ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш	тонна	10 000,0	20,0	12 000	2 000	10 000	20	2026 йил октябрь

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Т/р	Туманлар	Маҳалла номи	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати			Лойиҳа қиймати *(минг долл.)*	шу жумладан		яратила-диган иш ўрни	Ишга тушиш муддати (ой/йил)
				ўлчов бирлиги	натура	млрд сўм		ўз маблағи *(минг долл.)*	хорижий инвестиция *(минг долл.)*		
36	Пахтакор тумани	"Ғалаба" МФЙ	Тўқимачилик саноатида матоларни бўяш учун ишлатиладиган суюқлик шаклида синтетик органик бўёқлар (пигмент бўёқлари) ишлаб чиқаришни ташкил этиш	дона	1 млн	50,0	15 000		15 000	160	2026 йил декабрь
37		"Самарқанд" МФЙ	Меваларни қуритиш ҳамда ун ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	6,3	22,5	5 265	265	5 000	30	2026 йил сентябрь
38		"Пахтакор" МФЙ	Хитой пахта уруғини яратиш ва ип калава ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	10	50	5 331	331	5 000	80	2026 йил октябрь
39		"Боғишамол" МФЙ	Бир вақтнинг ўзида иккита функцияни бажарадиган иситиш мосламаси ва челик қувурли радиатор ишлаб чиқариш	минг тонна	5	150	2 066	2 066		60	2026 йил июль
40		"Пахтакор" МФЙ	Ипакчилик кластерини ташкил этиш (хом ипак ва мато)	тонна	24	50	5 083	83	5 000	100	2026 йил август
	Ш.Рашидов тумани		**8**			**192,2**	**166 884,3**	**7 884,3**	**159 000,0**	**530**	
41	Ш.Рашидов тумани	"Файзиобод" МФЙ	Туризм хизмати кўрсатиш марказини ташкил қилиш	минг нафар	70,0	28,0	35 000	5 000	30 000	50	2026 йил декабрь
42		"Қулписар" МФЙ	Оҳактош қазиб олиш ва ундан шағал ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	30,0	7,0	20 000	2 000	18 000	50	2026 йил август
43		"Токчилик" МФЙ	Мис маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этиш	минг тонна	30,0	20,0	20 000		20 000	40	2026 йил сентябрь
44		"Қулписар" МФЙ	Озиқ-овқат пигмент ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	286,0	45,0	30 000		30 000	20	2026 йил декабрь
45		"Токчилик" МФЙ	LED электр лампалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	60,0	32,0	31 000		31 000	100	2026 йил ноябрь
46		"Токчилик" МФЙ	Мисни қайта ишлаш	минг тонна	15	52	30 000		30 000	200	2026 йил ноябрь
47		"Токчилик" МФЙ	Чиқинди баклашкасини қайта ишлаб сентифон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	12	1,2	58	58		40	2026 йил октябрь

T/p	Туманлар	Маҳалла номи	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати			Лойиҳа қиймати *(минг долл.)*	шу жумладан		яратила-диган иш ўрни	Ишга тушиш муддати (ой/йил)
				ўлчов бирлиги	натура	млрд сўм		ўз маблағи *(минг долл.)*	хорижий инвестиция *(минг долл.)*		
48	Ш.Рашидов тумани	"Янгиобод" МФЙ	Офис, ошхона ва ётоқхона мебеллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	3	7	826	826		30	2026 йил июль
	Жиззах шаҳар		**12**			**6 783,1**	**207 313,2**	**10 413,2**	**196 900,0**	**5 442**	
49	Жиззах шаҳар	"Бунёдкор" МФЙ	Каустик сода ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	50,0	150,0	40 000		40 000	192	2027 йил февраль
50		"Бунёдкор" МФЙ	Гилам ишлаб чиқаришни кенгайтириш	кв метр	5 100,0	18,6	3 500		3 500	50	2026 йил октябрь
51		"Нурлиобод" МФЙ	Автомобиллар учун пластик деталлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш	млн. дона	50,0	25,0	13 400		13 400	60	2026 йил октябрь
52		"Бунёдкор" МФЙ	Янги русумли электромобиллар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг.дона	15,0	3 850,0	40 000		40 000	875	2026 йил декабрь
53		"Нурлиобод" МФЙ	Автомобиллар электр кабеллари учун турли улаш мослама деталлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	минг дона	210,0	53,0	11 500		11 500	2 500	2026 йил октябрь
54		"Бунёдкор" МФЙ	Замонавий технологиялар асосида турли хил металл профиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг тонна	300,0	61,9	50 000	10 000	40 000	400	2027 йил март
55		"Бунёдкор" МФЙ	Заргарлик саноати мажмуасини ташкил этиш				10 000		10 000	300	2026 йил сентябрь
56		"Бунёдкор" МФЙ	"DOST" миллий бренди остида енгил тижорат автомобилларни ишлаб чиқариш	минг дона	15	2200	30 248	248	30 000	450	2026 йил ноябрь
57		"Бунёдкор" МФЙ	Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш	кг	120	150	4 000		4 000	150	2026 йил сентябрь
58		"Бунёдкор" МФЙ	Сифатли батон шоколадлари ишлаб чиқиш	минг тонна	95,0	25,0				50	2026 йил декабрь
59		"Сангзор" МФЙ	Экспортбоп пилла маҳсулотлар етиштириш	минг тонна	50	200	2 083	83	2 000	350	2026 йил декабрь
60		"Бунёдкор" МФЙ	Қувурлар фитинглар ва турли хил полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш	млн пагон метр	10	49,7	2 583	83	2 500	65	2026 йил декабрь

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 30 январдаги ПҚ-35-сон қарорига
2-илова

2026–2027 йилларда Жиззах вилоятидаги маҳаллаларда боғдорчилик, сабзавотчилик ва полизчилик плантацияларини ташкил этиш ҳамда наслли чорва молларини кўпайтириш бўйича

МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Т/р	Ҳудуд	Боғдорчиликка ихтисослашган МФЙлар сони	Эски боғ ва токзорлар ўрнида “ин-витро” усулида ва сертификатланган кўчатлар экиш, *гектар*	Саноатлашган плантациялар ташкил этиш, *гектар*	Сабзавот ва полизчиликка ихтисослашган МФЙлар сони	Ҳосилдорлиги юқори ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, *гектар*	Чорвачиликка ихтисослашган МФЙлар сони бошқа туман	Чорва молларининг наслини янгилаш, *минг бош*
	Жиззах вилояти	**57**	**5 000**	**4 570**	**126**	**9 950**	**140**	**101**
1	Жиззах шаҳар				20		5	
2	Арнасой тумани			100	11	100	11	15
3	Бахмал тумани	17	1 500	1 000	7	2 500	11	12
4	Ғаллаорол тумани	10	1 000	1 200	4	1 700	12	2
5	Ш.Рашидов тумани	4	900	400	28	1 300	14	3
6	Дўстлик тумани		100	50	2	300	9	3
7	Зомин тумани	15	500	500	16	1 000	18	13
8	Зарбдор тумани	1	300	170	16	600	14	6
9	Зафаробод тумани		50	200	2	500	8	5
10	Мирзачўл тумани		50	200	8	400	8	2
11	Пахтакор тумани		50	50	5	300	7	1
12	Фориш тумани	9	500	100	4	600	15	33
13	Янгиобод тумани	1	50	600	3	650	8	6

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 30 январдаги ПҚ–35-сон қарорига
3-илова

2026–2027 йилларда маҳаллалар ихтисослашуви асосида ташкил этиладиган саноат, туризм ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари бўйича МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Т/р	Ҳудуд	Саноат йўналишида			Хизматлар ва туризм йўналишида				
		Саноатга ихтисослашти-риладиган МФЙлар сони	Ташкил этиладиган тадбиркорлик марказлари сони	Қамраб олинадиган МФЙлар сони	Туризмга ихтисослашган МФЙлар сони	Ташкил этиладиган йирик туризм комплекслари сони	Йўл бўйларида савдо, логистика ва бошқа кичик хизмат кўрсатиш объектлари сони	Ташкил этиладиган гавжум кўчалар сони	Қамраб олинадиган МФЙлар сони
	Жиззах вилояти	**50**	**5**	**40**	**25**	**5**	**1 000**	**15**	**100**
1	Жиззах шаҳри	8		5			200	4	34
2	Арнасой тумани	2	1	6	1	1	45		4
3	Бахмал тумани	2		1	6	1	80	1	5
4	Ғаллаорол тумани	5	1	4	2		98		5
5	Ш.Рашидов тумани	8	1	6	3	1	100		3
6	Дўстлик тумани	2	1	5			75		3
7	Зомин тумани	5		2	5		85	1	8
8	Зарбдор тумани	8		2			100	2	8
9	Зафаробод тумани	2	1	4	1	1	35	1	6
10	Мирзачўл тумани	1		1			42	2	4
11	Пахтакор тумани	5		2			77	2	10
12	Фориш тумани	1		1	6	1	40	1	5
13	Янгиобод тумани	1		1	1		23	1	5

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 30 январдаги ПҚ–35-сон қарорига
4-илова

Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли яшаши ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		Саноатни ривожлантириш			
1.	Вилоятдаги мавжуд **саноат зоналарини оптималлаштириш** ҳамда **бўш ер майдонларидан** самарали фойдаланиш.	Кичик ва ёшлар саноат зоналаридаги бўш ер майдонларини 5 йил муддатга ижара ҳуқуқи асосида сотиб олиш қийматини ҳар ойда тенг улушларда, қолдиқ суммага Марказий банкнинг асосий ставкасида фоиз ҳисобламаган ҳолда бўлиб тўлаш шарти билан электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил якунига қадар	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Кадастр агентлиги
2.	Шароф Рашидов тумани “Тоқчилик” МФЙдаги “Жиззах сув таъминоти” АЖга қарашли собиқ оқова сув тозалаш иншооти ҳудудида **электротехника ва чарм-пойабзал**га ихтисослашган **саноат зонасини** ташкил қилиш.	1. Лойиҳани ишлаб чиқиш ва лотларга ажратиш. 2. Ер майдонларини ташаббускор тадбиркорларга ажратиб бериш. 3. Электротехникада – **6 та**, чарм-пойабзал соҳасида **11 та** лойиҳани амалга ошириш. 4. Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур инфратузилма билан таъминлаш. 5. Лойиҳаларни белгиланган муддатларда ишга тушириш.	Ташаббускорлар маблағлари, хорижий инвестициялар, тижорат банклари кредитлари	2026 йил январь 2026 йил март 2026 йил июнь 2026–2027 йиллар	Савдо-саноат палатаси, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, “Ўзчармсаноат” уюшмаси

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
3.	Шароф Рашидов туманининг Зарбдор туманига туташ бўлган “А-376” автомобиль йўли бўйидаги **118 гектар** бўш ер майдонини **“Жиззах” ЭИЗ таркибига киритиш юзасидан таклиф киритиш.**	1. “А-376” автомобиль йўли бўйида **118 гектар** бўш ер майдонини **“Жиззах” ЭИЗ таркибига киритиш масаласини ўрганиш.** 2. “Жиззах” ЭИЗ таркибини кенгайтириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил май	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
4.	Ғаллаорол туманидаги махсус саноат зонаси фаолияти самарадорлигини ошириш.	1. Махсус саноат зонаси имкониятларини ўрганиб чиқиш. 2. Алоҳида саноат тармоқларига ихтисослаштирилган лойиҳаларни жойлаштириш.	Ҳисоб- китобларга асосан	2026 йил март 2026 йил давомида	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Бошқарув компанияси
5.	Шароф Рашидов тумани **“Ғазғонтепа” ҚФЙ**да чиқиндиларни бирламчи сараланган ҳолда йиғиш ҳамда қайта ишлашни жорий қилиш.	1. Лойиҳани амалга ошириш учун инвесторларни жалб этиш. 2. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Полигонда чиқиндини қайта ишлаб, кунига 500 кв/соат электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш.	Ташаббускор маблағлари	2026–2027 йиллар	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
6.	“Асакабанк” АЖ балансидаги базальт тошини қайта ишлаш корхоналари мисолида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш.	1. Халқаро тажрибага эга “BCG” хорижий эксперт компанияси билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш ва шартнома имзолаш. 2. Қурилиш материаллари бозорини таҳлил қилиш, хорижий тажриба асосида соҳани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.	Ҳисоб- китобларга асосан	2026 йил март	“Асакабанк” АЖ, “Ўзсаноатқурилиш-материаллари” уюшмаси
7.	Шароф Рашидов тумани Саройлик маҳалласидаги 3,2 гектар майдонда **мебелчилик**	1. Ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ажратишда Эски Тошкентлик, Саройлик, Яхтанлик, Тараққиёт маҳаллаларида	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил давомида	Жиззах вилояти ҳокимлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
	микросаноат марказини ташкил этиш.	фаолият кўрсатаётган мебелчилик йўналишидаги тадбиркорларга устуворлик бериш. 2. Танлов савдоси ғолибларига ўн йил давомида фаолият турини сақлаш ҳамда бошқа йўналишдаги тадбиркорларга сотишга тақиқ қўйиш. 3. Микросаноат марказининг инфратузилмаси учун зарур маблағларни “драйвер” лойиҳалар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан ажратиш.		2026 йил давомида 2026 йил март	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги
Тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш					
8.	Жиззах шаҳри Оққўрғонлик маҳалласи Ю.Салимов кўчасида реновация дастури асосида **ҳунармандлар кўчаси**ни ташкил этиш.	1. Ю.Салимов кўчасида жойлашган хусусий турар ва нотурар жойларни хатловдан ўтказиш. 2. Ҳунармандлар кўчасининг лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда 1-қаватида ҳунармандлар учун ишлаб чиқариш устахоналари ҳамда савдо дўконлари, 2-3-қаватларида тураржой бинолари қурилишини назарда тутиш.	Ҳисоб-китобларга асосан банк кредитлари	2026 йил январь 2026 йил март	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Марказий банк, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
9.	Иқтисодиёт ва молия тизими ташкилотларини бир жойга (бинога) мақбул тарзда жойлаштириш.	1. Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг собиқ биносини вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси балансига беғараз ўтказиб бериш. 2. Мазкур бинога иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси ва Ғазначилик хизмати қўмитасининг вилоят бошқармасини жойлаштириш. 3. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг вилоят бошқармасини Халқ қабулхонаси биносининг 2-қаватига жойлаштириш. 4. Пенсия жамғармаси ҳамда Ғазначилик хизмати қўмитасининг вилоят бошқармаларининг	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил февраль 2026 йил март 2026 йил март 2026 йил июнь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		бўшайдиган бино ва ер майдонларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш.			
10.	**“Кўк сарой”** савдо мажмуаси мисолида вилоятнинг бошқа туман марказларида ҳам **савдо** ва **кўнгилочар** марказлар ташкил этиш.	1. Савдо ва кўнгилочар марказлар ташкил этиш режа-графигини тасдиқлаш. 2. Туманларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш. 3. Ташаббускор тадбиркорларни аниқлаш ва уларга зарур кредит маблағларини ажратиш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил январь 2026 йил март 2026–2027 йиллар	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
11.	Жиззах вилоятининг барча туман марказларида **истироҳат боғлари** ташкил қилиш.	1. Мавжуд истироҳат боғларини хатловдан ўтказиш. 2. Вилоятнинг ҳар бир ҳудудида истироҳат боғларини ташкил қилиш, мавжудларини кенгайтириш юзасидан дастур ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. 3. Истироҳат боғларини инфратузилма билан таъминлаш ишларини вилоят маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга ошириш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил январь 2026 йил март 2026–2027 йиллар	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
12.	“Озарбайжон намунаси” асосида **янги “Жиззах Экспомаркази”ни** барпо қилиш.	“Жиззах” эркин иқтисодий зонаси ҳудудининг 2 гектар ер майдонида “Озарбайжон намунаси”да янги “Жиззах Экспомаркази”ни қуриб фойдаланишга топшириш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил декабрь	Савдо-саноат палатаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги
		Туризмни ривожлантириш			
13.	2026 йилда Жиззах вилоятида **“Jizzakh Open Air”** халқаро туризм фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш.	1.**“Jizzakh Open Air”** халқаро фестивалини ўтказиш концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш. 2.Тадбир ўтказиладиган ҳудудларни ва ўтказиш вақтини белгилаш. 3. Вазирлар Маҳкамасининг баёни лойиҳасини **ишлаб чиқиб тасдиқлаш.**	Маҳаллий бюджет маблағлари	2026 йил март 2026 йил май 2026 йил	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Туризм қўмитаси, Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		4. Фестиваль доирасида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос миллий урф-одатларини акс эттирувчи кўргазма павильонларини ташкил қилиш. 5. Фестиваль доирасида биринчи бор “Пляж волейболи” бўйича Осиё чемпионатини ташкил қилиш.		май 2026 йил июнь	Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
14.	Сангзор дарёсини тозалаш, сув билан тўлдириш ҳамда “**Истиқлол**” боғига туташ ҳудудда пиёдалар ўтиш кўприги ва амфитеатр қуриш.	1. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш. 2. Қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва фойдаланишга топшириш.	**20 млрд сўм** Ўзбекистон Республикасининг бюджети маблағлари	2026 йил февраль 2026 йил март–июль	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
15.	Зафаробод тумани “Чимқўрғон” МФЙ ҳудудида Айдар-Арнасой кўллари бўйида узоқ йиллардан бери бўш турган туман ҳокимлиги захирасидаги **115 гектар** ер майдонида замонавий **экотуризм масканини ташкил этиш.**	Зафаробод туманининг “Чимқўрғон” МФЙ ҳудудидаги Айдар-Арнасой кўллари бўйида “Экотуризм маскани” ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда: “Чимқўрғон” МФЙ ҳудудидаги 115 гектар ер майдонининг тоифасини ўзгартириш юзасидан Ҳукумат комиссиясига таклиф киритиш; Айдар-Арнасой кўллари бўйида ҳимоя зонасини амалдаги 200 метрдан 100 метргача қисқартиришга рухсат бериш; мастер режа ишлаб чиқиш ва ер майдонларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш; “экотуризм масканини зарур инфратузилма билан таъминлаш.	Тижорат банклари ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари	2026 йил июль 2026 йил июль 2026–2027 йиллар	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Туризм қўмитаси
16.	Вилоятнинг **туризм салоҳиятини** кенг тарғиб қилиш.	1. Зомин тумани “Даштобод” бекати номини “Зомин туризм бекати” номига ўзгартириш. 2. Туризм салоҳиятини доимий равишда турли платформалар, оммавий ахборот воситалари	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	2026 йил апрель	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Туризм қўмитаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		ва блогер-инфлюнсерлар томонидан тарғибот ишларини олиб бориш.		2026 йил давомида	
17.	**Зомин** тумани “Дуоба” ҚФЙ ва “Қайирма” МФЙ ҳудудида жойлашган “Ўрмон” агентлиги балансидаги ўрмон билан қопланмаган **81,7 га** бўш ер майдонида мастер режа асосида **туристик зона ташкил этиш.**	1. Салоҳиятли ҳудудларни чегараларини белгилаш. 2. Лойиҳаолди изланишларни амалга ошириш. 3. Ҳудуднинг мастер режасини ишлаб чиқиш. 4. “Ўрмон” агентлиги балансидаги **81,7 га** ер майдонларининг тоифасини ўзгартириш. 5. Туристик зонани ташкил этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 6. Мастер режага асосан ер майдонларини аукционга чиқариш.	Тижорат банклари ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари	2026 йил март 2026 йил май 2026 йил декабрь 2026–2027 йиллар	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Туризм қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги, тижорат банклари
18.	Бахмал, Фориш, Зафаробод, Шароф Рашидов, Ғаллаорол ва Арнасой туманларида туризм комплексларини ташкил этиш.	1. Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича буюртмачилик вазифасини бажариш учун Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузурида “Жиззах вилоятида туризм лойиҳалари ва инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш департаменти” давлат муассасасини (кейинги ўринларда – департамент) ташкил этиш. Бунда давлат муассасаси раҳбари ходимлар таркибини шакллантириш, лавозимга тайинлаш ва озод қилиш Туризм қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади. 2. Жиззах вилоятининг туризмга ихтисослашган туманларида аукцион савдоларига чиқариладиган ер майдонларини сотишдан тушган маблағларни 2027 йил 31 декабрга қадар (сотиш билан боғлиқ харажатлар чегирилган ҳолда) туризм	Тижорат банклари ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари	2026–2027 йиллар	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Туризм қўмитаси

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		комплексларини инфратузилма билан таъминлаш ва департамент фаолиятини молиялаштириш учун йўналтириш. 3. Буюртмачилик ва бошқа вазифаларни бажаришда, жумладан лойиҳалар, мастер режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, лойиҳа (техник) топшириқларини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларини қабул қилиш ва техник назоратни амалга ошириш юзасидан компания ва консультантларни жалб этиш. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги ПҚ–245-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 майдаги ПФ–87-сонли Фармони билан Бахмал, Фориш ҳамда Арнасой туманларининг мастер-режаси ишлаб чиқилиши инобатга олинсин.			
19.	Фориш тумани Эгизбулоқ маҳалласининг Тузкон кўли қирғоқларигача бўлган **22 минг** гектар қисмини Арнасой туманига ўтказиш.	1. Арнасой туманига ер майдонларини ўтказиш лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил февраль 2026 йил март	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
20.	Айдар-Арнасой кўллари бўйидаги **207 гектар** ер майдонида **туризм объектларини ташкил этиш.**	1. Лойиҳанинг мастер режасини ишлаб чиқиб, Туризм қўмитаси ҳамда Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан келишган ҳолда тасдиқлаш. 2. Ер майдонларини лотларга бўлган ҳолда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш. 3. Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа ҳудудларидан салоҳиятли тадбиркорларни, хорижий инвесторларни жалб қилиш. 4. Туризм объектларини ташкил этиш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил июнь 2026 йил сентябрь	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Туризм қўмитаси

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва қурилиш ишларини жадаллаштириш					
21.	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали учун давлат-хусусий шериклик асосида **400 ўрин**ли талабалар тураржойини қуриш.	1. Жиззах шаҳри ҳудудидан ётоқхона қуриш учун ер майдонини ажратиш. 2. Ётоқхона қурилиши концепциясини ишлаб чиқиш. 3. Қурилиш-таъмирлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	Ташаббускор маблағлари ва олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари	2026 йил давомида	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
22.	Жиззах шаҳри Алишер Навоий кўчасида транспорт воситалари тирбандликларининг олдини олиш мақсадида савдо мажмуаси яқинидаги ер майдонларини, жамоат эҳтиёжлари учун олишига рухсат бериш.	1. Савдо мажмуаси учун автотураргоҳ барпо этилиши муносабати билан ҳудуддаги савдо дўконлари мулкдорларига **7,2 млрд сўм** компенсация тўловларини қоплаб бериш. 2. Автотураргоҳ ҳудудидаги мулк эгаларига компенсация тўловлари учун Ўзбекистон Республикасининг бюджетидан Жиззах вилояти маҳаллий бюджетига 3,6 млрд сўм ажратиш ҳамда қолган қисмини ҳудудий компенсация жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш.	**7,2 млрд сўм** Ўзбекистон Республикасининг бюджети маблағлари	2026 йил февраль	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
23.	Вилоятдаги кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда аҳолини қийнаб келаётган бошқа муаммоларни бартараф этиш учун республика бюджетидан ажратилган **100 млрд сўм** бюджет ссудасини қоплаш.	1. Бюджет ссудасини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун 2025 йилда назарда тутилган маблағлар ҳисобидан Жиззах вилоят маҳаллий бюджетига 100 миллиард сўм ажратиш. 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун 2025 йилда назарда тутилган маблағлар ҳисобидан Жиззах вилоят маҳаллий бюджетига 100 миллиард сўм ажратиш 2026 йил январь ойида амалга оширилади ва 2025 йилги ҳисоботларда акс эттириш.	**100 млрд сўм** Ўзбекистон Республикасининг бюджети маблағлари	2026 йил январь	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
24.	Мирзачўл тумани ҳудудидаги Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги фаолияти тўхтатилган собиқ ўтиш пункти негизида янги Давлат чегараси ўтказиш пунктини барпо этиш чораларини кўриш.	1. Ўтказиш пунктини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги, амалий аҳамияти, режалаштирилаётган ўтказувчанлик имконияти, очилиш муддати, давлат назорати органлари учун қўшимча штат бирликлари ажратиш ва Қозоғистон Республикаси томони билан музокаралар ўтказиш масаласи бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш. 2. Ўтказиш пункти фаолиятини йўлга қўйиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил март 2026 йил апрель	Божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, ДХХ Чегара қўшинлари
25.	Жиззах шаҳрида қуввати 30 минг м^3 бўлган оқова сув тозалаш иншоотининг қувватини 80 минг м^3 га ошириш бўйича ДХШ асосида лойиҳани амалга ошириш.	1. Лойиҳани амалга ошириш учун хусусий шерик билан тегишли шартномаларни имзолаш; 2. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани ДХШ асосида ишга тушириш.	Хусусий шерик маблағлари	2026–2027 йиллар	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
26.	Бахмал тумани “Темирқадам” МФЙ ҳудудида **“Оққўрғонсой” сел-сув омборини қуриш.**	1. Лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда Оққўрғонсой сел-сув омборини қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа натижаларига асосан сел-сув омборлари қурилишининг молиялаштириш манбаларини аниқлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклиф киритиш. 3. Сел сув омборини қуриш мақсадга мувофиқлигига кўра Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш чораларини кўриш.	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан	2026 йил май 2026 йил июль	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги,
Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш					
27.	Ҳудудлардан ўтган зовур бўйларида енгил конструкцияли	1. Енгил конструкцияли чорвачилик пунктлари қуриладиган зовур ёқаларини белгилаб олиш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил март	Сув хўжалиги вазирлиги,

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
	наслли чорва молларини сақлаш пунктларини қуриш.	2. Қурилиш ишларини амалга ошириш учун **10 йил муддатга электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш.** 3. Қурилиш ишларини амалга ошириш ва фаолиятини йўлга қўйиш.		2026 йил август	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
28.	Вилоятда **саноатлашган интенсив мевали** боғларни ташкил этиш.	1. Фориш тумани Мустақиллик, Яссикечув, Гараша маҳаллаларида 100 гектар токзорларни ташкил этиш. 2. Ғаллаорол туманида 50 гектар замонавий токзорлар ташкил этиш. 3. Зомин мурувват уйига қарашли 35 гектар ҳамда унга туташ ҳудуддан бўш турган 50 гектар ер майдонида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг бюджетдан ташқари ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан “IN-VITRO” усулида замонавий боғ ташкил этиш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил декабрга	АТ “Халқ банки”, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
29.	Вилоятда балиқчиликни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш.	1. Вилоятдаги балиқчилик хўжаликларини хатловдан ўтказиш. 2. Соҳани ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 3. Зафаробод тумани “Чимқўрғон” МФЙда балиқ маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда чуқур қайта ишлаш лойиҳасини якунига етказиш. 4. Балиқчилик хўжаликларини ташкил қилишда ер **майдонларини** ижарага бериш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Ҳисоб- китобларга асосан	2026 йил март 2026 йил апрель 2026 йил 1 августга қадар 2026 йил август	“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, “Туронбанк”АТБ, Жиззах вилояти ҳокимлиги
Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш					
30.	Бахмал, Зомин, Янгиобод туманларининг қўшни давлатлар билан чегарадош бўлган 28 та	1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Қурилмаларни харид қилиш ва ўрнатиш.	Ички ишлар вазирлиги “Хавфсиз	2026 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги,

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
	алоҳида нуқталарига (қишлоқ ва овулларга кириб келиш жойлари) 28 дона юз танувчи ва 7 та транспорт рақамини аниқловчи кузатув камераларини ўрнатиш ва “Хавфсиз шаҳар” платформасига интеграция қилиш.	3. Кузатув камераларини “Хавфсиз шаҳар” платформасига интеграция қилиш.	шаҳар” маркази маблағлари		Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, Жиззах вилояти ҳокимлиги
31.	Жиззах шаҳрида замонавий **IT park** барпо этиш.	1. IT park мажмуасини қуриш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатларни тенг улушларда молиялаштириш. 2. IT park ҳудудининг мажмуасининг истиқболда кенгайишини инобатга олиб, Жиззах шаҳри ҳудудидан **2 гектар** ер майдони ажратиш.	Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	2027 йил сентябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
32.	Ғаллаорол туманидаги “**Маржонсув**” санаториясини давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорга бериш.	1. Лойиҳани амалга ошириш бўйича ташаббускорни аниқлаш. 2. Лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва концепциясини тасдиқлаш. 3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишиш ва рўйхатдан ўтказиш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил март	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
33.	Жиззах шаҳрида **Ягона миграция хизматлари марказини** барпо этиш.	1. Марказ қурилиши учун Жиззах шаҳридан 15 сотих ер майдони ажратиш. 2. Миграция агентлигининг маблағлари ҳисобидан қурилиш ишларини амалга ошириш. 3. Марказда немис, хитой, корейс, япон, араб ва бошқа тиллар бўйича ўқув курслари ва халқаро сертификат бериш тизимини йўлга қўйиш.	Ҳисоб-китобларга асосан, Миграция агентлигининг маблағлари	2026 йил февраль Доимий	Миграция агентлиги, Касбий таълим агентлиги, Кадастр агентлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
34.	Вилоят шифохонасининг эски биноси ўрнида **Жиззах шаҳри марказий шифохонаси ва поликлиникаси**ни барпо этиш.	1. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш. 2. Мазкур бинони таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 2027 йилга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб	**20 млрд сўм** Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	2026 йил август 2026 йил декабрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш. 3. Қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш ва фойдаланишга топшириш.	маблағлари	2027 йил декабрь	Жиззах вилояти ҳокимлиги
35.	Дўстлик тумани “Янги Ўзбекистон” массиви Халқобод кўчасини Оқдарё кўчасига улаш ҳамда ушбу ҳудудда эскирган уйлар ўрнида реновация асосида замонавий уй-жойлар қуриш.	1. Дўстлик тумани “Чинобод” МФЙдаги мавжуд эскирган уйларни реновация асосида бузиб, ўрнида кўп қаватли замонавий уй-жойлар қуриш ишларини амалга ошириш. 2. Халқобод кўчасини Оқдарё кўчасига улаш бўйича қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	**20 млрд сўм** Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари	2026 йил давомида	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
36.	Шароф Рашидов туманида собиқ ҳарбий қисмнинг бино ва иншоотлари негизида Абдулла Авлоний номидаги вилоят педагогика маҳорат марказини ташкил этиш.	1. Қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан зарур маблағ ажратиб бериш. 3. Қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил давомида	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 30 январдаги ПҚ–35-сон қарорига
5-илова

Жиззах вилоятида электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариладиган норуда ер қаъри участкалари
РЎЙХАТИ

Т/р	Кон ва участка номи	Фойдали қазилма тури	Фойдаланиш мақсади	Майдони *(гектар)*
Фориш тумани				
1	Кулсуюк (1997)	Табиий пардозбоп тошлар учун оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	7,3
2	Ғазғон (Ustaxan)	Серпентинит	Қазиш ишларини олиб бориш	2,4
3	Сулуқли-1	Қурилиш тошлари учун доломит ва оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	10
4	Сулуқли-2	Қурилиш тошлари учун доломит ва оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	10
5	Сулуқли-3	Қурилиш тошлари учун доломит ва оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	10
6	Сулуқли-4	Қурилиш тошлари учун доломит ва оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	10
7	Сулуқли-5	Қурилиш тошлари учун доломит ва оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	10
8	Сулуқли-6	Қурилиш тошлари учун доломит ва оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	10
9	Сулуқли-7	Қурилиш тошлари учун доломит ва оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	10
10	Сулуқли-8	Қурилиш тошлари учун доломит ва оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	10

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

Т/р	Кон ва участка номи	Фойдали қазилма тури	Фойдаланиш мақсади	Майдони *(гектар)*
11	Сулуқли-9	Қурилиш тошлари учун доломит ва оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	8,7
Шароф Рашидов тумани				
12	Ғазғон (Устахан)	Ўтга чидамли кукун ишлаб чиқаришга хомашё учун Ш.Керпантинит	Қазиш ишларини олиб бориш	2,4
13	Пахтаобод	Оҳактош	Геология ўрганиш ишлари	7,2
14	Равот	Оҳактош	Геология ўрганиш ишлари	15
15	Сайхон-1 уч.1	Оҳактош	Геология ўрганиш ишлари	11,4
16	Сайхон-1 уч.2	Оҳактош	Геология ўрганиш ишлари	11,4
17	Сайхон-2	Оҳактош	Геология ўрганиш ишлари	15
18	Сайхон-3	Оҳактош	Геология ўрганиш ишлари	4
Зафаробод тумани				
19	Зафаробод	Қурилиш тошлари учун оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	6
20	Зафаробод кони 1-участкаси	Ганж	Қазиш ишларини олиб бориш	10
21	Зафаробод кони 2-участкаси	Ганж	Қазиш ишларини олиб бориш	10

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

T/p	Кон ва участка номи	Фойдали қазилма тури	Фойдаланиш мақсади	Майдони *(гектар)*
22	Зафаробод кони 3-участкаси	Ганж	Қазиш ишларини олиб бориш	9,65
Ғаллаорол тумани				
23	Қўйтош (Қўйтош-3)	Табиий пардозбоп тошлар учун оҳактош	Қазиш ишларини олиб бориш	18
24	Ровот-4 (Ҳовузбулоқ-2) кони кони 1-участкаси	Ғишт хомашёси учун лёссимон жинслар	Қазиш ишларини олиб бориш	10
25	Ровот-4 (Ҳовузбулоқ-2) кони кони 2-участкаси	Ғишт хомашёси учун лёссимон жинслар	Қазиш ишларини олиб бориш	10
26	Ровот-4 (Ҳовузбулоқ-2) кони кони 3-участкаси	Ғишт хомашёси учун лёссимон жинслар	Қазиш ишларини олиб бориш	10
27	Ровот-4 (Ҳовузбулоқ-2) кони кони 4-участкаси	Ғишт хомашёси учун лёссимон жинслар	Қазиш ишларини олиб бориш	10
28	Ровот-4 (Ҳовузбулоқ-2) кони кони 5-участкаси	Ғишт хомашёси учун лёссимон жинслар	Қазиш ишларини олиб бориш	10
29	Ровот-4 (Ҳовузбулоқ-2) кони кони 6-участкаси	Ғишт хомашёси учун лёссимон жинслар	Қазиш ишларини олиб бориш	10
30	Ровот-4 (Ҳовузбулоқ-2) кони кони 7-участкаси	Ғишт хомашёси учун лёссимон жинслар	Қазиш ишларини олиб бориш	11,3
31	Қўйтош-1	Гранит	Геология ўрганиш ишлари	12,3
32	Қўйтош-2	Гранит	Геология ўрганиш ишлари	12

QMMB: 07/26/35/0105-son
03.02.2026-y.

T/p	Кон ва участка номи	Фойдали қазилма тури	Фойдаланиш мақсади	Майдони *(гектар)*
33	Қўйтош-3	Гранит	Геология ўрганиш ишлари	13,4
Бахмал тумани				
34	Бахмал	Оҳактош	Геология ўрганиш ишлари	2
Зомин тумани				
35	Зомин	Қум-шағал	Геология ўрганиш ишлари	10,3

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/29/0082-son
28.01.2026-y.

4 (1232)-son
70-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 27 » yanvar № 29 Toshkent sh.

Янги замонавий сузиш ҳавзаларини (бассейн) қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025–2026 йилларда сайёҳлар оқимини кескин кўпайтириш ва туристик хизматлар кўламини жадал кенгайтириш орқали туризмнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 15 майдаги ПФ–87-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз иқлимидан келиб чиқиб, туристларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Янги замонавий сузиш ҳавзаларини (бассейн) қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган талаблар;

харажатларни қоплаш учун ариза бериш тартиби ҳамда тақдим этиладиган ҳужжатлар;

аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартиби;

ажратиладиган маблағларни тадбиркорлик субъектларига ўтказиш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **ўн беш кун муддатда** ушбу қарор билан тасдиқланган Регламентга мувофиқ давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали жорий этилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматларини кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича уларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI UMUMIY BO‘LIM 1

QMMB: 09/26/29/0082-son
28.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 27 ” январдаги 29 - сон қарорига
илова

Янги замонавий сузиш ҳавзаларини (бассейн) қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Маъмурий регламент янги замонавий сузиш ҳавзаларини (бассейн) (кейинги ўринларда – сузиш ҳавзаси) қуриш (мавжуд сузиш ҳавзаларини реконструкция қилиш бундан мустасно) ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан қоплаш тартибини белгилайди.

2. Харажатларни қоплаш учун маблағлар Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали Қўмита томонидан ажратилади.

3. Ушбу Маъмурий регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

жойлаштириш воситалари – меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуалар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, санаторийлар ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа объектлар, шунингдек, жойлаштириш воситаси сифатида тунаш учун жиҳозланган ерусти транспорти;

йирик савдо мажмуаси – майдони 5 минг квадрат метрдан катта бўлган савдо мажмуалари, шу жумладан, улар эгаллаган ер участкалари;

сузиш ҳавзаси – жойлаштириш воситалари, йирик савдо мажмуалари ёки умумий овқатланиш шохобчалари ҳудудида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2026 йил 1 февралдан – 2028 йил 1 январга қадар қуриб ишга тушириладиган, майдони 50-100 квадрат метр, чуқурлиги 1,3 метрдан бошланадиган, сувни фильтрлаш, иситиш ва дезинфекция қилиш тизимлари билан жиҳозланган, ёпиқ (ички) ёки очиқ (ташқи) сунъий сузиш ҳавзаси, бинонинг ташқи ва ички фасад қисмларини, шунингдек, ҳудудини декоратив жиҳозлашга қаратилган сув ҳавзалари ва фавворалар бундан мустасно;

талабгор – пудрат шартномаси асосида жойлаштириш воситалари, йирик савдо мажмуалари ва умумий овқатланиш шохобчалари ҳудудида сузиш ҳавзасини қуриш ва ишга тушириш харажатларини қоплаб бериш бўйича ариза топширган, белгиланган тартибда жойлаштириш воситаси, йирик савдо мажмуаси ва умумий овқатланиш шохобчаси сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс;

QMMB: 09/26/29/0082-son
28.01.2026-y.

харажатларни қоплаш – талабгорга сузиш ҳавзасини қуриш ва ишга тушириш учун сарфланган харажатларни Жамғарма ҳисобидан қоплаш.

4. Ушбу Маъмурий регламентга мувофиқ талабгорлар томонидан тақдим этилган дастлабки 100 та сузиш ҳавзасини қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилади.

Бунда маблағлар 2026 йил 1 февралдан бошлаб 2028 йил 1 январга қадар сузиш ҳавзаларини ташкил этиш харажатларининг 50 фоизигача, лекин 100 миллион сўмдан ошмаган қисми учун ажратилади.

5. Талабгор харажатларни қоплаш учун ариза тақдим этиш вақтида қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида назарда тутилган солиқ ва йиғимлар бўйича қарздорлиги бўлмаслиги;

қайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнида бўлмаслиги;

фаолияти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча тўхтатилган бўлмаслиги;

суд қарори асосида тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинган бўлмаслиги.

6. Харажатлар битта талабгорга битта сузиш ҳавзаси учун бир марта қоплаб берилади.

7. Харажатларни қоплаш учун маблағлар ушбу Маъмурий регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича ажратилади.

2-боб. Ариза тақдим этиш ва уни кўриб чиқиш тартиби

8. Талабгор харажатларни қоплаш учун Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали Қўмитага ушбу Маъмурий регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

сузиш ҳавзасининг лойиҳа ҳужжатлари нусхаси;

сузиш ҳавзасини қуриш ва ишга тушириш учун тузилган пудрат шартномаси нусхаси;

шартномага асосан тўлов амалга оширилганини тасдиқловчи электрон ҳужжат (ҳисобварақ-фактура, касса ёки терминал аппарати чеклари, банк тўлов ҳужжатлари ва бошқалар) нусхалари.

9. Аризага талабгор тўғрисида маълумотлар киритилгандан сўнг талабгор уни имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (ЭРИ, дактилоскопия, электрон рақамли имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Талабгор аризани ЯИДХП орқали тўлдирганда, ундан электрон рақамли имзо талаб этилмайди.

QMMB: 09/26/29/0082-son
28.01.2026-y.

10. Қўмита томонидан ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн иш кунида унинг ушбу Маъмурий регламентда белгиланган талабларга мослиги жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқилади ҳамда далолатнома расмийлаштирилади.

11. Қўмита талабгорнинг аризасини ўрганиш даврида қуйидаги ҳужжатларни масъул давлат органлари ва ташкилотлардан мустақил равишда, шу жумладан, "Электрон ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали реал вақт режимида текшириб олади:

талабгорнинг номи, жойлашган жойи (почта манзили), унинг рўйхатдан ўтиш рақами, санаси, гувоҳнома берган давлат органи номи, СТИР ёки ЖШШИР, унинг тижорат банки реквизитлари ва ҳисобварағини;

жойлаштириш воситасига берилган мувофиқлик сертификатини;

ушбу Маъмурий регламентнинг 5-бандида назарда тутилган талабларга мос келишини.

12. Қўмита аризани ўрганиб чиқиб, бир иш кунида харажатларни қоплаш ёки харажатларни қоплашни рад этиш тўғрисида (рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда) қарор қабул қилади ҳамда қарорнинг электрон нусхасини қарор қабул қилинган кундан сўнг бир иш кунида Давлат хизматлари маркази (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ЯИДХП (электрон тарзда мурожаат қилинганда) орқали талабгорга юборади.

13. Харажатларни қоплаш тўғрисидаги қарорда қопланаётган сумма миқдори, сув ҳавзасининг жойлашган жойи (почта манзили) ва унинг кадастр рақами, тадбиркорлик субъекти номи (Ф.И.О.), СТИР (ЖШШИР), унинг тижорат банкидаги ҳисобварағи кўрсатилади.

14. Харажатларни қоплаш қуйидаги асосларга кўра рад этилади:

аризада ушбу Маъмурий регламентга 2-иловада назарда тутилган маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаганда ёки нотўғри маълумот тақдим этилганда;

талабгор ушбу Маъмурий регламентда белгиланган талабларга жавоб бермаганда.

15. Харажатларни қоплашни ушбу Маъмурий регламентда кўрсатилмаган асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Талабгор харажатларни қоплашни рад этиш тўғрисидаги қарор нусхасини олган кундан бошлаб, кўпи билан бир ой давомида қарорда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиши ҳамда уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Қўмитага такроран ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

17. Ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб етти иш кунида қайта кўриб чиқилади. Бунда харажатларни қоплашни янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Ушбу Маъмурий регламентнинг 16-бандида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг тақдим этилган ариза янги берилган деб ҳисобланади.

QMMB: 09/26/29/0082-son
28.01.2026-y.

19. Қўмита харажатларни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида талабгорнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банкидаги ҳисобварағига маблағларни ўтказиб беради.

3-боб. Якунловчи қоидалар

20. Жамғарма ҳисобидан маблағ ажратилган тадбиркорлик субъектлари рўйхати (реестри) Қўмитанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

21. Талабгор Қўмитага тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилиги учун масъул ҳисобланади.

22. Қўмита ушбу Маъмурий регламент талабларига мувофиқ ишларни ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва Жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағларнинг талабгорга етказилиши учун масъул ҳисобланади.

23. Талабгор Қўмитанинг харажатларни қоплаб беришни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган ҳолларда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

24. Ушбу Маъмурий регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/29/0082-son
28.01.2026-y.

Янги замонавий сузиш ҳавзаларини (бассейн) қуриш
ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова

Янги замонавий сузиш ҳавзаларини (бассейн) қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Талабгор (тадбиркорлик субъекти)	Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитасига Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали ариза билан мурожаат қилади.	ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Туризм қўмитаси	1. Аризанинг белгиланган талабларга мослигини жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқади ҳамда далолатнома расмийлаштиради. 2. Аризани ўрганиб чиқиб, харажатларни қоплаш ёки харажатларни қоплашни рад этиш тўғрисида (рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда) қарор қабул қилади. 3. Қарорнинг электрон нусхасини қарор қабул қилинган кундан сўнг Давлат хизматлари маркази (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ЯИДХП орқали талабгорга юборади.	10 иш кунида 1 иш кунида 1 иш кунида
3-босқич	Талабгор	Рад этиш тўғрисидаги қарорни олгандан сўнг, қарорда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этади ва уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Туризм қўмитасига такроран Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилади.	1 ой муддатда
4-босқич	Туризм қўмитаси	Ариза такроран тақдим этилганда, уни қайта кўриб чиқади.	7 иш кунида
5-босқич	Туризм қўмитаси	Харажатларни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилинганда, талабгорнинг тижорат банкидаги ҳисобварағига маблағларни ўтказиб беради.	10 иш кунида

QMMB: 09/26/29/0082-son
28.01.2026-y.

Янги замонавий сузиш ҳавзаларини (бассейн) қуриш
ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

Янги замонавий сузиш ҳавзаси (бассейн)ни қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тўғрисида
АРИЗА

_____
(тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ ариза берувчининг тўлиқ номи)

_____
(жойлашган жойи, почта манзили)

_____ манзил бўйича рўйхатдан ўтган,

Директори (ишончли вакил): _____
шахс номидан
(ариза берувчи раҳбари / ишончли вакил Ф.И.О.)

_____ манзилда жойлашган
(вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино рақами)

янги замонавий сузиш ҳавзаларини (бассейн) қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратишингизни сўрайман.

Янги замонавий сузиш ҳавзасининг (бассейн) ўлчамлари: _____

Жами сарфланган харажатлар миқдори: _____

Ажратилиши сўралаётган маблағ миқдори: _____

Банк реквизитлари ва ҳисобварағи: _____
_____
_____

Алоқа маълумотлари (тел/факс рақами, электрон почта манзили): _____

_____
(ариза берувчининг лавозими, Ф.И.О.)

20 ____ йил _____

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

4 (1232)-сон
71-модда

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 28 » yanvar № 31 Toshkent sh.

Чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ–6084-сон Фармони билан тасдиқланган 2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш ҳамда уни хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш, ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини билиш даражаси бўйича малака сертификатига эга бўлиш имкониятини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Тилларни ўқитиш, ўрганиш ва баҳолаш бўйича умумевропа мезонлари (CEFR) талабларига мувофиқ **чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини** (кейинги ўринларда – малака сертификати) бериш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ўзбек тилидан малака имтиҳони учун талабгорларни рўйхатга олиш тартиби;

ўзбек тилидан малака имтиҳонини ташкил этиш, имтиҳон топшириқларини шакллантириш ва натижаларини баҳолаш тартиби;

малака сертификатини бериш ва сертификатлар реестрини юритиш тартиби.

3. Белгилансинки:

а) **2026 йил 1 мартдан** бошлаб CEFR мезонларига мувофиқ чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини билишнинг A1, A2 ва B1 даражалари бўйича, **2027 йил 1 мартдан** бошлаб эса B2, C1 ва C2 даражалари бўйича малака сертификатини бериш учун имтиҳонлар жорий этилади;

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

б) ўзбек тилини билиш даражаси тўғрисида камида B1 даражадаги малака сертификатига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар **2026 йил 1 апрелдан** бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишда давлат тилини билиш даражасини аниқлаш имтиҳонидан озод этилади;

в) чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича малака имтиҳонини ташкил этиш ва сертификатлаш Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг “Илмий-ўқув амалий маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Илмий марказ) томонидан амалга оширилади.

4. Илмий марказга қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклансин:

малака сертификатини бериш имтиҳонини 4 та кўникма (тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) асосида онлайн шаклда ташкил этиш;

малака сертификатини бериш имтиҳони учун талабгорларни рўйхатдан ўтказиш, тўловларни қабул қилиш, имтиҳонни ўтказиш, натижаларни эълон қилиш, апелляция мурожаатларини қабул қилиш ҳамда электрон сертификат беришни назарда тутувчи **“Ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш имтиҳони”** (“Uzbek language proficiency test”) электрон платформасини ишга тушириш;

малака сертификати бериш учун ўтказиладиган имтиҳон материалларини (тест топшириқларини) ишлаб чиқиш;

чет тили ва умумтаълим фанларидан республикада тан олинган халқаро ва миллий сертификатларни “ягона нуқта” тамойили бўйича шартнома асосида верификация қилиш ҳамда электрон маълумот тақдим этишнинг рақамлашган тизимини яратиш;

малака имтиҳонларини ташкил этиш, ўтказиш, уларнинг натижаларини таҳлил этиш ва эълон қилиш;

хорижий имтиҳон олувчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш имтиҳонларини ҳамкорликда ташкил этиш, шунингдек, имтиҳон учун тўловларни қабул қилиш ёки ўтказиш;

талабгорларга имтиҳон натижалари таҳлили асосида тегишли фанни ўрганишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар бўйича тавсиялар бериш хизматини йўлга қўйиш.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги ушбу қарор билан юкланган вазифаларни самарали амалга ошириш ҳамда миллий тест тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Илмий марказ тузилмаси ва ходимларининг умумий чекланган сонини қайта тасдиқласин.

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

6. Қуйидагилар:

Туризм қўмитаси – “Ўзбек академияси” (Uzacademy) интернет платформасида;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги – хориждаги ўзбек миллий маданий марказларида ҳамда республика олий таълим ташкилотларида ташкил этилган ўзбек тилини ўргатувчи марказларда;

Ташқи ишлар вазирлиги – Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ҳузуридаги ўзбек тили курсларида малака сертификатини бериш тизими жорий этилганини кенг тарғиб қилсин.

7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “28” январдаги 31-сон қарорига
илова

Чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тилларни ўқитиш, ўрганиш ва баҳолаш бўйича умумевропа мезонлари (CEFR) талабларига мувофиқ чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини (кейинги ўринларда – малака сертификати) бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг “Илмий-ўқув амалий маркази” давлат муассасаси;

верификация қилиш – малака сертификатининг ҳақиқийлигини ва ишончлилигини ҳамда ҳақиқатда уни тақдим қилган шахсга оидлигини тасдиқлаш жараёни;

кўп даражали формат – талабгорларнинг билим ва малакаларини A1, A2, B1, B2, C1, C2 даражалардаги топшириқлар орқали аниқлашга қаратилган формат;

малака сертификати – ўзбек тили малака имтиҳонидан (кейинги ўринларда – малака имтиҳони) муваффақиятли ўтган талабгорга уч йил муддатга бериладиган, QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ўзбек тилини билиш даражасини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат;

малака имтиҳони (Uzbek language proficiency exam – Uz-Pro) – талабгорнинг ўзбек тилини билиш даражасини тест синови, ёзма иш ва оғзаки суҳбат ўтказиш орқали аниқлаш шакли;

махсус дастур – малака имтиҳонининг “тинглаб тушуниш” ва “ўқиш” бўлимлари бўйича талабгорларнинг тилни билиш даражасини баҳолашда экспертлар томонидан фойдаланиладиган дастурий таъминот;

махсус код (токен) – талабгорнинг малака имтиҳонига масофадан киришини таъминлаш ва талабгорни электрон идентификация қилиш учун мўлжалланган электрон калит;

талабгор – малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонини топшириш истагини билдирган ва белгиланган тартибда ваколатли органнинг расмий веб-сайти орқали рўйхатдан ўтган чет эл фуқароси ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар;

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

“Ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш имтиҳони” (“Uzbek language proficiency test”) электрон платформаси (кейинги ўринларда – имтиҳон платформаси) – малака имтиҳонига талабгорларни рўйхатдан ўтказиш, тўлов қабул қилиш ва имтиҳонни ўтказиш, натижаларни эълон қилиш, апелляция мурожаатларини қабул қилиш ҳамда малака сертификатини бериш учун ўзбек ва инглиз тилларида юритиладиган дастурий таъминот;

CEFR – Тилларни ўқитиш, ўрганиш ва баҳолаш бўйича умумевропа мезонлари. Бу мезонлар тиллар бўйича малака даражаларини баҳолаш учун қўлланади ҳамда A1, A2, B1, B2, C1, C2 даражаларидан иборат.

3. Малака имтиҳони CEFR мезонларига мувофиқ тайёрланган топшириқлар асосида кўп даражали форматда ваколатли орган томонидан имтиҳон платформаси орқали онлайн шаклда ўтказилади.

4. Малака имтиҳони тўртта кўникма (тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) қамраб олинган ҳолда бир босқичда онлайн шаклда ўтказилади.

5. Ваколатли орган кўп даражали тест топшириқларининг қийинлик даражаси бўйича малака имтиҳони натижаларини белгиловчи жадвал ишлаб чиқиб, тасдиқлайди ҳамда имтиҳон платформаси орқали эълон қилади.

6. Малака сертификати CEFR мезонларидаги даражалар кесимида тақдим этилади.

7. Малака имтиҳони ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида ўтказилади.

2-боб. Малака имтиҳони учун талабгорларни рўйхатга олиш тартиби

8. Малака имтиҳонини ўтказиш муддатлари ваколатли орган томонидан белгиланади ҳамда имтиҳон платформаси орқали эълон қилинади.

9. Талабгор имтиҳон платформаси орқали рўйхатдан ўтади.

Рўйхатдан ўтишда талабгор имтиҳон платформасига шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотларни (фамилияси, исми, туғилган санаси, фуқаролиги, фуқаролиги бўлмаган шахс ҳужжат серияси ва рақами) киритади.

Рўйхатдан ўтишда автоматик тарзда талабгорнинг фотосурати олинади ҳамда имтиҳон бошланишидан олдин талабгорнинг шахси ушбу фотосурат орқали аниқланади.

Рўйхатдан ўтган талабгор учун имтиҳон платформасида шахсий кабинет яратилади ҳамда талабгорга оферта шартномаси тақдим этилади.

Талабгор рўйхатдан ўтишда электрон почта манзилини кўрсатади. Талабгорнинг электрон почта манзилини кўрсатгани унинг малака имтиҳонининг вақти, қоидалари ва натижалари юзасидан апелляция хулосаси ҳақида электрон почта орқали хабарнома олишга розилигини билдиради.

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

Талабгор рўйхатдан ўтишда ваколатли орган томонидан эълон қилинган имтиҳон саналаридан бирини танлайди.

Малака имтиҳони учун талабгорларни рўйхатга олиш имтиҳон санасидан камида беш иш куни олдин якунланади.

Талабгорлардан рўйхатдан ўтишда бошқа ҳужжатлар талаб этилмайди.

Ушбу бандда назарда тутилган маълумотлар кўрсатилмаганда, ҳужжатлар қабул қилиниши рад этилади.

Талабгор ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигига талабгорнинг шахсан ўзи жавобгар ҳисобланади.

10. Малака имтиҳонида иштирок этиш учун талабгор 50 АҚШ доллари миқдорида тўловни амалга оширади.

Бунда тўлов Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилганда 50 АҚШ доллари миқдорида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилганда тўлов амалга оширилган кундаги чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки курси бўйича ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтиш жараёнида талабгор бир ой муддат ичида икки маротаба малака имтиҳони топшириш истагини билдирган тақдирда, иккинчи малака имтиҳони учун имтиҳон тўловининг 50 фоизи миқдорида чегирма тақдим этилади.

Талабгорлар томонидан тўлов банк тўлов тизимлари орқали банк валюта карталаридан фойдаланган ҳолда, электрон шаклда амалга оширилади.

Барча тўловлар ваколатли органнинг валюта ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловни амалга оширган талабгорга малака имтиҳонида иштирок этиши учун бир марталик махсус код (токен) ва малака имтиҳонини топшириш қоидалари тўғрисидаги эслатма берилади.

Талабгор малака имтиҳонидан кейин бир ой муддатда қайта малака имтиҳони топшириш учун ҳам тўловни амалга оширган бўлса, унга қайта малака имтиҳони учун алоҳида махсус код (токен) берилади.

11. Талабгор унга берилган махсус код (токен)дан фойдаланса, малака имтиҳонида иштирок этган ҳисобланади.

12. Талабгор малака имтиҳони қоидаларини бузганлик учун малака имтиҳонидан четлаштирилган тақдирда, амалга оширилган тўлов қайтарилмайди.

13. Талабгор ваколатли орган томонидан электрон почта манзили ҳамда шахсий кабинети орқали малака имтиҳонининг аниқ вақти тўғрисида малака имтиҳони санасидан камида уч кун олдин хабардор қилинади.

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

3-боб. Малака имтиҳонини ўтказиш тартиби

14. Малака имтиҳонида қуйидаги билим, кўникма ва малакалар текширилади:

а) **тинглаб тушуниш** – оғзаки нутқни тушуниш малакаси, эшитилган матн ва унинг қисмларида ифодаланган умумий мазмун ва ғояни англаш, очиқ ва яширин ифодаланган маълумотларни аниқлай олиш, мазмуний ва грамматик боғланишларни таҳлил қила олиш каби кўникмалар;

б) **гапириш** – оғзаки нутқни шакллантира олиш малакаси, ўз фикрини оғзаки ифодалаш, қарашларини асослаш, тил бирликларини тўғри талаффуз қилиш, лексик бирликлардан унумли фойдалана олиш, оғзаки нутқда тил бирликларини грамматик ва мазмуний жиҳатдан тўғри қўллаш каби кўникмалар;

в) **ўқиш** – матнни ўқиб тушуниш малакаси, ўқилган матн ва унинг қисмларида ифодаланган умумий мазмун ва ғояни англаш, матн қисмлари ва гаплар ўртасидаги мантиқий изчилликни, мазмуний муносабатларни таҳлил қила олиш, очиқ ва яширин ифодаланган маълумотларни аниқлай олиш, хулоса чиқара олиш, лексик, грамматик бирликлар, тиниш белгиларининг матндаги вазифасини тушуниш, вербал-визуал ахборотларни таҳлил қила олиш каби кўникмалар;

г) **ёзиш** – берилган вазият ёки мавзуга мос равишда матн туза олиш малакаси, фикрни мазмуний изчилликда баён қила олиш, луғат бойлигидан унумли фойдаланиш, грамматик воситаларни тўғри қўллаш, синтактик бирликларни шакллантира олиш, имло қоидаларига риоя қилиш, тиниш белгиларини тўғри қўллай олиш каби кўникмалар.

Ногиронлиги бўлган талабгорларнинг малака имтиҳонида қуйидаги билим, кўникма ва малакалари текширилади:

кўзи ожиз талабгорлар учун – “тинглаб тушуниш” ва “гапириш”;

эшитиш ва гапиришида нуқсони бўлган талабгорлар учун – “ўқиш” ва “ёзиш”;

ёзиш имконияти чекланган талабгорлар учун – “тинглаб тушуниш”, “ўқиш” ва “гапириш” кўникмалари.

15. Малака имтиҳони учун вақт меъёрлари, тест топшириқлари сони, тури ва мазмуни, баҳолаш мезонлари, шунингдек, малака имтиҳонларига мустақил тайёрланиш учун намунавий вариантлар ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилади ҳамда имтиҳон платформасига жойлаштирилади.

16. Малака имтиҳонининг ёзма ва оғзаки бўлимлари натижаларини баҳолаш учун ваколатли орган томонидан экспертлар гуруҳи шакллантирилади.

Экспертлар гуруҳи таркибига ваколатли орган ходимлари, тажрибали педагоглар ва малакали мутахассислар киритилади.

17. Малака имтиҳони ваколатли орган масъул ходимининг кузатувида ўтказилади.

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

Малака имтиҳони вақтида ҳар бир компьютерда бир нафар талабгор малака имтиҳони топшириши ва бу жараён видеотасвирга ёки фотосуратга олиниши назорат қилинади.

18. Малака имтиҳонини ташкил этиш, ўтказиш, имтиҳон топшириқларини шакллантириш ва билимларни баҳолаш ҳамда апелляция жараёни учун мутахассислар, экспертлар ва кузатувчилар шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

19. “Тинглаб тушуниш” ва “ўқиш” бўлимлари бўйича билимлар махсус дастурлар ёрдамида компьютерда текширилади.

“Ёзма иш” ва “гапириш” бўлимлари бўйича билимлар махсус дастурлар ёрдамида экспертлар гуруҳи томонидан баҳоланади.

20. Ваколатли орган малака имтиҳони натижаларини улар якунлангандан сўнг етти иш куни ичида имтиҳон платформасида эълон қилади.

21. Малака имтиҳони натижасидан қаноатланмаган талабгорларга уч ой муддатда 4 та кўникмадан исталган бири бўйича қўшимча тўлов (25 АҚШ доллари) асосида бир маротаба қайта имтиҳон топшириш ва сертификат олиш имконияти яратилади.

Қайта имтиҳон учун рўйхатдан ўтиш ва уни топшириш ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

22. Малака имтиҳонида иштирок этиш учун талабгор томонидан қуйидаги талаблар ижроси таъминланиши лозим:

малака имтиҳони жараёни учун зарур амалий дастурлар ва қўлланмалардан фойдаланиш имконини берувчи барқарор интернет алоқаси билан таъминланган, веб-камера ва микрофон билан жиҳозланган компьютер ёки ноутбук бўлиши;

имтиҳон топшириш хонасида битта кириш эшиги бўлиши ва у талабгорнинг орқа томонида жойлашган бўлиб, веб-камерада ёпиқ ҳолатда тўлиқ кўриниб туриши;

компьютер экрани фонида ойна ёки кўзгу бўлмаслиги;

талабгорнинг қўллари ва юзи доим веб-камерада кўриниб турадиган бўлиши;

малака имтиҳони шаффоф ва адолатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида, зарур ҳолларда имтиҳон экранини қулфлаш имконияти мавжудлиги;

малака имтиҳони хавфсизлигини таъминлаш мақсадида талабгор томонидан реал вақт режимида имтиҳон топшириш столи ва хона веб-камерада видеотасвирга туширилиши.

23. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида қуйидагилар тақиқланади:

малака имтиҳони ўтказилаётган компьютер ёки ноутбук экранини расмга олиш ёки видеотасвирга тушириш;

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

малака имтиҳони жараёнини сабабсиз тўхтатиш ёки малака имтиҳони топшириш жойини тарк этиш;

телекоммуникация воситалари орқали ёки бевосита бошқа шахслар билан мулоқот қилиш;

китоблар, ёзувлар ёки бошқа ёрдамчи манбалар олиб кириш ва улардан фойдаланиш;

бошқа шахслардан ёрдам сўраш ёки интернет манбаларидан фойдаланиш;

малака имтиҳони топшириш хонасида бошқа шахсларнинг бўлиши;

малака имтиҳони саволини кўчириб олиш ёки кўчириб олишга уриниш;

малака имтиҳони жараёнига халақит қилиш.

24. Талабгор қуйидаги ҳолларда малака имтиҳонидан четлаштирилади:

малака имтиҳони учун рўйхатдан ўтишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини нотўғри ёки ўзгартирилган ҳолда киритган бўлса;

малака имтиҳони жараёнида имтиҳон хавфсизлигини таъминлаш учун малака имтиҳони топшириш столини ва хонани реал вақт режимида видеотасвирга олиш талабини рад этган тақдирда;

малака имтиҳонининг исталган босқичида талабгорнинг шахсини аниқлаш бўйича ўтказиладиган онлайн назорат вақтида талабгорнинг шахси тасдиқланмаса;

ушбу Низомнинг 22-бандида белгиланган талаблардан бирини бажаришни рад этса;

ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган талаблардан бирига риоя қилмаса.

25. Ваколатли орган томонидан талабгорларга ўз билим ва кўникмаларини олдиндан баҳолаши учун тайёргарлик синовлари ташкил этилиши мумкин. Бунда ҳар бир талабгордан бир марта тайёргарлик синови учун 10 АҚШ доллари миқдорида тўлов ундирилади.

4-боб. Ўзбек тилини билиш даражаси тўғрисида малака сертификатини бериш ва сертификатлар реестрини юритиш

26. Ваколатли орган малака имтиҳони натижалари тўғрисидаги буйруқ чиқарилган кундан бошлаб бир иш куни ичида малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган талабгорларга QR-код (матрик штрихли код) қўйилган малака сертификатининг электрон шаклини шакллантиради ҳамда имтиҳон платформасидаги талабгорнинг шахсий кабинетига ёки электрон почтасига юборади.

Малака сертификати ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда ўзбек ва инглиз тилларида расмийлаштирилади.

Малака сертификати Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амал қилади.

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

27. Ваколатли орган томонидан берилган малака сертификатларининг реестри юритилади ҳамда унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификати эгаларининг фамилияси, исми;

малака сертификати эгаларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

малака сертификатининг ҳисобга олиш рақами ва берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати.

28. Малака сертификатларининг реестри электрон шаклда юритилади ҳамда унинг шакли ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

29. Малака сертификати имтиҳон платформаси орқали верификация қилинади.

5-боб. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш

30. Малака имтиҳони натижасидан қаноатланмаган талабгор натижалар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой ичида имтиҳон платформаси орқали апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

31. Апелляция шикояти тўлов асосида кўриб чиқилади.

Бунда талабгор малака имтиҳонининг апелляция бермоқчи бўлган ҳар бир бўлими учун 8 АҚШ доллари миқдоридаги тўловни ушбу Низомнинг 10-бандида белгиланган тартибда амалга оширади.

Апелляция шикояти тўлов амалга оширилгандан сўнг кўриб чиқилади.

32. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун ваколатли орган раҳбарининг буйруғи билан 5–7 кишидан иборат таркибда Апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси таркиби ваколатли орган ходимлари, тажрибали экспертлар ва малакали мутахассислардан иборат бўлади.

Апелляция комиссияси таркибига экспертлар гуруҳи аъзоларининг киритилишига йўл қўйилмайди.

33. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикояти қаноатлантирилишини рад этиш;

малака имтиҳони натижаларини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қаноатлантириш.

34. Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикояти қаноатлантирилишини рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция шикояти ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляция шикоятида кўрсатилган далиллар ўз тасдиғини топмаса.

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

Апелляция шикоятида кўрсатилган далиллар Апелляция комиссияси томонидан тасдиқланган тақдирда, малака имтиҳони натижаларини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

35. Апелляция шикояти бир ҳафта ичида кўриб чиқилади. Талабгор Апелляция комиссияси қарори тўғрисида имтиҳон платформасидаги шахсий кабинети ёки электрон почтаси орқали хабардор қилинади.

36. Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди.

37. Талабгор Апелляция комиссияси қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоидалар

38. Ваколатли орган ходимлари томонидан талабгорлар тўғрисидаги шахсий маълумотларнинг махфийлиги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминланади.

39. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

40. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/31/0085-son
29.01.2026-y

Чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини
билиш даражасини аниқлаш ва малака
сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбек тили малака имтиҳонини ўтказиш СХЕМАСИ

Босқич	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор *(чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс)*	1. Малака имтиҳонида иштирок этиш учун “Uzbek language proficiency test” электрон платформаси орқали рўйхатдан ўтади. 2. Тўловни амалга оширади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Ваколатли орган *(Илмий-ўқув амалий маркази)*	1. Талабгорларнинг малака имтиҳонлари учун рўйхатга олинишини якунлайди. 2. Тўловни амалга оширган талабгорга имтиҳонда иштирок этиши учун бир марталик махсус код (токен) ва имтиҳон топшириш қоидалари тўғрисида эслатма беради. 3. Талабгорга электрон почта манзили ҳамда шахсий кабинети орқали малака имтиҳони белгиланган вақт ҳақида хабар жўнатади.	Имтиҳон санасидан камида 5 иш куни олдин Шу вақтнинг ўзида Имтиҳон санасидан камида 3 кун олдин
3-босқич	Ваколатли орган	Малака имтиҳонини ташкил этади ва ўтказади.	Йил давомида
4-босқич	Ваколатли орган	Малака имтиҳони натижаларини “Uzbek language proficiency test” электрон платформасида эълон қилади.	Малака имтиҳони якунлангандан сўнг 7 иш кунида
5-босқич	Ваколатли орган	Малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган талабгорларга QR-код (матрик штрихли код) қўйилган малака сертификатининг электрон шаклини шакллантиради ҳамда “Uzbek language proficiency test” электрон платформасидаги талабгорнинг шахсий кабинетига ёки электрон почта манзилига юборади.	Буйруқ чиқарилганидан бошлаб 1 иш кунида

QM/08-05/36/31/0085-son
09.01.2026-y

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

Чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбек тилини билиш даражаси тўғрисида малака сертификатининг ДАВЛАТ НАМУНАСИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
BILIM VA MALAKALARNI BAHOLASH AGENTLIGI
ILMIY-O'QUV AMALIY MARKAZI

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
AGENCY FOR ASSESSMENT OF KNOWLEDGE AND COMPETENCES
THE SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL PRACTICAL CENTER

O'ZBEK TILINI BILISH DARAJASI TO'G'RISIDA SERTIFIKAT
CERTIFICATE OF UZBEK LANGUAGE PROFICIENCY

Test sanasi :| Test date:

Sertifikat raqami | Reference number

ID-karta seriyasi va raqami: | ID series and number:

Familiyasi: | Surname:

Ismi: | First Name:

Tug'ilgan kuni: | Date of birth:

Jinsi: | Sex:

Imtihon jarayonidan talabgorning veb-kamera orqali olingan fotosurati

Mamlakat yoki mintaqa: | Country or Region of Origin

Millati: | Country of nationality:

Birinchi tili: | First language:

Tinglab tushunish: | Listening:	O'qish: | Reading:	Yozish: | Writing:	Gapirish: | Speaking:	Umumiy ball: | Overall Score:

Administrator izohlari | Administrator comments

Daraja | Level:

Berilgan sana: | Date of Issue

Amal qilish muddati: | Valid until:

Boshliq: | Chief

QR — kod

F.I.O.

Sertifikatning haqiqiyligini *** sayti orqali tekshirish mumkin.
The authenticity of the certificate can be verified through the *** website.

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

4 (1232)-son
72-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 28 » yanvar № 32 Toshkent sh.

Айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ–330-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

талабалар турар жойларида яшовчи айрим тоифадаги талабалар рўйхатини шакллантириш тартиби;

талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб беришни комиссия томонидан кўриб чиқиш тартиби;

талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш ва қоплаб бериш тартиби.

2. Белгилаб қўйилсинки, айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб бериш учун тўловлар 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида идоравий мансублигига кўра тегишли вазирлик ва идораларга ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2027 йилдан бошлаб эса бюджет қонунчилиги талабларига мувофиқ тақдим этилган бюджет сўровномаларига асосан Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "28" январ даги 32 -сон қарорига
1-илова

Айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

айрим тоифадаги талаба (кейинги ўринларда – талаба) – Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг талаба фарзанди;

ариза берувчи – давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойида шартнома асосида яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган (ёки республикада доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахс) давлат олий таълим ташкилотининг талабаси;

комиссия – талабалар турар жойи тўловини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш бўйича аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш, ўрганиш, талабгорлар рўйхатини аниқлаш ва талабалар турар жойи тўловини қоплаб бериш бўйича қарор қабул қилишга масъул бўлган, ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ таркибда олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори) томонидан тасдиқланадиган доимий ва жамоатчилик асосида ишлайдиган комиссия;

талабгор – талабалар турар жойи тўловини қоплаб бериш тўғрисида комиссия томонидан ижобий хулоса олган Ижтимоий реестрга кирган оиланинг талаба фарзанди.

3. Талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатлари давлат олий таълим ташкилотларининг фақат кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабаларига (шу жумладан, хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида ва факультетларида таълим олаётган талабалар) давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таҳсил олишидан қатъи назар, Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади.

Талабанинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатини қоплаб бериш унинг оиласи Ижтимоий реестрнинг "камбағаллик чегарасидаги оила" тоифасига киритилган санадан бошлаб 12 ой давомида сақланиб қолади.

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

4. Талабанинг оиласи Ижтимоий реестрга киритилгани:

а) давлат олий таълим ташкилотининг тегишли ахборот тизими орқали юборган электрон сўровига асосан “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган электрон маълумотлар;

б) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этиладиган маълумотнома асосида тасдиқланади.

Талабанинг оиласи Ижтимоий реестрдан чиқарилгани тўғрисидаги маълумотлар давлат олий таълим ташкилотининг тегишли ахборот тизими орқали юборган электрон сўровига асосан “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган электрон маълумотлар асосида тасдиқланади.

5. Талабалар устуворлик асосида, навбатсиз давлат олий таълим ташкилотининг талабалар турар жойига қабул қилинади. Давлат олий таълим ташкилотининг талабалар турар жойи мавжуд бўлмаган тақдирда, улар давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган талабалар турар жойига қабул қилинади.

6. Давлат олий таълим ташкилотларининг талабалар турар жойида яшайдиган талабаларига ойлик тўловлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат олий таълим ташкилоти ҳамда талаба томонидан имзоланган шартнома мавжуд бўлган тақдирда, қоплаб берилади.

7. Талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб беришни кўриб чиқиш ва харажатларни қоплаб бериш ушбу Низомга 2-иловадаги схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Талабгорларни аниқлаш ва рўйхатини шакллантириш

8. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида комиссия томонидан талабгорлар рўйхати аниқланади.

9. Ариза берувчи ўқув йили учун талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш юзасидан ўзлари таълим оладиган олий таълим ташкилотининг ректори (филиал директори) номига ойнинг 7-санасига қадар ариза билан мурожаат қилади. Ушбу муддатдан кейин тақдим этилган аризалар ушбу ой бўйича яшаш харажатларини қоплаб бериш учун кўриб чиқилмайди.

10. Ариза берувчи мустақил равишда комиссияга “Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритиш ахборот тизими” (kontrakt.edu.uz) орқали ариза юборади. Ариза тегишли ўқув йили учун бир маротаба юборилади.

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

11. Ариза берувчи тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

12. Факультетларнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосарлари (кейинги ўринларда – масъуллар) бир кун муддатда электрон тарзда юборилган аризаларни умумлаштирган ҳолда белгиланган тартибда комиссияга тақдим этади.

13. Комиссия котиби ўрганилган маълумотларни умумлаштириб, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун бир ҳафта муддатда комиссия аъзоларига тақдим этади.

3-боб. Яшаш харажатларини қоплаб беришни комиссия томонидан кўриб чиқиш тартиби

14. Масъуллар томонидан тақдим этилган аризалар бир кун муддатда комиссия томонидан ўрганиб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

15. Давлат олий таълим ташкилотининг талабалар турар жойи тўлови миқдори олий таълим ташкилоти кенгаши томонидан ҳар ўқув йили бошлангунга қадар тасдиқланади.

16. Комиссия ишининг ташкилий шакли йиғилиш ҳисобланади. Комиссия йиғилишлари комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда, ваколатли ҳисобланади. Бунда ариза берувчи таълим олаётган факультет деканининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, Хотин-қизлар кенгаши раиси бир вақтнинг ўзида комиссия йиғилишларида иштирок этиши шарт.

17. Комиссия йиғилишларида иштирок этаётган аъзоларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган комиссия қарорлари қабул қилинган ҳисобланади ва ушбу йиғилишларда қабул қилинган қарорлар йиғилиш котиби томонидан баённома билан расмийлаштирилади ҳамда қарор шаклида қабул қилинади.

18. Комиссия унинг ваколатларига тегишли масалаларни комиссия раиси бошчилигида ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқади.

19. Комиссия раиси:

комиссиянинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг иш режаси бажарилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширади;

комиссиянинг йиғилишларини чақиради ва уларда раислик қилади;

комиссия ваколатига тегишли бўлган масалаларни унинг йиғилишларида кўриб чиқиш учун киритади;

комиссия қарорларини тасдиқлайди.

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

20. Комиссия котиби:

комиссия раисининг топшириқларига асосан комиссия аъзоларини комиссия йиғилишининг ўтказиладиган жойи, вақти ва санаси тўғрисида хабардор қилади;

комиссия иш режаларини тайёрлайди;

комиссия баённомаларини юритади ва тасдиқланган баённомаларни комиссия аъзоларига юборади;

комиссия далолатномалари ва хулосаларини манзилларга етказади ҳамда комиссия иш юритувини амалга оширади.

21. Комиссия ҳужжатлари давлат олий таълим ташкилотининг архивида белгиланган муддатгача сақланади.

22. Зарурат бўлганда, тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида ариза берувчи суҳбат учун комиссия йиғилишига чақирилиши мумкин.

23. Комиссия аризаларни навбат асосида уларнинг рўйхатга олиниши кетма-кетлигига мувофиқ кўриб чиқади.

24. Комиссия фақат давлат олий таълим ташкилотларининг талабалар турар жойида яшайдиган талабаларнинг аризаларини ўрганади.

25. Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида ариза берувчига талабалар турар жойидаги яшаш харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш ёки қоплаб беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Талабгорлар комиссия томонидан қонунийлик, шаффофлик, адолат ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида танланади.

26. Комиссия томонидан Талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб бериш ёки қоплаб беришни рад этиш тўғрисида ариза берувчилар реестри алоҳида юритилади.

27. Қуйидаги ҳолатларда ариза берувчининг аризаси рад этилиши ёки талабгорга талабалар турар жойидаги яшаш харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши бекор қилиниши мумкин:

ариза берувчи ёки талабгор давлат олий таълим ташкилоти талабалар турар жойида шартнома асосида яшамаганда;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар аниқланганда;

ариза ва тегишли ҳужжатлар уларни қабул қилишнинг охирги санаси тугагандан кейин тақдим этилганда.

28. Талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ариза берувчиларга беш иш куни ичида хато ва камчиликларни бартараф этиш имконияти берилади. Бошқа ҳолларда ариза берувчилар ушбу Низомда белгиланган умумий тартибда такроран мурожаат қилишга ҳақли.

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

29. Кўриб чиқиш якунлари бўйича комиссия йиғилишининг баённомаси асосида бир кун муддатда давлат олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори)нинг тегишли буйруғи расмийлаштирилиб, аризалари қаноатлантирилган талабгорлар тўғрисидаги тегишли маълумотлар ва уларнинг рўйхати тўловларни амалга ошириш учун олий таълим ташкилоти бухгалтериясига тақдим этилади.

4-боб. Талабалар турар жойи ойлик тўловини қоплаб беришни молиялаштириш ва тўлаб бериш тартиби

30. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда давлат олий таълим ташкилоти талабалар турар жойида (айрим олий таълим ташкилотларида давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган талабалар турар жойида) шартнома асосида яшайдиган талабаларни кўрсатган ҳолда яшаш харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш бўйича асослантирилган ҳисоб-китобларни идоравий мансублигига кўра тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этишлари лозим.

31. Вазирлик ва идоралар ўз навбатида давлат олий таълим ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларни умумлаштирган ҳолда, белгиланган тартибда Давлат бюджети ҳисобидан тегишли маблағларни ажратиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

32. Тегишли маблағлар молия йили бошида Ижтимоий реестрга киритилган талабалар сонидан келиб чиқиб, ташкилотнинг йиллик харажатлар сметасида режалаштирилади ҳамда йил давомида Ижтимоий реестрга киритилган талабалар сони унга ўзгартиришини инобатга олган ҳолда унга ўзгартиришлар киритиб борилади.

33. Давлат бюджети ҳисобидан мазкур мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар олий таълим ташкилотлари харажатлар сметасининг тегишли моддасида режалаштирилади.

34. Талабгорлар учун талабалар турар жойи тўлови Давлат бюджети ҳисобидан улар ариза берган ойдан бошлаб қоплаб берилади.

35. Давлат олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори)нинг тегишли буйруғига мувофиқ ташкилот бухгалтерияси томонидан талабалар турар жойи тўловини қоплаб бериш учун бериладиган маблағлар олий таълим ташкилоти кенгаши томонидан тасдиқланган талабалар турар жойи тўлови миқдорида талабгорнинг банк пластик картасига пул ўтказиш орқали ҳар ойнинг 15-санасига қадар тўлаб берилади.

36. Талабалар турар жойида яшаётган талабалар тўловини қоплаб бериш учун давлат олий таълим ташкилотларига Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг тегишли молия йили якунига қадар ўзлаштирилмай қолган қисми белгиланган тартибда Давлат бюджетига қайтарилади.

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

5-боб. Якунловчи қоидалар

37. Талабгор ўқув йили давомида академик таътилга чиққан, оиласи Ижтимоий реестрда “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига кирганига ёки “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” тоифасидан ушбу тоифага ўтказилганига ўн икки ойдан кўп вақт ўтганида, курсда қолдирилган ёки талабалар сафидан четлаштирилган ҳолларда унга талабалар турар жойи учун тўловни қоплаб бериш маблағларини тўлаш тўхтатилади.

38. Талабгор давлат олий таълим ташкилоти талабалар турар жойида, шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган талабалар турар жойида яшаш бўйича шартнома бекор қилинганда, уч иш куни ичида масъулларга ҳамда олий таълим ташкилоти бухгалтериясига бу ҳақида хабар бериши шарт.

39. Талабалар турар жойининг ойлик тўловлари тўғри ҳисобланиши ва тўланишини доимий назорат қилиш давлат олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори), ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори (филиал директорининг биринчи ўринбосари), бош бухгалтери ва бош аудитори зиммасига юкланади.

40. Талабалар турар жойи тўловини қоплаб бериш бўйича ажратилган маблағлар ортиқча тўланганда, давлат олий таълим ташкилотининг масъуллари ҳамда бухгалтерияси томонидан мазкур маблағларни қайтариш чоралари кўрилади.

41. Давлат бюджети ҳисобидан талабалар турар жойининг ойлик тўловини қоплаб бериш бўйича маблағларнинг талабгорларга тўланиши юзасидан назорат Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда вазирлик ва идораларнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан амалга оширилади.

42. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

43. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

Айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш бўйича талабгорларни танлаб олиш комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

1. Лавозимига кўра – Олий таълим ташкилотининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори (филиал директорининг биринчи ўринбосари), *Комиссия раиси*
2. Лавозимига кўра – Олий таълим ташкилотининг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи
3. Лавозимига кўра – Олий таълим ташкилотининг Хотин-қизлар кенгаши раиси
4. Лавозимига кўра – Олий таълим ташкилоти факультет деканининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари
5. Лавозимига кўра – Олий таълим ташкилотининг бош аудитори
6. Лавозимига кўра – Олий таълим ташкилотининг Бухгалтерия бўлими масъул ходими
7. Лавозимига кўра – Олий таълим ташкилотининг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси, *Комиссия котиби*

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

Айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Айрим тоифадаги талабаларнинг давлат олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи *(Ижтимоий реестрга киритилган оиланинг талаба фарзанди)*	Ўқув йили учун талабалар турар жойи тўловининг суммасини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш юзасидан олий таълим ташкилотининг ректори (филиал директори) номига махсус ахборот тизими орқали ариза билан мурожаат қилади.	Ҳар ойнинг 7-санасига қадар
2-босқич	Олий таълим ташкилоти факультет деканининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари	Электрон тарзда юборилган аризаларни умумлаштирган ҳолда белгиланган тартибда комиссияга тақдим этади.	1 кун муддатда
3-босқич	Комиссия котиби	Маълумотларни умумлаштириб, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун комиссия аъзоларига тақдим этади.	1 ҳафта муддатда
4-босқич	Комиссия	Аризаларни ўрганиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади.	1 кун муддатда
5-босқич	Давлат олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори)	Комиссия йиғилишининг баённомаси асосида давлат олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори) тегишли буйруқ расмийлаштириб, аризалари қаноатлантирилган талабгорлар тўғрисидаги тегишли маълумотлар ва уларнинг рўйхатини тўловларни амалга ошириш учун бухгалтерияга тақдим этади.	1 кун муддатда

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

6-босқич	Давлат олий таълим ташкилотлари	Талабалар турар жойи учун ойлик тўловларини қоплаб бериш учун талабгорларнинг рўйхатига мувофиқ ҳисоб-китобларни олий таълим ташкилотининг идоравий мансублигига кўра тегишли вазирлик ва идораларга юборади.	Белгиланган муддатларда
7-босқич	Вазирлик ва идоралар	Тақдим этилган талабгорлар рўйхатига асосан тегишли маблағларни олий таълим ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига сўровнома тақдим этади. 2027 йилдан бошлаб тегишли олий таълим ташкилотининг бюджет харажатлар сметасида режалаштирилган ҳолда акс эттирилади.	3 иш кунида
8-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Белгиланган тартибда маблағларни тегишли олий таълим ташкилотларининг бюджет бўйича харажатлар сметасида режалаштиради.	10 иш кунида
9-босқич	Давлат олий таълим ташкилотлари	Талабгорларга ўқув йили учун талабалар турар жойи учун ойлик тўловларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тўғрисида тегишли олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори)нинг буйруғини қабул қилади.	Ҳар ойнинг 15-санасига қадар

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 28 ” январ даги 32 -сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон қарорида:

а) 2-бандниng учинчи хатбошисидаги “талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи бўлимига” сўзлари “Регистратор офисига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

7-бандниng биринчи хатбошисидаги “талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи бўлимига” сўзлари “Регистратор офисига” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат олий таълим муассасаларининг
ижара ҳуқуқи асосида яшаётган
талабаларига ойлик ижара тўловининг
бир қисмини Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Давлат олий таълим муассасаларининг ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш бўйича талабгорларни танлаб олиш комиссиясининг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

1. *Лавозимига кўра* –	Олий таълим ташкилотининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори (филиал директорининг биринчи ўринбосари), *Комиссия раиси*
2. *Лавозимига кўра* –	Олий таълим ташкилотининг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи
3. *Лавозимига кўра* –	Олий таълим ташкилотининг Хотин-қизлар кенгаши раиси
4. *Лавозимига кўра* –	Олий таълим ташкилоти факультет деканининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари
5. *Лавозимига кўра* –	Олий таълим ташкилотининг ёшлар етакчиси

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

6. *Лавозимига кўра* – Олий таълим ташкилотининг тьютори

7. *Лавозимига кўра* – Олий таълим ташкилотининг бош аудитори

8. *Лавозимига кўра* – Олий таълим ташкилотининг Бухгалтерия бўлими масъул ходими

9. *Лавозимига кўра* – Олий таълим ташкилотининг Регистратор офиси маълумотлар базаси бўлими менежери, *Комиссия котиби*

”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 376-сон қарори билан тасдиқланган Давлат олий таълим муассасаларининг талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 5-банди “а” кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандлари”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Фанлар мажмуасида чет тили биринчи фан сифатида белгиланган таълим йўналишларига қабул хорижий тилни билиш бўйича камида B1 даражасидаги миллий ёки халқаро тан олинган сертификат асосида амалга оширилади.

Фанлар мажмуасида чет тили фани мавжуд бўлган таълим йўналишларига қабулда:

B1 даражадаги миллий ёки халқаро тан олинган сертификатга эга абитуриентларга ушбу фандан белгиланган максимал баллнинг 75 фоизи миқдорида балл берилади;

B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки халқаро тан олинган сертификатга эга абитуриентларга ушбу фандан белгиланган максимал балл берилади”;

53-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“мақсадли қабул параметрларини оширишда, биринчи навбатда, олис ва чекка ҳудудлар бўйича мактаб таълими ва соғлиқни сақлаш тизимининг олий маълумотли кадрларга бўлган реал эҳтиёжларига мувофиқ қабул параметрлари ажратишга устуворлик берилади;”;

бешинчи–еттинчи хатбошилар тегишлича олтинчи–саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

QMMB: 09/26/32/0084-son
29.01.2026-y

еттинчи хатбоши “таълим ташкилоти ўртасида” сўзларидан кейин “талаба ўқишни тамомлагандан сўнг муайян ҳудудда (ташкилотда) ишлаб бериш мажбурияти, муддати ва бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни назарда тутувчи” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 71^1-банд билан тўлдирилсин:

“71^1. Олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишларига кириш имтиҳонларида иштирок этиб, Давлат комиссияси томонидан белгиланган минимал балл ва ундан юқори балл тўплаган, бироқ талабаликка тавсия этилмаган, жумладан, рўйхатдан ўтишнинг иккинчи босқичида олий таълим ташкилоти ва бакалавриат таълим йўналишларини танламаган абитуриентларга вакант ўринлар қолган, фанлар мажмуаси ва таълим тили мос бўлган бакалавриат таълим йўналишларига танловда иштирок этиш имконияти яратилади. Бунда:

бакалавриатга кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилинган санадан бир ҳафтадан сўнг Агентлик томонидан ушбу тоифадаги абитуриентлар фанлар мажмуаси ва таълим тили мос бакалавриат таълим йўналишларининг вакант ўринларига бир ҳафта муддатда рўйхатдан ўтказилади;

Агентлик томонидан рўйхатдан ўтган абитуриентларни тўплаган баллари кетма-кетлигига қатъий риоя қилинган ҳолда, вакант ўринларга базавий тўлов–контракт асосида талабаликка тавсия этиш бўйича танлов қайдномалари олий таълим ташкилотларига етказилади;

Агентликнинг танлов қайдномалари абитуриентларни талабаликка қабул қилиш бўйича белгиланган тартибда буйруқларни расмийлаштириш учун асос бўлади”;

74-бандда:

биринчи хатбошидаги “нисбатан Давлат комиссияси” сўзлари “нисбатан олий таълим ташкилоти ректори (директори)” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/33/0087-son
29.01.2026-y.

4 (1232)-son
73-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 28 » yanvar № 33 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш масаласи бугунги кундаги асосий устувор вазифалардан бири бўлиб, бу йўналишда миллий қонунчиликни, жумладан, божхона қонунчилигини ушбу нуфузли халқаро ташкилот доирасида қабул қилинган кўп томонлама битимларга мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон савдо ташкилотининг транзит эркинлиги тамойилига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит равишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари учун қулай шароитлар яратиш, ушбу йўналишга тааллуқли бўлган мурожаатлар ва сўровномаларни тезкорлик билан кўриб чиқиш, республикада ягона транзит сиёсатини юритиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг Савдо тартиботларини соддалаштириш тўғрисидаги битими қоидаларига мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Жаҳон савдо ташкилотининг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битимининг (кейинги ўринларда – Битим) 11-моддасида ҳар бир аъзо давлат транзит ташувларини мувофиқлаштирувчи миллий идорани тайинлаши назарда тутилгани;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 июндаги ПФ–94-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилгани **маълумот учун қабул қилинсин**.

2. **Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ўзбекистон Республикасида **транзит ташувларини мувофиқлаштирувчи миллий идора** этиб белгилансин.

QMMB: 09/26/33/0087-son
29.01.2026-y.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/33/0087-son
29.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 28 ” январ даги 33 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгашнинг (кейинги ўринларда – Идоралараро кенгаш) асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Идоралараро кенгаш Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш учун шаффоф, рақобатбардош муҳитни ривожлантириш мақсадида транзит тартиботлари ва божхона расмийлаштирувини соддалаштириш, модернизация қилиш ҳамда стандартлаштириш билан шуғулланувчи идоралараро коллегиал орган ҳисобланади.

3. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, мазкур Низом асосида ташкил этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ўзбекистон Республикасида транзит ташувларини мувофиқлаштирувчи миллий идора ҳисобланиб, Идоралараро кенгаш котибияти функцияларини амалга оширади.

2-боб. Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Идоралараро кенгашнинг **асосий вазифалари ва функциялари** ҳисобланади:

миллий транспорт коммуникациялари орқали транзит салоҳиятини ошириш ҳамда йўлбўйи инфратузилмасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республика ҳудуди бўйлаб ўтувчи транзит йўлакларнинг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

транзит билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлаштириш, транзит эркинлиги тамойили асосида транзит тартиботларини соддалаштириш бўйича ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига кўрсатма бериш;

Жаҳон божхона ташкилоти тавсияларига мувофиқ транзит тартиб-таомилларини такомиллаштириш, транзит йўриқномаларини тасдиқлаш ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда, давлат идораларининг транзит йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

QMMB: 09/26/33/0087-son
29.01.2026-y.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатларнинг транзит ташувлари билан боғлиқ бўлган мурожаатлари, таклифлари ва сўровномаларини кўриб чиқиш ва аъзо давлатларни Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган транзит тартиботлари тўғрисида хабардор этиб бориш.

Идоралараро кенгаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ва функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6. Идоралараро кенгаш Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг расмий веб-сайти саҳифасида транзит салоҳиятини ошириш бўйича **қуйидаги маълумотларни** эълон қилиб боради:

қонунчилик ҳужжатлари;

транзит ташувларига оид зарур ҳужжатлар рўйхати ва уларнинг намуналари (бланкалари);

транзит йўналишлари, манзиллари;

ваколатли идоралар томонидан ундириладиган тўловлар ва йиғимлар;

амалдаги чекловлар ёки тақиқлар;

ҳуқуқбузарликлар учун жазо чоралари;

мурожаат этиш ва шикоят қилиш тартиблари;

транзит тартиб-таомиллари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки уларнинг алоҳида қоидалари.

7. Идоралараро кенгаш республика ҳудуди орқали ҳаракатланадиган махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ваколатига эга эмас.

3-боб. Идоралараро кенгашнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун **қуйидаги ҳуқуқларга** эга:

транзит тартиботларини соддалаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар юзасидан қарорлар қабул қилиш, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

Идоралараро кенгаш таркибига кирадиган давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларига Идоралараро кенгаш томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича ўз ваколатлари доирасида топшириқлар бериш;

Идоралараро кенгаш йиғилишларда транзит соҳасидаги тартиботларни соддалаштириш юзасидан давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

фаолият соҳалари билан боғлиқ масалалар бўйича техник ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

транзит тартиботларини соддалаштириш бўйича экспертиза ўтказиш учун маҳаллий ва хорижий экспертларни, мутахассисларни, шунингдек, халқаро ташкилотларни, илмий ташкилотларни ва тегишли давлат идораларини ва бошқа ташкилотларни жалб этиш;

QMMB: 09/26/33/0087-son
29.01.2026-y.

транзит тартиботларини соддалаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича давлат идоралари ва ташкилотларига тавсиялар юбориш;

ўз ваколати доирасида давлат идоралари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият идораларидан, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, халқаро ташкилотлардан маълумотлар ва ҳужжатларни сўраб олиш;

транзит тартиботларини соддалаштириш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида хорижий давлатларга хизмат сафарларини ташкил қилиш ва чет элда ўтказиладиган минтақавий ва халқаро тадбирларда иштирок этиш;

давлат идоралари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият идораларининг раҳбарлари билан келишилган ҳолда, уларнинг ходимларини Идоралараро кенгаш фаолиятига доир масалаларни ҳал этишга жалб этиш;

транзит тартиботларини соддалаштиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, божхона чегарасини кесиб ўтишда юзага келадиган тўсиқлар юзасидан хорижий давлатлар идоралараро кенгашлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш ва ахборот алмашиш.

Идоралараро кенгаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Идоралараро кенгаш **қуйидаги мажбуриятларга** эга:

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг транзит ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини мониторинг қилиб бориш;

давлат идоралари ва муассасалари, шунингдек, бошқа тижорат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан расмий ёзишмалар олиб бориш ҳамда халқаро шартномаларни, шу жумладан, транзит тартиботларини соддалаштиришга доир халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини амалга ошириш бўйича учрашувлар ташкил этиш;

Жаҳон савдо ташкилотининг транзит эркинлиги тамойилини амалга ошириш.

4-боб. Идоралараро кенгаш фаолиятини ташкил этиш тартиби

10. Идоралараро кенгашга кенгаш раиси раҳбарлик қилади ва ўзига юкланган вазифаларнинг самарали ва натижадор ижроси учун жавобгар ҳисобланади.

Идоралараро кенгаш раиси:

Идоралараро кенгаш фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

Идоралараро кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Идоралараро кенгаш йиғилишларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;

Идоралараро кенгаш йиғилишларида раислик қилади;

QMMB: 09/26/33/0087-son
29.01.2026-y.

Идоралараро кенгаш йиғилишларининг регламенти, иш режаси, кун тартибини ва йиғилиш баённларини тасдиқлайди;

Идоралараро кенгаш аъзоларининг фаолиятини уларга юкланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан мувофиқлаштиради;

ушбу Низомга мувофиқ Идоралараро кенгашнинг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа вазифаларни амалга оширади.

Идоралараро кенгаш раиси йўқлигида, унинг топшириғига кўра Идоралараро кенгаш раиси ўринбосари Идоралараро кенгаш ишига раҳбарлик қилади, унинг фаолиятини ташкил этади, йиғилишлар ўтказади, Идоралараро кенгаш қарорлари бажарилиши устидан назоратни таъминлайди.

11. Идоралараро кенгаш аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Идоралараро кенгаш томонидан ташкил этилган техник ишчи гуруҳлар йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этиш, ушбу йиғилишларда муҳокама қилинган масалаларнинг моҳияти бўйича таклиф ва мулоҳазаларни илгари суриш;

Идоралараро кенгаш томонидан қабул қилинадиган тавсияларни тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этиш;

Идоралараро кенгаш фаолиятида иштирок этиш учун зарур маълумотларни олиш;

Идоралараро кенгаш йиғилишида асосли сабабларга кўра қатнашиш имкони бўлмаганда, кун тартибига киритилган масала бўйича ўз фикрини ёзма равишда тақдим этиш.

12. Идоралараро кенгаш котибияти:

Идоралараро кенгашнинг навбатдаги йиғилиши кун тартибини шакллантиради, таклифларни умумлаштиради;

мурожаат ва таклифларни қабул қилади ҳамда Идоралараро кенгаш аъзоларига ёки бошқа давлат идоралари ва ташкилотларига кўриб чиқиш учун юборади;

Идоралараро кенгаш йиғилишларининг баённлари лойиҳаларини тайёрлайди, йиғилишларнинг якуний ҳужжатлари лойиҳасини раисга тасдиқлаш учун киритади;

Идоралараро кенгаш йиғилишларининг баённлари нусхаларини Идоралараро кенгаш аъзоларига юборади;

Идоралараро кенгаш ишини ташкилий ва таҳлилий жиҳатдан таъминлайди, имзоланган баённлар ҳисобини юритади ва сақлаш чораларини кўради;

Идоралараро кенгашнинг йиллик иш режаси лойиҳасини тайёрлайди ҳамда кенгаш аъзоларидан иш режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, Идоралараро кенгаш қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни сўраб олади.

QMMB: 09/26/33/0087-son
29.01.2026-y.

Мувофиқлаштирувчи миллий идора қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Низомга мувофиқ Идоралараро кенгаш фаолиятини ташкил этишга доир бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

13. Идоралараро кенгаш котиби қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мурожаатларни қабул қилади ва рўйхатдан ўтказади;

Идоралараро кенгашнинг навбатдаги йиғилиши ўтказилишини ва барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Идоралараро кенгаш хулосаларининг аъзо давлат идоралари томонидан инобатга олиниши ёки рад этилиши ҳолати устидан мониторинг юритади;

Идоралараро кенгаш йиғилишининг баённомасини расмийлаштиради ва аъзо давлат идораларига жўнатилишини таъминлайди.

14. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятини йил бошида тасдиқланган иш режаси асосида ташкил этади.

15. Идоралараро кенгашнинг йиғилишлари ушбу Низомга **иловага мувофиқ схемага** асосан ташкил қилинади ва ўтказилади.

Идоралараро кенгашнинг йиғилишлари муаммоли масалаларни ва республикада транзит тартиботларини соддалаштириш бўйича илғор тажрибани кўриб чиқиш, бу борадаги таклифларни муҳокама қилиш мақсадида Идоралараро кенгаш раиси томонидан йилида камида икки марта чақирилади.

Идоралараро кенгаш раисининг топшириғи билан мувофиқлаштирувчи идора Идоралараро кенгаш аъзоларидан фикр ва таклифларни қабул қилиб олади, таклифларни ва кун тартибини йиғилишдан камида икки ҳафта олдин тасдиқлаш учун Идоралараро кенгаш раисига тақдим этади.

Идоралараро кенгаш раиси кенгаш йиғилиши кун тартиби ва регламентини йиғилиш бўлиб ўтадиган кундан камида бир ҳафта олдин тасдиқлайди.

Идоралараро кенгаш йиғилишининг кун тартиби ва унга тегишли ҳужжатлар йиғилиш бошланишидан камида беш кун олдин Идоралараро кенгаш аъзоларига йиғилиш тўғрисида хабарнома билан юборилади.

Идоралараро кенгашнинг йиғилишларига давлат идоралари ҳамда ташкилотлари, ишбилармон доиралар, хусусий сектор ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

16. Идоралараро кенгаш, агар унинг йиғилишида аъзоларнинг камида ярми иштирок этганда, қарор қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

Идоралараро кенгаш қарорлари йиғилишда қатнашаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Идоралараро кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Идоралараро кенгаш қарорлари баён шаклида расмийлаштирилади.

Йиғилиш баёни Идоралараро кенгаш раиси ёки унинг йиғилишда иштирок этган ўринбосари, шунингдек, котиб томонидан йиғилиш ўтказилган кундан эътиборан беш кун ичида имзоланади.

QMMB: 09/26/33/0087-son
29.01.2026-y.

Идораларарo кенгаш аъзолари кенгаш томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича ўз фикрларини ёзма равишда баён этишга ҳақли. Бунда ушбу фикрлар Идораларарo кенгаш йиғилиши баёнида акс эттирилиши ва унга илова қилиниши лозим.

Йиғилиш баёнида йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт, жой, иштирокчилар рўйхати, тасдиқланган кун тартиби, муҳокама қилинадиган масалаларнинг қисқача мазмуни ва кўриб чиқилган таклифлар натижалари (агар мавжуд бўлса, овоз бериш натижалари) кўрсатилиши лозим.

Идораларарo кенгаш аъзолари йиғилиш ўтказилган кундан эътиборан икки иш куни ичида Идораларарo кенгаш йиғилиши баёни нусхасини олиши шарт.

17. Идораларарo кенгаш йиғилиши оммавий тадбир ҳисобланмайди.

18. Идораларарo кенгаш аъзолари томонидан олинган маълумотлар Идораларарo кенгаш раиси рухсатисиз учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

5-боб. Якунловчи қоидалар

19. Идораларарo кенгаш мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ кўриб чиқади.

20. Идораларарo кенгаш фаолияти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади ва тугатилади.

QMMB: 09/26/33/0087-son
29.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси транзит
салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро
кенгаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгашнинг йиғилишларини ташкил қилиш ва ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Идоралараро кенгаш раиси	Транзит тартиботлари бўйича муаммоли масалалар ва илғор тажрибаларни кўриб чиқади, шунингдек, бу борадаги таклифларни муҳокама қилиш мақсадида Идоралараро кенгаш йиғилишини ташкил этади.	Йилда камида икки маротаба
2-босқич	Транспорт вазирлиги (Мувофиқлаштирувчи идора)	Идоралараро кенгаш раиси топшириғи билан Идоралараро кенгаш аъзоларидан фикр ва таклифларни қабул қилиб олади, таклифларни ва кун тартибини тасдиқлаш учун раисга тақдим этади.	Йиғилишдан камида 2 ҳафта олдин
3-босқич	Идоралараро кенгаш раиси	Идоралараро кенгаш йиғилишининг кун тартибини тасдиқлайди.	Йиғилишдан камида 1 ҳафта олдин
4-босқич	Мувофиқлаштирувчи идора	Идоралараро кенгаш йиғилиши кун тартиби ва унга тегишли ҳужжатларни Идоралараро кенгаш аъзоларига хабарнома билан юборади.	Йиғилишдан камида 5 кун олдин
5-босқич	Идоралараро кенгаш раиси	Идоралараро кенгаш йиғилишини ўтказади.	Доимий равишда
6-босқич	Мувофиқлаштирувчи идора	Идоралараро кенгаш йиғилиши қарорини баён шаклида расмийлаштиради.	Йиғилишдан сўнг 5 кун ичида
7-босқич	Идоралараро кенгаш раиси ёки унинг йиғилишда иштирок этган ўринбосари	Йиғилиш баённини имзолайди.	Доимий равишда
8-босқич	Мувофиқлаштирувчи идора	Йиғилиш баённини Идоралараро кенгаш аъзоларига юборади.	Йиғилишдан сўнг 2 иш куни ичида

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

4 (1232)-son
74-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 28 » yanvar № 34 Toshkent sh.

Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, узлуксиз таълим тизимида ягона ғоявий тарбияни шакллантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат фазилатларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касбий ҳамда олий таълим тизими (кейинги ўринларда – узлуксиз таълим тизими) ташкилотларида ягона миллий тарбиянинг яхлит тизимини яратиш, Ватанга садоқат ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг вертикал тизимини амалга ошириш;

Дастурнинг асосий ғояси, мақсад ва вазифаларига эришиш учун “Миллий тарбия модели”ни амалга ошириш;

ёш авлодни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича аниқ механизмларни жорий этиш.

2. Белгилансинки:

а) Дастур уч босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда – мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган 3–6 ёшдаги болаларга миллий ўзлик туйғусининг ривожланиши, ўз хатти-ҳаракатларини бошқариш ва ўзини намоён қилишга интилиш, теварак-атрофга муносабат кўникмалари сингдирилади;

иккинчи босқичда – умумий ўрта таълим ташкилотларида ўқиётган 7–18 ёшдаги ўқувчиларда буюк аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, ўзига ишонч, мустақил қарор қабул қилиш, соғлом дунёқараш, бағрикенглик, бурч ва масъулият фазилатлари шакллантирилади;

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

учинчи босқичда – ўрта махсус, касбий ва олий таълим ташкилотларида билим олаётган 16–22 ёшдаги ўқувчи ва талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанини ҳимоя қилишга тайёр, ҳарбий хизматга шай, фидойи шахсни тарбиялаш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўша оладиган фаол фуқаролик позицияси ривожлантирилади;

б) барча таълим ташкилотларида **ҳар душанба** куни **“Келажак соати”** дарси ўтилади.

Бунда:

долзарб мавзулар доирасида дарс сценарийлари асосида контентлар яратилади ҳамда **“milliytarbiya.uz”** электрон платформасига жойлаштириб борилади;

“Келажак соати” дарсларини ўтувчи педагог ходимлар учун мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилади;

в) Дастурда белгиланган вазифаларга эришиш мақсадида Ўзбекистоннинг **Миллий тарбия модели** ишлаб чиқилади;

г) ҳар йили маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул раҳбар ва педагоглар ўртасида **“Миллий қадриятлар тарғиботчиси”** республика танлови ўтказилади.

3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда:

2026 йил 1 июнга қадар Ўзбекистоннинг Миллий тарбия моделини;

ҳар йили 1 сентябрга қадар маънавий-маърифий тадбирларнинг намунавий иш режаларини тасдиқласин.

4. Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш дастурини 2026 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мудофаа вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб “Жасорат мактаблари” ўқувчилари ўртасида икки босқичдан иборат **“Жасорат учқунлари”** ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт мусобақасини ўтказсин;

2026 йил июнь ойида таълим ташкилотларидаги “Ватан таянчи” ҳаракати аъзоларининг **ҳарбий-ватанпарварлик форумини** ташкил этсин.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Мудофаа вазирлиги билан биргаликда талаба қизлар ўртасида **“Тўмарис издошлари”**, талаба ўғил болалар ўртасида **“Амир Темур ворислари”** номли ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказсин.

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда:

“Келажак соати” дарслари учун миллий контентларни ишлаб чиқиш жараёнларига, шунингдек, “оила – маҳалла – таълим ташкилоти” ҳамкорлик механизми асосида таълим ташкилотларида китобхонлик кечалари ҳамда маданий учрашувларни ташкил этишда таниқли театр ва кино актёрлари, фаол жамоатчилик вакиллари, шоирлар ҳамда ёзувчиларни жалб этсин;

ўқувчи-ёшларни интеллектуал, ахлоқий, маънавий-маърифий ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалиётга жорий этсин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **ҳар йили 1 декабрга қадар** Дастурни келгуси йилларда амалга ошириш бўйича тегишли “йўл хариталари” лойиҳаларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 3 октябрдаги 558-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM 1

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “28” январ даги 34 -сон қарорига
1-илова

Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш ДАСТУРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари” ғояси асосида узлуксиз таълим тизимида маънавий-маърифий, ўқувчи-ёшларни миллий қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамиятда бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Дастур ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаш, уларда “Мен ўзбекистонликман” деган фахр туйғусини шакллантириш, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган комил инсонни тарбиялашнинг устувор йўналишларини белгилайди.

2. Дастур давлатчилигимиз ривожининг бой миллий-тарихий тажрибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, давлат мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касбий ва олий таълим ташкилотларини (кейинги ўринларларда – таълим ташкилотлари) бирлаштирувчи ягона миллий тарбиянинг яхлит тизимини яратиш, Ватанга садоқат ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг вертикал тизимини амалга оширишга қаратилган.

Нодавлат таълим ташкилотлари миллий тарбия тизимини яратиш, ўқувчи ва талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларда ғоявий иммунитетни шаклантиришда ушбу Дастурдан фойдаланиши мумкин.

2-боб. Дастурнинг мақсади ва асосий вазифалари

3. Дастурнинг мақсади таълим ташкилотларида миллий тарбияни изчил, тизимли ва самарали йўлга қўйиш орқали юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда қатъий фуқаролик позициясига эга, жаҳолатга қарши маърифат билан курашувчи ёш авлодни вояга етказишдан иборат.

4. Қуйидагилар мактабгача, мактаб, олий таълим тизимида ягона ғоявий тарбияни шакллантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Дастурнинг стратегик ғояси, мақсад ва вазифаларига эришиш учун Ўзбекистоннинг **Миллий тарбия моделини** ишлаб чиқиш;

ёшларда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ва кўникмаларни ёшига мос, босқичма-босқич сингдириб боришнинг вертикал тизимини яратиш;

Дастурдаги вазифаларни таълим ташкилотларида амалга ошириш ҳамда мазмунга мос дастур ва режалар ишлаб чиқиш;

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

ҳар ўқув йилида таълим ташкилотлари учун Дастурдаги устувор йўналишлар асосида узлуксиз давом этувчи маънавий-маърифий тадбирларнинг намунавий иш режасини тасдиқлаш;

ҳафтанинг **ҳар душанба** куни долзарб мавзулар доирасида таълим ташкилотлари учун узвийлик ва узлуксизликни таъминлашга қаратилган "Келажак соати" дарси ўтилишини йўлга қўйиш;

"Келажак соати" дарси сценарийлари, видеоконтент маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳамда рақамли контент шаклида **"milliytarbiya.uz"** электрон платформасига жойлаштириш;

ҳар ўқув йилида маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул раҳбар ва педагогларни рағбатлантиришга қаратилган "Миллий қадриятлар тарғиботчиси" республика танловини ўтказиш;

"оила-маҳалла-мактаб" тамойили асосида маҳаллалардаги маънавият, адабиёт, маданият, санъат намояндаларини ўз маҳаллаларидаги боғча ва мактабларга **"Миллий мураббий"** сифатида уларнинг розилиги асосида жалб этиш.

3-боб. Дастурни амалга ошириш механизмлари

5. Ёш авлодни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш бўйича мактабгача, мактаб, олий таълим тизимида яхлит тизимни яратиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

мактабгача ёшдаги болалар учун миллий қаҳрамон образини яратиш, эртаклар, афсона, достон ва мақоллар асосида мультимедиа маҳсулотларини тайёрлаш, улардан болалар тарбиясида кенг фойдаланиш;

таълим ташкилотларида ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, маънавий-ахлоқий, шахсий фазилатларни шакллантирувчи тренинглар, симуляция, кейслар ва методик тавсияларни амалиётга жорий этиш;

ўқувчи-ёшларда касблар тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш, уларнинг касбга ва меҳнатга қизиқишини орттириш ҳамда ўз бурч ва вазифаларини виждонан бажариш кўникмаларини ҳосил қилиш;

тарбиянинг миллий ва илғор хорижий тажрибаларидан самарали фойдаланиш, миллий ғоя ва қадриятларни интерфаол, замонавий шаклда сингдириш, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириб бориш;

Дастур ва Миллий тарбия моделини амалга оширишда "оила – маҳалла – таълим муассасаси", шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш.

6. Дастур қуйидаги механизмлар орқали амалга оширилади:

ёш авлодни рақобатбардош, фидойи ва ватанпарвар, миллий қадриятлар, замонавий билим ҳамда кўникмаларга эга мутахассислар этиб тарбиялашнинг янги миллий технологияси – Ўзбекистоннинг **Миллий тарбия модели** яратилади;

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

ёш авлоднинг турли бузғунчи ғоялар, ахборот хуружлари, одоб-ахлоқни бузувчи иллатларга қарши иммунитетини шакллантиришга қаратилган тарбиявий контентлар, тарғибот материалларидан самарали фойдаланилади;

ёш авлодда миллий ватанпарварлик компетенциялари траекториясини белгилаш, кузатиш, ўлчаш, баҳолаш, яхшилаш ва ривожлантиришга қаратилган мониторинг юритилади.

7. Дастур қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

а) **биринчи босқич** – мактабгача таълим 3-6 ёшгача бўлган даврни қамраб олади. Бунда:

болаларда миллий ўзлик туйғусининг ривожланиши, ўз хатти-ҳаракатларини бошқариш ва ўзини намоён қилишга интилиш, теварак-атрофга муносабат кўникмалари шакллантирилади;

“Келажак соати” дарси доирасида намунавий иш режаси, болаларнинг ёшига мос хулқ моделларини ўргатишга доир тарбиячилар учун қўлланма, болаларга мўлжалланган зарур кўргазмали воситалар тўпламлари, қизиқарли дидактик материаллар тайёрланади;

болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ота-оналарнинг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида “Фарзандим билан ижод” лойиҳаси амалга оширилади;

б) **иккинчи босқич** – умумий ўрта таълим тизимида 7 – 18 ёшгача бўлган даврни қамраб олади;

“Келажак соати” дарси учун намунавий иш режаси, зарур қўлланма ва кўргазмали воситалар тўплами, сценарийлар, матнли, аудио, видеоконтент маҳсулотлар тайёрланади;

ўқувчилар онгида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, буюк аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, ўзига ишонч, мустақил қарор қабул қилиш, соғлом дунёқараш, бағрикенглик, бурч ва масъулият фазилатлари шакллантирилади;

мактаблардаги “Келажак соати” дарсини ўтувчи синф раҳбарлари ҳамда ўқитувчилар учун Миллий тарбия моделини ўргатиш бўйича тренинг ва мақсадли малака ошириш ўқув курслари каскад усулида ташкил этилади;

в) **учинчи босқич** – ўрта махсус, касбий ва олий таълим ташкилотлари тизимида 16 – 22 ёшгача бўлган даврни қамраб олади;

“Келажак соати” дарси учун намунавий иш режаси, зарур қўлланма ва кўргазмали воситалар тўплами, сценарийлар, матнли, аудио, видеоконтент маҳсулотлар тайёрланади;

таълим ташкилотларида тўғри овқатланиш, спорт ва соғломлаштириш дастурларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тадбирларни ўз ичига олган “Соғлом авлод – миллат келажаги” лойиҳаси амалга оширилади;

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

“Ўзликни англаш” туркумида “Миллий қадриятлар”, “Касб маданияти” ва бошқа методик таъминотга ёрдам берувчи ўқув адабиётлари тайёрланади;

ёшларни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, талабалар спортини ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида фундаментал, илмий ва инновацион лойиҳалар учун танловлар ўтказилади.

4-боб. Дастурни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

8. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида қуйидагиларга эришилади:

таълим тизимида миллий қадриятларга содиқ, маънавий баркамол, фуқаролик позицияси мустаҳкам, жамиятда ўз ўрнини тўлиқ англаган ёш авлодни тарбиялаш борасидаги мафкуравий-тарбиявий йўналиш шакллантирилади;

ватанпарварликни асосий қадрият сифатида қабул қилувчи маданий муҳитни шакллантириш ва ёшлардаги мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш имкони яратилади;

таълим-тарбия соҳасида масъул вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади;

мактабгача таълимдан олий таълимгача бўлган узлуксиз таълим тизимида ягона миллий тарбия тизими яратилади;

таълим ташкилотларида тарбия модели методик комплекслар ва фанлараро дастурлар билан узвий боғлиқ ҳолда жорий этилади.

9. Дастур Янги Ўзбекистонда ёш авлодни маънавий юксалтириш, кенг дунёқарашга эга бўлиши, ватанпарвар ва жамиятда бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси асосида тарбиялашга хизмат қилади.

5-боб. Дастурнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш

10. Дастурнинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш, умумий мувофиқлаштириш, республикада таълим ташкилотлари ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоли масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

11. Дастурни амалга ошириш мониторинги натижалари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борилади.

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “28” январ даги 34 -сон қарорига
2-илова

Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш дастурини 2026 йилда амалга ошириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
1.	Таълим ташкилотларида маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул раҳбар ва педагогларни рағбатлантириш мақсадида ҳар ўқув йилида **“Миллий қадриятлар тарғиботчиси”** республика танловини ўтказиш.	1. Тегишли идоралар ва ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузиш. 2.“Миллий қадриятлар тарғиботчиси” республика танлови тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Режа асосида танловнинг туман, шаҳар, вилоят ва республика босқичларини ўтказиш. 4. Танловни юқори савияда ташкил этиш ва ғолибларни рағбатлантириш.	2026 йил февраль 2026 йил апрель Режа-жадвал асосида 2026 йил ноябрь	Ижрочилар маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
2.	Мактабгача, мактаб ҳамда олий таълим ташкилотларида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш дастурининг стратегик ғояси, мақсад ва вазифаларига эришиш учун Ўзбекистоннинг **Миллий тарбия моделини** ишлаб чиқиш.	1. Экспертлар гуруҳини шакллантириш. 2. Миллий тарбия модели бўйича қўшма қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил февраль 2026 йил июнь	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

3.	“Келажак соати” дарси учун **миллий контентларни ишлаб чиқиш жараёнларига,** шунингдек, “оила – маҳалла – таълим ташкилоти” ҳамкорлик механизми асосида таълим ташкилотларида китобхонлик кечалари ҳамда маданий учрашувларни ташкил этишда **таниқли театр ва кино актёрлари, фаол жамоатчилик вакиллари, шоирлар ҳамда ёзувчиларни** жалб этиш.	1. Таниқли театр ва кино актёрлари, маънавият тарғиботчилари, шоирлар, ёзувчилар рўйхатини тузиш. 2. Миллий контентларни ишлаб чиқиш жараёнларида таниқли театр ва кино актёрлари, маънавият тарғиботчилари, шоирлар, ёзувчилар иштирокини таъминлаш. 3. Сифатли ва намунавий контентлар ишлаб чиққан соҳа мутахассисларини рағбатлантириш чораларини кўриб бориш.	2026 йил февраль доимий	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси
4.	Республикадаги ҳар бир туман (шаҳар)да фаолияти йўлга қўйилган “Жасорат мактаби” ўқувчилари ўртасида икки босқичдан иборат **“Жасорат учқунлари” ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт мусобақасини** ўтказиш.	1. “Жасорат учқунлари” ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт мусобақасини ташкил этиш юзасидан ишчи гуруҳ тузиш. 2. “Жасорат учқунлари” ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қўшма қарор ҳамда Низомни тасдиқлаш. 3. Мусобақа ғолибларини аниқлаш ва муносиб тақдирлаш. 4. Республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган ғолиб жамоани хорижга таълим саёҳатига юбориш.	2026 йил февраль 2026 йил май 2026 йил июль	–	Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
5.	“Ўзликни англаш” туркумида **“Ўзбек педагогикаси”, “Ўзбек маданияти”, “Ўзбек фалсафаси”** ва бошқа методик таъминотга	1.Ўқув адабиётларини яратувчи муаллифилар гуруҳини шакллантириш.	2026 йил февраль	Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш	Республика Маънавият ва маърифат маркази, Таълимни ривожлантириш

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

	ёрдам берувчи ўқув адабиётларини тайёрлаш.	2. Ўқув адабиётларини тайёрлаш. 3. Ўқув адабиётларини Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари доирасида ажратилган грант ҳисобидан чоп этиш.	2026 йил май 2026 йил декабрь	жамғармаси маблағлари	республика илмий-методик маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
6.	Мактабгача таълим ташкилотларида **“Фарзандим билан ижод”**, мактаб ва олий таълим тизимида **“Соғлом авлод – миллат келажаги”** ва **“Экофаол ёшлар”** лойиҳаларини амалга ошириш.	1. Лойиҳаларни ташкил этиш дастури ва сценарийсини ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган сценарийлар асосида лойиҳа доирасидаги тадбирларни юқори савияда ўтказиш.	2026 йил март 2026 йил апрель-май	Ижрочилар маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Спорт вазирлиги
7.	Таълим ташкилотларида ташкил этилган **“Ватан таянчи” ҳаракати аъзоларининг ҳарбий-ватанпарварлик форумини** ташкил этиш.	1. Форумни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Форумни ташкил этиш ва унинг доирасида: Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ва “Ватан таянчи” ҳаракати аъзолари ўртасида очиқ мулоқотлар ташкил этиш; мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган “Ватан таянчи” ҳаракати аъзоларига тантанали равишда имтиёзли тавсияномалар топшириш;	2026 йил май 2026 йил июнь	“Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Мудофаа вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

		ўқув йили давомида юқори натижаларга эришган “Ватан таянчи” ҳаракати аъзоларини тақдирлаш.			
8.	Талаба қизлар ўртасида **“Тўмарис издошлари”**, талаба йигитлар ўртасида **“Амир Темур ворислари”** номли ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиш.	1. Ҳарбий – спорт мусобақалари низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Белгиланган техник талабларга асосида ҳар бир ҳудуддаги битта олий таълим ташкилотида мусобақаларни ўтказишга мос равишда жиҳозлаш. 3. Мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш.	2026 йил май 2026 йил давомида Белгиланган муддатларда	Ижрочилар маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги
9.	Таълим ташкилотлари учун Дастурдаги устувор йўналишлар асосида узлуксиз давом этувчи **Маънавий-маърифий тадбирларнинг намунавий иш режасини** ишлаб чиқиш.	1. Ҳар ўқув йили учун Маънавий-маърифий тадбирлар намунавий иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Иш режасида белгиланган тадбирларни юқори савияда ўтказиш.	2026 йил 1 сентябрга қадар Белгиланган муддатларда	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
10.	Мактабгача, мактаб, ўрта махсус, касбий таълим ташкилотларида ҳафтанинг ҳар душанба куни **“Келажак соати”** дарсини ўтказишни йўлга қўйиш. Олий таълим ташкилотларида дарс жадвалига мувофиқ **“Келажак соати”** рукни остида **Маърифат дарсларининг** мунтазам ўтилишини ташкил этиш	1. Ўқув йили учун дарс мавзуларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси мазмуни ва моҳиятини ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг асосий йўналишлари ва мақсадлари	2026 йил июль 2026 йил август	Ижрочилар маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Болалар контентини ривожлантириш маркази

QMMB: 09/26/34/0088-son
29.01.2026-y.

		ҳақида тушунча ва кўникмаларни беришга алоҳида эътибор қаратиш. 2. Долзарб мавзулар доирасида, дарс сценарийларини ишлаб чиқиш, видеоконтент маҳсулотларини тайёрлаш режа-жадвалини тасдиқлаш. 3. Режа-жадвалга мувофиқ дарс сценарийлари ва видеоконтент маҳсулотларини тайёрлаш. 4. Тайёрланган барча методик материалларни “milliytarbiya.uz” электрон платформасига жойлаштириш.	Режа-жадвал асосида		
11.	Умумий ўрта таълим ташкилотларидаги **“Келажак соати” дарсини** ўтувчи **синф раҳбарлари учун мақсадли малака ошириш ўқувларини каскад усулида** ташкил этиш.	1. “Келажак соати” дарсини ўтувчи синф раҳбарлари учун малака ошириш ўқув курсларининг режа-жадвалини тузиш. 2. Тасдиқланган режа-жадвал асосида малака ошириш ўқув курсларини каскад усулида ташкил этиш.	2026 йил август Режа-жадвал асосида	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
12.	Ёш авлодни **миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш** борасида амалга оширилаётган ишларни ёритиш.	1. Ёш авлодни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар тўғрисида ахборот материалларини тайёрлаш. 2. Тайёрланган материалларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.	2026 йил давомида	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 29 » yanvar № 35 Toshkent sh.

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 26 декабрдаги ПФ–258-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Ижтимоий реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга индивидуал режа ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ;

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги низоларни ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашлари тўғрисидаги низом **4-иловага** мувофиқ;

“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинуви доирасидаги маълумотлар рўйхати **5-иловага** мувофиқ;

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга кўрсатиладиган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари рўйхати **6-иловага** мувофиқ;

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга кўрсатиладиган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари доирасида “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимига “Рақамли ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этиладиган маълумотлар тўпламлари рўйхати **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) **2026 йил 1 февралга қадар**:

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи ҳамда Камбағал оилалар реестрига киритилган

ва ушбу реестрга тушиш хавфи бўлган “яшил” тоифадаги оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “ЯМИҲ” АТ)да автоматик тарзда баҳолашдан ўтказилади ва Ижтимоий реестрга киритиш мезонларига мос келадиган оилалар мазкур реестрга қўшимча ариза талаб этмаган ҳолда ўтказилади;

болалар нафақаси ёки **моддий ёрдам** тайинланган Ижтимоий реестрга ўтказилган оилаларга мазкур тўловларни тўлаш қўшимча ариза талаб этмаган ҳолда уларнинг тоифасига мувофиқ давом эттирилади. Бунда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига ўтказилган оилалар учун меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг расмий бандлигини таъминлаш учун белгиланган муддат улар ушбу реестрга ўтказилган санадан бошлаб ҳисобланади;

Ижтимоий реестрга ўтказилган оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини қайта баҳолашдан ўтказиш муддати уларга тегишлича “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган ёхуд Камбағал оилалар реестрига киритилган санадан бошлаб ҳисобланади;

б) “маҳалла еттилиги” томонидан тасдиқланган **индивидуал режаларга** киритилган ижтимоий хизмат, ёрдам ва имтиёзларни (кейинги ўринларда – давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари) тақдим этиш **вазирлик ва идоралар, уларнинг тизим ташкилотлари томонидан таъминланади** ҳамда уларнинг натижаси бўйича “ЯМИҲ” АТда тегишли ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали реал вақт режимида маълумот алмашиш (ижро қадамлари ва натижасини кўриш) имконияти яратилади;

в) Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга шакллантирилган индивидуал режаларда белгиланган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларининг ижроси ҳолати туман (шаҳар) ҳокимларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларидан бири сифатида инобатга олинади;

г) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан фуқароларни Ижтимоий реестрга киритиш ёки чиқариш билан боғлиқ жараёнлар натижалари юзасидан маълумот бериш уларнинг мобиль телефон рақамларига **бепул** қисқа СМС-хабарлар юбориш орқали амалга оширилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги **2026 йил 1 февралга қадар** “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи ҳамда Камбағал оилалар реестрига киритилган ва ушбу реестрга тушиш хавфи бўлган “яшил” тоифадаги оилаларни мазкур бандниг “а” кичик бандига мувофиқ Ижтимоий реестрга ўтказилишини ва болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олаётган оилаларга тўловлар узлуксиз давом эттирилишини таъминласин.

3. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) **икки ой муддатда** “ЯМИҲ” АТда қуйидагилар бўйича техник имкониятлар яратсин:

Ижтимоий реестрга киритиладиган оилаларни аниқлаш бўйича саволномани имзони идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (шахснинг юзини биометрик идентификация қилиш технологияси (Face-ID), электрон рақамли имзо, дактилоскопия ва бошқалар) ёки СМС-хабар билан тасдиқлаш;

манфаатдор шахсларнинг Ижтимоий реестрни юритиш жараёнида расмийлаштириладиган далолатнома ва хулосалар бўйича шикоятларини туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги низоларни ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашларида кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

“ЯМИҲ” АТ, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “Ижтимоий карта” мобиль иловаси орқали Ижтимоий реестрга киритиш ҳамда болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун мурожаат қилиш;

б) **уч ой муддатда** мазкур қарорга 6-иловадаги рақамлаштирилмаган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини “ЯМИҲ” АТ орқали электрон тақдим этиш бўйича техник имконият яратсин. Бунда вазирлик ва идоралар Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2027 йил 1 январга қадар** 6-иловадаги рақамлаштирилмаган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш учун ўз ахборот тизимларини **ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин**;

в) **2027 йил 1 январга қадар** фуқароларга 6-иловадаги давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларидан “Ижтимоий карта” мобиль иловаси орқали фойдаланишни босқичма-босқич ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** мазкур қарорга **5** ва **7-иловаларда** назарда тутилган маълумотлар “Рақамли ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали “ЯМИҲ” АТга **тақдим этилишини** таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

бир ой муддатда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида низоларни ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашлари ташкил этилишини;

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга шакллантирилган индивидуал режаларнинг бажарилиши **ҳар ойда бир маротаба** муҳокама қилиб борилишини таъминласин.

6. Бошқарув самарадорлиги агентлиги индивидуал режаларнинг ижро ҳолати маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фаолиятини баҳолашда алоҳида кўрсаткич сифатида белгиланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **8-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **9-иловага** мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “29” январдаги 35-сон қарорига
1-илова

Ижтимоий реестрни юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом оилаларни Ижтимоий реестрга (кейинги ўринларда – Реестр) киритиш, тоифаларга ажратиш ва Реестрдан чиқариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – Реестрга киритишни сўраб мурожаат қилган оиланинг муомалага лаёқатли аъзоси (18 ёшга тўлган, 18 ёшга тўлмасдан фарзандли бўлган ёки ўз оиласига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс);

ваколатли орган – “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари;

Ижтимоий реестрга киритиладиган оилаларни аниқлаш бўйича саволнома (кейинги ўринларда – саволнома) – ариза берувчи ва оила аъзоларининг (агар мавжуд бўлса) шахсига доир маълумотларини ўрганиш ҳамда оиланинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини баҳолашга (аниқлашга) қаратилган саволлар жамланмаси;

“Ижтимоий реестр” ахборот модули (кейинги ўринларда – ахборот модули) – идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда давлат таъминотидаги, камбағал ва камбағаллик чегарасидаги оилаларни аниқлаш, уларга ижтимоий хизмат, ёрдам ва имтиёзларни (кейинги ўринларда – давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари) олиш учун мурожаат қилувчи ва олувчи оилалар тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш амалга ошириладиган, “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимининг (кейинги ўринларда – “ЯМИҲ” АТ) таркибий қисми бўлган маълумотлар базаси;

норматив даромад – оиланинг даромадини расмий маълумотлар орқали тасдиқлаш имкони бўлмаганда шартли равишда қўлланиладиган даромад миқдори;

табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар (кейинги ўринларда – фавқулодда вазиятлар) – муайян ҳудудда одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат, карантин ва одамлар учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг тарқалиши натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазиятлар.

3. Реестрга киритиш мезонларига мос келадиган оилаларни аниқлаш, уларни Реестрга киритиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

4. Реестрга киритилган оилаларга, уларга шакллантирилган индивидуал режага асосан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилади.

2-боб. Оилани Реестрга киритиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш тартиби

5. Ариза берувчи оиласини Реестрга киритиш учун ваколатли органга қуйидаги шаклларда мурожаат қилади:

давлат хизматлари маркази ёки ваколатли органга борган ҳолда ёки яшаш манзили бўйича маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим орқали;

“ЯМИҲ” АТ, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали мустақил равишда.

Ҳар бир оила томонидан Реестрга киритиш учун ариза топшириш бир ойда бир марта амалга оширилади.

6. Оилани Реестрга киритиш тўғрисидаги мурожаат:

а) давлат хизматлари маркази орқали берилганда, марказ ходими ариза берувчининг номидан мазкур Низомга 2-2а-иловаларга мувофиқ шаклдаги аризаларни тўлдиради;

б) ваколатли орган ёки маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим орқали берилганда, ваколатли органнинг масъул ходими ёки маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим “ЯМИҲ” АТда ариза берувчининг номидан мазкур Низомга 2-2а-иловаларга мувофиқ шаклдаги аризаларни тўлдиради;

в) “ЯМИҲ” АТ, ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали берилганда, ариза берувчи мазкур Низомга 2-2а-иловаларга мувофиқ шаклдаги аризаларни мустақил равишда тўлдиради.

Оилани Реестрга киритиш тўғрисидаги мурожаат мазкур бандниг “а” ва “б” кичик бандларида белгиланган шаклларда тақдим этилганда ариза берувчининг шахси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужжатларнинг унификацияланган рақамли сервислари орқали, агар мазкур рақамли сервислар орқали тасдиқлаш имкони бўлмаса, бевосита ариза берувчидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини (ID-карта, паспорт, яшаш гувоҳномаси) талаб қилиш орқали тасдиқланади.

7. Ариза берувчи аризани кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида хизматдан фойдаланишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Бунда унинг аризаси кўриб чиқилмайди.

8. Мазкур Низомнинг 5 ва 6-бандларида назарда тутилган тартибда ариза берилганда ариза берувчи томонидан имзони идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (шахснинг юзини биометрик идентификация қилиш технологияси (Face-ID), электрон рақамли имзо, дактилоскопия ва бошқалар) ёки СМС-хабар билан тасдиқланади. Бунда:

ариза берувчи томонидан аризанинг тасдиқланиши унга тегишли шахсга доир маълумотларни олиш ва ишлов беришга ҳамда саволнома ўтказишга розилигини билдиради;

ариза автоматик равишда "ЯМИҲ" АТга юборилади.

9. "ЯМИҲ" АТда аризада кўрсатилган ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинадиган маълумотларга мувофиқ оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати дастлабки тарзда баҳолашдан ўтказилади.

"Маҳалла еттилиги" томонидан охирги уч ой ичида ариза берувчи оиласининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича хулоса тасдиқланган бўлса, дастлабки баҳолаш мазкур хулоса ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинадиган маълумотларга асосан амалга оширилади.

10. Дастлабки баҳолаш натижаси бўйича:

ариза берувчининг оиласини мазкур Низомнинг 33-бандида белгиланган "давлат таъминотидаги оила" ва "камбағал оила" деб топишни рад этиш учун асослар аниқланмаганда ариза ижтимоий ходимнинг ахборот модулидаги шахсий кабинетига саволнома тўлдириш учун юборилади. Бунда охирги уч ой ичида ариза берувчи оиласининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича хулоса тасдиқланган бўлса, янгидан саволнома тўлдирилмайди ва мазкур хулоса оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини якуний баҳолашдан ўтказиш учун автоматик тарзда "ЯМИҲ" АТга юборилади;

мазкур Низомнинг 33-бандида белгиланган асослар аниқланганда ариза берувчининг оиласини "давлат таъминотидаги оила" ва "камбағал оила" деб эътироф этиш рад этилади.

Дастлабки баҳолаш натижаси бўйича ариза ижтимоий ходимга юборилганлиги ва уч иш куни ичида саволнома ўтказилиши ёки оилани Реестрга киритиш рад этилганлиги тўғрисида ариза берувчининг аризада кўрсатилган мобил телефон рақамига СМС-хабар юборилади.

11. Ижтимоий ходим ариза унинг ахборот модулидаги шахсий кабинетига келиб тушгандан сўнг уч иш куни ичида оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини аниқлаш учун ариза берувчининг хонадонига борган ҳолда, ариза берувчи ёки муомалага лаёқатли оила аъзоси иштирокида мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги саволномани ахборот модулида электрон шаклда тўлдиради.

12. Ариза берувчи ёки унинг муомалага лаёқатли оила аъзоси тўлдирилган саволнома билан таништирилади ва улар саволномага киритилган маълумотларга розилик билдирганда имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (шахснинг юзини биометрик идентификация

қилиш технологияси (Face-ID), электрон график имзо ёки мобиль телефон рақамига СМС-хабар билан юбориладиган махсус кодни маълум қилиш) орқали уни тасдиқлайди.

13. Қуйидаги ҳолларда саволномани ўтказиш тўхтатилади:

саволномани тасдиқлаш ариза берувчи томонидан рад этилганда;

ариза берувчи вафот этганда;

ариза берувчи доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудига ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига кўчиб кетганда;

ижтимоий ходим саволномани тўлдириш учун борганда ариза берувчи яшаш жойида бўлмаслиги натижасида саволнома ўтказиш имкони бўлмаганда.

Мазкур бандда белгиланган асослар аниқланганда ижтимоий ходим томонидан ахборот модули орқали мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда электрон далолатнома шакллантирилади ва “маҳалла еттилиги”га юборилади.

Далолатнома “маҳалла еттилиги”нинг камида беш нафари аъзоси томонидан ахборот модулида электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши лозим, бундан ходим меҳнат таътилида, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз, лавозими вакант ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатлар мустасно. Бунда далолатнома уни имзолашда иштирок этган “маҳалла еттилиги” аъзоларининг кўпчилик овози билан тасдиқланганда қонуний кучга эга бўлади.

Далолатнома тасдиқлангандан сўнг ариза берувчини Реестрга киритиш автоматик тарзда рад этилади ва бу ҳақида ариза берувчининг аризасида кўрсатилган мобил телефон рақамига рад этиш сабаблари кўрсатилган СМС-хабар юборилади.

14. Ариза берувчи томонидан тасдиқланган саволнома ахборот модулида автоматик равишда “маҳалла еттилиги”га йўналтирилади.

15. “Маҳалла еттилиги” саволномадаги маълумотлар асосида у келиб тушгандан сўнг уч иш куни ичида мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ шаклдаги хулосани тасдиқлайди.

Ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида норасмий даромад, мол-мулк мавжудлиги ёки норасмий бандлиги бўйича маълумотлар ёки оилани Реестрга киритишни рад этишга асос бўладиган бошқа ҳолатлар аниқланган тақдирда хулоса саволномага асосан шаклланган маълумотларга тегишли ўзгартириш киритиш орқали тасдиқланади. Бунда хар бир киритилаётган ўзгартиришга асос бўлган ҳолатлар хулосада қайд этилади.

Хулосани тасдиқлаш мазкур Низомнинг 13-банди еттинчи хатбошисида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хулоса “маҳалла еттилиги” аъзолари томонидан мазкур бандниг биринчи хатбошисида белгиланган муддатда тасдиқланмаган ҳолларда ахборот модулида автоматик тарзда тасдиқланади. Бунда “маҳалла еттилиги”нинг хулосани тасдиқламаган аъзолари юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар учун жавобгар ҳисобланади.

16. Хулоса “маҳалла еттилиги” томонидан тасдиқлангандан сўнг оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини якуний баҳолашдан ўтказиш учун автоматик тарзда “ЯМИҲ” АТга юборилади.

“ЯМИҲ” АТ уч иш куни ичида оилани ижтимоий-иқтисодий ҳолатини якуний баҳолашдан ўтказади.

Оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини якуний баҳолаш вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари орқали олинган ва оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича хулоса асосида шаклланган оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосан “ЯМИҲ” АТда автоматик тарзда амалга оширилади.

17. Якуний баҳолаш натижалари бўйича ахборот модулида оиланинг портрети автоматик равишда шаклланади.

3-боб. Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик жами ўртача даромад миқдорини аниқлаш

18. Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик жами ўртача даромад Реестрга кириш учун мурожаат қилинган ёки оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ўзгариши қайта ўрганилаётган ойдан олдинги ойгача бўлган охирги уч ойи учун ҳисоблаб чиқилган барча оила аъзоларининг даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига ва учга бўлиш орқали аниқланади.

Оила таркибига фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳи қайд этилган эр-хотин (ёки уларнинг бири) ва улар билан бирга яшайдиган ва уларнинг қарамоғида бўлган болалар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олинган болалар), шунингдек, ота-оналари билан бирга яшайдиган ва никоҳи қайд этилмаган оиласига эга бўлмаган 18 ёшдан катта фарзандлар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олинган болалар) киритилади. Бунда тўлиқ давлат таъминотидаги болалар, тарбиялаш учун оилага қабул қилинган (патронат тартибида) болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, шунингдек, суд қарорига асосан бедарак йўқолган деб топилган шахслар ёки расман никоҳи бекор қилинмаган алимент тўлаш мажбурияти белгиланган эр (хотин) оила таркибига киритилмайди.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олаётган ёхуд боласи учун алимент олаётган она (ота)нинг оиласи боқувчисини йўқотган ёки боласини ёлғиз тарбиялаётган оила сифатида қабул қилинади.

19. Бир ойлик жами ўртача даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда инобатга олинадиган оиланинг жами даромадига оила томонидан олинган қуйидаги даромадлар киритилади:

меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

мулкий даромадлар;

олинган алиментлар. Бунда фуқаро томонидан тўланган алиментлар суммаси оиланинг жами даромадидан чиқариб ташланади;

пул тушумлари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари ва бошқалардан олинган пул ўтказмалари суммаси. Бунда хорижий валютада олинган пул ўтказмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "ЯМИҲ" АТ томонидан электрон маълумот олинган кундаги белгиланган курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳисобга олинади;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашганлик учун шахсга тўланган меҳнат ҳақи;

пенсиялар, нафақалар ва бошқа моддий ёрдам тўловлари, бундан мазкур Низомнинг 20-бандида белгиланган тўловлар мустасно;

мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган норматив даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар амалда ҳисобланган сумма бўйича ҳисобга олинади (қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва йиғимлар чегириб ташлангунига қадар).

20. Қуйидаги пенсия, нафақа, компенсация, стипендия ва бошқа моддий ёрдам ва бошқа тўловлар оиланинг бир ойлик жами ўртача даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайди:

а) ногиронлик бўйича нафақа суммаси доирасидаги ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсиялари;

б) қуйидаги нафақалар:

болалар нафақаси ва моддий ёрдам;

ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси;

ногиронлик нафақаси;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси;

парваришлаш нафақаси;

ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси;

бола туғилганлиги ҳамда дафн этиш маросими учун нафақалар;

в) қуйидаги стипендиялар:

таълим муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида тўланган стипендиялар;

г) қуйидаги моддий ёрдам ва компенсациялар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ажратиладиган бир марталик моддий ёрдам ва пул мукофотлари тарзидаги тўловлар;

меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқароларга тайинланадиган ва тўланадиган моддий ёрдам;

расмий банд бўлган ёлғиз ота (она)ларга фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар мактабгача таълим хизматидан фойдаланиш учун тўланадиган моддий ёрдам;

электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун базавий меъёр доирасидаги ҳамда базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги фарқ учун тўланган компенсациялар;

д) қонунчиликда белгиланган тартибда ажратиладиган субсидия, ссуда, грант, кредитлар.

21. Оила аъзосининг расмий маълумотлар орқали тасдиқлаш имкони бўлмаган меҳнат фаолияти ва мол-мулкидан олинган даромадларига нисбатан қуйидагича норматив даромад ҳисобланади:

ариза берувчи ва оила аъзосининг ҳар бир фаолият юритаётган корхона устав фондидаги улуши учун ҳисобланадиган норматив даромад;

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромад;

расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган (рўйхатга киритилган лекин ижтимоий солиқ тўламаган) ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмайдиган норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган оила аъзосига ҳисобланадиган норматив даромад;

чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолият турини амалга оширувчи оила аъзосига ҳисобланадиган норматив даромад;

томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган норматив даромад;

чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромад.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромадини аниқлашда тегишли оила аъзосига ушбу бандда кўрсатилган бир ойлик норматив даромадлар уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

22. Ариза берувчи ва оила аъзосининг ҳар бир фаолият юритаётган корхона устав фондидаги улушининг Марказий банкнинг амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкаси асосида фоиз ҳисобида бир ойлик давр учун ҳисобланадиган қийматига тенг, лекин меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир ойлик норматив даромад қўлланилади.

23. Оиланинг ўзини ўзи банд қилган аъзосига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорига нисбатан қуйидаги миқдорларда бир ойлик норматив даромад ҳисобланади:

а) эркаклар учун:

Тошкент шаҳрида 2,7 баравар;

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 2,4 баравар;

бошқа шаҳарларда 2,1 баравар;

бошқа маъмурий-ҳудудий бирликларда 1,8 баравар;

б) аёллар учун:

Тошкент шаҳрида 2,3 баравар;

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 2 баравар;

бошқа шаҳарларда 1,7 баравар;

бошқа маъмурий-ҳудудий бирликларда 1,4 баравар.

Фуқаролар Солиқ қўмитасининг "ЯМИҲ" АТ томонидан электрон сўров юборилган кунда ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан меҳнат стажи ҳисобланиши учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган (тўлиқ) миқдорда ижтимоий солиқ тўланганда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳисобга олинади.

24. Якка тартибдаги тадбиркорлик ва якка тартибдаги тадбиркорнинг ёлланган ходими фаолиятидан олинган даромадни аниқлашда охирги уч ой давомида тўланган айланмадан олинадиган солиқ суммаси ўртача миқдорининг икки ярим бараварига тенг бўлган, бироқ ўзини ўзи банд қилган шахсларга ҳисобланадиган норматив даромаддан кам бўлмаган норматив даромад ҳисобланади.

25. Расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда ҳисобда турмаган, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган (рўйхатга киритилган лекин ижтимоий солиқ тўлиқ тўламаган) ёхуд ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмайдиган норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган меҳнатга лаёқатли оила аъзосига ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган норматив даромадлар миқдорига нисбатан 5 фоиз кўпайтирувчи коэффициент қўлланилган ҳолда норматив даромад ҳисобланади.

26. Чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолият турини амалга оширувчи оила аъзоларидан пул ўтказмалари миқдори аниқланмаса ёки ўтказмалар миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдоридан кам бўлса, у ҳолда оиланинг бир ойлик жами ўртача даромадини аниқлашда қуйидагича норматив даромад қўлланилади:

мазкур Низомга 6-иловадаги рўйхатга киритилган мамлакатлардаги фаолияти учун – меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг уч баравари миқдорида;

бошқа давлатдаги шахслар учун – меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдорида.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли ахборот тизимидан олинган маълумотларда ариза берилган санадан камида уч ой аввал Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетган ва Ўзбекистон Республикасига қайтмаганлиги қайд этилган фуқаро чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи шахс сифатида қабул қилинади.

27. Ариза берувчига ва унинг аъзоларига тегишли ёки уларнинг фойдаланувидаги якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкасининг томорқа майдонини ҳисоблаш Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ахборот тизимидан электрон ахборот алмашинуви ҳамда оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича жамланган маълумотлар асосида қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

ТЕМ = УМ – ҚМ – (УМ × 20%), бунда:

ТЕМ – томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалиги майдони;

УМ – ажратилган ернинг умумий майдони (м2);

ҚМ – қурилишларнинг майдони (м2);

(УМ × 20 %) кўрсаткичи 200 метр квадратдан ошмаган ҳолда ҳисоб-китоб учун қабул қилинади.

Томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган даромад миқдори сифатида ушбу бандда белгиланган томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинадиган даромаднинг норматив миқдори қабул қилинади.

Томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинадиган бир ойлик ўртача норматив даромад томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун фойдаланилаётган сотихлар майдонини жами даромад аниқланаётган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,035 бараварини жисмоний шахсларнинг турар жой объектларига ҳар бир маҳалла учун халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланган ер солиғи коэффициентига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда бир маҳалла икки ва ундан ортиқ зоналарга бўлинган бўлса энг кам коэффициенти ҳисобга олинади.

28. Чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг бир ойлик ўртача норматив даромадини ҳисоблашда:

чорва моллари ва паррандаларнинг сони шартли бош қорамол сонига Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги 689-сон қарори билан тасдиқланган Яйловларда чорва молларини ўтлатишда энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини белгилаш, яйловлар алмашинишини таъминлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 5-иловада келтирилган Чорва молларини ва паррандаларни шартли бошга ўгириш коэффициентига асосан ўтказилади. Бунда эчки учун шартли бош ҳисоблашда 0,07 коэффициент қўлланади;

ҳар бир шартли бош қорамол сонини даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,5 бараварига кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда дастлабки бир шартли бош қорамол учун норматив даромад қўлланмайди.

29. Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

БОЎД – (МҲТД+МД+ОА-ТА+ТУ+ЖИМҲ+ЯТТНД+ПЎ+ПН+ҚП+ТД +ЧМ+БД+НБШНД)/ОАС/3 бунда:

БОЎД – оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад;

МҲТД – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

МД – мулкий даромадлар;

ОА – оила аъзолари томонидан олинган алиментлар;

ТА – оила аъзолари томонидан тўланган алиментлар;

ТУ – ташкилот таъсисчисига қўлланиладиган норматив даромад;

ЖИМҲ – қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашганлик учун шахсга тўланган меҳнат ҳақи;

ЯТТНД – якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун ҳисобланадиган норматив даромадлар;

ПЎ – пул ўтказмалари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларидан пул ўтказмалари суммаси ёки уларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

ПН – пенсия ва нафақалар кўринишидаги даромадлар;

ҚП – қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотганлиги учун тўланган субсидия;

ТД – томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан ҳисобланадиган норматив даромадлар;

ЧМ – чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромад;

БД – оила аъзоларининг бошқа даромадлари;

НБШНД – норасмий банд шахслар учун ҳисобланадиган норматив даромадлар;

ОАС – оила аъзолари сони.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик жами ўртача даромад миқдорини ҳисоблашда мазкур бандда назарда тутилган турдаги мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган муддатларда олинган даромадлар инобатга олинади.

30. Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик жами ўртача даромадни ҳисоблаб чиқишнинг мисоли:

5 кишидан иборат оиланинг аъзоси Реестрга киритиш бўйича 2025 йил сентябрь ойида мурожаат қилган. Унинг даромадлари май – июль ойлари учун ҳисобланади. Оила аъзоларининг барча даромадлари йиғиндиси (норматив даромадларни ҳисобга олган ҳолда) 6 480 000 сўмни ташкил этади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик жами ўртача даромади қуйидагини ташкил этади: 6 480 000 сўм ÷ 5 (оила аъзолари сони) ÷ 3 ой = 432 000 сўм.

4-боб. Оилаларни Реестрга киритиш тартиби

1-§. Оилаларни давлат таъминотидаги оила ёки камбағал оила деб топиш

31. Реестрга оилалар “давлат таъминотидаги оила”, “камбағал оила” ва “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифаларига ажратилган ҳолда киритилади.

32. Оилани мазкур Низомнинг 33-бандида назарда тутилган “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” деб эътироф этишни рад этишга асос бўладиган ҳолатлар аниқланмаганда оила “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” деб эътироф этилади.

33. Қуйидаги ҳолатлардан камида биттаси аниқланганда оилани “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” деб топиш рад этилади:

а) оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик жами ўртача даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан юқори бўлганда. Бунда минимал истеъмол харажатлари миқдорининг янги миқдори эълон қилинганида оиланинг даромадлари “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидаги мезонларига мувофиқлигини аниқлаш минимал истеъмол харажатлари миқдори ўзгарган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб янги миқдорларда аниқланади;

б) қуйидаги ҳолатлардан камида биттаси аниқланганда:

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида оила аъзоларига тегишли жами биттадан ортиқ кўчмас мулк ва ер участкаси ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жойлари мавжуд бўлганда;

ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларининг фойдаланувида бўлган даромад олиб келувчи бир ва ундан ортиқ нотурар жойлар бўлганда;

в) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда оила аъзолари номига расмийлаштирилган ёки уларнинг фойдаланувида бўлган ёхуд ишончномага асосан қуйидагилардан камида биттаси мавжуд бўлганда:

ишлаб чиқарилган муддати 12 (оила аъзоси болаликдан ногиронлиги бўлган бола, I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс бўлса – 7 йил) йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган ва қидирувда бўлмаган енгил автотранспорт воситаси;

ишлаб чиқарилган муддати 15 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган ва қидирувда бўлмаган юк ташувчи автотранспорт воситаси, автобус, микроавтобус, экскаватор, трактор, комбайн, юк ташувчи автотранспорт воситаларининг тиркамалари ва ярим тиркамалари, автокран ва бошқа қурилиш техникаси;

жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган енгил ва юк ташувчи автотранспорт воситалари, микроавтобус, экскаватор, трактор, комбайн, юк ташувчи автотранспорт воситаларининг тиркамалари ва ярим тиркамалари, автокран ва бошқа қурилиш техникаси;

г) оила аъзоларининг тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларида ариза берилган ойда амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдорда маблағлари мавжуд бўлганда;

д) оила аъзоларида ариза берилган ойда бозор қиймати меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ суммани ташкил этувчи қимматли қоғозлар мавжуд бўлганда;

е) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари (эри (хотини) ва болалари), шунингдек, пенсионерлари томонидан аризалар тақдим этилганда. Бунда мазкур талаблар иш ҳақи тўғрисида маълумотлари Солиқ қўмитасининг фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестрида мавжуд бўлган ҳамда меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида ҳисобга қўйилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди;

ж) оила аъзоси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомга асосан пенсиялар билан таъминланганда;

з) оила доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиб кетганда;

и) ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз шахс содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилганда;

к) ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ёки “Мурувват” интернат уйларига жойлаштирилганда;

л) саволнома ўтказиш мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган асосларга кўра тўхтатилганда;

м) мазкур Низомнинг 5-банди тўртинчи хатбошисига риоя қилмаган ҳолда мурожаат қилинганда;

н) ариза берувчи вафот этганда.

Мазкур бандда назарда тутилмаган асослар бўйича оилани давлат таъминотидаги ва камбағал оила деб топишни рад этишга йўл қўйилмайди.

“Давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” деб топиш рад этилган оилани Реестрга киритиш қуйидаги ҳолларда автоматик равишда рад этилади:

мазкур бандниng “а” кичик бандига асосан рад этилган оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик жами ўртача даромади минимал истеъмол харажатларининг икки бараваридан юқори бўлса;

мазкур бандниng “б”-“н” кичик бандларига асосан рад этилганда.

2-§. Оғир ҳаётий вазиятга тушган оилаларни Реестрга киритиш

34. Мазкур Низомнинг 33-банди “а” кичик бандига асосан “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” деб топиш рад этилган ва даромадига 25 фоиз камайтирувчи коэффициент қўллаганда ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик жами ўртача даромади минимал истеъмол харажатлари миқдорининг бир ярим бараваридан ошмайдиган қуйидаги оилаларга “маҳалла еттилиги” ўттиз кун ичида оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритиш тўғрисида тавсия бериши мумкин:

I ва (ёки) II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ёхуд болаликдан ногиронлиги бўлган шахс бор оила;

боқувчисини йўқотган ёки боласини ёлғиз тарбиялаётган оила;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз шахс;

оила аъзоси муддатли ҳарбий хизматда ёки жазони ижро этиш муассасасида бўлган оила;

оила аъзоси психиатрия, наркология, сил касалликлари диспансерида бўлган ёки онкология марказларида рўйхатда бўлган ёхуд гематология, иммунология, жигар, буйрак етишмовчилиги каби оғир касалликка чалинган оила аъзоси мавжуд оила;

ёнғин, бахтсиз ҳодиса, табиий ёки техноген фавқулодда вазиятлардан жабрланган оила.

Оила аъзосининг мазкур бандниng иккинчи-тўртинчи хатбошисида назарда тутилган талабларга мувофиқлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жазони ижро этиш муассасасида сақланаётганлиги идоралараро электрон ҳамкорлик орқали автоматик тарзда аниқланади.

“Маҳалла еттилиги”нинг тавсияси мазкур Низомга 7-иловага мувофиқ шаклда ижтимоий ходим томонидан ахборот модулида шакллантирилади ва мазкур Низомнинг 13-банди еттинчи хатбошисида белгиланган тартибда тасдиқланади.

“Маҳалла еттилиги” “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида бир календарь йил давомида тасдиқланган тавсияси сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 26 декабрдаги ПФ–258-сон Фармонга 1-иловада белгиланган миқдорлардан кўп бўлмаслиги лозим.

35. “Маҳалла еттилиги” томонидан тавсия берилган оила Реестрнинг “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилади. Бунда дастлабки баҳолаш натижаси бўйича оилани “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” деб топиш рад этилган бўлса:

а) оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати мазкур Низомнинг 11–17-бандларида белгиланган тартибда баҳолашдан ўтказилади;

б) баҳолаш натижаси бўйича оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик жами ўртача даромади 25 фоиз камайтирувчи коэффициент қўллаган ҳолда ҳисобланган кейин:

минимал истеъмол харажатлари миқдорининг бир ярим бараваридан ошмаса, оила “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилади;

минимал истеъмол харажатлари миқдорининг бир ярим бараваридан ошса, оилага берилган тавсия автоматик равишда бекор бўлади.

Тавсия берилган санада мазкур Низомнинг 18-бандига мувофиқ баҳолаш учун инобатга олинадиган муддат ўтказиб юборилган бўлса, оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати автоматик тарзда баҳолашдан ўтказилади.

Оила яшайдиган маҳаллада белгиланган миқдордаги оилалар оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган бўлса, оила оғир ҳаётий вазиятга тушган оила тоифасига мос келмаса, ўттиз кун ичида оилага тавсия берилмаса ёки берилган тавсия бекор бўлган бўлса оилаларни Реестрга киритиш автоматик тарзда рад этилади.

Оила тавсия асосида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилгандан сўнг хулоса ўз кучини йўқотади.

36. Оила Реестрга киритилганда оила аъзосининг қонунчиликда белгиланган тартибда қилган мурожаатига асосан мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ шаклдаги маълумотнома тақдим этилади.

“Ижтимоий реестр”га киритилган оилаларга индивидуал режа ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда оилаларни ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқилади.

37. Оиланинг Реестрга киритилганлиги ёки Реестрга киритиш рад этилганлиги ҳақида ариза берувчининг мобил телефон рақамига СМС-хабар юборилади.

5-боб. Оилаларни тоифаларга ажратиш тартиби

38. Реестрга киритилган оиланинг тоифаси унинг портретида қайд этилган маълумотларга мувофиқ ахборот модулида автоматик тарзда белгиланади.

39. Оилалар Реестрда қуйидаги тоифаларга ажратилади:

а) “давлат таъминотидаги оила” тоифасига – оила аъзолари меҳнатга лаёқатсиз ёки меҳнат қилиш имконияти чекланган ва уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларидан кам бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 26 декабрдаги ПФ–258-сон Фармонига 1-иловада белгиланган тоифадаги оилалар;

б) “камбағал оила” тоифасига – оила аъзолари меҳнатга лаёқатли ёки меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган ва уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларидан кам бўлган оилалар;

в) “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига – оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларининг бир бараваридан бир ярим бараваригача бўлган қуйидаги оилалар:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” оила тоифаларидан чиқарилган оилалар;

мазкур Низомнинг 34-бандига мувофиқ “маҳалла еттилиги”нинг тавсияси асосида Реестрга киритилган оғир ҳаётий вазиятга тушган оилалар.

6-боб. Реестрга киритилган оилаларни қайта баҳолашдан ўтказиш, тоифасини ўзгартириш ва Реестрдан чиқариш тартиби

40. Реестрга киритилган оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини қайта баҳолашдан ўтказиш улар Реестрда турган даврида вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларига электрон сўров юбориш орқали олинган ва хулосада шаклланган маълумотларга асосан ҳар ойда амалга оширилади.

Оилалар улар Реестрга киритилган кундан бошлаб қуйидаги муддатларда оила аъзолари иштирокида саволнома қайта тўлдирилади:

“давлат таъминотидаги оила” – ҳар ўн икки ойда;

“камбағал оила” – ҳар олти ойда.

Бунда қайта баҳолаш саволномага мувофиқ шаклланган “маҳалла еттилиги”нинг хулосаси ҳамда вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларига электрон сўров юбориш орқали олинган маълумотларга асосан амалга оширилади.

41. Қайта баҳолаш натижалари бўйича оиланинг тоифасини ўзгартириш учун асослар аниқланганда оиланинг тоифаси автоматик тарзда ўзгартирилади ҳамда бу ҳақида ариза берувчининг мобил телефон рақамига СМС-хабар юборилади.

42. Оилалар қуйидаги ҳолларда Реестрдан чиқарилади:

қайта баҳолаш натижасига кўра оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик жами ўртача даромади минимал истеъмол харажатлари миқдорининг бир ярим бараваридан ошганлиги аниқланганда. Бунда оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг бир ойлик жами ўртача даромадини ҳисоблашда 25 фоиз камайтирувчи коэффициент инобатга олинади;

қайта баҳолаш натижасига кўра мазкур Низомнинг 33-банди “б”-“н” кичик бандларида белгиланган асослар аниқланганда;

“камбағаллик чегарасидаги оила” мазкур тоифага киритилганлигига (ўтказилганлигига) ўн икки ой тўлган бўлса;

оиланинг барча аъзолари, шу жумладан, ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз шахс вафот этган тақдирда;

оиланинг муомалага лаёқатли аъзоси мазкур Низомнинг 9-иловадаги шаклга мувофиқ Реестрдан чиқаришни сўраб мурожаат қилганда;

ахборот модулида техник носозлик натижасида, маълумотлар электрон равишда тўлиқ ёки қисман тақдим этилмаганлиги сабабли, шунингдек, саволнома тўлдиришда техник хатолар оқибатида оила Реестрга нотўғри киритилганлиги аниқланганда;

Реестрга киритиш тўғрисидаги қарорга таъсир кўрсатган ариза берувчи, “маҳалла еттилиги” ёки бошқа давлат органи томонидан нотўғри ва ишончсиз маълумотлар тақдим этилганлиги ёки тўлиқ тақдим этилмаганлиги аниқланганда.

Оилани Реестрдан чиқариш тўғрисидаги ариза оиланинг муомалага лаёқатли аъзоси томонидан давлат хизматлари марказига борган ҳолда ёки ЯИДХП ёхуд “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали мустақил равишда тақдим этилади.

Оилаларни мазкур бандда назарда тутилмаган асосларга кўра Реестрдан чиқаришга йўл қўйилмайди.

43. Реестрга киритилган оилалар қонунчиликда назарда тутилган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланади.

“Камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилалар аввал белгиланган тоифасига мувофиқ, оғир ҳаётий вазиятга тушган оилалар камбағал оилалар учун назарда тутилган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланади. Бунда оғир ҳаётий вазиятга тушган оилалар давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларидан улар “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган (ўтказилган) пайтдан бошлаб ўн икки ой давомида фойдаланади.

44. Оиланинг тоифаси ўзгарганлиги ёки Реестрдан чиқарилганлиги ҳақида ариза берувчининг мобил телефон рақамига СМС-хабар юборилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

45. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан ариза берувчи тўғрисида электрон шаклда автоматлаштирилган тарзда олинган маълумотлар “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳимояланади.

“ЯМИҲ” АТда ишлашга рухсат берилган давлат органлари, ташкилот ва идоралар ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган шахсга доир маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

46. Қуйидагилар учун:

оила таркиби, ижтимоий ҳолати, яшаш жойининг ўзгариши ва оиланинг чорва моллари ва паррандалари ҳамда аризачи ва унинг оила аъзолари номига расмийлаштирилмаган бироқ фойдаланувида бўлган автотранспорт воситалари, нотурар бинолари, кўчмас мулклари, боғ ва деҳқон хўжалик ерлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги ва ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органини ўз вақтида хабардор қилиш бўйича – ариза берувчига;

ариза берувчининг ҳар қандай маълумотларини Реестрга мазкур Низом талабларига мувофиқ ҳамда ўз вақтида киритиш бўйича – ижтимоий ходимга;

саволномани ўтказиш, хулосани тасдиқлаш, оғир ҳаётий вазиятга тушган оилага тавсия бериш бўйича – “маҳалла еттилиги”га;

Реестр ва “ЯМИҲ” АТни қонунчилик ва техник ҳужжатлари талабларига мувофиқ тўғри ишлашини таъминлаш, ахборот модулини такомиллаштириб бориш, ахборот модули фойдаланувчиларига логин ва пароль очиш (ёпиш), вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан маълумот алмашишини таъминлаш ва йўлга қўйиш бўйича – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳузуридаги “Ахборот технологиялар маркази” давлат муассасаси масъулларига;

ариза берувчи ва унинг оиласининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш учун “ЯМИҲ” АТ орқали юборилган электрон сўровларга ўз вақтида ва тўғри (ишончли) маълумотларни электрон равишда онлайн режимида тақдим этилиши бўйича – манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарларига шахсий жавобгарлик юкланади.

47. Мазкур Низом қоидалари асосида ариза берувчи ва унинг оиласини Реестрга киритиш билан боғлиқ барча давлат хизматлари бепул амалга оширилади.

48. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёнида техник носозликлар ва узилишлар юзага келган ёки электрон маълумотларни тўлиқ олинмаган ҳолларда, Агентликка алоҳида ахборот тизимларидаги маълумот

алмашинувини тегишли тизимлар тўлақонли қайта ишга тушгунга қадар вақтинчалик тўхтатиш ҳамда оиланинг тоифасини автоматик тарзда аниқлаш алгоритмига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

49. Мазкур Низомда белгиланган талабларга риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Агентликнинг ички аудит хизмати ҳамда Ижтимоий инспекция томонидан назорат қилиб борилади.

50. Оилани “давлат таъминотидаги оила”, “камбағал оила” ва “камбағаллик чегарасидаги оила” деб эътироф этиш, Реестрга киритиш, тоифасини белгилаш, қайта баҳолашдан ўтказиш ва Реестрдан чиқариш бўйича низолар туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган апелляция кенгашлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

51. Ариза берувчи Реестрни юритиш бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

52. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ижтимоий реестрни юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Оилаларни Ижтимоий реестрга киритиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Оиласини Ижтимоий Реестр (кейинги ўринларда – Реестр)га киритишни сўраб ижтимоий ходим, давлат хизматлари маркази, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази, "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизими (кейинги ўринларда – "ЯМИҲ" АТ), Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки "Ижтимоий карта" мобил иловаси орқали ариза билан мурожаат қилади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	"ЯМИҲ" АТ	1. Ариза берувчи оиласини ижтимоий-иқтисодий ҳолатини электрон ҳамкорлик орқали дастлабки тарзда баҳолашдан ўтказади. 2. Ариза берувчи оиласининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати давлат таъминотидаги ёки камбагал оилалар учун белгиланган мезонларга мос бўлганда мурожаат ариза берувчи яшайдиган маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходимнинг шахсий кабинетига йўналтирилади. 3. Ариза берувчи оиласининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати Реестрга киритиш учун белгиланган мезонларга мос бўлмаганда Реестрга киритиш рад этилади ва ариза берувчининг мобил алоқа воситасига СМС-хабар юборади.	1. Ариза келиб тушганидан сўнг уч кун ичида 2. Автоматик тарзда 3. Автоматик тарзда
3-босқич	Ижтимоий ходим	1. Оиланинг муомалага лаёқатли аъзоси иштирокида саволномани тўлдиради. 2. Ариза берувчи саволномани ўтказишга розилик берганда уни имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (шахснинг юзини биометрик идентификация қилиш технологияси (Face-ID), электрон график имзо ёки мобил телефон рақамига СМС-хабар билан юбориладиган махсус кодни маълум қилиш) орқали тасдиқлайди.	1. Ариза келиб тушганидан сўнг уч иш куни ичида 2. Автоматик тарзда

4-босқич	“Маҳалла еттилиги”	1. Саволномадаги маълумотлар асосида хулосани ахборот модулида электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди. 2. Тасдиқланган хулоса якуний баҳолашдан ўтказиш учун “ЯМИҲ” АТга юборади.	Уч иш куни ичида
5-босқич	“ЯМИҲ” АТ	Вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларига электрон сўров юбориш орқали олинган ва хулоса асосида шаклланган оиланинг иқтисодий ҳолати бўйича маълумотларга асосан якуний баҳолашни амалга оширади.	Уч иш куни ичида
6-босқич	“Ижтимоий реестр” ахборот модули	1. Якуний баҳолаш натижалари бўйича оиланинг портретини шакллантиради ва оилани “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” деб топади ёки рад этади. 2. Реестрга киритилган оиланинг тоифасини белгилайди.	1. Автоматик тарзда 2. Автоматик тарзда
7-босқич	“Маҳалла еттилиги”	1. Оғир ҳаётий вазиятга тушган оила мезонларига мос бўлган оилани “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритиш тўғрисида тавсия беради. 2. Дастлабки баҳолаш натижаси бўйича “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” деб топиш рад этилган оилалар учун белгиланган тартибда хулосани тасдиқлайди.	“Давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” деб топиш рад этилган кундан кейин ўттиз кун ичида
8-босқич	“Ижтимоий реестр” ахборот модули	1. Якуний баҳолаш натижалари бўйича оилани оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритади. 2. “Маҳалла еттилиги” тавсия берган оилани “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига мослигини ўрганади, ўрганиш натижасига кўра оилани “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритади ёки рад этади. 3. Оиланинг “давлат таъминотидаги оила”, “камбағал оила” деб эътироф этилганлиги ёки рад этилганлиги, унинг тоифаси, Реестрга киритилганлиги ёки Реестрга киритиш рад этилгани ҳақидаги маълумотларни ариза берувчининг мобил телефон рақамига СМС-хабар юборади.	1. Автоматик тарзда 2. Ўттиз кун ичида 3. Автоматик тарзда

Ижтимоий реестрни юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

Ижтимоий реестрга киритиш бўйича
АРИЗА

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар	
1. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
2. Фамилияси:	Автоматик тарзда шаклланади
3. Исми:	
4. Отасининг исми:	
5. Туғилган санаси:	
6. Паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами:	
7. Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8. Телефон рақами:	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	
II. Қонуний вакил тўғрисида маълумотлар (мурожаат қонуний вакил томонидан берилганида тўлдирилади)	
1. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
2. Фамилияси:	Автоматик тарзда шаклланади
3. Исми:	
4. Отасининг исми:	
5. Туғилган санаси:	
6. Паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами:	
7. Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8. Телефон рақами:	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	
III. Ариза берувчининг оиласи таркиби тўғрисида маълумотлар	
1. Оила аъзоларининг Ф.И.О.:	Автоматик тарзда шаклланади
2. Оила аъзоларининг паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами ёки туғилганлик гувоҳномасининг қайд рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):	
3. Оила аъзоларининг қариндошлик даражаси (код кўрсатилади*):	
4. Оила аъзоларининг мақоми (код кўрсатилади**):	

IV. Оиланинг мавжуд чорва моллари, паррандалари ҳамда аризачи ва унинг оила аъзолари номига расмийлаштирилмаган бироқ фойдаланувида бўлган автотранспорт воситалари, нотурар бинолари, кўчмас мулклари, боғ ва деҳқон хўжалик ерлари, даромади ва норасмий бандлиги		
Т/р	**Кўрсаткичлар**	**Миқдори**
1.	Мурожаат этган кунда оилада мавжуд чорва моллари ва паррандалари сони:	
1.1.	Буқа ва сигирлар	
1.2.	Ёш қорамоллар	
1.3.	От ва туялар	
1.4.	Катта ёшдаги чўчқалар	
1.5.	Қўйлар	
1.6.	Эчкилар	
1.7.	Катта ёшдаги паррандалар	
1.8	Ёш паррандалар	
2.	Аризачи ва унинг оила аъзолари - номига расмийлаштирилмаган бироқ оила фойдаланувида бўлган:	
2.1.	Юк автотранспорт воситалари сони Ишлаб чиқарилган йили Давлат рақами белгиси	__ дона __ йил _____
2.2	Енгил автотранспорт воситалари сони Ишлаб чиқарилган йили Давлат рақами белгиси	__ дона __ йил _____
2.3	Даромад олиб келувчи нотурар жойлари мавжудлиги	
2.4	Суғориладиган боғ ва деҳқон хўжалиги ерлари майдони (сотих)	
3.	Оиланинг меҳнатга лаёқатли норасмий банд аъзолари сони	__ нафар
3.1.	Оиланинг меҳнатга лаёқатли норасмий банд аъзоси банд бўлган соҳа (йўналиш) номи	
4.	Чет элда олий таълим муассасаси талабаси (ўқишнинг фақат кундузги шакли бўлганида белгиланади) сони	__ нафар
5.	Чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўташи сабабли оилада бўлмаган шахслар сони	__ нафар
6.	Ҳарбий таълим муассасасида таълим олиши сабабли оилада бўлмаган шахслар сони	__ нафар
7.	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона	__ нафар

	қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар хизматчилари ва ходимлари ҳамда пенсионерлари сони		
8.	Чет элда жазони ижро этиш муассасасида бўлганлиги муносабати билан оилада бўлмаган шахслар сони		__ нафар
9.	Оғир ҳаётий вазият юзага келганлиги бўйича асослар мавжудлиги *(тоифаларнинг бири белгиланади)*	I ва (ёки) II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ёхуд болаликдан ногиронлиги бўлган шахс бор оила	
		Боқувчисини йўқотган ёки боласини ёлғиз тарбиялаётган оила	
		Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз шахс	
		Оила аъзоси муддатли ҳарбий хизматда ёки жазони ижро этиш муассасасида бўлган оила	
		Оила аъзоси психиатрия, наркология, сил касалликлари диспансерида бўлган ёки онкология марказларида рўйхатда бўлган ёхуд гематология, иммунология, жигар, буйрак етишмовчилиги каби оғир касалликка чалинган оила аъзоси мавжуд оила	
		Ёнғин, бахтсиз ҳодиса, табиий ёки техноген фавқулодда вазиятлардан жабрланган оила	
10.	Оила аъзоларининг давлат томонидан тақдим этилган қўллаб-қувватлаш чораларига эҳтиёжининг мавжудлиги *(хизмат ва ёрдамлар ҳар бир оила аъзолари бўйича танланади)*	**Бандлик йўналишида** - Касб-ҳунарга ўқитиш; - Тадбиркорликка жалб этиш *(кредит, ссуда, субсидия ва ҳ.к);* - ишга жойлаштириш; - ...	
		Таълим йўналишида - боғчага жойлаштириш; - тўгаракка жойлаштириш; - таълим кредити ажратиш; - контракт тўловини тўлашда ёрдам бериш; - ...	

		Соғлиқни сақлаш йўналишида - Саломатлигини тиклаш - Жарроҳлик амалиёти ўтказиш - Бепул дори-дармон - ...	
		Ижтимоий йўналишда - Ногиронликни белгилаш - Болалар нафақаси, моддий ёрдам - Қараб туриш ва кундузги қатнов хизматлари - Ногиронлиги бўлган шахслар учун воситалар - ...	
		Яшаш шароитини яхшилаш йўналишида - Ипотека кредити - Уй жой таъмири - ...	

V. Илова қилинадиган ҳужжатлар (мавжуд бўлса):

а) оиланинг аъзоси ҳарбий таълим муассасасида таълим олаётганлигини, чет элда олий таълим муассасаси талабаси эканлигини, чет эл мамлакатида жазони ижро этиш жойларида эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

б) ариза тўлдирилаётган вақтда ариза берувчи ўзи ва оила аъзолари номидаги тижорат банки ҳисобварақларидаги маблағ қолдиқлари ва ариза берилган ойдан олдинги уч ой мобайнида уларнинг номига ўтказилган пул ўтказмалари юзасидан маълумотларни Марказий банк томонидан “ЯМИҲ”АТга тақдим этиш тўғрисида оилада бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзолари билан тасдиқланган ариза;

в) оиланинг Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан, маиший тусдаги офатлардан (турар жойнинг ёнғини ёки қулаши, транспорт воситасининг ёнғини) жабрланганлигини ёки ягона боқувчиси бахтсиз ҳодисага (йўл транспорт ҳодисаси, меҳнатда майиб бўлиш каби ҳолатлар) учраганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Изоҳ.

1. Оила аъзоларининг мақоми идоралараро ахборот алмашинуви орқали олинган ҳолларда, электрон маълумотлар инобатга олинади.

2. Ариза берувчи аризада кўрсатилган маълумотлар ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3. Оиланинг оғир ҳаётий вазиятга тушганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар аризага илова қилинмаган ҳолларда ариза берувчи яшайдиган маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим ушбу ҳужжатларни мустақил равишда олиши мумкин.

4. Сўровномада розилик бериладиган оферталар:

Ваколатли органни оила аъзоларимнинг таркиби (бола туғилганлиги, вафот этганлиги ёки бошқа ҳолатлар), яшаш жойим ўзгарганлиги ёки бошқа ўзгаришлар содир бўлганида ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини оламан.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилигини кафолатлайман ва жавобгарликни ўз зиммамга оламан.

Менинг ва оила аъзоларимнинг иш ҳақларини ва бошқа барча даромадларини ҳамда мулкий ва моддий ҳолатимизнинг текширилишига розилик бераман.

Уй хўжалигимизда мавжуд чорва моллари, паррандалари сони, оила аъзоларим номига расмийлаштирилмаган бироқ оиламнинг фойдаланувида бўлган автотранспорт воситалари, нотурар бинолари, қўшимча турар кўчмас мулклари ҳамда боғ ва деҳқон хўжалиги ерлари ва бошқа тақдим қилган ҳужжатларим тўғрисида маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгарликни тушунаман ва тўлиқ қабул қиламан ҳамда юқорида қайд этилган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришим ҳақида хабардорман.

Ушбу маълумотларни ҳаққонийлиги юзасидан "маҳалла еттилиги" аъзоларини хонадонимга келиб ўрганиш ўтказишига розилик билдираман.

**Қариндошлик даражаси кодланиши:*

01 – эр;

02 – хотин;

03 – фарзанд;

04 – ота/она;

05 – опа/сингил, ака/ука;

***мақом турлари кодланиши:*

06 – чет элдаги олий таълим муассасаси талабаси (ўқишнинг фақат кундузги шакли бўлганида белгиланади);

07 – муддатли ҳарбий хизматни ўташи сабабли оилада бўлмаган шахс;

08 – ҳарбий таълим муассасасида таълим олиши сабабли оилада бўлмаган шахс;

09 – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар хизматчилари ва ходимлари ҳамда пенсионерлари;

10 – чет элда жазони ижро этиш муассасаларида бўлганлиги муносабати билан оилада бўлмаган шахс.

Ижтимоий реестрни юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2а-илова

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки, тижорат банклари
ва “Кредит-ахборот таҳлилий маркази”
Кредит бюроси МЧЖга

Қуйидаги манзилда яшайдиган фуқаро

Туман (шаҳар)_____

Маҳалла _____

кўча (квартал) _____

Уй _____

хона _____

_____ томонидан
(ариза берувчининг Ф.И.О)

АРИЗА

20___ йил ҳолатига кўра, менинг ёки оила аъзоларимнинг номига очилган депозит ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар ва уларга ҳисобланган фоиз даромадлари ҳамда ариза берилган санадан олдинги уч ой мобайнида менинг ёки оила аъзоларимнинг номига олинган пул ўтказмалари тўғрисидаги ҳамда мен ва оила аъзоларимнинг кредит тарихига оид маълумотларни “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимига тақдим этишингизни сўраймиз.

Ушбу ариза билан мен ва оила аъзоларим танишиб, юқорида кўрсатилган маълумотларнинг тақдим этилишига розилик берганимизни тасдиқлаб имзо чекмоқдамиз.

Ариза берувчи _____ 20 __ й. “___” _____
(ариза берувчининг Ф.И.О)

Оила аъзоси _____ 20 __ й. “___” _____
(Ф.И.О.)

Оила аъзоси _____ 20 __ й. “___” _____
(Ф.И.О.)

Оила аъзоси _____ 20 __ й. “___” _____
(Ф.И.О.)

Оила аъзоси _____ 20 __ й. “___” _____
(Ф.И.О.)

Изоҳ. *Оила аъзосига — ота-она, турмуш ўртоғи ва ариза берувчи билан бирга яшовчи ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёш ва ундан катта ёшли фарзандлари кўрсатилади.*

Ижтимоий реестрни юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

НАМУНА

Ижтимоий реестрга киритиладиган оилаларни аниқлаш бўйича САВОЛНОМА

Т/р	Саволлар	Жавоблар
Ариза берувчиларнинг маълумотлари		
1.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	Автоматик тарзда шаклланади
2.	Фамилияси:	
3.	Исми:	
4.	Отасининг исми:	
5.	Туғилган санаси:	
6.	Паспорт (идентификация ID) серияси ва рақами:	
7.	Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8.	Телефон рақами	
Ариза берувчининг оила аъзолари маълумотлари		
9.	Оила таркиби тўғрими?	☐ Ҳа ☐ Йўқ
9-саволга “Йўқ” деган жавоб белгиланган бўлса қуйидагиларнинг бири белгиланади		☐ ФҲДЁ органида никоҳи қайд этилмаган эр (хотин); ☐ ФҲДЁ органида никоҳи бекор қилинмаган, алимент тўлаётган (тўланаётган) эр (хотин)
10.	Ариза берувчи билан бирга яшамаётган оила аъзолари борми?	☐ Ҳа ☐ Йўқ
10-саволга “Ҳа” деган жавоб танланганда қуйидагилардан бири белгиланади		☐ Ҳарбий хизматда ☐ Чет элда жазони ижро этиш муассасасида ☐ Чет элда таълим олмоқда ☐ Ҳарбий таълим муассасаси тингловчиси (курсант) ☐ Наркология диспансерида ☐ Мурувват уйида

Т/р	Саволлар	Жавоблар
		☐ Муқобил жойлаштириш шакллари қўлланилган ☐ Қидирув эълон қилинган ☐ Бедарак йўқолган (суд қарори) ☐ Вафот этган
Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг бандлиги бўйича маълумотлар		
11.	Ариза берувчи ва оила аъзоларидан бири Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Президент давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Божхона, Мудофаа саноати агентлиги ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари ёки пенсионерлари ёки Суд тизими пенсионери ҳисобланадими?	☐ Ҳа ☐ Йўқ
11-саволга “Ха” деб жавоб берилган бўлса фуқаронинг маълумотлари кўрсатилади.		Оила аъзолари орасидан танланади
12.	Ариза берувчи ва унинг меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг бандлик ҳолати	☐ Расмий банд ☐ Ишсиз ☐ Норасмий банд
12 саволга “норасмий банд” жавоби белгиланган бўлса, тегишли норасмий банд бўлган фаолият тури танланади		☐ Электрон рўйхатдан фаолият тури танланади
12 саволга “ишсиз” жавоби белгиланган бўлса, қачондан бери ишсиз		☐ Йил ☐ Ой
12 саволга “ишсиз” жавоби белгиланган бўлса, сабаби кўрсатилади		☐ Оғир касаллиги туфайли ☐ Ногирон ёки оғир касаллиги бўлган шахсга қараб туради ☐ Бошқа _____ *(сабаби кўрсатилади)*
Оила фойдаланувидаги транспорт воситаси		
13.	Оила фойдаланувида, оиланинг аъзолари (эр, хотин ва фарзандлар) номига расмийлаштирилмаган транспорт воситаси борми?	☐ Ҳа ☐ Йўқ

Т/р	Саволлар	Жавоблар
13.1.	Агар 13 саволга “Ҳа” жавоби белгиланган бўлса, транспорт воситасининг тури кўрсатилади.	☐Енгил автотранспорт воситаси ☐Юк автотранспорт воситаси
13.2.	Агар 13 саволга “Енгил автотранспорт воситаси” жавоби белгиланган бўлса, енгил автотранспорт воситалари сони кўрсатилади.	автотранспорт воситалари сони ____
13.3.	Агар 13 саволга “Енгил автотранспорт воситаси” жавоби белгиланган бўлса, енгил автотранспорт воситаси давлат рақами белгиси кўрсатилади.	1-автотранспорт воситасининг рақами _____ 2-автотранспорт воситасининг рақами _____ …
13.4.	Агар 13 саволга “Юк автотранспорт воситаси” жавоби белгиланган бўлса, юк автотранспорт воситалари сони кўрсатилади.	Юк автотранспорт воситаси сони ___
13.5.	Агар 13 саволга “Юк автотранспорт воситаси” жавоби белгиланган бўлса, юк автотранспорт воситаси давлат рақами белгиси кўрсатилади.	1-юк автотранспорт воситасининг рақами _____ 2-юк автотранспорт воситасининг рақами _____
Ерга эгаликнинг мавжудлиги		
14.	Оила фойдаланувида оиланинг аъзолари (эр, хотин ва фарзандлар) номига расмийлаштирилмаган суғориладиган боғ ва деҳқон хўжалиги ерлари борми?	☐Ҳа ☐Йўқ
14.1.	Агар 14 саволга “Ҳа” жавоби белгиланган бўлса, суғориладиган боғ ёки деҳқон хўжалиги ер майдони (*сотихда*) кўрсатилади.	____ сотих
15.	Оилада чорва моллари ва паррандалар мавжудми?	☐Ҳа ☐Йўқ
15.1.	Агар 15 саволга “Ҳа” жавоби белгиланган бўлса, қуйидаги чорва моллари ва паррандалар сони кўрсатилади.	☐Буқа ва сигирлар сони ___ дона ☐Ёш қорамоллар сони ___ дона ☐От ва туялар сони ___ дона ☐Катта ёшдаги чўчқалар сони __ дона ☐Қўйлар сони ___ дона

Т/р	Саволлар	Жавоблар
		☐ Эчкилар сони ___ дона ☐ Катта ёшдаги паррандалар сони__дона ☐ Ёш паррандалар сони __ дона
Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг бошқа даромадлари		
16.	Даромад олиб келувчи нотурар жойлари сони кўрсатилади	_____ дона

“_____” маҳалласи

“Маҳалла еттилиги” аъзолари:

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси: _____ *(Ф.И.О.)* QR-код

Ижтимоий ходим: _____ *(Ф.И.О.)* QR-код

Ҳоким ёрдамчиси: _____ *(Ф.И.О.)* QR-код

Хотин-қизлар фаоли: _____ *(Ф.И.О.)* QR-код

Ёшлар етакчиси: _____ *(Ф.И.О.)* QR-код

Тасдиқланган сана: _ _____ 20___ йил

Ижтимоий реестрни юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

НАМУНА

ДАЛОЛАТНОМА

_____ кун/ой/йил
туман (шаҳар)

_____ туман (шаҳар) _____ МФЙ “маҳалла еттилиги” аъзолари томонидан _____ кўчаси __ уйда яшовчи _____ нинг мурожаатига асосан,
(Ф.И.О.)

“Ижтимоий реестр”га киритиладиган оилаларни аниқлаш бўйича саволномани ўтказиш мақсадида яшаш манзилига чиқилди ва фуқаро _____ сабабли саволномани ўтказишни имконияти бўлмади.

“Ижтимоий реестр”га киритиладиган оилаларни аниқлаш бўйича саволномани ўтказиш учун борилган сана _____.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси: _____ QR-код
(Ф.И.О.)

Ижтимоий ходим: _____ QR-код
(Ф.И.О.)

Ҳоким ёрдамчиси: _____ QR-код
(Ф.И.О.)

Хотин-қизлар фаоли: _____ QR-код
(Ф.И.О.)

Ёшлар етакчиси: _____ QR-код
(Ф.И.О.)

Тасдиқланган сана: _ _____ 20__ йил

Ижтимоий реестрни юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-илова

НАМУНА

Оилани ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича
ХУЛОСА

_____ кун/ой/йил
ҳудуд номи

_____ туман (шаҳар) _____ маҳалласидаги “маҳалла еттилиги” томонидан _____ кўчаси ____ уйда яшовчи фуқаро _____ оиласининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати
(Ф.И.Ш.)

Т/р	Кўрсаткичлар	Миқдори
1.	Меҳнатга лаёқатли норасмий банд аъзолари сони	
1.1	Оиланинг норасмий банд аъзосини норасмий банд бўлган соҳа (йўналиш) номи	
1.2	Оиланинг норасмий банд аъзосини норасмий банд бўлган соҳа (йўналиш) номи	
2.	Меҳнатга лаёқатли ишсиз оила аъзолари сони	
2.1	Оиланинг ишсиз аъзолари сони	
3.	Оиланинг хулоса тузилган кунда мавжуд чорва моллари ва паррандалари сони:	
3.1	Буқа ва сигирлар	
3.2	Ёш қорамоллар	
3.3	От ва туялар	
3.4	Катта ёшдаги чўчқалар	
3.5	Қўйлар	
3.6	Эчкилар	
3.7	Катта ёшдаги паррандалар	
3.8	Ёш паррандалар	
4.	Ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номига расмийлаштирилмаган бироқ оиланинг фойдаланувида бўлган:	
4.1	Юк автотранспорт воситалари сони	
4.1.1.	Ишлаб чиқарилган йили	
4.1.2.	Давлат рақами белгиси	
4.2	Енгил автотранспорт воситалари сони	

4.2.1.	Ишлаб чиқарилган йили	
4.2.2.	Давлат рақами белгиси	
4.3	Даромад олиб келувчи нотурар жойлари сони	
4.4	Суғориладиган боғ ва деҳқон хўжалиги ерлари майдони (сотих)	
5.	Доимий бирга яшовчи турмуш ўртоғи (ФҲДЁ органларида никоҳи қайд этилмаган, шу жумладан алимент тўлаётган, никоҳи бекор қилинмаган) борлиги	
6.	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари ёки пенсионерлари бўлган оила аъзоси борлиги	
7.	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомга асосан пенсиялар билан таъминланган оила аъзоси борлиги	
8.	Оила аъзоси чет элдаги олий таълим муассасаси талабаси эканлиги	
9.	Оила аъзоси чақириқ бўйича ҳарбий хизматдалиги	
10.	Оила аъзоси ҳарбий таълим муассасаси тингловчиси эканлиги	
11.	Оила аъзоси жазони ижро этиш муассасасида	
12.	Оила аъзоси чет элда жазони ижро этиш муассасасида эканлиги	
13.	Оила аъзоси чет элда меҳнат мигранти эканлиги	

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси: _____ (Ф.И.О.) QR-код

Ижтимоий ходим: _____ (Ф.И.О.) QR-код

Ҳоким ёрдамчиси: _____ (Ф.И.О.) QR-код

Хотин-қизлар фаоли: _____ (Ф.И.О.) QR-код

Ёшлар етакчиси: _____ (Ф.И.О.) QR-код

Изоҳ. *Тасдиқланган маълумотларни тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгарлик хулосани тасдиқлаган шахсларга юклатилади.*

Ижтимоий реестрни юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-илова

Ривожланган мамлакатлар
РЎЙХАТИ*

1. Америка Қўшма Штатлари
2. Австралия Иттифоқи
3. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги
4. Германия Федератив Республикаси
5. Дания Қироллиги
6. Испания Қироллиги
7. Исроил Давлати
8. Италия Республикаси
9. Канада
10. Корея Республикаси
11. Норвегия Қироллиги
12. Сингапур Республикаси
13. Швейцария Конфедерацияси
14. Швеция Қироллиги
15. Франция Республикаси
16. Финляндия Республикаси
17. Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди
18. Янги Зеландия
19. Япония

**Мазкур рўйхатга Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ижтимоий реестрни юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
7-илова

НАМУНА

Оилани оғир ҳаётий вазиятга тушган оила деб топиш тўғрисида
ТАВСИЯНОМА

“__” _____ 202__ йил _____-сон

_____ кўчаси, ___ уй, ___ хонадонда яшовчи фуқаро _____ ва оиласининг оғир ҳаётий вазиятга тушган оила деб топилди.

Оилани оғир ҳаётий вазиятга тушган деб топишга асос бўлган омиллар:

_____
_____
_____
_____

Шунга кўра оилани оғир ҳаётий вазиятга тушган оила деб топишни лозим деб ҳисоблайди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси: _____ *(Ф.И.О.)* QR-код

Ижтимоий ходим: _____ *(Ф.И.О.)* QR-код

Ҳоким ёрдамчиси: _____ *(Ф.И.О.)* QR-код

Хотин-қизлар фаоли: _____ *(Ф.И.О.)* QR-код

Ёшлар етакчиси: _____ *(Ф.И.О.)* QR-код

Ижтимоий реестрни юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
8-илова

НАМУНА

Ягона интерактив давлат хизматлари портали логотипининг тасвири	Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири	Давлат органининг номи

№ _____
Ҳужжат яратилган сана: _____
кун/ой/йил
Ариза рақами: _____

Кимга берилган: _____
Ф.И.О.
Олувчининг ЖШШИР: _____

Шахс Ижтимоий реестрга киритилган оиланинг аъзоси экани ҳақида
МАЪЛУМОТНОМА

Фуқаро _____ нинг оиласи ҳақиқатда Ижтимоий реестрда _____ тоифадаги оила сифатида _____да
(давлат таъминотидаги оила, камбағал оила ёки камбағаллик чегарасидаги оила) *(кун, ой, йил)*
рўйхатга олинган.

Ижтимоий реестрда аввал белгиланган тоифаси _____
(давлат таъминотидаги оила ёки камбағал оила)

Ижтимоий реестрга киритилган оиланинг таркиби:

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган санаси (кун/ой/йил)	Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами	Оила аъзосининг мақоми (ариза берувчига нисбатан)
1.				
2.				
3.				

Фуқаро аризаси рақами: _____.

Фуқаронинг яшаш манзили: _____ вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар), _____ туман (шаҳар), _____ (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи).

Ушбу ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади.

Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун edoc.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни (матрик штрихли кодни) сканер қилинг.

Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

Текширувчи

Ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи QR-код

Ижтимоий реестрни юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
9-илова

Ижтимоий реестрдан чиқариш бўйича АРИЗА

I. Мурожаат қилувчи тўғрисида маълумотлар	
1.Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
2. Фамилияси:	Автоматик тарзда шаклланади
3. Исми:	
4. Отасининг исми:	
5. Туғилган санаси:	
6. Паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами:	
7. Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8. Телефон рақами:	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	
II. Мурожаат қонуний вакил томонидан берилганида тўлдирилади	
1.Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
2. Фамилияси:	Автоматик тарзда шаклланади
3. Исми:	
4. Отасининг исми:	
5. Туғилган санаси:	
6. Паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами:	
7. Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8. Телефон рақами:	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “29” январдаги 35-сон қарорига
2-илова

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга индивидуал режа ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ижтимоий реестрга (кейинги ўринларда – Реестр) киритилган оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва фаровонлигини таъминлаш бўйича индивидуал режаларни ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари;

индивидуал режа – ижтимоий ходим ва ҳоким ёрдамчиси томонидан Реестрга киритилган оилаларни фаровонлигини таъминлаш мақсадида уларга тақдим этиладиган давлат қўллаб-қувватлаш чораларини (кейинги ўринларда – хизматлар) қамраб олувчи режа;

“Индивидуал режа” ахборот модули (кейинги ўринларда – ахборот модули) – индивидуал режани ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва унинг ижросини таъминлашга доир тартиб-таомиллар амалга ошириладиган ва маълумотлар сақланадиган “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимининг (кейинги ўринларда – “ЯМИҲ” АТ) таркибий қисми;

“Онлайн маҳалла” электрон платформаси – ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш учун давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган “Онлайн маҳалла” электрон интеграциялашган ахборот тизими.

3. Индивидуал режани ишлаб чиқиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида оила “Ижтимоий реестр”га киритилган кундан бошлаб **ўн иш куни** ичида амалга оширилади.

4. Индивидуал режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун йиғим ундирилмайди.

2-боб. Индивидуал режани ишлаб чиқиш ҳамда унинг ижросини ўрганиш тартиби

5. Оила Реестрга киритилгандан сўнг уч иш куни ичида оила яшайдиган маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиси томонидан “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали, ижтимоий ходим томонидан ахборот модули орқали мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда индивидуал режа ишлаб чиқилади.

6. Индивидуал режани ишлаб чиқиш учун ижтимоий ходимнинг ахборот модулидаги шахсий кабинетига ва ҳоким ёрдамчисининг

6. Индивидуал режани ишлаб чиқиш учун ижтимоий ходимнинг ахборот модулидаги шахсий кабинетига ва ҳоким ёрдамчисининг “Онлайн маҳалла” электрон платформасидаги шахсий кабинетига оила тўғрисидаги маълумотлар юборилади.

7. Индивидуал режа оиланинг имкониятлари, кўникмалари, қизиқишлари, фикри, яшаш шароити ҳамда Реестрга киритиш тўғрисидаги аризасида кўрсатилган хизматларга бўлган эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилади.

8. Индивидуал режага:

ҳоким ёрдамчиси томонидан – даромадли меҳнат фаолияти билан банд қилиш ва тадбиркорликка жалб қилиш, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда касб-ҳунар ўрганиш йўналишидаги;

ижтимоий ходим томонидан – таълим олиш, кафолатланган давлат тиббий хизмати ва ижтимоий хизматдан фойдаланиш ҳамда яшаш шароитларини яхшилаш йўналишларидаги хизматлар киритилади.

9. Индивидуал режада оилага тақдим этиладиган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган хизматлар, уларни тақдим этиш тартиби, муддати ва уларга масъул давлат органи кўрсатилади.

10. Индивидуал режада хизматлар шакллантирилгандан сўнг у оиланинг муомалага лаёқатли аъзосига таништирилади.

Оилани Реестрга киритиш тўғрисидаги аризада ёки индивидуал режада назарда тутилмаган, бироқ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар оила аъзосининг сўровига мувофиқ режага киритилиши мумкин.

Оила аъзоси томонидан сўралган, бироқ индивидуал режага киритиш рад этилган хизматлар тўғрисидаги маълумот ахборот модулида изоҳ сифатида қайд этилади.

11. Индивидуал режага хизматлар киритилган кунда уни тасдиқлаш учун “маҳалла еттилиги”га ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим томонидан юборилади. Бунда ҳоким ёрдамчиси ёки ижтимоий ходим мазкур Низомнинг 5-бандида белгиланган муддат ичида индивидуал режага кўрсатиладиган хизматларни белгиламаган тақдирда ҳам, ҳоким ёрдамчиси ёхуд ижтимоий ходим томонидан ишлаб чиқилган индивидуал режа автоматик тарзда “маҳалла еттилиги”га юборилади.

12. “Маҳалла еттилиги” томонидан индивидуал режа икки иш кунида кўриб чиқилиб, оддий кўпчиликнинг овозига асосан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

индивидуал режани тасдиқлаш тўғрисида;

индивидуал режани ҳоким ёрдамчиси ва/ёки ижтимоий ходимга қайта кўриб чиқиш учун қайтариш тўғрисида.

Бунда индивидуал режани тасдиқлашда ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим мажбурий тарзда иштирок этади, бундан ходим меҳнат таътилида, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз, лавозими вакант ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатлар мустасно.

13. Индивидуал режага оиланинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган давлат қўллаб-қувватлаш чоралари тўлиқ киритилмаган тақдирда "маҳалла еттилиги" томонидан ҳоким ёрдамчиси ёки ижтимоий ходимга қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади. Бунда:

индивидуал режани ҳоким ёрдамчиси ёки ижтимоий ходимга икки маротабадан кўп қайтаришга йўл қўйилмайди;

ҳоким ёрдамчиси ёки ижтимоий ходим икки иш куни ичида индивидуал режани Реестрга киритилган оиланинг муомалага лаёқатли аъзолари билан кўриб чиқиб, қайта шакллантиради ва тасдиқлаш учун "маҳалла еттилиги"га юборади.

14. Қайта кўриб чиқилган индивидуал режа мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган тартибда тасдиқланади.

15. Оила аъзоси индивидуал режага янги хизмат киритиш тўғрисида ёки киритилган хизматдан фойдаланишни рад этиш тўғрисида индивидуал режани юритишнинг ҳар қандай босқичида мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги ариза орқали ижтимоий ходим ёки ваколатли органга мурожаат қилиши мумкин. Бунда мурожаат қилиш давлат хизматлари маркази ёки ваколатли органга борган ҳолда ёхуд "ЯМИҲ" АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мустақил равишда амалга оширилади.

16. Мурожаат келиб тушганидан сўнг тегишли хизматни кўрсатиш тўхтатилади ёки индивидуал режага мазкур Низомга мувофиқ умумий тартибда ўзгартириш киритилади ва бу ҳақида ариза берувчининг мобил алоқа воситасига СМС-хабар юборилади.

17. "ЯМИҲ" АТ индивидуал режада белгиланган хизматларни уларнинг ижросини таъминлаш учун вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимига автоматик тарзда юборади. Бунда рақамлаштирилмаган хизматлар тегишли вазирлик ва идора томонидан "ЯМИҲ" АТда уларга очилган шахсий кабинет орқали тақдим этилади.

18. Вазирлик ва идоралар индивидуал режада белгиланган хизматлар ижросини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлайди ва бу ҳақида "ЯМИҲ" АТга маълумот юборади.

19. Индивидуал режаларнинг ижроси ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим томонидан ҳар уч ойда камида бир марта қуйидагилар ўрганиб борилади:

индивидуал режада кўрсатилган ижтимоий хизмат ва ёрдамларни белгиланган муддатларда кўрсатилаётганлиги;

оила ёхуд унинг аъзосига қўшимча хизмат белгилаш ёки илгари белгиланган хизматни ўзгартириш зарурати мавжудлиги.

20. Оила аъзолари таркибида, ижтимоий-иқтисодий ҳолатида ва бошқа ўзгаришлар аниқланган тақдирда индивидуал режаларга мазкур Низомда белгиланган умумий тартибда ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилади.

21. Қуйидаги ҳолларда индивидуал режада белгиланган хизматларни кўрсатиш ахборот модулида автоматик равишда тўхтатилади:

оила хизматлардан фойдаланишни рад этганда;

оила Реестрдан чиқарилганда.

3-боб. Якунловчи қоидалар

22. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан ариза берувчи тўғрисида электрон шаклда автоматлаштирилган тарзда олинган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳимояланади.

"ЯМИҲ" АТда ишлашга рухсат берилган ташкилот ва идоралар ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган шахсга доир маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

23. Мазкур Низомда белгиланган талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

24. Вазирлик ва идоралар ҳисобот ойидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар оиланинг индивидуал режасида кўрсатилган хизматлар ижроси ҳақидаги маълумотларни "Рақамли ҳукумат" тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали "ЯМИҲ" АТга юборади. Бунда рақамлаштирилмаган хизматлар тўғрисидаги маълумотлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) ёзма шаклда тақдим этиб борилади.

25. "Маҳалла еттилиги" аъзосининг тегишли маҳалладаги Реестрга киритилган оилаларнинг ярмидан кўпи учун индивидуал режаларни тасдиқлашда иштирок этмаганлиги унга интизомий чора қўллаш учун асос ҳисобланади. Бунда мазкур ҳолат аниқланганда қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш ва тегишли чора кўриш бўйича "маҳалла еттилиги" аъзосининг иш берувчисига Ижтимоий инспекция томонидан тақдимнома киритилиши мумкин.

26. Қуйидагилар учун:

индивидуал режани ўз вақтида ишлаб чиқиш ва оила учун зарур хизматларни унга киритиш бўйича – ижтимоий ходим ва ҳоким ёрдамчисига;

индивидуал режани мазкур Низом талабларига асосан ўз вақтида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича – "маҳалла еттилиги"га;

ахборот модули ва "ЯМИҲ" АТни қонунчилик ва техник ҳужжатлари талабларига мувофиқ тўғри ишлашини таъминлаш, ахборот модулини такомиллаштириб бориш, ахборот модули фойдаланувчиларига логин ва пароль очиш (ёпиш), вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан

маълумот алмашишини таъминлаш ва йўлга қўйиш бўйича – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги “Ахборот технологиялар маркази” давлат муассасаси масъулларига;

индивидуал режаси ижросини ўз вақтида таъминлаш ва улар тўғрисида маълумотларни тақдим этиш бўйича – манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарларига шахсий жавобгарлик юкланади.

27. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёнида техник носозликлар ва узилишлар юзага келган ёки электрон маълумотларни тўлиқ олинмаган ҳолларда, Агентликка алоҳида ахборот тизимларидаги маълумот алмашинувини тегишли тизимлар тўлақонли қайта ишга тушгунга қадар вақтинчалик тўхтатиш алгоритмига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

28. Мазкур Низомда белгиланган талабларга риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Агентликнинг ички аудит хизмати ҳамда Ижтимоий инспекция томонидан назорат қилиб борилади.

29. Оиланинг муомалага лаёқатли аъзолари индивидуал режани юритиш, унинг ижросини таъминлаш юзасидан хизматларни кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ижтимоий реестрга киритилган
оилаларга индивидуал режа ишлаб чиқиш
ва унинг ижросини таъминлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Индивидуал режани ишлаб чиқиш бўйича СХЕМА

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим	1. Оила Ижтимоий реестрга (кейинги ўринларда – Реестр) кирганидан сўнг индивидуал режани ишлаб чиқади. 2. Индивидуал режани тасдиқлаш учун “маҳалла еттилиги”га киритади.	Уч иш куни ичида
2-босқич	“Маҳалла еттилиги”	1. Индивидуал режани кўриб чиқиб қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади: индивидуал режани тасдиқлаш тўғрисида; индивидуал режани ижтимоий қайта кўриб чиқиш тўғрисида. 2. Индивидуал режани қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинганида, индивидуал режа ҳоким ёрдамчиси ёки ижтимоий ходимга қайта ишлаш учун юборади.	Икки иш куни ичида
3-босқич	Ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим	Қайта кўриб чиқиш учун юборилган индивидуал режани оила билан қайта кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун “маҳалла еттилиги”га киритади.	Икки иш куни ичида
4-босқич	“Маҳалла еттилиги”	Индивидуал режани кўриб чиқиб, тасдиқлайди.	Икки иш куни ичида
5-босқич	Ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим	1. Индивидуал режага киритилган хизматларнинг тақдим этилишини ўрганиб боради. 2. Оила аъзолари таркибида, ижтимоий-иқтисодий ҳолатида ва бошқа ўзгаришлар аниқланган тақдирда индивидуал режаларга мазкур Низомда белгиланган умумий тартибда ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилади.	1. Ҳар уч ойда камида бир маротаба 2. Уч иш куни ичида
6-босқич	“Маҳалла еттилиги”	Индивидуал режани кўриб чиқиб, уни тасдиқлайди.	Икки иш куни ичида

Ижтимоий реестрга киритилган
оилаларга индивидуал режа ишлаб
чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва фаровонлигини таъминлаш бўйича
ИНДИВИДУАЛ РЕЖА

Ўзбекистон Республикаси _____
вилояти, _____ туман (шаҳар),
_____ МФЙ (ҚФЙ, ОФЙ)
“Маҳалла еттилиги”нинг

__-сон индивидуал режани тасдиқлаш тўғрисидаги қарори

Оиланинг яшаш манзили: Ўзбекистон Республикаси _____ вилояти, _____ туман (шаҳар), _____ МФЙ (ҚФЙ, ОФЙ) _____ кўчаси, ___ -уй, ___ хона

Т/р	Оила аъзолари (Ф.И.О)	Қариндошлик даражаси	Туғилган санаси
1.			
2.			
3.			
4.			

Т/р	Йўналиш	Хизмат коди	Хизмат	Хизмат олувчи	Хизматни бажаришга масъул бўлган вазирлик ёки идора	Хизматни кўрсатиш муддати
Ҳоким ёрдамчиси						
1.						
2.						

Ижтимоий ходим						
3.						
4.						

Жами хизматлар сони: __

_____ МФЙ (ҚФЙ, ОФЙ) раиси: _____ (Ф.И.О)

_____ МФЙ (ҚФЙ, ОФЙ) ижтимоий ходими: _____ (Ф.И.О)

_____ МФЙ (ҚФЙ, ОФЙ) ҳоким ёрдамчиси: _____ (Ф.И.О)

_____ МФЙ (ҚФЙ, ОФЙ) ёшлар етакчиси: _____ (Ф.И.О)

_____ МФЙ (ҚФЙ, ОФЙ) хотин-қизлар фаоли: _____ (Ф.И.О)

_____ МФЙ (ҚФЙ, ОФЙ) солиқ инспектори: _____ (Ф.И.О)

_____ МФЙ (ҚФЙ, ОФЙ) профилактика инспектори: _____ (Ф.И.О)

Тасдиқланган сана: 202_ йил _ _____

Ижтимоий реестрга киритилган
оилаларга индивидуал режа ишлаб чиқиш
ва унинг ижросини таъминлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

НАМУНА

Индивидуал режага янги хизмат киритиш ёки киритилган хизматдан фойдаланишни рад этиш тўғрисида
АРИЗА

I. Мурожаат қилувчи тўғрисида маълумотлар	
1. Фамилияси:	
2. Исми:	
3. Отасининг исми:	
4. Туғилган санаси:	
5. Паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами:	
6. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами:	
7. Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8. Телефон рақами:	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	
II. Мурожаат қонуний вакили томонидан берилганида тўлдирилади	
1. Фамилияси:	
2. Исми:	
3. Отасининг исми:	
4. Туғилган санаси:	
5. Паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами:	
6. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами:	
7. Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8. Телефон рақами:	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “29” январдаги 35-сон қарорига
3-илова

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ижтимоий реестрга (кейинги ўринларда – Реестр) киритилган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш ва уларни тўлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашни сўраб мурожаат қилган оиланинг муомалага лаёқатли аъзоси (18 ёшга тўлган, 18 ёшга тўлмасдан фарзандли бўлган ёки ўз оиласига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс);

ваколатли орган – “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Ягона реестр” АТ) – идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда Реестрга киритилган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ тартиб-таомиллар амалга ошириладиган ахборот тизими;

“давлат таъминотидаги оила” – оила аъзолари меҳнатга лаёқатсиз ёки меҳнат қилиш имконияти чекланган ва уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларидан кам бўлганлиги сабабли Реестрга киритилган оила;

“камбағал оила” – оила аъзолари меҳнатга лаёқатли ёки меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган ва уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларидан кам бўлганлиги сабабли Реестрга киритилган оила;

“камбағаллик чегарасидаги оила” – оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларининг бир бараваридан бир ярим бараваригача бўлган “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифаларидан чиқарилган ҳамда оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида Реестрга киритилган оила;

молиявий агент – болалар нафақаси ва моддий ёрдамларни уларни олувчиларнинг ижтимоий карталарига ўтказишга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банки.

3. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Аризани кўриб чиқиш ҳамда болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш учун йиғим ундирилмайди.

5. Болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш тартиби

6. Ариза берувчи болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлашни сўраб ваколатли органга қуйидаги шаклларда мурожаат қилади:

бевосита давлат хизматлари маркази ёки ваколатли органга борган ҳолда ёки оила яшайдиган маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим орқали;

“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “ЯМИҲ” АТ), Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали мустақил равишда.

Бунда ҳар бир оила томонидан болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун мурожаат қилиш бир ойда бир марта амалга оширилади.

7. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш ҳақидаги мурожаат:

а) давлат хизматлари маркази орқали берилганда, марказ ходими ариза берувчининг номидан бевосита унинг розилиги билан мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги аризани тўлдиради;

б) ваколатли орган ёки маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим орқали берилганда, ваколатли органнинг масъул ходими ёки маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим “ЯМИҲ” АТда ариза берувчининг номидан бевосита унинг розилиги билан мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги аризани тўлдиради;

в) “ЯМИҲ” АТ, ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали берилганда, ариза берувчи мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги аризани мустақил равишда тўлдиради.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш ҳақидаги мурожаат мазкур бандниг “а” ва “б” кичик бандларида белгиланган шаклларда тақдим этилганда ариза берувчининг шахси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужжатларнинг унификацияланган рақамли сервислари орқали, агар мазкур рақамли сервислар орқали тасдиқлаш имкони бўлмаса, бевосита ариза берувчидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини (ID-карта, паспорт, яшаш гувоҳномаси) талаб қилиш орқали тасдиқланади.

Мазкур бандга мувофиқ тўлдирилган аризалар ариза берувчи томонидан имзони идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (дактилоскопия, электрон рақамли имзо, Mobile-ID ва бошқалар) тасдиқланади. Бунда ариза берувчи томонидан аризанинг тасдиқланиши унга тегишли шахсга доир маълумотларни олиш ва ишлов беришга розиликни билдиради.

8. Аризани тўлдириш жараёнида ариза берувчининг оиласи Реестрга киритилганлиги “ЯМИҲ” АТ орқали автоматик равишда текширилади. Бунда:

ариза берувчининг оиласи Реестрга киритилган бўлса, ариза тўлдирилади ва тасдиқланади;

ариза берувчининг оиласи Реестрга киритилмаган бўлса, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза Ижтимоий реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ оилани Реестрга киритиш тўғрисидаги ариза билан биргаликда тўлдирилади ва тасдиқланади.

9. Тасдиқланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш, уларни тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ тартиб-таомиллар “Ягона реестр” АТ орқали автоматик тарзда амалга оширилади. Бунда оиланинг таркиби, ўртача ойлик даромади, Реестрдаги ҳолати, бандлиги ҳамда болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун мазкур Низомга мувофиқ талаб этиладиган бошқа маълумотлар “ЯМИҲ” АТ ва “Ягона реестр” АТдаги идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинуви доирасидаги маълумотлар рўйхатида белгиланган вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари орқали олинади.

10. Ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилган аризалар мурожаат қилинган ойда, 16-санада ва ундан кейин тақдим этилган мурожаатлар кейинги ойда кўриб чиқилади.

Реестрга киритилмаган оила аъзоси томонидан ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилган аризалар бўйича оила кейинги ойда Реестрга киритилган тақдирда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги мурожаат ҳам кейинги ойда кўриб чиқилади.

11. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам уни тайинлашни рад этиш учун асослар аниқланмаганда ариза кўриб чиқилган ойдан кейинги ойдан “Ягона реестр” АТда автоматик тарзда тайинланади ва тўланади.

12. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш қуйидаги ҳолларда “Ягона реестр” АТда автоматик тарзда рад этилади:

мазкур Низомнинг 8-банди учинчи хатбошисига мувофиқ тўлдирилган ариза бўйича оилани Реестрга киритиш рад этилганда ёки ариза кўриб чиқилмаганда;

ариза тақдим этилган санада оила Реестрда “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилганига (киритилганига) олти ой тўлган бўлса;

болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови мазкур Низомнинг 26-банди “б” кичик банди талабларига асосан тўхтатилган оиланинг аъзоси олти ой ичида қайта мурожаат қилганда, агар мазкур талаблар бажарилмаган бўлса.

13. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” тоифасидаги оилаларга улар мазкур тоифадан чиққунига қадар, “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасидаги оилаларга улар мазкур тоифага ўтказилган (киритилган) ойдан кейинги олти ой муддат учун тайинланади. Бунда:

энг кичик ёки ягона боласи ўн саккиз ёшга тўлмаган оилага болалар сонидан келиб чиқиб болалар нафақаси тайинланади ва энг кичик (ягона) бола ўн саккиз ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади;

бола (болалар)сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта бўлган оилаларга ва якка-ёлғиз фуқароларга моддий ёрдам тайинланади ва тўланади;

моддий ёрдам олаётган оилада фарзанд туғилганда (шу жумладан, бола васийликка (ҳомийликка) олинганда) кейинги ойдан бошлаб болалар нафақаси тўланади;

болалар нафақаси олаётган оилада моддий ёрдам тўлаш учун асос вужудга келганда кейинги ойдан бошлаб моддий ёрдам тўланади;

бир оилага ҳам болалар нафақаси, ҳам моддий ёрдам бир вақтнинг ўзида тўланишига йўл қўйилмайди;

агар бир оилада туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган болалар эгизак бўлса, уларнинг бири ёши 3 ёшгача бўлган кичик бола, кейингилари мос равишда иккинчи, учинчи ёки тўртинчи ҳисобланади;

оила “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан чиқарилган ҳолда “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилганда аввал тайинланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам қўшимча мурожаат талаб этмаган ҳолда узлуксиз тўлаб борилади.

14. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам миқдори қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Бунда:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан чиқарилган ҳолда “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилага болалар нафақаси ёки моддий ёрдам қўшимча ариза талаб этмаган ҳолда, оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларининг:

1 бараваридан – 1,25 бараваригача бўлганда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам миқдорининг 75 фоизи миқдорида;

1,25 бараваридан – 1,5 бараваригача бўлганда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам миқдорининг 50 фоизи миқдорида тайинланади ва тўланади.

15. Ариза берувчи болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш бўйича давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда унинг аризаси кўриб чиқилмайди.

16. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланганлиги ёки тайинлаш рад этилганлиги тўғрисида хабар ариза берувчининг аризасида кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабар юборилади.

3-боб. Болалар нафақаси ва моддий ёрдамни молиялаштириш ва тўлаш тартиби

17. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида харажатларнинг тегишли иқтисодий таснифлагичи бўйича акс эттирилган ҳолда тўланади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамнинг ҳар бир тури бўйича молиявий агентда алоҳида банк ҳисобварақлари очилади.

Молиявий агент ҳар ойнинг охирги кунига қадар жорий ой учун, шунингдек, йил бошидан амалга оширилган тўловлар ҳамда тўланмаган маблағлар бюджетга қайтарилиши ҳақида электрон маълумотларни болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчилар бўйича "Ягона реестр" АТга тақдим этади.

18. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ ариза кўриб чиқилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан тўланади.

19. Кейинги ой учун болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тўлаш бўйича электрон тўлов рўйхат (ведомост)лари ҳар ойнинг 4-санасидан 25-санасига қадар "Ягона реестр" АТ орқали молиявий агентга тақдим этилади. Бунда мазкур муддатнинг охирги куни байрам ва дам олиш кунларига тўғри келса, электрон тўлов рўйхат (ведомост)лари кейинги икки иш куни мобайнида молиявий агентга тақдим этилади.

20. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови учун маблағларни Ягона ғазначилик ҳисобварағидан тўлов рўйхат (ведомост)лари бўйича тайинланган суммалар доирасида республика бюджет даромади тушумидан келиб чиқиб, бироқ бюджетда ушбу мақсад учун назарда тутилганидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлаш ойнинг 4-санасидан бошлаб, бироқ тўлов амалга ошириладиган ойнинг 25-санасидан кечикмай молиявий агентнинг махсус ҳисобварағига алоҳида тўлов топшириқномалари билан ўтказади.

Маблағлар Ягона ғазначилик ҳисобварағидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

21. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам молиявий агент томонидан ариза берувчининг банк картасига ёки ижтимоий картасига пул маблағларини ўтказиш йўли билан тўланади.

22. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови ойнинг 4-санасидан 27-санасига қадар амалга оширилади.

23. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам, биринчи навбатда, давлат таъминотидаги оилаларга тўланади.

Республика бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб, Реестрга киритилган оилага болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлаш имконияти бўлмаган тақдирда, унга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлаш масаласи автоматик равишда кейинги ойда қайта кўриб чиқиш учун ўтказилади. Бунда кейинги ойда оила Реестрдан чиқарилганда ёки "камбағаллик чегарасидаги оила" тоифасига ўтказилганига олти ой тўлганда, мазкур оилага фақат олдинги ойлар учун тўланмай қолган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлаб берилади.

24. Тайинланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам қуйидаги ҳолларда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда тақдим этилган маълумотларга асосан автоматик равишда қайта ҳисобланади:

а) оилада болалар сони ўзгарган тақдирда (бола туғилганда (васийликка ёки ҳомийликка олинганда), 18 ёшгача болалардан бири вафот этганда, бола (болалар) 3 ёшга ва 18 ёшга тўлганда ва шу кабилар) кейинги ойдан бошлаб оиладаги болаларнинг сонига мутаносиб миқдорда тўланади;

б) оиланинг ҳар бир аъзосига нисбатан ўртача ойлик даромади миқдори ўзгарганда, оила давлат таъминотидан, камбағалликдан ёхуд Реестрдан чиқарилганда кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган миқдорларда тўланади ёки болалар нафақаси ёхуд моддий ёрдам тўлаш тўхтатилади.

4-боб. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлашни тўхтатиш тартиби

25. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган оила тўғрисидаги мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган маълумотлар вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари орқали "Ягона реестр" АТга доимий равишда реал вақт режимида тақдим этиб борилади.

26. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тўлаш қуйидаги ҳолларда мазкур ҳолатлар аниқланган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўхтатилади:

а) оила Реестрдан чиқарилганда ёки "камбағаллик чегарасидаги оила" тоифасига ўтказилганига (киритилганига) олти ой тўлганда;

б) болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган Реестрнинг "камбағал оила" тоифасидаги оиланинг расмий банд бўлмаган аъзоси болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган ойдан бошлаб олти ой давомида ишга жойлашмаса, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатига кирмаса ёки меҳнат органларининг мақбул келадиган ишга доир таклифларини мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) рад қилган бўлса, бундан мазкур Низомнинг 27-бандида белгиланган ҳолатлар мустасно. Бунда:

болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган оила "давлат таъминотидаги оила" тоифасидан "камбағал оила" тоифасига ўтганда олти ойлик муддат оиланинг Реестрдаги тоифаси ўзгарган санадан бошлаб ҳисобланади;

олти ойлик муддатга оиланинг тоифаси ўзгаришидан қатъий назар “камбағал оила” тоифасида бўлган барча даврдаги банд бўлмаган муддатлар киритилади, бундан тўлов мазкур кичик бандга асосан тўхтатилгандан олдинги даврлар мустасно;

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс айланмадан олинадиган солиқни уч ой давомида тўламаган бўлса расмий банд шахс сифатида ҳисобга олинмайди;

охирги уч ой учун ҳисоблаб чиқилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлган шахс расмий банд шахс сифатида ҳисобга олинмайди;

ўзини ўзи банд қилган фуқаролар Солиқ қўмитасининг “Ягона реестр” АТ томонидан электрон сўров юборилган кунда ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан меҳнат стажи ҳисобланиши учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган (тўлиқ) миқдорда ижтимоий солиқ тўланган бўлса ҳисобга олинади;

ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларини фақат Солиқ қўмитасининг фуқароларнинг иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларида иш ҳақи тўғрисида маълумотлари мавжуд, бироқ унинг меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида ҳисобда турмаганда ҳам расмий банд шахс сифатида ҳисобга олинмайди;

в) ариза берувчи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзоси томонидан яшаш жойи бўйича ваколатли органга тўлов тўхтатилишини сўраб ариза берганда;

г) “Ягона реестр” АТдаги ёки манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизимидаги техник носозлик натижасида, маълумотлар электрон равишда тўлиқ ёки қисман тақдим этилмаганлиги сабабли, шунингдек, аризани киритишдаги техник хатолар оқибатида нотўғри тайинланганлиги аниқланган тақдирда;

д) ариза берувчи ёки “маҳалла еттилиги” томонидан Реестрга киритишда болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш тўғрисидаги қарорга таъсир кўрсатган нотўғри ва ишончсиз маълумотлар тақдим этилганлиги ёки тўлиқ тақдим этилмаганлиги аниқланганда.

Мазкур бандниng “а”-“г” кичик бандларига асосан болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўловлари тўхтатилган ҳолатларда ўтган даврда тўланган маблағлар қайтарилмайди, бундан мазкур Низомнинг 29-бандида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

27. Мазкур Низомнинг 26-банди “б” кичик бандида белгиланган талаб оиланинг қуйидаги аъзоларига нисбатан татбиқ этилмайди:

бола уч ёшга тўлгунига қадар парвариш қилаётган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

таълим муассасаларида ўқиётганларга (таълимнинг кечки ва сиртқи шакллари бундан мустасно);

ёшга доир пенсия ёшидаги шахсларга, пенсионерларга, давлат пенсияси тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган шахсларга ва меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқароларга, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга, I ёки II гуруҳ ва болаликдан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача шахсларга;

18 ёшгача болаликдан ногиронлиги бўлган, шу жумладан, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларнинг оналарига (онаси бўлмаган ҳолда отасига), оила аъзоси ҳисобланган I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсни ёки ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларни парвариш қилаётганларга;

чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларига. Бунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли ахборот тизимидан олинган маълумотларда ариза берилган санадан камида бир ой аввал Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетган ва Ўзбекистон Республикасига қайтмаганлиги қайд этилган фуқаро чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи шахс сифатида қабул қилинади;

суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш муассасаларида бўлганлиги муносабати билан оилада бўлмаган аъзоларига;

оиланинг чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган аъзоларига;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси ёхуд алимент олаётган боласини ёлғиз тарбиялаётган ёлғиз оналар (ёлғиз тарбиялаётган оталар)га;

туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинган, ушбу бўлим томонидан касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилган, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатига киритилган шахсларга;

тўрт ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган фарзанди мавжуд бўлган оилада I ёки II гуруҳ ёки 18 ёшгача болаликдан ногирон оила аъзоси бўлса оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосига нисбатан;

руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида турган оила аъзоларига нисбатан.

28. Тўловларни тўхтатиш (қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тайинлаш муддати тугаган ҳолатлар бундан мустасно) “Ягона реестр” АТ орқали автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади ва ариза берувчининг мобил алоқа воситасига СМС-хабар юборилади.

29. “Ягона реестр” АТ орқали болалар нафақаси ёки моддий ёрдам миқдорини ва муддатини белгилаш жараёнида техник сабабларга кўра, шунингдек, мазкур Низомнинг 26-банди “д” кичик банди бўйича ортиқча тўловлар вужудга келганда, ушбу ортиқча тўловлар, биринчи навбатда,

тегишли болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчиларга жорий ва келгуси ойлар учун ҳисобланадиган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

Бунда ортиқча тўловни қайтариш учун ҳисобланадиган бир ойлик болалар нафақаси ёки моддий ёрдам маблағлари етарли бўлмаса, қолган ортиқча тўловлар суммаси келгуси ойлар учун ҳисобланадиган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам маблағлари ҳисобидан ушлаб қолинади.

Қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тайинлаш тўхтатилганлиги сабабли ортиқча тўловни қоплаш учун ҳисобланадиган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам суммаси етарли бўлмаган ҳолларда:

ортиқча тўловларнинг қопланмаган суммаси болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи томонидан ўз хоҳишига кўра қопланиши мумкин;

болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчига унинг аризасига мувофиқ белгиланган тартибда унга такроран тайинланадиган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам маблағлари ҳисобидан қопланади.

Мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар натижасида аниқланган ортиқча тўловларнинг қопланмаган қисми суд тартибида ундирилади.

Мазкур Низомда назарда тутилмаган асослар бўйича болалар нафақаси ёки моддий ёрдам миқдорларидан ушлаб қолиниши мумкин эмас.

30. Ариза берувчи билан ваколатли орган ўртасидаги тўловлар тўхтатилиши ёки миқдори ўзгариши юзасидан низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, суд орқали ҳал этилади.

31. Ариза берувчи вафот этган тақдирда, тайинланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам оиланинг муомалага лаёқатли аъзосига ёки қонуний вакилига тўланади. Бунда оиланинг муомалага лаёқатли аъзоси ёки қонуний вакили тегишли аризани ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, мавжуд бўлганда – васийлик ёки ҳомийликни тайинлаш тўғрисидаги қарор нусхасини молиявий агентга тақдим этиши орқали тайинланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоидалар

32. Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларига тегишли ахборот автоматлаштирилган режимда фақат “Ягона реестр” АТдан олинадиган ва таҳлил қилинадиган махфий ахборот ҳисобланади ва ошкор қилинмайди, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

33. Ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ички аудит хизмати томонидан назорат қилинади.

Бунда болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўғри тайинланганлиги “Ягона реестр” АТдаги мавжуд ёки манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида ўрганилади.

34. “Ягона реестр” АТ билан манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёнида техник носозликлар ва узилишлар юзага келган ёки электрон маълумотларни тўлиқ олинмаган ҳолларда, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг алоҳида ахборот тизимларидаги маълумот алмашинувини тегишли тизимлар тўлақонли қайта ишга тушгунга қадар вақтинчалик тўхтатиш ҳамда кўриб чиқиш, маблағларни молиявий агентга молиялаштириш, тўлов рўйхат (ведомост)ларини юбориш муддатларини узайтириш ҳуқуқига эга.

35. Қуйидагилар учун:

“Ягона реестр” АТни меъёрий-ҳуқуқий ва техник ҳужжатларга асосан тўғри ишлашини таъминлаш, ахборот тизимини такомиллаштириб бориш, ахборот тизими фойдаланувчиларига логин ва парол очиш (ёпиш), вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан маълумот алмашишини таъминлаш ва йўлга қўйиш, ахборот тизими орқали тегишли тўлов рўйхатларини шакллантириш ҳамда тўлов рўйхатларини молиявий агентга юбориш бўйича – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги “Ахборот технологиялар маркази” давлат муассасаси раҳбарига;

болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш учун “Ягона реестр” АТ орқали юборилган электрон сўровларга ўз вақтида ва тўғри (ишончли) маълумотларни электрон равишда онлайн режимида тақдим этилиши бўйича – манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарларига;

махсус ҳисобварақлардаги маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш ҳамда олувчилар томонидан талаб қилиб олинмаган маблағларни тегишли бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш бўйича – молиявий агент раҳбарларига шахсий жавобгарлик юкланади.

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга
болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Ижтимоий реестрга киритилган оилалар учун болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Ариза берувчи қуйидагилардан биридан фойдаланган ҳолда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун мурожаат қилади: 1. Давлат хизматлари маркази ёки ваколатли органга борган ҳолда ёхуд оила яшайдиган маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим орқали. 2. “ЯМИҲ” АТ, ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали мустақил равишда.	Хоҳишига кўра
2-босқич	“Ягона реестр” АТ	1. Ариза берувчининг оиласи Ижтимоий реестрга киритилганлигини текширади ва нафақа ёки моддий ёрдам тайинлайди ёки тайинлашни рад этади. 2. Ариза берувчиларнинг аризасида кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабар ижтимоий нафақа тайинланганлиги ёки тайинлаш рад эгилганлиги тўғрисида хабар юборади. 3. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тўлаш бўйича электрон ҳужжатларни шакллантиради ва молиявий агентга юборади.	1. Автоматик равишда 2. Автоматик равишда 3. Тўлов амалга ошириладиган ойнинг 4-санасига қадар
3-босқич	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Оилаларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлаш учун маблағларни молиявий агентнинг махсус ҳисоб варағига молиялаштиради.	Тўлов амалга ошириладиган ойнинг 4–25-санаси давомида

4-босқич	Молиявий агент	1. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчиларга тўловларни амалга оширади. 2. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ижтимоий нафақа тўловлари тўғрисида маълумот тақдим этади. 3. Тўланмаган маблағларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига қайтаради ва ваколатли органга маълумот тақдим этади.	Тўлов амалга ошириладиган ойнинг 5–27-санаси давомида

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга
болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

_____ “Инсон” ижтимоий хизматлар
туман (шаҳар) марказининг директорига

Қуйидаги манзилда яшайдиган фуқаро
Маҳалла _____
кўча (квартал) _____
Уй _____
Квартира _____
_____
томонидан
(ариза берувчининг Ф.И.О)

АРИЗА

Сиздан менинг оиламга қонунчиликда белгиланган ижтимоий нафақа (болалари нафақаси ёки моддий ёрдам) тайинлашингизни сўрайман.

Аризани кўриб чиқиш тўғрисидаги хабарни қуйида келтирилган телефон рақамига: +998_____ ёки электрон почта _____га юборишингизни сўрайман.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказини оила таркиби (бола туғилганлиги, вафот этганлиги ёки бошқа ҳолатлар), яшаш жойим ўзгарганлиги ва нафақа (моддий ёрдам) миқдорига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатлар ёки ўзгаришлар содир бўлганда ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини оламан.

Менинг ва оила аъзоларим тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимлари орқали текширилишига ҳамда тайинланган нафақа тўловини банк картаси ёки ижтимоий карта орқали амалга оширилишига розилик бераман.

Мурожаат қилувчининг имзоси: _____
Сана: 20____ йил “____” _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “29” январдаги 35-сон қарорига
4-илова

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги низоларни ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашлари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги Ижтимоий реестрни (кейинги ўринларда – Реестр) юритишга доир низоларни ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашларининг (кейинги ўринларда – Апелляция кенгашлари) мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Апелляция кенгашлари туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида низоларни ҳал қилиш мақсадида тузиладиган коллегиал-маслаҳат органи ҳисобланади.

Апелляция кенгаши аъзолари ўз фаолиятини доимий равишда амалга оширади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

манфаатдор шахс – ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тегишли “маҳалла еттилиги” томонидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатга бевосита дахлдор бўлган жисмоний шахс;

шикоят – манфаатдор шахс ёки унинг вакили томонидан тегишли “маҳалла еттилиги” томонидан қабул қилган маъмурий ҳужжатлари устидан йўлланган шикоят.

4. Апелляция кенгашлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

5. Апелляция кенгашлари ўз фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга оширади.

6. Апелляция кенгашлари томонидан шикоятларни кўриб чиққанлик учун тўловлар ундирилмайди.

7. Манфаатдор шахслар томонидан апелляция кенгашларига шикоят қилиш ихтиёрий бўлиб, бу уларнинг тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг юқори турувчи органларига ёки бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чекламайди.

8. Судларда кўриб чиқилган ёки кўриб чиқилаётган масалалар бўйича йўлланган шикоятлар апелляция кенгашлари томонидан кўриб чиқилмайди.

9. Апелляция кенгашлари мурожаатларни кўриб чиқишда тенг ҳуқуқлилик, холислик, қонунийлик, коллегиаллик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш ҳамда мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш принципларига асосланади.

2-боб. Апелляция кенгашининг асосий вазифалари

10. Қуйидагилар апелляция кенгашларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

“маҳалла еттилиги”нинг мазкур Низомнинг 26-бандида назарда тутилган ишлар юзасидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини кўриб чиқиш;

шикоятларни кўриб чиқишда аниқланган қонунчилик ҳужжатларидаги тафовут ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

11. Манфаатдор шахсларнинг шикоятлари апелляция кенгашлари томонидан маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ кўриб чиқилади.

3-боб. Апелляция кенгашларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Апелляция кенгашлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли “маҳалла еттилиги” томонидан қабул қилган маъмурий ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини кўриб чиқиш натижасига асосан ушбу маъмурий ҳужжатларни ўзгартириш, қисман ёки тўлиқ бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шунингдек, бошқа асословчи маълумотларни республика ижро этувчи ҳокимият органлари, унинг тизим ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, “маҳалла еттилиги” ва бошқа ташкилотлардан бепул тарзда сўраш ва олиш, бунда “маҳалла еттилиги” томонидан сўралган маълумотлар беш иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилиши лозим;

зарурат бўлганда, хорижий мутахассис ва экспертларни, шунингдек, давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлардан мутахассис ва экспертларни таклиф қилиш ҳамда ишчи ва эксперт гуруҳларини ташкил этиш.

Апелляция кенгашлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Апелляция кенгашлари қуйидагиларга мажбур:

қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиш;

манфаатдор шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситишга ҳамда уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслик;

шикоятларнинг кўриб чиқилиши натижаси юзасидан асосланган қарорлар қабул қилиш;

маъмурий ҳужжатларни кўриб чиқиш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонунчилик ҳужжатлари билан чекланган бўлса, сир сақланишини таъминлаш.

Апелляция кенгашларига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

4-боб. Апелляция кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби

14. Апелляция кенгашларининг таркиби туман (шаҳар) ҳокими томонидан мазкур Низомга 1-иловадаги намунавий таркибга мувофиқ тасдиқланади.

15. Апелляция кенгашлари таркибига тегишлилигига кўра уларнинг раиси, котиби ва аъзолари киради. Бунда апелляция кенгашлари котиби ишларни кўриб чиқиш якунлари бўйича овоз беришда иштирок этмайди.

16. Қуйидаги ҳолатларда апелляция кенгашлари аъзолари унинг таркибидан чиқарилади:

апелляция кенгашлари аъзоси билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида муомала лаёқати чекланганда, шунингдек, улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда;

ўз аризасига кўра (жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзо учун);

вафот этганда.

17. Апелляция кенгашлари аъзолари қуйидаги ҳолларда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан мажлисда иштирок этиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим, агар улар:

маъмурий ҳужжатни кўриб чиқиш натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

манфаатдор шахснинг ёки “маҳалла еттилиги” аъзоларининг яқин қариндоши бўлса.

Ушбу бандда кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, апелляция кенгашлари аъзоси ўзини ўзи рад қилиш ҳақида арз қилиши шарт.

18. Манфаатдор шахслар ушбу Низомнинг 17-бандидаги асосларга кўра апелляция кенгашлари аъзосини рад қилиш ҳақида арз қилиши мумкин.

19. Рад қилиш ҳақидаги ариза асослантирилган бўлиши ва шикоятни апелляция кенгашлари томонидан кўриш бошлангунига қадар маълум қилиниши керак.

Апелляция кенгашлари аъзоларини рад қилиш тегишлилигига кўра апелляция кенгашлари раисларининг ташаббусига кўра ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

20. Шикоят кўрилаётганда рад қилиш ҳақида ариза беришга, агар рад қилиш учун асос ариза берган шахсга шикоятни мазмунан кўриш бошланганидан кейин маълум бўлиб қолган тақдирда йўл қўйилади.

Айни бир шахс томонидан айни бир асос бўйича такроран рад қилиш билдирилиши мумкин эмас. Такроран рад қилиш билдирилган тақдирда, шикоят кўриб чиқилмайди.

21. Апелляция кенгашлари аъзоларининг ўзини ўзи рад қилиши ёки уни рад қилиш тўғрисидаги масала тегишлилигига кўра апелляция кенгашлари раислари томонидан ҳал этилади.

22. Апелляция кенгашларининг раислари:

апелляция кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қилади ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

апелляция кенгашларининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

апелляция кенгашлари ваколатига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш учун киритади;

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан муносабатларда апелляция кенгаши номидан иш кўради;

апелляция кенгашлари номидан қарорларни, мажлислар баённомаларини ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

апелляция кенгашлари мажлислари кун тартибини белгилайди;

апелляция кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилади;

апелляция кенгашлари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

23. Апелляция кенгашлари раислари бўлмаган тақдирда, уларнинг вазифаларини тегишлилигига кўра апелляция кенгашининг бошқа аъзоси бажаради.

24. Апелляция кенгашларининг котиблари:

манфаатдор шахсларнинг шикоятларини иш юритувга қабул қилади;

апелляция кенгашларининг навбатдаги мажлисига барча зарур материалларнинг ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибига мувофиқ апелляция кенгашлари мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

апелляция кенгашлари мажлиси ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини апелляция кенгашларининг раислари билан келишади;

апелляция кенгашларининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни апелляция кенгашлари мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади;

кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган материалларни апелляция кенгашлари аъзоларига тарқатади;

апелляция кенгашлари мажлислари қарорлари ва баённомаларини расмийлаштиради ҳамда қарорлар нусхаларининг апелляция кенгашлари аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

апелляция кенгашлари қарорларининг ижро ҳолатини ўрганиб боради ҳамда унинг натижаларини апелляция кенгашлари мажлисида кўриб чиқиш учун киритади;

апелляция кенгашларининг фаолиятини услубий, ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича апелляция кенгашлари раисларига таклифлар киритади;

апелляция кенгашларининг зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

5-боб. Манфаатдор шахслар томонидан шикоят қилиш ҳамда апелляция кенгашлари томонидан шикоятларни кўриб чиқиш тартиби

25. Манфаатдор шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан шикоят қилиш ҳамда уларни апелляция кенгашларида кўриб чиқиш ушбу Низомга 2-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

26. Апелляция кенгашлари томонидан оилаларни Реестрга киритиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш жараёнида “маҳалла еттилиги” томонидан расмийлаштириладиган саволнома, хулоса, далолатномани қисман ёки тўлиқ бекор қилиш, уларга ўзгартириш киритиш бўйича “маҳалла еттилиги”га мажбурият юклаш бўйича шикоятларни кўриб чиқади.

27. Манфаатдор шахс ёки унинг вакили “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) ёки давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилганда “Инсон” маркази ходими манфаатдор шахс номидан, “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “ЯМИҲ” АТ), Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали шикоят қилган тақдирда эса мустақил равишда ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ намунавий шаклдаги шикоятни электрон тарзда тўлдиради ва тасдиқлайди.

28. Агар шикоят манфаатдор шахснинг вакили томонидан берилган бўлса, шикоятга ишончноманинг ёки вакил ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши лозим.

Шикоятга бошқа асословчи маълумотлар ва ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

29. Шикоят тасдиқлангандан сўнг реал вақт режимида тегишли апелляция кенгашининг котибига (кейинги ўринларда – котиб) электрон шаклда юборилади.

Шикоятларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар “ЯМИҲ” АТда электрон шаклда амалга оширилади.

30. Котиб манфаатдор шахснинг шикоятини у келиб тушган кунда, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган бўлса, кейинги иш кунида рўйхатдан ўтказади.

Котиб икки иш куни ичида келиб тушган шикоятдаги маълумотларнинг тўғрилигини, шунингдек, ушбу Низомнинг 31-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини текширади.

31. Қуйидаги ҳолатларда шикоятларни кўриб чиқиш апелляция кенгашлари томонидан рад этилади:

шикоятда кўтарилган масалалар (ҳолатлар) судда кўриб чиқилган ёки кўриб чиқилаётган бўлса;

шикоят мазкур Низомнинг 26-бандида белгиланган апелляция кенгашлари томонидан кўриб чиқиладиган масалалар доирасига кирмаса;

“маҳалла еттилиги” томонидан тасдиқланган мазкур Низомнинг 26-бандида белгиланган ҳужжатлар кучга кирганига ўттиз кундан ўтган бўлса.

32. Шикоят рад этилган тақдирда, котиб тегишли хулоса тузади ва хулоса апелляция кенгашлари раислари томонидан тасдиқланиб, манфаатдор шахс бу ҳақда бир иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

33. Шикоят апелляция кенгашларига келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқилади.

Апелляция кенгашларининг мажлислари ўтказиладиган сана котибнинг таклифига асосан апелляция кенгашлари раислари томонидан белгиланади.

34. Котиб апелляция кенгашлари аъзоларини, манфаатдор шахс ёки унинг вакилини ҳамда “маҳалла еттилиги”ни апелляция кенгашлари мажлиси ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин мажлис ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

35. Апелляция кенгашларининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқа шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

36. Апелляция кенгашларининг мажлислари заруратга кўра, лекин камида бир ойда бир марта ўтказилади.

Апелляция кенгашларининг мажлиси, агар унда аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этаётган бўлса, ваколатли (кворум) ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, апелляция кенгашларининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

37. Апелляция кенгашларининг мажлисларини уларнинг раислари олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни тегишлилигига кўра уларнинг ўринбосарлари олиб боради.

Апелляция кенгашларининг мажлисларига бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

Шикоятни кўриб чиқиш жараёнида зарурат юзага келганда апелляция кенгашлари манфаатдор шахсларнинг важларини жойига чиққан ҳолда ўрганиши мумкин.

Апелляция кенгашларининг мажлислари кенгаш раисининг қарорига кўра ва манфаатдор шахсга бу ҳақда хабар берилган ҳолда аудио ва видеотасвирга, шунингдек, фотосуратга олиниши мумкин.

Аудио ва видеоёзув, фотосуратлар манфаатдор шахс ва “маҳалла еттилиги”га тақдим этилиши мумкин.

38. Апелляция кенгашларининг аъзолари, манфаатдор шахс ёки унинг вакили ҳамда “маҳалла еттилиги”нинг аъзолари мажлисларда видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда иштирок этиши мумкин.

39. Апелляция кенгашлари мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган манфаатдор шахснинг ва ишга алоқадор бошқа шахсларнинг келмаганлиги шикоятни апелляция кенгашлари томонидан уларнинг иштирокисиз кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

40. Апелляция кенгашлари ўз мажлисларида манфаатдор шахснинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди.

41. Апелляция кенгашларининг қарори мажлисда иштирок этаётган апелляция кенгашлари аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда ҳеч бир аъзо овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Овозлар тенг бўлган ҳолларда мажлисга раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

42. Апелляция кенгашларининг мажлиси якунлари бўйича қуйидаги қарорлардан бири расмийлаштирилади:

маъмурий ҳужжатни ўзгартиришсиз ўз кучида қолдириш;

маъмурий ҳужжатга ўзгартириш киритиш бўйича “маҳалла еттилиги”га мажбурият юклаш;

маъмурий ҳужжатни қисман ёки тўлиқ бекор қилиш ҳамда оилани Реестрга киритиш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқиш.

Шикоятни кўриб чиқиш жараёнида оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини аниқлаш учун вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари орқали олинган маълумотларда хатолик аниқланганда апелляция кенгаши тегишли ваколатли органга мазкур хатоликни бартараф этиш вазифасини юклайди.

43. Апелляция кенгашларининг қарори мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан “ЯМИҲ” АТда электрон шаклда имзоланади.

Қабул қилинган қарорга қўшилмаган апелляция кенгашлари аъзоси қарорни имзолаб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда тақдим қилади. Алоҳида фикр иш материалларига қўшиб қўйилади.

Бунда апелляция кенгашларининг қарорлари “ЯМИҲ” АТда қонунчиликда белгиланган тартибда сақланади.

44. Апелляция кенгашларининг қарорлари уч иш кунидан кечиктирмай манфаатдор шахслар ва тегишли “маҳалла еттилиги”нинг “ЯМИҲ” АТдаги шахсий кабинетига юборилади.

45. Апелляция кенгашларининг қарорлари устидан манфаатдор шахс томонидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин, “маҳалла еттилиги” учун эса мазкур қарорлар қатъий ҳисобланади ва улар томонидан қарор устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

46. Апелляция кенгашларининг мажлис баённомаси котиб томонидан имзоланади ва мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади.

47. Апелляция кенгашлари томонидан “маҳалла еттилиги”нинг маъмурий ҳужжатини ўзгартириш, қисман ёки тўлиқ бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, оилани Реестрга киритиш бўйича тақдим этилган охирги ариза “ЯМИҲ” АТда қайта кўриб чиқиш босқичига қайтарилади. Бунда қарор қабул қилингунга қадар оила Реестрга киритилган тақдирда ариза кўриб чиқиш босқичига қайтарилмайди.

48. Апелляция кенгашларининг маъмурий ҳужжатни ўзгартириш ҳақидаги ҳамда қисман ёки тўлиқ бекор қилиш ҳақидаги қарор юзасидан қайта кўриб чиқиш босқичига ўтган аризалар уч иш куни ичида ва манфаатдор шахсдан ҳақ ундирилмасдан кўриб чиқилади. Бунда “маҳалла еттилиги” маъмурий ҳужжатни Ижтимоий реестрни юритиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ қайта расмийлаштиради ва аризани кўриб чиқишнинг кейинги босқичига йўналтиради.

49. Оилани Реестрга киритиш бўйича аризалар қайта кўриб чиқилганидан сўнг “маҳалла еттилиги” бир иш куни ичида бу ҳақда апелляция кенгашларини хабардор қилиши шарт.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари томонидан апелляция кенгашларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг ижроси таъминламаганлиги ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни бузиш ҳисобланади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

50. “Маҳалла еттилиги” томонидан манфаатдор шахсга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ масалалар суд тартибида ҳал этилади.

51. Апелляция кенгашлари томонидан шикоятларни кўриб чиқиш пайтида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлиги аниқланган тақдирда, ушбу ҳолат мажлис баённомасида қайд этилади ва тегишли ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органларга "Инсон" маркази томонидан юборилади.

52. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари
ҳузуридаги низоларни ҳал қилиш бўйича
апелляция кенгашлари
тўғрисидаги низомга
1-илова

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги низоларни ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашларининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

Лавозимига кўра – туман (шаҳар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, *Апелляция кенгаши раиси*

Лавозимига кўра – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи, *Апелляция кенгаши раиси ўринбосари*

Лавозимига кўра – туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи

Лавозимига кўра – туман (шаҳар) "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази директори

Лавозимига кўра – Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши котибияти мудири *(жамоатчилик асосида)*

Лавозимига кўра – Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг туманлар (шаҳарлар)даги бўлимлари бошлиғи *(жамоатчилик асосида)*

Лавозимига кўра – ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамияти аъзоси *(жамоатчилик асосида)*

Лавозимига кўра – туман (шаҳар) "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходими, *Апелляция кенгаши котиби*

Изоҳ.

1. Давлат ва жамият фаолиятининг тармоқларида, тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган тегишли туман (шаҳарда) яшовчи бошқа фуқаролар ҳам жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзо сифатида апелляция кенгашининг таркибига киритилади.

2. Апелляция кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

3. Заруратга кўра, Апелляция кенгаши фаолиятига бошқа мутахассис ва экспертлар жалб этилиши мумкин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари
ҳузуридаги низоларни ҳал қилиш бўйича
апелляция кенгашлари
тўғрисидаги низомга
2-илова

Апелляция кенгашларига шикоят қилиш ва уларни кўриб чиқиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Манфаатдор шахс	“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёки Давлат хизматлари марказига шахсан келиб ёхуд “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали шикоят қилади. Бунда шикоят автоматик тарзда апелляция кенгаши котибига юборилади.	Маъмурий ҳужжат кучга кирган кундан 30 кун ичида
2-босқич	Апелляция кенгашлари котиблари	Манфаатдор шахснинг шикоятини рўйхатдан ўтказади ҳамда шикоятнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади.	2 иш куни ичида
3-босқич	1. Апелляция кенгашлари 2. Апелляция кенгашлари котиблари	1. Шикоят белгиланган талабларга номувофиқ бўлган тақдирда, уни кўриб чиқишни рад этади ва бу ҳақда манфаатдор шахсни хабардор қилади. 2. Апелляция кенгашлари аъзоларини, манфаатдор шахс ёки унинг вакилини ҳамда ваколатли органни апелляция кенгашлари мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қилади.	1. 1 иш куни ичида 2. Мажлис ўтказиладиган кундан камида 3 кун олдин
4-босқич	1. Апелляция кенгашлари 2. Апелляция кенгашлари котиблари	1. Манфаатдор шахснинг шикоятини кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилади. 2. Апелляция кенгашларининг қарорларини манфаатдор шахс ва “маҳалла еттилиги”га юборади.	1. 15 кун ичида (алоҳида ҳолларда 30 кунга қадар) 2. Қарор қабул қилинган кундан 3 иш куни ичида

5-босқич	“Маҳалла еттилиги”	1. Апелляция кенгашини маъмурий ҳужжатни ўзгартириш ҳақидаги қарорига асосан тегишли маъмурий ҳужжатни қайта расмийлаштиради ва аризани кўриб чиқишнинг кейинги босқичига йўналтиради. 2. Маъмурий ҳужжат қайта расмийлаштирилгандан сўнг апелляция кенгаш ини хабардор қилади.	1. 3 иш куни ичида 2. 1 иш куни ичида

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги
низоларни ҳал қилиш бўйича апелляция
кенгашлари тўғрисидаги низомга
3-илова

Апелляция кенгашларига манфаатдор шахслар томонидан юбориладиган шикоятнинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

I. Манфаатдор шахс тўғрисида маълумотлар	
1. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
2. Паспорт (ID карта) серияси ва рақами	Автоматик тарзда шаклланади
3. Жисмоний шахснинг Ф.И.О.	Автоматик тарзда шаклланади
4. Жисмоний шахснинг яшаш манзили	Автоматик тарзда шаклланади
5. Телефон рақами	
II. Шикоятга оид маълумотлар	
1. Маъмурий ҳужжатни қабул қилган “маҳалла еттилиги” тўғрисидаги маълумот	
2. Маъмурий ҳужжат реквизитлари (берилган ариза рақами)	
3. Шикоятнинг тавсифи	

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “29” январдаги 35-сон қарорига
5-илова

“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинуви доирасидаги маълумотлар
РЎЙХАТИ*

Т/р	Вазирлик ва идора номи	Маълумотлар тўплами таркиби
1.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	1. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва бошқа манбалардан ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам харажатлари учун назарда тутилган маблағларнинг режаси тўғрисида маълумот. 2. Олий таълим ташкилотлари томонидан ҳисобланган стипендиялар миқдори тўғрисида маълумот. 3. Қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар билан амалга оширган операциялар, олинган дивидендлар тўғрисида маълумот. 4. “UzASBO” дастурий мажмуасида бюджет ташкилотлари ходимлари ҳақида маълумот. 5. Фуқароларга ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумот.
2.	Солиқ қўмитаси	1. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкий даромадлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган даромадлар тўғрисида маълумот. 2. Жисмоний шахснинг якка тартибдаги тадбиркор, унга ёлланган ходим сифатидаги мақоми ва тўланган айланмадан олинадиган солиқ суммаси тўғрисида маълумот. 3. Ўзини ўзи банд қилган шахслар ва тўланган ижтимоий солиқ тўғрисида маълумот. 4. Фаолият юритаётган корхоналарнинг таъсисчилари ва таъсис этилган корхонанинг устав фондидаги улуши тўғрисида маълумот. 5. Жисмоний шахсларга ҳисобланган мол-мулк ва ер солиғи тўғрисида маълумот. 6. Жисмоний шахсларга тўланган кешбек миқдорлари тўғрисида маълумот. 7. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар халқ

Т/р	Вазирлик ва идора номи	Маълумотлар тўплами таркиби
		депутатлари Кенгашлари томонидан қўлланилиши белгиланган коэффициентлар тўғрисида маълумот. 8. Жисмоний шахсларга қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясига тўланган субсидиялар тўғрисида маълумот.
3.	Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги	1. Кўчмас мулк манзили ва кадастр рақами тўғрисидаги маълумотлар. 2. Якка тартибдаги уй-жойнинг умумий ер майдони ва қурилиши ости майдони тўғрисида маълумот. 3. Деҳқон хўжаликларининг ер майдони тўғрисида маълумот.
4.	Иқтисодиёт на молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси**	Пенсия олувчилар ва уларга тўланган пенсия ва бошқа тўловлар миқдорлари тўғрисида маълумот.
5.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	1. Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш органларида ишсиз деб эътироф этилган, ишсизлик нафақасини олувчилар ҳамда бошқа хизматларидан фойдаланувчилар тўғрисида маълумот. 2. Жамоат ишларида қатнашганлар ва уларга тўланган ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумот. 3. “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидаги меҳнат шартномаси ва меҳнат дафтарчаси маълумотлари. 4. Фуқароларга вазирлик тизимидаги жамғармалар томонидан ажратилган ссуда, субсидия, грантлар ва ваучерлар тўғрисида маълумот. 5. Ногиронлиги бўлган шахсларга бандлигини таъминлаш учун зарур бўлган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бошқа меҳнат қуроллари, хомашё харид қилиш, интернет хизматларига уланиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш учун ажратилган ссудалар тўғрисида маълумот.

Т/р	Вазирлик ва идора номи	Маълумотлар тўплами таркиби
6.	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги	1. Ижтимоий нафақа олувчилар ва уларга тўланган ижтимоий нафақа ва бошқа тўловлар миқдорлари тўғрисида маълумот. 2. Ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумот. 3. Ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга берилган моддий ёрдам тўғрисида маълумот. 4. Болалар уйи, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ва “Мурувват” интернат уйларига жойлаштирилган шахслар тўғрисида маълумот. 5. Протез-ортопедия мосламалари, реабилитация қилишнинг техник воситалари ва ҳаракатланиш воситалари тўғрисида маълумот. 6. Ўзгалар парваришига муҳтож 80 ёшга тўлган кексаларни ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсни парвариш қилаётганлар шахслар тўғрисида маълумот. 7. Васийликка ва ҳомийликка олинган болалар тўғрисида маълумот. 8. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари тўғрисида маълумот. 9. Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчиларни уй-жой билан таъминлаш “Онлайн навбат” ахборот тизимига киритилган болалар тўғрисида маълумот.
7.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1. Бепул тиббий хизматлар олиш учун берилган йўлланмалар (ордерлар). 2. Руҳий касалликлар ва наркология диспансерларида ҳисобда турганлиги тўғрисида маълумот. 3. Онкология, гематология, жигар ва буйрак етишмовчилиги касалликлар ва бошқа узоқ муддатли даволанадиган касалликка чалинган шахслар тўғрисидаги маълумот. 4. Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва ушбу варақалар расмийлаштирилган шахслар тўғрисидаги маълумот.
8.	Ички ишлар вазирлиги	1. Жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган автотранспорт воситаси (ишлаб чиқарилган сана, тури, маркаси, техник ҳолати, қидирувда эмаслиги ва бошқалар) тўғрисида маълумот. 2. Жазони ижро этиш муассасаларида бўлган, шу жумладан, чет элда жазони ижро этиш муассасаларида бўлган шахслар тўғрисида маълумот.

Т/р	Вазирлик ва идора номи	Маълумотлар тўплами таркиби
		3. Фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси тўғрисидаги маълумот. 4. Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетган ва Ўзбекистон Республикасига келган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисида ҳамда уларнинг чет элга бориш мақсадлари, ёши ва мамлакатлари тўғрисида маълумот. 5. Фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумот. 6. Дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакетини олувчилар тўғрисида маълумот. 7. Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларига бириктирилган жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами тўғрисида маълумот.
9.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси	Жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаси (ишлаб чиқарилган сана, тури, маркаси, техник ҳолати ва бошқалар) тўғрисида маълумот.
10.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	1. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари тўғрисида маълумот. 2. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзоларига кўрсатилган ижтимоий хизматлар тўғрисида маълумот.
11.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	1. Олий таълим муассасалари талабалари (таълим ташкилоти, таълим шакли, таълим тури, курси, йўналиши ва бошқалар) тўғрисида маълумот. 2. Ўрта махсус ва касбий таълим муассасалари ўқувчилари (таълим ташкилоти, таълим шакли, таълим тури, курси, йўналиши ва бошқалар) тўғрисида маълумот.
12.	Транспорт вазирлиги	1. Фуқароларнинг айрим тоифаларига транспорт (шаҳар, ҳаво, темир йўл)да имтиёзли юриш бўйича берилган имтиёзлар тўғрисида маълумот. 2. Йўловчи ташиш хизмати билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан лицензиялар берилган автотранспорт воситалари ва уларнинг эгалари тўғрисида маълумот.

Т/р	Вазирлик ва идора номи	Маълумотлар тўплами таркиби
13.	Адлия вазирлиги	1. Оила аъзоларининг фуқаролик ҳолати тўғрисида маълумот. 2. Оила таркиби тўғрисида маълумот. 3. Қайд этилган фуқаролик ҳолатлари (туғилганлик, никоҳ қайд этилганлиги, вафот этганлик ва бошқалар) тўғрисида, шу жумладан, чет элда қайд этилган ҳолатлар тўғрисида маълумот. 4. Жисмоний шахсларга автотранспорт воситаси (ишлаб чиқарилган сана, тури, маркаси, техник ҳолати ва бошқалар) ва қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасидан (ишлаб чиқарилган сана, тури, маркаси, техник ҳолати ва бошқалар) фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ишончномалар тўғрисидаги маълумот.
14.	Марказий банк	1. Жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобварақларидаги маблағлар тўғрисида маълумот. 2. Хорижий ва маҳаллий пул ўтказмалари тўғрисида маълумот. 3. Жисмоний шахсларга берилган кредит, қарз, микрокредит, микроқарзлар тўғрисида маълумот. 4. Жисмоний шахсларнинг банк карталари ва (ёки) ижтимоий карталари мавжудлиги, тўловлар, ўтказмалар ва қайдномалар юборилганлиги тўғрисида маълумот. 5. “Давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш, шу жумладан, чорва моллари, парранда, қуён, балиқ ва асалари уяси, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш ёки иссиқхона қуриш учун ажратилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар.
15.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги	Ташкиллаштирилган ҳолда чет элга вақтинча ишга юборилганлик тўғрисидаги маълумотлар.
16.	Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси	Жисмоний шахслар томонидан тўланган ва олинган алиментлар миқдори тўғрисида маълумот.

Т/р	Вазирлик ва идора номи	Маълумотлар тўплами таркиби
17.	АТ “Халқ банки”	1. Тўланган (тўланмаган) болалар нафақаси, моддий ёрдам ва бошқа тўловлар, қайтарилган маблағлар ҳамда ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағлар тўғрисида маълумот. 2. Фуқаролар номига очилган ва актив бўлган банк карталар, шу жумладан, ижтимоий карталар тўғрисида маълумот. 3. Нафақа ва моддий ёрдам ва бошқа тўловлар учун молиялаштирилган, тўланган ва тўланмасдан қайтарилган маблағлар миқдорлари ва нафақа олувчилар тўғрисида маълумот.
18.	Ўзбекистон Банклари ассоциацияси	Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг кредит тарихига оид маълумот.
19.	Вазирлик ва идоралар	Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоларига тақдим этилган қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида маълумотлар

**Ахборот тизимлари ва ресурсларининг маълумотлари “Рақамли ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилади.*

***Пенсия жамғармаси томонидан молиялаштириладиган пенсиялар, компенсациялар ва бошқа тўловлар бўйича маълумотлар тақдим этилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “29” январдаги 35-сон қарорига
6-илова

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга кўрсатиладиган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари РЎЙХАТИ

Т/р	Ижтимоий хизмат ва ёрдам номи	Масъул вазирлик ва идоралар
	I. Ижтимоий хизматлар	
1.	Боқувчисини йўқотган тўлиқ бўлмаган оилалар, меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар, икки ва ундан ортиқ ногирон аъзолари мавжуд оилалардаги ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини кўрсатиш.	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
2.	Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногирон шахсларга шартнома асосида мобил, кундузги қатнов шаклидаги ижтимоий ва реабилитация хизматларни кўрсатиш.	
3.	Ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида бепул махсус тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича йўлланма (ордер) бериш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
4.	Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш.	
5.	Юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш.	
6.	Давлат тиббиёт муассасаларида навбат асосида даволанишга йўлланма бериш.	
7.	Йилда бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш.	
8.	Қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган ҳамда эҳтиёжманд беморлар метформин дори воситаси билан бепул таъминлаш.	
9.	Аллергик ва иммунологик касалликларга чалинган беморларни ингаляцион глюкокортикостероид дори воситалар билан бепул таъминлаш.	
10.	Давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш.	Адлия вазирлиги

11.	Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг “аъло” баҳоларга ўқийдиган фарзандларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тизимидаги оромгоҳларда дам олиши ва соғломлаштирилиши учун бепул йўлланмалар бериш.	Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси
12.	Оилаларга моддий кўмаклашиш ҳамда уларнинг турар жойларини таъмирлаш ва жиҳозлаш.	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
II. Ижтимоий ёрдамлар		
13.	Расмий банд бўлган ёлғиз она (ота)га бир нафар фарзанди учун бола(лар) уч ёшга тўлгунига қадар мактабгача таълим хизматидан фойдаланиш учун моддий ёрдам тўлаш.	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
14.	3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар учун ташкил этилган кундузги парвариш хизматидан фойдаланилган қоплаб бериладиган субсидия умумий миқдорининг қўшимча маблағ тўлаб бериш.	
15.	Озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа энг зарур товарлар билан таъминлаш харажатларини қоплаб бериш.	
16.	Оилаларга болалар нафақаси тўлаш.	
17.	Оилаларга моддий ёрдам тўлаш.	
18.	Аёлларга иккинчи фарзанди туғилганлиги учун бир марталик нафақа тўлаш.	
19.	Турар жой ижараси учун компенсация тўлаш.	
20.	Уй-жойини таъмирлаш, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаш шароитини мослаштириш харажатларини қоплаш.	
21.	Оилаларни коммунал харажатларини қоплаш.	
22.	Оилаларни коммунал хизматлар бўйича қарздорлигини қоплаш.	
23.	Оилаларни кўмир ёки бошқа ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаш харажатларини қоплаш.	
24.	Ёнғин, сув тошқини, зилзила ва бошқа техноген ҳодисалар оқибатида зарар кўрган уй-жойларни тиклаш ва таъмирлаш харажатларини қоплаш.	
25.	Базавий меъёрдан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун базавий меъёр доирасидаги ҳамда базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги фарқ учун компенсация тўлаш.	
26.	Ижтимоий аҳамиятга эга транспорт хизматидан (ижтимоий такси хизмати) фойдаланган ҳар бир ўқувчига субсидия тўлаш.	

27.	“Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатларининг бир қисми ваучер асосида қоплаш.	
28.	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида оилаларга турар жойида артезиан қудуғи қазиш, сув насосларини ўрнатиш ҳамда ичимлик суви фильтрларини харид қилиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш.	
29.	Жарроҳлик амалиётисиз даволаниш ва жарроҳлик амалиёти харажатлари қоплаб бериш.	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги
30.	Ўрмон фонди ерларида экилган хар 100 та дарахт учун субсидия ажратиш.	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
31.	Оиланинг иккинчи ва ундан юқори босқич талабалари учун фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи 3 ва ундан юқори бўлганида тўлов-контракт суммаси миқдорида таълим кредитини ажратиш.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
32.	Оиланинг республикадаги олий таълим ташкилотларида бакалавр ҳамда магистратуранинг кундузги таълим шаклида таҳсил олувчи фарзандларига тўлов-контракти учун гаров ва кафил талаб этилмаган ҳолда таълим кредити ажратиш.	
33.	Хонадонининг кўча ва ички томорқасида узумчилик (ток сўриси) ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси
34.	Қишлоқ хўжалиги кооперативи устав фондига улушдор сифатида кириш учун субсидия ажратиш.	
35.	Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун субсидия ажратиш.	
36.	Суғориш воситаларини харид қилиш учун субсидия ажратиш.	
37.	Уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидия ажратиш.	
38.	Ишсизларга олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун субсидия ажратиш.	
39.	Оиланинг аъзоларига ўз фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни харид қилиш учун ссуда ажратиш.	
40.	Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг хонадонига қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (қуёш электр станцияларини) ўрнатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.	

41.	Деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил қилиш учун деҳқон хўжаликларига сув қудуқларини бурғилаш, насос агрегатларини сотиб олиш, томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш ва электр тармоқларини тортиш учун ссуда ажратиш.	
42.	Муддати уч ойдан ортиқ давом этадиган касб-ҳунар курсларида таълим олиш даврида стипендия тўлаш.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси
43.	Мактабдан ташқари таълимга (тўгаракларга) қатнашиш харажатларининг белгиланган миқдорини қоплаш.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
44.	Давлат олий таълим муассасалари талабалар турар жойи учун тўлов харажати қоплаш.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
45.	Оиланинг ўқув семестри якуни натижаларида барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи “аъло” баҳо бўлган талаба-қизлари учун асосий стипендияга қўшимча равишда махсус стипендия тўлаш.	
46.	Фуқароларнинг, хусусан болаларнинг шахсга доир ҳужжатларини расмийлаштириш учун шахсларнинг келиб чиқишини аниқлашга доир тадбирлар харажатларини қоплаш.	Адлия вазирлиги
47.	Бакалавриат ва магистратуранинг кундузги йўналишида таълим олаётган хотин-қизлар ёки уларнинг таҳсил олаётган икки ва ундан ортиқ фарзандларининг бир нафарига бир маротаба контрактини тўлаш.	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
48.	Хотин-қизларга турар жой ижараси учун компенсация тўлаш.	
49.	Хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш учун маблағ ажратиш.	
50.	Ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қоплаш учун субсидия ажратиш.	Ёшлар ишлари агентлиги
51.	Ногиронлиги бўлган ёшларнинг параспорт тўгаракларига қатнашиши учун йўлкира харажатларини қоплаш.	
52.	Олти ой давомида мунтазам спорт ва санъат тўгаракларига қатнашаётган ёшлар учун махсус спорт формаси, инвентарь ёки мусиқа ва чолғу асбобларини харид қилиб бериш.	
53.	Автомототранспорт воситалари ҳайдовчилик гувоҳномасининг “A”, “B”, “D” ва “DE” тоифаларини олиш бўйича ўқув курси харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш.	

54.	Касбий ва олий таълим ташкилотлари ўқувчи-талабаларининг таълим контракт суммаси бир қисмини тўлаш.	
55.	Ёшларнинг тадбиркорлик, анъанавий ва замонавий касбларни эгаллаш, ахборот технологияларини ўрганиш ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатини қоплаш.	
56.	Иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратиш.	
57.	Ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда қатнашиш харажатлари учун субсидия ажратиш.	
58.	Ёш оилаларга турар жой ижараси учун компенсация тўлаш.	
59.	Ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаёти, шунингдек, бошқа таваккалчиликларини суғурталаш бўйича суғурта мукофотини қоплаш мақсадида ҳар бир суғурталанган фуқаро учун субсидия ажратиш.	Миграция агентлиги
60.	Уй-жой шароитини яхшилашга учун якка тартибдаги уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун кредит ажратиш.	Марказий банк, тижорат банклари
61.	Ноутбук сотиб олиш учун 5 йил муддатга 2 йил имтиёзли давр билан гаровсиз ва фоизсиз кредит ажратиш.	Марказий банк, АТ “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” АТБ
62.	Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва шу каби бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун гаровсиз ва фоизсиз кредит ажратиш.	
63.	Оиланинг фарзандлари билим олишлари учун ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимлар хариди учун маблағ ажратиш.	Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси
64.	Боқувчиси хорижга меҳнат миграциясига чиқиб кетган оилаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.	Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси
65.	Дори-дармон, ногиронлик аравачалари, эшитиш аппаратлари ва ортопедик маҳсулотлар харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.	

66.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш, шу жумладан, чорва моллари, парранда, қуён, балиқ ва асалари уяси, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш ёки иссиқхона қуриш учун 4 йилгача муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 бараваригача миқдорда кредит ажратиш.	Тижорат банклари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси
III. Имтиёзлар		
67.	Оиланинг болаларини мактабгача таълим муассасаларига имтиёзли навбатга қўйиш.	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
68.	Ижтимоий реестрдаги оилаларнинг фарзандлари учун алоҳида квоталар ажратиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси
69.	Малакасини ошириш ва касбга қайта тайёрланиш истагидаги шахсларга қўшимча таълим олиш учун олинган "касб ваучери" ссудасини қайтармаслик.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси
70.	Давлат мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловидан озод этиш.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
71.	Мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловини тўлашдан озод этиш.	
72.	Давлат мактабгача таълим ташкилотларига имтиёз асосида қабул қилиш.	
73.	Оиланинг фарзандини "Келажак" марказларида ўқиш бўйича ота-оналар тўловидан озод этиш (таълим олувчилар умумий сонининг 15 фоизи миқдорида).	
74.	Умумий ўрта таълим муассасасининг узайтирилган кун гуруҳларидаги болаларни ота-оналар тўловидан озод этиш.	
75.	Давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда туман (шаҳар) ва ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасаларида режали стационар тиббий ёрдамни электрон навбат асосида бепул олиш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат тиббий суғурта жамғармаси
76.	Бакалавриат таълим йўналишига ажратилган давлат гранти асосидаги қабул параметрларига ажратиладиган давлат грантини олувчи абитуриентлар тоифасига киритиш.	Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги
77.	Оиланинг "Янги Ўзбекистон" университетига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган фарзандларига давлат гранти тақдим этиш.	

78.	Оила фарзандларини касбий таълим муассасаларига қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида қабул қилиш.	
79.	Оиланинг аъзоларини олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда ўтказиладиган кириш тест синовларида иштирок этиш учун ундириладиган тўловлардан озод этиш.	
80.	Оилани фарзандлари спорт мактабларидаги машғулотларда иштирок этиши учун тўловдан озод этиш.	Спорт вазирлиги
81.	Оилани мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш бўйича ота-оналар тўловидан озод этиш.	Маданият вазирлиги
82.	Архив ҳужжатларини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, вазирлик ва идоралар
83.	Давлат таълим муассасаларининг спорт иншоотларида пуллик давлат хизматларини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
84.	Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
85.	Араб алифбосида яратилган ҳужжатлардаги ахборотлар тўғрисида аннотация маълумотларини тайёрлаш бўйича чегирма қўллаш.	
86.	Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
87.	Жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
88.	Жисмоний шахслар ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
89.	Жисмоний шахсларни газ тармоқларига улаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
90.	Ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
91.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
92.	Спортчиларга спорт паспортини бериш давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	

93.	Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
94.	Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномаларни бериш давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
95.	Айрим турдаги малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматини чегирма қўллаш.	
96.	Давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
97.	Давлат уй-жой фондидаги уйни ёки квартирани хусусийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
98.	Кадастр соҳасида давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
99.	Мобил-ID тизимида рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
100.	Хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
101.	Жисмоний шахсларни иссиқлик таъминоти тармоқларига улаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
102.	Жисмоний шахсларни сув таъминоти тармоқларига улаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
103.	Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
104.	Умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш ва давлат намунасидаги сертификатни бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
105.	Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
106.	Жисмоний шахсларга электрон рақамли имзо калитлари сертификатини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
107.	Баҳоловчиларга малака сертификатини бериш, риэлторларга малака сертификатини бериш, баҳоловчиларга тоифалар бериш бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
108.	Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш мақсадида ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик тўлов бўйича чегирма қўллаш.	

109.	Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш бўйича давлат хизматларини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
110.	Суд бошқарувчилари малака аттестатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишда чегирма қўллаш.	
111.	Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган товарлар (хизматлар)ни белгиланган миқдор доирасида харид қилишда тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш.	Солиқ қўмитаси
112.	Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясига кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган 20 нафардан кам бўлмаган оиланинг фарзандлари муассис гранти асосида ўқишга қабул қилиш.	Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси
113.	Ижтимоий картани бепул тақдим этиш.	Ижтимоий картани муомалага чиқарувчи (эмиссия қилувчи) тижорат банклари

Изоҳ.

1. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга мазкур рўйхатда назарда тутилмаган бошқа давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам тақдим этилиши мумкин.

2. Мазкур рўйхатга Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда ўзгартириш киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “29” январдаги 35-сон қарорига
7-илова

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга кўрсатиладиган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари доирасида “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимига “Рақамли ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этиладиган маълумотлар тўпламлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Маълумотлар тўплами номи	Масъул вазирлик ва идоралар
1.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
2.	1. Ягона интерактив давлат хизматлари портали, давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатилган давлат хизматларидан фойдаланиш учун тўланадиган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларга қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Вазирлик ва идоралар ўзларининг тегишли ахборот тизимлари орқали кўрсатилаётган пуллик давлат хизматларидан фойдаланиш учун тўланадиган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларга қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, вазирлик ва идоралар
3.	1. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Араб алифбосида яратилган ҳужжатлардаги ахборотлар тўғрисида аннотация маълумотларини тайёрлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 3. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, вазирлик ва идоралар

Т/р	Маълумотлар тўплами номи	Масъул вазирлик ва идоралар
	4. Маълумотномаларни бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 5. Айрим турдаги малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 6. Mobile-ID тизимида рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 7. Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 8. Умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш ва давлат намунасидаги сертификатни бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	
4.	1. Электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Газ тармоқларига улаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 3. Жисмоний шахсларни иссиқлик таъминоти тармоқларига улаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	Энергетика вазирлиги
5.	1. Спортчиларга спорт паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	Спорт вазирлиги
6.	1. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Ўрмон фонди ерларида экилган хар 100 та дарахт учун “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ажратилган субсидиялар тўғрисида маълумотлар.	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
7.	1. Ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	Ички ишлар вазирлиги

Т/р	Маълумотлар тўплами номи	Масъул вазирлик ва идоралар
	2. Хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	
8.	1. Давлат уй-жой фондидаги уйни ёки квартирани хусусийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Жисмоний шахсларни сув таъминоти тармоқларига улаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
9.	1. Деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил қилиш учун деҳқон хўжаликларига сув қудуқларини бурғилаш, насос агрегатларини сотиб олиш, томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш ва электр тармоқларини тортиш учун ажратилган ссудалар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Хонадонининг кўча ва ички томорқасида узумчилик (ток сўриси) ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар. 3. Қишлоқ хўжалиги кооператив устав фондига улушдор сифатида кириш учун ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар. 4. Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун ажратилган субсидиялар тўғрисида маълумотлар. 5. Суғориш воситаларини харид қилиш учун ажратилган субсидиялар тўғрисида маълумотлар. 6. Уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун ажратилган субсидиялар тўғрисида маълумотлар. 7. Бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун ажратилган субсидиялар тўғрисида маълумотлар. 8. Ўз фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни харид қилиш учун ажратилган ссудалар тўғрисидаги маълумотлар. 9. “Давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган меҳнат қилиш имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган оила аъзоси бор оилаларга ажратилган субсидиялар тўғрисида маълумот.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси
10.	1. Йилда бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар. 2. Жарроҳлик амалиётисиз даволаниш ва жарроҳлик амалиёти харажатлари қопланганлиги тўғрисидаги маълумотлар.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат тиббий суғуртаси

Т/р	Маълумотлар тўплами номи	Масъул вазирлик ва идоралар
	3. Қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган беморлар метформин дори воситаси билан бепул таъминланганлар тўғрисидаги маълумотлар. 4. Юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилган тиббий ёрдам тўғрисидаги маълумотлар. 5. Давлат тиббиёт муассасаларида даволанишга йўлланма берилган Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзолари тўғрисидаги маълумотлар. 6. Аллергик ва иммунологик касалликларга чалинган беморларга бепул ингаляцион глюкокортикостероид дори воситалар билан таъминланганлар тўғрисидаги маълумотлар. 7. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига кўрсатилган тиббий ёрдамлар тўғрисида маълумотлар. 8. Давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда туман (шаҳар) ва ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасаларида режали стационар тиббий ёрдам кўрсатилганлар тўғрисидаги маълумотлар. 9. Ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида бепул тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича йўлланма (ордер) берилганлар тўғрисидаги маълумотлар.	
11.	1. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадали қопланган ёшларга тўғрисида маълумотлар. 2. Ногиронлиги бўлган ёшларни параспорт тўгаракларига қатнашиш бўйича йўлкира харажатлари қопланганлиги тўғрисидаги маълумотлар. 3. Олти ой давомида мунтазам спорт ва санъат тўгаракларига қатнашаётган ёшлар учун махсус спорт формаси, инвентарь ёки мусиқа ва чолғу асбоблари харид қилинган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг болалари тўғрисидаги маълумотлар. 4. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар. 5. Касбий ва олий таълим ташкилотларининг ўқувчи ёки талабаси бўлган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг фарзандлари учун таълим тўлов-контракт суммасининг бир қисми тўлаб берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.	Ёшлар ишлари агентлиги

Т/р	Маълумотлар тўплами номи	Масъул вазирлик ва идоралар
	6. Ёшларнинг тадбиркорлик, анъанавий ва замонавий касбларни эгаллаш, ахборот технологияларини ўрганиш ва хорижий тилларга курсида ўқиш бўйича қопланган харажатлари тўғрисидаги маълумотлар. 7. Иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар. 8. Ёшларининг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда қатнашиш харажатлари учун ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар. 9. Ёш оилаларга турар жой ижараси учун тўланган компенсациялар тўғрисидаги маълумотлар. 10. Жарроҳлик амалиётисиз даволаниш ва жарроҳлик амалиёти харажатлари қопланган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар.	
12.	1. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Жисмоний шахслар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган товарлар (хизматлар)ни харид қилинганда қайтарилган қўшилган қиймат солиғи суммаси тўғрисида маълумотлар. 3. Жисмоний шахсларга қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясига тўланган субсидиялар тўғрисида маълумот.	Солиқ қўмитаси
13.	1. Давлат мактабгача таълим муассасаларида ойлик ота-оналар тўловидан озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар. 2. Мактабгача таълим муассасаларида ойлик ота-оналар тўловидан озод этилган ота-оналар тўғрисидаги маълумотлар. 3. Давлат мактабгача таълим ташкилотларига имтиёзли асосда қабул қилинган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг болалари тўғрисидаги маълумотлар. 4. “Келажак” марказларидаги болалар умумий сонининг 15 фоизи доирасида ўқиш харажатларидан озод этилганлар тўғрисидаги маълумотлар. 5. Умумий ўрта таълим муассасасининг узайтирилган кун гуруҳларидаги ота-оналар тўловидан озод этилган Ижтимоий реестрга киритилган оилалар тўғрисидаги маълумотлар.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

Т/р	Маълумотлар тўплами номи	Масъул вазирлик ва идоралар
	6. Мактабгача таълим муассасаларида (Давлат хусусий шерикчилик) ота-оналар тўловини тўлашдан озод этилганлар тўғрисида маълумотлар. 7. Мактабдан ташқари таълимга (тўгаракларга) жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 80 фоизи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилган маблағлар тўғрисида маълумотлар. 8. Давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификат бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	
14.	1. Спорт мактабларида бепул ўтказилган машғулотлар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Давлат таълим муассасаларининг спорт иншоотларида пулли давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	Спорт вазирлиги
15.	1. Уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашда кадастр паспортини расмийлаштириш ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун камайтирилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 3. Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг турини белгилаш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар. 4. Кадастр соҳасида давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги
16.	1. Бепул кўрсатилган бирламчи юридик ёрдамлар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Болаларнинг шахсга доир ҳужжатларини расмийлаштириш учун шахсларнинг келиб чиқишини аниқлашга доир тадбирлар харажатларини қоплашга оид маълумотлар. 3. Идоравий нотариал архивлар томонидан архив маълумотномаларини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қўлланилган чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар.	Адлия вазирлиги
17.	1. Давлат олий таълим муассасалари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатлари қоплаб берилган талабалар тўғрисидаги маълумотлар.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги,

Т/р	Маълумотлар тўплами номи	Масъул вазирлик ва идоралар
	2. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчиларни касбий таълим муассасаларига қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинганлар тўғрисидаги маълумотлар. 3. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг ўқув семестри якуни натижаларига кўра барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи “аъло” баҳо бўлган талаба қизларга асосий стипендияга қўшимча равишда тўланган махсус стипендиялар тўғрисидаги маълумотлар. 4. “Янги Ўзбекистон” Университетида таълим олиш учун Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандлари учун ажратилган грантлар тўғрисида маълумот. 5. Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда ўтказиладиган кириш тест синовларида иштирок этиш учун ундириладиган тўловлардан озод этилганлар тўғрисидаги маълумотлар.	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги
18.	1. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг иккинчи ва ундан юқори босқич талабалари учун ажратилган таълим кредитлар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Республикадаги барча олий таълим ташкилотларида бакалавр ҳамда магистратуранинг кундузги таълим шаклида таҳсил олувчи Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзосига тўлов-контракти учун гаров ва кафил талаб этилмаган ҳолда ажратилган таълим кредитлари тўғрисидаги маълумотлар. 3. Таълим кредити иккинчи ва ундан юқори босқич талабалари учун фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи (grade point average) 3 ва ундан юқори бўлган таълим олаётганлар учун ажратилган кредитлар тўғрисида маълумот. 4. Республикадаги олий таълим ташкилотлари бакалавр ҳамда магистратуранинг кундузги таълим шаклида тўлов-контракти учун таълим кредитига гаров ва кафил талаб этилмаганлар тўғрисида маълумот.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
19.	Ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқаронинг соғлиғи ва ҳаёти, шунингдек, бошқа таваккалчиликларини суғурталаш бўйича суғурта мукофотини қоплаш учун ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги
20.	1. Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга якка тартибдаги уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун ажратилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар.	Марказий банк, тижорат банклари,

Т/р	Маълумотлар тўплами номи	Масъул вазирлик ва идоралар
	2. “Давлат таъминотидаги оила” тоифасидаги оилаларга меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш, шу жумладан чорва моллари, парранда, қуён, балиқ ва асалари уяси сотиб олиш учун ажратилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар.	
21.	1. Ноутбук сотиб олиш учун 5 йил муддатга 2 йил имтиёзли давр билан гаровсиз ва фоизсиз ажратилган қарз тўғрисида маълумотлар. 2. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун гаровсиз ва фоизсиз ажратилган қарзлар тўғрисидаги маълумотлар.	Марказий банк, АТ “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” АТБ
22.	1. Бакалавриат ва магистратуранинг кундузги йўналишида таълим олаётган хотин-қизлар ёки уларнинг таҳсил олаётган икки ва ундан ортиқ фарзандларининг бир нафарига тўлаб берилган тўлов-контрактлари тўғрисидаги маълумотлар. 2. Хотин-қизларга турар жой ижараси учун тўланган компенсациялар тўғрисидаги маълумотлар. 3. Хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш учун ажратилган маблағ тўғрисидаги маълумотлар. 4. Жарроҳлик амалиётисиз даволаниш ва жарроҳлик амалиёти харажатлари қопланган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар.	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
23.	“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг фарзандлари учун алоҳида ажратилган квоталар тўғрисидаги маълумотлар.	Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси
24.	Ўқув жиҳозлар (устувор равишда дарс стол-стули) ва қуроллари ҳамда спорт кийимлари хариди учун ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар.	“Нуроний” жамғармаси
25.	1. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тизимидаги оромгоҳларга дам олиш ва соғломлаштирилиши учун бепул йўлланма берилган болалар тўғрисидаги маълумотлар. 2. Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясига кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган 20 нафардан кам бўлмаган абитуриентни муассис гранти асосида ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар.	Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси

Т/р	Маълумотлар тўплами номи	Масъул вазирлик ва идоралар
26.	Болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш харажатларидан озод этилган фарзандлари тўғрисидаги маълумотлар.	Маданият вазирлиги
27.	Ажратилган моддий кўмак, турар жойлари таъмирлаш ва жиҳозлаш учун ажратилган маблағлар тўғрисида маълумотлар.	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
28.	Кўчмас мулки ҳудудида ўрнатилган енгил конструкцияли кўчма дўконлар тўғрисидаги маълумотлар.	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

Изоҳ.

Мазкур рўйхатда назарда тутилган маълумотлар ҳар бир имтиёзли хизмат ва молиявий ёрдамни олган фуқаронинг шахсга доир маълумотлари (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини кўрсатган ҳолда) ҳамда кўрсатилган имтиёзли хизмат ва молиявий ёрдам сони ва миқдорлари кўрсатилган ҳолда 2026 йил 1 февралдан бошлаб вазирлик ва идоралар ўз ахборот тизимларини "Рақамли ҳукумат" тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимига тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “29” январдаги 35-сон қарорига
8-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарори 5-банди “а” кичик бандининг учинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори билан тасдиқланган Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомнинг 8-банди “умумтаълим муассасаларида” сўзларидан кейин “(алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази тўғрисидаги низомга илованинг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 2009 йил 21 майдаги 145-сон қарорида:

а) 3-иловага иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Етим болалар”;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари”;

б) 4-иловага илованинг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорига илованинг изоҳлар қисми 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига давлат хизматлари нархи хизматлар умумий қийматининг 25 фоизини, Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳлар ногиронлари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун давлат хизматлари нархи хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини

ташкил қилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда давлат хизматлари кўрсатилгани учун йиғим Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарори билан тасдиқланган Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 декабрдаги 963-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш шартлари ва тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-банди иккинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 3-бандниг тўртинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4^1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4^1. Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахслар ҳамда Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг болалари “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларидаги ижтимоий ходимлар гуруҳлари томонидан ҳам мактабгача ва мактаб таълими бўлимларига талабнома киритиш орқали имтиёзли навбатга қўйилади”;

в) 18-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг болалари”;

ўн олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий реестрга киритилганлар ҳақидаги маълумотлар “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидан”;

г) 3-илованинг “IV. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилага мансублиги ҳақида маълумотлар ва уларни тасдиқловчи ҳужжатлар (талаб этиладиган ҳужжатлар)” бўлими 1-позициясининг биринчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг болалари”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 255-сон қарори билан тасдиқланган Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 10-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги тўртинчи–олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Жисмоний шахсларга сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома беришда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 31 мартдаги 256-сон қарорида:

а) 2-илованинг 11-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Жисмоний шахсларни газ тармоқларига улашда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 3-илованинг 11-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Жисмоний шахсларни иссиқлик таъминоти тармоқларига улашда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”.

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 4-илованинг 11-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Жисмоний шахсларни сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш тармоқларига улашда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож

оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарорида:

а) номидаги, 1-банддаги ва 2-бандниng “а” кичик бандидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалардаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, Ижтимоий реестрга киритилган оилалардаги, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун қулай шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:”;

в) 4-бандниng “б” кичик банди учинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоси бўлган” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) иловада:

номидаги, 1, 21-бандлардаги ва 1–7-иловаларнинг илова белгисидаги ҳамда 8-иловадаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалардаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда:

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи–ўн бешинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи–ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн учинчи хатбошидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалардаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банддаги ва 29-бандниng учинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоси бўлган” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-илованинг 4-позицияси “Омиллар” устунидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 333-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган бассейнларда шуғулланиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

32-бандниng учинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

33-бандда:

биринчи хатбошидаги “Кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“оиланинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги тўғрисидаги маълумот. Бунда маълумот “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидан “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон шаклда тақдим этилади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олинган маълумотнома қоғоз шаклда тақдим этилади”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 348-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматлари марказлари ёки онлайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 5-бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи–тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Жисмоний шахсларга ЭРИ калитларининг сертификатларини беришда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

учинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги 410-сон қарори билан тасдиқланган Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоси ҳисобланган ўқувчилар ота-оналар тўловидан озод қилинади. Бунда оиланинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги тўғрисидаги маълумот “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидан “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон шаклда текширилади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олинган маълумотнома қоғоз шаклда тақдим этилади”;

15-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “Кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Ижтимоий реестрга киритилган оиланинг фарзанди мактаб-интернатдаги ўқувчилар сафидан чиқарилганда унинг ўрнига Ижтимоий реестрга киритилган оила, лекин ота-оналар тўловидан озод этилганлар рўйхатига киритилмаган ўқувчи кейинги ойдан рўйхатга киритилади ва ота-она тўловидан озод этилади”.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 944-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди саккизинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 9 январдаги 9-сон қарорида:

а) 1-иловада:

68 ва 69-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“68. Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги ўқувчилар умумий сонининг 15 фоизи доирасида Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандлари тўловдан озод қилинади. Бунда биринчи навбатда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (ёки улардан бири) I ёхуд II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахси бўлган Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандларига имтиёз берилади.

69. Тўловдан озод қилинадиган оилаларнинг фарзандлари рўйхати оиланинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги тўғрисидаги маълумотларга асосан аниқланади ва шакллантирилади. Бунда оиланинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги тўғрисидаги маълумот “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидан “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон шаклда текширилади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олинган маълумотнома қоғоз шаклда тақдим этилади”;

70-банддаги “кам таъминланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-иловада:

48 ва 49-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“48. Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги ўқувчилар умумий сонининг 15 фоизи доирасида Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандлари, чин етим ёки боқувчисини йўқотган ўқувчилар тўловдан озод қилинади. Бунда, биринчи навбатда, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (ёки улардан бири) I ёхуд II гуруҳ

ногиронлиги бўлган шахси бўлган Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандларига имтиёз берилади.

49. Тўловдан озод қилинадиган оилаларнинг фарзандлари рўйхати оиланинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги тўғрисидаги маълумотларга асосан аниқланади ва шакллантирилади. Бунда оиланинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги тўғрисидаги маълумот "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимидан "Электрон ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон шаклда тақдим этилади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олинган маълумотнома қоғоз шаклда тақдим этилади";

50-банддаги "кам таъминланган" сўзлари чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февралдаги 78-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасаларининг спорт иншоотларида пуллик хизмат кўрсатувчи спорт тўгаракларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"15. Ижтимоий реестрнинг "камбағал оила" тоифасига киритилган оилаларнинг аъзолари бўлган шуғулланувчилардан пуллик хизмат кўрсатилганлиги учун белгиланган тўловларни имтиёзли равишда 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг "давлат таъминотидаги оила" тоифасига киритилган оилаларнинг аъзолари бўлган шуғулланувчилардан мазкур хизматлар учун белгиланган тўловларни имтиёзли равишда 25 фоиз миқдорида амалга оширилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

"давлат таъминотидаги оила" ёки "камбағал оила" тоифасидан "камбағаллик чегарасидаги оила" тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида "камбағаллик чегарасидаги оила" тоифасига киритилган оилаларга "камбағал оила" тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади".

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 262-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинлари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан ихтиёрийлик асосида жалб этилган маблағларни ва ҳомийлик хайрияларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 9-бандниг "а" кичик банди биринчи хатбошисидаги "кам таъминланган ва эҳтиёжманд" сўзлари "Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзоси" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 2-босқичи "Бажариш механизми" устунининг 4-банди иккинчи хатбошисидаги "кам таъминланган ва эҳтиёжманд" сўзлари "Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзоси" сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги 329-сон қарори билан тасдиқланган Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасаларининг билет нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Аҳолининг айрим тоифаларига (меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган ёки Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзолари) давлат театри ва концерт-томоша муассасаси раҳбарининг тегишли буйруғига асосан тадбирларга билет нархининг 50 фоизигача чегирма берилиши мумкин, бироқ, чегирма берилган билетлар сони умумий билетлар сонининг 50 фоизидан ошмаслиги зарур. Бунда:

а) чегирмалар ушбу бандда белгилаётган тегишли муассасаларнинг ёзма ёки фуқароларнинг оғзаки мурожаати асосида берилади;

б) фуқаронинг оиласи Ижтимоий реестрга киритилганлиги тўғрисидаги маълумот “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидан “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон шаклда текширилади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олинган маълумотнома қоғоз шаклда тақдим этилади;

в) шахснинг боқувчисини йўқотганлигини тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжатлардан бири тақдим этилади:

ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ёки суднинг ота-онани вафот этган деб топганлиги тўғрисидаги қарори нусхаси;

ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

боқувчисини йўқотганлик пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжудлиги ҳақида маълумотнома”.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги низомнинг 6-бандида:

тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўртинчи–олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

бешинчи–ўн саккизинчи хатбошилар тегишлича еттинчи–йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 20 августдаги 698-сон қарорида:

а) 1-илова қуйидаги мазмундаги 16^1-банд билан тўлдирилсин:

“16^1. Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун мазкур регламентнинг 15 ва 16-бандларида белгиланган тегишли йиғимларга 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

б) 2-илова қуйидаги мазмундаги 16^1-банд билан тўлдирилсин:

“16^1. Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун мазкур регламентнинг 15 ва 16-бандларида белгиланган тегишли йиғимларга 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

в) 3-илова қуйидаги мазмундаги 16^1-банд билан тўлдирилсин:

“16^1. Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун мазкур

регламентнинг 15 ва 16-бандларида белгиланган тегишли йиғимларга 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарорида:

а) 1-илованинг 10^2-бандида:

биринчи хатбошидаги “талаба-қизлар учун” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг талаба-қизлари (кейинги ўринларда – талаба-қизлар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Махсус стипендия ўқув семестри якуни натижаларига кўра барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат “аъло” баҳо бўлган ҳамда Ижтимоий реестрига киритилган оилаларнинг талаба-қизларига (кейинги ўринларда — талаба-қизлар) тайинланади ва тўланади”;

учинчи хатбошидаги “Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўртинчи–еттинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Махсус стипендия талаба-қизларга олий таълим муассасаларида умумий шартларда бериладиган стипендия сақлаб қолинган ҳолда қуйидаги миқдорларга қўшимча тарзда ойма-ой тайинланади ва тўланади:

Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оиланинг аъзоси бўлган талаба-қизларга махсус стипендия базавий стипендиянинг икки баравари миқдорида;

Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оиланинг аъзоси бўлган талаба-қизларга махсус стипендия базавий стипендия миқдорида;

Ижтимоий реестрнинг “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оиланинг аъзоси бўлган талаба-қизларга махсус стипендия Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оиланинг талаба-қизлари учун белгиланган миқдорларда”;

бешинчи–еттинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи–ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“махсус стипендия тўланаётган талаба-қизнинг оиласи Ижтимоий реестрдан чиқарилганда”;

б) 2-илова изоҳ қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“* Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан олий таълим муассасалари талабалари стипендияларининг базавий миқдорлари ўзгарган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг буйруғи билан олий таълим муассасалари талабалари стипендияларининг жадвалда кўрсатилган миқдорларига тегишли ўзгартиришлар киритилади”.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандниг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг хотин-қизлари”;

б) 18-бандниг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Ишчи гуруҳлар томонидан мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган мезонлардан бирини тасдиқловчи маълумотлар ва электрон шаклдаги ҳужжатлар (туғилганлик, никоҳ қайд этилганлик, вафот этганлик ҳақида ва бошқа) “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотларга асосан аниқланади”.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 19 августдаги 495-сон қарорида:

а) 3-илова 10-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

б) 4-илованинг 10-банди учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”.

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-илованинг “II. Кўчмас мулк объекти тўғрисида маълумот:” бўлими иккинчи устунининг ўн иккинчи қаторидаги “(давлат хизматлари нархи хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини ташкил қилади)” сўзлари “ёхуд Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоси” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг “III. Кадастр паспортини тайёрлашнинг мақсади:” бўлими иккинчи устуни ўн бешинчи қаторидаги “(давлат хизматлари нархи хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини ташкил қилади)” сўзлари “ёхуд Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 15-банди қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Давлат хизмати кўрсатилгани учун йиғим ундиришда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”.

в) 4-илованинг 16-банди қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Давлат хизмати кўрсатиш учун йиғим ундиришда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 октябрдаги 646-сон қарори билан тасдиқланган Умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш ва сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 18-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи–тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ногиронлиги бўлган болаларга мазкур давлат хизматини кўрсатишда белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

учинчи–еттинчи хатбошилар тегишлича бешинчи–тўққизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 6-позицияси биринчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чегирма қўлланилиш ҳуқуқига эгалиги (Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзолари, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар):”.

27. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарорида:

а) 1-иловада:

4-бандниng биринчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларнинг” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзоларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандниng тўртинчи хатбошисидаги, 43-бандниng бешинчи ва еттинчи хатбошиларидаги ҳамда 1-илова 6-босқичининг “Тадбирлар” устуни 1-бандидаги тегишли келишикдаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловaнинг 2-иловаси 3.2-позицияси иккинчи устунидаги ҳамда 3-иловаси 3-позицияси “Имтиёзлар турлари (тоифалари)” устунидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалар” сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 ноябрдаги 715-сон қарорида:

а) 2-бандниng учинчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

5-бандниng бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчиси ёки Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзанди бўлган абитуриентлар тегишлилиги бўйича ногиронлик гувоҳномаси нусхаси, ваколатли органнинг “Меҳрибонлик уйлари”га жойлаштириш бўйича қарори ёки Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандлари учун Ижтимоий реестрга асосан туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан шакллантирилган маълумотни электрон платформага юклайди. Электрон платформага юкланган ҳужжатлар “PDF” (portable document format) форматида сканер қилинган бўлиши лозим. Сканер қилинган ҳужжатларнинг талаб даражасида бўлмаслиги абитуриентнинг рўйхатдан ўтказилмаслигига асос бўлади”;

15-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Касб-ҳунар мактабларига биринчи навбатда Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандлари (умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари) туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан тақдим этиладиган рўйхат асосида тегишли касблар бўйича, шунингдек, тақдим этилган рўйхатдан ташқари қабул параметрлари доирасидаги ўринларга касб-ҳунар мактабида ўқиш истагида бўлган умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари қабул қилинади”;

16-бандниng биринчи–учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Ҳар йили 10 мартга қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан касб-ҳунар мактабларида ўқиш истагида бўлган 9-синф битирувчилари ва уларнинг истиқболда таълим оладиган касблари рўйхатлари шакллантирилади ҳамда туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига тақдим этилади.

Шакллантирилган маълумотлар асосида ҳар бир касб-ҳунар мактабига ўқишга борадиган Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандлари (9-синф битирувчилари) рўйхати туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан тасдиқланган ҳолда тегишли касб-ҳунар мактабларига ҳар йили 10 апрелга қадар тақдим этилади.

Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан тасдиқланган рўйхатдаги умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари бошқа туман (шаҳар)лардаги касб-ҳунар мактабларига ўқишга кириш истаги мавжуд бўлган ҳолларда, ўқишга қабул қилувчи касб-ҳунар мактаби директори тегишли Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасидан ўқувчини камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан тасдиқланган рўйхат мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди”.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 271-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчилигига номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 8-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи–тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандниng биринчи хатбошисида белгиланган

йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

учинчи–еттинчи хатбошилар тегишлича бешинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 10-бандда:

тўққизинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўққизинчи–ўн биринчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимларнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига мазкур бандда белгиланган йиғимларнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

ўнинчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 2 августдаги 484-сон қарорида:

а) 1-илованинг 13-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга тўловнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-илованинг 19-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга тўловнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги 527-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари орқали олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2^1-банднинг учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2^4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2^4. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг талаба фарзандлари учун 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотларида фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи (GPA (grade point average) кўрсаткичи) “3,5” ва ундан юқори бўлганда, кейинги ўқув йили учун фоизсиз таълим кредити ажратилади.

Бунда олий таълим ташкилотларида таълим олаётган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг талаба фарзандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Ижтимоий реестр” ахборот модули орқали аниқланади

ҳамда мазкур ахборот модули Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Олий таълим жараёнларини бошқариш” (HEMIS) ахборот тизимига ўзаро интеграция қилинади”;

в) 18-банднинг “в”–“г” кичик бандларидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 27 августдаги 544-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошисидаги “2022 йилдан бошлаб, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали оилани кам таъминланган деб эътироф этиш” сўзлари “оилани Ижтимоий реестрга киритиш” сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги 551-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларида халқаро муносабатлар соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларида ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг 14-банди учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги 555-сон қарори билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 11-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўртинчи–олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали давлат хизмати кўрсатилганда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади;

бешинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 21-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи–тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали давлат хизмати кўрсатилганда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур банднинг биринчи хатбошида белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”.

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 585-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) Ижтимоий реестрга киритилган оилалардаги хотин-қизлар”.

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 638-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари тўғрисида низомда:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари тўғрисида НИЗОМ**”;

1-банддаги “жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг (кейинги ўринларда – алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар) таълим тизимини” сўзлари “алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини таъминлашни” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари таълим-тарбия бериш, ўқувчиларни умумий ўрта таълим муассасаларида инклюзив шароитда ўқишга тайёрлаш, коррекцион (тузатувчи) педагогик ёрдам кўрсатиш, касб ўргатиш ва соғломлаштириш муассасалари ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг умумий ўрта таълим олишда ва уларни билиш имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш, коррекцион педагогик ёрдам кўрсатиш, касб ўргатиш орқали уларни

жамиятга мослашуви ва ижтимоий интеграциялашувига кўмаклашиш ҳамда уларга таълим беришда ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилади";

5-банддаги "ваколатли давлат органи томонидан" сўзлари "қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда" сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бобнинг номидаги "муассасаларининг" сўзидан кейин "турлари ва уларнинг" сўзлари билан тўлдирилсин;

6–8-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"6. Қуйидагилар ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг умумий ва йўналишлар бўйича асосий вазифалари ҳисобланади:

а) умумий вазифалар:

Агентлик томонидан таълим соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда тасдиқланган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ўқитиш махсус ўқув дастурлари талаблари асосида билим олиши ва касб ўрганишини таъминлаш;

шахсга ва ижтимоий йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчиларнинг энг мақбул ривожланишини таъминлаш мақсадида табақалаштирилган ва индивидуал (якка тартибда) таълимни ташкил этиш;

шахсий, ижтимоий ҳаётда ва меҳнат фаолиятида ўқувчиларда ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий ва маданий қадриятларга ҳурмат туйғусини тарбиялаш;

ўқувчиларни умумий ўрта таълим муассасаларида инклюзив таълим шароитида ўқишга тайёрлаш;

ўқувчиларнинг ижтимоий, ҳиссий ривожланиши, ҳаётий кўникмаларининг шаклланиши учун зарур коррекцион (тузатувчи)-ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш;

ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг руҳий ҳолати ва саломатлигини тизимли кузатилишини ташкил этиш;

ота-оналар билан ҳамкорликда ҳар бир ўқувчининг индивидуал ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга ошириш;

битирувчиларни ўқишга ёки ишга жойлашишига кўмаклашиш;

ўқувчиларни ижтимоийлаштириш, мустақилликни шакллантириш ва жамиятга интеграция қилиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар билан ишлайдиган педагоглар учун Агентлик кўмагида стажировкаларни ва малака ошириш курсларини ташкил этиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда қисқа муддатли таълим ва тарбия беришга мўлжалланган "Ғамхўрлик" гуруҳларини ташкил этиш;

б) эшитишида нуқсони бўлган болалар учун мактаб ва мактаб-интернатлар бўйича:

эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг махсус таълим эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда давлат таълим стандартларига мувофиқ умумий ўрта таълим олиши учун зарур шароит яратиш;

туғма ёки орттирилган эшитиш йўқотилиши натижасида юзага келган таълим ва нутқ ривожланишидаги бузилишларни коррекция қилиш;

ўқувчиларда оғзаки нутқни лаблардан ўқиш, артикуляцион машқлар ва визуал таянадиган воситалардан фойдаланиш орқали тушуниш кўникмаларини шакллантириш;

ўқувчиларда эшитишни ривожлантириш ва эшитиш-нутқ мулоқотини шакллантириш мақсадида замонавий аудиологик ва ёрдамчи технологиялардан (эшитиш аппаратлари, кохлеар имплантлар, FM-тизимлари ва бошқалар) фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

ўқувчиларнинг индивидуал имкониятлардан келиб чиқиб, мультимодал ёндашувлардан фойдаланган ҳолда уларда оғзаки ва ишорали нутқни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш;

ўқувчиларнинг эшитиш қобилияти, нутқ шаклланиши даражаси, когнитив ва психологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнини индивидуаллаштириш;

касбий йўналишни аниқлаш, меҳнат таълими ва мустақил ҳаёт кўникмаларини ривожлантириш орқали жамиятга интеграциялашувга тайёрлаш;

в) кўришида нуқсони бўлган болалар учун “Нурли маскан” ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар бўйича:

кўзи ожиз болаларга давлат таълим стандартлари асосида умумий ўрта таълим бериш, босма матн ўрнига Брайл алифбоси орқали ўқиш ва ёзишга ўргатиш;

ўқувчиларнинг ўқув материалларини кўриш нуқсонини бартараф этувчи махсус воситалар (рельефли-нуқтали ёзув, тифлотехника воситалари, экранли ўқув қурилмалари, овозли синтезаторлар) орқали ўзлаштиришларини таъминлаш;

йўналишни аниқлаш ва эркин ҳаракатланиш (йўналишни ҳис қилиш ва мобиллик) бўйича машғулотлар ўтказиш, ўқувчиларни ҳасса (таёқча)дан фойдаланишга ўргатиш;

бошқа тана аъзолари орқали ахборотни қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, кўзи ожиз ўқувчиларнинг нутқий ва ижодий салоҳиятини юзага чиқариш;

заиф кўрувчи ўқувчиларга уларнинг кўриш имкониятларига мослаштирилган шаклда умумтаълим дастурларини (катта шрифтли матнлар, ёрқин визуал қўлланмалар) тақдим этиш;

ўқувчиларнинг кўриш қобилиятини сақлаш ва ривожлантириш учун тиббий-педагогик коррекцион тадбирларни амалга ошириш, кўз учун машқлар ва гигиеник кўникмаларни шакллантириш, ранг ва шаклларни фарқлаш қобилиятини ошириш;

г) таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун мактаб ва мактаб-интернатлар бўйича:

жисмоний имконияти чекланган ўқувчиларга умумий ўрта таълимни индивидуал ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув дастурларини уларнинг физиологик ҳолатига мослаштирган ҳолда амалга ошириш;

ўқувчиларнинг мавжуд жисмоний салоҳиятини максимал даражада ривожлантириш, уларда ҳаёт кечириш (ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, протезлар ёки техник ёрдам воситалари орқали ҳаракатланиш) кўникмаларини шакллантириш;

реабилитацион машғулотлар (даволовчи жисмоний тарбия, массаж, физиотерапия) орқали ўқувчиларнинг соғлигини яхшилаш ва ортопедик нуқсонларни имкон қадар бартараф этиш;

ҳаракатланишдаги чекловлар сабабли келиб чиқадиган психологик қийинчиликларни енгиб ўтишга кўмаклашиш, ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

д) руҳий ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаб ва мактаб-интернатлар бўйича:

ўқувчиларнинг руҳий ривожланишидаги сустликни бартараф этишга қаратилган махсус таълим-тарбия бериш, уларни умумтаълим фанларини ўзлаштиришга босқичма-босқич тайёрлаш;

ўқувчиларнинг диққат, хотира, тафаккур каби руҳий функцияларини ривожлантириш учун махсус педагогик технологияларни қўллаш;

таълим жараёнини соддалаштирилган шаклда ташкил этиш, ўқувчиларда ўзига бўлган ишонч ва мустақил ўқиш кўникмасини ошириш;

ақли заиф болаларга савод чиқариш ва оддий ҳисоб-китоб амалларини ўргатиш орқали базавий билим ва кўникмаларни шакллантириш;

ўқувчиларнинг кундалик ҳаётда зарур ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва содда меҳнат амалларини бажариш кўникмаларини сингдириш;

ўқувчиларнинг мавжуд ўзига хос қобилиятларини (рассомлик, ҳунармандчилик, тикувчилик ва бошқалар) аниқлаш ва уларни ривожлантириш орқали ўқувчиларни келгусида фойдали меҳнат фаолиятига тайёрлаш;

ақли заиф ўқувчиларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ижтимоий мослашуви учун қулай шарт-шароит яратиш;

е) кўп функционал инклюзив-ресурс мактаблар бўйича:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ишчи ўқув дастурлари ва таълим траекторияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларни инклюзив таълим муҳитига тайёрлаш мақсадида инклюзив таълим моделини тажрибадан ўтказиш, жорий этиш ва доимий такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар учун махсус адаптив технология воситалари ва ўқитиш методларини тажриба-синовдан ўтказиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларни индивидуал ривожланиши ва имкониятларидан келиб чиқиб, академик ва профессионал (касб-ҳунар, ижод, адаптив спорт) йўналишларга ихтисослаштириш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар, шунингдек, ижтимоий ҳимоя ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларга фарзандларининг профессионал ва ҳаётий кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш мақсадида дарсдан ташқари ўқув курслари, шу жумладан пуллик ўқув курслари, шунингдек, улар учун реабилитация хизматларини кўрсатиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорлик ўрнатиш ва улар учун зарур психологик ва методик ёрдам кўрсатиб бориш учун ўқув-курсларни йўлга қўйиш;

ж) кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактаблар бўйича:

турли ногиронлик тоифаларидаги ўқувчиларнинг оила муҳитида тарбияланишини таъминлаш мақсадида уларнинг яшаш жойи яқинида таълим олиш имкониятини яратиш;

ҳар бир боланинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини шакллантириш, уларни зарур коррекцион хизматлар билан қамраб олиш;

турли ногиронлик тоифаларидаги ўқувчиларга таълим беришни бир муассаса доирасида бирлаштириш орқали ресурслар ва мутахассислардан самарали фойдаланиш;

психологик-педагогик хулоса асосида махсус йўналтирилган машғулотлар ташкил этиш, махсус таълим технологиялари ва ресурслардан фойдаланиш;

боланинг ривожланиши ва таълим жараёнини мунтазам мониторинг қилиш ва баҳолаб бориш;

ўқувчилар ўртасида ҳамкорлик ва дўстлик муҳитини шакллантириш, уларнинг бир-бирини тушуниши ва биргаликда ижтимоий фаолиятларда иштирок этишини қўллаб-қувватлаш.

7. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда ташкил этилади ҳамда ҳудудий тегишлилик бўйича Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинади.

8. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) ва соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан ҳудуддаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг мавжуд контингентини биргаликда ўрганиб чиқиш якунлари бўйича Агентлик томонидан ташкил этилади";

9-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин:

иккинчи хатбоши биринчи деб ҳисоблансин;

10, 49, 51, 52, 54 ва 60-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

11-банддан "ҳудудий халқ таълими бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг ижобий хулосалари мавжуд бўлган тақдирда," сўзлари чиқариб ташлансин;

13–15-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"13. I ва II турдаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларида кар болалар заиф эшитувчи (кейинчалик кар бўлган) болалардан ҳамда кўзи ожиз болалар заиф кўрувчи болалардан алоҳида синфларда таълим олади.

14. Мактаб-интернат типидаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун мактаб-интернатлар ҳамда руҳий ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаб-интернатлар бундан мустасно) болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида бир йил муддатли тайёрлов синфлари ташкил этилиши мумкин.

Тайёрлов синфларида болаларни ўқитиш махсус ўқув дастурлари асосида олиб борилади.

15. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчилар сони I–IV турдагилар учун 250 нафардан, V–VI турдагилар учун 300 нафардан ошмаслиги керак.

Ўқувчилар сони белгиланган меъёрдан ошишига санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ, ихтисослаштирилган таълим муассасасининг ўқувчилар билан тўлдирилиш сиғимидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда Агентликнинг розилиги асосида йўл қўйилади";

16-бандда:

биринчи хатбошидаги “6 ёшдан” сўзлари “6 ёшга тўладиган йилда” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “икки йилга” сўзлари “беш йилгача” сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандниng биринчи хатбошисидан “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармалари” сўзлари “ҳудудий бошқармалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасасига қабул қилиш ўқув йили давомида психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасига асосан ихтисослаштирилган таълим муассасаси директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади”;

22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қуйидаги тоифадаги болалар қабул қилинади:

эшитишда нуқсони бўлган болалар;

кўришда нуқсони бўлган болалар;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар;

руҳий ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар;

мураккаб нуқсонли болалар (ривожланишида икки ва ундан ортиқ нуқсонлари бўлган болалар).

Кўп функцияли инклюзив-коррекцион мактабларда болаларнинг интеграциясини таъминлаш мақсадида мазкур бандда назарда тутилган тоифадаги болалар билан бирга соғлом болалар қабул қилинади”;

24-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“оғир даражадаги, чуқур ақлий заифлиги бўлган болалар;

олтинчи хатбошидаги “эпилептик” сўзи “(бир ойда беш мартадан ортиқ)” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги” сўзлари “ёки Агентлик” сўзлари билан алмаштирилсин;

25–28-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олиши қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларда фундаментал умумтаълим саводхонлик ва ҳаётий кўникмаларни шакллантириш, уларни умумий ўрта таълимнинг инклюзив муҳитига тайёрлаш;

ўқувчиларнинг имкониятлари ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда махсус ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш;

ўқув-тарбия ва касб ўргатиш жараёнини ташкил этишда табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш.

26. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш, тарбиялаш ва касб ўргатиш жараёни ўқувчиларнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ўқувчи учун индивидуал таълим режаси асосида ташкил этилади. Ўқувчиларнинг билимлари улардаги нуқсонларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда белгиланган тартибда баҳоланади.

Таълим-тарбия жараёни давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқ олиб борилади.

27. Ўқиш ва дам олиш кўзда тутиладиган кун тартиби болаларнинг ихтисослаштирилган таълим муассасасида яшашини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

28. Педагогик-коррекцион таълим жараёни ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг педагогик кенгашлари томонидан ишлаб чиқилган йиллик режа асосида, педагоглар томонидан таълим жараёнида фойдаланиладиган методикалар таркибида дарсларда, синфдан ташқари ва бошқа тадбирларда амалга оширилади";

30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"30. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ривожланишдаги нуқсонларни тузатиш мақсадида қуйидаги тартибда коррекцион машғулотлар кичик гуруҳ (3-4 нафар ўқувчи), ялпи гуруҳ (синфдаги барча ўқувчилар) билан ёки якка тартибда (1 нафар ўқувчи) олиб борилади:

Т/р	**Коррекцион машғулот**	**Олиб бориш тартиби**
Кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар		
1.	Логопедия машғулоти	Якка ва кичик гуруҳ
2.	Предмет тасаввурини шакллантириш ва кўриш идрокини ривожлантириш	Ялпи гуруҳ
3.	Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш	Ялпи гуруҳ
4.	Мўлжал олиш ва ҳаракатланиш	Якка ва кичик гуруҳ
5.	Тери туйишни ва майда қўл моторикасини ривожлантириш	Ялпи гуруҳ
6.	Даволаш гимнастикаси	Якка ва кичик гуруҳ
7.	Ритмика	Ялпи гуруҳ

Заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлари		
1.	Логопедия машғулоти	Якка ва кичик гуруҳ
2.	Предмет тасаввурини шакллантириш ва кўрув идрокини ривожлантириш	Ялпи гуруҳ
3.	Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш	Ялпи гуруҳ
4.	Тери туйишни ва майда қўл моторикасини ривожлантириш	Кичик гуруҳли
5.	Даволаш гимнастикаси	Якка ва кичик гуруҳ
6.	Ритмика	Ялпи гуруҳ
Мураккаб нуқсонли (кўзи ожиз ёки заиф кўрадиган ақли заиф) ўқувчилар		
1.	Логопедия машғулоти	Якка ва кичик гуруҳ
2.	Предмет тасаввурини шакллантириш ва кўрув идрокини ривожлантириш	Ялпи гуруҳ
3.	Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш	Ялпи гуруҳ
4.	Мўлжал олиш ва ҳаракатланиш	Якка ва кичик гуруҳ
5.	Тери туйишни ва майда қўл моторикасини ривожлантириш	Кичик гуруҳ
6.	Даволаш гимнастикаси	Якка ва кичик гуруҳ
7.	Ритмика	Ялпи гуруҳ
Таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бўлган болалар учун		
1.	Логопедия машғулоти	Якка ва кичик гуруҳ
Мураккаб нуқсонли (таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бўлган ақли заиф) болалар учун		
1.	Логопедия машғулоти	Якка ва кичик гуруҳ
2.	Ритмика	Ялпи гуруҳ
3.	Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш	Ялпи гуруҳ
Кар ва заиф эшитувчи болалар учун		
1.	Эшитиш идрокини ривожлантириш, талаффузни шакллантириш	Якка ва кичик гуруҳ

2.	Мусиқали ритмика	Ялпи гуруҳ
3.	Нутқий мулоқот	Ялпи гуруҳ
4.	Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш	Ялпи гуруҳ
Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун		
1.	Логопедия машғулотлари	Якка ва кичик гуруҳ
2.	Даволаш гимнастикаси	Якка ва кичик гуруҳ
3.	Ритмика	Ялпи гуруҳ
4.	Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш	Ялпи гуруҳ
Коррекцион синфлар учун		
1.	Логопедия машғулотлари	Якка ва кичик гуруҳ
2.	Ривожланишдаги камчиликларни тузатиш	Якка ва кичик гуруҳ

”;

32-банднинг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Синфда болалар сони белгиланган максимал меъёрдан кўп бўлиб, болалар сони алоҳида синф ташкил этиш меъёрига етмаган ҳолларда улар битта синфда ўқитилади ва максимал меъёрдан кўп болаларни ўқитганлик учун қўшимча ҳақ тўловлари амалга оширилмайди”;

33 ва 34-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. Ўқув йили давомида қўшимча синфларни очиш Агентликнинг рухсатига мувофиқ, ҳудудий бошқармаларнинг тақдимотлари бўйича амалга оширилади.

34. Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги тарбия гуруҳларида ва ихтисослаштирилган мактаблардаги куни узайтирилган гуруҳларда болалар сони қуйидагича белгиланади:

Таълим йўналишлари турлари ва болалар тоифалари	Тайёрлов синфдаги болалар сони	Тарбия гуруҳлари ва куни узайтирилган гуруҳларнинг минимал тўлдирилиши	
		Бошланғич синфлардаги болалар сони	Юқори синфлардаги болалар сони
1. I тур:			
Эшитишида нуқсонлари бўлган болалар	8	8	12

2. II тур:			
Кўришида нуқсонлари бўлган болалар	10	10	12
3. III тур:			
Руҳий ва ақлий ривожланишда нуқсони бўлган болалар	-	12	16
Енгил даражадаги ақлий заиф болалар	-	12	12
Мўътадил даражадаги ақлий заиф болалар	-	10	10
4. IV тур:			
Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар	-	12	23
Барча турдаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқиётган мураккаб нуқсонли (ривожланишида икки ва ундан ортиқ нуқсон бўлган) болалар	6	6	8

”;

35-бандниng иккинчи хатбошисидаги “интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатлар)” сўзлари “(руҳий ва ақлий ривожланишда нуқсони бўлган болалар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклюзив шароитда таълим олиши учун умумтаълим ташкилотларига ўтказиш ушбу Низомга иловага мувофиқ ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига асосан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига кўра ўқув йили давомида амалга оширилади.

Бунда ўқувчини қабул қилаётган таълим муассасасининг розилиги ва таълим бериш имкониятлари инобатга олинади”;

қуйидаги мазмундаги 40^1-банд билан тўлдирилсин:

“40^1. Ўқувчиларнинг ривожланишидаги хусусиятлари, фанларни ўзлаштириши, ижтимоий ва шахсий ривожланишини режалаштириш, мувофиқлаштириш ва кузатиб бориш мақсадида Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ривожланиш харитаси юритилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ривожланиш харитасини юритиш тартиби Агентлик томонидан белгиланади";

41-банд "имкониятлари ва қизиқишларини" сўзларидан кейин "ҳамда ўқитиладиган касбларнинг долзарбилигини" сўзлари билан тўлдирилсин;

42–44-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"42. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун таълим муассасасининг имкониятларига кўра турли тўгараклар, театрлар, клублар, студиялар, секциялар ташкил этилади.

43. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида мажбурий умумий ўрта таълим 11 йиллик, руҳий ва ақлий ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун мактаб, мактаб-интернатларда 9 йиллик муддатда амалга оширилади.

44. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитувчи ва тарбиячи лавозимида коррекцион педагогика ва дефектология соҳаси бўйича олий маълумотли махсус педагоглар (сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика ва логопедия мутахассислари), эшитишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқитувчи лавозимига дарс ўтиладиган имо-ишора тилини биладиган педагоглар, шунингдек, ихтисослаштирилган таълим муассасасининг фаолият тури (соҳаси) бўйича тегишли қайта тайёрлашдан ўтган мутахассис ходимлар фаолият юритади";

46-бандниг иккинчи хатбошисидаги "тиббий-меҳнат эксперт" сўзлари "тиббий-ижтимоий экспертиза" сўзлари билан алмаштирилсин;

48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"48. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган соғломлаштириш, реабилитация қилиш, касаллик ва унга ҳамроҳ хасталиклар хуружининг олдини олиш, саломатлигини яхшилаш, санитария-гигиена ва профилактика тадбирлари ихтисослаштирилган таълим муассасасининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади";

53-банддаги тегишли келишикдаги "бола" сўзи "ўқувчи" сўзи билан алмаштирилсин;

61-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"61. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида қуйидаги ҳолларда ўқувчилар учун сутка давомида ишлайдиган гуруҳлар ташкил этилади:

ўқувчининг яшаш жойи (хонадони) билан ихтисослаштирилган таълим муассасаси орасидаги масофа 30 километрдан ортиқ бўлса;

ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, ака ёки укаси ёхуд опа ёки синглиси I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобланса";

қуйидаги мазмундаги 61[1]-банд билан тўлдирилсин:

“61[1]. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув ҳафтасининг давомийлиги – 6 кун, бошланғич синфларда – 5 кунни ташкил этади.

Ўқувчиларнинг якшанба (бошланғич синфлар учун шанба ва якшанба), байрам ва таътил кунларида ихтисослаштирилган таълим муассасаларида бўлишига йўл қўйилмайди”;

66-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“66. Ихтисослаштирилган таълим муассасасининг тарбиячиси ривожланишдаги нуқсонларни коррекциялаш ишларида ўқитувчи ишларини давом эттиради, жисмоний ёки руҳий нуқсонлар сабабли юзага келадиган руҳий ёки жисмоний ривожланиш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўқувчиларга индивидуал ёндашувни амалга оширади, ўқувчининг ривожланиш харитасини юритади, ўз гуруҳидаги ўқувчиларнинг ҳаёти ва саломатлиги сақланиши учун жавоб беради”;

69–73-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“69. Ихтисослаштирилган таълим муассасасига бевосита раҳбарлик қилиш Агентлик билан келишган ҳолда ҳудудий бошқармалар томонидан тайинланадиган директор томонидан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаси директори билан бир йил муддатга меҳнат шартномаси тузилади. Бир йил давомида фаолияти қониқарли деб топилган таълим муассасаси директори билан келгуси меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилиши ҳамда ихтисослаштирилган таълим муассасасининг харажатлар сметасида назарда тутилган моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари доирасида, бир ойлик иш ҳақи миқдорида бир йилда бир марталик мукофот пули тўланиши мумкин.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаси директори лавозимига Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан белгиланган малакавий талаблар қўйилади.

70. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида психологик-тиббий-педагогик кенгаши, методик ҳамда кузатув кенгашлари ташкил этилади ва фаолият юритади ҳамда уларнинг фаолияти тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

Директор ихтисослаштирилган таълим муассасасининг психологик-тиббий-педагогик кенгаши ва ҳудудий бошқарма олдида ҳисоб беради.

71. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайр-эҳсонлари ва мақсадли бадаллари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари;

бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага бериш ҳисобидан тушган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

72. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметалари асосида молиялаштирилади.

73. Штатлар жадвали Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишган ҳолда Агентлик директори томонидан тасдиқланган намунавий штатларга мувофиқ тасдиқланади";

76-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"76. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларни ўқитиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларни гигиена воситалари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Агентлик томонидан белгиланади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун ота-оналардан ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан тўлов ундирилмайди";

қуйидаги мазмундаги 76^1–76^2-бандлар билан тўлдирилсин:

"76^1. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни, бўш турган биноларни ижарага беришдан, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан, кўрсатилган таълим хизматларидан тушган маблағлар муассасанинг ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварақларида 100 фоиз қолади ва улар томонидан мустақил равишда тасарруф қилинади.

76^2. Ихтисослаштирилган таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари:

жамғармага ойлик, чораклик ёки йиллик тушган маблағлар бўйича (мақсадли ҳомийлик хайрияларидан ташқари) жами тушумдан ўн фоизгача бўлган миқдори ихтисослаштирилган таълим муассасаси раҳбари, ўринбосарлари ва бош ҳисобчиларини моддий рағбатлантиришга;

ихтисослаштирилган таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;

касб ўргатиш ва ишлаб чиқариш учун зарур хом-ашёларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилишга;

жами тушган тушумларнинг 70 фоизгача бўлган қисми ихтисослаштирилган таълим муассасасининг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади";

78-банддаги "молия органлари" сўзлари "Агентлик" сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 78[1]-банд билан тўлдирилсин:

"78[1]. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси ер участкаларини фойдаланишга бериш, олиб қўйиш, ер участкаларининг ўлчами ва чегараларини ўзгартириш Агентлик билан келишилгандан сўнг амалга оширилади";

80-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"80. Ихтисослаштирилган таълим муассасасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, қоидага кўра, ўқув йили тугагач амалга оширилади, бунда, ҳудудий бошқармалар ихтисослаштирилган таълим муассасалари директорлари билан биргаликда ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан келишган ҳолда ўқувчиларни бошқа таълим муассасаларига кўчириш масъулиятини ўз зиммасига олади".

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 январдаги 41-сон қарори билан тасдиқланган Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш концепциясининг 5.4-банди бешинчи хатбошисидаги "кам таъминланган" сўзлари "Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий регламентининг 9-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

"Агарда ариза Ижтимоий реестрнинг "камбағал оила" тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоси ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс томонидан берилган ҳолда, бундай шахсларнинг аризалари бўйича ушбу бандниг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган йиғимдан 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг "давлат таъминотидаги оила" тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

"давлат таъминотидаги оила" ёки "камбағал оила" тоифасидан "камбағаллик чегарасидаги оила" тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 февралдаги 73-сон қарори билан тасдиқланган Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 10-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги бешинчи–еттинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамда ногиронлиги бўлган болаларга мазкур давлат хизматини кўрсатишда белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўловнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

олтинчи–еттинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-илованинг 9-позицияси биринчи устунидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзолари” сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарорида:

а) 4-бандниng “а” кичик банди иккинчи–учинчи хатбошиларидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

1-банддаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоси бўлган” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандниng олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

9-бандниng учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

34-бандниng бешинчи хатбошисидаги ва 35-бандниng биринчи хатбошисидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

2-банддаги, 4^1-бандниng биринчи хатбошисидаги, 4^2-банддаги, 13-бандниng учинчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг 30 ёшдан ошган хотин-қизларига – индивидуал режа асосида”;

1-иловада:

7-позициянинг учинчи устуни тўртинчи ва олтинчи хатбошиларидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳ қисми иккинчи хатбошисидаги “Камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг номидаги ва 2–4-позицияларининг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг 2 ва 4-позициялари учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илованинг 2-позицияси учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-илованинг 2-позицияси учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-илованинг 2, 4, 7-позицияларининг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 июндаги 294-сон қарорининг 5-банди саккизинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ёки “Камбағал оилалар реестри” ахборот модулига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг “Янги Ўзбекистон” университетининг иқтидорли талабаларига давлат грантини бериш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари

ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битирувчиларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида" 2022 йил 2 июндаги 300-сон қарорида:

а) 1-бандниng "а" кичик банди ўнинчи хатбошисидаги ва 2-бандниng "а" кичик банди иккинчи хатбошисидаги "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га" сўзлари "Ижтимоий реестрга" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованиng 4-банди олтинчи хатбошисидаги, 11-банди "б" кичик банди тўртинчи хатбошисидаги ва илованиng 1-босқичи "Тадбирлар" устунидаги "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га" сўзлари "Ижтимоий реестрга" сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг "Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарорида:

а) 1-илованиng 5-банди саккизинчи хатбошисидаги, 6 ва 7-бандларининг биринчи хатбошиларидаги, 10-бандниng "а" кичик бандидаги, "б" кичик банди биринчи хатбошисидаги ва "в" кичик бандидаги "Камбағал оилалар реестрига" сўзлари "Ижтимоий реестрга" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

4-бандниng иккинчи хатбошисидаги ", "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ёки Камбағал оилалар реестри"га" сўзлари "ёки Ижтимоий реестрга" сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандниng олтинчи хатбошисидаги "Оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режага мувофиқ камбағал" сўзлари "Индивидуал режага мувофиқ Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандниng учинчи хатбошисидаги "Оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режада камбағал" сўзлари "Индивидуал режада Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги, 1-илованиng 7-позицияси учинчи устунининг тўртинчи ва олтинчи хатбошиларидаги, 2-илованиng 8-позицияси учинчи устуни 1-бандидаги, 3-илованиng 8-позицияси учинчи устунидаги, 4-илованиng 6-позицияси учинчи устунининг "б" кичик бандидаги, 6-илованиng 7-позицияси учинчи устунидаги, 7-илованиng 8-позицияси учинчи устуни 1-бандидаги, 11-илованиng 8-позицияси учинчи устуни 2-бандидаги ва 13-илованиng 6-позицияси учинчи устунидаги "в" кичик бандидаги ҳамда 9-позицияси учинчи устуни иккинчи хатбошисидаги "Камбағал оилалар реестрига" сўзлари "Ижтимоий реестрга" сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Ижтимоий реестрга киритилган оила ёшларига ижтимоий ёрдамларни кўрсатиш қўшимча мурожаат талаб этмаган ҳолда уларнинг оиласи бўйича ишлаб чиқилган индивидуал режага мувофиқ амалга оширилади”;

1-илованинг изоҳ қисмидаги ва 3-илованинг 4-позицияси учинчи устунидаги “Камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

2–3-иловаларнинг 3-позицияси учинчи устунидаги, 4-илованинг 3-позицияси учинчи устуни 1-бандидаги, 5-10 ва 12-иловаларнинг 3-позицияси учинчи устунидаги “Оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа” сўзлари “Индивидуал режа” сўзлари билан алмаштирилсин;

2–3-иловаларнинг 6-позицияси учинчи устунидаги, 4-илованинг 6-позицияси учинчи устунининг “а” кичик бандидаги, 5-илованинг 6-позицияси учинчи устунидаги, 6-илованинг 5-позицияси учинчи устунидаги, 7-10 ва 12-иловаларнинг 6-позицияси учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрида туриши” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 2 августдаги 426-сон қарорида:

а) 3-илованинг 6-банди еттинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин

“Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш ахборот тизими ва “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ўртасида ўзаро алмашиладиган маълумотлар
РЎЙХАТИ

Т/р	**Маълумот ва ҳужжатлар номи**	**Маълумот ва ҳужжатларни бериш учун масъул ваколатли органлар**
1.	Шахсга доир маълумотлар	Ички ишлар вазирлиги
2.	Туғилиш, ўлим, никоҳни қайд этиш ва никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги маълумотлар	Адлия вазирлиги
3.	Давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда – ДХШ) асосидаги ташкилотлар	

	давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома маълумотлари	
4.	ДХШ асосидаги ташкилотларга оид лицензия ва хабарномалар қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома мавжудлиги бўйича маълумотлар	
5.	Боқувчисини йўқотган аёллар ва уларнинг фарзандлари тўғрисидаги маълумотлар	
6.	ДХШ асосидаги ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлиги ёки тўхтатганлиги тўғрисидаги маълумотлар	Солиқ қўмитаси
7.	ДХШ асосидаги ташкилотлар томонидан кўчмас мулк объектларини ижарага олишга оид маълумотлар	
8.	ДХШ асосидаги ташкилотлар томонидан фойдаланадиган кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотлар	Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги ҳузуридаги Кадастр агентлиги
9.	I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
10.	Оиланинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги тўғрисидаги маълумотлар	
11.	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотлар	
12.	“Темир дафтар”га киритилган оилалар тўғрисидаги маълумотлар	
13.	Мактабгача таълим ташкилотларининг ходимлари тўғрисидаги маълумотлар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
14.	Олий ёки касбий таълим муассасалари битирувчиларига берилган диплом тўғрисидаги маълумотлар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
15.	Жисмоний шахсларнинг бандлиги тўғрисидаги маълумотлар	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
16.	Ходимларнинг малака тоифалари тўғрисидаги маълумотлар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
17.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар)лар бўйича 7 ёшгача ва 7 ёшдаги болалар сони тўғрисидаги маълумотлар	Миллий статистика қўмитаси

18.	Электр энергияси ва табиий газ таъминоти ташкилотларининг ахборот тизимларидаги ҳар ойлик маълумотлар	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ
19.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
20.	“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар	Ёшлар ишлари агентлиги

”.

45. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида таълим олиши учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 18 августдаги 457-сон қарорида:

а) 2-банд олтинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

2^1-бандниng учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

2^4-бандда:

биринчи хатбошидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда олий таълим ташкилотларида таълим олаётган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг талаба фарзандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Ижтимоий реестр” ахборот модули орқали аниқланади ҳамда мазкур ахборот модули Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Олий таълим жараёнларини бошқариш” (HEMIS) ахборот тизимига ўзаро интеграция қилинади”;

16-бандда:

“в” кичик банддаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

“г” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) Ижтимоий реестрга киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома (Ижтимоий реестрга киритилган оилалар хотин-қизлари учун)”.

46. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги 464-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 40-банди учинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

47. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 августдаги 479-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларни Мобил-ID тизимида идентификациялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги тўртинчи–олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтказиш давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилганда Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандниг иккинчи хатбошисида белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўловнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

бешинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

48. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 645-сон қарори билан тасдиқланган Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисидаги низомда:

6-бандниг тўртинчи хатбошисидаги ва 21-бандниг ўн биринчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоси бўлган” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-бандниг еттинчи ва ўн бешинчи хатбошиларидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 ноябрдаги 650-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари тўғрисидаги низомнинг 12-банди иккинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

50. Вазирлар Маҳкамасининг “Республикадаги нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ёшларнинг ахборот технологиялари соҳасида таҳсил олиши учун таълим кредити ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 27 февралдаги 79-сон қарорида:

а) 2-бандниг тўртинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

13-банддаги, 15-бандниng “в” кичик бандидаги ва 26-банддаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-бандниng “г” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) Ижтимоий реестрга киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома (Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандлари бўлган ёшлар учун)”.

51. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриатига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 48-банди учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалар” сўзлари билан алмаштирилсин.

52. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларидан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарорида:

а) 1-иловада:

25-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу банддаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўлов ставкаларининг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

35-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу банддаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўлов ставкаларининг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-илованинг 23-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу банддаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўлов ставкаларининг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 6-иловада:

28-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу банддаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўлов ставкаларининг

75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифадаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

61-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу банддаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўлов ставкаларининг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

53. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 июндаги 267-сон қарори билан тасдиқланган “2023–2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харита”сининг 11-позициясининг “Чора-тадбирлар номи” устунидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оила” сўзлари билан алмаштирилсин.

54. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 июлдаги 279-сон қарори билан тасдиқланган “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-бандниг учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандниng биринчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га (кейинги ўринларда – Ижтимоий реестр)” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

55. Вазирлар Маҳкамасининг “Спортчиларга спорт паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 24 июлдаги 309-сон қарорида:

а) 1-бандниng олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) илованиng 14-банди учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида белгиланган йиғим миқдорининг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғим миқдорининг 25 фоизи миқдорида ундирилади. Бунда имтиёз Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифага киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифадаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”.

56. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 31 июлдаги 321-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойига бориб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 11-банди биринчи ва учинчи хатбошиларидаги, 1-илованиng 2-босқичи “Тадбирлар” устуни 2-бандидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” сўзлари “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” сўзлари билан алмаштирилсин.

57. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 августдаги 376-сон қарорида:

а) 3-банд “в” кичик бандининг учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” сўзлари “Ижтимоий реестр” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

5-банд “а” кичик банди учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” сўзлари “Ижтимоий реестр” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг “III. Имтиёзли ҳуқуқ борлиги ҳақидаги маълумотлар ва уларни тасдиқловчи ҳужжатлар (мавжуд бўлса)*” бўлимидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

58. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 сентябрдаги 437-сон қарори билан тасдиқланган “Ибратли оила” кўкрак нишони тўғрисидаги низомга 4-илованинг 2.5-позицияси “Кўрсаткичлар” устунидаги “Кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоси бўлган” сўзлари билан алмаштирилсин.

59. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 сентябрдаги 477-сон қарори билан тасдиқланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 22-бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи–тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандниг биринчи хатбошисида белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

учинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

60. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 14 октябрдаги 539-сон қарорида:

а) 3-бандниг “а” кичик бандида:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар “Инсон” ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари томонидан тасдиқланган индивидуал тартибдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режаси асосида бир йилда камида бир маротаба тегишлилиги бўйича оилавий поликлиникалар билан келишилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади;

ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳолати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мониторинг қилинади";

саккизинчи хатбошидаги "кам таъминланган" сўзлари "Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

"I. "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар" бўлими "Кам таъминланган оилалар бўйича" кичик бўлимининг номидаги ва 22-позициясидаги "Кам таъминланган" сўзлари "Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин;

"II. Ижтимоий ходимлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар" бўлимида:

"Кам таъминланган оилалар бўйича" кичик бўлимининг номидаги, 39 ва 40-позицияларидаги "Кам таъминланган" сўзлари "Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин;

49-позициянинг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатда бўлган" сўзлари "Ижтимоий реестрга" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова "II. Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс номидан сўровнома (ариза) киритиш йўли билан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар" бўлимида:

"Кам таъминланган оилалар бўйича" кичик бўлимининг номидаги "Кам таъминланган" сўзлари "Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин;

15-позициянинг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги" сўзлари "Ижтимоий реестрга киритилганлиги" сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-иловада:

2-позиция чиқариб ташлансин;

11-позициянинг "Кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар" устунидаги "жадвал" сўзи "индивидуал тартибдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

22-позициянинг "Кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар" устунидаги "Кам таъминланган" сўзлари "Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин.

61. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган Туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 9-банди "в" кичик банди тўртинчи хатбошисидаги "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"

ахборот тизимига ёки “Камбағал оилалар реестри” ахборот модулига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

62. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 612-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентида:

а) 9-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўртинчи–олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрида “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

бешинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 19-иловада:

номидаги “Кам таъминланган деб эътироф этилганлик” сўзлари “Оиланинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-позициянинг иккинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Оиланинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги тўғрисида маълумотнома”;

3-позициянинг иккинчи устунидаги “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари “Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-позициянинг иккинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ушбу маълумотнома қонунчилик ҳужжатларида белгиланган хизматлардан фойдаланиш ва имтиёзларни олиш учун тақдим этилади ва оила Ижтимоий реестрда бўлган даврида амал қилади”.

63. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 635-сон қарори билан тасдиқланган Айрим турдаги малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентида:

а) 11-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 51-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи–бешинчи хатбошилар тегишлича олтинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

64. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 январдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 31-бандидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри, Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

65. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 февралдаги 87-сон қарори билан тасдиқланган Давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 15-бандида:

а) иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи–тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга тўловлар бўйича 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўловлар бўйича 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

б) учинчи–бешинчи хатбошилар тегишлича бешинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

66. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 124-сон қарори билан тасдиқланган Давлат уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 95-бандида:

а) учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан мазкур давлат хизматини кўрсатишда белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўловлар бўйича 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

б) тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

67. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 апрелдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга 4-илованинг “XXII. Электрон скутер” ва “XXIV. Функционал кроват” бўлимларининг изоҳ қисмларидаги “Камбағал оилалар реестри ёки Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

68. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 майдаги 291-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди еттинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

69. Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолашда маҳалла раисининг иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 18 майдаги 292-сон қарорининг 3-банди “в” кичик бандида:

ўн саккизинчи хатбошидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

қирқ бешинчи хатбошидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

қирқ саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

70. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 314-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ҳисобланмайдиган юридик ва жисмоний шахсларда ишлайдиган оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Бюджет ташкилотларида ишлайдиган аёлларга ва онанинг ўрнини босувчи шахсларга болалар нафақасини тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”.

71. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарорида:

а) 1-банднинг “б” кичик банди учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банд “а” кичик бандининг учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ягона реестр)га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

3-банднинг “б” кичик банди учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига (кейинги ўринларда – Ягона реестр)” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

29 ва 33-бандлардаги ҳамда 36-банднинг иккинчи–учинчи хатбошиларидаги “Ягона” сўзи “Ижтимоий” сўзи билан алмаштирилсин;

5-иловадаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

72. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 15 июндаги 337-сон қарори билан тасдиқланган “2035 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғидаги тариф сиёсатининг асосий йўналишларида:

2-бандниng бешинчи хатбошисидаги “аҳолининг кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалар ва аҳолининг ҳимояга муҳтож бошқа” сўзлари билан алмаштирилсин;

3–4-бандларнинг бешинчи хатбошисидаги “аҳолининг кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалар ва аҳолининг ҳимояга муҳтож бошқа” сўзлари билан алмаштирилсин.

73. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 августдаги 484-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари классификаторининг 90-позициясида:

“Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари номланиши” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий реестрга киритилган оила”;

“Оғир (қийин) ҳаётий вазиятни келтириб чиқарадиган ҳолатларнинг қисқача тавсифи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра даромади қонунчилик ҳужжатларида белгиланган минимал истеъмол харажатларидан кам бўлган “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” тоифасидаги оила ҳамда даромади қонунчилик ҳужжатларида белгиланган минимал истеъмол харажатларининг бир ярим бараваридан кам бўлган “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасидаги оила”.

74. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий картани жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 6 августдаги 485-сон қарорининг 3-бандида:

учинчи хатбошидаги “2026 йилга қадар” сўзлари “2026 йил 1 апрелга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2026 йил 1 апрелдан бошлаб молиявий агент функцияси тегишли техник талабларга мос бўлган Ўзбекистон Республикасининг барча резидент тижорат банклари томонидан амалга оширилишига рухсат этилади”;

тўртинчи–олтинчи хатбошилар тегишлича бешинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

75. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 августдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тўғрисидаги низом 12-бандининг “л” кичик банди еттинчи хатбошисидаги ва “м” кичик банди бешинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрига киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

76. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари ва капитал қурилиш объектларининг ягона классификаторини амалга киритиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 сентябрдаги 614-сон қарорида:

а) 3-илованинг 8-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Агарда ариза Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзолари ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс томонидан берилган ҳолда, бундай шахсларнинг аризалари бўйича ушбу бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган йиғимдан 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига ушбу бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган йиғимдан 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 4-илованинг 8-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Агарда ариза Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзолари ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс томонидан берилган ҳолда, бундай шахсларнинг аризалари бўйича ушбу бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган йиғимдан 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига ушбу бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган йиғимдан 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат

қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма “Ижтимоий реестр”нинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 5-илованинг 8-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Агарда ариза Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзолари ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс томонидан берилган ҳолда, бундай шахсларнинг аризалари бўйича ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган йиғимдан 50 фоиз миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган йиғимдан 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

77. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 октябрдаги 645-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди еттинчи хатбошисидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

78. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 21 октябрдаги 691-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳалла еттилиги” тавсияси асосида камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга ипотека кредитини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахс – Ижтимоий реестрга киритилган оиланинг уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аъзоси”.

79. Вазирлар Маҳкамасининг “Фаол нуронийларни камбағал оилаларга бириктириш ҳамда маҳаллада соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга жалб этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 27 декабрдаги 892-сон қарорида:

а) қарор номидаги, 2-бандниng биринчи ва учинчи хатбошиларидаги ва 3-банддаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

номидаги, 1-банддаги, 2–3-бобларнинг номидаги, 4-бандниng биринчи-иккинчи хатбошиларидаги, 10-бандниng биринчи ва учинчи хатбошиларидаги, 11-банддаги, 12–13-бандларнинг учинчи хатбошиларидаги ҳамда 14, 29-бандлардаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва “Камбағаллик реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-параграфнинг номидаги, 9 ва 16-бандлардаги “Камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-бандниng тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий реестрга киритилган оилага ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимларини харид қилиш учун ажратиладиган маблағлар 2026 йил 1 январдан бошлаб оила аъзосининг танловига асосан унинг номига очилган “ижтимоий карта”га пул кўчириш йўли билан амалга оширилишига рухсат берилади. Бунда “Нуроний” жамғармасининг ҳудудий бўлимлари томонидан Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандига ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимлари хариди учун маблағ ажратиш тўғрисида буйруқ қабул қилади. Тегишли буйруқ қабул қилинган куннинг ўзида камбағал оила аъзосининг “ижтимоий карта”сига маблағларни ўтказиб беради”;

1-иловада:

илова белгисидаги, 5-босқичнинг “Тадбирлар” устунидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

илова номидаги ва 1–2-босқичлар “Тадбирлар” устунининг 1–2-бандларидаги “Камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг илова белгисидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

80. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда “ижтимоий карта” тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги 897-сон қарорида:

а) 2-бандда:

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) мазкур қарорга 1-иловада назарда тутилган шахслар учун муомалага чиқарилган ва фойдаланиш учун тақдим этилган ижтимоий карта қуйидагиларга молиявий агент томонидан ҳақ ундирилмаган ҳолда ўн беш кун муддатда етказиб берилади:”;

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи–йигирманчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“кресло-аравачага муҳтожлик белгиланган ногиронлиги бўлган шахслар;

ногиронлиги бўлган кўзи ожиз шахслар;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар.

Бунда:

етказиб бериш харажатларининг тўлови битта шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида Агентлик ва молиявий агент ўртасида тузиладиган шартнома асосида Агентликка Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан компенсация қилинади;

мазкур кичик бандда назарда тутилган имтиёз ижтимоий картанинг амал қилиш муддати тугамасдан яроқсиз ҳолга келган ёки йўқотилган ҳолатларга нисбатан татбиқ этилмайди”;

б) 4-бандниng “б” кичик банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ижтимоий карта орқали тўланган нафақа, компенсация ва бошқа тўловлар (пенсиялар бундан мустасно) (кейинги ўринларда – ижтимоий тўлов) маблағларидан ижтимоий тўловларни олувчи оилаларнинг аъзолари, Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзоларига спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари учун тўловни амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу маҳсулотлар учун тўловни қабул қилиш тақиқланади”;

в) 1-иловада:

1-банддаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банд чиқариб ташлансин;

г) 4-иловада:

25-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“26. Банк картаси шаклидаги ижтимоий карта молиявий агентнинг бўлинмалари, агентлик хизмати орқали, молиявий агентнинг ходимлари томонидан етказиб берилганда, ижтимоий карта тақдим этилганлиги махсус мобил қурилма воситасида аутентификация қилинади ва Тизимга бу тўғрисида маълумот киритилади”;

27-банднинг биринчи хатбошисидаги “Инсон” маркази ёки агентлик” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“32. Белгиланган айрим тоифадаги шахслар “Инсон” марказига мурожаат қилганда, ижтимоий ходим ушбу Низомнинг 5 ва 8-бандларида белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда, шахснинг яшаш жойига бориб ариза тўлдиради”.

81. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 мартдаги 149-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларида талабаларга грантларни тақдим этиш ва қайта тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

82. Вазирлар Маҳкамасининг “Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 11 мартдаги 158-сон қарорида:

а) 4-банддаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 1 ва 24-бандлари иккинчи хатбошиларидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

2-бандда:

учинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи–ўн биринчи хатбошилар тегишлича учинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий реестр – ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан кам бўлган “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидаги ва минимал истеъмол харажатлари миқдорининг бир ярим бараваридан кам бўлган “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасидаги оилалар тўғрисидаги маълумотлар киритиладиган реестр”;

6-банддаги, 7-банднинг учинчи хатбошисидаги, 17-банднинг биринчи хатбошисидаги, 18-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 60, 97

ва 109-бандлардаги тегишли келишикдаги “Камбағал оилалар реестри” сўзлари тегишли келишикдаги “Ижтимоий реестр” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 1^1-параграф билан тўлдирилсин:

“1^1-§ Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оила хонадонига қуёш панелларини ўрнатиш учун субсидия ажратиш тартиби

15^1. Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оила хонадонига 7-10 кВтлик қуёш панелларини харид қилиш ва ўрнатиш учун субсидия “жамғарма – таъминотчи корхона – талабгор” ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида ажратилади.

Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оила хонадонига қуёш панелларини харид қилиш ва ўрнатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади.

15^2. Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оиланинг муомалага лаёқатли аъзоси (кейинги ўринларда – талабгор) субсидия ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мустақил равишда ёхуд ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилади.

15^3. Талабгор мурожаатида фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, қуёш панели ўрнатилаётган хонадоннинг кадастр маълумотлари, хонадоннинг мулкдори бўлган ёки ундан фойдаланувчи сифатида мол-мулк солиғини тўлаб келаётган шахснинг паспорт (ID-карта) серияси ва рақами кўрсатилади.

15^4. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида талабгорнинг мурожаатида қайд этилган маълумотларни ўрганиш учун “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали скоринг тизимига юборади. Бунда скоринг тизимида:

мурожаатда кўрсатилган қуёш панели ўрнатиладиган хонадон талабгор ёки оиланинг бошқа аъзосига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлганлиги ёки уларнинг мазкур хонадондан фойдаланувчи сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда, мол-мулк солиғини тўлаб келаётганлиги;

талабгор Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасидаги оиланинг аъзоси эканлиги;

талабгор сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги ўрганилади.

15^5. Скоринг ўрганиш натижалари бўйича мазкур Низомнинг 15^4-бандида назарда тутилган маълумотлар мавжудлиги аниқланмаганда субсидия ажратиш рад этилади ҳамда “Онлайн маҳалла” электрон

платформаси орқали мазкур асосларни кўрсатган ҳолда талабгорга хабарнома юборилади.

15[6]. Скоринг ўрганиш натижалари бўйича субсидия ажратишни рад этиш асослари аниқланмаганда мурожаат коллегиал қарор қабул қилиш учун "маҳалла еттилиги"га ҳамда талабгорнинг хонадонига қуёш панели ўрнатиш мумкинлиги ёки ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан хулоса бериш учун "Онлайн маҳалла" электрон платформаси воситасида "Рақамли ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖнинг ахборот тизимига юборилади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси мурожаат келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган хулоса беради:

талабгорнинг хонадонида қуёш панели ўрнатиш имконияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;

электр ўтказгичлари техник талабларга жавоб бериши ёки жавоб бермаслиги;

қуёш панели ўрнатиладиган бинонинг электр ўтказгичлари имкониятидан келиб чиқиб, ўрнатиладиган қуёш панелларининг қуввати (кВт) ва миқдори.

15[7]. "Маҳалла еттилиги" томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг талабгор хонадонига қуёш панели ўрнатиш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хулосаси асосида субсидия ажратиш ёхуд ажратишни рад этиш тўғрисида коллегиал қарор қабул қилинади. Бунда:

субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, мазкур қарор мурожаат, ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг хулосаси ва бошқа ҳужжатлар илова қилинган ҳолда "Онлайн маҳалла" электрон платформаси орқали туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларини хабардор қилган ҳолда Жамғармага юборилади;

субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, бу ҳақда рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда талабгорга хабарнома юборилади.

15[8]. Жамғарма ўзи, таъминотчи корхона ва талабгор ўртасида ўн иш кунида уч томонлама шартнома тузиш чораларини кўради. Бунда:

таъминотчи корхонани танлаш ва шартнома қиймати (субсидия миқдори)ни аниқлаш Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган тартибга асосан амалга оширилади;

шартнома ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг хулосасида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ тузилади;

шартномада қуёш панелининг самарадорлигини аниқлаш ва кузатиб бориш учун ягона мониторинг дастури мавжуд бўлиши, хонадонига қуёш панели ўрнатилаётган оилани SIM-карта билан таъминлаш ҳамда SIM-карта учун камида бир йиллик тўлов қилиш мажбурияти таъминотчига юклатилиши тўғрисидаги талаблар белгиланади.

15^9. Уч томонлама тузилган шартномада қуёш панеллари ўрнатиш учун олдиндан 30 фоиз миқдорида тўлов амалга оширилиши назарда тутилиши мумкин. Тўловнинг қолган қисми шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан сўнг тўланади";

8-параграфнинг номидаги, 83-банддаги, 113-бандниng иккинчи хатбошисидаги, 119-бандниng биринчи-иккинчи хатбошиларидаги "камбағал" сўзи "Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин;

9–10-параграфларнинг номларидаги, 95 ва 107-бандлардаги "Камбағал" сўзи "Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"4-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан маҳаллаларнинг ихтисослашуви ва драйвер йўналишларидан келиб чиқиб, ўз тажрибасини 10 тагача Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга ўргатган ва уларга доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашган тадбиркорлик субъектларига ҳар бир оила учун грант ажратиш тартиби";

120-бандниng биринчи хатбошисидаги "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ёки "Камбағал оилалар реестри"га киритилган камбағал" сўзлари "Ижтимоий реестрга киритилган" сўзлари билан алмаштирилсин;

122-банддаги "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ёки "Камбағал оилалар реестри"да" сўзлари "Ижтимоий реестрда" сўзлари билан алмаштирилсин.

83. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 мартдаги 191-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандида:

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

84. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 апрелдаги 208-сон қарори билан тасдиқланган Талабгорларни архив ҳужжатларини тартибга келтиришга компетентлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 10-бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида белгиланган йиғимдан 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади.

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

85. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 апрелдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган ҳамда меҳнат миграциясида бўлган фуқароларга субсидия, компенсация ва кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг “г” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) Ижтимоий реестрга ёки “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”дан бирига киритилган ҳамда ўзи мустақил равишда хорижга ишга кетаётган, шунингдек, ташкиллаштирилган ҳолда меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаёти ҳамда бошқа таваккалчиликларини суғурталаш бўйича суғурта мукофотини қоплаш мақсадида суғурта ташкилотларига ҳар бир суғурталанган фуқаро учун йилига бир марта уч юз минг сўмгача миқдорда”;

б) 9-банднинг иккинчи хатбошисидаги “камбағал оила ёки кам таъминланган оила сифатида эътироф этилган ёхуд” сўзлари “Ижтимоий реестрга ёки” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 42-бандда:

“г” кичик банддаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

“д” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“д) Ижтимоий реестрга киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома (Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандлари учун)”.

86. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 майдаги 292-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлигининг Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби

тўғрисидаги низомнинг 6-банди “е” кичик бандидаги “кам таъминланган” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

87. Вазирлар Маҳкамасининг “Илк ривожланиш марказлари фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 июлдаги 439-сон қарорида:

4-бандниng “б” кичик бандидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг 2-банди тўртинчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

88. Вазирлар Маҳкамасининг “Камбағал оилалар реестрига киритилган ва расмий банд бўлган ёлғиз ота ва оналарга фарзанди учун мактабгача таълим хизматидан фойдаланишда моддий ёрдам тўлаш тўғрисида” 2025 йил 31 июлдаги 484-сон қарорида:

а) номидаги, 1-банддаги, 2-бандниng иккинчи хатбошисидаги, 3 ва 5-бандлардаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

номидаги, 1–2-бандлардаги, 8-бандниng иккинчи хатбошисидаги ва 10-бандниng учинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги “Камбағал оилалар реестри” сўзлари тегишли келишикдаги “Ижтимоий реестр” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг илова белгиси ва номидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг илова белгисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

89. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 14 июндаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида айрим тоифадаги ўқувчиларни қўшимча таълимга жалб қилиш тартиби тўғрисида низомда:

2-бандниng иккинчи хатбошисидаги, 15-банддаги ва 28-бандниng бешинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги “Камбағал оилалар реестри” сўзлари тегишли келишикдаги “Ижтимоий реестр” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги “оилани камбағалликдан чиқариш бўйича ишлаб чиқиладиган индивидуал режага” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оиланинг индивидуал режасига” сўзлари билан алмаштирилсин.

90. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 августдаги 512-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 27-бандида:

иккинчи–учинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги иккинчи–олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзолари, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслардан мазкур бандниng биринчи ва учинчи хатбошиларда кўрсатилган йиғим суммасининг 50 фоизи, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларидан эса 25 фоизи;

давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда ушбу бандниng биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Мазкур бандда белгиланган чегирмалар Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

91. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 14 августдаги 515-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида айрим тоифадаги оилаларни ичимлик суви билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-банддаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-бандниng биринчи хатбошисидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 1-босқичи “Субъектлар” устунидаги “Камбағал оила реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

92. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини жалб қилган ҳолда ваучер асосида касб ва хорижий тилларга ўқитиш тизимини жорий қилиш тўғрисида” 2025 йил 20 августдаги 527-сон қарорида:

а) 2-бандниng тўртинчи хатбошисидаги, 3-бандниng иккинчи хатбошисидаги ва 4-бандниng “а” кичик бандининг иккинчи–учинчи хатбошиларидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

1-банддаги, 3-бандниng учинчи ва ўнинчи хатбошиларидаги, 4-бандниng иккинчи–учинчи хатбошиларидаги, 11-бандниng иккинчи

хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандниng олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий реестр – ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан кам бўлган “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидаги ва минимал истеъмол харажатлари миқдорининг бир ярим бараваридан кам бўлган “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасидаги оилалар тўғрисидаги маълумотлар киритиладиган реестр”.

93. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-банди иккинчи хатбошисидаги, 41-банди биринчи–учинчи хатбошиларидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

94. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 сентябрдаги 590-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 14-бандида:

а) учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

Агар ариза Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоси, ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс томонидан берилган бўлса, бундай шахсларнинг аризалари бўйича ушбу бандда кўрсатилган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига 75 фоиз миқдорида чегирма қўлланади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

б) тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

95. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари томонидан ижтимоий карта орқали харид қилинган айрим товарлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тизимини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 29 сентябрдаги 610-сон қарорида:

а) 1-банддаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида 2025 йил 1 октябрдан бошлаб рўйхатга олинган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларнинг вакиллари ҳамда “Камбағал оилалар реестри” ахборот модулига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги “Кам таъминланган ёки камбағал” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “кам таъминланган ёки камбағал” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

номидаги “Кам таъминланган ёки камбағал” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларнинг вакиллари ҳамда “Камбағал оилалар реестри” ахборот модулига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 7-банднинг учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ёки “Камбағал оилалар реестри” ахборот модулига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

иловада:

илова белгисидаги “Кам таъминланган ёки камбағал” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

номидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ёки “Камбағал оилалар реестри” ахборот модулига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин

1-босқичнинг “Субъектлар” устунидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларнинг вакиллари, “Камбағал оилалар реестри” ахборот модулига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

96. Вазирлар Маҳкамасининг “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилаларга кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2025 йил 30 сентябрдаги 612-сон қарорида:

а) қарор номидаги ва муқаддимасидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий реестрга киритилган оилалар томонидан аризалар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби”;

учинчи хатбошидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-банднинг учинчи–тўртинчи хатбошиларидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) иловада:

номидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги, 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 12-банднинг ўнинчи хатбошисидаги ва 20-банддаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда:

иккинчи хатбошисидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи–саккизинчи хатбошилар тегишлича учинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги, 12-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва илова белгиси ва номидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

97. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 октябрдаги 652-сон қарори билан тасдиқланган Мусиқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражасини ва касбий маҳоратини аниқлаш ҳамда уларга сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илованинг 6-позицияси биринчи устунидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари” сўзлари билан алмаштирилсин.

98. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 ноябрдаги 694-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 9-бандининг “о” кичик бандидаги ва “п” кичик бандининг биринчи хатбошисидаги ҳамда 11-бандидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

99. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 ноябрдаги 706-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тўғрисидаги низомда:

11-бандда:

3-кичик бандда:

учинчи хатбошидаги “оилаларни камбағалликдан чиқариш индивидуал режаларининг” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасидаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги “Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларни камбағалликдан” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилаларни мазкур реестрдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-кичик бандниng йигирма биринчи хатбошисидаги “кам таъминланган оилаларга мансуб” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзоси бўлган” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-кичик бандниng ўн еттинчи хатбошисидаги “кам таъминланган оилаларни камбағалликдан” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилаларни мазкур реестрдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 83-бандниng олтинчи хатбошисидаги “кам таъминлангани” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

100. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 декабрдаги 776-сон қарори билан тасдиқланган “Келажак” марказларида ўқиганлик учун ота-оналар бадали тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-банди иккинчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестри”га” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

101. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш орқали камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 18 декабрдаги 798-сон қарорида:

а) номидаги, 2-бандниng иккинчи-тўртинчи хатбошиларидаги, 4-банддаги ва 5-бандниng иккинчи-учинчи хатбошиларидаги “камбағал” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги “Камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) иловада:

низомнинг номидаги, 4-банддаги, 3-бобнинг номидаги ва 14-банддаги “Камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги, 2-бандниng тўртинчи хатбошисидаги, 5-банддаги ва 23-банддаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

иловада:

илова белгисидаги ва номидаги “Камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-босқичнинг “Тадбирлар” устунидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

102. Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоловчи ва риэлторлар малака сертификатини, баҳоловчи тоифа гувоҳномасини ҳамда суд бошқарувчиси малака аттестатини бериш тартибларини тасдиқлаш ҳақида” 2025 йил 30 декабрдаги 838-сон қарорида:

а) 1-иловада:

11-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўртинчи–олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

бешинчи–олтинчи хатбошилар тегишлича еттинчи–саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

59-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

11-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўртинчи–олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

бешинчи–олтинчи хатбошилар тегишлича еттинчи–саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

58-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 3-иловада:

8-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи–олтинчи хатбошилар тўлдирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

9-бандниng ўн иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

г) 4-иловада:

15-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

61-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўловнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

“давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади”;

тўртинчи–бешинчи хатбошилар тегишлича олтинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “29” январдаги 35-сон қарорига
9-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарорининг 1-банди ва 1–3-иловалари.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Мудофаа саноати соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2023 йил 27 майдаги 215-сон қарорига илованинг 9-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 10 ноябрдаги 596-сон қарорига 1-илованинг 1 ва 6-7-бандлари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 18 декабрдаги 665-сон қарорига 1-илованинг 20-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 30 апрелдаги 253-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарорига 2-илованинг 11-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 5 октябрдаги 640-сон қарорига илованинг 5-банди “б”–“г” кичик бандлари.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 28 декабрдаги 893-сон қарорига 12-илованинг 2-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган кўмак чораларини кўрсатишга доир тартиб-таомилларни такомиллаштириш тўғрисида” 2025 йил 27 февралдаги 125-сон қарорига 5-илованинг 2-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2025 йил 1 мартдаги 135-сон қарорига 1-илованинг 102-банди “б” кичик банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Расмий статистика фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида” 2025 йил 6 октябрдаги 627-сон қарорига 3-илованинг 65-банди.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 29 » yanvar № 36 Toshkent sh.

“Фаол ҳаётга қадам” дастури жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 8 майдаги ПҚ–171-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **иловага** мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрига киритилган пайтдан бошлаб ҳар чоракда бир маротаба яшаш шароитлари ишчи гуруҳ томонидан қайта баҳоланиши талабини бекор қилиш;

мультидисциплинар гуруҳ томонидан мониторинг ўтказишда ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш шароитларини қайта баҳолаш, ижтимоий хизматлар самарасини баҳолаш ҳамда индивидуал ижтимоий хизматлар режасини қайта кўриб чиқиш ва (ёки) тугатиш;

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва оилавий поликлиникалар томонидан кейинги йил учун шахслар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкил этиш жадвалини тузиш амалиётини бекор қилиш;

ижтимоий хизматдан фойдаланувчига берилган ваучерни бекор қилиш, ижтимоий хизмат кўрсатувчини “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги “Оила ҳамкори” платформасида рўйхатдан чиқариш асосларини аниқ белгилаш.

2. Белгилансинки, **2026 йил 1 мартдан бошлаб** хулқ-атвори бузилишлари бўлмаган руҳий касаллик бўйича диспансер назоратида турувчи деменция, Паркинсон ёки Альцгеймер касаллиги ташхиси қўйилган махсус парваришга муҳтож шахслар учун “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасидаги кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини кўрсатиш йўлга қўйилади.

3. “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида ижтимоий хизматларни кўрсатиш жараёнида электрон давомат табелини шакллантириш учун қуйидагиларга рухсат берилсин:

а) **2026 йил 1 февралга қадар**:

хизматлардан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг техник хатоликлар билан киритилган ёки тўлиқ киритилмаган биометрик маълумотларини “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг масъул ходими ва ижтимоий хизматдан фойдаланувчи томонидан ой якунида тузилган далолатнома асосида қабул қилишга;

Камбағал оилалар реестрига киритилмаган ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олмайдиган шахсга шакллантирилган ваучер асосида хизмат кўрсатилганига;

б) **2026 йил 1 февралдан бошлаб** хизмат кўрсатувчи томонидан хизматдан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг биометрик маълумотларини тасдиқлаш имкони бўлмаган ҳолларда, ижтимоий хизмат кўрсатилган кунда хизмат кўрсатувчи ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг масъул ходими томонидан “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида электрон шаклда тузилган далолатнома асосида қабул қилишга;

в) **2027 йил 1 январдан бошлаб** ижтимоий хизматдан фойдаланиш ва ваучерни шакллантириш учун асос ҳисобланган банд бўлиш ёки таълим олиш ёхуд касб-ҳунарга ўқиш мажбуриятини бажарганини текширишга.

4. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **бир ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “29” январдаги 36-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарорида:

а) 1-бандниng иккинчи хатбошисидаги “ижтимоий ходим, туман тиббиёт бирлашмасининг махсус мониторинг гуруҳи вакили” сўзлари “оилавий шифокор” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандниng бешинчи–еттинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирдаги бешинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

“оилавий шифокорнинг мультидисциплинар гуруҳдаги фаолияти унинг иш юкламасига киритилади”;

в) 6-банддаги “мониторинг қилиш ва қайта баҳолашда ишчи ва” сўзлари “мониторинг қилишда” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. “Инсон” маркази ходими, оилавий шифокор ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисидан иборат мультидисциплинар гуруҳ ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг яшаш шароитларини (кейинги ўринларда – яшаш шароитлари) баҳолайди, ижтимоий хизматлар самарадорлигини мониторинг қилади ҳамда уларнинг натижалари тўғрисида хулоса тайёрлайди”;

8-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Шу куннинг ўзида “Инсон” маркази директори мультидисциплинар гуруҳ томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш шароитларини баҳолаш учун уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатни белгилайди ва мультидисциплинар гуруҳ аъзоларини улар меҳнат фаолиятини олиб борадиган ташкилотларга “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг яшаш шароитларини баҳолаш бўйича мультидисциплинар гуруҳга жалб қилиш ҳақида ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ расмийлаштирилган талабномани юборади”;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Ушбу Регламентнинг 8-бандига мувофиқ талабнома келиб тушган ташкилот мультидисциплинар гуруҳ аъзоси бўлган ходимини, у бўлмаган вақтда бошқа масъул ходимни талабномада кўрсатилган муддатда мультидисциплинар гуруҳ таркибида иштирок этишини таъминлаши шарт”;

13-банд, 15-бандниng иккинчи хатбошиси, 22-бандниng биринчи хатбошиси, 24-банд, 25-бандниng олтинчи хатбошиси ва 30-банддаги “ишчи гуруҳ” сўзлари “мультидисциплинар гуруҳ” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг қариндошлари, дўстлари ва бошқа шахслар билан мулоқоти ҳамда кундалик ҳаётдаги ижтимоий фаоллигини (мулоқот ва дам олиш хизматига эҳтиёжини) баҳолаш унинг мулоқот ва дам олишга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши тўғрисидаги маълумотларни тўплашни назарда тутади”;

23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Яшаш шароитларини баҳолашнинг натижалари мультидисциплинар гуруҳ томонидан “Ижтимоий ҳимоя” АТда ушбу Регламентга 5-иловага мувофиқ шаклдаги хулосада акс эттирилади.

Яшаш шароитларини баҳолаш натижалари бўйича мультидисциплинар гуруҳнинг хулосаси ижобий бўлган тақдирда, “Ижтимоий ҳимоя” АТда индивидуал ижтимоий хизматлар режаси шакллантирилади.

Бунда индивидуал ижтимоий хизматлар режасига мультидисциплинар гуруҳ томонидан заруратга кўра қўшимча хизматлар киритилиши мумкин.

Мультидисциплинар гуруҳ хулосаси ва индивидуал ижтимоий хизматлар режаси мультидисциплинар гуруҳнинг барча аъзолари томонидан уларнинг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинети орқали ёки “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали мультидисциплинар гуруҳ аъзоларининг имзоси уларга СМС-хабарнома орқали юборилган код орқали тасдиқланади”;

27-бандниng учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ўзгалар парваришига муҳтож шахсга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ижтимоий хизматларни кўрсатиш”;

33-бандниng иккинчи хатбошисидаги “ишчи гуруҳнинг” сўзлари “мультидисциплинар гуруҳнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5-боб. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар самарадорлигини мониторинг қилиш”;

36 ва 37-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“36. Ўзгалар парваришига муҳтож шахс Реестрга киритилган пайтдан бошлаб ҳар олти ойда бир маротаба мультидисциплинар гуруҳ томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар самарадорлиги мониторинг қилинади.

Мониторинг қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш шароитларини қайта баҳолаш – мазкур Регламентнинг 14-банди ва 4-иловасига мувофиқ;

ижтимоий хизматлар самарасини баҳолаш – ижтимоий хизматдан фойдаланувчининг хизматдан қониқиш ҳосил қилганлик даражаси, элементар ёки мураккаб ҳаракатларни (Бартел ва Лаутон) амалга ошириш имкониятларини ўрганиш.

37. “Инсон” маркази томонидан мониторинг ўтказиш куни белгиланади ҳамда мониторинг ўтказиш кунидан уч иш куни олдин мультидисциплинар гуруҳ аъзоларига ушбу Регламентнинг 8-бандида белгиланган тартибда талабнома юборилади”;

38-банддаги “Қайта баҳолаш” сўзлари “Мониторинг” сўзи билан алмаштирилсин;

39–43-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“44. Ушбу Регламентнинг 36-бандида кўрсатилган мониторинг амалга оширилганидан сўнг унинг натижалари бўйича “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали ушбу Регламентга 5 ва 9-иловаларга мувофиқ хулосалар шакллантирилади ва мультидисциплинар гуруҳ аъзолари томонидан тасдиқланган ҳолда “Инсон” маркази директорига киритилади.

“Инсон” маркази директори мониторинг якуни бўйича мультидисциплинар гуруҳнинг хулосасига асосан ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг индивидуал ижтимоий хизматлар режасини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, унга тузатишларни ёки янги тадбирларни киритиш бўйича тегишли қарор қабул қилади”;

49-банддаги “Ишчи гуруҳ ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

52-банддаги “Ишчи гуруҳ,” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни эътироф этиш, индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлаш ва мониторинг қилишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни аниқлаш, уларнинг яшаш шароитларини баҳолаш, Реестрга киритиш, индивидуал ижтимоий хизматлар режасини шакллантириш, ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатилишини белгилаш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш
СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Жисмоний ёки юридик шахслар, шу жумладан ўзгалар парваришига муҳтож шахслар	Ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда “Ижтимоий ҳимоя” АТга, “Инсон” маркази оператори ва my.gov.uz портали орқали мурожаат юбориш.	Заруратга кўра

Маҳалладаги ижтимоий ходим, патронаж ҳамшира ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси	Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни аниқлаш ва “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали сўровнома шакллантириш ва “Инсон” марказига юбориш.	Доимий равишда
“Инсон” маркази директори	“Ижтимоий ҳимоя” АТда рўйхатдан ўтган сўровнома ва мурожаатларни ижтимоий ходимларга тақсимлаш.	Мурожаат келиб тушган ёки шахс аниқланган вақтдан бошлаб 24 соат мобайнида
Маҳалладаги ижтимоий ходим	Сўровнома ва мурожаат кўрсатилган шахсларни бориб кўриш, уларга шошилинч ёрдам кўрсатишнинг заруриятини аниқлаш ва уларни Оферта билан таништириш.	
Мультидисциплинар гуруҳ	Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги ва яшаш шароитларини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижалари бўйича хулосани расмийлаштириш.	3 иш кунида
“Инсон” маркази директори	Ўзгалар парваришига муҳтож шахс тоифасини белгилаш ва реестрга киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш, Индивидуал тартибдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш режасини тасдиқлаш.	1 иш кунида
“Инсон” маркази	Қарорнинг электрон шаклини “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали ёки чоп этилган нусхасини ўзгалар парваришига муҳтож шахсга ҳамда тегишли ташкилотларга юбориш.	
Мультидисциплинар гуруҳ	Ижтимоий хизматлар самарадорлигини мониторинг қилиш.	Ҳар олти ойда бир марта
Мультидисциплинар гуруҳ	Ўзгалар парваришига муҳтож шахсга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар самарадорлигини мониторинг қилиш.	Ярим йилда бир марта
“Инсон” маркази директори	Мониторинг қилиш бўйича хулосага мувофиқ “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали тегишли қарор қабул қилиш.	Мультидисциплинар гуруҳ хулосаси олингандан сўнг, бир иш куни ичида
“Инсон” маркази	Ўзгартирилган индивидуал ижтимоий хизматлар режасини ўзгалар парваришига муҳтож шахсга ва тегишлилигича ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатаётган ташкилотларга юбориш.	Қарор қабул қилинганидан сўнг, бир иш куни ичида

”;

3-илованинг номидаги “ишчи (мультидисциплинар)” сўзлари “мультидисциплинар” сўзи билан алмаштирилсин;

4-иловада:

2-бўлимнинг изоҳ қисмидаги “ишчи” сўзи “мультидисциплинар” сўзи билан алмаштирилсин;

3-бўлимнинг 14-позицияси чиқариб ташлансин;

4-бўлим қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4-бўлим. Ўзгаларнинг парваришига муҳтожликни баҳолаш

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходими Ф.И.О

4.1. Элементар ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини баҳолаш (Бартел шкаласи бўйича)

Т/р	Ҳаракатларнинг номи	Баҳолаш мезонлари	Баллар	Таклиф этиладиган хизмат
1.	**Овқатланиш**	Овқатланиш ва овқатланишга тайёргарлик кўришда идиш-товоқ, ошхона анжомлари ва маиший техникадан қийинчиликсиз фойдаланган ҳолда мустақил амалга оширади.	10	-
		Овқатланиш ва овқатланишга тайёргарлик кўришни мустақил амалга оширади, бироқ бу анча вақтни олади.	9	-
		Овқатланиш ва овқатланишга тайёргарлик кўришда махсус идиш-товоқ ва реабилитация қилишнинг техник воситалари (РТВ)ни қўллаган ҳолда мустақил амалга оширилади.	8	-
		Овқатланиш ва овқатланишга тайёргарлик кўришда РТВ ёрдамида катта қийинчилик билан амалга оширади.	7	Овқат тайёрлашда кўмаклашиш
		Овқатни мустақил ёки РТВ ёрдамида қабул қилади, бироқ овқатланишга тайёргарлик кўра олмайди *(овқатни ликопчага солиш ёки стаканга суюқлик қуйиш ва шу кабилар).*	6	Овқат тайёрлашда кўмаклашиш
		Овқатланиш ва	5	Овқат тайёрлашда

		овқатланишга тайёргарлик кўришда қараб туриш ёки ўзгаларнинг озгина ёрдами талаб этилади (маҳсулотларни тозалашда, бутербродларни тайёрлашда) *(овқатланишда ҳаракат ёки вақтнинг 25 фоизига)*.		кўмаклашиш
		Овқатланишда доимий қараб туриш ёки қисман ёрдам зарур *(овқатланишда ҳаракат ёки вақтнинг 50 фоизигача)*.	3	Овқат ва ярим тайёр овқатларни тайёрлаб бериш
		Овқатланишда анча ёрдам бериш талаб этилади	1	Овқат тайёрлаш ва овқатлантириш
		Ўзи мустақил овқатлана олмайди	0	Овқат тайёрлаш ва овқатлантириш
2.	**Чўмилиш**	Ванна ёки душни қийинчиликсиз мустақил равишда қабул қилади	5	-
		Ванна ёки душни мустақил, бироқ қийинчилик билан қабул қилади	4	-
		Ванна ёки душ қабул қилишда, масалан, ванна ёки душдан чиқишда, ечинишда ўзгаларнинг қараб туриши ёки озгина ёрдами талаб этилади *(ҳаракат ёки вақтнинг 25 фоизигача)*	3	Тайёргарлик кўришда кўмаклашиш, мослаштириш хизмати
		Ванна ёки душ қабул қилишда ўзгаларнинг ёрдами талаб этилади *(ҳаракат ёки вақтнинг 50 фоизигача)*	2	Тайёргарлик кўришда кўмаклашиш, мослаштириш хизмати
		Ванна ёки душ қабул қилишда ўзгаларнинг анча ёрдами талаб этилади	1	Чўмилтириш хизмати, мослаштириш хизмати
		Чўмилиш фақат ўзгаларнинг ёрдами билан кровать атрофида, шу жумладан ванна-чойшаб ёрдамида амалга оширилади	0	Чўмилтириш хизмати, мослаштириш хизмати
3.	**Ҳожатга чиқиш (ювиниш, соч тараш, тиш тозалаш, соқол олиш, тиш протезларини жойига қўйиш)**	Қийинчиликсиз мустақил амалга оширилади	5	-
		Мустақил, бироқ қийинчилик билан амалга оширилади	4	-
		Қараб туриш ёки ўзгаларнинг озгина ёрдами талаб этилади *(ҳаракат ёки*	3	Ҳаракатланишида кўмаклашиш

		вақтнинг 25 фоизгача)		
		Ўзгаларнинг ёрдами талаб этилади *(ҳаракат ёки вақтнинг 50 фоизигача)*	2	Ҳаракатланишида кўмаклашиш, сартарош хизматини жалб қилиш
		Ўзгаларнинг анча ёрдами талаб этилади	1	Ҳаракатланишида кўмаклашиш, сартарош хизматини жалб қилиш
		Ҳожатга мустақил боролмайди	0	Сартарош хизматини жалб қилиш, ёрдамчи воситалар билан таъминлаш хизмати
4.	**Кийиниш ва пойабзал кийиш**	Қийинчиликсиз мустақил кийинади ва пойабзал кияди	10	-
		РТВ қўлланилган ҳолда қийинчиликсиз мустақил кийинади ва пойабзал кияди	9	-
		Секинлик билан, бироқ шу жумладан РТВ қўлланилган ҳолда мустақил кийинади ва пойабзал кияди	8	-
		РТВ қўлланилган ҳолда катта қийинчилик билан мустақил кийинади ва пойабзал кияди	7	-
		Кийиниш ва пойабзал кийишда ўзгаларнинг қараб туриши ёки озгина ёрдами талаб этилади, масалан, тугмаларни қадашда, пойабзал ипларини боғлашда *(ҳаракат ёки вақтнинг 25 фоизигача)*	5	Қулай кийимлар харид қилишда кўмаклашиш
		Кийинишда ва пойабзал кийишда ўзгаларнинг ёрдами талаб этилади *(ҳаракат ёки вақтнинг 50 фоизигача)*	3	Қулай кийимлар харид қилишда кўмаклашиш, кийимларини алмаштиришда кўмаклашиш
		Кийинишда ва пойабзал кийишда ўзгаларнинг анча ёрдами талаб этилади	1	Қулай кийимлар харид қилишда кўмаклашиш, кийимларини алмаштиришда кўмаклашиш
		Мустақил равишда кийина олмайди ва пойабзални кия олмайди	0	Қулай кийимлар харид қилишда кўмаклашиш, кийимларини алмаштиришда кўмаклашиш
5.	**Дефекация назорати**	Ўз ҳаракатларини тўлиқ	10	-

		назорат қилади ва зарурат бўлганда, ўзгаларнинг ёрдамисиз ҳуқнадан ёки шамдан фойдаланиши мумкин		
		Функциялаштирувчи колостома бор, уни нажас қабул қилгични қўллаб мустақил назорат қилади	8	-
		Тасодифий нохуш ҳодисалар бўлиб туради *(ҳафтада камида бир марта)* ёки ҳуқна ва шамлардан фойдаланишда ёрдам талаб этилади *(ҳафтада камида бир марта)*	5	Ҳуқна ёки шамчадан фойдаланишда патронаж ҳамшира хизматини жалб қилиш
		Вақти-вақти билан *(ҳафтада икки-уч марта)* дефекацияни назорат қила олмайди ёки хизмат кўрсатувчи ўзга шахс қўядиган ҳуқнадан фойдаланишга эҳтиёж сезади. Шунингдек, функциялаштирувчи колостномага эга бўлиши мумкин, уни нажас қабул қилгич қўлланилган ҳолда ўзганинг қисман ёрдами билан мустақил назорат қилиши мумкин.	2	Ҳуқна ёки шамча ёки колостомадан фойдаланишда патронаж ҳамшира хизматини жалб қилиш
		Амалда ўзини назорат қила олмайди (бу ҳафтада уч мартадан кўп юз беради), кекса киши колостомани мустақил назорат қила олмайди	1	Тагликлар харидида кўмаклашиш, патронаж ҳамшира хизматини жалб қилиш
		Сурункали равишда ўзини назорат қила олмайди ёки парвариш қилувчи ўзга шахс томонидан амалга ошириладиган ҳуқна қўлланилишига ёки колостома назорат қилинишига эҳтиёж сезади	0	Патронаж ҳамшира хизматини жалб қилиш, тагликлар харидида кўмаклашиш, ўрин кўрпаларни тозалаш
6.	**Пешоб чиқишини назорат қилиш**	Ўзгаларнинг ёрдамисиз тўлиқ ўзини назорат қилади	10	-
		Пешоб қабул қилгич ва бошқа махсус воситалардан фойдаланган ҳолда колостомани мустақил уддалайди ёки катетерни мустақил уддалайди	8	-
		Тасодифий нохуш ҳодисалар	5	-

		кузатилади *(бир кеча-кундузда камида бир марта)*		
		Вақти-вақти билан *(бир кеча кундузда 2-3 марта)* пешоб чиқишини назорат қила олмайди ёки кекса кишида функциялаштирувчи колостома бор, у пешоб қабул қилгичдан фойдаланган ҳолда ўзгаларнинг қисман ёрдами билан назорат қилиши мумкин	2	Ҳаракатларни амалга оширишда кўмаклашиш хизмати
		Амалда ўзини назорат қилолмайди *(бу бир кеча-кундузда 3 мартадан ортиқ юз беради)*, кекса киши уростомани мустақил назорат қилолмайди ва тагликлардан фойдаланади	1	Ҳаракатларни амалга оширишда кўмаклашиш, патронаж ҳамшира хизматини жалб қилиш, тагликларни харидида кўмаклашиш
		Сурункали равишда ўзини назорат қилолмайди ёки катетердан фойдаланишга эҳтиёж сезади, ундан мустақил фойдалана олмайди; тагликлардан доимо фойдаланилади ёки кекса киши улардан фойдаланишни рад этади *(руҳий бузилиш ёки бошқа сабабларга кўра)*	0	Зарур воситаларни харидини амалга ошириш, тагликларни алмаштириш, ўрин кўрпаларни тозалаш, курси-ҳожатхона ажратилиши учун сўров киритиш
7.	**Ҳожатга чиқиш ва уни амалга ошириш**	Қийинчиликсиз мустақил равишда ҳожатга боради ва уни амалга оширади	10	-
		Мустақил, бироқ РТВдан фойдаланган ҳолда ҳожатга боради ва мустақил амалга оширади	9	-
		Ҳожатхона курсисидан (РТВ) фойдаланган ҳолда ўзгаларнинг ёрдамисиз катта қийинчилик билан ҳожатга боради ва уни амалга оширади	7	-
		Ҳожатга бориш ва уни амалга ошириш вақтида ўзгаларнинг озгина ёрдами ва қараб туриши, масалан, мувозанатни сақлаш учун, ечинишда, кийинишда ва бошқа	5	Мослаштириш хизмати, ҳаракатланишида кўмаклашиш хизмати, курси-ҳожатхона

		ҳаракатларда курси-ҳожатхона қўлланилиши талаб этилади		ажратилиши учун сўров киритиш
		Ҳожатга бориш ва уни амалга оширишда ўзгаларнинг анча ёрдами талаб этилади	3	Мослаштириш хизмати, ҳаракатланишида кўмаклашиш хизмати, курси-ҳожатхона ажратилиши учун сўров киритиш
		Ҳожатга боришда ва уни амалга оширишда ўзгаларнинг доимий ёрдами талаб этилади	2	Мослаштириш хизмати, ҳаракатланишида кўмаклашиш хизмати, курси-ҳожатхона ажратилиши учун сўров киритиш
		Ҳожат бевосита кроватда *(тувак, тагликлар)* махсус воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади	0	Мослаштириш хизмати, ҳаракатланишида кўмаклашиш хизмати, курси-ҳожатхона ажратилиши учун сўров киритиш
8.	**Ўриндан туриш ва кроватга ўтиш**	Қийинчиликсиз мустақил равишда ўрнидан туради ва кроватдан қўзғалади	15	-
		РТВ ёрдамида ўрнидан туради ва кроватдан қўзғалади	12	-
		Қўзғалишда қараб туриш талаб этилади *(ёки озгина ёрдам)*	10	Мослаштириш хизмати
		Кроватдан мустақил равишда ёки РТВ ёрдамида, бироқ қийинчилик билан кроватдан қўзғалади	7	Мослаштириш хизмати
		Кроватда мустақил ўтириши мумкин, бироқ қўзғалишда ўзгаларнинг қисман ёрдами зарур	5	Мослаштириш хизмати
		Ўтириши мумкин, бироқ қўзғалишни ўзгаларнинг доимий ёрдамида амалга оширади	3	Мослаштириш хизмати, ҳаракатланишида кўмак хизмати
		Қўллаб-қувватланган тақдирдагина ўтириши мумкин, қўзғалишни доимо ўзгаларнинг ёрдамида амалга оширади	1	Мослаштириш хизмати, ҳаракатланишида кўмак хизмати
		Ҳатто ўзгаларнинг ёрдами билан ҳам кроватга ўтира	0	ҳаракатланишида кўмаклашиш хизмати

		олмайди ва ундан тура олмайди		
9.	**Ҳаракатланиш**	Ўзгаларнинг ёрдамисиз 500 метрдан ортиқ масофага ҳаракатланиши мумкин. Хонада ўзгаларнинг ёрдамисиз юриши мумкин	15	-
		Ўзгаларнинг ёрдамисиз РТВ қўлланилган ҳолда 500 метрдан ортиқ масофага мустақил ҳаракатланиши мумкин. Хонада ўзгаларнинг ёрдамисиз юриши мумкин	14	-
		Ўзгаларнинг ёрдамисиз РТВ қўлланилган ҳолда секин ва қийинчилик билан 500 метрдан ортиқ масофага мустақил ҳаракатланиши мумкин. Хонада ўзгаларнинг ёрдамисиз юриши мумкин	11	Ижтимоий кузатув хизмати, тюторлик хизмати
		500 метр доирасида ўзганинг ёрдами билан ҳаракатланиши мумкин. Хонада ўзгаларнинг ёрдамисиз юриши мумкин	10	Ижтимоий кузатув хизмати, тюторлик хизмати
		100 метргача мустақил юриши ёки курси-коляска ёрдамида ҳаракатланиши мумкин. Хонада секин, дам олиш учун тўхтаб-тўхтаб ҳаракатланади	5	Ижтимоий кузатув, уйни тозалаш хизмати
		РТВ қўлланилган ҳолда 100 метргача юриши мумкин. Хонада қийинчилик билан ҳаракатланади	3	Ижтимоий кузатув, уйни тозалаш хизмати
		Фақат ўзгаларнинг ёрдами билан 100 метргача юриши мумкин. Хонада ҳам ўзгаларнинг ёрдами билан ҳаракатланади	2	Ижтимоий кузатув, уйни тозалаш хизмати, мослаштириш хизмати
		50 метрдан ортиқ масофага мустақил ҳаракатлана олмайди ёки унда умуман ҳаракатланиш имконияти йўқ	0	Уйни тозалаш, доимий парвариш хизмати
10.	**Зиналар бўйлаб юқорига кўтарилиш**	Зиналардан мустақил кўтарила олади	10	-
		Зиналардан мустақил, бироқ РТВ қўлланилган ҳолда кўтарила олади	9	-
		Зиналар бўйлаб юқорига мустақил (ёки РТВ	7	Мослаштириш хизмати

		қўлланилган ҳолда) кўтарилиш учун кўп вақт талаб этилади		
		Ўзгаларнинг озгина ёрдамини (ёки назоратини) талаб этади	5	Мослаштириш хизмати ҳаракатда кўмаклашиш хизмати
		Зинапоялар бўйлаб фақат ўзгаларнинг ёрдами билан кўтарилиши мумкин	2	Мослаштириш хизмати, ижтимоий кузатув
		Ҳатто ўзгаларнинг ёрдами билан зинапоялар бўйлаб кўтарилиш имкониятига эга эмас	0	Мослаштириш хизмати ва кўмак хизмати
Баллар суммаси:				

4.2. Мураккаб ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини баҳолаш (Лаутон шкаласи бўйича)

Т/р	**Ҳаракатларнинг номи**	**Баҳолаш мезонлари**	**Баллар**	**Таклиф этиладиган хизмат**
1.	**Телефондан фойдаланиш**	Телефондан мустақил фойдаланиши мумкин	3	-
		Фақат махсус жиҳозланган телефондан *(масалан, яхши эшитмаслиги ёки кўрмаслиги муносабати билан)* фойдаланиши мумкин	2,5	-
		Телефондан ўзгаларнинг озгина ёрдами билан ёки фақат яхши таниш рақамларни териш шарти билан фойдаланиши мумкин	2	Рақамларни сақлаш, қўллашда кўмак
		Агар кимдир унга зарур рақамни териб берса, телефонда гапириши мумкин	1,5	Рақамларни сақлаш, қўллашда кўмак
		Телефондан фойдалана олмайди	1	-
2.	**Пиёда бориш мумкин бўлмаган катта масофада жойлашган жойгача ҳаракатланиш**	Мустақил равишда, шу жумладан жамоат транспортида ёки таксида ҳаракатланиши мумкин. У шунингдек сафарни мустақил режалаштира олади	3	-
		Оғзаки батафсил тушунтиришлардан кейин мустақил равишда, шу жумладан жамоат транспортида ёки таксида ҳаракатланиши мумкин	2,5	-
		Ўзгаларнинг озгина ёрдами билан, мустақил равишда, шу жумладан жамоат	2	Ижтимоий кузатув

		транспортида ёки таксида ҳаракатланиши мумкин		
		Фақат доимий равишда унга ҳамроҳлик қилиш шарти билан жамоат транспортида ёки таксида ҳаракатланиши мумкин	1,5	Ижтимоий кузатув
		Ҳаракатлана олмайди	1	Ижтимоий кузатув, тегишли ёрдамни жалб қилиш
3.	**Дўкондан маҳсулотлар харид қилиш**	Харидни мустақил амалга ошириши мумкин	3	-
		Ўзгаларнинг озгина ёрдами билан харид қилиши мумкин	2	Харидларда кўмак
		Ўзганинг ёрдами ва ҳамроҳлигида харид қилади	1,5	Харидларда кўмак
		Харид қилиш имкониятига эга эмас	1	Харидларда кўмак
4.	**Овқат тайёрлаш**	Мустақил равишда овқат тайёрлаши мумкин	3	-
		Ярим тайёр маҳсулотлардан овқат тайёрлаши мумкин	2,5	Овқат тайёрлашда кўмак
		Озгина ёрдам билан овқат тайёрлаши мумкин	2	Овқат тайёрлашда кўмак
		Овқатни фақат иситиши мумкин	1,5	Овқат тайёрлашда кўмак
		Овқат тайёрлаш имкониятига эга эмас	1	Овқат тайёрлашда кўмак
5.	**Уй хўжалигини юритиш**	Уй хўжалигини мустақил юритиши мумкин	3	-
		Меҳнатни кўп талаб қилмайдиган иш турларини мустақил бажариши мумкин	2,5	-
		Озгина ёрдам билан уй хўжалигини юритиши мумкин	2	Кўмаклашиш хизмати
		Қисмини бажаришда ўзгаларнинг ёрдами талаб этилади	1,5	Уй тозалаш, харид хизмати
		Уй хўжалигини юритиш имкониятига эга эмас	1	Уй тозалаш, харид хизмати
6.	**Дам олиш, шу жумладан қўлда бажариладиган ишлар**	Ўз дам олишини ва шуғулланишни мустақил ташкил этиши мумкин	3	-

		Дам олишни ташкил этиши ва қўлда бажариладиган ишларнинг айрим турлари билан мустақил шуғулланиши мумкин	2,5	Нуроний масканига йўналтириш
		Ўз дам олишини ташкил этиши ва қўлда бажариладиган ишлар билан озгина ёрдам берилса шуғулланиши мумкин	2	Нуроний масканига йўналтириш
		Ўз дам олишини ташкил этиши ва у билан мустақил шуғулланиш имкониятига эга эмас	1	Уйда мулоқот хизмати
7.	**Кир ювиш**	Мустақил равишда кир ювиши мумкин	3	-
		Фақат кир ювиш машинаси ёрдамида мустақил равишда кир ювиши мумкин	2,5	-
		Кирларни дорга осишда ўзгаларнинг озгина ёрдами билан мустақил кир ювиши мумкин	2	-
		Ўзгаларнинг катта ёрдами талаб этилади	1,5	Кир ювиш хизмати
		Кир ювиш билан мустақил шуғулланиш имкониятига эга эмас	1	Кир ювиш хизмати
8.	**Дори воситаларини қабул қилиш**	Дори воситаларини мустақил қабул қилиши мумкин (дозани тўғри олиб ва тегишли вақтда)	3	-
		Дори воситаларини озгина ёрдам билан мустақил қабул қилиши мумкин *(кимдир аниқ дозани белгилайди ва дори воситаларини қабул қилиш зарурлигини эслатади)*	2	-
		Дорини, агар кимдир доимий равишда ушбу дориларни қабул қилишни назорат қилса, мустақил қабул қилиши мумкин	1,5	Дориларни қабул қилишни назорат қилиш хизмати
		Дориларни мустақил қабул қилиш имкониятига эга эмас	1	Дориларни қабул қилишни назорат қилиш хизмати
9.	**Шахсий маблағларини тасарруф этиш**	Ўз маблағларини мустақил тасарруф этади	3	-
		Ўзгаларнинг озгина ёрдами билан ўз маблағларини	2	Харид қилишда ижтимоий

		мустақил тасарруф этади		кузатув
		Жорий харажатларни мустақил тасарруф этади, бироқ ойлик бюджетни тақсимлашга қодир эмас	1,5	Ойлик бюджетни тақсимлашда кўмаклашиш
		Ўз маблағларини тасарруф этишга қодир эмас	1	Моддий таъминотини назорат қилиш ва қўллаб қувватлаш
Баллар суммаси:				

КЕКСА ЁКИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХС ТОМОНИДАН ЭЛЕМЕНТАР ЁКИ МУРАККАБ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИНГАН БАЛЛАРНИ ЖАМЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА КЕКСА ЁКИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХС ТОИФАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Тоифа	Уйда парвариш қилиш талаб этилмайди	Ўзганинг ёрдамига озгина боғлиқ	Ўзганинг ёрдамига мўътадил боғлиқлик	Ўзганинг ёрдамига аён кўриниб турган боғлиқлик	Ўзганинг ёрдамига анча боғлиқлик
Балл	*(116 балл ва ундан ортиқ)*	*(88-115 балл)*	*(63-87балл)*	*(54-62 балл)*	*(0-53 балл)*

";

5–7-бўлимлардаги “Ишчи” сўзи “Мультидисциплинар” сўзи билан алмаштирилсин;

5-иловада:

номидаги “Ишчи гуруҳининг” сўзлари “Мультидисциплинар гуруҳнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

жадвалнинг иккинчи устуни номидаги ва изоҳдаги “Ишчи” сўзи “Мультидисциплинар” сўзи билан алмаштирилсин;

6-иловадаги “ишчи” сўзи “мультидисциплинар” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни эътироф этиш, индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлаш ва мониторинг қилишнинг маъмурий регламентига
9-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____
(туман/шаҳар)

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори

_____
(Ф.И.О.)

20___ йил “_____” _____

Мультидисциплинар гуруҳнинг ўзгалар парваришига муҳтож шахсга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар самарадорлигини мониторинг қилиш натижалари бўйича ХУЛОСА

Сана: 20__ йил “____”_____

Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг Ф.И.О._____
_____

Туғилган санаси _____
_____

Яшаш манзили (вилоят, туман (шаҳар), кўча, уй, квартира) ва телефони _____
_____

Шахс реестрга киритилишида иштирок этганлар: _____
_____

Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш жойидаги фуқаролар йиғини масъул ходими
_____

Оилавий поликлиника масъул ходими

Инсон ижтимоий хизматлар маркази масъул ходими

Ҳаёт фаолияти соҳасини баҳолаш	**Мультидисциплинар гуруҳнинг хулосалари**
I. Яшаш ҳолатини баҳолаш бўйича хулоса	
II. Индивидуал ижтимоий хизматлар режасининг самарадорлиги	
III. Индивидуал ижтимоий хизматлар режасини қайта кўриб чиқиш ва (ёки) тугатиш	
IV. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчи томонидан хизматдан қониқиш ҳосил қилганлик даражаси.	

Мультидисциплинар гуруҳ хулосаси: _____

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходими *Имзо* _____
(Ф.И.О.)

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси *Имзо* _____
(Ф.И.О.)

Оилавий шифокор *Имзо* _____
(Ф.И.О.)

”.

д) 2-иловада:

3-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ижтимоий хизматлар;”

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур бандда назарда тутилган тадбирлар тегишлилиги бўйича масъул давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан амалга оширилади”;

5-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) томонидан индивидуал ижтимоий хизматлар режасига мувофиқ ташкил этилади”;

6, 7, 9, 13-бандлар, 2 ва 3-параграфлар ҳамда 62–64-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш йил давомида индивидуал ижтимоий хизматлар режаси асосида тегишлилиги бўйича оилавий поликлиникалар томонидан амалга оширилади”;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Оилавий поликлиника ҳар ой якунида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган ўзгалар парваришига муҳтож шахслар ҳақидаги маълумотларни “Инсон” марказига юборади”;

12-банддаги “Тасдиқланган жадвалга” сўзлари “Индивидуал ижтимоий хизматлар режасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

31-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Инсон” маркази ходими индивидуал ижтимоий хизматлар режасига асосан 5 иш куни ичида ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг уйига бориб, мослаштириш бўйича талабларни шакллантиради ва “Инсон” маркази директорига киритади”;

33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. “Инсон” маркази мослаштириш бўйича талабларни шакллантирганидан кейин 3 иш куни ичида унга киритилган ишларнинг амалга оширилишини ташкил этиш тўғрисидаги сўровномани тайёрлайди”;

34-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“34. “Инсон” маркази мослаштириш ишларини амалга оширилишини ташкил этиш тўғрисидаги сўровномани туман (шаҳар) ҳокимлигига киритади”;

35-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда мослаштириш тадбирларига талаб этиладиган маблағларни “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан жалб этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади”;

38-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“39. Қуйидаги ҳолатларда “Инсон” маркази томонидан 2 иш куни ичида туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимига дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини амалга ошириш тўғрисида сўровнома юборилади:

ўзгалар парваришига муҳтож шахс ёки унинг қонуний вакилининг дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги мурожаати ижтимоий ходим ёки “Инсон” маркази томонидан қабул қилинганда;

ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг индивидуал ижтимоий хизматлар режасига дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини ўтказиш киритилган тақдирда”;

41-бандниng бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

54-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “маълумотлар базасини” сўзлари “маълумотларни” сўзи билан алмаштирилсин;

55-банддан “ёки ижтимоий ходим ассистенти” сўзлари чиқариб ташлансин;

65-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“65. Ижтимоий хизматлар кўрсатилишини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари, “Саховат ва кўмак” жамғармаси ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июндаги 354-сон қарори билан тасдиқланган Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 11-бандда:

“а” кичик банди қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий хизматларга эҳтиёжи мавжудлигини аниқлайди ва бу ҳақида “E-himoya orderi” электрон тизимига маълумот киритади”;

“б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) бир иш куни ичида ижтимоий ходим хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳолатини дастлабки тарзда баҳолайди. Бунда мурожаат “E-himoya orderi” электрон тизими орқали келиб тушган ҳолларда фақат ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий хизматлардан фойдаланиш истагини билдирган шахсларнинг ҳолати дастлабки баҳолашдан ўтказилади.

Баҳолаш натижаларига кўра хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари розилиги асосида бирламчи кўмак хонасига жойлаштиради.

Бунда хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари профилактика инспектори томонидан бирламчи кўмак хонасига жойлаштирилганда, ижтимоий ходим 24 соат ичида уларнинг ҳолатини дастлабки тарзда баҳолаш чораларини кўради";

б) илованинг 5-босқичи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"

5-босқич	Профилактика инспектори	1. Хотин-қизларга ҳимоя ордерини расмийлаштириш ҳамда заруратга кўра уларни бирламчи кўмак хоналарига жойлаштириш учун тегишли далолатномани расмийлаштириш чораларини кўради. 2. Тазйиқ ва зўравонликни содир этган шахс билан суҳбат ўтказади. 3. Жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий хизматларга эҳтиёжи мавжудлигини аниқлайди ва бу ҳақида "E-himoya orderi" электрон тизимига маълумот киритади;	Хабар келиб тушганидан сўнг 24 соат ичида
	Ижтимоий ходим	1. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари профилактика инспектори томонидан бирламчи кўмак хонасига жойлаштирилганда, уларнинг ҳолатини дастлабки тарзда баҳолаш чораларини кўради. 2. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳолатини дастлабки тарзда баҳолайди. Бунда мурожаат "E-himoya orderi" электрон тизими орқали келиб тушган ҳолларда фақат ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий хизматлардан фойдаланиш истагини билдирган шахсларнинг ҳолати дастлабки баҳолашдан ўтказилади. Баҳолаш натижаларига кўра хотин-қизлар ва уларнинг вояга	Бирламчи кўмак хонасига жойлаштирилгандан сўнг 24 соат ичида Хабар келиб тушганидан сўнг бир иш куни давомида

		етмаган фарзандлари розилиги асосида бирламчи кўмак хонасига жойлаштиради.	

”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори билан тасдиқланган “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида ижтимоий хизматлардан имтиёзли шартларда фойдаланиш учун ваучер бериш ҳамда ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда ижтимоий хизмат кўрсатувчи томонидан “Ижтимоий ҳимоя” АТга маълумот киритилиб, бироқ ушбу кунда тегишли хизмат амалда кўрсатилмаганлиги аниқланганда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатлари қоплаб берилмайди ёки тўловлар амалга оширилган бўлса, кейинги тўловлардан қайта ҳисоб-китоб қилиб чегириб қолинади”;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Кўрсатилган ижтимоий хизматлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда ушбу хизматлардан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг биометрик маълумотлари хизмат кўрсатилган кунда хизмат кўрсатувчи томонидан “Ижтимоий ҳимоя” АТга киритиб борилади. Бунда:

ижтимоий хизмат кўрсатувчи томонидан хизматдан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг биометрик маълумотларини тасдиқлаш имкони бўлмаган ҳолларда, ижтимоий хизмат кўрсатилган кунда хизмат кўрсатувчи ҳамда “Инсон” марказининг масъул ходими томонидан “Ижтимоий ҳимоя” АТда электрон шаклда тасдиқланган далолатномага (кейинги ўринларда – далолатнома) асосан кўрсатилган хизматлар электрон давомат табелида ҳисобга олинади;

хизмат кўрсатиш дам олиш ёки байрам кунларида амалга оширилганда, далолатнома кейинги иш кунида расмийлаштирилиши мумкин”;

в) 6-банд “мазкур Низомга 2г-иловада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. “Инсон” марказининг масъул ходими томонидан сўровномани кўриб чиқишда мазкур Низомга 2а – 2д-иловаларга мувофиқ “Ижтимоий ҳимоя” АТда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахснинг ёки у билан бирга яшаб, унга қараб турувчи меҳнатга лаёқатли шахснинг:

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестри (кейинги ўринларда – Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар реестри) ёки Ижтимоий реестрга киритилганлиги ҳолати ўрганилади;

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарори билан тасдиқланган Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни эътироф этиш,

индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлаш ва мониторинг қилишнинг маъмурий регламентида белгиланган тартибда Бартел ва Лаутон шкалаларини расмийлаштириш орқали ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси баҳоланади;

хизматдан фойдаланувчига қараб турган меҳнатга лаёқатли шахснинг ҳақиқатда хизматдан фойдаланувчи билан бирга яшаши ўрганилади;

мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ сўровномани расмийлаштириш орқали оиласи ёки ўзини ижтимоий хизматларга эҳтиёжи аниқланади";

д) 16-бандда:

биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

"Бунда хизматдан фойдаланувчи томонидан уй шароитида қараб туриш хизмати ёки кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати танланган ҳолларда хизматдан фойдаланувчи билан бирга яшаб, унга қараб турган меҳнатга лаёқатли шахс ҳам шартноманинг учинчи томони сифатида иштирок этади";

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Томонлар шартномани мобил телефон рақамига СМС-хабар орқали юбориладиган махсус кодни маълум қилиш, Face-ID ёки имзони идентификация қилишнинг тегишли воситалари (электрон рақамли имзо, дактилоскопия, ягона идентификация тизимидаги логин ва пароль, мобил-ID ва бошқалар) ёхуд имзо қўйиш йўли билан тасдиқлайди";

е) қуйидаги мазмундаги 16^1-банд билан тўлдирилсин:

"16^1. Шартнома фақат ваучер олиш бўйича биринчи марта мурожаат қилинганда тузилади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар реестридаги ижтимоий хизматлардан фойдаланаётган шахслар қайта баҳоланганда, уларнинг "Ижтимоий ҳимоя" АТдаги шахсий кабинетида ваучер автоматик шаклланади";

ж) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"18. Шартнома маълумотлари асосида "Ижтимоий ҳимоя" АТда тегишли ижтимоий хизматдан 6 ойдан кўп бўлмаган муддатда фойдаланиш ҳуқуқи билан ваучер:

Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар реестридаги Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 62 баллгача баҳоланган шахсларга уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати ва тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати учун;

мазкур низомга мувофиқ бошқа тоифадаги ижтимоий хизматдан фойдаланувчиларга фақат битта ижтимоий хизмат учун берилади.

Бунда хизматдан фойдаланувчи ваучер асосида бир кунда фақат битта ижтимоий хизматдан фойдаланиши мумкин";

з) қуйидаги мазмундаги 18^1-банд билан тўлдирилсин:

“18[1]. Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар реестридаги икки ва ундан ортиқ шахслар биргаликда яшаган тақдирда уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати ҳамда хизматдан фойдаланувчининг яшаш жойида тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати учун ваучер улардан ҳар бири Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 62 баллгача баҳоланганда, уларнинг ҳар бири учун алоҳида берилади. Бунда мазкур тоифадаги шахслар билан бирга яшайдиган ҳамда Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 62 баллдан юқори баҳоланган шахслар учун алоҳида ваучер берилмайди”;

и) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. “Ижтимоий ҳимоя” АТда ваучер шакллантирилганлиги ҳақида шу куннинг ўзида ижтимоий хизматдан фойдаланувчининг мобил телефон рақамига СМС-хабар ҳамда ЯИДХПдаги ёки “Оила ҳамкори” платформасидаги шахсий кабинетига хабар юборилади ёки ижтимоий хизматдан фойдаланувчи бир иш кунидан кўп бўлмаган муддатда “Инсон” марказининг ижтимоий ходими томонидан хабардор қилинади”;

к) 20-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчи ваучер берилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида ўз хоҳишига кўра “Ижтимоий ҳимоя” АТнинг “Оила ҳамкори” платформасида хизмат кўрсатувчини танлаши лозим”;

иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи – ўнинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Қуйидаги ҳолларда хизматдан фойдаланувчига берилган ваучер бекор қилинади ва бу ҳақида хизматдан фойдаланувчига ёки унинг оила аъзоларига хабар берилади:

хизматдан фойдаланувчи мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган муддат ичида “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали хизмат кўрсатувчини танламаганда;

хизматдан фойдаланувчи вафот этганда;

хизматдан фойдаланувчи томонидан ижтимоий хизматдан ваучер асосида фойдаланиш рад этилганда;

хизматдан фойдаланувчи бир ойдан ортиқ муддатга чет элга чиққанда;

мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлмаган шахсга ваучер берилганлиги аниқланганда;

мазкур Низомга 2б ва 2г-иловаларига мувофиқ банд бўлиш ёки таълим олиш ёхуд касб-ҳунарга ўқишга доир мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаганда;

хизматдан фойдаланувчи билан тузилган шартнома шартлари хизматдан фойдаланувчи томонидан бажарилмаганда.

Бунда ушбу бандниng еттинчи хатбошисида кўрсатилган шарт бажарилмаганлиги аниқланган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан хизматдан фойдаланувчига берилган ваучер бекор қилинади";

л) қуйидаги мазмундаги 20^1 ва 20^2-бандлар билан тўлдирилсин:

"20^1. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчи томонидан танланган хизмат кўрсатувчи "Оила ҳамкори" платформаси орқали келиб тушган ваучерни бир иш куни муддатда қабул қилиши ёки қабул қилишни рад этиши зарур.

Хизмат кўрсатувчи томонидан ваучер қабул қилинган ҳолларда, у хизматдан фойдаланувчига бир иш куни ичида тегишли ижтимоий хизмат кўрсатилишини таъминлаши лозим.

20^2. Хизмат кўрсатувчи томонидан ваучер қабул қилиниб, бироқ хизматдан фойдаланувчига бир иш куни ичида тегишли ижтимоий хизмат кўрсатилиши таъминланмаганда, хизмат кўрсатувчининг танланганлиги автоматик тарзда бекор қилинади ва хизматдан фойдаланувчи томонидан бошқа хизмат кўрсатувчи танланади";

м) 23-банд қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Ижтимоий ҳимоя" АТнинг "Оила ҳамкори" платформасида рўйхатдан ўтишда кўрсатилган ижтимоий хизмат қамрови доирасида ваучерларни қабул қилишга рухсат этилади";

н) 25-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Ижтимоий хизматни (хизматларни) кўрсатишга тайёрлиги тўғрисида хулоса тасдиқланиб, рўйхатдан ўтказилгандан кейин хизмат кўрсатиш жойи, қуввати ва ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда, уч иш куни ичида қайта хулоса олиш учун сўровнома юбориш талаб этилади";

о) қуйидаги мазмундаги 25^1 ва 25^2-бандлар билан тўлдирилсин:

"25^1. Қуйидаги ҳолларда хизмат кўрсатувчи "Ижтимоий ҳимоя" АТнинг "Оила ҳамкори" платформасида рўйхатдан чиқарилади:

хизмат кўрсатувчи "Ижтимоий ҳимоя" АТнинг "Оила ҳамкори" платформасида рўйхатдан чиқаришни сўраб ариза билан мурожаат қилганда;

хизмат кўрсатувчи томонидан "Ижтимоий ҳимоя" АТга хизмат кўрсатилганлиги ҳақида маълумот киритилиб, ушбу кунда тегишли хизмат амалда кўрсатилмаганлиги, шу жумладан, хизматдан фойдаланувчининг биометрик маълумотлари, фотосурат ёки бошқаларни киритишда ёлғон ёки ҳақиқий бўлмаган маълумотлардан фойдаланилганлиги бир календарь йили давомида уч мартадан ортиқ ҳолатда аниқланганда. Бунда аниқланган ҳар бир ҳолат бир ёки бир нечта хизматдан фойдаланувчи билан боғлиқлигидан қатъий назар битта ҳолат деб ҳисобланади;

хизмат кўрсатувчи томонидан мазкур Низом талабларига риоя этилмаганлиги аниқланганда;

хизмат кўрсатиш жойи, хизмат кўрсатувчининг қуввати ва ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда уч иш куни ичида қайта хулоса олиш учун сўровнома юбормаганлиги аниқланганда.

Ўрганиш гуруҳи томонидан хизмат кўрсатувчи “Ижтимоий ҳимоя” АТнинг “Оила ҳамкори” платформасида рўйхатдан чиқариш учун асос бўлган ҳолатни тасдиқловчи далолатнома расмийлаштирилиб, тизимга киритилади.

25^2. Хизмат кўрсатувчи “Ижтимоий ҳимоя” АТнинг “Оила ҳамкори” платформасида рўйхатдан чиқарилганда, хизматдан фойдаланувчига бошқа хизмат кўрсатувчини танлаш имконияти берилади”;

п) 26 ва 27-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“26. Ижтимоий хизматларнинг самарадорлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарори билан тасдиқланган Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни эътироф этиш, индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлаш ва мониторинг қилишнинг маъмурий регламентида белгиланган тартибда мультидисциплинар гуруҳ томонидан ҳар олти ойда бир маротаба баҳолаб борилади.

27. Тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати самарадорлигини ҳар олти ойда бир маротаба баҳолашда кўрсатилган хизматнинг камида эллик фоизи танлов йўли билан ўрганилади. Бунда:

ўрганиш тегишлилиги бўйича Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, унинг ҳудудий марказлари, шунингдек марказ мавжуд бўлмаган ҳудудларда Агентликнинг ҳудудий бошқармаларидаги тиббий-ижтимоий реабилитация хизматини ривожлантириш бўйича масъул ходими томонидан амалга оширилади;

ўрганишда шахснинг эҳтиёжлари асосида индивидуал реабилитация режаси ва кўрсатилган хизматлар баҳоланади;

ўрганиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар мультидисциплинар гуруҳга тақдим этилади”;

р) 28-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

с) 29-банддан “Ишчи гуруҳ томонидан” сўзлари чиқариб ташлансин;

т) 30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“30. “Инсон” марказининг ижтимоий ходими уч ойда камида бир маротаба хизматдан фойдаланувчининг кўрсатилган хизматдан қониқиш даражасини сўровнома асосида ўрганади ва тегишли маълумотларни “Ижтимоий ҳимоя” АТга киритиб боради. Бунда маълумотлар сўровнома ўтказилган кунда хизматдан фойдаланувчининг биометрик маълумоти билан тасдиқланади”;

у) 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“32. Кўрсатилган ижтимоий хизматлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда ушбу хизматлардан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг биометрик

маълумотлари ёки далолатномани “Ижтимоий ҳимоя” АТга киритиш орқали ушбу маълумотлар асосида автоматик тарзда электрон давомат табели шаклланиб, “Инсон” маркази директори томонидан қабул қилинади ва ушбу электрон давомат табели асосида ажратиладиган субсидиянинг ойлик миқдори автоматик ҳисоб-китоб қилинади.

Электрон давомат табелида нотўғри ёки хато маълумотлар киритилганлиги аниқланганда, “Инсон” маркази директори томонидан қабул қилинмайди ва маълумотларнинг нотўғри ёки хато эканлиги асослантирувчи асосларни кўрсатган ҳолда, қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади.

Бунда давомат мобил илова ёки махсус қурилмалар ёрдамида жисмоний шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали юритилади”;

ф) 1-иловада:

3-босқичнинг “Тадбирлар” устуни иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестри (кейинги ўринларда — Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар реестри) ёки Ижтимоий реестрга киритилганлиги ҳолати ўрганилади”;

10-босқичнинг “Тадбирлар” устунидаги “телефон рақамига ҳамда ЯИДХПдаги” сўзлари “телефон рақамига СМС-хабар ҳамда ЯИДХПдаги ёки “Оила ҳамкори” платформасидаги шахсий” сўзлари билан алмаштирилсин;

х) 2а-иловада:

5-позициянинг иккинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий хизматни кўрсатиш ҳажми**”;

9-позициянинг учинчи устуни биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий ҳимоя” АТга далолатнома ёки қуйидаги маълумотларнинг ижтимоий хизмат кўрсатилган кунда киритилганлиги:”;

11-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги иккинчи–тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Қуйидаги ҳолларда ижтимоий хизматни кўрсатиш тўхтатилади:

хизматдан фойдаланувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ёки “Мурувват” интернат-уйига жойлаштирилганда – мазкур муассасаларга жойлаштирилган даврда;

Санаторий ёки даволаш муассасасида бўлганда – мазкур муассасаларда бўлган даврида”;

изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар реестридаги икки ва ундан ортиқ биргаликда яшайдиган ҳар бири Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 62 баллгача бўлган шахсларга берилган ваучерларнинг фақат биттаси бўйича белгиланган хизмат кўрсатиш соатлари тўлиқ ҳажмда, қолганлари бўйича

эса, белгиланган соатларнинг тенг ярми ҳажмида хизмат кўрсатилади. Бунда мазкур шахслар томонидан фақат битта хизмат кўрсатувчи танланади";

ц) 2б-иловада:

4-позициянинг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 53 баллгача бўлган 18 ва ундан катта ёшдаги шахс";

6-позициянинг учинчи устунидаги "яшайдиган оила аъзосига" сўзлари "яшовчи шахсга" сўзлари билан алмаштирилсин;

7-позициянинг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Шахснинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 53 баллгача баҳоланганлиги;

оила ёки шахснинг ижтимоий хизматларга эҳтиёжи мавжудлиги;

хизматдан фойдаланувчи билан бирга яшаб, унга қараб турувчи меҳнатга лаёқатли шахс уч ой ичида банд бўлиш ёки таълим олиш ёхуд касб-ҳунарга ўқиш мажбуриятини олганлиги***;

хизматдан фойдаланувчи билан бирга яшаб, унга қараб турган меҳнатга лаёқатли шахс Ижтимоий реестрга киритилганлиги****;

9-позициянинг учинчи устуни биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ижтимоий ҳимоя" АТга далолатнома ёки қуйидаги маълумотларнинг ижтимоий хизмат кўрсатилган кунда киритилганлиги:";

10-позициянинг учинчи устуни саккизинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги "қайта баҳолашдан" сўзлари "мониторинг ўтказишдан" сўзлари билан алмаштирилсин;

11-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"2026 йил 1 февралга қадар хизматдан фойдаланиш учун шакллантирилган ваучерлар мазкур паспорт талабларига тўғри келганда, хизматдан фойдаланиш мазкур ваучернинг муддати тугагунга қадар давом эттирилади";

изоҳ қисмининг ўнинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги ўнинчи–ўн биринчи хатбошилар билар алмаштирилсин:

"*** Ўзини ўзи банд қилганлиги ёки уч ой ичида банд бўлиш, таълим олиш ёхуд касб-ҳунарга ўқиш мажбуриятлари бажарилганлиги "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида текширилади. Бунда мазкур маълумотлар ахборот тизимлари орқали аниқланмаган ёки мавжуд бўлмаганда, улар "Ижтимоий ҳимоя" АТда "Инсон" марказининг ижтимоий ходими томонидан электрон имзодан фойдаланган ҳолда ҳамда хизматдан фойдаланувчи томонидан

биометрик маълумот билан тасдиқланган ҳолда тузиладиган далолатнома (тасдиқловчи ҳужжатлар далолатномага илова қилинади) асосида тасдиқланади.

**** Хизматдан фойдаланиш учун ваучер берилгандан сўнг, хизматдан фойдаланувчи билан бирга яшаб, унга қараб турган меҳнатга лаёқатли шахс Ижтимоий реестрдан чиқарилган тақдирда, хизматдан фойдаланиш Ижтимоий реестрдан чиқарилган вақтдан бошлаб мазкур ваучернинг муддати тугагунга қадар давом эттирилади";

ч) 2в-иловада:

2-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"шахсни парваришлаш (овқатлантириш, гигиеник тадбирларни амалга ошириш)*;"

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3-позициянинг учинчи устуни биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Инсон" ижтимоий хизматлар маркази**;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг тизим ташкилотлари**";

4-позициянинг учинчи устуни иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ижтимоий реестрга киритилган ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 62 баллгача бўлган 18 ва ундан катта ёшдаги жароҳатланиш ёки бош мия қон айланиши бузилиши (инсульт) ташхиси қўйилган шахс";

5-позицияда:

иккинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ижтимоий хизматни кўрсатиш ҳажми***";

учинчи устуни тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ижтимоий реестрга киритилган ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 62 баллгача бўлган жароҳатланиш ёки бош мия қон айланиши бузилиши (инсульт) ташхиси қўйилган шахсга ҳафтада 3 мартагача 1 соатдан, бироқ 1 та шахс учун бир марта 6 ойдан кўп бўлмаган даврда";

9-позициянинг учинчи устуни биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ижтимоий ҳимоя" АТга далолатнома ёки қуйидаги маълумотларнинг ижтимоий хизмат кўрсатилган кунда киритилганлиги:";

10-позициянинг учинчи устуни саккизинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги "қайта баҳолашдан" сўзлари "мониторинг ўтказишдан" сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“* Уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизматидан фойдаланаётган шахсларга кўрсатилади.

** Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш ҳудудий марказлари фаолияти йўлга қўйилмаган вилоятларда тиббий-ижтимоий реабилитация хизматлари “Инсон” ижтимоий хизматлари марказлари томонидан кўрсатилиши мумкин.

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ва Агентликнинг тизим ташкилотларида кўрсатилган хизматлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва Агентликнинг тизим ташкилотлари томонидан мустақил белгиланади.

***Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар реестридаги икки ва ундан ортиқ биргаликда яшайдиган ҳар бири Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 62 баллгача бўлган шахсларга берилган ваучерларнинг фақат биттаси бўйича белгиланган хизмат кўрсатиш соатлари тўлиқ ҳажмда, қолганлари бўйича эса, белгиланган соатларнинг тенг ярми ҳажмида хизмат кўрсатилади. Бунда мазкур шахслар томонидан фақат битта хизмат кўрсатувчи танланади”;

ш) 2г-иловада:

2-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) хулқ-атвор бузилишлари бўлмаган руҳий касаллик бўйича диспансер назоратида турувчи деменция, Паркинсон ёки Альцгеймер касаллиги ташхиси қўйилган махсус парваришга муҳтож шахсларга агрессия ва безовталикни камайтириш ҳамда хавфсиз тўсиқсиз мослашган муҳитни таъминлашга қаратилган хизматлар (махсус марказ типи учун)”;

4-позициянинг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) Ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 62 баллгача бўлган 18 ва ундан катта ёшдаги шахс;

б) хулқ-атвор бузилишлари бўлмаган руҳий касаллик бўйича диспансер назоратида турувчи деменция, Паркинсон ёки Альцгеймер касаллиги ташхиси қўйилган махсус парваришга муҳтож шахс”;

6-позициянинг учинчи устуни иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агентликнинг тизим ташкилотлари томонидан кўрсатилганда – 1 соат учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,5 фоизи;

якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан кўрсатилганда – 1 соат учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 фоизи”;

7-позициянинг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) мазкур Паспортнинг 4-позицияси “а” кичик бандида кўрсатилган ижтимоий хизматдан фойдаланувчилар учун:

шахснинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 62 баллгача баҳоланганлиги;

оиланинг ижтимоий хизматларга эҳтиёжи мавжудлиги;

хизматдан фойдаланувчи билан бирга яшаб, унга қараб турувчи меҳнатга лаёқатли шахс уч ой ичида банд бўлиш ёки таълим олиш ёхуд касб-ҳунарга ўқиш мажбуриятини олганлиги*;

Хизматдан фойдаланувчи билан бирга яшаб, унга қараб турган меҳнатга лаёқатли шахс Ижтимоий реестрга киритилганлиги**;

б) мазкур Паспортнинг 4-позицияси “б” кичик бандида кўрсатилган ижтимоий хизматдан фойдаланувчилар учун:

туман тиббиёт бирлашмаси шифокор-психиатрининг хулқ-атвор бузилиши бўлмаган диспансер назоратида турувчи деменция ёки Альцгеймер касалликлари ташхиси бўйича, шифокор-невропатологнинг Паркинсон касаллиги ташхиси бўйича хулосаси;

Хизматдан фойдаланувчи билан бирга яшаб, унга қараб турувчи меҳнатга лаёқатли шахснинг уч ой ичида банд бўлиш ёки таълим олиш ёхуд касб-ҳунарга ўқиш мажбуриятини олганлиги*”;

8-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Махсус марказ типида алоҳида бинода (мазкур Паспортнинг 4-позицияси “б” кичик бандида кўрсатилган ижтимоий хизматдан фойдаланувчилар учун) – камида 7 нафар шахсларга”;

9-позициянинг учинчи устунида:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий ҳимоя” АТга далолатнома ёки қуйидаги маълумотларнинг ижтимоий хизмат кўрсатилган кунда киритилганлиги:”;

учинчи хатбоши “ҳақиқатда фойдаланган шахснинг” сўзларидан кейин “хизматдан фойдаланиш учун ташриф буюрган вақтдаги ҳамда хизмат кўрсатиш тугаган вақтдаги” сўзлари билан тўлдирилсин;

10-позициянинг учинчи устуни саккизинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги “қайта баҳолашдан” сўзлари “мониторинг ўтказишдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-позициянинг учинчи устунида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хизмат марказ типида ёки махсус марказ типида ташкил этилганда камида 1 нафар ҳамшира фаолияти йўлга қўйилади”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи–олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати марказ типида ва махсус марказ типида аралаш тарзда ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

Кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини кўрсатиш марказ типида ёки махсус марказ типида йўлга қўйилган вақтдан бошлаб тегишлилиги бўйича Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, унинг ҳудудий марказлари, шунингдек марказ мавжуд бўлмаган ҳудудларда Агентликнинг ҳудудий бошқармаларидаги тиббий-ижтимоий реабилитация хизматини ривожлантириш бўйича масъул ходими томонидан ҳар 3 ойда бир маротаба марказ ишининг минимал талабларга мувофиқлиги ва хизмат кўрсатиш ҳолати мониторинг қилинади.

2026 йил 1 февралга қадар хизматдан фойдаланиш учун шакллантирилган ваучерлар мазкур паспорт талабларига тўғри келганда, хизматдан фойдаланиш мазкур ваучернинг муддати тугагунга қадар давом эттирилади";

изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"* Ўзини ўзи банд қилганлиги ёки уч ой ичида банд бўлиш, таълим олиш ёхуд касб-ҳунарга ўқиш мажбуриятлари бажарилганлиги "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида текширилади. Бунда мазкур маълумотлар ахборот тизимлари орқали аниқланмаган ёки мавжуд бўлмаганда, улар "Ижтимоий ҳимоя" АТда "Инсон" марказининг ижтимоий ходими томонидан электрон имзодан фойдаланган ҳолда ҳамда хизматдан фойдаланувчи томонидан биометрик маълумот билан тасдиқланган ҳолда тузиладиган далолатнома (тасдиқловчи ҳужжатлар далолатномага илова қилинади) асосида тасдиқланади.

** Хизматдан фойдаланиш учун ваучер берилгандан сўнг, хизматдан фойдаланувчи билан бирга яшаб, унга қараб турган меҳнатга лаёқатли шахс Ижтимоий реестрдан чиқарилган тақдирда, хизматдан фойдаланиш Ижтимоий реестрдан чиқарилган вақтдан бошлаб мазкур ваучернинг муддати тугагунга қадар давом эттирилади".

э) 2д-илованинг 9-позицияси учинчи устуни биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ижтимоий ҳимоя" АТга далолатнома ёки қуйидаги маълумотларнинг ижтимоий хизмат кўрсатилган кунда киритилганлиги:";

ю) 3-илова қуйидаги мазмундаги 3-бўлим билан тўлдирилсин:

"

III. Хизматдан фойдаланувчи билан бирга яшаб, унга қараб турган меҳнатга лаёқатли шахс тўғрисида маълумотлар		
19.	**Ф.И.О.***	
20.	**ЖШШИР**	
21.	**Ижтимоий реестрга киритилганлик ҳолати**	

",

я) 4-иловада:

7–9-позицияларнинг “Саволлар” устунидаги “бир ой” сўзлари “олти ой” сўзлари билан алмаштирилсин;

я[1]) 5-иловада:

2-бобда:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Кундузги қатнов асосида ёки хизматдан фойдаланувчининг яшаш жойида хизмат кўрсатишда шифокор ва ҳамшира фаолияти йўлга қўйилганлиги. Бунда шифокор ва ҳамшира қонунчиликда тиббиёт ходимлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда малакасини оширган бўлиши лозим”;

қуйидаги мазмундаги 9-банд билан тўлдирилсин:

“9. Тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг мавжудлиги”;

3-бобда:

қуйидаги мазмундаги 13 ва 14-бандлар билан тўлдирилсин:

“13. Махсус марказ типида кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини кўрсатишда шифокор-психиатр назорати ва ҳамшира фаолияти йўлга қўйилганлиги.

14. Хулқ-атвор бузилишлари бўлмаган руҳий касаллик бўйича диспансер назоратида турувчи деменция, Паркинсон ёки Альцгеймер касаллиги ташхиси қўйилган махсус парваришга муҳтож шахслар учун хавфсиз ва тўсиқсиз мослашган муҳитни таъминлаш”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **26** yil « **30** » **yanvar** № **38** Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари тизимини рақамли трансформация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ–155-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

фуқаронинг яшаш жойи манзили тўғрисидаги нотўғри маълумотни таҳрирлаш ҳақидаги мурожаати асосида таҳрирланган қайд варағи бериш;

мулкдорнинг кўчмас мулкида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахс (шахслар) тўғрисидаги нотўғри маълумотни таҳрирлаш ҳақидаги мурожаати асосида кўчмас мулк манзилида рўйхатдан ўтган шахс (шахслар) ҳақида таҳрирланган маълумотнома бериш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизмати ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари ёки давлат хизматлари марказлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали кўрсатилади;

2026 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахс (шахслар) тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш учун ЯИДХП орқали электрон мурожаат қилиш имконияти яратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда**:

“Manzil” автоматлаштирилган ахборот тизимида ариза берувчи мулкдорнинг оила аъзоси (отаси, онаси, эри (хотини), фарзанди, акаси, укаси, опаси, синглиси ёки собиқ оила аъзоси) ёхуд бегона эканлиги ҳақидаги маълумотни “ФҲДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида мавжуд маълумотлар асосида аниқлаш имкониятини яратсин;

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан ҳамкорликда ҳудудий маҳалла фуқаролар йиғинидан сўровномада таҳрирлаш кўрсатилган манзилда фуқаро (фуқаролар) яшаши ёки яшамаслиги ҳақидаги маълумотни “Рақамли маҳалла” платформасидан “Электрон ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олиш имкониятини яратсин;

ушбу қарорга мувофиқ давлат хизматининг ЯИДХП орқали кўрсатилишини таъминласин ҳамда унинг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "30" январдаги 38-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яшаш жойи манзилини ҳамда мулкдорнинг кўчмас мулкида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича ваколатли органга мурожаат этувчи жисмоний ва юридик шахс;

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

"Manzil" автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – тизим) – шахсларни яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими;

маълумотни таҳрирлаш – тизимда фуқаронинг яшаш жойи манзили ҳамда мулкдорнинг кўчмас мулкида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги нотўғри маълумотларни таҳрирлаш;

мулкдор – қонуний асосда эгалик ҳуқуқини берувчи турар жой эгаси (эгалари) ёки турар жойни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

яшаш жойи манзили – ариза берувчининг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили.

3. Давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида қуйидагилар бўйича кўрсатилади:

фуқаронинг яшаш жойи манзили тўғрисидаги нотўғри маълумотни таҳрирлаш бўйича мурожаати асосида тизимда таҳрирланган қайд варағи бериш;

мулкдорнинг кўчмас мулкида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахс (шахслар) тўғрисидаги нотўғри маълумотни таҳрирлаш бўйича мурожаати асосида тизимда манзил бўйича рўйхатдан ўтганлар ҳақида таҳрирланган маълумотнома бериш.

4. Давлат хизматини кўрсатганлик учун тўлов ундирилмайди.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

5. Ариза берувчи сўровнома бериш учун ваколатли органга ёки давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда –ЯИДХП) давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Сўровнома ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда сўровнома иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида тушганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни сўровноманинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун деб ҳисобланади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, ваколатли орган ёки давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса ариза берувчи мустақил равишда сўровномани ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда тўлдиради.

Ариза берувчи учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда, сўровномага нотариал тасдиқланган ишончнома илова қилинади.

7. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг маълумотлар тўғрилиги ариза берувчи томонидан текширилади ва фойдаланувчини идентификация ва верификация қилиш воситалари орқали тасдиқланади.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, шахсини “One-ID” тизими орқали идентификация қилиш орқали сўровномани тасдиқлайди.

8. Сўровномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги, шахсга нисбатан қидирув эълон қилингани (мулкдор маълумотларини таҳрирлаш бундан мустасно) давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматини кўрсатиш бошқа асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

9. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишда уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

10. Белгиланган тартибда тасдиқланган сўровнома тизим орқали реал вақт режимида фуқаронинг яшаш жойи манзили ёки мулкдорнинг кўчмас мулки жойлашган ҳудудга хизмат кўрсатувчи ваколатли органга юборилади.

11. Ваколатли органга келиб тушган сўровнома манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

12. Ваколатли орган масъул ходими сўровномада кўрсатилган маълумотларни ваколатли орган ҳисоблари, шунингдек, электрон тизимлар орқали текширади.

13. Ваколатли орган томонидан сўровномада кўрсатилган маълумотларни ўрганиш натижаларига кўра, таҳрирланган маълумот тизим орқали QR-код (матрик штрихли код) қўйган ҳолда тасдиқланади ҳамда шу куннинг ўзида ариза берувчига хабарнома юборилади.

14. Ваколатли орган ёки давлат хизматлари маркази масъул ходими ушбу Регламентга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ қайд варағи ва/ёки манзил бўйича рўйхатдан ўтганлар тўғрисидаги маълумотномани ариза берувчига (унинг хоҳишига кўра) қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этади.

15. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда ариза берувчининг шахсий кабинетига QR-код қўйилган қайд варағи ва/ёки манзил бўйича рўйхатдан ўтганлар тўғрисидаги маълумотнома автоматик тарзда юборилади.

16. Яшаш жойи манзили таҳрирланган шахс ёки кўчмас мулкида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумот таҳрирланган мулкдор бу ҳақида ахборот-коммуникация тизимлари орқали хабардор қилинади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

17. Ваколатли орган ва давлат хизматлари марказлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

18. Ушбу Регламент талабларига риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти ҳамда Адлия вазирлиги томонидан назорат қилинади.

19. Ариза берувчи яшаш жойи манзилини ҳамда мулкдорнинг кўчмас мулкида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтганлар тўғрисидаги маълумотларни таҳрирлаш бўйича сўровнома ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

20. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

21. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Фуқароларнинг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Фуқароларнинг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш учун миграция ва персоналлаштириш бўлинмаларига (кейинги ўринларда – ваколатли орган) ёки давлат хизматлари марказига шахсан ўзи келиб мурожаат этади ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда– ЯИДХП) давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади. 2. Давлат хизматидан фойдаланиш учун сўровномани тўлдиради.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Ваколатли орган	1. Сўровнома келиб тушгандан кейин ариза берувчи ҳақидаги маълумотларни автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текширади. Ваколатли органга келиб тушган сўровнома Ички ишлар вазирлигининг “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизимига Олий суд электрон тизимидан юборилган: турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган ҳақидаги суд қарори асосида шахс яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилгани; тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқи йўқотилгани ёки кўчириш ҳақидаги суд қарори асосида шахснинг яшаш жойи бўйича рўйхати бекор қилингани текширилади.	Реал вақт режимида

3-босқич	Адлия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги Ҳудудий маҳалла фуқаролар йиғини	Ариза берувчи ёки кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахс (шахслар) мулкдорнинг оила аъзоси (отаси, онаси, эри (хотини), фарзанди, акаси, укаси, опаси, синглиси ёки собиқ оила аъзоси) ёхуд бегона эканлиги ҳақидаги маълумот “ФҲДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида мавжуд маълумотлар асосида реал вақт режимида олинади. Кўчмас мулкнинг кадастр маълумотлари текширилади. Сўровномада таҳрирлаш кўрсатилган манзилда фуқаро яшаши ёки яшамаслиги ҳақидаги маълумот олинади.	Реал вақт режимида Бир иш кунида
4-босқич	Ваколатли орган	1. Сўровномада рад этиш учун асослар аниқланмаганда, фуқаронинг яшаш жойи манзилини ҳамда мулкдорнинг кўчмас мулкида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтганлар тўғрисидаги маълумотни “Manzil” автоматлаштирилган ахборот тизимида таҳрирлайди. 2. Сўровномада кўрсатилган маълумотларни ўрганиш натижаларига кўра, таҳрирланган маълумотни тизим орқали QR-код (матрик штрихли код) қўйган ҳолда тасдиқлайди ҳамда шу куннинг ўзида ариза берувчига хабарнома юборади.	Сўровнома келиб тушган куннинг ўзида
5-босқич	Ваколатли орган ёки давлат хизматлари маркази Ариза берувчи	Қайд варағи ва/ёки манзил бўйича рўйхатдан ўтганлар тўғрисида маълумотномани ариза берувчига (унинг хоҳишига кўра) қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, шахсий кабинетга юборилган QR-код қўйилган қайд варағи ва/ёки манзил бўйича рўйхатдан ўтганлар тўғрисида маълумотномани мустақил равишда олади.	Реал вақт режимида

Ўзбекистон Республикаси фуқаронинг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

Фуқаронинг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини кўрсатиш юзасидан

СЎРОВНОМА

Фуқаронинг яшаш жойи манзилини таҳрирлаш бўйича	
I. Ариза берувчи (фуқаро) тўғрисида маълумот:	
1. Фамилияси	
2. Исми	
3. Отасининг исми	
4. Туғилган санаси	
5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
6. Таҳрирланиши лозим бўлган манзил	
7. Яшаш жойи манзили	
8. Электрон почта манзили ва/ёки телефон рақами	
9. Ариза берувчи учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда, нотариал тасдиқланган ишончнома илова қилинади	*(pdf, png, jpg, jpeg форматда*
Мулкдорга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича	
II. Ариза берувчи (мулкдор ёки мулкдорлар) ҳақида маълумот:	
1. Фамилияси	
2. Исми	
3. Отасининг исми	
4. Туғилган санаси	
5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
6. Электрон почта манзили ва/ёки телефон рақами	
7. Ариза берувчи учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда, нотариал тасдиқланган ишончнома илова қилинади	*(pdf, png, jpg, jpeg форматда*
III. Манзили таҳрирланаётган шахс (шахслар) тўғрисида маълумот	
1. Фамилияси	
2. Исми	
3. Отасининг исми	
4. Туғилган санаси	
5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
6. Таҳрирланиши лозим бўлган манзил	
7. Яшаш жойи манзили	
8. Электрон почта манзили ва/ёки телефон рақами	

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яшаш жойи манзилини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

Фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтгани тўғрисида ҚАЙД ВАРАҒИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги		**Миграция ва персоналлаштириш департаменти**
Т/р: Ҳужжат яратилган сана: Ариза рақами:		Ҳужжат берилган: ЖШШИР:

Фуқаро яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтгани тўғрисида
ҚАЙД ВАРАҒИ

____-сон 20__ йил "___" _____ ҳолатига

Фамилияси	**Исми**	**Отасининг исми**	**Туғилган санаси**	**Жинси**

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат серияси ва рақами	

Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили

Кадастр рақами:
Ҳудуд:
Туман (шаҳар):
Манзил:
Яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган сана:

Турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили

Кадастр рақами:
Ҳудуд:
Туман (шаҳар):
Манзил:
Турган жойи бўйича рўйхатга олинган сана:

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини repo.gov.uz veb-saytida ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яшаш жойи манзилини ҳамда унга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни таҳрирлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4-илова

МАНЗИЛ БЎЙИЧА РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги		**Миграция ва персоналлаштириш департаменти**
Т/р Ҳужжат яратилган сана: Ариза рақами:		Ҳужжат берилган: ЖШШИР:

МАНЗИЛ БЎЙИЧА РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА

____-сон 20__ йил “___” _____ ҳолатига

Ушбу манзил бўйича:
Кадастр рақами:
Рўйхатдан ўтган шахс (лар) сони:
Рўйхатдан ўтган шахслар:

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган сана	Рўйхатга қўйилган сана	ЖШШИР
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини repo.gov.uz veb-saytida ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

4 (1232)-son
78-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » yanvar № 39 Toshkent sh.

Қурилиш объектларининг арзон қум-шағал материалларига бўлган талабини қондириш ҳамда уларнинг нархи барқарор бўлишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика ҳудудида норуда материалларни қазиб олишни тартибга солиш, қурилиш объектларининг арзон қум-шағал материалларига бўлган талабини қондириш ҳамда норуда материалларнинг нархи барқарор бўлишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув ҳавзаларида норуда материалларни қазиб олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 17 январдаги ПФ–14-сон Фармонига мувофиқ:

2024 йил 1 майдан бошлаб Чирчиқ, Сирдарё, Сангзор, Зарафшон, Норин, Қашқадарё ва **Сурхондарё** дарёлари ўзанларидаги норуда материалларни қазиб олишга **муддатсиз мораторий жорий қилингани**;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан мораторий татбиқ этиладиган ҳудудлар чегаралари белгилангани;

тоғ ва тоғолди ҳудудларда муқобил норуда фойдали қазилма конлари ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш назарда тутилгани;

мораторий даврида дарё ўзанлари, соҳилбўйи минтақалар ва сувни муҳофаза қилиш зоналаридан қум-шағал материалларини ноқонуний қазиб олиш натижасида табиатга етказилган зарар учун ундириш суммаларини ўн бараварга оширилган ҳолда қўллаш белгилангани;

б) дарёлар ўзанларидан норуда материаллар қазиб олинишини тартибга солиш ҳамда муқобил норуда фойдали қазилма конлари ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ишлари кечикиши натижасида қурилиш-таъмирлаш ишларида асосий хомашёлардан бўлган норуда материалларнинг танқислиги юзага келиб, нархи ошиб бораётгани;

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

в) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан биргаликда ўтказилган ўрганишлар давомида дарё ва сой ўзанларидаги қум-шағал материаллари тўпланиб қолган ва тозаланиши лозим бўлган, тошқин хавфи бўлган сел сув омборлари ҳамда бошқа сув объектлари, шунингдек, норуда материаллар мавжуд муқобил кон ва участкалар аниқлангани **маълумот учун қабул қилинсин**.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг таклифларига мувофиқ қуйидагилар:

Дарё ва сой ўзанларида қум-шағал материаллари тўпланиб қолган ва тозаланиши лозим бўлган участкалар рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Республиканинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган норуда материалларнинг мавжуд муқобил кон ва участкалари рўйхати **2-иловага** мувофиқ;

Тошқин хавфи бўлган сел сув омборлари, дарёлар ўзанлари ва бошқа сув объектларида қум-шағал материаллари тўпланиб қолган ва тозаланиши лозим бўлган дастлабки участкалар рўйхати **3-иловага** мувофиқ;

Мораторий ҳудудига тушган норуда материаллар мавжуд кон ва участкалар рўйхати **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан биргаликда дарё ва сойлар ўзанини тўпланиб қолган қум-шағал материалларидан тозалаш ҳамда қирғоқларни мустаҳкамлаш ишларини жадаллаштириш мақсадида, истисно тариқасида, ушбу қарорга:

1 ва **3-иловаларга** мувофиқ дарё ва сой ўзанларида қум-шағал материаллари тўпланиб қолган ва тозаланиши лозим бўлган участкалар бўйича аукцион савдоларини ташкил этишга;

1, 2 ва **3-иловаларга** мувофиқ участкалар бўйича тақдим этилган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳа ҳужжатларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш ҳамда улар бўйича хулосалар бериш муддатини **йигирма календарь кундан ўн календарь кунгача** қисқартиришга рухсат берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ушбу қарорга **1** ва **3-иловаларда** назарда тутилган дарё ва сой ўзанларида қум-шағал материаллари тўпланиб қолган ҳамда тозалаш лозим бўлган участкаларга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича аукцион ўтказилиши ҳақидаги хабарномани эълон қилиш муддатини **ўн беш кунгача** (такрорий савдода беш кун) **қисқартириш** чораларини кўрсин.

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

5. Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** майдалаш-саралаш қурилмаларини жойлаштириш учун танланган ҳамда ушбу қарорга **2-иловага** мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган **169 гектар** суғорилмайдиган ер участкаларини туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфида бўлган бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олган ҳолда, ушбу ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклифларни Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсин;

икки ой муддатда норуда материалларнинг муқобил кон ва участкаларига яқин ҳудудда ер майдонини танлаб, майдалаш-саралаш қурилмаларини жойлаштириш орқали инерт материаллар ишлаб чиқариш зонасини ташкил этиш тўғрисида келишилган таклифларни белгиланган тартибди Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзсувтаъминот” АЖ билан биргаликда майдалаш-саралаш қурилмаларини жойлаштириш учун танланган ер майдонида иштирокчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан муҳандислик инфратузилмаси (автомобиль йўллари, темир йўл, электр энергияси, сув таъминоти) ташкил этилишини таъминласин.

Бунда лойиҳалаштириш ҳужжатларида энергия тежамкор технологиялардан (гелиоколлектор, иссиқлик насоси, қуёш фотоэлектр станциялари, иссиқликни қайта тиклаш-рекуперация қилиш ва бошқалар) фойдаланилиши назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги:

а) ушбу қарорга **2-иловага** мувофиқ муқобил участкаларнинг тоифаси саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилгандан сўнг **бир ой муддатда** Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда **4-иловага** мувофиқ мораторийга тушган дарё ўзанларида жойлашган норуда материаллар кон ва участкалари учун ўринга-ўрин “биринчи ариза” тамойили асосида тегишли рухсатномаларни бериш бўйича икки томонлама келишув битимларини имзолаш чораларини кўрсин;

б) Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

ер участкалари ушбу қарорга асосан янги мақсадлар учун ажратилгандан сўнг Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботга тегишли ўзгартиришлар киритилишини;

ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий давлат назорати ўрнатилишини таъминласин.

7. Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари майдалаш-саралаш қурилмаларини жойлаштириш учун танланган ер участкалари тоифаси белгиланган тартибда ўзгартирилгандан сўнг:

Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** ер участкаларининг “Yerelektron” АТ орқали ваколатли органлар билан келишилишини;

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда майдалаш-саралаш қурилмаларини жойлаштириш учун танланган ер участкаларини алоҳида лотларга ажратган ҳолда, уларнинг белгиланган тартибда ижара ҳуқуқи асосида электрон-онлайн аукцион орқали савдоларга чиқарилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан биргаликда:

мунтазам равишда дарё ўзанларидан ташқарида жойлашган мавжуд конларда тадбиркорлик субъектлари томонидан қум-шағал, қурилиш қумлари ва қурилиш тошларини қазиб олиш бўйича норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатноманинг фойдаланиш шартларида кўрсатилган ҳажмлар бажарилиши устидан тегишли назорат ўрнатсин;

ушбу қарорга иловаларга мувофиқ тасдиқланган ер участкаларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасидан ўтказилишини таъминлансин ҳамда экологик экспертиза хулосалари талаблари бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилмаган ҳолатлар бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўриб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан биргаликда рухсатнома (лицензия) асосида қазиб олинадиган қум-шағал аралашмаси, қурилиш қумлари ҳамда қурилиш тошларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан доимий назорат ўрнатилишини таъминлаш тавсия этилсин.

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев, Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазири Б.Ф. Исламов ҳамда сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 30 ” январдаги 39 -сон қарорига
1-илова

Дарё ва сой ўзанларида қум-шағал материаллари тўпланиб қолган ва тозаланиши лозим бўлган участкалар
РЎЙХАТИ

Т/р	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м^3)*	Участкалар координата нуқталари
Андижон вилояти					
1.	Тентаксой сойи	Пахтаобод тумани “Охунбобоев” ва “Ёқубов” массивлари ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,8	48,0	1. 40°56'54.26"С, 72°32'33.90"В 2. 40°56'52.16"С, 72°32'35.01"В 3. 40°57'2.10"С, 72°33'6.59"В 4. 40°57'3.60"С, 72°33'5.79"В
2.	Тентаксой сойи	Пахтаобод тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,54	27,0	1. 40°56'15.01"С, 72°29'53.55"В 2. 40°56'14.35"С, 72°29'53.55"В 3. 40°56'17.06"С, 72°29'30.71"В 4. 40°56'15.48"С, 72°29'30.91"В
Бухоро вилояти					
3.	Сассиққўл сойи	Ғиждувон тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,85	21,0	1. 40°23'50.63"С, 65° 9'30.59"В 2. 40°23'49.81"С, 65° 9'30.54"В 3. 40°23'50.59"С, 65°10'6.12"В 4. 40°23'49.80"С, 65°10'6.27"В
Жиззах вилояти					
4.	Булоқсой сойи	Шароф Рашидов тумани “Янги Диёр” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,95	58,50	1. 40° 8'50.68"С, 67°38'53.29"В 2. 40° 8'50.81"С, 67°38'52.66"В 3. 40° 9'43.76"С, 67°39'32.00"В 4. 40° 9'44.18"С, 67°39'31.48"В
5.	Мўғолселсой сойи	Бахмал тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	4,47	183,75	1. 39°45'13.83"С, 67°47'33.47"В 2. 39°45'13.83"С, 67°47'31.38"В 3. 39°47'31.54"С, 67°46'42.23"В 4. 39°47'31.08"С, 67°46'41.36"В

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м^3)*	Участкалар координата нуқталари
6.	Ўсматсой сойи	Бахмал тумани “Файзобод” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1	30,0	1. 39°46'6.38"C, 67°37'58.99"B 2. 39°46'5.88"C, 67°37'57.88"B 3. 39°46'34.07"C, 67°37'38.04"B 4. 39°46'33.57"C, 67°37'36.95"B
7.	Заргарсой сойи	Ғаллаорол тумани “Ғаллаорол” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	3,3	66,0	1. 40°1'11.60"C, 67°41'29.90"B 2. 40° 1'10.71"C, 67°41'30.90"B 3. 40° 1'23.81"C, 67°39'15.58"B 4. 40° 1'21.19"C, 67°39'15.84"B
8.	Ширинсой сойи	Бахмал тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,5	90,0	1. 39°44'54.50"C, 67°40'28.99"B 2. 39°44'54.52"C, 67°40'27.51"B 3. 39°45'42.13"C, 67°40'13.24"B 4. 39°45'41.98"C, 67°40'12.45"B
Қашқадарё вилояти					
9.	Қумдарё дарёси	Кўкдала тумани “Минг юрт” МФЙ Тоқчи қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,9	45,0	1. 39° 9'39.54"C, 66°24'12.59"B 2. 39° 9'37.69"C, 66°24'11.86"B 3. 39° 9'41.70"C, 66°24'55.20"B 4. 39° 9'39.82"C, 66°24'57.04"B
10.	Танхоз дарёси	Шаҳрисабз тумани Равот қишлоғи “Ҳазара” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи Танхоз дарёси ўзанидаги участка	1,02	40,0	1. 38°59'28.16"C, 67° 1'54.37"B 2. 38°59'28.83"C, 67° 1'54.29"B 3. 38°59'33.81"C, 67° 1'8.55"B 4. 38°59'35.09"C, 67° 1'9.07"B
11.	Танхоз дарёси	Китоб тумани Шанбе қишлоғи “Бобур” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи Танхоз дарёси ўзанидаги участка	0,35	38,0	1. 39° 5'51.07"C, 66°56'46.82"B 2. 39° 5'49.46"C, 66°56'46.38"B 3. 39° 5'46.85"C, 66°57'0.15"B 4. 39° 5'45.41"C, 66°56'59.11"B
12.	Оқсув дарёси	Шаҳрисабз тумани “Шанбе” МФЙ Ёмчи қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,63	102,0	1. 39° 4'37.18"C, 66°58'30.00"B 2. 39° 4'43.11"C, 66°58'32.92"B 3. 39° 4'45.04"C, 66°58'5.89"B 4. 39° 4'50.02"C, 66°58'8.49"B

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м^3)*	Участкалар координата нуқталари
13.	Беномсой сойи	Яккабоғ тумани “Қишлиқ” МФЙ Бехўжа қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,5	24,0	1. 38°55'53.69"C, 66°48'37.27"B 2. 38°55'54.74"C, 66°48'36.74"B 3. 38°55'48.69"C, 66°48'19.94"B 4. 38°55'49.89"C, 66°48'19.81"B
14.	Қизилсув дарёси	Яккабоғ тумани “Гулистон” МФЙ Нимтўда қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,3	24,0	1. 38°56'33.16"C, 66°50'22.02"B 2. 38°56'32.66"C, 66°50'19.96"B 3. 38°56'42.70"C, 66°50'17.69"B 4. 38°56'41.88"C, 66°50'15.20"B
15.	Танхоз дарёси	Шаҳрисабз тумани “Янгиобод” МФЙ Саксонкапа қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,72	40,0	1. 39° 0'55.48"C, 66°54'11.66"B 2. 39° 0'57.92"C, 66°54'11.92"B 3. 39° 1'2.33"C, 66°53'42.62"B 4. 39° 1'4.28"C, 66°53'44.23"B
16.	Оқсув дарёси	Шаҳрисабз тумани “Широмон” МФЙ Ёмчи қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,76	38,0	1. 39° 4'35.88"C, 66°59'5.09"B 2. 39° 4'33.19"C, 66°59'2.24"B 3. 39° 4'41.58"C, 66°58'33.19"B 4. 39° 4'38.09"C, 66°58'31.75"B
17.	Танхоз дарёси	Шаҳрисабз тумани “Бешкапа” МФЙ Бешкапа қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,8	45,0	1. 39° 0'57.02"C, 66°55'12.31"B 2. 39° 0'55.86"C, 66°55'12.94"B 3. 39° 0'57.86"C, 66°54'12.39"B 4. 39° 0'55.54"C, 66°54'12.02"B
18.	Қизилсув дарёси	Яккабоғ тумани “Қўшчинор” МФЙ Алакўйлак қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,0	76,0	1. 38°58'36.15"C, 66°48'16.27"B 2. 38°58'36.50"C, 66°48'17.94"B 3. 38°59'4.97"C, 66°47'57.36"B 4. 38°59'7.54"C, 66°48'0.45"B
19.	Санағоқ сел сойи	Яккабоғ тумани “Қишлиқ” МФЙ Қишлиқ қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,67	24,0	1. 38°55'0.97"C, 66°46'2.66"B 2. 38°55'0.06"C, 66°46'3.09"B 3. 38°55'3.67"C, 66°45'37.49"B 4. 38°55'2.82"C, 66°45'37.71"B
20.	Оқдарё дарёси	Шаҳрисабз тумани “Ҳисор” МФЙ Бешбек қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,68	54,0	1. 39° 0'41.47"C, 67°13'30.94"B 2. 39° 0'36.41"C, 67°13'31.79"B 3. 39° 0'37.61"C, 67°13'3.57"B 4. 39° 0'31.70"C, 67°13'2.84"B

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м^3)*	Участкалар координата нуқталари
21.	Қизилсув дарёси	Яккабоғ тумани “Кенгузар” МФЙ Кенгузар қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,3	38,0	1. 38°55'42.17"C, 66°56'30.44"B 2. 38°55'40.52"C, 66°55'39.28"B 3. 38°55'41.81"C, 66°55'39.42"B 4. 38°55'43.42"C, 66°56'30.87"B
22.	Оқсув дарёси	Шаҳрисабз тумани Кўлобод қишлоғи “Кўлобод” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,8	60,0	1. 39° 5'46.12"C, 66°45'6.44"B 2. 39° 5'43.75"C, 66°45'5.55"B 3. 39° 5'46.91"C, 66°45'38.93"B 4. 39° 5'44.46"C, 66°45'39.92"B
23.	Лангар дарёси	Қамаши тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	12,7	317,0	1. 38°42'55.00"C, 66°42'15.57"B 2. 38°42'54.67"C, 66°42'15.16"B 3. 38°47'43.25"C, 66°36'7.06"B 4. 38°47'41.88"C, 66°36'3.71"B
24.	Танхоз дарёси	Шаҳрисабз тумани “Тўдамайдон” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,8	44,0	1. 39° 0'53.19"C, 66°55'56.00"B 2. 39° 0'51.56"C, 66°55'55.12"B 3. 39° 1'1.08"C, 66°55'24.40"B 4. 39° 0'59.32"C, 66°55'24.23"B
25.	Яккабоғ дарёси	Шаҳрисабз тумани Бўйрачи қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,0	49	1. 39° 1'35.36"C 66°46'29.68"B 2. 39° 1'32.91"C 66°46'28.96"B 3. 39° 1'37.75"C 66°45'51.79"B 4. 39° 1'40.12"C 66°45'52.11"B
Навоий вилояти					
26.	Арабсой сойи	Кармана тумани “Янгиариқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	3,61	120,0	1. 39°54'12.22"C, 65° 8'40.90"B 2. 39°54'10.59"C, 65° 8'40.55"B 3. 39°54'14.17"C, 65°10'54.21"B 4. 39°54'13.61"C, 65°10'53.31"B
27.	Оқарсой сойи	Кармана тумани “Янгиариқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,28	40,0	1. 39°54'42.65"C, 65° 8'5.75"B 2. 39°54'42.38"C, 65° 8'5.97"B 3. 39°55'9.74"C, 65° 8'44.69"B 4. 39°55'9.35"C, 65° 8'44.99"B
28.	Қорасой сойи	Кармана тумани “Янгиариқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,1	75,0	1. 39°55'44.63"C, 65° 9'14.01"B 2. 39°55'43.95"C, 65° 9'15.27"B 3. 39°56'36.11"C, 65° 9'32.82"B 4. 39°56'35.96"C, 65° 9'33.43"B

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м³)*	Участкалар координата нуқталари
29.	Эскисой сойи	Кармана тумани “Янгиариқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,6	146,40	1. 39°55'13.09"C, 65°12'52.58"B 2. 39°55'11.67"C, 65°12'54.21"B 3. 39°55'48.77"C, 65°13'35.23"B 4. 39°55'47.40"C, 65°13'37.81"B
30.	Сел сойи	Қизилтепа тумани “Янгиҳаёт” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,7	80,0	1. 39°56'8.57"C, 65° 3'0.48"B 2. 39°56'8.30"C, 65° 3'1.52"B 3. 39°56'48.49"C, 65° 3'30.09"B 4. 39°56'47.96"C, 65° 3'30.42"B
31.	Оқсоқолота сойи	Хатирчи тумани “Кўксарой” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,01	57,0	1. 40° 8'46.42"C, 65°45'56.14"B 2. 40° 8'46.62"C, 65°45'57.04"B 3. 40° 8'19.62"C, 65°45'45.77"B 4. 40° 8'19.83"C, 65°45'46.33"B
32.	Томдибулоқсой сойи	Томди тумани “Томдибулоқ” ОФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,9	80,0	1. 41°32'59.16"C, 64°20'47.70"B 2. 41°32'59.33"C, 64°20'48.20"B 3. 41°33'26.12"C, 64°21'17.76"B 4. 41°33'26.21"C, 64°21'18.09"B
33.	Дарасой-2	Нурота тумани “Чуя” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,7	100,0	1. 40°27'6.20"C, 66° 5'10.76"B 2. 40°27'5.51"C, 66° 5'13.37"B 3. 40°26'7.10"C, 66° 4'38.20"B 4. 40°26'7.89"C, 66° 4'40.87"B
34.	Чукурсой-1 сойи	Конимех тумани “Караката” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,3	135,0	1. 40°45'24.33"C, 63°42'48.61"B 2. 40°45'23.76"C, 63°42'49.83"B 3. 40°46'41.82"C, 63°43'28.26"B 4. 40°46'41.69"C, 63°43'29.61"B
35.	Қорасой-2 сойи	Кармана тумани “Янги ариқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,1	78	1. 39°56'10.64"C, 65° 8'36.99"B 2. 39°56'10.65"C, 65° 8'37.30"B 3. 39°56'32.50"C, 65° 8'25.28"B 4. 39°56'32.93"C, 65° 8'25.43"B
36.	Садирдингул сойи	Хатирчи тумани “Оқтепа” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,7	80	1. 40°20'16.43"C, 66° 2'6.42"B 2. 40°20'16.05"C, 66° 2'6.88"B 3. 40°20'20.30"C, 66° 3'6.37"B 4. 40°20'20.44"C, 66° 3'6.73"B

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

T/p	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м^3)*	Участкалар координата нуқталари
37.	Орасой-1 сойи	Нурота тумани “Эски” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2	62,0	1. 40°28'28.76"C, 65°33'42.66"B 2. 40°28'27.85"C, 65°33'43.05"B 3. 40°28'12.93"C, 65°34'52.76"B 4. 40°28'12.05"C, 65°34'52.30"B
38.	Қуламажарсой сойи	Нурота тумани “Янгиобод” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	3	93,0	1. 40°35'7.14"C, 65°47'12.31"B 2. 40°35'8.09"C, 65°47'13.86"B 3. 40°33'43.19"C, 65°48'50.22"B 4. 40°33'43.83"C, 65°48'50.57"B
39.	Эскисой сойи	Кармана тумани “Янгиариқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,1	55,0	1. 39°55'12.82"C, 65°12'52.50"B 2. 39°55'11.43"C, 65°12'54.11"B 3. 39°54'41.25"C, 65°12'28.90"B 4. 39°54'41.21"C, 65°12'31.54"B
40.	Товоқсой-1 сойи	Томди тумани “Ахтал” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,89	90,0	1. 41°38'30.04"C, 64°14'31.74"B 2. 41°38'31.14"C, 64°14'33.39"B 3. 41°38'4.42"C, 64°16'26.37"B 4. 41°38'5.67"C, 64°16'26.59"B
Наманган вилояти					
41.	Чодаксой сойи	Поп тумани “Ғурумсарой” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,6	160,0	1. 40°46'57.01"C, 70°52'23.28"B 2. 40°46'54.24"C, 70°52'20.34"B 3. 40°47'27.95"C, 70°51'27.52"B 4. 40°47'25.28"C, 70°51'24.79"B
42.	Чодаксой сойи	Поп тумани “Хонобод” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,9	142,0	1. 40°48'30.47"C, 70°49'51.62"B 2. 40°48'29.48"C, 70°49'49.92"B 3. 40°49'22.51"C, 70°49'8.64"B 4. 40°49'21.16"C, 70°49'4.86"B
43.	Косонсой сойи	Тўрақўрғон тумани “Оқтош” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмидаги 1-участка	0,8	24,0	1. 40°57'52.36"C, 71°30'35.85"B 2. 40°57'52.00"C, 71°30'35.00"B 3. 40°58'16.97"C, 71°30'28.48"B 4. 40°58'17.11"C, 71°30'27.41"B

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м^3)*	Участкалар координата нуқталари
44.	Косонсой сойи	Тўрақўрғон тумани “Оқтош” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмидаги 2-участка	1,9	57,0	1. 40°54'48.00"С, 71°31'57.00"В 2. 40°55'46.00"С, 71°31'44.00"В 3. 40°55'46.61"С, 71°31'44.69"В 4. 40°54'48.32"С, 71°31'57.91"В
45.	Сумсарсой сойи	Чуст тумани “Баймоқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,4	96,0	1. 41° 4'49.59"С, 71°19'1.25"В 2. 41° 4'50.00"С, 71°18'60.00"В 3. 41° 5'51.00"С, 71°18'6.00"В 4. 41° 5'50.76"С, 71°18'4.88"В
46.	Ғовасой сойи	Чуст тумани “Тошқўрғон” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,5	70,0	1. 41° 1'46.00"С, 71° 9'25.00"В 2. 41° 1'46.20"С, 71° 9'21.61"В 3. 41° 2'34.00"С, 71° 9'11.00"В 4. 41° 2'32.35"С, 71° 9'8.38"В
47.	Ғовасой сойи	Чуст тумани “Янгиобод” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,7	14,7	1. 40°59'20.59"С, 71°10'2.30"В 2. 40°59'20.24"С, 71°10'1.26"В 3. 40°59'45.25"С, 71° 9'56.01"В 4. 40°59'45.05"С, 71° 9'54.75"В
48.	Кенгқўлсой сойи	Тўрақўрғон тумани “Гулистон” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,05	41,0	1. 41° 2'4.00"С, 71°25'56.00"В 2. 41° 2'3.97"С, 71°25'56.64"В 3. 41° 1'1.00"С, 71°25'47.00"В 4. 41° 1'1.10"С, 71°25'47.85"В
49.	Қорадарё дарёси	Норин тумани “Пастк Чўжа” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,79	121,7	1. 40°55'10.76"С, 71°49'27.86"В 2. 40°55'8.00"С, 71°49'28.00"В 3. 40°54'28.14"С, 71°48'40.86"В 4. 40°54'26.00"С, 71°48'41.00"В
Самарқанд вилояти					
50.	Қорадарё дарёси	Иштихон тумани “Бўронхўжа” МФЙ Қорачол ва Уйғони қишлоқлари ҳудудларидан оқиб ўтувчи қисми	0,6	30,0	1. 39°52'21.73"С, 66°30'55.16"В 2. 39°52'20.71"С, 66°30'52.52"В 3. 39°52'37.91"С, 66°30'40.53"В 4. 39°52'37.43"С, 66°30'39.90"В

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий хажми *(минг м^3)*	Участкалар координата нуқталари
51.	Сой	Каттақўрғон тумани “Қўшҳовуз” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	5,04	60,6	1. 40° 8'19.04"С, 66°14'56.67"В 2. 40° 8'18.58"С, 66°14'57.01"В 3. 40° 6'12.70"С, 66°13'5.76"В 4. 40° 6'12.80"С, 66°13'7.97"В
52.	Миронқулсой сойи	Самарқанд тумани “Миронқул” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,40	150,0	1. 39°35'9.50"С, 66°47'49.75"В 2. 39°35'9.91"С, 66°47'52.17"В 3. 39°36'14.51"С, 66°47'31.95"В 4. 39°36'14.50"С, 66°47'31.42"В
53.	Оҳаликсой сойи	Самарқанд тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1	25,0	1. 39°34'24.90"С, 66°53'8.05"В 2. 39°34'24.14"С, 66°53'7.66"В 3. 39°34'11.70"С, 66°53'46.31"В 4. 39°34'10.99"С, 66°53'45.80"В
54.	Тепақулсой сойи	Нуробод тумани “Тепақул” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	5,5	125,0	1. 39°34'15.37"С, 66°46'45.00"В 2. 39°34'15.12"С, 66°46'44.22"В 3. 39°36'52.87"С, 66°46'14.84"В 4. 39°36'52.67"С, 66°46'14.41"В
55.	Қорадарё дарёси	Иштихон тумани “Деҳқонобод” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмидаги 1-участка	1,63	65,20	1. 39°56'37.00"С, 66°20'17.00"В 2. 39°56'35.00"С, 66°20'18.00"В 3. 39°56'43.00"С, 66°19'25.00"В 4. 39°56'42.00"С, 66°19'24.00"В
56.	Қорадарё дарёси	Иштихон тумани “Деҳқонобод” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмидаги 2-участка	5,6	145,0	1. 39°53'42.00"С, 66°27'21.00"В 2. 39°53'38.00"С, 66°27'21.00"В 3. 39°55'8.00"С, 66°24'2.00"В 4. 39°55'11.00"С, 66°24'3.00"В
57.	Жарқудуқсой сойи	Нуробод тумани “Жарқудуқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1	25,0	1. 39°49'44.00"С, 66° 3'12.00"В 2. 39°49'43.00"С, 66° 3'13.00"В 3. 39°49'23.00"С, 66° 2'40.00"В 4. 39°49'22.00"С, 66° 2'41.00"В

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м^3)*	Участкалар координата нуқталари
58.	Напассой сойи	Пахтачи тумани “Қарнабота” массиви ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,7	51,0	1. 39°49'6.01"C, 65°39'9.24"B 2. 39°49'5.95"C, 65°39'8.63"B 3. 39°49'44.58"C, 65°38'34.94"B 4. 39°49'43.91"C, 65°38'34.37"B
59.	Қорадарё дарёси	Каттақўрғон тумани “Яккабоғ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,9	116,0	1. 39°57'52.98"C, 66°16'43.05"B 2. 39°57'51.44"C, 66°16'45.66"B 3. 39°57'55.29"C, 66°15'16.05"B 4. 39°57'54.56"C, 66°15'15.99"B
60.	Оқдарё дарёси	Пайариқ тумани “Наврўз” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,2	132,0	1. 39°52'18.87"C, 66°49'35.43"B 2. 39°52'18.19"C, 66°49'33.14"B 3. 39°53'19.46"C, 66°48'59.78"B 4. 39°53'19.17"C, 66°48'58.58"B
61.	Қорадарё дарёси	Каттақўрғон тумани “Найман” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,6	48,0	1. 40° 0'4.15"C, 66° 0'45.29"B 2. 40° 0'2.37"C, 66° 0'43.45"B 3. 40° 0'18.43"C, 65°59'55.03"B 4. 40° 0'19.00"C, 65°59'54.00"B
62.	Қорадарё дарёси	Нарпай тумани “Обиҳаёт” МФЙ, “Тоткент” МФЙ, “Чайкал” МФЙ ва “Мушкент” МФЙ ҳудудларидан оқиб ўтувчи қисми	0,9	32,4	1. 39°59'58.35"C, 66° 1'15.67"B 2. 39°59'56.77"C, 66° 1'16.95"B 3. 40° 0'3.93"C, 66° 0'45.42"B 4. 40° 0'2.32"C, 66° 0'43.76"B
Сурхондарё вилояти					
63.	Тўдасой сойи	Бойсун тумани “Тўда” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,72	35,1	1. 38°11'1.20"C, 67° 8'56.13"B 2. 38°11'1.25"C, 67° 8'56.99"B 3. 38°10'11.72"C, 67° 8'23.87"B 4. 38°10'11.75"C, 67° 8'24.94"B
64.	Инкобод сойи	Бойсун тумани “Инкобод” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,5	80,0	1. 38°11'16.25"C, 67°16'20.16"B 2. 38°11'15.81"C, 67°16'18.95"B 3. 38°12'18.89"C, 67°15'18.29"B 4. 38°12'17.99"C, 67°15'15.67"B

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	**Сув объекти номи** *(дарё, сой, жилға, кўл)*	**Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили**	**Ўзаннинг узунлиги** *(км)*	**Тахминий ҳажми** *(минг м³)*	**Участкалар координата нуқталари**
65.	Қизилсув дарёси	Денов тумани “Шаҳринов” МФЙ ва “Бўстон” МФЙ ҳудудларидан оқиб ўтувчи қисми	1,7	170,0	1. 38°21'11.81"C, 67°52'53.10"B 2. 38°21'10.39"C, 67°52'49.11"B 3. 38°22'0.00"C, 67°52'17.30"B 4. 38°21'58.18"C, 67°52'13.89"B
Сирдарё вилояти					
66.	Сирдарё дарёси	Сайхунобод тумани “Янгиобод” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,7	540,0	40°38'23.60"C 69° 0'38.96"B 40°38'35.53"C 69° 0'35.87"B 40°38'51.74"C 69° 2'32.03"B 40°38'42.40"C 69° 2'30.01"B
67.	Сирдарё дарёси	Гулистон тумани “Бешбулоқ” МФЙ ва Сайхунобод тумани “Янгиҳаёт” МФЙ ҳудудларидан оқиб ўтувчи қисми	7	800	1. 40°36'56.37"C, 69° 3'43.54"B 2. 40°36'57.60"C, 69° 3'47.62"B 3. 40°34'12.54"C, 69° 4'19.85"B 4. 40°34'10.63"C, 69° 4'5.70"B
Тошкент вилояти					
68.	Қорасув дарёси	Юқоричирчиқ тумани “Дархон” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,45	13,5	1. 41°17'5.20"C, 69°31'10.18"B 2. 41°17'5.64"C, 69°31'11.33"B 3. 41°16'51.58"C, 69°31'5.41"B 4. 41°16'51.12"C, 69°31'6.77"B
69.	Қизилсой сойи	Юқоричирчиқ тумани “Номданак” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	4	280,0	1. 41°11'11.48"C, 69°42'44.05"B 2. 41°11'9.99"C, 69°42'45.18"B 3. 41°10'15.39"C, 69°40'14.88"B 4. 41°10'13.94"C, 69°40'15.84"B
70.	Қорасув дарёсининг Ангрен дарёсига қуйилиш қисми	Оққўрғон тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Қорасув дарёсининг Ангрен дарёсига қуйилиш қисми	0,5	30,0	1. 40°57'16.00"C, 69° 7'19.00"B 2. 40°57'15.00"C, 69° 7'21.00"B 3. 40°57'0.00"C, 69° 7'11.00"B 4. 40°57'0.00"C, 69° 7'14.00"B
71.	Оқсоқотасой сойи	Бўстонлиқ тумани “Қорамозор” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,7	31,5	1. 41°32'49.93"C, 69°45'51.40"B 2. 41°32'31.08"C, 69°46'8.30"B 3. 41°32'32.16"C, 69°46'10.22"B 4. 41°32'49.57"C, 69°45'49.71"B

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

T/p	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м^3)*	Участкалар координата нуқталари
72.	Оҳангарон дарёси	Пискент тумани “Ўзбекистон” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,8	47,3	1. 40°55'50.20"C, 69°24'53.13"B 2. 40°55'40.41"C, 69°25'27.93"B 3. 40°55'38.75"C, 69°25'26.44"B 4. 40°55'48.63"C, 69°24'51.99"B
73.	Оҳангарон дарёси	Ўртачирчиқ тумани “Кучлик” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмидаги 1-сон участка	1,35	120,0	1. 40°59'39.38"C, 69°14'17.23"B 2. 40°59'44.39"C, 69°14'18.59"B 3. 40°59'33.51"C, 69°15'13.53"B 4. 40°59'36.45"C, 69°15'14.39"B
74.	Оҳангарон дарёси	Ўртачирчиқ тумани “Кучлик” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмидаги 2-сон участка	1,4	130,0	1. 40°59'8.37"C, 69°12'30.73"B 2. 40°59'13.17"C, 69°12'28.71"B 3. 40°59'31.29"C, 69°13'17.16"B 4. 40°59'35.73"C, 69°13'14.19"B
75.	Ўргазсой сойи	Оҳангарон тумани “Телов” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	3,6	216,0	1. 40°51'16.13"C, 69°45'50.31"B 2. 40°51'16.57"C, 69°45'51.94"B 3. 40°49'36.48"C, 69°47'3.27"B 4. 40°49'36.22"C, 69°47'1.54"B
76.	Шоургазсой сойи	Оҳангарон тумани “Телов” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,9	145,0	1. 40°52'23.39"C, 69°49'47.15"B 2. 40°52'22.05"C, 69°49'49.54"B 3. 40°50'53.10"C, 69°49'46.31"B 4. 40°50'52.08"C, 69°49'42.91"B
77.	Қизилсой сойи	Юқоричирчиқ тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,2	165,0	1. 41° 8'9.93"C, 69°31'23.30"B 2. 41° 8'5.65"C, 69°31'22.42"B 3. 41° 8'11.17"C, 69°29'49.57"B 4. 41° 8'9.78"C, 69°29'47.76"B
78.	Қизилсой сойи	Юқоричирчиқ тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,28	21,0	1. 41° 9'4.28"C, 69°35'34.52"B 2. 41° 9'1.67"C, 69°35'34.18"B 3. 41° 9'4.62"C, 69°35'21.53"B 4. 41° 9'2.38"C, 69°35'22.44"B

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

T/p	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м³)*	Участкалар координата нуқталари
79.	Оҳангарон дарёси	Оҳангарон тумани “Ёнариқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	3,97	1 866,0	1. 40°53'39.85"C, 69°47'10.78"B 2. 40°53'24.74"C, 69°47'9.76"B 3. 40°54'2.74"C, 69°44'25.36"B 4. 40°53'47.81"C, 69°44'22.96"B
80.	Оҳангарон дарёси	Оҳангарон тумани “Алишер” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	3,27	752,0	1. 40°55'29.55"C, 69°52'34.54"B 2. 40°55'22.13"C, 69°52'38.43"B 3. 40°54'45.06"C, 69°50'27.22"B 4. 40°54'39.32"C, 69°50'32.45"B
81.	Гўшсой сойи	Оҳангарон тумани “Гўшсой” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,5	22,5	1. 40°57'17.23"C, 70° 2'53.26"B 2. 40°57'16.36"C, 70° 2'50.89"B 3. 40°57'31.11"C, 70° 2'42.28"B 4. 40°57'30.70"C, 70° 2'41.46"B
82.	Гўшсой сойи	Оҳангарон тумани “Гўшсой” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,05	52,5	1. 40°56'52.77"C, 70° 3'28.23"B 2. 40°56'51.38"C, 70° 3'27.45"B 3. 40°57'15.07"C, 70° 2'54.75"B 4. 40°57'13.96"C, 70° 2'52.43"B
83.	Овжазсой сойи	Оҳангарон тумани “Овжазсой” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,7	3,8	1. 40°52'41.76"C, 69°54'47.80"B 2. 40°52'40.10"C, 69°54'46.29"B 3. 40°52'51.23"C, 69°54'19.61"B 4. 40°52'49.63"C, 69°54'19.27"B
84.	Оҳангарон дарёси	Оҳангарон тумани “Унгут” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,5	425,0	1. 40°53'52.82"C, 69°42'44.55"B 2. 40°53'44.98"C, 69°42'47.13"B 3. 40°53'30.31"C, 69°40'58.13"B 4. 40°53'28.21"C, 69°40'59.88"B
85.	Оҳангарон дарёси	Оҳангарон тумани “Лола ариқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,2	450	1. 40°56'0.97"C, 69°26'10.94"B 2. 40°55'59.17"C, 69°26'5.93"B 3. 40°55'26.49"C, 69°27'30.70"B 4. 40°55'23.06"C, 69°27'29.04"B

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Сув объекти номи *(дарё, сой, жилға, кўл)*	Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили	Ўзаннинг узунлиги *(км)*	Тахминий ҳажми *(минг м^3)*	Участкалар координата нуқталари
86.	Оҳангарон дарёси	Оққўрғон тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи	3,3	200	1. 40°55'53.23"C 69° 5'59.32"B 2. 40°55'57.59"C 69° 5'55.18"B 3. 40°54'37.87"C 69° 4'21.96"B 4. 40°54'41.84"C 69° 4'17.47"B
Фарғона вилояти					
87.	Бешолишсой сойи	Қувасой шаҳридан оқиб ўтувчи қисми	5,6	468, 0	1. 40°18'41.95"C 71°56'33.58"B 2. 40°18'40.67"C 71°56'32.17"B 3. 40°22'7.29"C 71°51'33.23"B 4. 40°22'6.37"C 71°51'29.93"B
88.	Оқсув дарёси	Ўзбекистон тумани “Ёрдон” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	3,72	11,6	1. 39°57'34.92"C 71°45'11.09"B 2. 39°57'41.09"C 71°45'28.97"B 3. 39°57'41.03"C 71°45'27.92"B 4. 39°57'40.24"C 71°45'28.74"B

Изоҳ. *Мазкур иловада келтирилган прогноз кўрсаткичлар (участканинг узунлиги, ҳажми ва координата нуқталари) лойиҳалаштириш жараёнида (топографик тасвир, дала шароитида ўлчов ишларини бажариш давомида) ўзгартирилиши мумкин. Агар ушбу рўйхатдаги дарё ва сой участкалари жойлашган ҳудуднинг (ҚФЙ, МФЙ) номи ўзгарганлиги аниқланса (участка координата нуқталари мос келиши лозим), тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасдиқловчи ҳужжатларига мувофиқ лойиҳа ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “30” январдаги 39-сон қарорига
2-илова

Республиканинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган норуда материалларнинг мавжуд муқобил кон ва участкалари
РЎЙХАТИ

Т/р	Конлар номи	Жойлашган тумани	Хомашё тури	Ер майдони *(гектар)*	География координаталари
Республика бўйича жами:				**169**	
Тошкент вилояти бўйича жами:				**110**	
1.	Тошсой-1 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'25.08"С 69°40'14.63"В 2. 41° 4'33.14"С 69°40'16.33"В 3. 41° 4'33.03"С 69°40'24.63"В 4. 41° 4'24.68"С 69°40'23.31"В
2.	Тошсой-2 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'24.75"С 69°40'23.89"В 2. 41° 4'33.68"С 69°40'25.50"В 3. 41° 4'33.90"С 69°40'34.06"В 4. 41° 4'25.32"С 69°40'31.42"В
3.	Тошсой-3 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'45.98"С 69°41'4.17"В 2. 41° 4'53.84"С 69°41'4.42"В 3. 41° 4'55.10"С 69°41'12.79"В 4. 41° 4'47.33"С 69°41'13.53"В
4.	Тошсой-5 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'34.32"С 69°40'44.30"В 2. 41° 4'43.76"С 69°40'44.22"В 3. 41° 4'43.35"С 69°40'52.46"В 4. 41° 4'33.48"С 69°40'50.41"В
5.	Тошсой-6 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'47.64"С 69°41'14.30"В 2. 41° 4'56.42"С 69°41'13.05"В 3. 41° 4'56.19"С 69°41'21.53"В 4. 41° 4'47.73"С 69°41'22.00"В

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

T/p	Конлар номи	Жойлашган тумани	Хомашё тури	Ер майдони *(гектар)*	География координаталари
6.	Тошсой-7 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'48.05"С 69°41'22.43"В 2. 41° 4'54.73"С 69°41'21.98"В 3. 41° 4'55.98"С 69°41'32.01"В 4. 41° 4'48.25"С 69°41'31.80"В
7.	Тошсой-8 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'47.89"С 69°41'32.33"В 2. 41° 4'56.73"С 69°41'32.70"В 3. 41° 4'56.51"С 69°41'39.73"В 4. 41° 4'47.32"С 69°41'40.85"В
8.	Тошсой-9 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'35.29"С 69°42'25.82"В 2. 41° 4'45.72"С 69°42'23.92"В 3. 41° 4'46.98"С 69°42'30.49"В 4. 41° 4'37.63"С 69°42'32.66"В
9.	Тошсой-10 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'39.64"С 69°42'33.77"В 2. 41° 4'47.93"С 69°42'30.85"В 3. 41° 4'51.53"С 69°42'37.27"В 4. 41° 4'43.23"С 69°42'41.27"В
10.	Тошсой-11 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'47.39"С 69°42'41.36"В 2. 41° 4'54.48"С 69°42'36.36"В 3. 41° 4'58.40"С 69°42'43.32"В 4. 41° 4'51.09"С 69°42'48.42"В
11.	Тошсой-12 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'29.28"С 69°39'51.45"В 2. 41° 4'30.62"С 69°40'0.92"В 3. 41° 4'25.53"С 69°40'0.43"В 4. 41° 4'22.08"С 69°39'56.39"В 5. 41° 4'23.74"С 69°39'48.96"В
12.	Тошсой-13 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'23.54"С 69°39'48.53"В 2. 41° 4'21.77"С 69°39'56.38"В 3. 41° 4'13.92"С 69°39'51.46"В 4. 41° 4'16.26"С 69°39'43.54"В

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

T/p	Конлар номи	Жойлашган тумани	Хомашё тури	Ер майдони *(гектар)*	География координаталари
13.	Тошсой-17 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'24.32"С 69°40'14.33"В 2. 41° 4'24.38"С 69°40'23.53"В 3. 41° 4'14.31"С 69°40'21.50"В 4. 41° 4'14.69"С 69°40'16.56"В
14.	Тошсой-18 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'24.35"С 69°40'23.90"В 2. 41° 4'24.95"С 69°40'31.40"В 3. 41° 4'15.78"С 69°40'29.27"В 4. 41° 4'14.28"С 69°40'21.76"В
15.	Тошсой-19 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'39.38"С 69°40'34.54"В 2. 41° 4'39.98"С 69°40'44.02"В 3. 41° 4'34.06"С 69°40'43.90"В 4. 41° 4'30.12"С 69°40'35.11"В
16.	Тошсой-20 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'33.95"С 69°40'44.35"В 2. 41° 4'33.07"С 69°40'49.38"В 3. 41° 4'25.93"С 69°40'47.35"В 4. 41° 4'27.33"С 69°40'34.22"В
17.	Тошсой-21 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'27.22"С 69°40'33.44"В 2. 41° 4'25.62"С 69°40'47.39"В 3. 41° 4'20.63"С 69°40'45.37"В 4. 41° 4'22.29"С 69°40'32.32"В
18.	Тошсой-22 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'22.00"С 69°40'32.43"В 2. 41° 4'20.53"С 69°40'44.30"В 3. 41° 4'15.33"С 69°40'42.70"В 4. 41° 4'16.08"С 69°40'30.29"В
19.	Тошсой-23 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'46.93"С 69°41'53.88"В 2. 41° 4'43.66"С 69°42'4.42"В 3. 41° 4'38.37"С 69°42'1.01"В 4. 41° 4'40.87"С 69°41'50.44"В

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

T/p	Конлар номи	Жойлашган тумани	Хомашё тури	Ер майдони *(гектар)*	География координаталари
20.	Тошсой-24 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'40.62"С 69°41'50.31"В 2. 41° 4'38.01"С 69°42'0.71"В 3. 41° 4'31.97"С 69°41'59.29"В 4. 41° 4'35.01"С 69°41'47.76"В
21.	Тошсой-25 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'34.66"С 69°41'45.96"В 2. 41° 4'33.21"С 69°41'53.73"В 3. 41° 4'25.78"С 69°41'49.82"В 4. 41° 4'26.28"С 69°41'44.23"В
22.	Тошсой-26 участкаси	Оҳангарон	гранодиорит	5,0	1. 41° 4'33.15"С 69°41'54.09"В 2. 41° 4'31.10"С 69°42'2.13"В 3. 41° 4'24.22"С 69°41'58.95"В 4. 41° 4'25.07"С 69°41'49.81"В
Самарқанд вилояти бўйича жами				**20**	
23.	Илонсой-1 участкаси	Ургут	гранит	5,0	1. 39°29'19.72"С 66°59'50.33"В 2. 39°29'27.71"С 66°59'52.84"В 3. 39°29'24.09"С 67°00'02.84"В 4. 39°29'18.86"С 66°59'58.63"В
24.	Илонсой-2 участкаси	Ургут	гранит	5,0	1. 39°29'18.09"С 66°59'38.24"В 2. 39°29'23.09"С 66°59'46.99"В 3. 39°29'18.33"С 66°59'50.57"В 4. 39°29'11.92"С 66°59'42.31"В
25.	Илонсой-3 участкаси	Ургут	гранит	5,0	1. 39°29'11.61"С 66°59'42.59"В 2. 39°29'18.08"С 66°59'50.91"В 3. 39°29'17.10"С 66°59'54.05"В 4. 39°29'5.56"С 66°59'49.86"В

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

T/p	Конлар номи	Жойлашган тумани	Хомашё тури	Ер майдони *(гектар)*	География координаталари
26.	Илонсой-4 участкаси	Ургут	гранит	5,0	1. 39°29'02.86"С 66°59'56.10"В 2. 39°29'08.33"С 67°00'00.53"В 3. 39°29'05.10"С 67°00'09.26"В 4. 39°28'58.52"С 67°00'03.99"В
Наманган вилояти бўйича жами				**10**	
27.	Чортоқ-1 участкаси	Чортоқ	қум-шағал	10,0	1. 41°03'43.94"С 71°44'07.66"В 2. 41°03'44.51"С 71°44'09.61"В 3. 41°03'48.87"С 71°44'12.10"В 4. 41°03'54.41"С 71°44'14.61"В 5. 41°03'58.47"С 71°44'15.29"В 6. 41°04'02.21"С 71°44'17.42"В 7. 41°04'03.77"С 71°44'15.59"В 8. 41°04'06.87"С 71°44'17.33"В 9. 41°04'08.72"С 71°44'13.14"В 10. 41°03'49.23"С 71°44'5.24"В
Қашқадарё вилояти бўйича жами				**29**	
28.	Кенкўл-13 участкаси	Шаҳрисабз	қум-шағал	5,0	1. 38°58'59.85"С 67° 6'02.78"В 2. 38°59'05.31"С 67° 6'10.07"В 3. 38°59'02.35"С 67° 6'15.43"В 4. 38°58'54.92"С 67° 6'12.02"В
29.	Кенкўл-14 участкаси	Шаҳрисабз	қум-шағал	4,0	1. 38°59'05.49"С 67° 6'10.55"В 2. 38°59'13.20"С 67° 6'13.35"В 3. 38°59'10.11"С 67° 6'19.57"В 4. 38°59'02.49"С 67° 6'15.86"В
30.	Кенкўл-15 участкаси	Шаҳрисабз	қум-шағал	5,0	1. 38°58'56.28"С 67° 6'14.23"В 2. 38°59'09.35"С 67°06'19.87"В 3. 38°59'07.39"С 67°06'25.76"В 4. 38°58'55.31"С 67° 6'17.43"В

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Конлар номи	Жойлашган тумани	Хомашё тури	Ер майдони *(гектар)*	География координаталари
31.	Кенкўл-16 участкаси	Шаҳрисабз	қум-шағал	5,0	1. 38°59'10.53"С 67°06'19.39"В 2. 38°59'19.56"С 67°06'23.45"В 3. 38°59'17.87"С 67°06'29.39"В 4. 38°59'07.86"С 67°06'25.95"В
32.	Кенкўл-17 участкаси	Шаҳрисабз	қум-шағал	5,0	1. 38°58'57.32"С 67°06'20.88"В 2. 38°59'04.07"С 67°06'25.75"В 3. 38°59'00.98"С 67°06'34.92"В 4. 38°58'54.77"С 67°06'27.19"В
33.	Кенкўл-18 участкаси	Шаҳрисабз	қум-шағал	5,0	1. 38°59'04.28"С 67°06'25.92"В 2. 38°59'09.57"С 67°06'28.73"В 3. 38°59'08.16"С 67°06'39.14"В 4. 38°59'01.46"С 67°06'35.77"В

Изоҳ. *Мазкур иловада келтирилган прогноз кўрсаткичлар (участканинг узунлиги, ҳажми ва координата нуқталари) лойиҳалаштириш жараёнида (топографик тасвир, дала шароитида ўлчов ишларини бажариш давомида) ўзгартирилиши мумкин. Агар ушбу рўйхатдаги участкалар жойлашган ҳудуднинг (ҚФЙ, МФЙ) номи ўзгарганлиги аниқланса (участка координата нуқталари мос келиши лозим), тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасдиқловчи ҳужжатларига мувофиқ лойиҳа ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 30 ” январдаги 39 -сон қарорига
3-илова

Тошқин хавфи бўлган сел сув омборлари, дарёлар ўзанлари ва бошқа сув объектларида қум-шағал материаллари тўпланиб қолган ва тозаланиши лозим бўлган дастлабки участкалар
РЎЙХАТИ

Т/р	**Сув объекти номи** *(дарё, сой, жилға, кўл)*	**Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили**	**Ўзаннинг узунлиги** *(км)*	**Тахминий ҳажми** *(минг м³)*	**Тозаланиши лозим бўлган участкалар координата нуқталари**
1.	Миндзҳир сой	Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани “Миндзҳир” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,9	98	1. 38° 55'10.47"C, 67°3'24.23"B 2. 38° 55'10.61"C, 67°3'25.34"B 3. 38° 55'55.93"C, 67°4'1.33"B 4. 38° 55'55.05"C, 67°4'2.08"B
2.	Оҳангарон	Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани “Қўшдарё” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,35	120	1. 40°59'39.38"C, 69°14'17.23"B 2. 40°59'44.39"C, 69°14'18.59"B 3. 40°59'33.51"C, 69°15'13.53"B 4. 40°59'36.45"C, 69°15'14.39"B
3.	Оҳангарон дарёси	Оҳангарон ва Пискент туманлари ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	0,85	250	1. 40°54'20.33"C, 69°33'56.03"B 2. 40°54'17.08"C, 69°33'56.64"B 3. 40°54'21.28"C, 69°34'33.25"B 4. 40°54'18.04"C, 69°34'33.29"B
4.	Оҳангарон дарёси	Оҳангарон тумани “Ёнариқ” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	1,5	80	1. 40°53'57.63"C, 69°49'29.22"B 2. 40°54'2.23"C, 69°49'45.81"B 3. 40°54'10.53"C, 69°49'56.80"B 4. 40°54'32.29"C, 69°50'9.30"B 5. 40°54'30.99"C, 69°50'13.29"B 6. 40°54'8.83"C, 69°50'0.49"B 7. 40°53'59.65"C, 69°49'48.54"B 8. 40°53'54.60"C, 69°49'30.72"B

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	**Сув объекти номи** *(дарё, сой, жилға, кўл)*	**Тозаланиши лозим бўлган участкаларнинг жойлашган манзили**	**Ўзаннинг узунлиги** *(км)*	**Тахминий ҳажми** *(минг м³)*	**Тозаланиши лозим бўлган участкалар координата нуқталари**
5.	Оқсоқотасой сойи	Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Қорамозор” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи Оқсоқотасой сойи ўзанидаги 2-участка	2,7	130	1. 41°31'40.32"С, 69°47'7.87"В 2. 41°31'39.75"С, 69°47'6.82"В 3. 41°30'56.73"С, 69°47'44.72"В 4. 41°30'57.29"С, 69°47'45.78"В 1. 41°27'39.03"С, 69°49'57.88"В 2. 41°27'38.67"С, 69°49'56.82"В 3. 41°27'5.97"С, 69°50'26.70"В 4. 41°27'4.67"С, 69°50'24.86"В
6.	Шоввозсой сойи	Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	3,5	175	1. 40°55'59.55"С, 69°42'15.43"В 2. 40°55'59.48"С, 69°42'17.59"В 3. 40°54'35.16"С, 69°40'43.14"В 4. 40°54'34.40"С, 69°40'43.96"В
7.	Чавлисой сойи	Тошкент вилояти Паркент тумани “Қизилтоғ” ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	5,4	460	1. 41°7'33.79"С, 69°41'35.99"В 2. 41°7'31.73"С, 69°41'32.41"В 3. 41° 9'33.66"С, 69°39'1.50"В 4. 41° 9'32.86"С, 69°39'0.35"В
8.	Яккабоғ дарёси	Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Бўйрачи қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми	2,0	49	1. 39° 1'40.12"С, 66°45'52.21"В 2. 39° 1'37.75"С, 66°45'51.79"В 3. 39° 1'18.11"С, 66°47'10.32"В 4. 39° 1'15.64"С, 66°47'8.05"В

Изоҳ. *Мазкур иловада келтирилган прогноз кўрсаткичлар (участканинг узунлиги, ҳажми ва координата нуқталари) лойиҳалаштириш жараёнида (топографик тасвир, дала шароитида ўлчов ишларини бажариш давомида) ўзгартирилиши мумкин. Агар ушбу рўйхатдаги дарё ва сой участкалари жойлашган ҳудуднинг (ҚФЙ, МФЙ) номи ўзгарганлиги аниқланса (участка координата нуқталари мос келиши лозим), тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасдиқловчи ҳужжатларига мувофиқ лойиҳа ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 30 ” январдаги 39 -сон қарорига
4-илова

Мораторий ҳудудига тушган норуда материаллар мавжуд кон ва участкалар
РЎЙХАТИ

Т/р	Ер қаъридан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектлари	Кўрсаткичлар			
		Кон номи	Жойлашган туман	Рухсатномалар амал қилиш муддати	Коннинг майдони (гектар)
	Тошкент шаҳри (Чирчиқ дарёси) **бўйича жами:**				**38,5**
1.	“Асил Тош Бизнес” МЧЖ	Тошкент (Чирчиқ) конининг қисми	Бектемир	25.06.2029 йил	20,7
2.	“Соф-Тош Қурилиш Сервис” МЧЖ	Саховат кони	Сергели	05.11.2027 йил	17,8
	Тошкент вилояти (Чирчиқ дарёси) **бўйича жами:**				**779,6**
3.	“Элит констракшн оптима” МЧЖ	Чирчиқ-1989 конининг қисми	Қибрай	09.02.2034 йил	133
4.	“Папенбург Ўзбекистон” ҚК МЧЖ	Чирчиқ-1989 конининг қисми	Қибрай	19.02.2039 йил	6,5
5.	“ПГС Роҳат” МЧЖ	Чирчиқ-1989 конининг қисми	Қибрай	28.04.2027 йил	4
6.	“ПГС Материал” МЧЖ	Чирчиқ-1989 конининг қисми	Қибрай	02.04.2036 йил	14,2
7.	“Тошкент ҳалқа автомобиль йўлидан фойдаланиш” МЧЖ	Чирчиқ-1989 конининг қисми	Қибрай	25.02.2044 йил	24,8
8.	“Тошкент қурилиш материаллари заводи” МЧЖ	Чирчиқ-1989 конининг қисми	Қибрай	04.07.2041 йил	29,9
9.	“2-сон темир бетон маҳсулотлари заводи” МЧЖ	Спутник конининг қисми	Қуйичирчиқ	26.12.2026 йил	17

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Ер қаъридан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектлари	Кўрсаткичлар			
		Кон номи	Жойлашган туман	Рухсатномалар амал қилиш муддати	Коннинг майдони (гектар)
10.	“Саффир Қурилиш Монтаж” МЧЖ	Буденов-1991 конининг қисми	Чиноз	15.08.2029 йил	44
11.	“Чиноз-Гидра-Сервис” ХК	Чиноз кони 9-сон участкасининг қисми	Чиноз	03.04.2030 йил	20
12.	“Инерт Материаллар” МЧЖ	Сергели-3 конининг қисми	Янгийўл	15.08.2027 йил	62,26
13.	“Чирчиқ Голден Сэнд” МЧЖ	Ислоҳот кони	Чиноз	09.12.2032 йил	90
14.	“Қуйи-Чирчиқ Балиқчи” МЧЖ	Умид кони	Қуйичирчиқ	10.01.2031 йил	30
15.	“Арслон ва Ислом” МЧЖ	Буденов-1991 конининг қисми	Чиноз	14.05.2033 йил	30,6
16.	“Новатек Инвест” МЧЖ	Сергели-3 конининг қисми	Янгийўл	04.06.2027 йил	50,4
17.	“Эверест Оптимал Плюс” МЧЖ	Эски қовунчи-5 кони	Янгийўл	06.06.2028 йил	45,7
18.	“Чирчиқ тажрибавий асфальт-бетон заводи” МЧЖ	Рамазон-1 кони	Бўстонлиқ	11.07.2029 йил	58,5
19.	“Чирчиқ тажрибавий асфальт-бетон заводи” МЧЖ	Рамазон кони	Бўстонлиқ	11.05.2028 йил	20,9
20.	“Дикс-Бакс Инвест” МЧЖ	Сергели-1 кони	Қуйичирчиқ	23.05.2034 йил	49
21.	“Шағал қум” МЧЖ	Эски Қовунчи-2 конининг қисми	Янгийўл	20.07.2030 йил	24,2
22.	“Роҳат Шағал Саралаш” МЧЖ	Буденов-1991 конининг қисми	Чиноз	01.02.2027 йил	24,7

QMMB: 09/26/39/0098-son
02.02.2026-y.

Т/р	Ер қаъридан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектлари	Кўрсаткичлар			
		Кон номи	Жойлашган туман	Рухсатномалар амал қилиш муддати	Коннинг майдони (гектар)
	Самарқанд вилояти (Зарафшон дарёси) **бўйича жами:**				**187,7**
23.	“Роад Стоун Ст” МЧЖ	Зарафшон кони	Жомбой	13.01.2035 йил	51,2
24.	“Самарқанд Керамик” МЧЖ	Даҳбет кони	Самарқанд	09.02.2038 йил	68,5
25.	“Самарқанд меъмор қурилиш” МЧЖ	Оқдарё-1981 конининг қисми	Пастдарғом	04.07.2032 йил	65
26.	“Сафина Молот Сервис” МЧЖ	Оқдарё-1981 конининг қисми	Пастдарғом	01.06.2032 йил	3
	Наманган вилояти (Норин дарёси) **бўйича жами**:				**30,4**
27.	“Оптиум Инерт” МЧЖ	Норин-1973 конининг қисми	Наманган	15.04.2027 йил	30,4
	Қашқадарё вилояти (Қашқадарё дарёси) **бўйича жами**:				**188,7**
28.	“Қурилишсаноатхизмат” МЧЖ	Қушбоши кони	Китоб	06.08.2034 йил	33,8
29.	“Шаҳрисабз норуда материаллари” МЧЖ	Дукчи кони	Шаҳрисабз	18.06.2038 йил	94,2
30.	“Қашқадарё” ХК	Китоб-1983 конининг қисми	Китоб	04.10.2034 йил	9,8
31.	“Яккабоғ Қизилдарё” ХК	Ҳилол конининг қисми	Яккабоғ	30.04.2030 йил	15,9
32.	“Марвеллоус бизнес” МЧЖ	Соҳил кони	Ғузор	07.01.2029 йил	3
33.	“Китоб темир-бетон буюмлари” МЧЖ	Китоб-1983 конининг қисми	Китоб	24.08.2030 йил	30

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

Кўчирма

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » yanvar № 40 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддасига мувофиқ, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO'LIM 1

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “30” январдаги 40-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтган ва 90 кун ичида талаб қилиб олинмаган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда суд қарори асосида давлат эгалигига ўтказилган товарларга ”;

еттинчи-тўққизинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи-ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 18-бандда:

биринчи-учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Мол-мулкни сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилади (бундан божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулклар, шунингдек, божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтган ва 90 кун ичида талаб қилиб олинмаган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда суд қарори асосида давлат эгалигига ўтказилган товарлар мустасно).

Божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкни, шунингдек, божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтган ва 90 кун ичида талаб қилиб олинмаган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда суд қарори асосида давлат эгалигига ўтказилган товарларни сотиш “Божхона-сервис” ДМ томонидан амалга оширилади.

Божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкни, шунингдек, божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтган ва 90 кун ичида талаб қилиб олинмаган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда суд қарори асосида давлат эгалигига ўтказилган товарларни буюртма асосида “Божхона-сервис” ДМ томонидан “E-auksion shop” электрон савдо платформаси орқали сотиши мумкин”;

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раиси буйруғи билан божхона органлари томонидан аниқланиб, давлат даромадига ўтказилган, шунингдек, божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтган ва 90 кун ичида талаб қилиб олинмаган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда суд қарори асосида давлат эгалигига

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

ўтказилган товарлар (дори-дармон бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг асослантирилган сўровларига асосан тиббий-ижтимоий муассасаларга беғараз берилиши мумкин. Бунда давлат даромадига ўтказилган тиббий буюмлар экспертиза хулосаси асосида яроқли деб топилган тақдирда берилади";

в) 19-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"19. Сотиладиган мол-мулк ижро ишини юритувчи давлат ижрочилари томонидан товарга илова қилинадиган юкхати билан биргаликда савдо ташкилотларига, божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулклар, шунингдек, божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтган ва 90 кун ичида талаб қилиб олинмаган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда суд қарори асосида давлат эгалигига ўтказилган товарлар эса "Божхона-сервис" ДМга берилади. Ижро ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун мол-мулк унинг миқдоридан, ҳажмидан ва тез сотилиши имкониятларидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида сотиш учун бир нечта савдо ташкилотларига берилиши мумкин (бундан божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкни, шунингдек, божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтган ва 90 кун ичида талаб қилиб олинмаган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда суд қарори асосида давлат эгалигига ўтказилган товарлар мустасно)";

г) 53-банд қуйидаги мазмундаги 2^1-кичик банд билан тўлдирилсин:

"2^1) божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтган ва 90 кун ичида талаб қилиб олинмаган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда суд қарори асосида давлат эгалигига ўтказилган товарлар бўйича:

42 фоизи – тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармаларга;

50 фоизи – Божхона қўмитасининг махсус жамғармасига;

8 фоизи – Бюрони ривожлантириш жамғармасига".

2. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2014 йил 13 октябрдаги ПФ–4658-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида" 2014 йил 24 декабрдаги 361-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-банднинг биринчи хатбошисидаги "ўн икки кунлик" сўзлари "ўн кунлик" сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банднинг биринчи хатбошисидаги "туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари" сўзлари "Марказлар" сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банддаги "12" рақами "10" рақами билан алмаштирилсин;

29-бандда:

иккинчи хатбошидаги “12” рақами “10” рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1 ноябргача бўлган муддатда – олинган маълумотларни санаторийларда 10 кунлик соғломлаштириш йўлланмалари қийматини тўлаш харажатларининг чекланган миқдорини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборади”;

тўртинчи хатбошидаги “12” рақами “10” рақами билан алмаштирилсин;

36-банддаги “Молия вазирлигига” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг “6-босқич” позицияси “Тадбирлар” устуни 1-бандидаги “12” рақами “10” рақами билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 40-банд қуйидаги мазмундаги ўн учинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“тадбиркорлик субъекти бошқарув органининг раҳбари бўлган жисмоний шахс:

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилганда;

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда;

суд ҳукми билан тайинланган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи чекланган муддат тугамаганда;

суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган даврида;

муқаддам таъсисчи (муассис) ёки раҳбарлигидаги тадбиркорлик субъекти тўловга қобилиятсизлик таомили асосида тугатилганлигига уч йил муддат тўлмаганда, ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи тўлаб берилган ҳолатлар бундан мустасно”;

б) қуйидаги мазмундаги 40^1-банд билан тўлдирилсин:

“40^1. Ушбу Низомнинг 40-бандида назарда тутилган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Олий суд ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг тегишли ахборот тизимларини Тизимга интеграция қилиш орқали аниқланади”;

в) 4-илова қуйидаги мазмундаги $VIII^2$ боб билан тўлдирилсин:

“

VIII^2.	**Ариза берувчининг хоҳишига кўра қуйидаги хизматлар композит тарзда кўрсатилади:**	Ҳа	Йўқ
8^2-1.	электрон рақамли имзо калитини бериш:	Ҳа	Йўқ
8^2-2.	тижорат банкларида ҳисобварақ очишга ариза топшириш ва уни фаоллаштириш:	Ҳа	Йўқ
8^2-3.	айрим фаолият турлари бўйича лицензия, рухсатнома олишга ариза ёки хабарнома юбориш:	Ҳа	Йўқ
8^2-4.	кўчмас мулк ижараси шартномасини расмийлаштириш ва солиқ органларида ҳисобга қўйиш:	Ҳа	Йўқ
8^2-5.	онлайн назорат-касса машиналарини онлайн равишда харид қилиш ва солиқ органларида рўйхатдан ўтказиш учун шартнома имзолаш:	Ҳа	Йўқ

”;

г) 5-иловада I банд қуйидаги мазмундаги 1-20-2^1–1-20-2^6-позициялар билан тўлдирилсин:

“

1-20-2^1	тижорат банкларида ҳисобварақ очишга ариза топшириш ва уни фаоллаштириш:	Ҳа	Йўқ
1-20-2^2	айрим фаолият турлари бўйича лицензия, рухсатнома олишга ариза ёки хабарнома юбориш:	Ҳа	Йўқ
1-20-2^3	кўчмас мулк ижараси шартномасини расмийлаштириш ва солиқ органларида ҳисобга қўйиш:	Ҳа	Йўқ
1-20-2^4	қўшилган қиймат солиғини тўловчи гувоҳномасини олиш (солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб, автоматик тарзда гувоҳнома бериладиган солиқ тўловчиларга):	Ҳа	Йўқ
1-20-2^5	онлайн назорат-касса машиналарини онлайн равишда харид қилиш ва солиқ органларида рўйхатдан ўтказиш учун шартнома имзолаш:	Ҳа	Йўқ
1-20-2^6	юридик шахс раҳбарини тайинлаш ва “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида ҳисобга қўйиш:	Ҳа	Йўқ

”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 январдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси нақд валютаси ва нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидаларининг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 100 000 000 (юз миллион) сўмдан ортиқ миқдордаги нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилади:

а) резидентлар томонидан – хорижий давлатларга хизмат сафарига кетаётган Ҳукумат делегацияси аъзолари учун Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида;

б) норезидентлар томонидан:

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида расмийлаштирилган йўловчи божхона декларацияси асосида декларация қилинган маблағлар доирасида. Бунда норезидент жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида тўлдирилган йўловчи божхона декларациясида кўрсатилган нақд валюта маблағларининг республика ҳудудида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ фойдаланилмаган қолдиқ миқдори доирасидаги нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга йўл қўйилади;

республикада белгиланган тартибда ташкил қилинган халқаро мусобақалар (танловлар, олимпиадалар) совриндорлари ёки қатнашчилари томонидан маблағларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида;

Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида расмийлаштирилган йўловчи божхона декларацияси асосида олиб кирилган заргарлик буюмларини "Термиз халқаро савдо маркази" эркин савдо зонаси ҳудудида сотишдан олинган нақд чет эл валютаси доирасида. Бунда республика ҳудудига олиб кирилган заргарлик буюмларининг номи, ўлчов бирлиги ва миқдори кўрсатилган йўловчи божхона декларацияси ҳамда ушбу буюмларни сотиб олган юридик шахс (сотиб олиш пункти) томонидан тасдиқланган ҳужжат (юк хати) нақд чет эл валютасини олиб чиқиш учун асос бўлади".

5. Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида" 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарорида:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"**Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**";

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Қуйидагилар:

Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом **1-иловага** мувофиқ;

Давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятини баҳолаш ва тоифалаш тўғрисидаги низом **1^1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин";

в) 1-иловада:

21-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ўрта махсус ёки олий маълумотга эга бўлиш, шу жумладан, бўлинма раҳбари олий маълумотга эга бўлиши";

қуйидаги мазмундаги 23^1-банд билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

“23[1]. Келиб тушиш манбаидан қатъи назар, барча мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтказилиши ҳамда уларни кўриб чиқиш натижалари, шу жумладан, шахсий, сайёр ва оммавий қабуллар ўтказиш натижалари мазкур тизимга киритиб борилиши шарт. Бунда мурожаатлар бўйича жавоб хатлари имзоланган куннинг ўзида ушбу тизимга киритилиши лозим”;

55-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат органларининг раҳбарлари ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан ҳар чоракда камида уч марта жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабуллари, шунингдек, оммавий қабуллар ташкил этилади. Сайёр ва оммавий қабуллар, қоида тариқасида, таҳлил натижаларига кўра мурожаатлар сони ошган ҳудудларда ўтказилади”;

қуйидаги мазмундаги 65[3]-банд билан тўлдирилсин:

“65[3]. Сайёр ва оммавий қабулларнинг ҳисобини юритиш, уларни ўтказиш натижаларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини баҳолаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ахборот тизимидаги алоҳида модул орқали амалга оширилади”;

77-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Юқори турувчи давлат органлари ва ташкилотлари қуйи органлар мурожаатларни ҳамда уларни кўриб чиқиш натижаларини ҳар чоракда ўрганади, таҳлил қилади ҳамда аниқланган камчиликлар юзасидан белгиланган тартибда чоралар кўриб боради”.

г) қуйидаги мазмундаги 1[1]-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 майдаги 341-сон қарорига
1[1]-илова

Давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятини баҳолаш ва тоифалаш тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар (кейинги ўринларда – давлат органлари) ҳамда уларнинг раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари (кейинги ўринларда – мансабдор шахслар) томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини (кейинги ўринларда – мурожаатлар) қабул қилиш, қайд этиш, кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этиш, мурожаатлар билан ишлашда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш, шунингдек, мурожаатлар билан ишлаш фаолияти бўйича тоифалаш тартибини белгилайди.

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

2. Мазкур Низом талаблари давлат ташкилотлари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси билан ишлаш тизимида (кейинги ўринларда – ахборот тизими) рўйхатга олинган (келиб тушиш манбаидан қатъи назар) ва давлат органига ижро учун йўналтирилган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Низом қоидалари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари учун мажбурий, бошқа давлат органлари учун тавсиявий хусусиятга эга.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

баҳолаш ва тоифалаш – мурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш, кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этиш, мурожаатлар билан ишлаш натижаларини таҳлил қилиш асосида давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини баҳолаш ва тоифаларга ажратиш;

муддат бузилиши – қонунчиликда белгиланган муддатларга риоя этилмасдан кўриб чиқилган мурожаатлар;

мурожаатларни қаноатлантириш даражаси – ҳисобот даврида кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган ҳамда ахборот тизимида “ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал этилган” ёки “ижобий ҳал этилган” белгиси билан қайд этилган мурожаатлар сонининг назоратга олинган мурожаатлар умумий сонига нисбатан улуши;

такрорий мурожаат – айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонунчиликда белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат.

4. Баҳолаш ва тоифалаш қуйидаги принципларга асосланади:

самарадорлик – мурожаатларни қабул қилиш, белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этиш ҳамда уларнинг қаноатлантирилишини таъминлаш;

жавобгарлик – мурожаатларни кўриб чиқишда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги;

рақамлаштириш – мурожаатларни ахборот тизимида қабул қилиш, кўриб чиқиш ва улар билан ишлаш, уларни автоматик таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали инсон омилини камайтириш;

мурожаат қилувчи манфаатларининг устуворлиги – мурожаатларни кўриб чиқишда мурожаат қилувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш;

тизимли таҳлил ва узлуксиз такомиллаштириш – баҳолаш натижаларини мунтазам таҳлил қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш чораларини кўриш.

2-боб. Тоифалашни амалга ошириш

5. Тоифалаш давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг мурожаатлар билан ишлашни таҳлил қилиш натижаларини баҳолаш учун қўлланади.

6. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти ахборот тизимида тўпланган маълумотлар асосида рўйхатга олинган, қаноатлантирилган, рад этилган, ижро муддатлари бузилган, такрорий мурожаатлар сонидан келиб чиқиб тоифаларга ажратилади.

7. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти ушбу Низомнинг 3-бобида белгиланган тоифалаш мезонлари асосида (дастурий таъминот ёрдамида) автоматик равишда баҳоланади ҳамда яшил, сариқ ва қизил тоифаларга ажратилади.

8. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини баҳолаш натижаларини ахборот тизимида кўриб бориш имкониятига эга бўлади.

3-боб. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини тоифалаш мезонлари

9. Давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти таҳлил натижаларига асосан уч тоифага ажратилади:

юқори натижадорликка эга давлат органлари – **яшил тоифа**;

ўрта натижадорликка эга давлат органлари – **сариқ тоифа**;

паст натижадорликка эга давлат органлари – **қизил тоифа**.

10. Давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти натижалари қуйидаги мезонларга мос келганда яшил тоифага киритилади:

мурожаатларни қаноатлантириш даражаси 80 фоиз ва ундан юқори бўлганда;

мурожаатлар билан ишлашда ижро муддатига тўлиқ риоя этилиши таъминланганда;

такрорий мурожаатларнинг улуши мурожаатлар умумий сонининг 5 фоизидан ошмаганда;

ҳар чоракда камида уч марта сайёр қабул ўтказилганда;

сайёр қабулда кўриб чиқилган мурожаатларнинг 80 фоизи қаноатлантирилганда.

11. Давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти натижалари қуйидаги мезонларга мос келганда сариқ тоифага киритилади:

мурожаатларни қаноатлантириш даражаси 50 фоиздан 80 фоизгача бўлганда;

мурожаатлар билан ишлашда ижро муддатига риоя этилмаган мурожаатлар сони мурожаатлар умумий сонининг 1 фоизидан ошмаганда;

такрорий мурожаатларнинг улуши мурожаатлар умумий сонининг 10 фоизидан ошмаганда;

ҳар чоракда икки марта сайёр қабул ўтказилганда;

сайёр қабулда кўриб чиқилган мурожаатларни қаноатлантириш даражаси 50 фоиздан 80 фоизгача бўлганда.

12. Давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти натижалари қуйидаги мезонларга мос келганда **қизил тоифа**га киритилади:

мурожаатларни қаноатлантириш даражаси 50 фоиздан кам бўлганда;

мурожаатлар билан ишлашда ижро муддатига риоя этилмаган мурожаатлар сони 1 фоиздан ортиқ бўлганда;

такрорий мурожаатларнинг улуши мурожаатлар умумий сонининг 10 фоизидан ортиқ бўлганда;

ҳар чоракда бир марта сайёр қабул ўтказилганда ёки умуман ўтказилмаганда;

сайёр қабулда кўриб чиқилган мурожаатларни қаноатлантириш даражаси 50 фоиздан кам бўлганда.

13. Мурожаатлар билан ишлаш фаолияти натижалари бўйича **тоифалаш ва уларни аниқлаш мезонлари қуйидаги жадвалда акс эттирилган:**

Т/р	Тоифа	Қаноатлан-тириш (%)	Муддат бузилиши (%)	Такрорий мурожаат (%)	Сайёр қабул ўтказилгани (ҳар чоракда)	Сайёр қабул қаноатлан-тириш (%)
1	Яшил	≥ 80	0	≤ 5	3 марта	≥ 80
2	Сариқ	50 – 79	0≤1	5≤ 10	2 марта	50 – 79
3	Қизил	< 50	> 1	> 10	≤ 1 марта	< 50

14. Давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти ҳар ҳисобот даври (чорак) якунида ахборот тизимидаги маълумотларга асосан ахборот тизимида дастурий таъминот ёрдамида автомат равишда баҳоланади.

15. Баҳолаш натижаларига кўра давлат органлари мансабдор шахсларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) қуйидагича белгиланади:

яшил тоифа – самарадорлик кўрсаткичлари 100 фоиз этиб белгиланади;

сариқ тоифа – самарадорлик кўрсаткичлари 50 фоиз этиб белгиланади;

қизил тоифа – самарадорлик кўрсаткичлари 10 фоиз этиб белгиланади.

16. Таҳлил натижаларига мувофиқ “қизил” тоифага киритилган давлат органларининг раҳбарлари ёки уларнинг тегишли ўринбосарларига нисбатан интизомий таъсир чоралари кўрилиши мумкин.

Бир йилда икки ва ундан ортиқ “қизил” тоифага киритилган давлат органларининг раҳбарлари ёки уларнинг тегишли ўринбосарларининг ҳисоботи Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисида муҳокама қилинади ҳамда уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

4-боб. Якунловчи қоидалар

17. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда масъул шахслари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича сўровномага мурожаатлар билан ишлаш фаолияти бўйича энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ҳам киритилади.

18. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади".

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг Божхона институти магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Олий Бош қўмондон" давлат стипендияси соҳиби бўлган курсантлар бакалавриатни тамомлагач, камида икки йил божхона органларида хизматни ўтаганидан сўнг, беш йил мобайнида мутахассислиги бўйича Божхона институтининг магистратурасига умумий қабул квота доирасида кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинадилар".

7. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ва унга идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2019 йил 21 ноябрдаги 924-сон қарорида:

а) 1-илованинг 8-бандида:

иккинчи хатбошидаги "Ўзйўлкўкаламзорлаштириш" УК ҳамда Республика йўл жамғармаси" сўзлари "Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти" давлат муассасаси ҳамда "Автойўлинвест" агентлиги" сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма биринчи хатбоши "ўлчов назорат постини ташкил этиш," сўзларидан кейин "назорат постлари ходимларини сақлаш" сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-иловада:

2-бандниng иккинчи хатбошисидаги "Ўзйўлкўкаламзорлаштириш" унитар корхонаси ва Республика йўл жамғармаси" сўзлари "Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти" давлат муассасаси ҳамда "Автойўлинвест" агентлиги сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандниng "б" кичик банди иккинчи хатбошисидаги "узлуксиз" сўзи чиқариб ташлансин;

7-бандда:

биринчи хатбошидаги "узлуксиз" сўзи чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Узоқ муддат хизмат қилганлик учун устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Қўмита томонидан тасдиқланадиган тартиб ёки жамоа шартномаси асосида амалга оширилади”;

8-банд “ҳамда касб байрамида” сўзларидан кейин “Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан” сўзлари билан тўлдирилсин;

9-бандниng биринчи хатбошиси “ташаббускор ходимларига” сўзларидан кейин “ҳар ой якуни бўйича” сўзлари билан тўлдирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 декабрдаги 971-сон қарори билан тасдиқланган “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида электрон меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда юридик шахс раҳбарини тайинлаш ва “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида ҳисобга қўйиш тадбиркорлик субъекти – юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтаётган шахснинг хоҳишига кўра тадбиркорлик субъекти – юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда амалга оширилади”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарорида:

а) 1-банддаги “Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига (кейинги ўринларда – ТСОЯЭАТ)” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг “E-kontrakt” ташқи савдо ахборот тизимига (кейинги ўринларда – Тизим)” сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Тизимга ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритсин”;

в) 1-иловада:

2-бандда:

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги тўққизинчи – ўн учинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“**норезидентнинг идентификация коди** – импорт контрактини тузувчи хорижий ҳамкор ва ушбу контракт бўйича товар жўнатувчи норезидентларга халқаро ёки миллий стандартлар асосида бериладиган ягона, такрорланмас идентификация рақами”;

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

республика ҳудудида экспорт контракти – экспорт қилувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ва ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш учун Ўзбекистон Республикасининг норезиденти билан хорижий валютада тўғридан-тўғри тузилган контракт;

сотиб олиш контракти – Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти ўртасида товарларни божхона ҳудудига олиб кирмаган ёки транзит тартибида олиб ўтган ҳолда сотиб олиш бўйича тузилган контракт;

сотиш контракти – сотиб олиш контракти доирасида сотиб олинган товарларни бошқа норезидентга сотиш назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезиденти ўртасидаги контракт;

ташқи савдо контрактлари – Низомнинг ушбу бандида келтирилган экспорт контракти, импорт контракти, бартер контракти, республика ҳудудида экспорт контракти, сотиш контракти ва сотиб олиш контракти;

ўн биринчи – ўн олтинчи хатбошилар тегишлича ўн тўртинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

5-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Контракт шартларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар қўшимча битим билан қайд этилиши керак ҳамда контрактлар билан бўлгани сингари тартибда “E-kontrakt” ташқи савдо ахборот тизимига (кейинги ўринларда – Тизим) киритилади”;

иккинчи хатбошидаги “ТСОЯЭАТга” сўзи “Тизимга” сўзи билан алмаштирилсин;

6-бандниng бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги, 9-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 10-банддаги, 11-бандниng учинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 12-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 14-бандниng биринчи хатбошисидаги, 16-бандниng иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 18-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 21-бандниng биринчи – бешинчи хатбошиларидаги, 30-банддаги, 31-бандниng иккинчи хатбошисидаги ва 35-банддаги тегишли келишикдаги “ТСОЯЭАТ” сўзи тегишли келишикдаги “Тизим” сўзи билан алмаштирилсин;

17-бандда:

биринчи хатбошидаги “ТСОЯЭАТга” сўзи “Тизимга” сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига” сўзлари “Тизимга” сўзи билан алмаштирилсин;

22-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги “ТСОЯЭАТ” сўзи тегишли келишикдаги “Тизим” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

“Тизимда сотиб олиш контракти сотиш контракти билан ўзаро боғлиқ ҳолда мониторинг қилинади”;

қуйидаги мазмундаги 24^1-банд тўлдирилсин:

“24^1. Сотиб олиш контракти бўйича товарлар сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни Тизимга киритиш ёки улар учун тўланган пул маблағларни қайтариш муддати тўлов амалга оширилган санадан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаслиги керак. Бунда товарлар сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида юк жўнатувчи давлатнинг экспорт декларацияси ва товарнинг кузатув ҳужжатлари асос бўлади.

Сотиш контракти бўйича тушум тушиши товарлар сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни Тизимга киритилган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак. Бунда товарлар сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида юк қабул қилувчи давлатнинг импорт декларацияси ва товарнинг кузатув ҳужжатлари асос бўлади.

Сотиб олиш контракти бўйича тўланган пул маблағлари миқдоридан сотиш контракти бўйича келиб тушган пул маблағларининг миқдори кам бўлмаслиги лозим.

Тизимга товарлар сотиб олинганлиги ёки сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни киритиш ва уларнинг нусхаларини бириктириш хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилади. Бунда сотиб олиш ва сотиш контрактлари бўйича Тизимга бириктирилган декларациялар ва товарнинг кузатув ҳужжатларидаги юк қабул қилувчи ва юк жўнатувчилар ўзаро мувофиқ бўлиши лозим.

Тизимга бириктирилган ҳужжатлар мазкур банд талабларига мувофиқлиги божхона органлари томонидан тасдиқлангандан сўнг улар ҳақидаги маълумотлар Тизимда акс этади.

Бунда сотиб олиш ва сотиш контрактлари доирасида белгиланган тартибда тақиқ ва чекловлар ўрнатилган товарлар бўйича операцияларни амалга ошириш тақиқланади”;

25-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ)да” сўзлари “Тизимда” сўзи билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “ТСОЯЭАТга” сўзи “Тизимга” сўзи билан алмаштирилсин;

1-иловада:

2-бандидаги “Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига (кейинги ўринларда – ТСОЯЭАТ)” сўзлари “E-kontrakt” ташқи савдо ахборот тизимига (кейинги ўринларда – Тизим)” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда:

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

биринчи хатбошидаги “ТСОЯЭАТда” сўзи “Тизимда” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“18 – сотиб олиш контракти;

19 – сотиш контракти”;

ўн учинчи хатбоши ўн бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўн бешинчи хатбошидаги “ТСОЯЭАТ” сўзи “Тизим” сўзи билан алмаштирилсин;

4-банддаги “ТСОЯЭАТда” сўзи “Тизимда” сўзи билан алмаштирилсин;

2-иловада:

“1-босқич” позициясининг “Тадбирлар” устунидаги “Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига (ТСОЯЭАТ)” сўзлари “E-kontrakt” ташқи савдо ахборот тизимига (Тизим)” сўзлари билан алмаштирилсин;

“2-босқич” позициясининг “Тадбирлар” устуни иккинчи хатбошисидаги “ТСОЯЭАТга” сўзи “Тизимга” сўзи билан алмаштирилсин;

3-иловада:

номидаги “Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига” сўзлари “E-kontrakt” ташқи савдо ахборот тизимига” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банд қуйидаги мазмундаги йигирма биринчи, йигирма иккинчи ва йигирма учинчи билан тўлдирилсин:

“сотиб олиш контрактлари бўйича товарлар сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

сотиш контрактлари бўйича товарлар сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

норезидентнинг идентификация коди******”;

изоҳда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

*“******2026 йил 1 апрелдан ихтиёрий, 2027 йил 1 январдан мажбурий тартибда”;*

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги “ТСОЯЭАТда” сўзи “Тизимда” сўзи билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги низомнинг 20-банди қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимини қўллашнинг мақсади товарларни қадоқлаш, ўраш (шу жумладан, қайта ўраш), саралаш, тозалаш бўлса, товарни божхона ҳудудида қайта ишлашга рухсатнома талаб этилмайди.

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 сентябрдаги 555-сон қарори билан тасдиқланган Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими тўғрисидаги низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳужжатларни божхона юк декларациясига илова қилинган ҳолда амалга оширилади”.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 августдаги 531-сон қарори билан тасдиқланган Божхона назорати остидаги товарларга нисбатан юк операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-банди қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Божхона омбори божхона режимига жойлаштирилган товарни божхона омбори ҳисобланмайдиган жойларда сақлаш – божхона тўловлари таъминлаш бўйича тақдим қилинган ҳужжатнинг амал қилиш муддати доирасида йўл қўйилади, бунда божхона омбори божхона режими учун белгиланган умумий сақлаш муддатидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Ваколатли шахслар томонидан божхона тўловлари таъминлаш бўйича тақдим қилинган ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугашидан 10 кун олдин товарлар божхона тўловлари таъминлаш бўйича янги ҳужжат тақдим этилиши ёки товарлар божхона омборига етказилиши лозим”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда мазкур бандда назарда тутилган гувоҳнома тадбиркорлик субъекти – юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтаётган шахснинг хоҳишига кўра тадбиркорлик субъекти – юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда берилади”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 19 ноябрдаги 693-сон қарорида:

а) 7-бандниng бешинчи хатбошисидаги “IHMA Sanatoriya” сўзлари “IHMA Sanatoriy” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

4-банд қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур Регламентнинг 3-бандида белгиланган тоифалардан бирига мансуб бўлган “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан тақдирланган донорларга йўлланмалар уларнинг мурожаатига асосан йўлланмаларни бериш даврийлигига мувофиқ навбатсиз берилади”;

14-банддаги “IHMA Sanatoriya” сўзлари “IHMA Sanatoriy” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандда:

учинчи хатбошидаги “12 кунга” сўзлари “10 кунга” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “бошланишидан 10 кун олдин” сўзлари “бошланиш санасидан камида 3 кун олдин” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Йўлланманинг амал қилиш муддати бошлангандан сўнг 5 кун ичида йўлланмалардан фойдаланувчи томонидан йўлланма бўйича санаторийларга мурожаат қилинмаганда берилган йўлланма бекор қилинади”;

20-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Агентлик кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сони, имтиёз тоифаси ва йўлланмаларнинг бериш даврийлигига мувофиқ республика санаторийларига йўлланмаларни тақсимлаш режасини ҳар йили 31 декабрга қадар тасдиқлайди ва талабдан келиб чиққан ҳолда йил давомида унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб боради”;

27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Санаторийларга қабул қилиш чоғида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган шахслар соғлиқни сақлаш муассасаларига юборилади. Бунда:

соғлиқни сақлаш муассасаларига юборилган шахслар мазкур Регламентнинг 16-банди еттинчи хатбошисида белгиланган муддат ичида санаторийларга қайта мурожаат қилмаганда, уларга берилган йўлланма бекор қилинади;

қабул жараёнида санаторийга ташриф буюрган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг санаторий-курорт картасида мазкур Регламентнинг 9-бандида белгиланган касалликлар аниқланиши йўлланмани бекор қилиш учун асос ҳисобланади”;

28-бандниng биринчи хатбошисидаги “йўлланмада кўрсатилган санаторийга келиш муддатидан камида уч кундан кеч бўлмаган муддатда” сўзлари “йўлланманинг амал қилиш муддати бошланиш санасидан камида 3 кун олдин” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 31^1-банд билан тўлдирилсин:

“31^1. Санаторийлар томонидан мазкур Регламентнинг 3-бандига мувофиқ кўзи ожиз I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсни кузатиб борувчи шахсга берилган йўлланма асосида озиқ-овқат ва ётоқ жой билан таъминлаш бепул асосда, қолган хизматлар шартномага мувофиқ пулли асосда кўрсатилади”;

3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

Эслатма: Йўлланма фақат унда кўрсатилган муддатларда ҳақиқий ҳисобланади. Йўлланмада кўрсатилган муддатдан олдин санаторийга қабул қилинмайди, шунингдек санаторийга кечикиб келинган кунлар тикланмайди. Йўлланмадан фақат унда кўрсатилган шахсгина фойдаланиши мумкин. Санаторийга битта йўлланма билан биттадан ортиқ киши (шу жумладан, ёш болалар ҳам) қабул қилинмайди.

Санаторийда соғломлаштириш учун 000000-сон
ЙЎЛЛАНМА

1. Даволанувчининг Ф.И.О.			
2. Даволанувчининг паспорти ёки идентификацияловчи ID- картаси маълумотлари (серияси ва рақами, ким томонидан берилганлиги):			
3. Даволанувчининг ЖШШИР:		4. Туғилган йили *(йил, кун, ой,)*: 0000.00.00 йил	
5. Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили:			
6. Тиббий маълумотнома ***(рақами, қачон ким томонидан берилган):***			
7. Имтиёзли тоифаси			
8. Санаторий номи, телефон рақами:			
9. Санаторий манзили:			
10. Соғломлаштириш муддати:	10 куи	0000 йил 00.00 дан	0000 йил 00.00 гача
11. Йўлланмани расмийлаштирган ваколатли орган:			

(қирқма чизиғи)

Санаторий томонидан туман (шаҳар) «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига 000000-сон йўлланманинг
ҚАЙТАРИЛАДИГАН ҚИСМИ

1. Даволанувчининг Ф.И.О.:			
2. Даволанувчининг паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (серияси ва рақами, ким томонидан берилганлиги):			
3. Даволанувчининг ЖШШИР:		4. Туғилган йили *(кун, ой, йил)*: 00.00.0000 йил	
5. Имтиёзли тоифаси:			
6. Санаторий номи, телефон рақами:			
7. Ҳақиқий соғломлаштирилган муддати:	00 кун	0000 йил 00.00 дан	0000 йил 00.00 гача
8. Изоҳ:			

QR-код жойи

Муҳим маълумотларни олиш учун QR-кодни сканерланг

”.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 21 апрелдаги 206-сон қарорида:

а) қуйидаги мазмундаги 2^1-банд билан тўлдирилсин:

“2^1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026 – 2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–393-сон

қарорига мувофиқ, 2026 йил 1 январдан бошлаб лойиҳа қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг баробаридан юқори бўлган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш лойиҳалари Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида қамраб олиниши белгиланган маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг бараваридан юқори бўлган объектларни (давлат сирлари жумласига киритиладиган объектлар бундан мустасно) қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳаларини шакллантириш, молиялаштириш ва мониторинг қилиш мазкур қарорга 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқланган низомлар талаблари асосида амалга оширилади.

Бунда:

лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳаларни бошқариш ва техник назорат хизматларига эга бўлган буюртмачи хизматини жалб қилиш мажбурий ҳисобланади;

бош лойиҳа-қидирув ва бош қурилиш-пудрат ташкилотлари давлат харидлари тартиб-таомиллари орқали “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали аниқланади;

лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экспертизаси ва комплекс экспертизадан ўтказилади, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

ҳар бир қурилиш объекти бўйича қурилиш ишлари унга алоҳида ғазначилик ҳисобварағи очилган ҳолда амалга оширилади;

бюджет ташкилотларининг банк ҳисобварақларида жамғарилган маблағлар ҳисобидан қурилиш-монтаж ишларини молиялаштириш тақиқланади”;

б) 1-иловада:

2-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи – тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“**бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари** – қонунчиликда назарда тутилган манбалар ҳисобидан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлар;

бюджет тизими бюджетлари – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари кенгаши (кейинги ўринларда – Жамғарма кенгаши) – бюджет ташкилоти раҳбарининг буйруғи (қарори) асосида ташкил этилган, бюджетдан ташқари жамғарма фаолиятига умумий раҳбарлик қилувчи ва жамғармага келиб тушган маблағлардан очиқлик ва жамоатчиликка ҳисобдорлик тамойиллари асосида фойдаланишни таъминловчи орган;

иккинчи – олтинчи хатбошилар тегишлича бешинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

4-банд қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, Дастур доирасида қурилиш объектларини (давлат сирлари жумласига киритиладиган объектлар бундан мустасно) барпо этиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари билан биргаликда молиялаштиришга йўналтириш”;

ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

12-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича лойиҳалар портфели Жамғарма кенгашининг таклифи асосида шакллантирилади”;

28-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳалари Жамғарма кенгаши томонидан кўриб чиқилади”;

29-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи – тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Бунда:

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича капитал қўйилмалар лимитлари ҳажми Жамғарма кенгаши томонидан тасдиқланади;

манзилли рўйхат мазкур лимитлар доирасида шакллантирилади ҳамда келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунидан ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда, капитал қўйилмалар лимитлари ҳажмига ўзгартиришлар ва тузатишлар киритиб борилади”;

30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“30. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 1 майга қадар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг (бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича – Жамғарма кенгашининг) тавсияларидан келиб чиқиб, келгуси уч йилликда Дастурга киритиш таклиф этилаётган инфратузилма лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритади. Бунда:

ташаббускорлар Дастурга киритиладиган инфратузилма лойиҳаларининг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни

кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ–43-сон қарорига асосан тузилган тегишли туман (шаҳар) ва ҳудудий штаблар билан келишади, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно;

бюджет ташкилотлари ўзларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш лойиҳаларини шакллантириб, марказлашган ҳолда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритади ва маълумотларнинг тўғри ва ҳаққонийлиги учун жавобгар бўлади”;

41-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг рўйхати Жамғарма кенгаши тасдиқлаган лимитлар доирасида бюджет ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади”;

44-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг дастлабки манзилли рўйхати Вазирлар Маҳкамаси Раёсати баёнига алоҳида илова сифатида тасдиқланади”;

44^1-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш учун зарур маблағлар бюджет ташкилотлари томонидан ажратилади”;

45^1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“45^1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Дастурнинг якуний лойиҳасига давлат-хусусий шериклик иштирокидаги ҳамда халқаро молия институтлари кредитлари ҳисобидан белгиланган тартибда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг бюджет капитал қўйилмалари қисми, шунингдек, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхати бўйича алоҳида иловаларни киритади”;

5-иловада:

“III босқич” позициясида “Тадбирлар” устуни қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳаларини Жамғарма кенгаши томонидан кўриб чиқилишини таъминлаш”;

“IV босқич” позициясида:

“Ижрочилар” устуни қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Вазирлик ва идоралар”;

“Тадбирлар” устуни қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

“Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича капитал қўйилмалар лимитлари ҳажмини Жамғарма кенгаши томонидан тасдиқланишини таъминлаш”;

“V босқич” позициясининг “Тадбирлар” устунининг биринчи хатбошиси “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг” сўзларидан кейин “(бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича Жамғарма кенгашининг)” сўзлари билан тўлдирилсин;

“X босқич” позицияси “Ижрочилар” устунидаги “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзларидан кейин “, бюджет ташкилотлари” сўзлари билан тўлдирилсин;

Изоҳ “ҳудудий штаблар билан келишилади” сўзларидан кейин “, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин.

в) 2-иловада:

2-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошлар билан тўлдирилсин:

“**бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари** – қонунчиликда назарда тутилган манбалар ҳисобидан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлар;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари кенгаши (кейинги ўринларда – Жамғарма кенгаши) – бюджет ташкилоти раҳбарининг буйруғи (қарори) асосида ташкил этилган, бюджетдан ташқари жамғарма фаолиятига умумий раҳбарлик қилувчи ва жамғармага келиб тушган маблағлардан очиқлик ва жамоатчиликка ҳисобдорлик тамойиллари асосида фойдаланишни таъминловчи орган;

тўртинчи – ўн биринчи хатбошилар тегишлича олтинчи – ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги 4^1-банд билан тўлдирилсин:

“4^1. Ташаббускорлар бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳаларни бошқариш ва техник назорат хизматларини кўрсатиш учун белгиланган тартибда ихтисослашган буюртмачи хизмати ташкилоти билан шартномалар тузган ҳолда, объект қийматининг тўлиқ ва (ёки) қисман (молиялаштириш графикларидан кам бўлмаган ҳолда) молиялаштириб борилишини таъминлайди. Бунда:

ҳар бир объект (лойиҳа) бўйича ғазначилик органларидан алоҳида ҳисобварақ очилади;

ташаббускорлар ўзларининг банк ҳисобварақларидаги мавжуд маблағлари ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш лойиҳаларини амалга оширишда зарур бўлган маблағларнинг объект (лойиҳа) бўйича ғазначилик органларидан очилган ҳисобварақларга йўналтирилишини таъминлайди”;

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

34-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан”;

учинчи – саккизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

46[1]-банд “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзларидан кейин “(бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича – бюджет ташкилотлари)” сўзлари билан тўлдирилсин.

1-илованинг 1-бандининг иккинчи хатбошисидаги “вазирлик ва идораларнинг” сўзлари “бюджет ташкилотларининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги 475-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик (меҳмонхона) йиғимни ундириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандининг тўққизинчи хатбошисидаги ва илованинг илова белгисидаги “иловага” сўзи “1-иловага” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги бешинчи–еттинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Туристик (меҳмонхона) йиғим:

республика туман ва шаҳарларида (вилоятлар марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарлари, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ туризм салоҳияти юқори бўлган туман (шаҳар)лар ва туристик зоналар бундан мустасно) жойлашган жойлаштириш воситалари учун;

маҳаллий фуқаролардан даволаш муассасалари, санаторий ва пансионатларда яшаганликлари учун ундирилмайди”;

в) илованинг “Жойлаштириш воситалари” устунидаги “ўринлар сони 10 тагача бўлган” сўзлари “ўринлар сони 20 тагача бўлган” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) қуйидаги мазмундаги 2-илова билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
туристик (меҳмонхона) йиғимни ундириш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Туризм салоҳияти юқори бўлган туман (шаҳар)лар ва туристик зоналар
РЎЙХАТИ

Т/р	Туман (шаҳар), туристик зона номи	Ҳудуд номи
1.	Амударё тумани	Қорақалпоғистон Республикаси
2.	Элликқалъа тумани	
3.	Қўнғирот тумани	

4.	Мўйноқ тумани	
5.	Тахтакўпир тумани	
6.	Тўрткўл тумани	
7.	Хўжайли тумани	
8.	Булоқбоши тумани	Андижон вилояти
9.	Қўрғонтепа тумани	
10.	Олтинкўл тумани	
11.	Хонобод шаҳри	
12.	Хўжаобод тумани	
13.	Шаҳрихон тумани	
14.	Бухоро тумани	Бухоро вилояти
15.	Вобкент тумани	
16.	Ғиждувон тумани	
17.	Когон шаҳри	
18.	Когон тумани	
19.	Қоракўл тумани	
20.	Олот тумани	
21.	Ромитан тумани	
22.	Шофиркон тумани	
23.	Арнасой тумани	Жиззах вилояти
24.	Бахмал тумани	
25.	Зомин тумани	
26.	Фориш тумани	
27.	Шароф Рашидов тумани	
28.	Ғузор тумани	Қашқадарё вилояти
29.	Деҳқонобод тумани	
30.	Касби тумани	
31.	Китоб тумани	
32.	Қамаши тумани	
33.	Қарши тумани	
34.	Муборак тумани	
35.	Нишон тумани	
36.	Шаҳрисабз шаҳри	
37.	Шаҳрисабз тумани	
38.	Яккабоғ тумани	
39.	Зарафшон шаҳри	Навоий вилояти
40.	Кармана тумани	
41.	Конимех тумани	
42.	Қизилтепа тумани	

43.	Нурота тумани	
44.	Учқудуқ шаҳри	
45.	Учқудуқ тумани	
46.	Хатирчи тумани	
47.	Давлатобод тумани	Наманган вилояти
48.	Косонсой тумани	
49.	Мингбулоқ тумани	
50.	Наманган тумани	
51.	Поп тумани	
52.	Тўрақўрғон тумани	
53.	Учқўрғон тумани	
54.	Чортоқ шаҳри	
55.	Чортоқ тумани	
56.	Чуст тумани	
57.	Янгиқўрғон тумани	
58.	Каттақўрғон шаҳри	Самарқанд вилояти
59.	Каттақўрғон тумани	
60.	Нуробод тумани	
61.	Пайариқ тумани	
62.	Самарқанд тумани	
63.	Тойлоқ тумани	
64.	Ургут тумани	
65.	Бойсун тумани	Сурхондарё вилояти
66.	Денов тумани	
67.	Жарқўрғон тумани	
68.	Қумқўрғон тумани	
69.	Сариосиё тумани	
70.	Термиз тумани	
71.	Шеробод тумани	
72.	Шўрчи тумани	
73.	Гулистон тумани	Сирдарё вилояти
74.	Сайхунобод тумани	
75.	Сардоба тумани	
76.	Сирдарё тумани	
77.	Ховос тумани	
78.	Янгиер шаҳри	
79.	Ангрен шаҳри	Тошкент вилояти
80.	Бекобод шаҳри	

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

81.	Бекобод тумани	
82.	Бўстонлиқ тумани	
83.	Зангиота тумани	
84.	Қибрай тумани	
85.	Олмалиқ шаҳри	
86.	Оҳангарон шаҳри	
87.	Оҳангарон тумани	
88.	Паркент тумани	
89.	Тошкент тумани	
90.	Ўртачирчиқ тумани	
91.	Чиноз тумани	
92.	Чирчиқ шаҳри	
93.	Қўқон шаҳри	Фарғона вилояти
94.	Марғилон шаҳри	
95.	Олтиариқ тумани	
96.	Риштон тумани	
97.	Сўх тумани	
98.	Тошлоқ тумани	
99.	Фарғона тумани	
100.	Боғот тумани	Хоразм вилояти
101.	Урганч тумани	
102.	Ҳазорасп тумани	
103.	Хива шаҳри	
104.	Хива тумани	
105.	Янгибозор тумани	
106.	“Чорвоқ” эркин туристик зонаси	Тошкент вилояти
107.	“Чимён-Чорвоқ” курорт рекреацион зонаси	
108.	“Оҳалик – Оқбўйро – Миронқул” туристик-рекрацион зонаси	Самарқанд вилояти
109.	“Ғелон” туристик-рекрацион зонаси	Қашқадарё вилояти
110.	“Зомин” туристик-рекрацион зонаси	Жиззах вилояти
111.	“Шохимардон” туристик-рекрацион зонаси	Фарғона вилояти

”.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг “Божхона-сервис” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 8 ноябрдаги 656-сон қарорининг 3-банди еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона хизмати органлари томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни, божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтган ва 90 кун ичида талаб қилиб олинмаган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда суд қарори

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

асосида давлат эгалигига ўтказилган товарларни сақлаш ва сотиш, шу жумладан, “E-auksion shop” электрон савдо дўкони орқали (қонунчилик ҳужжатларида бошқа давлат органларга бериладиган мол-мулклар бундан мустасно) сотиш”.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 декабрдаги 737-сон қарори билан тасдиқланган Товар ва транспорт воситалари билан транзит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-бандида:

а) биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги биринчи ва иккинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“24. Божхона транзити божхона режими якунланган пайтдан эътиборан транзит декларациясидаги божхона ҳудудида турган товар “вақтинча сақлаш” божхона режимида турган товар мақомини олади, бундан “божхона омбори” божхона режимида божхона назорати остида турган вақтда бир божхона омборидан бошқасига божхона назорати остида етказиб берилган товарлар мустасно. Бунда “вақтинча сақлаш” божхона режимига жойлаштириш учун божхона юк декларациясини тақдим этиш талаб этилмайди.

Агар товарлар “божхона омбори” божхона режимида турган вақтда бир божхона омборидан бошқасига етказиб берилган бўлса, товарларни “божхона омбори” божхона режимига расмийлаштириш учун такроран божхона юк декларацияси тақдим этилмайди, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно”.

б) иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 ноябрдаги 622-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг 2-бандида:

а) иккинчи хатбошидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) учинчи хатбошидаги “10” рақами “20” рақами билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 декабрдаги 660-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) қуйидаги мазмундаги 18^3-банд билан тўлдирилсин:

“18^3. Ҳунармандларга меҳмонхоналар, бозорлар, маҳалла гузарлари ва шу каби аҳоли гавжум бўладиган бошқа жойларда давлат кўчмас мулк объектларидан жойлар 50 фоизга пасайтирилган ставкада электрон онлайн-аукцион орқали ҳунармандчилик фаолияти учун реализация қилинади, қонунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур Низомнинг 18^2-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”;

б) 22-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

“22. Давлат мулки ижарасининг энг кўп муддати бир ижара шартномаси доирасида ўн йил этиб белгиланади, қонунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур Низомнинг 18^2-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”;

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги “уч” сўзи “беш” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 34-банд “Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан” сўзларидан кейин “ҳудудда шаклланган ижара тўловининг минимал бозор нархидан келиб чиқиб” сўзлари билан тўлдирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 июндаги 358-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ва унинг тизимидаги жазони ижро этиш муассасаларининг мулки, бино ва иншоотларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди тўртинчи хатбошисидаги “уч” сўзи “беш” сўзи билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 сентябрдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомда:

а) 1-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“янги меҳмонхонани қуриб фойдаланишга топширган тадбиркорлик субъектига (кейинги ўринларда – инвестор) ушбу меҳмонхонани қуриш (реконструкция қилиш бундан мустасно) ва жиҳозлаш ҳамда меҳмонхонани қўшимча бино ва иншоотлар қуриш орқали кенгайтириш ёки мавжуд бино ва иншоотларнинг ихтисослашишини меҳмонхона фаолиятига ўзгартириш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) маблағ ажратиш;

б) 3-бандниng олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**янги қурилган меҳмонхона** – тасдиқланган лойиҳа асосида капитал бино ва иншоот сифатида қурилган ёки охирги ўн йилда меҳмонхона фондида мавжуд бўлмаган ҳолда қайта қурилган ёхуд қурилиш жараёнида ўзгартирилган лойиҳа бўйича (реконструкция қилиш бундан мустасно) жойлаштириш воситаси сифатида қурилиб, янги ишга туширилган ҳамда меҳмонхона қўшимча бино ва иншоотлар қуриш орқали кенгайтирилган ёки мавжуд бино ва иншоотларнинг ихтисослашиши меҳмонхона фаолиятига ўзгартирилган объект”;

в) 4-бандниng еттинчи хатбошиси “меҳмонхона” сўзидан кейин “янги қурилган ҳамда” сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 8-бандниng биринчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

QMMB: 09/26/40/0112-son
05.02.2026-y

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Божхона маъмуриятчилиги тартиб-таомилларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 11 февралдаги 77-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Изоҳ. *Ушбу илованинг 3-банди “а” кичик банди 2026 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.*

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

4 (1232)-сон
80-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1829-5
2026 - yil 26 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

O‘zbekiston Respublikasining davlat qimmatli qog‘ozlari bilan REPO bitimlarini tuzish va ijro etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 2-sentabrdagi PQ–291-son “Kapital bozorini rivojlantirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2008-yil 15-martdagi 8/8-son qarori (ro‘yxat raqami 1829, 2008-yil 18-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2008-y., 24-25-son, 247-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasining davlat qimmatli qog‘ozlari bilan REPO bitimlarini tuzish va ijro etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Raisning birinchi o‘rinbosari
2026-yil 5-yanvar
37/3- son

SAYDULLAYEV NODIRBEK
NARZULLAYEVICH

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining
2026-yil 5-yanvardagi 37/3-son qaroriga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasining davlat qimmatli qog‘ozlari bilan REPO bitimlarini tuzish va ijro etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. 3-bandda:

o‘n birinchi – o‘n uchinchi xatboshilar chiqarib tashlansin;

o‘n to‘rtinchi – yigirma to‘qqizinchi xatboshilar tegishli ravishda o‘n birinchi – yigirma oltinchi xatboshilar deb hisoblansin;

o‘n birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“ta’minot qiymati – ta’minotdagi DQQning sonini bir dona DQQning birja ma’lumotlariga muvofiq bozor narxiga ko‘paytirishdan hosil bo‘lgan kattalik;”;

yigirma oltinchi xatboshidagi “elektron tizimi.” degan so‘zlar “elektron tizimi;” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“Milliy kliring markazi – DQQlar bo‘yicha kliring, markazlashgan kliringni amalga oshiruvchi va markaziy kontragent sifatida faoliyat yurituvchi tashkilot;

Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi (bundan buyon matnda Markaziy depozitariy deb yuritiladi) – depo hisobvaraqlari bo‘yicha qimmatli qog‘ozlarni saqlashning, bunday qimmatli qog‘ozlarga bo‘lgan huquqlarni hisobga olishning va qimmatli qog‘ozlar harakatining yagona tizimini ta’minlovchi tashkilot.”.

2. 5-bandning “b” kichik bandidan “kamida 5 kalendar kuni” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

3. 7, 13, 35, 39 – 41, 45, 59, 65, 68-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

4. 9-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“REPO bitimlari markaziy kontragent ishtirokida yoki markaziy kontragent ishtirokisiz tuzilishi mumkin.”.

5. 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Tizim doirasidagi REPO bitimlarini tuzishda savdo qatnashchilari tomonidan Savdo tizimiga raqobatli va raqobatsiz buyurtmalar kiritiladi.

Dilerning oʻzi tomonidan REPO stavkasi koʻrsatiladigan raqobatli buyurtmalardan farqli ravishda, raqobatsiz buyurtmalar Savdo tizimiga buyurtma berilgan vaqtda birja qoidalariga muvofiq avtomatik hisoblanadigan REPO stavkasi boʻyicha kiritiladi.”.

6. 12-bandda:

toʻrtinchi xatboshidan “va taʼminotdagi DQQning identifikatsiya raqami yoki xalqaro kodi” degan soʻzlar chiqarib tashlansin;

yettinchi xatboshidagi “bunda n > 1” degan soʻzlar “bunda n ≥ 1” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi “DQQning chiqarilish raqami” degan soʻzlar “DQQning identifikatsiya raqami yoki xalqaro kodi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi oʻninchi xatboshi bilan toʻldirilsin:

“i) diskontning qiymati.”;

oʻninchi xatboshi oʻn birinchi xatboshi deb hisoblansin;

oʻn birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Tizimdan tashqaridagi REPO bitimlarini tuzish uchun diler oʻz buyurtmasida, REPO bitimining majburiy shartlariga qoʻshimcha ravishda, ushbu bitimni tuzish boʻyicha taklifni qabul qiluvchi dilerning nomini koʻrsatishi lozim.”;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan toʻldirilsin:

“DQQ savati bilan tuziladigan REPO bitimlari boʻyicha dastlabki sotib oluvchi tomonidan kiritiladigan buyurtmalarda DQQning identifikatsiya raqami

yoki xalqaro kodini koʻrsatish talab etilmaydi.”.

7. 15-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Savdo tizimida REPO bitimi tuzilishi uchun mazkur Nizomning 12-bandi “a”, “b”, “d”, “e”, “j”, “z” va “i” kichik bandlarida koʻrsatilgan REPO bitimlarining shartlari ikkita muqobil buyurtmalarda mos kelishi shart.”.

8. 19 – 21-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“19. OʻzRVBning birja bitimlari reyestridan koʻchirma REPO bitimining tuzilganligini tasdiqlovchi hujjat boʻlib, uning standart shakli birja qoidalariga muvofiq tasdiqlanadi.

20. OʻzRVB, Markaziy depozitariy va (yoki) Milliy kliring markazining har bir REPO bitimi boʻyicha dastlabki sotuvchi va dastlabki sotib oluvchidan oladigan vositachilik haqi (bundan buyon matnda vositachilik haqi deb yuritiladi) ularning tegishli qoidalariga muvofiq undiriladi.

21. REPO bitimlari boʻyicha dilerning majburiyatlari ijrosini taʼminlash Markaziy depozitariy yoki Milliy kliring markazi tomonidan taraflar oʻrtasida tuzilgan bitimga asosan uning Markaziy bankda ochilgan vakillik hisobvaragʻidan (investitsiya vositachisining bank hisobvaragʻidan) akseptsiz tartibda hisobdan chiqarish orqali amalga oshiriladi.”.

9. 28-bandning “b” kichik bandida:

birinchi xatboshidan “OʻzRVBning” degan soʻz chiqarib tashlansin;

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bunda Savdo tizimi Markaziy depozitariy va (yoki) Milliy kliring markazidan olingan maʼlumotlarga asosan:”;

beshinchi xatboshidan “Savdo tizimining” degan soʻzlar chiqarib tashlansin.

10. 29 – 31-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“29. Savdo tizimi hisob-kitoblari T_0 kodli REPO bitimi roʻyxatga olingandan soʻng:

dastlabki sotib oluvchining “depo” pozitsiyasini taʼminotga kiritilgan DQQning miqdoriga oshiradi;

dastlabki sotuvchining pul pozitsiyasini REPO summasi bilan vositachilik haqi orasidagi farqqa oshiradi.

30. Mazkur Nizomning 29-bandida koʻrsatilgan operatsiyalarning Savdo tizimi tomonidan Markaziy depozitariy va (yoki) Milliy kliring markazidan olingan maʼlumotlarga asosan toʻliq ijro etilishi hisob-kitoblari T_0 kodli REPO bitimi tuzilganligi va uning birinchi qismi ijro etilganligini bildiradi.

31. Hisob-kitoblari T_0 kodli REPO bitimining birinchi qismi ijro etilganligi toʻgʻrisida Markaziy depozitariy va (yoki) Milliy kliring markazidan olingan maʼlumotlarga asosan Savdo tizimi REPO bitimi tomonlariga elektron maʼlumotni taqdim etadi.”.

11. 33-banddan “Savdo tizimining” degan soʻzlar chiqarib tashlansin.

12. 36-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Hisob-kitoblari T_n kodli REPO bitimining birinchi qismini ijro etish uchun REPO bitimlarining birinchi qismi ijrosi belgilangan kuni dilerlar tomonidan quyidagi yetarlilik shartlari bajarilishi shart:

a) dastlabki sotib oluvchining pul pozitsiyasida REPO bitimining birinchi qismi ijrosi uchun pul mablagʻlarining yetarliligi;

b) dastlabki sotuvchining “depo” pozitsiyasida REPO bitimining birinchi qismi ijrosi uchun DQQning yetarliligi.

Bunda Markaziy depozitariy va (yoki) Milliy kliring markazidan olingan maʼlumotlarga asosan Savdo tizimi dastlabki sotuvchi va dastlabki sotib oluvchi tomonidan yetarlilik shartlari bajarilgandan soʻng:

dastlabki sotib oluvchining pul pozitsiyasini REPO summasiga kamaytiradi;

dastlabki sotuvchining “depo” pozitsiyasini REPO bitimining birinchi qismi ijrosi uchun zarur boʻlgan DQQ miqdoriga kamaytiradi.”.

13. 37-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Hisob-kitoblari T_n kodli REPO bitimining birinchi qismi ijrosini ta’minlash uchun Markaziy depozitariy va (yoki) Milliy kliring markazidan olingan maʼlumotlarga asosan Savdo tizimi:”.

14. 38-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“38. Hisob-kitoblari T_n kodli REPO bitimining birinchi qismi ijro etilganligi toʻgʻrisida Markaziy depozitariy va (yoki) Milliy kliring markazidan olingan maʼlumotlarga asosan Savdo tizimi REPO bitimi tomonlariga elektron maʼlumotni taqdim etadi.”

15. 42-bandda:

birinchi xatboshidagi “savdolar tugagunga qadar Savdo tizimiga buyurtma-topshirigʻini kiritmagan” degan soʻzlar “yetarlilik shartini bajarmagan” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “buyurtma-topshirigʻini Savdo tizimiga kiritmagan boʻlsa” degan soʻzlar “yetarlilik shartlarini bajarmagan boʻlsa” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Savdo tizimida hamda Markaziy depozitariy va Milliy kliring markazining tizimlarida yuzaga kelgan texnik nosozliklar sababli yetarlilik shartlarining bajarilmaslik holatlari bundan mustasno.”.

16. 48-banddagi “kupon (foiz) daromadi olganda” va “roʻyxatga oladi.” degan soʻzlar tegishli ravishda “kupon (foiz) daromadi olganda Markaziy depozitariy va (yoki) Kliring markazi maʼlumotlariga asosan” va “roʻyxatga oladi va bu toʻgʻrisida REPO bitimi tomonlariga elektron maʼlumot taqdim etadi.” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

17. 54-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “tasdiqnoma joʻnatadi” degan soʻzlar “elektron maʼlumot joʻnatadi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

beshinchi xatboshi to‘rtinchi xatboshi deb hisoblansin.

18. 58-bandda:

oltinchi xatboshidan “va taʼminotdagi DQQning muomalasini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatga muvofiq kodi” degan so‘zlar chiqarib tashlansin;

to‘qqizinchi xatboshidagi “DQQning chiqarilish raqami” degan so‘zlar “DQQning identifikatsiya raqami yoki xalqaro kodi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘n uchinchi xatboshi chiqarib tashlansin.

19. 62 va 63-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“62. Savdo tizimi REPO bitimining ikkinchi qismi ijrosi boʻyicha Markaziy depozitariy va (yoki) Milliy kliring markazidan olingan maʼlumotlarga asosan REPO bitimining ikkinchi qismi ijro etiladigan sanada dastlabki sotuvchining pul pozitsiyasida REPO bitimining ikkinchi qismi boʻyicha majburiyatlarning toʻliq ijrosi uchun yetarli darajada mablagʻ borligini tekshiradi.

Tekshirish natijalariga koʻra, dastlabki sotuvchining pul pozitsiyasida REPO bitimining ikkinchi qismi boʻyicha majburiyatlarning toʻliq ijrosi uchun yetarli darajada mablagʻ boʻlgan holda, dastlabki sotuvchining pul pozitsiyasini qaytarish summasiga kamaytiradi.

63. Savdo tizimi REPO bitimining ikkinchi qismi ijrosi boʻyicha Markaziy depozitariy va (yoki) Milliy kliring markazidan olingan maʼlumotlarga asosan REPO bitimining ikkinchi qismi ijro etiladigan sanada dastlabki sotib oluvchining “depo” pozitsiyasida REPO bitimining ikkinchi qismini toʻliq ijrosi uchun yetarli miqdorda DQQ borligini tekshiradi.

Tekshirish natijalariga koʻra, dastlabki sotib oluvchining “depo” pozitsiyasida REPO bitimining ikkinchi qismini toʻliq ijrosi uchun yetarli miqdorda DQQ mavjud boʻlgan holda, dastlabki sotib oluvchining “depo” pozitsiyasini REPO bitimi boʻyicha taʼminot tarkibidagi DQQ miqdoriga kamaytiradi.”.

20. 66-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“66. REPO bitimining ikkinchi qismi ijro etilmaganda, REPO bitimining ikkinchi qismi ijro etiladigan sanada mazkur Nizomning 62 yoki 63-bandida belgilangan yetarlilik shartini bajarmagan tomon oʻz majburiyatlarini bajarmaganligi uchun javobgar hisoblanadi.

Agar REPO bitimining ikkinchi qismi ijro etiladigan sanada bitimdagi ikkala tomon ham mazkur Nizomning 62 va 63-bandlarida belgilangan yetarlilik shartini bajarmagan boʻlsa, u holda REPO bitimining ikkinchi qismi boʻyicha oʻz majburiyatlarini bajarmaganligi uchun ikkala tomon ham javobgar hisoblanadi.

Savdo tizimida hamda Markaziy depozitariy va Milliy kliring markazining tizimlarida yuzaga kelgan texnik nosozliklar sababli yetarlilik shartlarining bajarilmaslik holatlari bundan mustasno.”.

21. 8-bobning nomidan “Taʼminoti blokirovka qilingan” degan soʻzlar chiqarib tashlansin.

22. 70-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“70. REPO bitimining ikkinchi qismi ushbu bitim shartlarida belgilangan vaqtda ijro etilmasa, Savdo tizimi REPO bitimi boʻyicha dastlabki sotuvchining dastlabki sotib oluvchi oldidagi majburiyatlarini bajarish uchun DQQlarni sotish yoki dastlabki sotib oluvchining dastlabki sotuvchi oldidagi majburiyatlarini bajarish uchun DQQlarni sotib olish boʻyicha auksion tashkil qiladi.

Markaziy kontragent ishtirokida tuzilgan REPO bitimlarining ijrosi Milliy kliring markazi qoidalariga muvofiq amalga oshiriladi.”.

23. 71-bandda:

birinchi xatboshidagi “Taʼminotning sotilishi” va “savdo kunidan boshlab Savdo tizimi tomonidan oʻtkaziladigan kunlik auksionlar shaklida” degan soʻzlar tegishli ravishda “Taʼminotning sotilishi yoki sotib olinishi” va “savdo kunida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “auksiondagi sotilish narxi” degan soʻzlar “auksiondagi sotilish yoki sotib olinish narxi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

24. 72-banddagi “sotiladigan DQQning tarkibi” va “sotishning minimal narxi” degan so‘zlar tegishli ravishda “sotiladigan (sotib olinadigan) DQQning tarkibi” va “sotishning (sotib olishning) minimal (maksimal) narxi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

25. 73-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“73. Auksion natijalari bo‘yicha qayta hisoblangan REPO bitimining qaytarish summasi nolga teng bo‘lmay, DQQ esa to‘la hajmda sotilmay yoki sotib olinmay qolgan taqdirda navbatdagi auksion o‘tkazilishi e’lon qilinadi. Bunda, DQQning auksiondagi sotish yoki sotib olish narxiga birja qoidalariga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilishi mumkin.”.

26. 74-banddagi “yetarli hajmda sotadi” degan so‘zlar “yetarli hajmda sotadi yoki sotib oladi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

27. 75-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Dastlabki sotib oluvchining dastlabki sotuvchi oldidagi majburiyati so‘ndirilganidan so‘ng DQQni sotib olishdan ortib qolgan pul mablag‘larining qoldig‘i dastlabki sotib oluvchiga qaytariladi.”.

28. 79-band “sotishdan tushgan pul mablag‘lari” degan so‘zlardan keyin “yoki sotib olingan DQQ” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

29. 80-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“80. Xabarnoma olingan kundan boshlab bir ish kuni ichida xabarnomada ko‘rsatilgan majburiyatlar bajarilmagan taqdirda, ushbu majburiyatlar summasi taraflar o‘rtasida tuzilgan bitimga asosan majburiyatlarni bajarmagan dilerning Markaziy bankda ochilgan vakillik hisobvarag‘idan (investitsiya vositachisining bank hisobvarag‘idan) akseptsiz tartibda hisobdan chiqarish orqali amalga oshiriladi.”.

30. 9-bobning nomidan, 82-banddan, 85-bandning birinchi va uchinchi xatboshilaridan hamda 86-banddan “to‘g‘ridan-to‘g‘ri” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

31. 81-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“81. Markaziy bank tijorat banklari, shu jumladan mikromoliya banklari (bundan buyon matnda banklar deb yuritiladi) bilan ularning likvidliligini tartibga solish hamda Oʻzbekiston Respublikasi Hukumati va davlat boshqaruvi organlarining fiskal agenti vazifasini bajarish maqsadida REPO bitimlarini amalga oshiradi.”.

32. 83-banddagi “toʻgʻridan-toʻgʻri REPO bitimlari” va “birja qoidalariga” degan soʻzlar tegishli ravishda “REPO bitimlari” va “Markaziy bank boshqaruvining qarori va birja qoidalariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

33. 84-banddan “Toʻgʻridan-toʻgʻri” degan soʻzlar chiqarib tashlansin.

34. 96-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“96. Bitimning ikkinchi qismi boʻyicha majburiyatlar bank tomonidan bajarilmagan yoki notoʻgʻri bajarilgan holda, Markaziy bank bitimning ikkinchi qismi boʻyicha majburiyatlarni bajarishdan bir tomonlama bosh tortish huquqiga ega. Bunda, Markaziy bank tomonidan likvidlilikni taqdim etish maqsadida tuzilgan REPO bitimi boʻyicha sotib olingan DQQ Markaziy bank tasarrufida, pul mablagʻlari esa bankda qoladi.

Markaziy bank tomonidan likvidlilikni olib qoʻyish maqsadida tuzilgan REPO bitimi boʻyicha sotilgan DQQ bank tasarrufida, pul mablagʻlari esa Markaziy bankda qoladi.

Yuqoridagi hollarda Markaziy bank zarar qoplanishini talab qilish huquqiga ega.”.

35. 107-banddan “taʼminoti blokirovka qilingan” degan soʻzlar chiqarib tashlansin.

QMMB: 10/26/3494-1/0080-son
27.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3494-1
2026 - yil 26 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING

BUYRUG‘I

Avtomototransport vositalarida amaliy mashg‘ulotlarni va imtihonlarni o‘tkazishga mo‘ljallangan o‘quv avtodromiga qo‘yiladigan talablarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 25-oktabrdagi 676-son “Transport vositalarini boshqarish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2024-yil 18-yanvardagi 27-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3494, 2024-yil 1-fevral) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 03.02.2024-y., 10/24/3494/0090-son) bilan tasdiqlangan Avtomototransport vositalarida amaliy mashg‘ulotlarni va imtihonlarni o‘tkazishga mo‘ljallangan o‘quv avtodromiga qo‘yiladigan talablarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Ushbu buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Transport vazirligi, Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, O‘zbekiston Savdo-sanoat palatasi va O‘zbekiston mudofaasiga ko‘maklashuvchi “Vatanparvar” tashkiloti Markaziy Kengashi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 20-yanvar
22- son

TASHPULATOV AZIZ
ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3494-1/0080-son
27.01.2026-y.

Kelishildi:

Rais 2026-yil 9-yanvar		BATIROV XUSAN ARZUDINOVICH
Vakil o‘rinbosari 2025-yil 24-dekabr		URUNOV JAMSHID OLIMOVICH
Vazir 2025-yil 20-dekabr		XIDOYATOV SHERZOD SAIDJANOVICH
Vazir 2025-yil 19-dekabr		MAXKAMOV ILXOM RUSTAMOVICH
Vazir 2025-yil 18-dekabr		KUDRATXODJAYEV BOTIR BAXROMOVICH
Vazir 2025-yil 16-dekabr		SHARIPOV KONGRATBAY AVEZIMBETOVICH
Rais 2025-yil 16-dekabr		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/3494-1/0080-son
27.01.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining
2025-yil 20-yanvardagi 22-son buyrug‘iga
ILOVA

Avtomototransport vositalarida amaliy mashg‘ulotlarni va imtihonlarni o‘tkazishga mo‘ljallangan o‘quv avtodromiga qo‘yiladigan talablarga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 3-bandning ikkinchi xatboshisi hamda 5-bandning ikkinchi va sakkizinchi xatboshilaridagi ““A” toifa” degan so‘zlar ““A” va “A1” toifalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 1-ilovaning nomi, 4-ilovaning 1-bobi nomi va 1-bandidagi ““A” toifa” degan so‘zlar ““A” va “A1” toifalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

QMMB: 10/26/3761/0079-son
27.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3761
2026 - yil 26 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
O‘ZBEKISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA SOLISH AGENTLIGI
DIREKTORINING
BUYRUG‘I

Akkreditatsiya to‘g‘risidagi guvohnoma blankalarini ro‘yxatga olish va saqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 24-apreldagi 349-son “Muvofiqlikni baholash organlarini akkreditatsiyadan o‘tkazish sohasidagi ishlarni takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Akkreditatsiya to‘g‘risidagi guvohnoma blankalarini ro‘yxatga olish va saqlash tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor v.v.b
2026-yil 13-yanvar
137-son

MASHANPIN TIMUR
VASIKOVICH

QMMB: 10/26/3761/0079-son
27.01.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining
2026-yil 13-yanvardagi 137-son buyrug‘iga
ILOVA

Akkreditatsiya to‘g‘risidagi guvohnoma blankalarini ro‘yxatga olish va saqlash tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom akkreditatsiya to‘g‘risidagi guvohnoma blankalarini ro‘yxatga olish va saqlash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Akkreditatsiya to‘g‘risidagi guvohnoma blankalari (bundan buyon matnda guvohnoma blankasi deb yuritiladi) qat’iy hisobda turuvchi blankalar hisoblanadi va ularni ro‘yxatga olish va saqlash “O‘zbekiston akkreditatsiya markazi” davlat muassasasi (bundan buyon matnda Markaz deb yuritiladi) tominadan amalga oshiriladi.

2. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:

akkreditatsiya komissiyasi – baholovchilar, jalb qilinadigan texnik ekspertlar, shu jumladan baholashda ishtirok etmagan xalqaro ekspertlardan iborat Markaz huzurida tashkil etiladigan komissiya bo‘lib, akkreditatsiya va davriy baholash bo‘yicha ishlar natijalarini ko‘rib chiqish hamda tegishli qarorlarni qabul qilish uning asosiy vazifasi hisoblanadi;

akkreditatsiya to‘g‘risidagi guvohnoma (bundan buyon matnda guvohnoma deb yuritiladi) – akkreditatsiya qilingan subyektning akkreditatsiyaning belgilangan sohasidagi ishlarni bajarishga vakolatliligini tasdiqlovchi hujjatdir;

akkreditatsiya uchun ariza beruvchi (bundan buyon matnda akkreditatsiya obyekti deb yuritiladi) – akkreditatsiya uchun ariza bergan muvofiqlikni baholash organi va metrologiya xizmati;

akkreditatsiya qilingan subyekt (bundan buyon matnda akkreditatsiya subyekti deb yuritiladi) – milliy akkreditatsiya tizimida akkreditatsiya qilingan muvofiqlikni baholash organi va metrologiya xizmati;

QMMB: 10/26/3761/0079-son
27.01.2026-y.

Milliy akkreditatsiya tizimi reyestri – akkreditatsiya qilingan subyektlar toʻgʻrisidagi, shuningdek guvohnomalarning joriy maqomi haqidagi rasmiy axborot bazasidir.

3. Akkreditatsiya obyektlarini akkreditatsiyadan oʻtkazish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 24-apreldagi 349-son qarori bilan tasdiqlangan Muvofiqlikni baholash organlarini akkreditatsiyadan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.

4. Akkreditatsiya komissiyasi tomonidan guvohnoma berish boʻyicha ijobiy qaror qabul qilinsa, Markaz va akkreditatsiya obyekti oʻrtasida akkreditatsiyadan keyingi shartnoma tuziladi hamda guvohnoma shartnoma tuzilgan kundan boshlab uch ish kuni mobaynida Markazda saqlanadigan guvohnoma blankalaridan foydalangan holda rasmiylashtiriladi.

2-bob. Guvohnoma blankalarini roʻyxatga olish va saqlash

5. Guvohnoma blankalarini roʻyxatga olish va saqlash Markaz direktorining buyrugʻiga asosan mas’ul xodim (bundan buyon matnda mas’ul xodim deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.

6. Mas’ul xodim guvohnoma blankalari uchun ishlatiladigan maxsus qogʻozni Markazning tegishli boʻlimidan qabul qiladi.

Bunda Markazning tegishli boʻlimi va mas’ul xodim oʻrtasida guvohnoma blankalarining toʻliqliligi, butligi va ularga shikast yetmaganligi boʻyicha topshirish va qabul qilish dalolatnomasi (bundan buyon matnda dalolatnoma deb yuritiladi) ikki nusxada tuziladi.

Dalolatnomaning birinchi nusxasi mas’ul xodimga beriladi, ikkinchi nusxasi esa Markazning tegishli boʻlimida saqlanadi.

Markazning tegishli boʻlimidan guvohnoma blankalari qabul qilingan kunning oʻzida mas’ul xodim tomonidan raqamlanishi (orqa tomoniga maxsus olti xonali tartib raqamli muhr bilan) lozim.

7. Mas’ul xodim guvohnoma blankalaridan maqsadli foydalanilayotganligi boʻyicha har oyda Markaz direktoriga yozma shaklda hisobot beradi, bunda mas’ul

xodim har bir guvohnoma blankalaridan maqsadli foydalanish bo‘yicha javobgar hisoblanadi.

8. Akkreditatsiya subyektiga berilgan guvohnoma blankalarini nazorat qilish maqsadida mas’ul xodim tomonidan olish-nazorat qilish varaqlari yuritiladi.

Bunda olish-nazorat qilish varaqlari ikki nusxada to‘ldiriladi va ulardan bittasi guvohnoma blankalarini hisobga olish jurnaliga imzo chekilgan holda mas’ul xodimda saqlanadi, ikkinchisi mas’ul xodim tomonidan moliya-iqtisod bo‘limiga topshiriladi.

Olish-nazorat qilish varag‘ining yuqoridagi chap burchagida varaq berilgan sana, Markaz direktorining imzosi qo‘yiladi.

9. Guvohnoma blankalari ularning yo‘qolishidan himoyalash maqsadida seyflarda yoxud yonmaydigan javonlarda yoki Markazning maxsus jihozlangan xonalarida saqlanishi kerak.

10. Mas’ul xodim tomonidan rasmiylashtirilgan guvohnoma akkreditatsiya subyektiga berilgan kunning o‘zida Markazning rasmiy veb-saytida yuritiladigan Milliy akkreditatsiya tizimi reyestriga elektron ko‘rinishda joylashtiriladi.

11. Guvohnomalarni rasmiylashtirish jarayonida yoki ish faoliyatda shikastlangan va foydalanishga yaroqsiz holatga kelgan guvohnoma blankalari mas’ul xodimning bildirgisiga asosan har yili dalolatnoma asosida hisobdan chiqariladi va maxsus maydalash apparatidan foydalangan holda yo‘q qilinadi.

3-bob. Yakuniy qoida

12. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3762
2026 - yil 26 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING BUYRUG‘I

Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, “Telekommunikatsiyalar to‘g‘risida”gi, “Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillari to‘g‘risida”gi, “Davlat boji to‘g‘risida”gi, “Iste’molchilarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida”gi va “Shaxsga doir ma’lumotlar to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq buyuraman:

1. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish qoidalari 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirining 2020-yil 30-iyundagi 208-mh-son “Telekommunikatsiya xizmatlarini ko‘rsatish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3275, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3275/1194-son) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati, Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi, Savdo-sanoat palatasi, Elektron texnologiyalarni rivojlantirish markazi hamda O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi bilan kelishilgan.

4. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

Vazirning birinchi o'rinbosari
06-Yanvar 2026-yil
287-mh- son

PEKOS OLEG ANDREYEVICH

Kelishildi:

O'zbekiston milliy teleradiokompaniyasi raisi 18-Dekabr 2025-yil		DJURABAYEV ABDURASHID ABDUVOXIDOVICH
Rais 17-Dekabr 2025-yil		TURAXUJAYEV HALILILLO SOBIRJONOVICH
O`zbekiston Respublikasi DXX Raisi 14-Dekabr 2025-yil		KURBANOV BAXODIR NIZAMOVICH
Rahbar 10-Dekabr 2025-yil		XODJAKBAROV OMONILLAXON TULKUNOVICH
Rais 09-Dekabr 2025-yil		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar
vaziri birinchi o‘rinbosarining 2026-yil
5-yanvardagi 287-mh-son buyrug‘iga
1-ILOVA

Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish
QOIDALARI

Mazkur Qoidalar telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish qoidalarini belgilaydi.

I bo‘lim. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Qoidalar O‘zbekiston Respublikasi hududida telekommunikatsiyalar operatorlari (bundan buyon matnda operator deb yuritiladi), telekommunikatsiyalar xizmatlari provayderlari (bundan buyon matnda provayder deb yuritiadi), dilerlari va eshittiruvchilar bilan foydalanuvchilar o‘rtasida shartnoma (kelishuv) asosida taqdim etiladigan telefon aloqasi, taksofonlarda telefon aloqasi, qo‘riqlash signalizatsiyasi apparaturasini o‘rnatish va ularga texnik xizmat ko‘rsatish, axborot-ma’lumot, telegraf, ma’lumotlar uzatish tarmog‘i, Internet, jamoat foydalanish joylarida Internet jahon axborot tarmog‘idan simsiz foydalana olish, mobil aloqa, milliy va xalqaro rouming, tijorat asosidagi kabelli, efir, interaktiv, IPTV (IP-televideniye), OTT (Over the Top) va onlayn televideniye va radioeshittirish xizmatlarini tashkil qilish, shuningdek ulardan foydalanish, xizmatlarni ko‘rsatish tartibi, shartlari hamda subyektlarning javobgarligi, huquq va majburiyatlarini belgilaydi.

2. Mazkur Qoidalar quyidagilarga nisbatan tatbiq etilmaydi:

idoraviy telekommunikatsiyalar tarmoqlari tomonidan telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatishga, O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat xavfsizlik xizmati, Milliy gvardiya va Elektron texnologiyalarini rivojlantirish markazining ajratilgan aloqa tarmoqlarida, shuningdek ichki ishlab chiqarish va texnologik vazifadagi aloqa tarmoqlarida telegraf xizmatlarini ko‘rsatishga, Global harakatdagi shaxsiy yo‘ldosh aloqa tarmoqlarida rouming xizmatlarini ko‘rsatishga;

dasturlarni cheklanmagan tomoshabinlarga bepul asosda erkin tomosha qilish uchun tarqatuvchi efir televideniye tarmoqlariga;

bir tashkilot (muassasa yoki korxona), shu jumladan ta’lim tashkilotining binolari yoki hududlari bilan cheklangan kabel, efir televideniyesi tarmoqlariga;

abonentlarning umumiy soni o‘ntadan oshmaydigan kabel, efir televideniyesi tarmoqlariga;

alohida telekommunikatsiyalar tarmoqlariga taalluqli bo‘lgan hamda O‘zbekiston Respublikasida davlat boshqaruvi, mudofaa, xavfsizlik va huquq-tartibotni qo‘riqlash ehtiyojlari uchun foydalaniladigan televideniye va videokuzatuv tarmoqlariga;

jismoniy shaxslarning shaxsiy mulki bo‘lgan va individual qabul qilishni va efir teleradioeshittirish dasturlari (shaxsiy ehtiyojlari uchun) tarqatilishini ta’minlaydigan kabel, efir televideniyesi tarmoqlariga.

3. Mazkur Qoidalarda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

abonent – operator yoki provayder bilan tuzilgan shartnomaga asosan telekommunikatsiyalar xizmatlaridan bevosita foydalanuvchi jismoniy yoki yuridik shaxs;

abonent liniyasi – telekommunikatsiyalar liniyasining operator yoki provayder telekommunikatsiyalar tarmog‘ining kirish nuqtasidan abonent rozetkasigacha yoki u mavjud bo‘lmaganda foydalanuvchi qurilmasigacha bo‘lgan qismi;

abonent raqami – telekommunikatsiyalar xizmatlari ko‘rsatilishi uchun shartnomaning amal qilish davrida abonentga operator va provayder tomonidan ajratiladigan raqam;

abonent raqamining ko‘chib o‘tishi – mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi asosida donor tomonidan abonentga ajratilgan abonent raqamini boshqa mobil aloqa operatori (retsipiyent) bilan yangi shartnoma tuzishda saqlash va undan foydalanish uchun amalga oshiriladigan tashkiliy-texnik tadbirlar majmui;

abonent tarmog‘i – turar joy yoki jamoat binosi maydoni chegarasida xizmat ko‘rsatiladigan abonentning texnik vositalari, qurilmalari va kabel liniyalari majmui;

avtoinformator – chaqirayotgan abonentga oldindan yozib olingan nutqli xabar orqali axborot taqdim etuvchi mantiqiy qurilma;

avtomatik rouming – mobil aloqa tarmog‘ining abonentiga dastlabki arizasiz operatorlar o‘rtasida rouming to‘g‘risida shartnoma tuzilganligi sharti bilan boshqa mobil aloqa operatorining qamrov hududida kiruvchi va chiquvchi aloqaga ega bo‘lish imkonini beradigan rouming xizmati;

avtomatik telefon stansiyasi (bundan buyon matnda ATS deb yuritiladi) – telefon bog‘lanishlarning va uzilishlarning avtomatik ravishda o‘rnatilishini ta’minlovchi telefon stansiya;

avtomatik xizmat ko‘rsatish tizimi – telefon aloqasi xizmatlaridan foydalanuvchi tomonidan chaqirilayotgan abonent raqamini mustaqil terish yo‘li bilan operator-telefonist yordamisiz o‘rnatiladigan telefon bog‘lanish usuli;

ATS ta’sir hududi – telefon stansiyasi yoki podstansiyadan kabel (havo) liniyalari yoki radio foydalana olish vositalari orqali telefonlashtirilishi mumkin bo‘lgan hudud;

autentifikatsiya – ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlaridan foydalanuvchi tomonidan ko‘rsatilgan identifikatsiyalash ma’lumotlarining haqiqiyligini aniqlash;

axborot-ma’lumot xizmati – foydalanuvchilarga, ularning tashabbusiga ko‘ra, og‘zaki (tovushli), chat yoki vizual so‘rov shaklida ifodalangan axborotni (bir telefon bog‘lanish chegarasida) taqdim etuvchi xizmat;

barcha chaqiruvlar uchun so‘rov (All Call Query) (bundan buyon matnda All Call Query deb yuritiladi) – mobil telekommunikatsiya tarmog‘ining ko‘chirilgan abonent raqamlariga trafikni o‘tkazish uchun chaqiruvlarni to‘g‘ridan-to‘g‘ri marshrutlash metodi, bunda chaqiruv tashabbuskorining tarmog‘i ko‘chirilgan raqam to‘g‘risida axborot olish va chaqiruvni belgilangan joyiga keyinchalik marshrutlash uchun ko‘chirilgan raqamlarning operatsion ma’lumotlar bazasiga so‘rovni amalga oshiradi;

birlamchi operator – birlamchi ravishda raqamlash resursi ajratilgan, bu resursdan abonentga abonent raqami birinchi marta ko‘chirilgan mobil aloqa operatori yoki provayder;

buyurtma xizmat ko‘rsatish tizimi – oldindan buyurtma bergan holda operator-telefonist yordamida aloqa o‘rnatilishi;

darhol xizmat ko‘rsatish tizimi – abonentdan buyurtmani qabul qilgandan keyin operator-telefonist yordamida zudlik bilan telefon bog‘lanishning o‘rnatilishi;

dilerning xizmat ko‘rsatish punkti – diler tomonidan tashkil qilinadigan va foydalaniladigan xizmat ko‘rsatish punkti;

domen nomi – axborot resursiga yoki axborot tizimiga berilgan, ularni Internet jahon axborot tarmog‘ida identifikatsiyalash uchun xizmat qiladigan noyob nom;

domen nomlari tizimi – Internet jahon axborot tarmog‘ida domen nomlarini berish, ro‘yxatdan o‘tkazish va ulardan foydalanish tartibi;

efirga uzatish jadvali – dasturlar translyatsiyasining har kungi boshlanishi va tugash vaqtlari ko‘rsatilgan, televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish uchun telekommunikatsiyalar vositalarini haftalik, oylik yuklamalari rejasi;

foydalanuvchi – telekommunikatsiyalar xizmatlarining iste’molchisi hisoblangan yuridik yoki jismoniy shaxs;

foydalanuvchi qurilmasi – telekommunikatsiyalar tarmoqlari bilan o‘zaro bog‘lanadigan va signallarni shakllantirish, uzatish, qabul qilish uchun mo‘ljallangan foydalanuvchining texnik vositasi;

identifikatsiyalash – mavjud ma’lumotlar asosida telekommunikatsiyalar xizmatlaridan foydalanuvchining shaxsini aniqlash;

Internet jahon axborot tarmog‘i (bundan buyon matnda Internet tarmog‘i deb yuritiladi) – yagona adres va nomlar makonidan foydalaniladigan, shlyuzlar yordamida birlashtirilgan, yagona TCP/IP protokoliga muvofiq ishlaydigan ko‘plab tarmoqlardan iborat global xalqaro tarmoq;

Internet xizmatlaridan foydalanuvchi – Internet xizmatlarining iste’molchisi hisoblangan yuridik yoki jismoniy shaxs;

Internetdan jamoat bo‘lib foydalanish punkti – kerakli texnik vositalar bilan jihozlangan, foydalanuvchilarning Internet tarmog‘idan jamoa bo‘lib foydalanish xizmatlari ko‘rsatiladigan joy;

Internet-provayder – tijorat asosida Internet tarmog‘idan foydalana olish xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxs;

kabelli, efir, interaktiv, IPTV (IP-televideniye), OTT (Over the Top), onlayn televideniye va radioeshittirish (bundan buyon matnda eshittiruvchi deb yuritiladi) – erkin tomosha qilish mumkin bo‘lmagan televideniye kanallaridan foydalangan holda teledasturlar va boshqa telekommunikatsiyalar xabarlarini muayyan hududda ishlab chiqarish, shakllantirish va tarqatishni ta’minlaydigan taqsimlash va tashkiliy-boshqaruv jarayoni bilan shug‘ullanadigan subyekt;

konferens-aloqa – uchta va undan ortiq abonentga bir vaqtda telefon orqali muloqot qilish imkonini beruvchi xizmat;

kontent xizmatlari – mobil aloqa tarmoqlari orqali taqdim etiladigan va ularning iste’mol qiymatini oshirishga qaratilgan, mobil aloqa abonentlariga ularning raqami balansi hisobidan pullik asosda ma’lumot, ko‘ngilochar va boshqa ma’lumotlarni olish imkoniyatini beruvchi qo‘shimcha xizmat turi;

kontent provayderi – mobil aloqa tarmoqlari orqali kontent xizmatlarini ko‘rsatuvchi tadbirkorlik faoliyati subyekti;

ko‘chirilgan raqamlar markazlashtirilgan bazasi – (bundan buyon matnda KRMB deb yuritiladi) – mobil aloqa tarmoqlarida ko‘chirilgan abonent raqamlari to‘g‘risidagi axborotni o‘z ichiga olgan ma’lumotlar bazasini boshqaruvchi apparat-dasturiy kompleks;

KRMB operatori – KRMB shakllantirilishi, ishlashi, texnik kuzatilishi va rivojlanishini ta’minlaydigan, uning resurslaridan foydalanishni taqdim etadigan tashkilot;

ko‘chirilgan raqamlarning lokal bazasi – chaqiruv yoki boshqa xabarlarni ko‘chirilgan raqamga to‘g‘ri marshrutlash uchun mobil aloqa operatori tomonidan undan real vaqtda foydalaniladigan, bu operatorda bo‘lgan KRMBning nusxasi;

ko‘chirilgan raqamlarning lokal bazasini KRMB bilan sinxronlash – muayyan davriylik bilan amalga oshiriladigan, KRMBdagi axborotning ko‘chirilgan raqamlar lokal bazasiga nusxasini ko‘chirish jarayoni;

litsenziya – yuridik shaxsga beriladigan, litsenziya talablari va shartlariga majburiy ravishda rioya etilgan taqdirda faoliyatning litsenziyalanadigan turini yoki uning kichik turini amalga oshirish huquqini beruvchi hujjat;

litsenziyaning amal qilish hududi – litsenziya talablari va shartlarida ko‘rsatilgan operator va provayder telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish huquqiga ega bo‘lgan hudud;

mahalliy operator – O‘zbekiston Respublikasi hududida jismoniy va yuridik shaxslarga mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatuvchi aloqa operatori (provayderi);

mahalliy telefon aloqasi – bitta aholi punkti yoki ma’muriy hudud doirasida joylashgan foydalanuvchilar o‘rtasidagi telefon bog‘lanishi;

marshrut raqami (routing number, RN) – mobil telekommunikatsiyalar tarmog‘ining ko‘chirilgan abonent raqamiga chaqiruvlarni amalga oshirish uchun telekommunikatsiyalar tarmoqlarida foydalaniladigan manzilli axborot;

ma’lumot xizmati – foydalanuvchiga telekommunikatsiyalar xizmatlari operatori yoki provayderi tomonidan ko‘rsatiladigan telekommunikatsiyalar xizmatlari to‘g‘risidagi axborotni taqdim etuvchi xizmat;

ma’lumotlar uzatish – ma’lumotlarni keyingi qayta ishlash uchun telekommunikatsiyalar vositalari yordamida signallar ko‘rinishida bir punktdan boshqa punktga ko‘chirish;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘i – ma’lumotlar uzatilishini ta’minlash maqsadida ma’lum nuqtalar o‘rtasida telekommunikatsiyalarni tashkil etish uchun tuzilgan telekommunikatsiyalar uzellari va kanallarining majmui;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlari – operator va provayderning ma’lumotlar uzatish tarmog‘i orqali signallar va axborotning boshqa turlarini qabul qilish, uzatish va qayta ishlash bo‘yicha faoliyati mahsuli, IP-telefoniya bundan mustasno;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlaridan foydalanuvchi – ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlarining iste’molchisi hisoblangan yuridik yoki jismoniy shaxs;

“mexanik” rouming – rouming xizmatini ko‘rsatish, bunda roumer-abonent rouming davrida xizmat ko‘rsatuvchi operatordan boshqa abonent raqamini oladi va mahalliy operatorga

tegishli bo‘lgan o‘zining uyali raqami bo‘yicha kiruvchi chaqiruvlarni qabul qilish imkoniga ega bo‘lmaydi;

mobil aloqa operatorlari o‘rtasida rouming to‘g‘risidagi shartnoma – rouming xizmatini ishlab chiqarish va undan potensial mobil aloqa abonenti tomonidan foydalanish to‘g‘risida kelishayotgan tomonlarning majburiyatlari va huquqlari to‘g‘risida, tomonlarning o‘zaro javobgarlik choralari to‘g‘risidagi yuridik hujjat;

mobil aloqa tarmog‘i – abonentlarga mobil aloqa (ovoz, ma’lumotlar uzatish va boshqalar) xizmatlarini ko‘rsatuvchi texnik vositalar (kommutatsion va radiouskuna, foydalanuvchi qurilmalari, ulovchi liniyalar, inshootlar va boshqalar) majmui. Mobil aloqa tarmoqlariga uyali, trank, lokal-trank, radial-hudud tarmoqlari kiradi;

mobil aloqa tarmog‘i operatori (provayderi)ning dileri (bundan buyon matnda diler deb yuritiladi) – operator (provayder) nomidan abonentlarga xizmat ko‘rsatish uchun operator (provayder) bilan shartnoma tuzgan yuridik shaxs (bundan buyon matnda dilerlik shartnomasi deb yuritiladi), bunda diler bir yoki bir nechta operatorlarning (provayderlarning) manfaatlarini ifodalashi mumkin;

mualliflik shartnomasi – muallifning mulkiy huquqlarini boshqa shaxsga o‘tkazish to‘g‘risida muallif yoki uning vorisi tomonidan tuziladigan shartnoma;

operatorning (provayderning) ishlash hududi – operator (provayder) telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatadigan hudud;

operator (provayder)-donor (bundan buyon matnda donor deb yuritiladi) – telekommunikatsiyalar tarmog‘idan abonent raqami ko‘chiriladigan mobil aloqa operatori (provayderi);

operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish punkti – operator (provayder) tomonidan tashkil qilinadigan va foydalaniladigan xizmat ko‘rsatish punkti;

operator (provayder)-retsipiyent (bundan buyon matnda retsipiyent deb yuritiladi) – telekommunikatsiyalar tarmog‘iga abonent raqami ko‘chiriladigan mobil aloqa operatori (provayderi);

“plastik” rouming – “mexanik” roumingning bir turi bo‘lib, bunda abonent mahalliy operator bilan oldindan xizmat ko‘rsatuvchi operator hududiga borishi to‘g‘risida kelishib oladi va u orqali xizmat ko‘rsatuvchi operatorga tegishli bo‘lgan boshqa abonent raqamini oladi hamda mahalliy operatorga tegishli bo‘lgan o‘zining uyali aloqa raqamiga kiradigan chaqiruvlarni yangi raqamga qayta yo‘naltiradi (manzillaydi);

qisqa matnli xabar (SMS) (bundan buyon matnda SMS deb yuritiladi) – qisqa xabarlar markazi orqali mobil aloqa abonentlariga qisqa matnli xabarlarni uzatish va qabul qilish uchun mo‘ljallangan xizmat;

raqamni ko‘chirish mumkinligini oldindan tekshirish – abonent raqamini ko‘chirishdan avval, onlayn shaklda mobil aloqa operatorlarining (provayderining) rasmiy veb-saytida yoki mobil ilovasi orqali abonent raqamini ko‘chirish imkoniyatini tekshirish hamda rad etilganda asoslangan izohlarni taqdim etish;

roumer-abonent – xizmat ko‘rsatuvchi operatorning (provayderning) mobil aloqa xizmatlaridan foydalanuvchi mahalliy mobil aloqa operatorining abonenti;

roumer-tashrif buyuruvchi – mahalliy operator tarmog‘i xizmatlaridan foydalanuvchi operator-rouming-sherikning abonenti;

rouming – bitta mobil aloqa operatori abonentining bitta davlat doirasida (milliy rouming) yoki boshqa mamlakatda (xalqaro rouming) bo‘lgan boshqa mobil aloqa operatorining xizmat ko‘rsatish hududida bo‘lganda boshqa mobil aloqa operatorining tarmog‘idan foydalana olishini ta’minlovchi xizmat;

rouming xizmatini ko‘rsatuvchi operator – rouming to‘g‘risidagi shartnoma asosida o‘z tarmog‘ining imkoniyatlaridan foydalanib boshqa mobil aloqa operatorining (provayderining) abonentlariga mobil aloqa xizmatlarini taqdim etuvchi mobil aloqa operatori (provayderi) (rouming-sherik/xizmat ko‘rsatuvchi operator (provayder);

taksofon – telefon aloqani o‘rnatish, foydalanuvchilarga so‘zlashuvlar va qo‘shimcha xizmatlarni taqdim etish uchun mo‘ljallangan, foydalanuvchilar bilan naqd pul va naqd pulsiz to‘lov vositalari (maxsus jeton, to‘lov kartasi) yordamida darhol hisob-kitob qilish qurilmasidan iborat bo‘lgan, shu jumladan so‘zlashuv punktlarida o‘rnatiladigan oxirgi foydalanuvchi telefon qurilmasi;

tarif rejasi – operator (provayder) tomonidan telekommunikatsiyalar xizmatlaridan foydalanuvchilarga bir yoki bir nechta xizmatdan foydalanish uchun taqdim etiladigan narxlar va texnik shartlar majmui;

tarifikatsiya birligi – operator (provayder) tomonidan belgilangan tarifikatsiya tizimiga bog‘liq bo‘lgan ko‘rsatiladigan xizmatning to‘lanadigan birligi;

telefon aloqasi xizmatlari – operatorning (provayderning) so‘zlashuvlar va qo‘shimcha xizmatlarni, shu jumladan IP-telefoniya orqali taqdim etishga doir faoliyati mahsuli;

telefon aloqasi xizmatlaridan foydalanuvchi – telefon aloqasi xizmatlarining iste’molchisi hisoblanadigan jismoniy yoki yuridik shaxs;

telefon bog‘lanish – ikkita telefon apparati yoki chetki qurilmalar o‘rtasida aloqaning o‘rnatilishi;

telefon tarmog‘i – aholi, muassasalar, tashkilotlar va korxonalarning telefon aloqasi xizmatlariga bo‘lgan ehtiyojini ta’minlovchi ATS, kommutatsiya uzellari, liniyalari, kanallari, oxirgi (terminal) uskunalarining jami;

telekommunikatsiyalar inshootlari (passiv telekommunikatsiyalar infratuzilmasi) (bundan buyon matnda telekommunikatsiyalar inshootlari deb yuritiladi) – telekommunikatsiyalarning amalga oshirilishini ta’minlovchi binolar, moslamalar, tayanchlar, machtalar, tarqatish qutilari, shkaflar va boshqalar;

operator – mulk huquqi yoki boshqa ashyoviy huquqlar asosida telekommunikatsiyalar infratuzilmasiga ega bo‘lgan, uning ishlashini, rivojlanishini ta’minlovchi va telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxs;

telekommunikatsiyalar tarmog‘i – aloqa liniyalari yoki aloqa kanallari orqali o‘zaro bog‘langan, telekommunikatsiyalarni amalga oshiradigan uskunalar majmui;

telekommunikatsiyalar vositalari (telekommunikatsiyalar infratuzilmasi) (bundan buyon matnda telekommunikatsiyalar vositalari deb yuritiladi) – telekommunikatsiyalar

uskunalari, telekommunikatsiyalar inshootlari, kabel liniyalari hamda ularni boshqarish imkonini beruvchi tizimlar;

telekommunikatsiyalar xizmatlari – foydalanuvchilarga operator va provayderi tomonidan telekommunikatsiyalar asosida taqdim etiladigan xizmatlar;

provayder – foydalanuvchilarga operatorlar tarmog‘i orqali tijorat asosida telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxs;

televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlari buyurtmachisi – televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlaridan foydalanish uchun operator (provayder) bilan shartnomada belgilangan muddatga shartnomaviy munosabatlarga ega yuridik shaxs;

televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlari ijrochisi – televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish texnik vositalariga ega bo‘lgan hamda telekommunikatsiyalar vositalari orqali tashkil etilgan kanallarni taqdim etish yo‘li bilan televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini ko‘rsatish imkoniyatiga ega yuridik shaxs;

televideniye tarmoqlari – erkin tomosha qilish mumkin bo‘lmagan kabelli, efir, IPTV (IP-televideniye), OTT (Over the Top) va onlayn televideniye kanallari orqali har qanday axborotni tarqatish va yetkazib berishni ta’minlaydigan telekommunikatsiyalar vositalarining majmui;

televideniye xizmatlari – eshittiruvchi (operator, provayder) bilan tuzilgan shartnoma asosida abonentlarga taqdim etiluvchi kabelli, efir, IPTV (IP-televideniye), OTT (Over the Top) va onlayn televideniye xizmatlari;

telematik xizmatlar – telekommunikatsiyalar tarmog‘i orqali axborot uzatilishini amalga oshiruvchi, ammo telefon aloqa, telegraf aloqa xizmati yoki ma’lumotlar uzatish xizmati hisoblanmaydigan telexizmatlar (faksimil, komfaks, xabarlarni qayta ishlash, videotekst va boshqalar);

texnik qarshi harakat qilish kompleksi – O‘zbekiston Respublikasi telekommunikatsiya tarmoqlarida xalqaro ovozli trafikni o‘tkazishda qonunchilik talablari buzilganligi holatlarini aniqlash va ular to‘g‘risida ma’lumotlarni olish jarayonlarini avtomatlashtirish hamda xalqaro ovozli trafikni o‘tkazish tartibining buzilishlariga qarshi harakat qilish tizimi;

tizim hosil qiluvchi rouming-sherik – o‘z ixtiyorida xalqaro avtomatik roumingni ta’minlovchi moddiy-texnik va dasturiy ta’minot kompleksi bo‘lgan, ma’lumotlar uzatish kanallari va signalizatsiya kanallari tarmog‘i mavjud bo‘lgan yuridik shaxs;

televideniye (radioeshittirish) tarmog‘ida retranslyatsiya qilish – televideniye dasturlari, radiodasturlar signallari va telekommunikatsiyalarning boshqa xabarlari qabul qilinishini, ularning qayta o‘zgartirilishi va dasturlar tarkibini o‘zgartirmasdan to‘liq hajmda abonentlarga uzatilishini ta’minlaydigan kabelli, efir, interaktiv, IPTV (IP-televideniye), OTT (Over the Top), onlayn televideniye va radioeshittirish tarmog‘ining asosiy ishlash rejimi;

televideniye (radioeshittirish) tarmog‘ida translyatsiya qilish – televideniye dasturlari, radiodasturlar signallari va telekommunikatsiyalarning boshqa xabarlarini eshittirish tashkilotiga taalluqli studiya uskunasidan bevosita qabul qilinishini, ularning keyinchalik qayta o‘zgartirilishi va dasturlar tarkibini o‘zgartirmasdan to‘liq hajmda abonentlarga tarqatilishini (uzatilishini) ta’minlaydigan televideniye va radioeshittirish tarmog‘ining asosiy ishlash rejimi;

to‘lov kartasi – kodlangan ma’lumotni saqlaydigan, tarmoq foydalanuvchisini identifikatsiya qilish va chaqiruvni initsiatsiya qilish imkoniyatini beruvchi to‘lov vositasi;

telekommunikatsiyalarning universal xizmatlari (bundan buyon matnda universal xizmatlar deb yuritiladi) – umumiy foydalanishdagi telekommunikatsiyalar tarmoqlari orqali barcha foydalanuvchilarga ko‘rsatiladigan belgilangan sifatdagi majburiy xizmatlar to‘plami (foydalanuvchilarning ushbu tarmoqdan foydalanishini ta’minlash, mahalliy, shaharlararo va xalqaro telefon so‘zlashuvlari, telegrammalar jo‘natish va boshqalar);

xalqaro telefon aloqasi – O‘zbekiston Respublikasi hududidagi telefon aloqasi xizmatlaridan foydalanuvchi va boshqa davlat hududidagi telefon aloqasi xizmatlaridan foydalanuvchi o‘rtasida telefon aloqasi orqali bog‘lanish;

xato ko‘chirish – abonent talabnomasisiz mobil aloqa operatorlari (provayderlari) tomonidan abonent raqamining ko‘chirilishi (“inson omili” keltirib chiqargan xato sababli, ya’ni texnik tizimlar bilan o‘zaro ishlaganda xodimlarning noto‘g‘ri xatti-harakatlari sababli abonentning talabnomasida ko‘rsatilgan raqamdan boshqa raqamning ko‘chirilishi);

xizmat ko‘rsatish hududi – operator (provayder) litsenziya asosida telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish huquqiga ega bo‘ladigan va normativ-huquqiy hujjatlar bilan o‘rnatilgan shartlarga javob beradigan xizmatlar sifatini ta’minlash uchun texnik imkoniyatlarga ega bo‘lgan hudud;

xizmat ko‘rsatish punkti – abonentlar axborot-ma’lumot xizmatlarini olishlari, mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomalarini tuzishlari va xizmatlarning boshqa turlarini olishlari mumkin bo‘lgan statsionar savdo nuqtasi va (yoki) xizmat ko‘rsatish nuqtasi;

xizmatlarga abonent to‘lov tizimi – abonentning ma’lum (hisob-kitob qilinadigan) vaqt davri (oy, chorak, yil va b.) uchun to‘lovlari summasi haqiqatda olingan xizmatlar hajmiga bog‘liq bo‘lmagan doimiy miqdor hisoblanadigan xizmatlarga haq to‘lash tizimi;

xizmatlarga haq to‘lashning vaqtbay tizimi – ma’lum (hisob-kitob qilinadigan) vaqt davri uchun abonent to‘lovlari summasi axborotni uzatish va boshqa telefon aloqasi xizmatlarini olish uchun telefon tarmog‘i liniyalari va inshootlaridan foydalanilgan vaqtga bog‘liq bo‘lgan xizmatlarga haq to‘lash tizimi;

xosting xizmatlari – Internet tarmog‘ida doimiy bo‘ladigan serverda axborotni joylashtirish uchun texnik resurslarni taqdim etish xizmati;

yirik avariya – ma’lum bir administrativ hududda telekommunikatsiyalar xizmatlarini taqdim etishning to‘xtalishiga olib keladigan avariya holati;

O‘zbekiston Respublikasida jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (bundan buyon matnda JSHSHIR deb yuritiladi) – JSHSHIRni aniqlash tartibiga muvofiq jismoniy shaxsning pasporti bo‘yicha aniqlash mumkin bo‘lgan va 14 raqamdan iborat shaxsiy identifikatsiya raqami;

o‘zini-o‘zi obro‘sizlantirgan diler – ishi davomida qonunchilik hujjatlari, ushbu Qoidalar, dilerlik shartnomasi talablarining qo‘pol ravishda buzilishiga yo‘l qo‘ygan va ular asosida dilerlik shartnomasi bekor qilingan va diler sertifikati chaqirib olingan diler;

eSIM – foydalanuvchi qurilmasining virtual identifikatsiya moduli, uning yordamida foydalanuvchi qurilmasini identifikatsiya qilish, uning mobil aloqa tarmog‘idan foydalana olishi, shuningdek abonent raqamidan ruxsatsiz foydalanishdan himoya qilish ta’minlanadi;

GSM-shlyuz – mobil aloqa tarmoqlari va telekommunikatsiyalarning boshqa tarmoqlari o‘rtasida trafikni o‘tkazish uchun mo‘ljallangan apparat-dasturiy vosita;

IMEI kodi (International Mobile Equipment Identifier) yoki xalqaro o‘ziga xos identifikatsiya kodi (bundan buyon matnda IMEI-kod deb yuritiladi) – 15 raqamdan iborat bo‘lgan va GSMA tomonidan ajratiladigan, shuningdek, tarmoqda GSM/UMTS/LTE standartlarida ishlovchi mobil aloqa foydalanuvchi qurilmasini identifikatsiyalovchi raqam;

IP-adres – TCP/IP texnologiyalari bilan boshqariladigan ma’lumotlar uzatish tarmog‘ida kompyuterlar yoki uzellarni identifikatsiyalaydigan noyob adres;

IP-televideniye (IPTV) – televideniye, video, audio, matn, grafika va shu kabi boshqa ma’lumotlar, IP protokoli asosidagi tarmoqlar ta’minlanadigan, sifat, xavfsizlik, interaktivlik va ishonchlilikning talab qilinadigan darajasini ta’minlash maqsadida boshqariladigan multimedia xizmatlari;

IP-telefoniya – IP texnologiyasi asosida paketlar kommutatsiyalanadigan ma’lumotlar uzatish tarmoqlari orqali nutqli axborot, shu jumladan mahalliy va xalqaro aloqani ayirboshlash xizmati;

IP-shlyuz – IP tarmoqlar va telekommunikatsiyalarning boshqa tarmoqlari o‘rtasida trafikni o‘tkazish uchun mo‘ljallangan apparat-dasturiy vosita;

MSISDN (Mobile Station Integrated Services Digital Network) – GSM/UMTS standartlarida aloqa uchun xizmatlari integratsiyalashgan raqamli tarmoq mobil abonentining raqami (masalan: +998 XX-XXX-XX-XX);

progressiv marshrutlash (Onward Routing) (bundan buyon matnda Onward Routing deb yuritiladi) – mobil telekommunikatsiyalar tarmog‘ining ko‘chirilgan abonent raqamlariga trafikni o‘tkazish uchun chaqiruvlarni to‘g‘ridan-to‘g‘ri bo‘lmagan marshrutlash metodi, bunda chaqiruv tashabbuskorining tarmog‘i donor tarmog‘iga so‘rovni amalga oshiradi, donor esa, o‘z navbatida, ko‘chirilgan raqam to‘g‘risida axborot olish va chaqiruvni belgilangan joyiga keyinchalik marshrutlash uchun ko‘chirilgan raqamlarning operatsion ma’lumotlar bazasiga so‘rovni amalga oshiradi;

SIM/RUIM-karta (bundan buyon matnda SIM karta deb yuritiladi) – ichiga mikrosxema o‘rnatilgan, olinuvchi identifikatsiya moduli, uning yordamida foydalanuvchi qurilmasini identifikatsiya qilish, uning mobil aloqa tarmog‘idan foydalana olishi, shuningdek, abonent raqamidan ruxsatsiz foydalanishdan himoya qilish ta’minlanadi;

SMS-shlyuz – mobil telefondan foydalanmasdan SMS xabarlar jo‘natish va olish imkonini beradigan apparat-dasturiy vosita;

Wi-Fi xizmati tashkilotchisi – ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlaridan foydalanish uchun Wi-Fi texnologiyasi bo‘yicha o‘zlarining chetki uskunalaridan, mijozlar yoki tashrif buyuruvchilar hisoblanadigan tor doiradagi foydalanuvchilarga uskunadan foydalanishni taqdim etadigan ma’lumotlar uzatish tarmog‘i operatori yoki ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlari provayderi yoxud abonent – yuridik shaxs;

Wi-Fi xizmatlari – ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlaridan foydalanish uchun Wi-Fi texnologiyasi bo‘yicha chetki uskunalarga foydalanuvchilarning cheklangan doirasiga uskunadan foydalanishni taqdim etish.

4. Telekommunikatsiyalar xizmatlari qonunchilik hujjatlari va ushbu Qoidalarga muvofiq operator yoki provayder hamda abonent o‘rtasida to‘g‘ridan-to‘g‘ri (yoxud jismoniy shaxslar uchun diler orqali) elektron yoki yozma shaklda tuziladigan ommaviy shartnoma asosida taqdim etiladi.

Operator (provayder) O‘zbekiston Respublikasi hududida telekommunikatsiyalar xizmatlarini taqdim etish bilan bog‘liq bo‘lgan ma’lumotlarni abonentlarga yoki iste’molchilarga davlat tilida, shuningdek boshqa tillarda taqdim etilishini ta’minlaydi.

5. Tomonlarning shartnoma bo‘yicha huquqlari va majburiyatlari qonunchilik hujjatlarida va ushbu Qoidalarda belgilangan hollardagina boshqa shaxslarga berilishi mumkin.

6. Operatorlar va provayderlarning telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish faoliyati belgilangan tartibda olingan litsenziyaga muvofiq amalga oshiriladi.

7. Tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlarda (zilzilalar, suv toshqinlari, yong‘inlar, epidemiyalar va boshqalar) (bundan buyon matnda favqulodda vaziyatlar deb yuritiladi) yoki favqulodda holatda telekommunikatsiyalar sohasidagi tartibga soluvchi organ telekommunikatsiyalar infratuzilmalaridan ustuvor foydalanish hamda ularning faoliyatini tiklash va rivojlantirishga doir ishlarni markazlashtirilgan tarzda boshqarish, shuningdek ularning ishlashini belgilangan tartibda cheklash yoki to‘xtatib turish huquqiga ega.

8. Operator va provayderlar tomonidan favqulodda vaziyatlarda yoki favqulodda holatda telekommunikatsiyalar tarmoqlari va vositalaridan foydalanish paytida ularga yetkazilgan zararlarning o‘rni davlat budjeti mablag‘lari hisobidan qoplanadi.

9. Telekommunikatsiyalar xizmatlari qonunchilik hujjatlarida ko‘zda tutilgan imtiyozlar va afzalliklarni, tarif rejalari shartlarini hisobga olib barcha abonentlar uchun xizmat ko‘rsatishning bir xil sharoitlarini ta’minlagan holda ko‘rsatiladi.

10. Telekommunikatsiyalar tarmog‘iga muvofiqlik sertifikatiga ega foydalanuvchi qurilmalari (telefon apparatlari, raqamni avtomatik aniqlash funksiyalariga ega telefon apparatlari, ma’lumotlar uzatish va telematik xizmatlar uskunalari (telefaks, teleteks, videoteks va boshqalar), radiotelefon aloqa vositalari, avtojavobbergichlar, signalizatsiya qurilmalari) ulanadi.

11. Foydalanuvchi qurilmasi foydalanuvchilar tomonidan o‘z hisoblaridan sotib olinishi va ularning mulki hisoblanishi yoki operator (provayder, diler, eshittiruvchi) tomonidan shartnoma shartlariga muvofiq berilishi mumkin, bunda foydalanuvchi qurilmasi operatorning (provayderining) mulki hisoblanadi va shartnomada belgilangan tartibda abonent ushbu qurilma uchun moddiy javobgar bo‘ladi.

12. Mobil aloqa tarmog‘i foydalanuvchi qurilmasi IMEI-kodi ro‘yxatdan o‘tgan bo‘lishi kerak.

13. Operator (provayder) abonentlarning umumiy foydalanish tarmog‘idan uzluksiz foydalana olishini ta’minlashga majbur.

14. Foydalanuvchilar bilan bevosita o‘zaro ishlaydigan operatorning tarkibiy bo‘linmalari (operator, provayder, diler) tomonidan tashkil qilingan abonent bo‘limlari va rivojlanish sexlari, telefon stansiyalarining abonent uchastkalari, so‘zlashuv punktlari va jamoa bo‘lib foydalanish punktlari, ta’mirlash byurosi, ma’lumot xizmatlari, servis xizmatlari,

telekommunikatsiyalar xizmatlariga haq to‘lash punktlari)ning ish rejimlari operator (provayder, diler) tomonidan belgilanadi.

15. Operator, provayder, diler va eshittiruvchilari tomonidan ma’lumot xizmatlari tashkil qilinishi kerak, bunda foydalanuvchilarga quyidagilar to‘g‘risida bepul ma’lumot beriladi:

a) telekommunikatsiyalar tarmog‘idan foydalana olish tartibi;

b) telekommunikatsiyalar tarmog‘idan foydalana olishni taqdim etish narxi;

d) telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzish;

e) operator (provayder) tomonidan ko‘rsatiladigan xizmatlar va ularning narxi;

f) mobil aloqa xizmatlariga tariflar va ularni almashtirish imkoniyatlari (mobil aloqa xizmatlari uchun);

g) bepul ko‘rsatiladigan axborot-ma’lumot xizmatlari;

h) operator (uning filiallari), provayder, diler joylashgan joyi va ish rejimi;

i) abonent shaxsiy hisob raqamining holati (hisobdagi pul mablag‘larining qoldig‘i, imtiyozli daqiqalar qoldig‘i, hisobot davridagi ma’lumotlar, to‘lash uchun hisobni taqdim etish);

j) operatorning mobil aloqa tarmog‘ining xizmat ko‘rsatish hududi to‘g‘risida axborot (mobil aloqa xizmatlari uchun);

k) telekommunikatsiyalar sohasida foydalanuvchilar huquqlarini himoya qilishga mas’ul organning ishonch telefon raqamlari;

l) abonentdan texnik nosozliklar, SIM-karta yoki foydalanuvchi qurilmasi yo‘qolganligi (SIM-kartadan foydalanish ko‘zda tutilmagan mobil aloqa standartlari uchun), abonentning shaxsiy ma’lumotlari o‘zgarganligi to‘g‘risidagi axborotni qabul qilish;

m) mobil aloqa tarmoqlarida foydalanuvchi qurilmasidan foydalanish imkoniyati (mobil aloqa xizmatlari uchun);

n) mobil aloqa tarmoqlarining operatorlari to‘g‘risida – rouming xizmatlarini taqdim etish bo‘yicha sheriklar (mobil aloqa xizmatlari uchun);

o) qonunchilik hujjatlariga asosan boshqa zarur ma’lumotlar.

Bepul axborot-ma’lumot xizmatlarining ro‘yxati operator, provayder, diler va eshittiruvchilar tomonidan mustaqil ravishda kengaytirilishi mumkin.

16. Axborot-ma’lumot xabarlari bevosita operator-telefonist orqali yoki avtoinformator yordamida, veb-sayt, mobil ilova, ijtimoiy tarmoqlar orqali berilishi mumkin.

17. Operator, provayder, diller va telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish jarayoniga aloqador boshqa subyektlar telekommunikatsiyalar tarmoqlari orqali uzatiladigan telefon so‘zlashuvlari va boshqa xabarlar, shuningdek, ularga taalluqli bo‘lgan barcha ma’lumotlarning sir tutilishini ta’minlashi shart.

18. Operator, provayder, diler va telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish jarayoniga aloqador boshqa subyektlar xizmat majburiyatlarini bajarishlari davomida ularga ma’lum bo‘lgan abonentlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni abonentning roziligisiz uchinchi shaxslarga berish yoki tarqatishga haqli emas, qonun hujjatlarida nazarda tutilgan hollar bundan mustasno.

Abonent to‘g‘risidagi ma’lumotlarga quyidagilar kiradi:

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

a) abonent-jismoniy shaxsning familiyasi, ismi, otasining ismi, JSHSHIR, abonent raqami, abonent raqami balansi, tarif rejasi, yashash joyi, turgan joyi va abonent tomonidan taqdim etilgan boshqa ma’lumotlar;

b) abonent-yuridik shaxs xodimlarining shaxsiy ma’lumotlari, abonent manzili yoki oxirgi terminal uskuna o‘rnatiladigan manzili, abonentni va uning oxirgi terminal uskunasini aynan identifikatsiyalash imkonini beradigan taxallusi, abonent raqamlari va boshqa ma’lumotlar.

19. Operator, provayder va telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish jarayoniga aloqador boshqa subyektlar tomonidan yaratilgan va abonentlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan ma’lumotlar bazalari konfidensial tusdagi hujjatlar sifatida himoyalanishi kerak.

20. Abonentlar to‘g‘risidagi ma’lumotlardan bu abonentlarning roziligisiz axborot-ma’lumot xizmat ko‘rsatilishi uchun foydalanish mumkin emas.

21. Foydalanuvchilar axborot resurslaridan foydalana olish uchun teng huquqlarga ega bo‘lib, ular so‘rayotgan axborotni olish uchun bu resurslarning egalari oldida asoslashga majbur emaslar, bundan qonunchilik hujjatlariga muvofiq foydalanish cheklangan axborot mustasno.

22. O‘zbekiston Respublikasi hududida xabarlarni uzatish texnologik jarayonlarida yagona hisob-kitob va hisobot berish vaqti – mahalliy vaqt o‘rnatiladi.

23. Axborotni uzatish xalqaro texnologik jarayonlarida hisob-kitob va hisobot berish vaqti davlatlararo kelishuvlar va shartnomalarga muvofiq belgilanadi.

24. Telegraf xizmatlarini ko‘rsatayotganda iste’molchi va aloqa korxonasi o‘rtasidagi munosabatlar kvitansiya yoki nazorat-kassa mashinasining cheki bilan yoki shartnoma bilan hujjatlashtiriladi.

25. Taksofonlar ko‘chalarda, maydonlarda, bozorlarda, aloqa bo‘limlarida, aeroportlarda, vokzallarda, metro bekatlarida, avtobus bekatlarida, do‘konlarda, ta’lim tashkilotlarida, shahar jamoat transporti bekatlarida, tibbiyot va davolash muassasalarida, maxsus jihozlangan so‘zlashuv punktlarida, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari va fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlarining bino va inshootlarida hamda boshqa joylarda kelishuv asosida o‘rnatilishi mumkin. Taksofonlar alohida turuvchi hamda ixcham holatda joylashtirilgan bo‘lishi mumkin.

26. O‘rnatilgan taksofonlar texnik talablar, standartlar, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari va yong‘in xavfsizligi talablariga mos kelishi kerak.

27. Taksofonlar o‘rnatilgan joylarda quyidagilar bo‘lishi shart:

a) taksofondan foydalanish bo‘yicha yo‘riqnoma, taksofonlarni ekspluatatsiya qiluvchi operator yoki provayder to‘g‘risida axborot (nomi, manzili, telefon raqamlari);

b) taqdim etiladigan xizmatlar tarifi to‘g‘risida axborot;

d) ma’lumot ko‘rinishidagi axborot (favqulodda tezkor xizmatlar hamda taksofonlarni ta’mirlash xizmatining telefon raqamlari, yaqin atrofda joylashgan taksofonning manzili va boshqalar);

e) maxsus jetonlar va to‘lov kartalarini sotib olish joylari to‘g‘risidagi axborot.

28. Operator tomonidan taksofonlarga telefon raqamlari ajratilgan hollarda, shunday taksofonlardan kiruvchi chaqiruvlarni qabul qilib olish uchun foydalanish mumkin.

29. Internetdan jamoat bo‘lib foydalanish punktining ish rejimi jamoat foydalanish joyining internet-provayderi tomonidan belgilanadi.

30. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatishda operator, provayder, diler va eshittiruvchilarning o‘zaro munosabatlar ular o‘rtasida tuzilgan shartnomalar bilan tartibga solinadi.

31. Telekommunikatsiyalar tarmoqlarida foydalaniladigan va majburiy sertifikatlanishi kerak bo‘lgan telekommunikatsiyalarning texnik vositalari muvofiqlik sertifikatlariga ega bo‘lishi kerak.

32. Televideniye (radioeshittirish) xizmatlari operator va provayderlari televideniye (radioeshittirish) dasturlarining mazmunini tahrir qilish, o‘zgartirish va to‘ldirishga haqli emas.

33. Operator, provayder, diler va eshittiruvchilar telekommunikatsiyalar tarmoqlarida axborot va kiberxavfsizlikni ta’minlashda:

axborot va kiberxavfsizlikni ta’minlash sohasida qonunchilik hujjatlariga rioya qilishi;

odamlarning dengizdagi, yerdagi, havodagi, kosmik fazodagi xavfsizligiga, mudofaa, xavfsizlik va huquq-tartibotni saqlash sohasidagi kechiktirib bo‘lmaydigan tadbirlarni o‘tkazishga taalluqli barcha xabarlarga, shuningdek yirik avariyalar, falokatlar, epidemiyalar, yong‘inlar va boshqa favqulodda vaziyatlar haqidagi xabarlarga mutlaq ustuvorlik berishi;

texnik vositalardan O‘zbekiston Respublikasining mavjud konstitutsiyaviy tuzumini, hududiy yaxlitligini zo‘rlik bilan o‘zgartirishga da’vat qilish, urush va zo‘ravonlikni, shafqatsizlikni, milliy, irqiy va diniy adovatni targ‘ib etish, davlat sirini yoki qonunchilik bilan qo‘riqlanadigan o‘zga sirni oshkor etish, jinoiy javobgarlikka sabab bo‘ladigan boshqa xatti-harakatlarni sodir qilish maqsadida foydalanilishiga yo‘l qo‘ymaslikka qaratilgan choralarni ko‘rishi kerak.

34. Eshittiruvchilar, operatorlar va provayderlar televideniye (radioeshittirish) tarmoqlarida aholini favqulodda vaziyatlar xavfidan yoki favqulodda holat to‘g‘risida xabardor qilishni tashkil qilish uchun zarur bo‘lgan vositalar o‘rnatilishini va ulardan foydalanishni ta’minlashlari shart.

35. Eshittiruvchilar, operatorlar va provayderlarning televideniye (radioeshittirish) tarmoqlari va texnik binolari qo‘riqlash, himoyalash va xavfsiz faoliyatini ta’minlash O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 14-apreldagi 92-son qarori bilan tasdiqlangan Teleko‘rsatuvlar va radioeshittirishlar obyektlarini qo‘riqlash, muhofaza qilish hamda ularning xavfsiz faoliyat ko‘rsatishi qoidalari talablariga javob berishi shart.

36. Internet-kafelarda voyaga yetmaganlarning ota-onasidan biri yoki ularning o‘rnini bosuvchi shaxs hamrohisiz tungi vaqt (soat 22:00 dan 6:00 gacha) Internet tarmog‘idan foydalanish uchun jamoat foydalanish joylarida bo‘lishiga yo‘l qo‘ymaslik hamda videokuzatuv kameralarini qo‘llab (video yozuvni 90 kun saqlagan holda), tashrif buyuruvchilar xavfsizligi choralari ko‘rilishi kerak.

37. Operator va provayderlar har bir abonentga, shu jumladan, abonentning shaxsiy hisob raqamida mablag‘lar bo‘lmagan holda, tegishli xizmatlar uchun O‘zbekiston Respublikasi hududida belgilangan yagona raqamlarni abonent tomonidan terish yordamida favqulodda tezkor xizmatlarni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti virtual qabulxonasining ishonch telefonlariga qo‘ng‘iroqlarni bepul va kecha-kunduz davomida chaqirish imkoniyatini ta’minlashi kerak.

Favqulodda tezkor xizmatlarga quyidagilar kiradi:

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

yagona dispetcherlik xizmati;
yong‘in-qutqaruv bo‘linmalari;
ichki ishlar organlari;
tez tibbiy yordam;
gaz tarmog‘ining avariya xizmati;
O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligining qutqaruv xizmati.

38. Abonent shartnomasi bekor qilinganidan so‘ng, operator (provayder) ma’lumotlar bazasidan abonentlarning shaxsiy ma’lumotlari yo‘q qilishlari shart.

II bo‘lim. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini taqdim etish

1-bob. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish

1-§. Telefon aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish

39. Operator (provayder) tomonidan ko‘rsatiladigan telefon aloqasi xizmatlari universal va qo‘shimcha xizmatlarga bo‘linadi.

40. Universal telekommunikatsiyalar xizmatlari ro‘yxati hamda ushbu xizmatlarga tariflar Universal telekommunikatsiya xizmatlari va telekommunikatsiya xizmatlarining ayrim turlari uchun tariflarni (narxlarni) shakllantirish va tartibga solish to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3354, 2022-yil 18-mart) muvofiq belgilanadi.

41. Foydalanuvchilarga ko‘rsatiladigan telefon aloqasi xizmatlari ro‘yxati operatorga (provayderga) tegishli litsenziya hamda telekommunikatsiyalar tarmoqlari va vositalarining texnik imkoniyatlaridan kelib chiqib belgilanadi.

42. Operator (provayder) tomonidan qo‘shimcha va bepul telefon aloqasi xizmatlari ko‘rsatilishi mumkin.

43. Quyidagilar qo‘shimcha telefon aloqasi xizmatlari hisoblanadi:

a) telefon apparatlari va boshqa foydalanuvchi qurilmalarini qayta o‘rnatish, qayta ulash (ulash sxemasini o‘zgartirish);

b) parallel telefon apparatlarini o‘rnatish;

d) telekommunikatsiyalar tarmog‘ining aloqa kanallarini va fizik zanjirlarini ijaraga berish;

e) ma’lumot-axborot xizmatlari, bundan ushbu Qoidalarda ko‘rsatilgan ma’lumotnomalarni berish qo‘shimcha xizmatlari mustasno;

f) ma’lumotlar uzatish xizmatlari va telematik xizmatlardan (elektron pochta, faksimil xabarlarni uzatish xizmati, axborot resurslaridan foydalana olish xizmati va boshqalar) foydalanish imkoniyati;

g) telegrammalarni telefon orqali berish;

h) chaqirilayotgan abonentda raqamni avtomatik aniqlash funksiyalariga ega telefon apparati bo‘lganda mahalliy telekommunikatsiyalar tarmog‘ining chaqirayotgan abonent raqamini aniqlash, shuningdek, abonent talabiga ko‘ra hisob tafsilotlarini berish;

i) abonent murojaatiga asosan abonent raqamini o‘zgartirish;

j) chaqirilayotgan shaxsga xabar qilgan holda xalqaro telefon bog‘lanish;

k) boshqa hududdan (aholi punktidan) chaqirilayotgan abonentning telefon raqami to‘g‘risidagi ma’lumot berish;

l) shartnomada belgilangan vaqtda telefon bog‘lanishni taqdim etish;

m) chaqirilayotgan shaxs hisobidan shaharlararo telefon bog‘lanish;

n) telefonogrammani uzatgan holda abonent o‘rniga so‘zlashish;

o) konferens-aloqa xizmati.

Telefon aloqa tarmog‘idan foydalanishni taqdim etish xizmatining narxiga kommutatsiya stansiyasidan abonentning telefon rozetkasigacha abonent liniyalarining tashkil etilishi hisobga olingan stansiya va liniya uskunasining narxi kiradi.

Telefon tarmog‘idan foydalanishning taqdim etilishi to‘lovida oxirgi taqsimlash qurilmasidan telefon rozetkasigacha bo‘lgan shahar telefon tarmog‘ida uzunligi 20 m dan ko‘p bo‘lmagan va qishloq telefon tarmog‘ida uzunligi 40 m dan ko‘p bo‘lmagan abonent liniyasining narxi hisobga olinadi.

Abonent liniyasini ekspluatatsiya qilish davomida abonent tarmog‘ida operator yoki provayderga bog‘liq bo‘lmagan holda abonent kabeli yaroqsiz holga kelganda uni tiklash/ta’mirlash ishlari abonent hisobidan amalga oshiriladi.

Abonent tarmog‘idan tashqarida abonent kabeli yaroqsiz holga kelganda uni tiklash/ta’mirlash ishlari operator va provayderlar hisobidan amalga oshiriladi.

Bepul qo‘shimcha telefon aloqasi xizmatlariga quyidagilar kiradi:

a) telefon tarmog‘ining ta’mirlash byurosini chaqirish;

b) chaqirilayotgan abonentning aholi punkti/operatori kodi to‘g‘risida ma’lumotnoma berish;

d) chaqirilayotgan mamlakat va chaqirilayotgan aholi punktining xalqaro kodi to‘g‘risida ma’lumot berish;

e) mahalliy va xalqaro telefon aloqasi xizmatlari uchun tariflar to‘g‘risida ma’lumot berish;

f) avtomatik telefon aloqasidan foydalanish tartibi to‘g‘risida ma’lumot berish;

g) xalqaro telefon bog‘lanishni buyurtma qilish uchun buyurtma berish xizmatlarini chaqirish indekslari to‘g‘risida ma’lumot berish.

Mazkur bandda ko‘rsatilgan bepul xizmatlar ro‘yxati kamaytirilishi mumkin emas.

44. Ushbu Qoidalarda ko‘rsatilgan qo‘shimcha telefon aloqasi xizmatlari ro‘yxati (bepul yoki pullik) qonunchilik hujjatlari talablarini hisobga olgan holda operator va provayderga tegishli bo‘lgan telekommunikatsiyalar tarmoqlari va vositalarining texnik imkoniyatlaridan kelib chiqib o‘zgartirilishi yoki to‘ldirilishi mumkin.

45. Taksofon orqali quyidagi pullik xizmat turlari ko‘rsatiladi:

a) mahalliy telefon so‘zlashuvlari;

b) shaharlararo telefon so‘zlashuvlari;

d) xalqaro telefon so‘zlashuvlari;

e) axborot-ma’lumot xizmati operator-telefonistlari bilan telefon aloqasi.

2-§. Shaharlararo va xalqaro telefon aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish

46. Shaharlararo va xalqaro telefon bog‘lanish avtomatik xizmat ko‘rsatish tizimi, buyurtma xizmat ko‘rsatish tizimi va darhol xizmat ko‘rsatish tizimi bo‘yicha amalga oshirilishi mumkin.

47. Operator va provayder avtomatik aloqa yo‘nalishlarining borligi, shaharlar kodlari to‘g‘risida va avtomatik telefon aloqasidan foydalanish tartibi to‘g‘risida foydalanuvchilarni xabardor qilishga majbur (ommaviy axborot vositalar, ma’lumot-axborot xizmatlari, Internet tarmog‘i orqali, so‘zlashuv punktlarida).

48. Buyurtma xizmat ko‘rsatish tizimida chaqirayotgan shaxsga buyurtmani qabul qilish vaqtida shaharlararo va xalqaro telefon bog‘lanishga berilgan buyurtmani bajarish muddati xabar qilinishi kerak.

Buyurtma chaqirayotgan shaxsning ixtiyoriga ko‘ra yoki buyurtmaning amal qilish muddati tugashi bilan bekor qilinishi mumkin.

49. Buyurtma bo‘yicha shaharlararo telefon bog‘lanish taqdim etilishi kerak bo‘lgan vaqt operator (provayder) tomonidan mustaqil ravishda belgilanadi, ammo buyurtma qabul qilingan paytdan boshlab yoki chaqirayotgan shaxs tomonidan so‘zlashuv uchun belgilangan vaqtdan boshlab bir soatdan oshmasligi kerak. Ko‘rsatilgan vaqt tugashi bilan chaqirayotgan shaxsning roziligi bilan bajarilmagan buyurtma ushbu Qoidalarning 52-bandiga muvofiq boshqa vaqtga ko‘chiriladi yoki bekor qilinadi.

Buyurtma bo‘yicha xalqaro telefon bog‘lanish taqdim etilishi mumkin bo‘lgan vaqt operator (provayder) tomonidan mustaqil ravishda belgilanadi va buyurtmani qabul qilish vaqtida foydalanuvchiga yetkaziladi.

Chaqirayotgan shaxsning talabi bo‘yicha buyurtma xizmat ko‘rsatish tizimida shaharlararo va xalqaro telefon bog‘lanishlar buyurtma qabul qilingan vaqtdan boshlab 30 daqiqa (shoshilinch buyurtma) ichida taqdim etilishi mumkin. Shoshilinch buyurtmalar qabul qilinadigan yo‘nalishlar ro‘yxati operator (provayder) tomonidan belgilanadi va foydalanuvchilar e’tiboriga havola qilinadi.

50. Shaharlararo va xalqaro telefon bog‘lanishga buyurtma xizmat ko‘rsatish tizimida buyurtmaning amal qilish muddati chiquvchi stansiya uchun mahalliy vaqt bilan soat 08:00 da tugaydi hamda quyidagicha belgilanadi:

a) telefon apparatidan telefon apparatiga telefon bog‘lanishlar uchun – buyurtma berilgan kundan keyingi kunga;

b) shaxsiy telefon bog‘lanishlar va konferens-aloqa uchun – buyurtma berilgan kundan keyin ikkinchi kunga.

Xalqaro telefon bog‘lanish uchun buyurtmaning amal qilish muddati yana 8 soatga uzaytirilishi mumkin, agar bu tegishli stansiyalar yoki ekspluatatsiya qilish va trafikning o‘tish vaqtidagi farq sababli zarur deb tan olingan bo‘lsa.

51. Shaharlararo telefon aloqa texnologik jarayonlarida yagona hisobga olish-hisobot (texnologik) vaqt – mahalliy vaqt qo‘llaniladi.

Xalqaro telefon aloqasida hisobga olish hisobot vaqti milliy aloqa ma’muriyatlarining xalqaro kelishuvlari bilan belgilanadi.

52. Foydalanuvchilarga shaharlararo va xalqaro telefon aloqasi xizmatlarini ko‘rsatishning texnik imkoniyati bo‘lmaganda operator (provayder) so‘zlashuvlar soni va

ularning davomiyligiga cheklovlarni kiritadi, buyurtma va darhol xizmat koʻrsatish tizimida aloqa toʻliq boʻlmaganda buyurtmalarni qabul qilishni rad etadi.

Shaharlararo va xalqaro telefon aloqasi xizmatlariga cheklovlar kiritilganligi toʻgʻrisida foydalanuvchi buyurtmani qabul qilish vaqtida yoki buyurtma va darhol xizmat koʻrsatish tizimlarida telefon bogʻlanish taqdim etilayotgan vaqtda xabardor qilinishi kerak.

Telefon aloqasidan foydalanishda uzoq muddatli cheklovlar yuzaga kelgan holda operator (provayder) bu haqda ommaviy axborot vositalari, ma'lumot xizmatlari yoki telekommunikatsiyalar xizmatlaridan ommaviy foydalanish punktlarida e'lon berish orqali foydalanuvchilarni xabardor qilish choralarini koʻrishi kerak.

53. Buyurtma xizmat koʻrsatish tizimida telefon bogʻlanishini taqdim etish navbati soʻzlashuv toifasiga, buyurtmaning shoshilinch ekanligiga va kelib tushish vaqtiga bogʻliq boʻladi.

54. Oʻzbekiston Respublikasi hududida operator-telefonist yordamida taqdim etiladigan shaharlararo telefon soʻzlashuvlarining quyidagi toifalari belgilangan:

har qanday navbatdan tashqari va alohida parollar boʻyicha;

hukumatga oid;

oddiy.

55. "Har qanday navbatdan tashqari" toifa boʻyicha soʻzlashuvlar faqat qonunchilik hujjatlariga muvofiq, amaldagi oddiy tarif boʻyicha haq toʻlagan holda abonent tomonidan koʻrsatilgan istalgan telefon boʻyicha bunday soʻzlashuvlarni olib borish huquqidan foydalanadigan mansabdor shaxslarga taqdim etiladi. Abonentning talabiga koʻra soʻzlashuvlar aloqaning ishlash jadvalini buzgan va quyi toifadagi boʻlib oʻtayotgan soʻzlashuvni uzib qoʻygan holda taqdim etiladi.

56. "Har qanday navbatdan tashqari" toifasidagi buyurtmalar bilan bir qatorda "Falokat" paroli boʻyicha soʻzlashuvlarga buyurtmalar bajariladi. Ushbu parol boʻyicha soʻzlashuvlar amaldagi oddiy tarif boʻyicha haq toʻlagan holda foydalanuvchi tomonidan koʻrsatilgan istalgan telefondan, shuningdek soʻzlashuv punktidan taqdim etiladi. Halokatga uchragan dengiz, daryo va havo kemalaridan xabarlarni uzatish uchun shaharlararo telefon soʻzlashuvlariga toʻlov undirilmaydi.

57. Operatorlarga shartnoma asosida toʻlangan vaqtincha amal qiluvchi parollarni kiritish huquqi beriladi. Parollar boʻyicha buyurtmalar oddiy toifadagi buyurtmalardan oldin beriladi.

58. "Hukumatga oid" toifasidagi shaharlararo telefon soʻzlashuvlari "har qanday navbatdan tashqari" soʻzlashuvlaridan keyin aloqaning ishini buzmasdan va boʻlib oʻtayotgan soʻzlashuvlarni uzib qoʻymasdan amaldagi oddiy tarif boʻyicha taqdim etiladi. Soʻzlashuvlar faqat bunday soʻzlashuvlarni olib borish huquqi berilgan mansabdor shaxslarga va faqat roʻyxatga olingan telefonlardan taqdim etiladi.

59. Hech bir boshlangan soʻzlashuv operator (provayder) tomonidan uzib qoʻyilishi mumkin emas, "Har qanday navbatdan tashqari" toifasidagi va "Falokat" paroli boʻyicha soʻzlashuvni taqdim etish zarur boʻlgan hollar bundan mustasno. Soʻzlashuv tugaganidan keyin foydalanuvchiga uzib qoʻyilgan soʻzlashuvni tugatish imkoni beriladi.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

60. Buyurtma bo‘yicha bildirishnomali telefon bog‘lanishlar so‘zlashuv uchun belgilangan vaqtni hisobga olgan holda tarifidan qat’i nazar ushbu (buyurtma) toifadagi buyurtmalar ichidan eng birinchi navbatda taqdim etiladi.

61. Shaharlararo va xalqaro telefon bog‘lanishga buyurtmani qabul qilishda darhol xizmat ko‘rsatish tizimida abonent telefon go‘shagini qo‘ymasdan, shu zahoti, amaldagi oddiy tarif bo‘yicha chaqirilayotgan abonent bilan telefon orqali bog‘lanadi.

O‘zbekiston Respublikasi hududida darhol xizmat ko‘rsatish tizimi texnik vositalarning tayyorlik darajasiga qarab kiritiladi.

3-§. Telekommunikatsiyalar tarmoqlarida axborot-ma’lumot xizmatlarini ko‘rsatish

62. Telekommunikatsiyalar tarmoqlarida axborot-ma’lumot xizmatlarining quyidagi turlari ko‘rsatiladi:

uchta yoki to‘rtta sonli raqamdan foydalanib, axborot-ma’lumot xizmatlari;

foydalana olish uchun abonent raqamlari ajratiladigan axborot-ma’lumot xizmatlari.

63. Axborot-ma’lumot xizmatlaridan foydalana olish uchun raqamlar ajratilishi telekommunikatsiyalar sohasidagi tartibga soluvchi organ tomonidan tasdiqlanadigan raqamlash tizimi va rejasiga muvofiq amalga oshiriladi.

64. Quyidagilar axborot-ma’lumot xizmatlarining asosiy vazifalari hisoblanadi:

a) foydalanuvchilarga ma’lumotlar berish:

telekommunikatsiyalar tarmoqlarining telefon raqamlari (tashkilotlar, muassasalar va korxonalar telefonlari) to‘g‘risida;

qo‘shimcha telefon aloqa xizmatlarini ko‘rsatuvchi tashkilotlarning telefon raqamlari to‘g‘risida;

mahalliy telefon tarmoqlarining telefon uzellari ta’mirlash byurosining telefon raqamlari to‘g‘risida;

b) manzilli, muassasaviy, qo‘l va elektron kartotekalarini yaratish hamda ularga telekommunikatsiyalar tarmoqlarini rekonstruksiya qilish bilan bog‘liq barcha o‘zgarishlarni o‘z vaqtida kiritish;

d) telefon ma’lumotnomalarini tayyorlash.

65. Operator (provayder) telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish bilan bog‘liq bo‘lgan axborotni abonentlarga taqdim etish maqsadida axborot-ma’lumot berish bo‘yicha xizmat ko‘rsatish tizimini yaratadi.

Quyidagi ma’lumotlar operator (provayder) tomonidan abonentning so‘roviga muvofiq 24 soat mobaynida hech qanday cheklovlarsiz taqdim etilishi shart:

ma’lumotlar uzatish tarmog‘i orqali ko‘rsatiladigan xizmatlar to‘g‘risidagi;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘idan foydalanish xizmatlariga bo‘lgan tariflar to‘g‘risidagi;

abonentga uning shaxsiy hisobvarag‘ining holati va ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlaridan foydalanish haqini to‘lash bo‘yicha qarzdorlik to‘g‘risidagi, jumladan abonentga ulangan xizmatlar (ma’lumotlar uzatish vaqti, tezligi, olingan va (yoki) uzatilgan axborot hajmi, shuningdek limitlangan trafikli tariflardagi trafik qoldig‘i) to‘g‘risidagi;

texnik nosozliklar to‘g‘risidagi.

66. Operatorlarning (provayderlarning) faoliyati yo‘nalishlari va vazifalariga muvofiq axborot-ma’lumot xizmatlari tomonidan operatorlarning (provayderlarning) texnik imkoniyatlaridan kelib chiqib boshqa axborot ham berilishi mumkin.

67. Operatorlar (provayderlar) axborot-ma’lumot xizmatlari ko‘rsatishda quyidagi funksiyalarni amalga oshiradi:

berilayotgan axborot sifatining ishlab chiqarish nazorati;

belgilangan shakllar bo‘yicha birlamchi hisob va hisobotni yuritish;

ko‘p smenali ish jadvalini hisobga olib kadrlarni joy-joyiga qo‘yish;

kadrlarni o‘qitish va malakasini oshirish;

ma’lumotnoma kartotekalarini ekspluatatsiya qilish va yuritish;

ma’lumotnoma kartotekalariga tuzatishlar kiritish uchun axborot olish maqsadida mahalliy telekommunikatsiyalar tarmoqlarining telefon uzellari bilan o‘zaro ishlash;

texnik vositalardan ekspluatatsiya qilish qoidalari va yo‘riqnomalariga muvofiq foydalanish;

mehnatni ilmiy tashkil qilish, mehnatni muhofaza qilish va xavfsizlik texnikasiga doir chora-tadbirlarni o‘tkazish.

68. Telekommunikatsiyalar tarmoqlarining axborot-ma’lumot xizmati ma’lumot xizmatining maxsus apparaturasi bazasida tashkil qilinadi, uning tarkibiga kommutatsiya uskunasi, operator-telefonistlar stollari, kartoteka uskunasi, dispetcher va ishlab chiqarish nazorati pultlari kiradi.

69. Axborot-ma’lumot xizmatlari shaharlar, tumanlar, tashkilotlar joylashgan ko‘chalar nomlaridagi o‘zgarishlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni kiritib, o‘z ma’lumotlar bazasini o‘z vaqtida yangilab borishlari kerak.

70. Chaqiruv kelib tushganda operator-telefonist darhol va aniq o‘zining shaxsiy raqamini aytishi kerak (masalan, “beshinchi”, “o‘ttiz sakkizinchi”). Agar foydalanuvchi javob bermasa, “Ma’lumotnoma xizmati javob beradi” deb takrorlaydi. Ikkinchi marta ham javobni olmagandan keyin, operator-telefonist aloqani uzishga haqli. “Ha”, “Eshitaman”, “Allo” va b. so‘zlarni aytishga ruxsat berilmaydi.

71. Operator-telefonist yonida ishlayotgan telefonchi operatorga xalaqit qilmaslik uchun ovozni balandlamasdan talab qilinayotgan axborotni aniq va ravshan berishi kerak.

72. Operator-telefonist faqat foydalanuvchi unga berilgan axborotni to‘g‘ri takrorlagandan keyingina aloqani uzishga haqlidir. Agar foydalanuvchi axborotni noto‘g‘ri takrorlagan bo‘lsa, operator-telefonist uni takrorlashga majbur.

73. Operator-telefonist birinchi talab bo‘yicha foydalanuvchiga o‘zining shaxsiy raqamini takrorlashi kerak.

74. Operator-telefonist foydalanuvchilar bilan xushmuomalali bo‘lishi, hech qanday tanbehlar bildirmasligi va u bilan bahs-munozaralarga kirishmasligi kerak.

75. Foydalanuvchilar shikoyat qilganda operator-telefonist ularni darhol katta operator-telefonist bilan ulashi kerak.

76. Operator-telefonist ma’lumot berilayotgan materialni, kartotekaning tuzilishi va ma’lumot materiallarining unda joylashish prinsiplarini yaxshi bilishi kerak. Operator-telefonist barcha favqulodda tezkor xizmatlar raqamlarini yoddan bilishi kerak.

77. Agar operator-telefonist ma’lumotni berishga qiynalsa, u foydalanuvchiga: “Iltimos, bir oz kutib turing” deb katta operator-telefonistga murojaat qilishi shart. Katta operator-telefonistning tushuntirishlarini olib, kutib turgan foydalanuvchiga xizmat ko‘rsatadi. Ma’lumot olish uchun yonida ishlayotgan operator-telefonistga murojaat qilish qat’iyan man qilinadi.

78. Operator-telefonist foydalanuvchi so‘rovini e’tibor bilan eshitishi va zarur bo‘lganda berilgan savolni takrorlashini so‘rashi kerak: “Iltimos, ma’lumotni qaytaring” yoki “Iltimos, aniqroq qaytaring”. Agar ikkinchi bor so‘rovdan keyin operator-telefonist foydalanuvchini deyarli eshitmasa yoki umuman eshitmasa, u: “Sizni eshitmayapman, iltimos qayta qo‘ng‘iroq qiling” deb javob berishi kerak.

79. Agar foydalanuvchi savolni noto‘g‘ri ifodalagan bo‘lsa, operator-telefonist foydalanuvchidan unga aynan qanday axborot kerakligini aniqlashtirishni xushmuomalalik bilan so‘rashi va shundan keyin yana ma’lumot xizmatini ko‘rsatishi kerak.

80. Agar foydalanuvchi ushbu xizmatga tegishli bo‘lmagan axborot berishni so‘rasa, u holda unga tegishli axborot-ma’lumot xizmatlarining telefon raqamlarini berilishi kerak.

81. Telefon raqamlari to‘g‘risidagi axborotni taqdim etishda operator-telefonist raqamlarni belgilangan tartibda og‘zaki bayon etishi shart. Bunda, to‘rt xonali telefon raqamlari ikki xonadan iborat juftliklarga bo‘linib aytiladi (masalan, 44–32 – “qirq to‘rt”, “o‘ttiz ikki”). To‘qqiz xonali telefon raqamlari esa ketma-ket ravishda ikki xonali, uch xonali hamda ikki xonadan iborat juftliklarga bo‘linib aytiladi (masalan, 71 278–34–23 – “yetmish bir”, “ikki yuz yetmish sakkiz”, “o‘ttiz to‘rt”, “yigirma uch”).

82. Agar foydalanuvchi telefon shikastlanganligi to‘g‘risida xabar qilmoqchi bo‘lsa, operator-telefonist qaysi telefon raqami shikastlanganligini so‘rashi shart va foydalanuvchiga telefon aloqa uzelining tegishli avtomatlashtirilgan ta’mirlash byurosining raqamini xabar qilishi kerak.

83. Operator-telefonist quyidagi hollarda foydalanuvchini katta operator-telefonist bilan ulashga majbur:

operator-telefonist foydalanuvchi savolini tushunmaganda;

operator-telefonist ma’lumot materialida foydalanuvchiga kerak bo‘lgan axborotni topa olmaganda;

foydalanuvchi shikoyat bilan murojaat qilganda;

foydalanuvchi tomonidan berilgan savol ma’lumot xizmatining vakolatiga kirmaganda.

84. Axborot-ma’lumot xizmatining operator-telefonist quyidagi hollarda ma’lumot berishni rad etishga haqli:

korxona, muassasa, tashkilotning to‘liq, qisqartirilgan yoki shartli nomi ko‘rsatilmagan bo‘lsa;

yakka tartibda foydalaniladigan xonadon telefoni abonentining familiyasi, ismi, otasining ismi yoki to‘liq manzili aytilmagan bo‘lsa, ma’lumot materialida esa, shu familiyadagi shaxslar ko‘p bo‘lsa;

jamoa bo‘lib foydalaniladigan xonadon telefoni o‘rnatilgan aniq manzil ko‘rsatilmagan bo‘lsa;

ma’lumot materialida so‘ralayotgan axborot bo‘lmasa;

foydalanuvchi unga ma’lumot xizmati bo‘yicha ikkitadan ortiq ma’lumotlar berishni so‘rasa, bunda operator-telefonist foydalanuvchiga u ma’lumot xizmatini ikkinchi bor chaqirganligini aytishi kerak.

4-§. Telefon tarmoqlarida qo‘riqlash qurilmasini o‘rnatish va xizmat ko‘rsatish

85. Telefon tarmoqlarida signalizatsiya uskunalarini o‘rnatish va ularga texnik xizmat ko‘rsatishni tashkil etish qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda vakolatli organlar (bundan buyon matnda qo‘riqlash xizmati deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.

86. Yuridik va jismoniy shaxslarga qarashli korxonalar, tashkilotlar, muassasalar, xonadonlar himoya qilish obyektlari hisoblanadi.

87. Telefon stansiyalarini loyihalash va rekonstruksiya qilishda qo‘riqlash signalizatsiyasi apparatini joylashtirish uchun kross va kross yaqinida, mahalliy sharoitlarni hisobga olgan holda, texnologik loyihalashning normativlariga muvofiq maydonli apparatura xonasini jihozlash ko‘zda tutilishi lozim.

Optik tolali aloqa liniyalari orqali tashkil etilgan kichik sig‘imli telefon stansiyalarida qo‘riqlash signalizatsiya apparaturalari alohida shkaflarda o‘rnatiladi.

88. Xavfsizlik signalizatsiya tizimining tarkibiga xabarlarni uzatish tizimlari ramkalariga abonent liniyalarini krossirovka qilish ishlari 5 kun muddat ichida telefon tarmoqlari hisobidan amalga oshiriladi.

Himoya bo‘laklari va krossning stansion ramkalaridan qo‘riqlash signalizatsiyasi ramkalarigacha bo‘lgan krossirovkasi telefon tarmoqlari xodimlari tomonidan amalga oshiriladi.

89. Qo‘riqlanadigan obyektlardagi abonent liniyalarining telefon rozetkasiga xabarlarni uzatish tizimlarining yakunlovchi (terminal) qurilmalarini ulash qo‘riqlash xizmati tomonidan amalga oshiriladi.

90. Xabarlarni uzatish tizimlari uskunalariga texnik xizmat ko‘rsatish bilan shug‘ullanuvchi qo‘riqlash xizmatining mutaxassislariga xabarlarni uzatish tizimlari uskunalari o‘rnatilgan telefon stansiyalari binolariga kirish uchun telefon tarmoqlari ma’muriyati tomonidan maxsus guvohnomalar yoki ruxsatnomalar beriladi.

91. Kechki va tungi payt, ta’til va dam olish kunlari qo‘riqlash xizmati xodimlarining ko‘rsatilgan binolarga kirishlari telefon tarmoqlari dispetcherining ruxsati asosida bo‘ladi.

Qo‘riqlash xizmati xodimlari bajaradigan ishlar telefon tarmoqlari xodimlari tomonidan nazorat qilinadi. Ichki ishlar vazirligi huzuridagi Qo‘riqlash departamenti xodimlari tomonidan bajarilgan barcha ishlar maxsus jurnalda qayd etilishi lozim.

92. Telefon liniyalaridan qo‘riqlash maqsadida foydalanilayotgan abonentlarning abonent kartalarida qo‘riqlash pulti belgisi bo‘lishi, ramka raqami va signalizatsiya shtifti ko‘rsatilishi lozim.

93. Obyektlarni qo‘riqlash davri mobaynida abonent liniyalarini krossdan tekshirish faqatgina qo‘riqlash xizmatining buyurtmasiga binoan amalga oshiriladi. Tekshiruv uchun buyurtmalar boshqa shaxslardan qabul qilinganda, ko‘rsatilgan liniyalar tekshiruvi qo‘riqlash

signalizatsiyasi o‘chirilganidan keyin, faqatgina qo‘riqlash xizmatining ruxsati bilan amalga oshiriladi.

94. Qo‘riqlash signalizatsiyalari uchun ishlatiladigan taqsimlash javonlari, quti, boks va grompolosa shtiftlari telefon tarmoqlari xodimlari tomonidan bo‘yoq bilan markirlanishi (belgilanishi) lozim.

95. Telefon stansiyasi krosslari va liniyalarda ta’mirlash hamda profilaktika ishlari o‘tkazilganda, qayta payka qilinganda va kabellarni almashtirib qayta ulanganda (stansiya va liniya inshootlarida) telefon tarmoqlari xodimlari uchun telefon liniyalarining markirlangan simlari juftligi joyma-joy almashtirilishiga, shuningdek ulardan xizmat aloqasi uchun foydalanilishiga ruxsat berilmaydi.

96. Qo‘riqlash signalizatsiyasi uchun ishlatiladigan liniyalarda profilaktik reja asosida ish olib borishlari to‘g‘risida telefon tarmoqlari xodimlari qo‘riqlash xizmati ish boshlanishidan uch kun, ishlar shoshilinch (rejadan tashqari) bajarilishi kerak bo‘lganda bevosita mazkur ishlar bajarilishidan oldin ogohlantiradi.

97. Qo‘riqlash xizmati buyurtmasiga binoan, aloqa liniyalar parametrlari o‘lchovini telefon tarmoqlari 15 kun ichida amalga oshiradi. Zarur bo‘lganda, qo‘riqlash xizmatining mutaxassislari o‘lchovlarda qatnashadilar. Telefon tarmoqlari liniyalari parametrlarini belgilangan normalarga muvofiqlashtirishni ta’minlaydi yoki texnik imkoniyat mavjud bo‘lganda liniyalarni almashtiradi.

98. Qo‘riqlash signalizatsiyasi yuzaga kelishi bilan bog‘liq bo‘lgan sabab tufayli telefon aloqasi buzilgan bo‘lsa, telefon tarmoqlari xodimlari bu haqda qo‘riqlash xizmatiga xabar beradi va qo‘riqlash xizmati xodimlari bilan birgalikda nosozlik sababini ikki soat ichida aniqlab, uni bartarf etish choralarini ko‘radi.

Qo‘riqlash signalizatsiyasining uch soatdan ortiq vaqt orqalig‘idagi nosozlik, telefon aloqasining sifatli ishlashiga ta’sir ko‘rsatgan holda, telefon tarmoqlari xodimlari qo‘riqlash signalizatsiyasini telefon liniyasidan uzib qo‘yadi.

99. Markaziy kuzatuv pultlari va telefon stansiyasini bog‘laydigan to‘g‘ri simlari bo‘lgan kabellar shikastlanishi yoki ta’mirlanishi vaqtida telefon tarmoqlari tomonidan texnik imkoniyat mavjud bo‘lsa uch soat ichida zaxira aloqasi taqdim etiladi. Bunday imkoniyat mavjud bo‘lmagan holda shikastlanishlar belgilangan muddatlarga muvofiq, qo‘riqlash xizmatini xabardor qilgan holda bartaraf etiladi.

Qo‘riqlash signalizatsiyasi uchun foydalaniladigan abonent telefon liniyalaridagi shikastlanishlar, telefon tarmoqlari xodimlari tomonidan birinchi navbatda bartaraf etiladi.

100. Abonent liniyalarini qayta ulash, juftlik sxema bo‘yicha telefonlarni yoqish hamda qo‘riqlash signalizatsiyasi faoliyatini to‘xtatib, telefonlar joyini almashtirish qo‘riqlash xizmati rahbariyatini oldindan yozma ravishda ogohlantirgan holda telefon tarmoqlari tomonidan amalga oshiriladi. Bunda, qo‘riqlash signalizatsiyasi apparaturasini ulash uchun to‘lov undirilmaydi.

101. Qo‘riqlash signalizatsiyasi uchun telefon liniyalaridan foydalanganda ro‘yxatdan o‘tkazish va abonent to‘lovlari amaldagi tariflarga muvofiq qo‘riqlash xizmatidan undiriladi.

102. Qo‘riqlash xizmatiga ulangan obyektlar telefonlari o‘chirilganida yoki abonent mazkur Qoidalarni buzganligi sababli aloqa xizmati ko‘rsatilishidan to‘xtatilganda, bu haqda kross xodimlari qo‘riqlash xizmatini ogohlantiradi.

5-§. Telegraf aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish

103. Operatorlar quyidagi telegraf xizmatlarini ko‘rsatadi:
telegrammalar qabul qilish, yuborish;
abonent telegraf tarmog‘i bo‘yicha so‘zlashuvlar olib borish;
“teleks” tarmog‘i bo‘yicha so‘zlashuvlar olib borish;
telegraf kanallarini ijaraga berish;
qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa xizmatlar.

104. Telegraf aloqasidan foydalanilganda telegrammalarning quyidagi turlaridan foydalaniladi:
“topshirilganligi to‘g‘risidagi xabarnoma bilan”;
“pochta orqali buyurtmali” yetkazib berish bilan”;
“jo‘natuvchi tomonidan ko‘rsatilgan muddatda yetkazib berish bilan”;
“badiiy blankda yetkazib berish bilan”;
“tasdiqlangan”;
“javobi to‘langan”;
“sxemali”;
“kriptogramma”;
“perfotasmadagi kriptogramma”;
“banklardan o‘tkazma”.

105. Telegrammalar ishlov berilishiga qarab quyidagi toifalarga bo‘linadi:
oddiy;
shoshilinch;
toifadan tashqari;
navbatdan tashqari;
oliy hukumatga oid;
hukumatga oid.
Telegrammalarga ishlov berish ularning toifalariga muvofiq amalga oshiriladi.

106. Ishlov berishdagi mutlaq ustunlik odamlarning dengizdagi, yerdagi, havodagi, kosmik fazodagi xavfsizligiga, mudofaa, xavfsizlik va huquq-tartibotni saqlash sohasidagi kechiktirib bo‘lmaydigan tadbirlarni o‘tkazishga taalluqli barcha xabarlarga, shuningdek yirik avariyalar, falokatlar, epidemiyalar, yong‘inlar va boshqa favqulodda vaziyatlar haqidagi xabarlar bo‘lgan telegrammalarga beriladi.

107. “Oddiy” telegrammalarga toifasi to‘g‘risida belgi bo‘lmagan telegrammalar kiradi.

108. “Shoshilinch” toifasiga shoshilinch tariflar bo‘yicha to‘lanadigan telegrammalar kiradi.

109. “Toifadan tashqari” telegrammalariga “Havo” (“Vozdux”), “Raketa”, “Mobilizatsion”, “Samolyot” belgilari bo‘lgan telegrammalar kiradi.

110. “Navbatdan tashqari” telegrammalarga “Avariya”, “Shtorm”, “Avia” belgilari bo‘lgan telegrammalar kiradi.

“Avariya” belgili telegrammaga – havo va daryo flotlarida, temir yo‘llarda va avtotransportda, sanoat korxonalaridagi hodisalar va aloqa vositalarining holati, halokatlar, avariyalar to‘g‘risidagi telegrammalar kiradi.

“Shtorm” belgili telegrammaga – havo va daryo flotlari, temir yo‘l va avtomobil transporti uchun noqulay ob-havo hodisalari (bo‘ron, to‘fon, tuman va boshqalar), shuningdek tabiiy ofatlar (zilzila, toshqin, o‘rmon yong‘inlari va boshqalar) to‘g‘risidagi ogohlantirish telegrammalari kiradi.

“Avia” belgili telegrammaga – samolyotlarning uchishi, kelishi va majburiy qo‘nishi to‘g‘risidagi xabarlar, shuningdek, ob-havo to‘g‘risida ma’lumotli telegrammalar kiradi.

“Hukumatga oid” va “Oliy hukumatga oid” telegrammalarini berish huquqidan O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlangan ro‘yxatga muvofiq mansabdor shaxslar foydalanadi.

111. “Topshirilganligi to‘g‘risidagi xabarnoma bilan” telegrammani yuborayotganda jo‘natuvchi belgilangan joyda telegrammani 24 soat ichida, telegraf ishi jadval bo‘yicha seanslar bilan amalga oshiriladigan punktlarga manzillangan telegrammalar uchun telegrammani qabul qilgan paytdan boshlab 48 soat ichida topshirilishi to‘g‘risida xabarnomani oladi.

112. “Javobi to‘langan” telegrammalar adresatning jo‘natuvchiga u tomonidan to‘langan axborot hajmidagi to‘langan javobini ta’minlaydi.

“Topshirilganligi to‘g‘risidagi xabarnoma bilan”, “javobi to‘langan”, “banklardan o‘tkazma” turdagi telegrammalar faqat O‘zbekiston Respublikasi hududida qabul qilinadi.

113. “Pochta orqali buyurtmali yetkazib beriladigan” telegrammalar aloqa korxonalari bo‘lmagan aholi punktlariga manzillanadi. Bunday telegrammalar adresatga shaxsan qo‘liga topshirib yetkaziladi, bu telegrammaning o‘tish vaqtini uzaytiradi.

114. “Jo‘natuvchi tomonidan ko‘rsatilgan muddatda yetkazib berish bilan” telegrammalari adresatga jo‘natuvchi tomonidan ko‘rsatilgan muddatda telegrammani yetkazib berishni ta’minlaydi va Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligi mamlakatlariga, respublikaning viloyat va tuman markazlariga yuborish uchun yetkazib berish sanasidan kamida bir sutka oldin aloqa korxonalari tomonidan qabul qilinadi.

115. “Badiiy blanklarda yetkazib berish bilan” telegrammalari jo‘natuvchining xohishiga ko‘ra telegrammalar adresatlariga badiiy blanklarda yetkazib berish bilan qabul qilinadi. Bunday telegrammalar faqat telegraf aloqasi bo‘lgan punktlarga manzillanishi mumkin.

116. “Tasdiqlangan” telegrammalarida aloqa korxonasi telegrammada xabar qilinayotgan qandaydir faktni, jo‘natuvchining imzosini yoki telegrammada yuborilayotgan ishonchnomani tasdiqlashi mumkin.

Iste’molchi telegrammada xabar qilinayotgan faktni tasdiqlovchi rasmiy ma’lumotnomani, guvohnomani yoki boshqa hujjatni taqdim etishi kerak.

Tasdiqlangan telegrammalar belgilangan tartibda rasmiylashtiriladi.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

117. “Sxemali” telegrammalar aynan bir xil matnni aloqa korxonasi tomonidan oldindan tuzilgan, ro‘yxatdan o‘tkazilgan va kiritilgan sxema bo‘yicha turli telegraf punktlariga uzatilishini ta’minlaydi. Sxemali telegrammalar yuridik shaxslar tomonidan berilishi mumkin.

118. Telegraf jo‘natmalarini manzillash O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuniga muvofiq amalga oshiriladi.

Davlatlararo axborot va jo‘natmalar ikki tomonlama bitimlar, shuningdek xalqaro bitimlar va shartnomalar bilan belgilangan tillarda ishlov beriladi.

Telegrammaning manzili:

xat-xabarlar O‘zbekiston Respublikasi hududida yuborilganda – davlat tilida, bundan tashqari, Qoraqalpog‘iston Respublikasiga qoraqalpoq tilida;

Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligi davlatlariga yuborilganda – rus tilida yoki belgilangan mamlakat tilida;

uzoq xorij mamlakatlariga yuborilganda – belgilangan mamlakat tilida, lotin alifbosi harflari bilan yozilgan bo‘lishi kerak.

119. Telegrammalar ochiq (umumqabul qilingan) yoki shartli (kodlangan) tilda yozilishi mumkin. Agar yozuv davlat tilida yoki boshqa tilida tuzilgan bo‘lsa, harflar va raqamlar bilan ko‘rsatilgan zavod, savdo belgilari va markalari yoki faqat raqamlardan iborat bo‘lgan statistik va boshqa ma’lumotlarni o‘z ichiga olsa, telegramma ochiq (umuqabul qilingan) tilda yozilgan deb hisoblanadi. Jismoniy shaxslardan telegrammalar faqat ochiq tilda (umuqabul qilingan) qabul qilinadi.

Agar yozuv shartli belgilar yoki shartli qiymatga ega bo‘lgan oddiy so‘zlar yordamida tuzilgan bo‘lsa, telegramma shartli (kodlangan) tilda yoziladi deb hisoblanadi. Bunday telegrammalar faqat yuridik shaxslardan qabul qilinadi.

120. Tarkibida axloqsiz, haqoratli va inson qadr-qimmatini kamsituvchi so‘zlar, shuningdek O‘zbekiston Respublikasining xavfsizligi va davlat manfaatlariga qarshi qaratilgan matn bo‘lgan hamda faqat manzildan iborat (matnsiz) telegrammalar qabul qilinmaydi.

121. Respublika hududida iste’molchilarga telegraf xizmatlarini ko‘rsatish mahalliy vaqtni ko‘rsatgan holda amalga oshiriladi.

122. Aloqa korxonalarida telegrammani qabul qilish belgilangan ish rejimiga muvofiq amalga oshiriladi.

123. Aloqa korxonalari iste’molchilarga xizmat ko‘rsatish madaniyatini, telegraf xabarlarining sir saqlanishini ta’minlashlari shart.

124. Telegraf tarmog‘idagi telegraf stansiyalari va teleks tarmoqlari iste’molchilarga tarmog‘iga va teleks tarmog‘iga ulangan korxonalar va tashkilotlar o‘rtasida to‘g‘ridan-to‘g‘ri so‘zlashuvlarni olib borish va axborotni uzatish imkonini yaratib beradi. Iste’molchilarning foydalanuvchi qurilmalarini telegraf stansiyasiga va teleks xalqaro tarmog‘iga ulash iste’molchilar va aloqa korxonalari o‘rtasida tuzilgan shartnomalar bilan rasmiylashtiriladi.

125. Telegraf kanallari aloqa korxonasi va iste’molchi o‘rtasidagi shartnoma asosida ijaraga beriladi. Telegraf kanallarini ijaraga berish tartibi qonunchilik hujjatlari bilan belgilanadi.

126. Iste’molchining xohishiga ko‘ra aloqa korxonasi tomonidan quyidagi qo‘shimcha telegraf aloqa xizmatlari ko‘rsatilishi mumkin:

a) iste’molchining og‘zaki arizalari bo‘yicha:

berilgan telegrammani bekor qilish yoki telegrammani yuborishdan avval uning manzilini o‘zgartirish;

telegrammani adresatga yetkazilgan (O‘zbekiston Respublikasi hududida) kundan keyin 2 oy ichida uning topshirilganligining tasdig‘ini olish;

“talab qilingunga qadar” belgisi bilan manzillangan telegrammalarni belgilangan bir oy muddatdan tashqari, keyingi bir oy mobaynida saqlab turish;

telegramma berilgan kundan boshlab ikki oy mobaynida telegrammaning tasdiqlangan nusxasini olish;

b) iste’molchining yozma arizasi bo‘yicha:

telegrammani boshqa manzilga qayta jo‘natish yoki yetkazib berish;

telegrammalarni pochta qutilarida va abonent shkaflarida qoldirish;

o‘zlarining telegrammalari, shu jumladan telegramma jo‘natuvchilarining manzillari to‘g‘risidagi barcha ma’lumotlarni jo‘natuvchilarga va adresatlarga berish.

127. Aloqa korxonalari mazkur Qoidalarga zid bo‘lmagan va amalda bajarilishi mumkin boshqa xizmatlarni ham ko‘rsatishi mumkin.

6-§. Ma’lumotlarni uzatish tarmog‘i, shu jumladan internet xizmatlarini ko‘rsatish

128. Ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlari ro‘yxati operator yoki provayder hamda abonent o‘rtasida tuziladigan ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasida belgilangan bo‘lishi kerak.

129. Ma’lumotlar uzatish tarmog‘i orqali xizmatlarning quyidagi turlari taqdim etilishi mumkin:

ma’lumotlar uzatish tarmog‘idan foydalanish (turli standartlar bo‘yicha), trafik tranziti, shuningdek ma’lumotlar uzatishning xalqaro tarmoqlaridan, jumladan Internetdan foydalanish;

real vaqtda axborot resurslari va axborot tizimlaridan foydalanish;

elektron xabarlar qabul qilish va uzatish (shu jumladan, elektron pochta);

konfidensial axborotni kriptografik va boshqacha muhofaza qilish;

kichik (quyi) tarmoq ajratish;

domen va domen nomlari tizimini ro‘yxatga olish va olib borish;

IP-adres ajratish va tutib turish;

IP-telefoniya va IP-televideniye (IPTV);

xosting xizmatlari.

Operator yoki provayder qonunchilik hujjatlariga muvofiq ma’lumotlar uzatish tarmog‘ining boshqa xizmatlarini ham ko‘rsatishi mumkin.

130. Wi-Fi xizmati tashkilotchisi bo‘lgan abonent-yuridik shaxs tomonidan cheklangan doiradagi foydalanuvchilarga bepul yoki pullik asosda Wi-Fi xizmatlari ko‘rsatishi mumkin. Foydalanuvchilarning cheklangan doirasini aniqlash shartlari Wi-Fi xizmati tashkilotchisi tomonidan belgilanadi. Wi-Fi xizmatini ko‘rsatishda sessiyaning amal qilish davomiyligi 24 soatdan oshmasligi kerak.

131. Wi-Fi xizmati tashkilotchisi o‘z hududida bepul Wi-Fi xizmatini tashkil etish operator yoki provayder bilan tuzilgan shartnomaga muvofiq operator yoki provayderning apparat-dasturiy vositalari asosida amalga oshirilishi mumkin.

132. Wi-Fi xizmati tashkilotchisi:

operator yoki provayder bilan birgalikda, foydalanuvchilarning shaxsini identifikatsiyalash hamda foydalanilgan veb-resurslar (log-fayllar) hisobini yuritish bo‘yicha apparat-texnik chora-tadbirlar ko‘rishi va ularni 3 oy ichida saqlanishini tashkillashtirish;

operator yoki provayder bilan birgalikda, axborot resurslari himoya qilinishini ta’minlashga, O‘zbekiston Respublikasining mavjud konstitutsiyaviy tuzumini, hududiy yaxlitligini zo‘rlik bilan o‘zgartirishga da’vat etishga, urush, zo‘ravonlik va terrorizmni, shuningdek diniy ekstremizm, separatizm va fundamentalizm g‘oyalarini targ‘ib qilishga, milliy, irqiy, etnik yoki diniy adovat qo‘zg‘atuvchi axborotni, shuningdek, pornografiyani targ‘ib qilishga qaratilgan axborotning va tarqatilishi qonunchilik hujjatlari bilan taqiqlangan boshqa axborotning tarqatilishiga yo‘l qo‘ymaslikka qaratilgan choralarni ko‘rishi kerak.

133. Wi-Fi xizmati abonent – yuridik shaxs tomonidan ko‘rsatilgan taqdirda, abonent – yuridik shaxs va operator (provayder) o‘rtasida tuziladigan shartnomada foydalanuvchilarga Wi-Fi xizmati taqdim etishi to‘g‘risida ma’lumot ko‘rsatilishi, shuningdek foydalanuvchilar shaxsini identifikatsiyalash bo‘yicha ko‘riladigan choralar belgilanishi zarur.

134. Foydalanuvchilar shaxsini identifikatsiyalash mobil telefon raqami bo‘yicha yoki shaxsni tasdiqlovchi hujjatdagi ma’lumotlar asosida amalga oshirilgan boshqa ro‘yxatdan o‘tish ma’lumotlari (aviachiptalar, temir yo‘l chiptalari, mehmonxonada ro‘yxatdan o‘tish ma’lumotlari va shu kabi boshqa ma’lumotlar), shuningdek Push-xabarlar (foydalanuvchi qurilmasi ekranida aks etuvchi qisqa xabar) orqali amalga oshirilishi mumkin.

Foydalanuvchini mobil telefon raqami bo‘yicha identifikatsiyalashda, foydalanuvchining mobil telefon raqamiga SMS-xabar vositasida bir martalik parol (One Time Password – OTP) yuboriladi va foydalanuvchi autentifikatsiya qilinadi. Bunda, bir martalik parolning (One Time Password – OTP) aktivlik muddati cheklangan bo‘lishi (10 daqiqadan ko‘p bo‘lmasligi) kerak.

135. Operator (provayder) O‘zbekiston Respublikasining “Iste’molchilarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq abonentlarga o‘zi tomonidan ko‘rsatiladigan ma’lumotlar uzatish xizmatlari to‘g‘risida o‘z vaqtida zarur, to‘g‘ri va tushunarli ma’lumot berishi shart.

Operator (provayder) tomonidan abonentga quyidagi ma’lumotlar taqdim etilishi zarur:

operatorning (provayderning) nomi, pochta manzili, foydalanuvchilar va abonentlar bilan hamkorlik qiladigan filiallarining nomi, ular joylashgan joy, ish tartibi va aloqa telefonlari;

operatorga (provayderga) berilgan litsenziya raqami va amal qilish muddati;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlarini ko‘rsatish tartibi va shartlari;

foydalaniladigan abonent interfeyslari va ma’lumotlar uzatish protokollari;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlarini ko‘rsatishdagi cheklovlar;

tarif rejalari;

muayyan tarif rejasi, marketing kampaniyalari doirasida yoki tadbirlar o‘tkazish davrida ma’lumotlar uzatish tarmog‘idan foydalanish xizmatlarini taqdim etishda imtiyozlar yoki chegirmalar;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘idan foydalanishning bepul va pullik xizmatlari ro‘yxati;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlariga haq to‘lash muddatlari va shakllari;

abonentlarning ariza va shikoyatlarini ko‘rib chiqish tartibi;

axborot-ma’lumot xizmatining va texnik ta’minlash xizmatining telefon raqamlari (mavjud bo‘lganda);

axborot-ma’lumot berish bo‘yicha xizmat ko‘rsatish tizimi to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlarini ko‘rsatish hududlarida texnik imkoniyatlari mavjudligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar.

136. Operator (provayder) bilan abonent o‘rtasida tuziladigan shartnomada quyidagi ma’lumotlar majburiy ravishda ko‘rsatilishi shart:

shartnoma tuzilgan joy va sana;

operatorning (provayderning) nomi;

operatorning (provayderning) hisobvarag‘i rekvizitlari;

operatorga (provayderga) berilgan litsenziya rekvizitlari;

shartnomaning amal qilish muddati;

abonent to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

xizmat ko‘rsatish manzili;

hisob-kitob shakli va tartibi;

tomonlarning huquqlari, majburiyatlari va javobgarligi;

tarif rejasi, xizmatlarning narxlari;

xizmatning qaysi texnologiya bo‘yicha taqdim etilishi;

shikastlanishlarni bartaraf etish muddatlari;

sifat ko‘rsatkichlari (ma’lumotlar uzatishning maksimal tezligi, ma’lumotlar uzatishning minimal kafolatlangan tezligi, ma’lumotlar uzatish kechikishining maksimal vaqti);

fors-major holati;

ko‘rsatiladigan xizmatlar ro‘yxati (zarur bo‘lganda).

Shartnomada tomonlar o‘rtasidagi kelishuvga asosan qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa ma’lumotlar ham ko‘rsatilishi mumkin.

137. Abonent operator (provayder) bilan shartnoma tuzganidan keyin operator (provayder) ulanish usuliga bog‘liq holda, abonentga ulanish uchun zarur parametrlarni yetkazadi (IP-adres va boshqa adres rekvizitlari), ma’lumotlar uzatish tarmog‘ida ishlash va foydalanish tartibi to‘g‘risida yo‘l-yo‘riq ko‘rsatadi, foydalanuvchining zarur uskunasini (kompyuter, modem, faks) va zarur dasturiy ta’minotni tavsiya qiladi.

138. Operator (provayder) ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlarini ko‘rsatish bilan bog‘liq bo‘lgan axborotni abonentlarga taqdim etish maqsadida axborot-ma’lumot berish bo‘yicha xizmat ko‘rsatish tizimini yaratadi.

Quyidagi ma’lumotlar operator (provayder) tomonidan abonentning so‘roviga muvofiq 24 soat mobaynida hech qanday cheklovlarsiz taqdim etilishi shart:

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

ma’lumotlar uzatish tarmog‘ining ko‘rsatiladigan xizmatlari to‘g‘risidagi;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘idan foydalanish xizmatlariga bo‘lgan tariflar to‘g‘risidagi;

abonentga uning shaxsiy hisobvarag‘ining holati va ma’lumotlar uzatish tarmog‘i xizmatlaridan foydalanish haqini to‘lash bo‘yicha qarzdorlik to‘g‘risidagi, jumladan abonentga ulangan xizmatlar: ma’lumotlar uzatish vaqti, tezligi, olingan va (yoki) uzatilgan axborot hajmi, shuningdek limitlangan trafikli tariflardagi trafik qoldig‘i to‘g‘risidagi;

texnik nosozliklar to‘g‘risidagi.

7-§. Jamoat foydalanish joylarida internet xizmatlarini taqdim etish

139. Jamoat foydalanish joyining internet-provayderi quyidagi xizmatlarni taqdim etishi mumkin:

a) Internet tarmog‘idan foydalana olish;

b) Internet tarmog‘iga ulanish va tarmoq resurslaridan foydalanish masalalari bo‘yicha maslahatlar;

d) jamoat foydalanish joyi internet-provayderining kompyuteridan fayllarni foydalanuvchi kompyuteriga uzatish.

Jamoat foydalanish joyining internet-provayderi tomonidan qonunchilik hujjatlarida taqiqlanmagan boshqa xizmatlar ham ko‘rsatilishi mumkin.

140. Taqdim etilayotgan xizmatlar uchun tariflar jamoat foydalanish joyining internet-provayderi tomonidan mustaqil ravishda o‘rnatiladi.

8-§. Mobil aloqa xizmatlarini taqdim etish

141. Abonentlarga operator (provayder) tomonidan ko‘rsatiladigan mobil aloqa xizmatlarining ro‘yxati operatorga tegishli bo‘lgan mobil aloqa tarmog‘ining texnik imkoniyatlarini hisobga olgan holda operator (provayder) tomonidan belgilanadi.

142. Abonentlarga ko‘rsatiladigan mobil aloqa xizmatlari shartnoma shartlariga, shuningdek operatorning (provayderning) xizmatlar to‘g‘risidagi axborotiga muvofiq bo‘lishi kerak.

143. Operator (provayder) abonentga xizmat ko‘rsatish hududida mobil aloqa xizmatlaridan kechayu-kunduz foydalanish imkonini ta’minlashga majbur.

144. Operator (provayder) axborot-ma’lumot xizmati tizimiga ega bo‘lishi va pullik hamda bepul axborot-ma’lumot xizmatlarini ko‘rsatishga majbur.

Operator yoki provayder tarmoq ichida uning axborot-ma’lumot xizmatiga bepul qo‘ng‘iroqlar qilish imkonini ta’minlashi kerak.

145. Operator (provayder) pullik axborot-ma’lumot xizmatlarining ro‘yxatini mustaqil ravishda belgilaydi.

146. Operator (provayder) taqdim etiladigan xizmatlar, ularni taqdim etish va mobil aloqa xizmatlaridan foydalanish tartibi, ushbu xizmatlarga tariflar, mobil aloqadan foydalanishda cheklanishlar to‘g‘risida abonentlarni, shuningdek mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish uchun shartnomani tuzish istagi bo‘lgan jismoniy va yuridik shaxslarni xabardor qilishga majbur.

Xizmatlarning pullik ekanligi to‘g‘risida abonentlarni oldindan xabardor qilmasdan ayrim pullik xizmatlar uchun to‘lov undirilgan holda ushbu xatti-harakat ko‘rsatilmagan xizmatlar uchun undirilgan to‘lovga tenglashtiriladi.

Abonent – jismoniy shaxsdan tarif rejasi bo‘yicha abonent to‘lovi va resurslardan foydalanganlik uchun mablag‘ yechishda hisobni salbiy holatga keltirilishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

Tariflar, xizmatlarni ko‘rsatish tartibi, hisob-kitoblar shakli va tartibi o‘zgargan holda, operator (provayder) bu haqda ommaviy axborot vositalari orqali va operator (provayder) tomonidan tanlangan istalgan boshqa usulda abonentni xabardor qilishi lozim.

Operator tarmog‘ida mobil aloqa xizmatlari ko‘rsatilishining to‘xtalishiga olib keladigan yirik avariyalar yuz berganda hamda uchinchi shaxs talabi bo‘yicha ijara asosida o‘rnatilgan telekommunikatsiyalar inshootlarini ko‘chirish zarurati yuzaga kelganda operator (provayder) abonentlarni bu haqda, shuningdek xizmatlarni ko‘rsatish tiklanishining taxminiy muddatlari to‘g‘risida ommaviy axborot vositalari orqali yoki operator (provayder) tomonidan tanlangan istalgan boshqa usulda xabardor qilishga majbur.

9-§. Rouming xizmatini tashkil qilish va taqdim etish

147. Mobil aloqaning milliy rouming xizmati yuridik va jismoniy shaxslar – mahalliy operatorlarning (provayderlarning) abonentlariga ular O‘zbekiston Respublikasi hududida bo‘lganda xizmat ko‘rsatuvchi operatorlarning (provayderlarning) xizmat ko‘rsatish hududida mahalliy operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish hududining tashqarisida ular foydalanishlari uchun taqdim etiladi.

148. Mobil aloqaning xalqaro rouming xizmati yuridik va jismoniy shaxslar – mahalliy operatorlarning (provayderlarning) abonentlariga ular O‘zbekiston Respublikasining hududidan tashqarida bo‘lganda xorijiy operatorlar-rouming-sheriklarning xizmat ko‘rsatish hududida hamda yuridik va jismoniy shaxslar – xorijiy operatorlar-rouming-sheriklarning abonentlariga ular O‘zbekiston Respublikasi hududida mahalliy operatorlarning (provayderlarning) xizmat ko‘rsatish hududida bo‘lganda foydalanish uchun taqdim etiladi.

149. Milliy va xalqaro rouming xizmatlari, odatda avtomatik ravishda amalga oshiriladi.

Avtomatik roumingni tashkil qilishning imkoni bo‘lmaganda “mexanik” yoki “plastik” roumingni tashkil qilishga yo‘l qo‘yiladi.

Aynan bitta operator tarmog‘i ichida amalga oshiriladigan texnologik rouming (mobil operator tomonidan bir davlatning bir hududida qayd qilingan abonentga o‘sha davlatni boshqa hududida ham telekommunikatsiyalar xizmatlari taqdim qilinishi) rouming xizmati hisoblanmaydi.

150. Avtomatik roumingni tashkil qilishda O‘zbekiston Respublikasi telekommunikatsiyalar tarmoqlarida qabul qilingan signalizatsiya tizimlarining tegishli protokollari va spetsifikatsiyalaridan foydalanish kerak.

151. Rouming xizmatini taqdim etish mobil aloqa operatorlari (provayderlari) o‘rtasida rouming to‘g‘risidagi shartnoma asosida amalga oshiriladi.

152. Xalqaro roumingni tashkil qilish va taqdim etish shartnomasi O‘zbekiston Respublikasi mobil aloqa operatorlari (provayderlari) va xorijiy operatorlar o‘rtasida, milliy

roumingni esa O‘zbekiston Respublikasi mobil aloqa operatorlari (provayderlari) o‘rtasida tuziladi.

153. Mobil aloqa operatorlari (provayderlari) o‘rtasida rouming to‘g‘risidagi shartnoma qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda rasmiylashtiriladi va ro‘yxatga olinadi.

154. Rouming taqdim etish uchun rouming to‘g‘risidagi shartnomaning amal qilish muddati operator (provayder) litsenziyasining amal qilish muddatidan oshmasligi kerak.

155. Mahalliy operator (provayder) va xorijiy operator o‘rtasidagi rouming to‘g‘risidagi shartnoma xalqaro huquq normalariga va O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq tuziladi.

156. Mahalliy operator (provayder) mobil aloqa xizmatlarini taqdim etish uchun abonent bilan shartnoma tuzayotganda roumingni taqdim etish shartlari to‘g‘risida uni xabardor qilishi kerak.

157. Xizmat ko‘rsatuvchi operator abonentga uning mahalliy operator (provayder) bilan shartnoma munosabatlarida belgilangan xizmatlar ro‘yxatini taqdim etishga majbur.

158. Mahalliy operator (provayder) roumer haqiqiyligini identifikatsiyalamasdan xizmat ko‘rsatuvchi operator tomonidan rouming taqdim etilishi uchun javobgar bo‘lmaydi.

159. Rouming xizmati uchun abonent tomonidan mahalliy operatorga (provayderga) haq to‘lash ular o‘rtasida tuzilgan mobil aloqa xizmatlarini taqdim etish shartnomasining shartlariga muvofiq amalga oshiriladi.

160. Milliy rouming xizmatlarini taqdim etishda mahalliy operatorlar (provayderlar) o‘rtasida yuzaga kelgan nizolar O‘zbekiston Respublikasining qonunchilik hujjatlariga muvofiq sud tomonidan hal qilinadi.

161. Xalqaro rouming xizmatini taqdim etishda mahalliy operator (provayder) va xorijiy operator (yoki tizim hosil qiluvchi rouming-sherik) o‘rtasida yuzaga kelgan nizolar O‘zbekiston Respublikasining qonunchilik hujjatlari va xalqaro huquq normalariga muvofiq hal qilinadi.

162. Mahalliy va xizmat ko‘rsatuvchi operatorlar (provayderlar) roumingni tashkil qilishda axborot xavfsizligini ta’minlash talablariga rioya qilishlari shart.

163. Roumer-tashrif buyuruvchilarning foydalanuvchi qurilmalarini O‘zbekiston Respublikasi hududiga olib kirish O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchilik hujjatlari bilan tartibga solinadi.

10-§. Mobil aloqa tarmoqlarida abonent raqamlarini ko‘chirish xizmatini taqdim etish

164. Abonent uchun abonent raqamini ko‘chirish xizmati mobil aloqa operatorlari (provayderlari) tomonidan taqdim etiladi.

165. Abonent raqamini ko‘chirish abonentga 30 kun mobaynida ko‘pi bilan bir marta taqdim etiladi.

166. Ko‘chiriladigan raqamlar sifatida faqat mobil aloqa operatorlari (provayderlari) uchun ajratilgan raqamlar qo‘llanilishi mumkin.

Raqamni ko‘chirish oqibatida raqamni terish formatining o‘zgartirilishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

167. Qo‘zg‘almas telefon aloqasi tarmoqlarida ishlatilayotgan abonent raqamlarini, shu jumladan mobil aloqa tarmoqlariga va aksincha ko‘chirilishi taqiqlanadi, shuningdek yuridik shaxslarning abonent raqamlari donordan retsipiyentga faqat barchasi ko‘chirilayotganda yo‘l qo‘yiladi.

168. KRMB operatori abonent raqami ko‘chirilishini ta’minlash uchun mobil aloqa operatorlari (provayderlari) tomonidan taqdim etiladigan axborotni yig‘ish, uni qayta ishlash, saqlash va uzatish jarayonlarini avtomatlashtiradi va muvofiqlashtiradi.

169. Abonent raqamlarini ko‘chirish, ko‘chirilgan abonent raqamlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni o‘zgartirish, abonent raqamini ko‘chirish xizmatini to‘xtatib turish va ko‘chirilgan abonent raqamini birlamchi operatorga qaytarish jarayoniga tegishli axborot bilan almashish KRMB operatori orqali amalga oshiriladi.

170. KRMBni shakllantirish, yuritish, ishlashi va texnik kuzatuvi, shu jumladan undagi axborot va ma’lumotlarni yig‘ish, saqlash, qayta ishlash, uzatish, shuningdek KRMBdan foydalana olish imkoniyatini taqdim etish O‘zbekiston Respublikasining “Shaxsga doir ma’lumotlar to‘g‘risida”gi Qonuni talablariga rioya qilgan holda KRMB operatori tomonidan ta’minlanadi.

171. Abonent raqamini ko‘chirish jarayonini amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan ma’lumotlar mobil aloqa operatorlari (provayderlari) tomonidan KRMB operatoriga va aksincha O‘zbekiston Respublikasining “Shaxsga doir ma’lumotlar to‘g‘risida”gi Qonuni talablariga rioya qilgan holda taqdim etiladi.

172. Mobil aloqa tarmoqlari operatorlarining (provayderlarining) KRMBdan foydalanishi KRMB operatori va mobil aloqa tarmoqlari operatorlari (provayderlari) o‘rtasida tuzilgan shartnomaga muvofiq amalga oshiriladi.

173. KRMBda quyidagi axborotlar saqlanadi va (yoki) qayta ishlanadi:

mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish bo‘yicha boshqa mobil aloqa operatorlari (provayderlari) bilan yangi shartnomalarni tuzish vaqtida abonentlarda saqlanadigan ko‘chirilgan abonent raqamlari to‘g‘risida;

abonent raqamini ko‘chirish sanasi va vaqti to‘g‘risida;

raqamlash resursining mobil aloqa operatoriga (provayderiga) tegishliligini ko‘rsatib, belgilangan tartibda mobil aloqa operatorlariga (provayderlariga) ajratilgan raqamlash to‘g‘risida.

174. KRMB ishlashini va texnik kuzatuvini ta’minlash maqsadida KRMB operatori quyidagi tadbirlarni amalga oshiradi:

a) KRMB kechayu-kunduz ishlashini ta’minlash;

b) mobil aloqa operatorlari (provayderlari)dan kelib tushadigan ko‘chirilgan abonent raqamlari to‘g‘risidagi va raqamni to‘g‘ri ko‘chirishni amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan axborotni yig‘ish, saqlash va qayta ishlash;

d) KRMBdagi axborot muhofazasini ta’minlash;

e) abonent raqamini ko‘chirish va to‘g‘ri marshrutlashni amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan, KRMBda mavjud bo‘lgan axborotdan aloqa operatorlarining foydalana olish imkoniyatlarini taqdim etish.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

175. KRMBdagi axborotni muhofaza qilish, shuningdek undan foydalana olish qonunchilik hujjatlarida belgilangan talablarga rioya qilgan holda ta’minlanadi.

176. Mobil aloqa tarmoqlarida abonent raqamini ko‘chirish uchun talabnoma (bundan buyon matnda talabnoma deb yuritiladi) abonentdan quyidagi tartibda qabul qilinadi:

a) abonent retsipiyentning ofisida mijozlarga xizmat ko‘rsatish punktida shaxsini tasdiqlovchi hujjatini taqdim etgan holda;

b) abonent shaxsini tasdiqlovchi hujjatdagi ma’lumotlari kiritgan holda retsipiyentning rasmiy veb-saytida elektron ko‘rinishda;

d) abonent shaxsini tasdiqlovchi hujjatdagi ma’lumotlarni mobil ilova orqali elektron ko‘rinishda.

e) Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali.

Donor bilan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish to‘g‘risidagi shartnoma tuzilgan paytdan boshlab abonentda uning shaxsiy ma’lumotlarida o‘zgarishlar (donor bilan shartnoma tuzish vaqtida foydalanilgan shaxsni tasdiqlovchi hujjatlari almashganda) yuz bergan holda, talabnomani berishdan oldin donor bilan tuzilgan shartnomaga tegishli o‘zgartirishlar kiritilishi kerak.

177. Retsipiyentning ofisida mijozlarga xizmat ko‘rsatish punktida mobil aloqa tarmoqlarida abonent raqamlarini ko‘chirish abonentdan olingan talabnoma asosida 20 daqiqadan ko‘p bo‘lmagan vaqt davomida mobil aloqa operatori (provayderi) tomonidan ta’minlanadi.

178. Retsipiyent:

abonentdan talabnoma qabul qiladi;

talabnoma to‘g‘ri to‘ldirilganligini tekshiradi, uni ro‘yxatga oladi va KRMBga so‘rov yuboradi yoki KRMB tomonidan talabnomani mobil ilova orqali olinganligini tasdiqlaydi;

abonent bilan yangi shartnoma tuzadi va retsipiyentga biriktirilgan hamda abonent tomonidan talabnomada ko‘rsatilgan tarif rejasiga ulangan ushbu abonent nomiga rasmiylashtirilgan yangi SIM kartani beradi.

Elektron ro‘yxatdan o‘tgandan keyin abonent SIM-kartani olish va shartnomani imzolash uchun operator (provayder) ofisiga kelishi kerakligi to‘g‘risida xabardor qilinadi. Agar retsipiyent abonentga eSIMni qo‘llab-quvvatlaydigan qurilmalar uchun xizmatlarni taqdim etsa, operator (provayder) shartnomani masofadan tuzish imkoniyati bilan aktiv eSIMga raqam ko‘chirilishini taklif qilishi mumkin.

179. Abonent raqamini ko‘chirish rad etilganda abonent unga berilgan SIM-karta orqali retsipiyentning aloqa xizmatlaridan foydalanishni davom ettirishi mumkin.

Bunda, aynan shu retsipiyentga abonent raqamini ko‘chirish uchun talabnoma takroran berilganda aloqa xizmatlarini ko‘rsatish to‘g‘risida yangi shartnomani tuzish talab etilmaydi.

180. Retsipiyentdan abonent raqamini ko‘chirish to‘g‘risida KRMBga berilgan so‘rovda quyidagi ma’lumotlar bo‘ladi:

a) jismoniy shaxslar uchun:

abonentning ma’lumotlari (shaxsni tasdiqlovchi hujjat seriyasi, raqami, sanasi, JSHSHIR va berilgan organi);

abonent raqami;

b) yuridik shaxslar uchun:

tashkilotning STIR;

abonent raqamlarining ro‘yxati;

Bunda, agar abonent raqamlaridan bittasini bo‘lsa ham ko‘chirish rad etilgan bo‘lsa, u holda so‘rov ro‘yxatda aks ettirilgan barcha abonent raqamlari bo‘yicha to‘liq rad etilgan hisoblanadi.

181. KRMB operatori retsipiyentdan abonent raqamini ko‘chirish so‘rovini olganda quyidagi shartlarga rioya qilinganlik holatini tekshiradi:

KRMBda retsipiyent tomonidan mobil aloqa tarmoqlarida abonent raqamini ko‘chirish uchun so‘rovning to‘g‘ri to‘ldirilganligini.

Bunda, so‘rovning to‘g‘ri to‘ldirilganligi uning talabnoma talablariga muvofiq ravishda to‘liq, aniq va xatosiz rasmiylashtirilganligi bilan belgilanadi. Mazkur shart bajarilmagan taqdirda, KRMB operatori retsipiyentni xabardor qilgan holda talabnomani rad etadi. Retsipiyent aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etgach, KRMB operatoriga yangi so‘rovni yuboradi;

abonent raqamini ko‘chirish imkoniyatini tasdiqlash – oxirgi ko‘chirilgan paytdan boshlab kamida 30 kalendar kuni o‘tganligi, bundan xato ko‘chirilgan holatlar mustasno;

abonent raqamini ko‘chirish uchun aktiv talabnomalar yo‘qligi.

Ushbu bandning uchinchi va to‘rtinchi xatboshilaridagi shartlar bajarilmagan holda KRMB operatori retsipiyentga abonent raqamini ko‘chirish rad etilganligi to‘g‘risida xabar qiladi, bu haqda retsipiyentga SMS xabarni yuborish orqali, rad etish sababini ko‘rsatgan holda abonentni xabardor qiladi.

182. Retsipiyentdan abonent raqamini ko‘chirish to‘g‘risidagi so‘rov qabul qilinganda KRMB operatori donorga abonent raqamini ko‘chirish to‘g‘risidagi so‘rovni yuborib, retsipiyentga keyin ko‘rib chiqish uchun talabnoma qabul qilinganligi to‘g‘risida xabar qiladi.

183. Donor KRMB operatoridan abonent raqamini ko‘chirish so‘rovini olganda quyidagi shartlarga rioya qilinganligini tekshiradi:

abonent shaxsiy ma’lumotlarining ishonchliligini.

Bunda, ishonchlilik KRMBdan so‘rovda kelib tushgan shaxsiy ma’lumotlarning donor va abonent o‘rtasidagi mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish to‘g‘risidagi shartnomada ko‘rsatilgan ma’lumotlar bilan mosligi bilan aniqlanadi;

donor bilan tuzilgan aloqa xizmatlarini ko‘rsatish to‘g‘risidagi shartnoma bo‘yicha donor tomonidan tekshirish paytida abonent qarzlarining yo‘qligi, rouming xizmatlaridan tashqari;

abonentda donor oldidagi shartnoma bo‘yicha majburiyatlarining yo‘qligi.

Bunda, mazkur bandning uchinchi va to‘rtinchi xatboshilaridagi shartlar bajarilmagan holda KRMB operatori retsipiyentga abonent raqamini ko‘chirish rad etilganligi to‘g‘risida xabar qiladi, bu haqda retsipiyentga SMS xabarni yuborish orqali, rad etish sababini ko‘rsatgan holda abonentni xabardor qiladi.

184. Donor tomonidan talabnomani ko‘rib chiqish muddati KRMB operatoridan so‘rovni olgan paytdan boshlab hisoblanadi va 10 daqiqadan ko‘p bo‘lmagan vaqtni tashkil qiladi.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

Bunda, ko‘rib chiqish ajratilgan muddatdan oshib ketganda KRMB avtomatik ravishda retsipiyent va donorga abonent raqami ko‘chirilishi to‘g‘risida xabar qiladi, KRMB talabnomani o‘z vaqtida tasdiqlamagan donor tomonidan buzilishga yo‘l qo‘yilganligini qayd qiladi.

Retsipiyent donor tomonidan abonent raqamini ko‘chirilishiga ruxsat berilganidan so‘ng, abonentga mobil aloqa xizmatlarini aktivatsiya qiladi.

185. Donor tomonidan KRMB operatoriga abonent raqamini ko‘chirish mumkinligini tasdiqlash mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish to‘g‘risidagi shartnomani bekor qilish uchun asos bo‘lib hisoblanadi.

186. Donordan abonent raqamini ko‘chirish imkoniyati to‘g‘risida bildirishnomani olgandan keyin KRMB operatori retsipiyent va donorga abonent raqamini texnik ko‘chirish boshlanishi to‘g‘risida xabar qiladi, retsipiyent esa, o‘z navbatida, bu haqda SMS-xabarni yuborib abonentni xabardor qiladi.

187. KRMB operatoridan abonent raqamini texnik ko‘chirishni boshlash to‘g‘risidagi xabarni olgandan keyin:

retsipiyent abonent raqamini o‘z ma’lumotlar bazasiga kiritish, shu jumladan billing tizimlari va abonentlarni identifikatsiyalash ma’lumotlar bazasiga kiritish zarur xatti-harakatlarni bajaradi, shuningdek SIM-kartadagi vaqtincha raqamni talabnomada abonent tomonidan ko‘chiriladigan sifatida ko‘rsatilgan raqamga almashtiradi va KRMB operatoriga abonent raqamini o‘z tarmog‘ida ro‘yxatga olish ishlari tugallanganligi to‘g‘risida xabar qiladi;

donor abonent raqamini o‘z billing tizimidan chiqarish bo‘yicha kerakli ishlarni bajaradi va abonent deaktivatsiya qilinganligi to‘g‘risida KRMB operatoriga xabar qiladi.

188. KRMB operatori donordan raqam deaktivatsiya qilinganligi to‘g‘risida va retsipiyentdan abonent raqami ro‘yxatga olinganligi to‘g‘risidagi xabarlarni olgandan keyin abonent raqami ko‘chirilganligi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni KRMBga kiritadi hamda barcha operatorlarni (provayderlarni) ko‘chirilgan abonent raqami bo‘yicha marshrutlashni o‘zgartirish zarurligi to‘g‘risida xabardor qiladi.

Ajratilgan muddatdan oshib ketgan holda KRMB marshrutlash o‘zgarganligini o‘z vaqtida tasdiqlamagan operator (provayder) tomonidan buzilishga yo‘l qo‘yilganligini qayd qiladi. Buzilish to‘g‘risidagi bunday axborot keyinchalik nazorat qiluvchi vakolatli organni xabardor qilish uchun KRMB bazasida ro‘yxatga olinadi.

189. Operatorlar (provayderlar) KRMBdan operatoridan xabarni olgandan keyin ko‘chirilgan abonent raqami bo‘yicha marshrutlashga o‘zgartirishlar kiritadilar va o‘z tarmoqlarida ishlar tugatilganligi to‘g‘risida KRMB operatoriga tasdiq yuboradilar.

190. KRMB operatori ko‘chirilgan abonent raqami bo‘yicha marshrutlash o‘zgarganligi to‘g‘risida operatorlardan (provayderlardan) tasdiqni olganlaridan keyin yoki bu operatsiya uchun ajratilgan muddat oshib ketgan holda barcha operatorlarga (provayderlarga) abonent raqamini ko‘chirish muvaffaqiyatli tugallanganligi to‘g‘risida xabar yuboradi. Ajratilgan muddat oshib ketgan holda KRMB marshrutlash o‘zgarganligini o‘z vaqtida tasdiqlamagan operator (provayder) tomonidan buzilishga yo‘l qo‘yilganligini qayd qiladi. Buzilish to‘g‘risidagi bunday axborot keyinchalik O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar

vazirligi huzuridagi Axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat bo‘yicha inspeksiyasini xabardor qilish uchun KRMBda ro‘yxatga olinadi.

191. Retsipiyent KRMB operatoridan abonent raqamini ko‘chirish muvaffaqiyatli tugallanganligi to‘g‘risidagi xabarni olgandan keyin bu haqda ko‘chirilgan raqamli SIM kartaga SMS-xabarni yuborish orqali abonentni xabardor qiladi.

192. Donor tomonidan abonent raqamining ko‘chirilishi to‘g‘risida so‘rov tasdiqlanguncha abonent abonent raqamini ko‘chirish xizmatlarini rad etishi mumkin.

193. Avval bir operatordan (provayderdan) boshqa operatorga (provayderga) ko‘chirilgan abonent raqamini ko‘chirish jarayoni abonentning talabnomasi bo‘yicha mazkur Qoidalarning 182– 194-bandlarida ko‘rsatilgan ketma-ketlikda bajariladi.

194. KRMB operatori orqali abonent raqamini ko‘chirish protseduralari bilan bog‘liq barcha xatti-harakatlar so‘rov olinganligini majburiy sinxron tasdiqlagan holda bajariladi.

195. Aloqa tarmoqlarida ko‘chirilgan abonent raqamlari uchun ulanishlarning marshrutlanishini ta’minlash uchun quyidagi texnologiyalar qo‘llaniladi:

a) mobil aloqa tarmoqlaridan chaqiruvni boshlab berishda ko‘chirilgan raqamlarning lokal bazasidan foydalangan holda “All Call Query”;

b) qayd qilingan aloqa tarmoqlaridan chaqiruvni boshlab berishda “All Call Query” yoki “Onward Routing”.

196. Operator (provayder) quyidagilarni ta’minlaydi:

ko‘chirilgan abonent raqamlariga o‘z tarmog‘idan ulanishlarni to‘g‘ri marshrutlashni ta’minlash uchun zarur bo‘lgan ko‘chirilgan raqamlarning lokal bazasini shakllantirish, uning ishlashi va texnik kuzatish;

KRMB operatoriga talabnomada abonent tomonidan ko‘rsatilgan abonent raqamlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni taqdim etish;

ko‘chirilgan abonent raqamlarini o‘zining raqamlash resursiga kiritish va mazkur Qoidalarida belgilangan tartibda tuzilgan shartnomaning amal qilish muddatida mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish;

o‘zining axborot tizimlarida abonentlarga berilgan abonent raqamlari hamda ko‘chirilgan va qabul qilingan abonent raqamlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarning to‘g‘riligini va aktualligini;

donor tomonidan boshqa operatorning tarmog‘iga ko‘chirilishi kerak bo‘lgan raqamning berilishi;

abonent raqamini ko‘chirish va ko‘chirilgan abonent raqami bo‘yicha o‘z tarmoqlarida xizmatlarni lozim darajada ko‘rsatish uchun o‘z tarmoqlarini texnik jihatdan tayyorlash;

foydalanilayotgan texnologiya, taqdim etilayotgan mobil aloqa xizmatining turi, abonent tomonidan aloqa xizmatlariga haq to‘lash usulidan qat’i nazar mobil aloqa tarmoqlarida abonent raqamlarini ko‘chirish;

aholiga mobil aloqa tarmoqlarida abonent raqamlarini ko‘chirish shartlari to‘g‘risidagi axborotni taqdim etish;

raqamni ko‘chirish mumkinligini oldindan tekshirish xizmatini ko‘rsatish uchun shart-sharoit yaratish va abonentga tekshiruv natijalari hamda rad etilganda sabablari ko‘rsatilgan holda asoslangan rad javobini berish;

belgilangan muddatlarda retsipiyent va abonent o‘rtasida shartnoma bekor qilinganda ko‘chirilgan abonent raqamini birlamchi operatorga qaytarish, bundan abonent raqamini ko‘chirish bilan bog‘liq shartnomani bekor qilish holatlari bundan mustasno.

197. KRMB operatori quyidagilarni ta’minlaydi:

KRMBni shakllantirish va texnik kuzatish hamda operatorlar (provayderlar) tomonidan abonent raqamlarini ko‘chirish uchun uning resurslaridan foydalana olish imkonini yaratish;

abonent raqamlarini ko‘chirish jarayonida yuzaga keladigan masalalar bo‘yicha operatorlar (provayderlar) o‘rtasida o‘zaro ishlashni tashkil etish;

KRMBning ko‘chirilgan abonent raqamlari to‘g‘risidagi axborotni aktuallashtirish (ma’lumotlarni sinxronlash) uchun KRMBga ulangan operatorlarning (provayderlarning) ko‘chirilgan raqamlarning lokal bazasi bilan o‘zaro ishlashi;

ko‘chirilgan abonent raqamlari to‘g‘risidagi axborotni KRMBga kiritish (abonent raqamlarini ko‘chirish jarayonida axborotni yangilash);

KRMBda saqlanayotgan ma’lumotlarni ruxsatsiz foydalana olishdan himoyalash;

operatorlarni (provayderlarni) ko‘chirilgan abonent raqamiga xizmat ko‘rsatuvchi mobil aloqa operatorining (provayderining) almashganligi to‘g‘risida xabardor qilish.

198. Abonent raqamlarini ko‘chirish jarayonida yuzaga keladigan retsipiyent va donorning o‘zaro ishlashlari faqat KRMB operatori orqali amalga oshiriladi.

199. KRMBda abonent raqamlarini ko‘chirish jarayoni, shu jumladan axborot almashish jarayoni avtomatlashtirilgan rejimda amalga oshiriladi.

200. Mobil aloqa operatorlari (provayderlari) o‘z tarmoqlarida abonent raqamining ko‘chirilishini ta’minlash bo‘yicha barcha xarajatlarini, shu jumladan KRMBga ulanish va abonentlarga ko‘chirish jarayonlarida ko‘zda tutilgan SMSlarni jo‘natish uchun aloqa kanallarini ijaraga olish xarajatlarini o‘z hisoblaridan amalga oshiradilar.

201. Mobil aloqa operatorlari (provayderlari) tomonidan abonent raqamlaridan, shu jumladan ko‘chirilgan abonent raqamlaridan foydalanganlik uchun to‘lov abonentga mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatuvchi operator (provayder) tomonidan amalga oshiriladi.

Abonent raqamini ko‘chirish xizmati uchun abonent tomonidan to‘lanadigan haq miqdori retsipiyent tomonidan mustaqil ravishda belgilanadi.

202. Abonent tomonidan abonent raqamini ko‘chirish xizmati uchun to‘lanadigan haq bir martalik hisoblanadi va mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish to‘g‘risidagi shartnomani tuzishda retsipiyentga to‘lanadi.

203. Operator (provayder) va KRMB operatorining o‘zaro ishlashi va o‘zaro hisob-kitoblari jarayoni operator (provayder) va KRMB operatori o‘rtasida tuzilgan shartnoma bilan belgilanadi.

204. Mobil aloqa tarmoqlarida abonent raqami ko‘chirilganda abonentning shaxsiy hisob raqamida sarflanmagan pul mablag‘lari mavjud bo‘lganda, ushbu mablag‘larni qaytarish mazkur Qoidalarga va donor bilan tuzilgan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasiga muvofiq donor tomonidan amalga oshiriladi.

Telefon aloqa tarmoqlaridan chaqiruv boshlanganida “Onward Routing” xizmatlari taqdim etilganligi uchun telefon va mobil aloqa tarmoqlarining operatorlari (provayderlari)

o‘rtasidagi o‘zaro hisob-kitoblar ushbu operatorlar (provayderlar) o‘rtasida tuzilgan shartnoma shartlari bilan belgilanadi.

205. Abonentning donor oldida ko‘chirilgan raqam bo‘yicha ko‘rsatilgan rouming xizmatlari uchun qarzdorligi mavjud bo‘lganda donor abonent raqami retsipiyent tarmog‘iga ko‘chirilgan sanadan boshlab 30 kun davomida ko‘rsatilgan rouming xizmatlariga haq to‘lash uchun hisobni taqdim etish huquqiga ega.

Bunda, donor KRMB operatori orqali abonent raqamini, qarzdorlik summasini va qarzdorlikni to‘lash muddatini ko‘rsatgan holda retsipiyentga so‘rov yuboradi. Qarzdorlikni bartaraf etish (to‘lash) muddati 7 ish kunidan oshmasligi kerak.

KRMB operatori donorning ko‘chirilgan abonent raqamining qarzdorligi to‘g‘risida retsipiyent yuborilgan so‘rovini olganda, so‘rovning 30 kun davomida taqdim etilganligi tekshiriladi, agar so‘rov ushbu muddatga rioya qilingan holda yuborilganda KRMB operatori donorning so‘rovini tasdiqlab va retsipiyentga abonent tomonidan qarzdorlikni to‘lash zarurligi to‘g‘risida xabar yuboradi, agar so‘rov ushbu muddatda taqdim etilmaganligi aniqlanganda, KRMB operatori donorga so‘rovning rad etilishi haqida xabar yuboradi.

Retsipiyent KRMB operatoridan ko‘chirilgan abonent raqami bo‘yicha abonent tomonidan qarzdorlikni to‘lash to‘g‘risidagi xabarnomani olgan paytdan boshlab 15 daqiqa ichida quyidagilar haqida xabardor qiladi:

abonentning donor oldidagi qarzdorligini to‘lash zarurligi to‘g‘risida SMS-xabarnomani jo‘natish yo‘li bilan;

abonentni xabardor qilish vaqti to‘g‘risida KRMB operatorini.

KRMB operatori retsipiyent tomonidan abonent xabardor qilingan paytidan boshlab abonentning qarzdorligini to‘lash uchun belgilangan vaqtni hisoblash boshlanganligini KRMBda qayd qiladi va bu haqda donorni xabardor qiladi.

Abonent tomonidan qarzdorlikni bartaraf etish to‘g‘risida retsipiyentdan xabarnoma olingan vaqtdan boshlab 7 ish kuni davomida qarzdorlik bartaraf etilmagan (to‘lanmagan) taqdirda, donor KRMB operatoriga retsipiyent tomonidan abonent uchun aloqa xizmatlarini blokirovka qilish so‘rovini yuboradi.

Retsipiyent abonent donor oldidagi qarzdorligini to‘liq to‘laguniga qadar KRMB operatoridan xabarnomani olgan paytdan boshlab abonentga xizmatlar ko‘rsatishni to‘xtatadi. Bunda, retsipiyent abonentga qarzdorlikni to‘lash zarurligi to‘g‘risida SMS xabarni yuboradi.

Abonent qarzdorligini bartataraf etganda (to‘laganda), donor 15 daqiqa ichida KRMB operatoriga qarzdorlik to‘langanligi va abonent raqami blokirovkadan chiqarilganligi to‘g‘risida xabar yuboradi, bu haqda KRMB operatori retsipiyentga xabar qiladi.

206. Retsipiyent bilan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi bekor qilinganda, ko‘chirilgan abonent raqami bir ish kuni ichida birlamchi operatorga qaytarilishi kerak.

Bunda, retsipiyent tomonidan KRMB operatoriga abonent raqamini birlamchi operatorga qaytarish to‘g‘risidagi so‘rov (bundan buyon matnda so‘rov deb yuritiladi) yuboriladi.

207. KRMB operatori quyidagi hollarda abonent raqamini qaytaradi:

raqam retsipiyentga tegishli bo‘lganda;

raqamni ko‘chirish aktiv jarayoni bo‘lganda yoki bo‘lmaganda;

raqamni qaytarish so‘rovining formati to‘g‘ri to‘ldirilganda.

208. So‘rov tasdiqlaganda KRMB operatori retsipiyentga va birlamchi operatorga raqamni qaytarish to‘g‘risida xabarnoma yuboradi, bunda parallel ravishda operatorlarni (provayderlarni) tarmoqda konfiguratsiyaning o‘zgarishi va marshrutlashni o‘zgartirish zarurligi to‘g‘risida xabardor qiladi.

209. Birlamchi operator KRMB operatori orqali retsipiyentni qaytarilgan abonent raqami olinganligi to‘g‘risida xabardor qiladi.

210. Abonent raqami xato ko‘chirilganda retsipiyent KRMB operatoriga aniqlangan xato va abonent raqamining qaytarilishi to‘g‘risida xabar yuboradi.

211. KRMB operatori abonent raqamini qaytarish mumkinligini, abonent raqamining donorga tegishliligini, aktiv ko‘chirish jarayoni borligini tekshiradi. Tekshiruv muvaffaqiyatli o‘tganda, KRMB operatori retsipiyentga abonent raqamini qaytarish va donorga xato raqamni qaytarish to‘g‘risida xabar yuboradi.

Abonent raqamini xato ko‘chirishni qaytarish so‘rovida xatoliklar aniqlanganda KRMB operatori retsipiyentga abonent raqami xato ko‘chirilganligini qaytarishni rad etish to‘g‘risida xabar yuboradi.

Retsipiyent xatolarni bartaraf etadi va KRMB operatoriga qayta so‘rovni yuboradi.

212. Donor KRMB operatoridan xato ko‘chirilgan abonent raqami qaytarilganligi to‘g‘risidagi xabarni olib, so‘rovni tekshiradi.

213. Abonent raqami xato ko‘chirilganligi aniqlangan holda, bunday abonent raqamini qaytarish jarayoni abonentning yozma arizasi yoki donorning axborot-ma’lumot xizmatiga murojaati asosida donor tomonidan boshlab beriladi. Bunda, abonentning aybi bilan bo‘lmagan xato ko‘chirilgan abonent raqamini qaytarish uchun to‘lov undirilmaydi.

214. Donor KRMB operatoriga xato ko‘chirilgan abonent raqamini qaytarish to‘g‘risidagi so‘rovni yuboradi.

215. KRMB operatori xato ko‘chirilgan abonent raqamini qaytarish so‘rovini olganda uni abonent raqamini ko‘chirish mumkinligi yuzasidan tekshiradi, bu jarayon quyidagilardan iborat:

abonent ma’lumotlarini to‘ldirish;

ushbu abonent raqamini ko‘chirish uchun aktiv talabnomalarning borligi.

216. Tekshiruv muvaffaqiyatli bo‘lgan holda KRMB operatori donorga so‘rovni olganligini tasdiqlaydi va uni xato ko‘chirilgan abonent raqami bo‘lgan mobil aloqa operatoriga (provayderiga) yuboradi.

217. Xato ko‘chirilgan abonent raqamini qaytarish so‘rovida xatoliklar aniqlanganda KRMB operatori donorga sababini ko‘rsatgan holda xato ko‘chirilgan abonent raqamining qaytarilishi rad etilganligi to‘g‘risida xabar yuboradi.

218. Mobil aloqa operatori (provayderi) KRMB operatoridan xato ko‘chirilgan abonent raqami qaytarilganligi to‘g‘risidagi xabarni olib, so‘rovni tekshiradi. Tekshiruv natijalari bo‘yicha xato ko‘chirilgan abonent raqami bo‘lgan mobil aloqa operatori (provayderi) KRMB operatoriga xato ko‘chirilgan abonent raqamini qaytarish boshlanganligini yoki u rad etilganligini tasdiqlaydi.

Bunda, mobil aloqa xizmatlari uchun yuzaga kelgan abonentning qarzdorligi retsipiyent tomonidan qoplanadi.

219. Agar xato ko‘chirilgan abonent raqami bo‘lgan mobil aloqa operatori (provayderi) 1 daqiqa ichida xato ko‘chirilgan abonent raqamini qaytarish yoki rad etish tasdiqlanganligi to‘g‘risida KRMB operatorini xabardor qilmasa, KRMB operatori donorga xato ko‘chirilgan abonent raqami qaytarilganligini tasdiqlash to‘g‘risida avtomatik ravishda xabar qiladi.

220. Donor KRMB operatoridan xato ko‘chirilgan abonent raqami qaytarilganligi to‘g‘risida xabar olgan paytdan boshlab 1 daqiqa ichida abonentga xizmatni aktivatsiya qiladi. Xizmatlar muvaffaqiyatli aktivatsiya qilingandan keyin donor KRMB operatoriga abonent raqami aktivatsiya qilinganligini tasdiqlaydi.

221. KRMB operatori xato ko‘chirilgan abonent raqami bo‘lgan mobil aloqa operatoriga (provayderiga) abonent raqami muvaffaqiyatli aktivatsiya qilinganligi to‘g‘risida va operatorlarga – tarmoqdagi marshrut raqami (routing number, RN) o‘zgarganligi to‘g‘risida xabar yuboradi.

Bunda, xato ko‘chirilgan abonent raqami bo‘lgan mobil aloqa operatori (provayderi) 1 daqiqa ichida abonent raqamini deaktivatsiya qiladi.

222. Operator (provayder) KRMB operatoridan xabar olgan paytdan boshlab 1 daqiqadan kechiktirmay ko‘chirilgan abonent raqami bo‘yicha marshrutlashga o‘zgartirishlar kiritadi va KRMB operatoridan xabarni olgan paytdan boshlab 10 daqiqadan kechiktirmay KRMB operatoriga o‘z tarmog‘ida marshrutlash o‘zgarganligini tasdiqlaydi.

223. Xizmatlar, tarif rejasi, xato ko‘chirilgan abonent raqami balansi xato ko‘chirish paytidagi holatgacha donor tomonidan tiklanadi.

11-§. Televideniye xizmatlarini tashkil qilish va taqdim etish

224. Eshittiruvchi, operator, provayder televideniye xizmatlari faoliyatini litsenziya asosida amalga oshiradi.

225. Eshittiruvchi qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda ommaviy axborot vositasi sifatida davlat ro‘yxatidan o‘tgan bo‘lishi shart, bundan teleradio dasturlariga va signallariga ishlov bermasdan, retranslyatsiya qiluvchilar mustasno.

226. Eshittiruvchi dasturlarini tarqatish (translyatsiya, retranslyatsiya qilish) va sotish, shuningdek olingan dasturlarni tarqatish (translyatsiya, retranslyatsiya qilish) va sotish faoliyatini xususiy yoki alohida mualliflik shartnomalari asosida amalga oshiradi.

227. Televideniye tarmoqlari orqali qonunchilik bilan taqiqlangan ma’lumotlarni tarqatishga yo‘l qo‘yilmaydi. Reklama va e’lonlar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda tarqatiladi.

228. Eshittiruvchi, operator, provayder tomonidan ko‘rsatiladigan televideniye xizmatlarining turlari va ro‘yxati televideniye tarmog‘ining texnik imkoniyatlari, yer usti va yo‘ldosh efir eshittirish dasturlari signallarini qabul qilish shartlari va abonentlar ehtiyojlariga asosan belgilanadi.

229. Quyidagilar televideniyening yordamchi xizmatlari hisoblanadi:

foydalanuvchi qurilmasini ulash sxemasini o‘zgartirish, yangi elementlarni montaj qilish va ulash;

abonent tarmog‘i yoki qurilmasini abonentning talabnomasiga ko‘ra vaqtinchalik o‘chirish va qaytadan ulash;

abonent liniyalari (abonent tarmog‘i), abonent rozetkalari, abonent antennasi va abonent kabellarini almashtirish, montaj qilish, ulash (o‘chirish);

abonent liniyasi (abonent tarmog‘i), abonent rozetkalari, kabellari va uskunasini ta’mirlash, sozlash va unga texnik xizmat ko‘rsatish;

foydalanuvchi qurilmasini sozlash ishlari xizmat ko‘rsatuvchi tomonidan tarqatilayotgan signal parametrlariga o‘zgartirishlar kiritilishi natijasida sodir bo‘lishi bundan mustasno.

230. Yordamchi xizmatlar televideniye xizmatlarini ko‘rsatish uchun tegishli litsenziyaga ega bo‘lgan yuridik shaxslar tomonidan ham ko‘rsatilishi mumkin. Ushbu xizmatlarning narxi televideniye xizmatlariga tariflarni aniqlashda hisobga olinadi.

231. Televideniye xizmatlari televideniye tarmoqlari eshittiruvchilari (operatorlari, provayderlari) abonentlar bilan yozma yoki elektron shaklda tuziladigan shartnomalar asosida ko‘rsatiladi.

232. Televideniye xizmatlarini ko‘rsatish quyidagi hollarda to‘xtatib turiladi:

televideniye dasturlari, radiodasturlar yoki telekommunikatsiyalarning boshqa xabarlari signallarini operatorga (provayderga) bog‘liq bo‘lmagan sababga ko‘ra televideniye tarmog‘ining kirishiga berish, jumladan dasturlarni efir orqali translyatsiya qilish to‘xtatilganda;

televideniye tarmog‘ida rejali profilaktika yoki ta’mirlash ishlarini bajarish vaqtida yoki foydalanuvchi qurilmasiga elektr energiyasining berilishi to‘xtatilganda;

televideniye tarmog‘i orqali odamlarning dengizdagi, yerdagi, havodagi, kosmik fazodagi xavfsizligiga, mudofaa, xavfsizlik va huquq-tartibotni saqlash sohasidagi kechiktirib bo‘lmaydigan tadbirlarni o‘tkazishga taalluqli barcha xabarlarga, shuningdek yirik avariyalar, falokatlar, epidemiyalar, yong‘inlar va boshqa favqulodda vaziyatlar haqidagi xabarlar tarqatilayotganda.

233. Televideniye xizmatlari abonent xonalaridagi parametrlar soz holatda ishlaydigan abonent tarmog‘i va foydalanuvchi qurilmasi mavjud bo‘lganda ko‘rsatiladi.

234. Televideniye xizmatlarining ko‘rsatilishi odamlarning sog‘lig‘i yoki xavfsizligiga tahdid solsa, xizmatlar ko‘rsatish rad etilishi mumkin. Abonentga televideniye xizmatlari ko‘rsatishning rad etish sabablari operator (provayder) tomonidan asoslab berilishi kerak.

12-§. Televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish hamda tarqatish xizmatlarini ko‘rsatish

235. Televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish texnik vositalaridan foydalanuvchi yuridik shaxs (bundan buyon matnda ijrochi deb yuritiladi) boshqa yuridik shaxslarga (bundan buyon matnda buyurtmachilar deb yuritiladi) mazkur texnik vositalarda tashkil etilgan kanallarni taqdim etish orqali televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini ko‘rsatishi mumkin.

236. Buyurtmachi ommaviy axborot vositasi davlat ro‘yxatdan o‘tkazilganligi to‘g‘risidagi guvohnoma hamda mazkur faoliyat turiga litsenziya olguniga qadar ijrochiga u bilan televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini ko‘rsatish

uchun shartnoma tuzishning boshlang‘ich shartlarini bilish maqsadida murojaat qilishi mumkin.

237. Ijrochi buyurtmachining murojaatini olgandan so‘ng 30 kun ichida unga shartnoma tuzishga roziligini yoki shartnomani boshqacha shartlarda tuzishni, buyurtmachi litsenziya olishi uchun zarur bo‘lgan unga ajratilayotgan telekommunikatsiyalar vositalarining texnik ko‘rsatkichlarini keltirgan holda javobni yoki asoslangan rad javobini yuboradi.

238. Buyurtmachi qonunchilik hujjatlari asosida faqat ikki tomonlama shartnomani rasmiylashtirganidan so‘ng televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini olishi mumkin.

239. Shartnoma tomonlarning biri shartnoma tuzishga taklif yuborishi va ikkinchi tomon taklifni qabul qilishi orqali tuziladi. Buyurtmachida belgilangan tartibda olingan ommaviy axborot vositasi ro‘yxatdan o‘tkazilganligi to‘g‘risidagi guvohnoma hamda mazkur faoliyat turiga litsenziya mavjud bo‘lgandagina televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini ko‘rsatishga shartnoma tuziladi.

Bunda, buyurtmachi ijrochining, ijrochi esa buyurtmachining litsenziyasi nusxasiga ega bo‘lishlari kerak.

240. Televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini ko‘rsatishga shartnoma tuzish uchun buyurtmachi ijrochiga quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

litsenziya nusxasi;

belgilangan shakldagi buyurtmachining ommaviy axborot vositasi sifatida ruyxatdan o‘tkazilganligi to‘g‘risidagi guvohnoma nusxasi;

televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish texnik vositalariga kirish huquqiga ega shaxslarning, shuningdek ularning pasporti, identifikatsiyalovchi ID-kartasi yoki shaxsini tasdiqlovchi boshqa hujjati ma’lumotlari ilova qilingan ro‘yxati;

buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish kanallarining oylik yuklamasi rejasi;

ijrochining texnik vositalari kirishiga televideniye va radioeshittirish signallarini beruvchi qurilmalarning, shuningdek ularning texnik parametrlari ko‘rsatilgan ro‘yxati.

241. Shartnoma buyurtmachi va ijrochi tomonidan imzolangan sanadan boshlab tuzilgan hisoblanadi va tomonlar uchun majburiy bo‘ladi. Tomonlar o‘zlari tuzgan shartnomaning shartlari ular o‘rtasida shartnoma tuzgunga qadar yuzaga kelgan munosabatlarga nisbatan ham qo‘llanilishini belgilab qo‘yishga haqlidirlar.

242. Shartnoma buyurtmachi va ijrochi litsenziyalarining amal qilish muddatidan ortiq bo‘lmagan muddatga tuziladi.

243. Litsenziyaning amal qilish muddati uzaytirilganda shartnoma tomonlarning kelishuviga binoan litsenziyaning yangi amal qilish muddatigacha bo‘lgan muddatga uzaytirilishi mumkin.

244. Shartnomada ajratiladigan qurilmalar turi, kanallar raqami va masofasi, ulanish nuqtalari va tomonlarning javobgarlik taqsimoti chegaralari, o‘rtacha kunlik yuklama, ko‘rsatiladigan xizmatlarning amaldagi tarifi (preyskurant), yillik va choraklar bo‘yicha narxi, avvaldan to‘lov foizi va televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini ko‘rsatishga taalluqli boshqa ma’lumotlar ko‘rsatilishi lozim.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

245. Shartnomaga muvofiq televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish uchun ajratilgan telekommunikatsiyalar vositalarining ishlashida ijrochining aybi bilan yuzaga kelgan texnik to‘xtashlilar hamda ijrochi tomonidan qurilmalarni rejadan tashqari (avariya holatlari) texnik ta’mirlash va ko‘rikdan o‘tkazish vaqtlari uchun buyurtmachi to‘lovlarni amalga oshirmaydi.

246. Televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlari buyurtmachisi ijrochiga bog‘liq bo‘lmagan sabablarga ko‘ra belgilangan muddatga televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini qabul qilib ololmasa, buyurtmachi xizmatlar haqini shartnomada ko‘rsatilgan muddatdan boshlab to‘laydi.

247. Shartnomada, shuningdek quyidagi holatlarda buyurtmachi tarif bo‘yicha to‘lovlarni amalga oshirishi ko‘rsatilishi lozim:

buyurtmachi bilan bog‘liq bo‘lgan sabablarga ko‘ra to‘xtab turish vaqti;

buyurtmachining aybi bilan ro‘y bergan televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish kanallari, sun’iy yo‘ldosh televideniye stansiyasi, kam quvvatli retranslyatorlar va yuqori quvvatli radiotelevideniye uzatish stansiyalari ishidagi 30 daqiqadan kam davomiylikdagi to‘xtalishlar vaqti;

rejadan tashqari uzatishlar, shu jumladan texnik sinovning ma’lum qilingan vaqti;

efirga uzatish davrida buyurtmachi va/yoki ijrochi tomonidan teleradiostansiya va antennani qayta sozlashning 30 daqiqagacha bo‘lgan vaqti;

efirga uzatish yoki dasturlarni uzatish (peregon) oldidan buyurtmachi va/yoki ijrochi tomonidan telekommunikatsiyalar vositalarini tayyorlash vaqti – 10 daqiqa;

telekommunikatsiyalar vositalaridan amalda ishlagan, lekin kafolatlangan yuklamadan kam bo‘lmagan vaqt foydalanilishi.

248. Xorijiy televideniye va radioeshittirish dasturlarini O‘zbekiston Respublikasi hududida retranslyatsiya qilish tegishli qonunchilik hujjatlari va O‘zbekiston Respublikasi xalqaro shartnomalari asosida amalga oshiriladi.

249. Ijrochi va buyurtmachi o‘rtasida televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasining shartlaridan kelib chiquvchi tushunmovchiliklar va nizolar muzokaralar asosida hal etiladi yoki manfaatdor tomonning murojaati bo‘yicha sudda ko‘rib chiqiladi.

250. Ijrochi televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini ko‘rsatish uchun zarur bo‘lgan, shartnomada ko‘rsatilgan texnik vositalarni kafolatlangan yuklamaga muvofiq ajratishga majbur:

televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish uchun shaharlararo kanallar va ulanish liniyalarini, ularning ajratilishini hisobga olgan holda;

yuqori quvvatli va kam quvvatli televideniye va radioeshittirish uzatkichlarini antenna-fider qurilmalari bilan;

sun’iy yo‘ldosh televideniye va/yoki radioeshittirish qabul qilish va uzatish stansiyalarini.

251. Ijrochi boshqa buyurtmachilarga televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlarini quyidagi holatlarda ko‘rsatadi:

amaldagi shartnomaga ega buyurtmachining yuklamasidan ozod bo‘lgan vaqt davrida;

amaldagi shartnomaga ega buyurtmachiga xizmat ko‘rsatishda qo‘llanilmayotgan qo‘shimcha televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish texnik vositalaridan va/yoki kanallaridan foydalanganda.

252. Xizmatlarni ko‘rsatish bo‘yicha tuzilgan shartnoma shartlariga muvofiq buyurtmachi televideniye va radioeshittirish dasturlari translyatsiyasini ijrochining televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish qurilmalariga qadar tegishli kanal mavjud bo‘lganda o‘z studiyasidan yoki ijrochining studiyasidan amalga oshiradi.

253. Zaruratga ko‘ra buyurtmachi o‘z studiyasidan ijrochining qurilmalariga qadar uzatish kanalini tashkil etadi hamda ijrochi ham buyurtmachi studiyasidan ijrochining qurilmalariga qadar uzatish kanalini tashkil etishni taklif etishi mumkin.

254. Televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlari ijrochisi ko‘rsatilayotgan televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish xizmatlari uchun har oyda shartnomada belgilangan miqdorda bo‘nak to‘lovini oladi.

255. Shartnomaning amal qilish muddati tugaganida ijrochi va buyurtmachi bo‘nak to‘lovini va xizmatning amalda ko‘rsatilgan vaqtini hisobga olgan holda yakuniy o‘zaro hisob-kitobni amalga oshirishadi.

256. Taqdim etilgan televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish kanallari orqali, tarqatish manbasidan tarkibi o‘zgarmasdan tarqatilayotgan televideniye va radioeshittirish dasturlarining mazmuni uchun buyurtmachi javobgardir.

257. Ijrochining televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish kanallari kirishiga berilayotgan televideniye va radiosignallar parametrlari belgilangan talablarga mos bo‘lishi lozim va bular buyurtmachi tomonidan ta’minlanadi.

258. Ijrochining televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish texnik vositalarining sifat ko‘rsatkichlari belgilangan talablarga mos bo‘lishi lozim.

259. Televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish texnik vositalarining parametrlari, shuningdek ko‘rsatilayotgan xizmatlar sifatining nazorati O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi huzuridagi Axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat inspeksiyasi tomonidan amalga oshiriladi.

260. Ijrochi odamlarning dengizdagi, yerdagi, havodagi, kosmik fazodagi xavfsizligiga, mudofaa, xavfsizlik va huquq-tartibotni saqlash sohasidagi kechiktirib bo‘lmaydigan tadbirlarni o‘tkazishga taalluqli barcha xabarlariga, shuningdek yirik avariyalar, falokatlar, epidemiyalar, yong‘inlar va boshqa favqulodda vaziyatlar haqidagi xabarlarini tarqatish uchun buyurtmachining televideniye va radioeshittirish dasturlarini translyatsiyadan chiqarish (yoki to‘xtatish) huquqiga ega.

Bunda, favqulodda vaziyatlarda yoki favqulodda holatda tomonlarga yetkazilgan zararlar davlat budjeti mablag‘lari hisobidan qoplanadi.

261. Ijrochi avariya holatlarida shartnomaga muvofiq ajratilgan texnik vositalarni o‘chirib qo‘yish huquqiga ega. Texnik imkoniyat mavjud bo‘lganda ijrochi buyurtmachini avariya va eshittirishni ta’minlash bo‘yicha ko‘rilayotgan choralar to‘g‘risida ogohlantirgan holda televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatishning aylanma (zaxira) traktini taqdim etadi.

13-§. Mobil aloqa abonentlariga kontent xizmatlarini taqdim etish

262. Kontent xizmatlari kontent provayderlari tomonidan litsenziya asosida taqdim etiladi.

263. Kontent provayderlarining mobil aloqa operatorlari orqali abonentlarga ularning raqami balansi hisobidan taqdim etiladigan barcha pullik xizmatlari, shuningdek kontent xizmatlari dastlab nofaol holatda bo‘ladi.

Kontent xizmatlarini abonent tomonidan aktivatsiya qilish mobil aloqa operatorining mobil ilovasi yoki USSD kod orqali amalga oshiriladi.

Kontent xizmatlarini abonent tomonidan deaktivatsiya qilish soddalashtirilgan usulda mobil aloqa operatorining mobil ilovasi yoki USSD kod orqali amalga oshiriladi.

Bunda, pullik xizmatlarni abonentlarga avtomatik ulashga hamda dastlab bepul bo‘lgan xizmatlarni abonentning rozilik tasdig‘ini olmasdan pullik xizmatga o‘zgartirishga yo‘l qo‘yilmaydi.

264. Abonentlarni pullik xizmatlarga, shu jumladan kontent xizmatlariga ulash ikki bosqichda amalga oshiriladi.

Bunda:

birinchi bosqichda – tanlangan xizmat (xizmat turi, mazmuni, muallifi, narxi, davomiyligi, xizmatni bekor qilish tartibi, bog‘lanish uchun telefon raqamlari) haqida abonentga batafsil ma’lumot beriladi;

ikkinchi bosqichda – tanlangan xizmatni ulash uchun abonentning rozilik tasdig‘i olinadi.

Abonentning rozilik tasdig‘i faqat quyidagi usullar orqali olinganda haqiqiy deb e’tirof etiladi:

bepul SMS-xabar orqali maxsus kodni yuborish orqali;

mobil aloqa operatorining mobil ilovasida to‘g‘ridan-to‘g‘ri tasdiqlash (tasdiqlash yoki rozilik berish tugmasini bosish) orqali.

265. Abonentning rozilik tasdig‘isiz ulanish aniqlangan taqdirda, mobil aloqa operatori ushbu xizmatni 24 soat ichida bekor qilishi va yechilgan mablag‘ni abonentga to‘liq qaytarishi shart.

2-bob. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatishga shartnomalar tuzish va bekor qilish

1-§. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzish va bekor qilish

266. Telekommunikatsiyalar xizmatlari operator (provayder, eshittiruvchi) va abonent o‘rtasida tuziladigan shartnoma asosida taqdim etiladi.

Bunda:

abonent–jismoniy shaxsning shaxsan ishtirokida shaxsini tasdiqlovchi hujjat taqdim etish orqali;

abonent–jismoniy shaxs vakilining shaxsan ishtirokida va u tomonidan shaxsini tasdiqlovchi hujjat va ishonchnoma taqdim etish orqali;

abonent–jismoniy shaxsning yuzini biometrik identifikatsiyalash (Face-ID) yordamida tasdiqlash orqali amalga oshiriladi.

Bunda, texnik sabablarga koʻra, biometrik identifikatsiyalash imkoni boʻlmaganida, abonent-jismoniy shaxs mobil aloqa operatorlarining ofislariga murojaat qiladi.

267. Operator (provayder) shartnomani bevosita yoki oʻzining tijorat vakili – diler orqali tuzishlari mumkin.

268. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini koʻrsatish shartnomasi jismoniy va yuridik shaxslar tomonidan tuziladi.

269. Jismoniy va yuridik shaxslar telekommunikatsiyalar xizmatlariga ulanish uchun arizani operatorning (provayderning, eshittiruvchining) rasmiy veb-sayti, ularning maxsus axborot tizimlari va operatorga ulanish uchun ariza qoldirish imkoniyati yaratilgan davlat tomonidan taqdim etiladigan onlayn xizmat portallari orqali interaktiv usulda yuborishlari mumkin.

Bunda, elektron arizalar yozma arizalarga tenglashtiriladi va koʻrib chiqiladi.

270. Telekommunikatsiyalar xizmatlariga ulanish uchun ariza:

muomala layoqatiga ega boʻlgan jismoniy shaxs tomonidan;

qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda davlat roʻyxatidan oʻtkazilgan yuridik shaxs, shuningdek uning filiali yoki vakolatxonasi tomonidan berilishi mumkin.

Telefon xizmati uchun – yashash joyi boʻyicha roʻyxatga olingan yoki ushbu turar joyning egasi yoki ijaraga oluvchisi hisoblanadigan jismoniy shaxs tomonidan berilishi mumkin.

Oʻn toʻrt yoshdan oʻn sakkiz yoshgacha boʻlgan voyaga yetmaganlar oʻz ota-onalari, farzandlikka oluvchilari yoki homiylarining yozma roziligi bilan telekommunikatsiyalar xizmatlariga ulanish uchun ariza berishi mumkin.

271. Ariza ushbu hududda telekommunikatsiyalar tarmoqlari xizmatlarini koʻrsatish litsenziyasiga ega istalgan operatoriga (provayderiga, eshittiruvchiga) berilishi mumkin.

Arizalar operator (provayder, eshittiruvchi) tomonidan belgilangan tartibda roʻyxatga olinadi. Operator (provayder, eshittiruvchi) arizani qabul qilishdan bosh tortishga haqli emas.

272. Bevosita murojaat qilinganda operatorga (provayderga, eshittiruvchiga) yoki dilerga quyidagi ma’lumotlar taqdim qilinishi kerak:

familiyasi, ismi, otasining ismi, yashash joyi, shaxsini tasdiqlovchi hujjat rekvizitlari (seriyasi, raqami va JSHSHIR) – jismoniy shaxslar uchun;

jismoniy shaxsning shaxsini tasdiqlaydigan hujjatlardan biri:

Oʻzbekiston Respublikasi fuqarosiga – biometrik pasport, identifikatsiya ID-kartasi, yangi namunadagi haydovchilik guvohnomasi;

Oʻzbekiston Respublikasi hududida vaqtincha yashayotgan chet el fuqarosiga – xorijiy davlat fuqarosining pasporti;

Oʻzbekiston Respublikasi hududida vaqtincha yashayotgan fuqaroligi boʻlmagan shaxsga – harakatlanish hujjati;

O‘zbekiston Respublikasi hududida doimiy yashayotgan chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxsga – yashash guvohnomasi, identifikatsiya ID-kartasi.

nomi (firma nomi), bank rekvizitlari, joylashgan manzili, STIR – yuridik shaxslar uchun);

bog‘lanish uchun ma’lumotlar (telefon raqami, elektron pochta manzili – agar mavjud bo‘lsa);

telekommunikatsiyalar xizmatlaridan foydalanish ko‘zlanayotgan manzil.

Elektron tarzda murojaat qilinganda ushbu bandda ko‘rsatilgan ma’lumotlar elektron shaklda taqdim qilinadi.

Elektron tarzda murojaat qilinganda operator (provayder, eshittiruvchi) tomonidan murojaatchiga bir ish kuni ichida shartnoma tuzish imkoniyati mavjud bo‘lganda shartnoma tuzish uchun aniq manzil va vaqt ko‘rsatilgan javob yoki shartnoma tuzish imkoniyati mavjud bo‘lmaganda buning sabablari ko‘rsatilgan javob yuboriladi.

273. Shartnomani tuzish quyidagi hollarda rad etiladi:

murojaatchi voyaga yetmagan jismoniy shaxs bo‘lganda, bundan o‘n to‘rt yoshdan o‘n sakkiz yoshgacha bo‘lgan voyaga yetmaganlarning o‘z ota-onalari, farzandlikka oluvchilari yoki homiylarining yozma roziligi bo‘lgan hollar mustasno;

telekommunikatsiyalar xizmatlaridan foydalanish ko‘zlanilayotgan manzil operator (provayder, eshittiruvchi) xizmat ko‘rsatish hududiga kirmaganda;

texnik imkoniyat bo‘lmaganda;

murojaatchi tomonidan ma’lumotlar to‘liq taqdim etilmaganda;

taqdim qilingan ma’lumotlarning soxtaligi yoki noto‘g‘riligi aniqlanganda.

274. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi ommaviy shartnoma hisoblanadi va uni tuzish texnik imkoniyati bo‘lganda arizalarni berish navbati tartibida tuziladi.

Shartnoma ikki nusxada tuziladi va tomonlar tarafidan imzolanadi.

Shartnoma tomoni sifatida namoyon bo‘ladigan ariza beruvchi abonent maqomiga ega bo‘ladi.

275. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzishda ajratilgan abonent raqami operator (provayder) ma’lumot xizmatining ma’lumotlar bazasiga kiritiladi. Abonentning arizasiga ko‘ra, raqam operator (provayder) ma’lumot xizmatining ma’lumotlar bazasidan chiqarilishi mumkin.

276. Tuzilgan shartnoma ikki tomonlama shartnoma bo‘lib, u tuzilgan vaqtdan boshlab kuchga kiradi, shartnoma muddatsiz hisoblanadi, agar unda boshqacha qoida belgilanmagan bo‘lsa.

277. Jismoniy shaxs bilan shartnoma tuzish uchun texnik imkoniyatning yo‘qligi ko‘rsatilgan shartnomani tuzish uchun texnik imkoniyat bo‘lgan, arizani kechroq bergan boshqa jismoniy shaxs bilan shartnoma tuzish uchun to‘siq bo‘la olmaydi.

278. Shartnomada quyidagilar aks etgan bo‘lishi lozim:

shartnoma predmeti;

shartnoma tuzilgan sana va joyi;

operator (provayder, eshittiruvchi) nomi (firma nomi);

operatorning (provayderning, eshittiruvchining) bank rekvizitlari;

abonent to‘g‘risidagi ma’lumotlar (familiyasi, ismi, otasining ismi, yashash joyi, shaxsini tasdiqlovchi hujjat rekvizitlari (seriyasi, raqami va JSHSHIR) – jismoniy shaxs uchun, nomi (firma nomi), bank rekvizitlari, joylashgan manzili, STIR – yuridik shaxs uchun), abonent bilan bog‘lanish ma’lumotlari (telefon raqami, elektron pochta manzili – agar mavjud bo‘lsa);

abonentga taqdim etilgan abonent raqami (telefon va mobil aloqasi xizmatlari uchun), abonentni identifikatsiya raqami (ma’lumotlar uzatish va Internet, televideniye xizmatlari uchun);

shartnomani tuzishda abonent tomonidan tanlangan tarif rejasi va xizmatlar ro‘yxati;

shartnoma diler orqali tuzilgan holda – dilerning rekvizitlari (firma nomi, shaxsiy raqami, imzosi va muhri);

mobil aloqa xizmatlari uchun abonent oladigan raqamdan (SIM-kartadan) foydalanish istagi bo‘lgan mobil aloqa foydalanuvchi qurilmasining asosiy turlari, shu jumladan mobil telefon, USB-modem, elektr energiyasi/suv/gaz hisoblagichlari, onlayn to‘lovlar terminallari yoki uskunaning boshqa turlari;

taqdim etiladigan televideniye va radioeshittirish dasturlari (televideniye xizmatlari uchun);

ko‘rsatiladigan ishlar (xizmatlar ko‘rsatish) nomi va ishlarni bajarish (xizmatlar ko‘rsatish) shartlari va muddatlari;

shartnoma bahosi va ishlar bajarishning (xizmatlar ko‘rsatishning) kafolati;

ishlarga (xizmatlarga) haq to‘lash va hisob-kitoblar tartibi, muddatlari va shakli;

hisobni yetkazib berish usuli;

shikoyatlarni ko‘rib chiqish tartibi;

tomonlarning huquqlari, majburiyatlari va javobgarligi;

ko‘rsatilayotgan xizmatlar sifatiga doir buyurtmalarni qabul qilish telefon raqamlari (yoki qisqa raqamlar) va korxonaning “Ishonch telefoni” raqamlari;

shartnomaning amal qilinishini to‘xtatib turish yoki bekor qilish va abonentning shaxsiy hisob raqamida qolgan pul mablag‘larini qaytarish shartlari.

Mazkur bandda keltirilgan ma’lumotlar operatorning (provayderning, eshittiruvchining) abonentlar bazasiga kiritilgan bo‘lishi kerak.

Shartnomadagi abonent to‘g‘risidagi ma’lumotlar o‘zgarishi bilan bog‘liq o‘zgarishlar qo‘shimcha to‘lov undirilmasdan kiritilishi kerak.

Shartnomada qonunchilik hujjatlariga va mazkur Qoidalarga zid kelmaydigan boshqa ma’lumotlar va/yoki shartlar bo‘lishi mumkin.

279. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish uchun shartnoma operator (provayder, eshittiruvchi) litsenziyasining amal qilish muddatidan ortiq bo‘lmagan muddatga rasmiylashtiriladi. Operator (provayder) litsenziyasining amal qilish muddati uzaytirilganda shartnoma litsenziyaning yangidan belgilangan amal qilish muddatigacha uzaytirilgan deb hisoblanadi.

280. Operator (provayder, eshittiruvchi) va abonent o‘rtasidagi o‘zaro hisob-kitob davri, agar shartnomada boshqa muddat ko‘rsatilmagan bo‘lsa, qoida tariqasida, bir kalendar oyga teng deb belgilanadi.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

281. Operator (provayder, eshittiruvchi) abonentni alohida haq evaziga ko‘rsatiladigan qo‘shimcha telekommunikatsiyalar xizmatlaridan foydalanishga majburlashga haqli emas.

282. Operator (provayder, eshittiruvchi) bitta xizmatni ko‘rsatish texnologik jihatdan boshqa xizmat bilan shart qilib qo‘yilgan holatdan tashqari, telekommunikatsiyalarning bitta xizmatini ko‘rsatish uchun telekommunikatsiyalarning boshqa xizmatlarini ko‘rsatishni shart qilib qo‘yishga haqli emas.

Xizmatlar to‘plamini o‘zgartirish, yangi xizmatlarni ulash (masalan, rouming xizmatini ulash), xizmatlar uchun foydalanilayotgan tarifni o‘zgartirish va shu kabilarni avtomatik (abonent tomonidan tanlanganligini tasdiqlamasdan) o‘zgartirishga yo‘l qo‘yilmaydi. Avval abonentning so‘rovi bilan ulangan telekommunikatsiyalar xizmatlarini abonentga xabar qilgan holda, uning o‘zi o‘chirmaguncha, avtomatik uzaytirishga yo‘l qo‘yiladi.

283. Shartnoma quyidagi hollarda bekor qilinishi mumkin:

abonentning tashabbusi bilan istalgan vaqtda;

operatorning (provayderning, eshittiruvchining) tashabbusi bo‘yicha, ushbu Qoidalar va/yoki shartnoma shartlarida belgilangan talablar abonent tomonidan buzilganda;

abonent-jismoniy shaxs vafot etganda yoki abonent-yuridik shaxs tugatilgan holda, tasdiqlovchi hujjatlar taqdim etilgan taqdirda;

abonentning shaxsiy hisobidagi mablag‘ xizmat ko‘rsatishni davom ettirish uchun yetarli bo‘lmagan kundan boshlab 365 kundan ko‘p vaqt o‘tgandan keyin, bunda 90 kundan o‘tgan davr uchun operatordan (provayderdan) abonent raqamidan foydalanganlik uchun to‘lov undirilmaydi;

abonentning mobil raqami boshqa operator (provayder) tarmog‘iga ko‘chirilganida;

shartnomada yoki qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan boshqa hollarda.

284. Shartnoma bekor qilinganda tomonlar o‘zlarining barcha majburiyatlari bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirishlari kerak.

285. Abonent operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish punktlarida shartnomani boshqa shaxsning nomiga uning ishtirokida va roziligi bilan qayta rasmiylashtirishi mumkin.

Bunda, operator (provayder) va amaldagi abonent o‘rtasida tuzilgan shartnoma bekor qilinadi va raqam nomiga qayta rasmiylashtirilayotgan shaxs bilan belgilangan tartibda yangi shartnoma tuziladi.

286. Operator (provayder, eshittiruvchi) abonent bilan tuzilgan shartnoma bekor qilingach abonentning shaxsga doir ma’lumotlarini qonunchilik hujjatlariga muvofiq o‘zining ma’lumotlar bazasidan yo‘q qilishlari shart.

Diler abonent to‘g‘risidagi ma’lumotlarni operatorga (provayderga) taqdim etganidan so‘ng o‘ziga ma’lum bo‘lgan shaxsga doir ma’lumotlarni qonunchilik hujjatlariga muvofiq yo‘q qilishi shart.

2-§. Telefon aloqasi va ma’lumotlar uzatish xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzish va bekor qilishning alohida shartlari

287. Jismoniy va yuridik shaxslarning shartnomani tuzish uchun murojaati shartnomani tuzish uchun texnik imkoniyat bo‘lganda, quyidagilar belgilangan tartibda operator tomonidan qanoatlantiriladi:

jismoniy shaxs uchun ariza beruvchining shaxsini hamda ko‘rsatilgan yashash joyi bo‘yicha yoki turgan joyi bo‘yicha ro‘yxatga olinganligini tasdiqlovchi hujjat yoki turar joyga bo‘lgan huquqni tasdiqlovchi hujjat;

yuridik shaxs uchun yuridik shaxsning egalik huquqi yoki ijaraga olish huquqini tasdiqlovchi hujjat hamda davlat ro‘yxatidan o‘tganligi to‘g‘risidagi guvohnomasi.

288. Shartnomani yangi shaxs nomiga tuzish to‘g‘risidagi arizani qayta rasmiylashtirish ariza beruvchining roziligi bilan amalga oshiriladi, bundan ariza beruvchining ko‘chib ketishi yoki ushbu turar joyga egalik huquqi yangi shaxs nomiga o‘tkazilganligi bilan bog‘liq holatlar mustasno.

289. Xizmatlarni taqdim etish uchun zarur telekommunikatsiyalar tarmoqlari mavjud bo‘lmaganda, yangi tarmoqlarni o‘tkazish bo‘yicha qurilish ishlari ariza beruvchining mablag‘lari hisobidan (u rozi bo‘lganda), shu jumladan operator tomonidan berilgan texnik shartlar asosida pudrat shartnomasini tuzish yo‘li orqali o‘tkazilishi mumkin. Ariza beruvchi mazkur ishlar uning hisobidan bajarilishiga rozi bo‘lganda operatorga texnik shartlarni olish uchun ariza beradi. Texnik shartlarni berish muddati 3 ish kunidan oshmasligi kerak.

290. Tomonlarning kelishuviga ko‘ra telekommunikatsiyalar tarmog‘idan foydalanish imkonini berish bo‘yicha ishlarning bir qismi yoki barchasini bajarishga texnik shartlar berilishi mumkin. Bunda, shartnomada qurilishdan tashqari to‘lovlar nazarda tutiladi. Qurilishdan tashqari ishlar uchun to‘lov materiallarning xarajati telefon tarmog‘idan foydalanish imkonini berish uchun to‘lovda nazarda tutilgan normadan oshib ketsa, telefon tarmog‘idan foydalanish imkonini berish uchun to‘lovga qo‘shimcha ravishda undiriladi. Mazkur ishlar uchun haq arizachi tomonidan materiallar va bajarilgan ishlarning qiymati bo‘yicha amalga oshiriladi.

291. To‘liq yoki qisman ariza beruvchining hisobidan qurilgan telekommunikatsiyalar vositalari va inshootlari texnik xizmat ko‘rsatish, beg‘araz foydalanish yoki mulk sifatida operatorga berilishi mumkin. Telekommunikatsiyalar vositalari va inshootlarini berish tartibi va ekspluatatsiya qilish shartlari ariza beruvchi va operator o‘rtasidagi shartnoma bilan belgilanadi.

Agar qurilgan telekommunikatsiyalar vositalari va inshootlari texnik xizmat ko‘rsatish, foydalanishga yoki mulkiga berilmagan bo‘lsa, u holda ularni ekspluatatsiya qilish O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligining normativ hujjatlariga muvofiq abonent tomonidan mustaqil amalga oshiriladi.

Texnik shartlarni so‘ralayotgan parametrlarda berish imkoniyati bo‘lmagan hollarda operator 3 ish kuni ichida asoslangan rad javobi va rad etishning aniq sabablari hamda qonunchilik hujjatlarining normalari ko‘rsatilgan yozma javobni tayyorlaydi.

Ariza beruvchi operatordan yoki telekommunikatsiyalar vositalari va inshootlarini loyihalashtirish litsenziyasiga ega bo‘lgan boshqa tashkilotdan olingan texnik shartlar asosida loyiha-smeta hujjatlariga buyurtma berish huquqiga ega. Ariza beruvchi loyiha-smeta hujjatlarining mustaqil ekspertizasini o‘tkazish huquqiga ega.

292. Telefon va ma’lumotlar uzatish tarmog‘idan foydalanish imkonini berish bo‘yicha ishlari bajarilganidan keyin operator ariza beruvchi bilan shartnoma tuzadi.

293. Telefon va ma’lumotlar uzatish tarmog‘idan foydalanish imkonini berish bo‘yicha ishlarini bajarish muddatlari:

texnik imkoniyatni o‘rganish va texnik imkoniyat bo‘lmagan taqdirda ariza beruvchiga asoslangan rad etishning aniq sabablari ko‘rsatilgan javobini berish 7 kundan oshmasligi kerak;

texnik imkoniyat bo‘lganda shartnoma tuzilgan kundan boshlab 10 ish kunida ulanishni amalga oshirish;

texnik imkoniyat bo‘lmaganda, yangi tarmoqlarni ariza beruvchining hisobidan o‘tkazilishini hisobga olgan holda pudrat shartnomasi tuzilgan sanadan boshlab 180 kungacha bo‘lishi kerak.

294. Jismoniy shaxslar, mansabdor shaxslar, tashkilotlarning ayrim toifalari uchun qonunchilik hujjatlariga muvofiq telekommunikatsiyalar tarmog‘idan foydalanishni ta’minlash navbati va xizmatlardan foydalanish tartibi qismida ustunliklar belgilanishi mumkin.

295. Abonent xuddi ATSning xizmat ko‘rsatish hududidagi yangi turar joyga ko‘chib o‘tganda uning arizasiga ko‘ra va shartnomani tuzish uchun texnik imkoniyat mavjud bo‘lganda abonent ko‘chib o‘tgan uy bo‘yicha qanoatlantirilmagan arizalar, shu jumladan, bunday shartnomani navbatdan tashqari tuzish imtiyozlariga ega shaxslardan olingan qanoatlantirilmagan arizalar bo‘lishidan qat’i nazar avval ajratilgan abonent raqamidan foydalanib shartnoma qayta rasmiylashtiriladi.

Abonent ATS ta’sir hududidan tashqarida bo‘lgan xuddi o‘sha operatorning ishlash huhudidagi yangi yashash joyiga ko‘chganda uning arizasi bo‘yicha va shartnomani tuzish uchun texnik imkoniyat mavjud bo‘lganda shartnoma yangi abonent raqamini ajratgan holda qayta rasmiylashtiriladi.

296. Yangi ATS ishga tushirilishi va mahalliy telefon tarmoqlarining rekonstruksiya qilinishi, yangi texnologiya joriy etilishi munosabati bilan abonent raqamlarini almashtirish abonentlarga avtomatik qo‘ng‘iroq qilish yoki yozma xabarnoma bilan ularni kamida 20 kun oldin hamda axborotni 30 kun oldin operatorning rasmiy veb-saytida oldindan joylashtirish yo‘li bilan bepul bajariladi.

Abonent raqamini almashtirish shartnomaga tegishli o‘zgartirishlarni kiritish yo‘li bilan rasmiylashtiriladi.

3-§. Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish uchun shartnoma tuzishning alohida shartlari

297. Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi faqat abonent-jismoniy shaxs shaxsan bo‘lganda va u tomonidan shaxsini tasdiqlovchi hujjatning asl nusxasi taqdim etilganda yoki uning vakili shaxsan ishtirok etganda va u tomonidan shaxsini tasdiqlovchi hujjatning asl nusxasi va belgilangan tartibda rasmiylashtirilgan ishonchnoma taqdim etilganda tuziladi.

298. Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzishdan oldin operator (provayder, diler) ushbu abonent bilan ilgari tuzilgan amaldagi shartnomalarning mavjudligini ma’lumotlar bazasi bilan solishtiradi.

Bunda, texnik qarshi harakat qilish kompleksi (xalqaro ovozli trafikni o‘tkazish) tartibini buzgan abonent bilan shartnoma imzolash qonunchilikda belgilangan asosda amalga oshiriladi.

299. Ilgari tuzilgan amaldagi shartnomalar bo‘yicha ushbu operatorning (provayderning) beshta va undan ortiq raqamlariga ega bo‘lgan abonent-jismoniy shaxs bilan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzish uchun mazkur Qoidalarda ko‘rsatilgan shartlar ta’minlanganda faqat operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish punktlarida amalga oshiriladi.

Ushbu operatorning (provayderning) beshta va undan ortiq raqamlarini olish uchun abonent-yuridik shaxs bilan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzish ushbu miqdordagi raqamlarga ehtiyoj yozma ravishda asoslab berilganda va ushbu Qoidalarda ko‘rsatilgan shartlar ta’minlanganda operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish punktlarida amalga oshiriladi.

300. Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi operator (provayder) yoki dilerning mulkida, xo‘jalik yurituvida, tezkor boshqaruvida bo‘lgan yoki ijarasiga olingan binoda, binoning bir qismida joylashgan xizmat ko‘rsatish punktlarida, shuningdek savdo faoliyatini amalga oshirish uchun mo‘ljallangan va bir yoki bir nechta ish joylariga mo‘ljallangan savdo zallariga ega statsionar savdo obyektlari va hududlaridagi jihozlangan savdo joylarida tuziladi.

Xizmat ko‘rsatish punktiga kelish imkoniyatiga ega bo‘lmagan jismoniy shaxslarning yakka tartibdagi talabnomalari bo‘yicha yashash joyiga borish, sayyor sotuv nuqtalarini tashkil etish orqali qishloq, uzoqda joylashgan, yetib borish qiyin bo‘lgan aholi punktlarida abonentlarga xizmat ko‘rsatish uchun maxsus jihozlangan transport vositalarida operator (provayder) tomonidan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzishga yo‘l qo‘yiladi.

Statsionar bo‘lmagan savdo obyektlarida mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomalarini tuzish taqiqlanadi, qishloq, uzoqda joylashgan, yetib borish qiyin bo‘lgan aholi punktlarida abonentlarga xizmat ko‘rsatish uchun maxsus jihozlangan transport vositalarida aloqa operatori (provayderi) tomonidan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomalarini tuzish hollari bundan mustasno.

301. O‘zbekiston Respublikasidagi aeroportlar, vokzallar hamda turist-axborot markazlari hududlarida chet el fuqarolari – sayyohlar (turistlar) bilan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzish soddalashtirilgan tartibda amalga oshiriladi.

Chet el fuqarolari – sayyohlar (turistlar)dan turar joyi (shu jumladan, yashash joyi) ko‘rsatilishi talab etilmaydi.

Shartnomaga faqatgina chet el fuqarolari – sayyohlar (turistlar) uchun, ularni qaysi mamlakatdan va qancha muddatga tashrif buyurganliklari haqidagi ma’lumotlar kiritiladi.

Chet el fuqarolari – sayyohlar (turistlar)ga xizmat ko‘rsatish davri ularning O‘zbekiston Respublikasida bo‘lishi muddati bilan cheklanadi.

Bitta chet el fuqarosi shaxsini tasdiqlovchi hujjatiga uchtadan ko‘p abonent raqami rasmiylashtirilishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

Mazkur band qoidalari O‘zbekiston Respublikasi hududida doimiy yashayotgan chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarga berilgan yashash guvohnomasi, identifikatsiya ID-kartasining amal qilish davrida tatbiq etilmaydi.

III bo‘lim. Operatorlar va provayderlarning huquq va majburiyatlari

1-bob. Operatorlar va provayderlarning xizmatlarni ko‘rsatishdagi huquqlari

1-§. Operatorlar va provayderlarining umumiy huquqlari

302. Operator (provayder) telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatishda quyidagi huquqlarga ega:

abonent va/yoki foydalanuvchilarga xizmatlar ko‘rsatish;

foydalanuvchilarning aybi bilan telekommunikatsiyalar tarmoqlarida yuz bergan hodisalar natijasida unga yetkazilgan zarar o‘rnini qoplash;

qonunchilik hujjatlariga muvofiq yuridik va jismoniy shaxslarning noqonuniy xatti-harakatlari ustidan shikoyat qilish;

abonent yoki foydalanuvchi ushbu Qoidalarni buzganligi yoki ularga ko‘rsatilgan telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun belgilangan muddatda haq to‘lamaganligi sababli uning xatti-harakatlari bo‘yicha da’vo qilish;

abonent shartnoma shartlarini buzganda telekommunikatsiyalar xizmatidan foydalanishni to‘xtatib qo‘yish;

telekommunikatsiyalar tarmoqlarida xabarlarni uzatishda xavfsizlikni ta’minlash va tarmoq abonent yoki foydalanuvchilariga ko‘rsatiladigan xizmatlarning tegishli sifatini ta’minlash maqsadida telekommunikatsiyalar xizmatlari ko‘rsatishning to‘xtatilishini nazarda tutadigan texnik tadbirlarni o‘tkazish.

Operator (provayder) qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa huquqlarga ham ega bo‘lishi mumkin.

2-§. Telefon aloqa xizmatlarini ko‘rsatuvchi operator va provayderlarning huquqlari

303. Operator (provayder) foydalanuvchi qurilmasini telefon aloqa tarmog‘idan vaqtincha uzib qo‘yish yo‘li bilan abonentning telefon aloqa tarmog‘idan foydalana olishini quyidagi hollarda to‘xtatib turish huquqiga ega:

a) belgilangan muddatlarda mahalliy va xalqaro telefon aloqasi xizmatlariga haq to‘lanmaganda, bu haqda abonentni uzib qo‘yishdan kamida 10 kun oldin telefon, yozma yoki elektron xabar bilan elektron pochta manzilga yoki qisqa matnli xabar orqali xabardor qilgan holda;

b) abonent tomonidan operatorga (provayderga) tegishli telekommunikatsiyalar uskunasi normal ishlashining buzilishiga olib kelishi mumkin bo‘lgan foydalanuvchi qurilmasini ekspluatatsiya qilish qoidalari buzilganda.

Abonentning telefon tarmog‘idan foydalanishining vaqtincha to‘xtatib qo‘yilishiga olib kelgan buzilishlar bartaraf etilgandan va ko‘rsatilgan xizmatlar uchun abonent tomonidan to‘lov kiritilgandan, shuningdek abonentning aybi bilan foydalanuvchi qurilmasi ishlamay turgan vaqt uchun abonent to‘lovi kiritilgandan keyin sutka davomida foydalanishni tiklash amalga oshiriladi.

Bunda, telefon aloqa tarmog‘idan foydalanish tiklanganligi uchun to‘lov undirilmaydi.

Agar abonent telefon aloqasidan foydalanish to‘xtatib qo‘yilgandan keyin 60 kundan ortiq muddat ichida telefon aloqasi xizmatlariga haq to‘lash bo‘yicha qarzdorligini bartaraf etmasa, operator (provayder) O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksiga muvofiq bir tomonlama tartibda shartnomani bekor qilish huquqiga ega. Bu haqda operator (provayder) abonentga mazkur bandning “a” kichik bandida belgilangan usullardan biri orqali kamida 10 kun oldin xabar berishi kerak.

3-§. Operator va provayderlarning mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatishdagi huquqlari

304. Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatishda operatorlar (provayderlar) quyidagi huquqlarga ega:

o‘zini o‘zi obro‘sizlantirmaganlar ichidan dilerlarni mustaqil ravishda tanlash va diler bilan tuziladigan shartnoma shartlariga muvofiq ularning faoliyati uchun mukofotlar belgilash;

operator (provayder) nomidan abonentlarga xizmat ko‘rsatish uchun dilerlar bilan shartnomalar tuzish.

Bunda, diler bilan shartnoma ma’lum muddatga tuziladi va shartnomani tuzishda operator (provayder) dilerga tuzilgan shartnomaning rekvizitlari, uning amal qilish va uzaytirish muddati ko‘rsatilgan diler sertifikatini beradi. Sertifikat dilerning xizmat ko‘rsatish punktlari soniga to‘g‘ri keladigan miqdordagi asl nusxalarda beriladi;

abonent tomonidan mobil aloqaning ayrim xizmatlari yoki mobil aloqa xizmatlari to‘plamlari uchun maxsus tariflardan (tarif rejalaridan) operatorning (provayderning) belgilangan talablariga muvofiq maqsadli foydalanilishini nazorat qilish. Xizmatlardan maqsadsiz foydalanish aniqlanganda, abonentga xabar qilgan holda boshqa tarif rejasiga o‘tkazish;

abonent tomonidan operator tarmog‘ida ovozli trafikni o‘tkazish tartibi buzilishlari qayd etilgan hollarda ushbu abonentga telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatishni to‘xtatish;

abonent tomonidan ketma-ket 90 kun mobaynida mobil aloqa xizmatlarini olish huquqini beradigan tranzaksiyalar amalga oshirilmaganda, mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatishni to‘xtatish.

305. Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatishda diler quyidagi huquqlarga ega:

operator (provayder) nomidan abonentlarga xizmat ko‘rsatish uchun operatorlar (provayderlar) bilan shartnomalar tuzish;

operator (provayder) nomidan abonentlarga xizmat ko‘rsatish shartnomasining shartlariga, qonunchilik hujjatlari va ushbu Qoidalar talablariga muvofiq operator (provayder) nomidan abonentlar bilan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomalarini tuzish;

abonentlarga operator (provayder) nomidan xizmat koʻrsatish uchun tuzilgan shartnomaga muvofiq operatordan (provayderdan) mukofotlar olish;

operator (provayder) tomonidan abonentlarni ulash va ularga xizmat koʻrsatish shartlari toʻgʻrisidagi ishonchli axborotni operatordan (provayderdan) olish;

abonentlarga sotilgan foydalanuvchi qurilmalariga kafolatli va kafolat muddatidan keyin xizmat koʻrsatilishini ta’minlash;

diler tomonidan operatordan (provayderdan) sotib olingan yoki olingan foydalanuvchi qurilmalari uchun muvofiqlik sertifikatlarining tasdiqlangan nusxalarini operatordan (provayderdan) olish;

operatordan (provayderdan) dilerning oʻz majburiyatlarini bajarishi uchun zarur boʻlgan SIM-kartalar, hujjatlar, shartnomalar, blankali mahsulotlar, axborot-soʻrovnoma ma’lumotlari, reklama va boshqa materiallarni olish;

operator (provayder) tomonidan koʻrsatiladigan mobil aloqa xizmatlari uchun abonentlardan toʻlovni qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda qabul qilish;

abonentlarga xizmat koʻrsatishni amalga oshirish.

4-§. Operatorlar va provayderlarning ma’lumot uzatish xizmatlarini koʻrsatishdagi huquqlari

306. Ma’lumot uzatish xizmatlarini koʻrsatishda operator va provayderlar quyidagi huquqlarga ega:

abonent tomonidan ma’lumotlar uzatish tarmogʻining foydalanilgan veb-resurslarining hisobga olinishini (log-fayllarining yuritilishini) qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda tashkil qilish;

operatorni (provayderni) ogohlantirmasdan ma’lumotlar uzatish tarmogʻiga GSM, IP yoki SMS-shlyuzlar ulanganda, shu jumladan ma’lumotlar uzatish tarmogʻida maxsus apparat-dasturiy vositalarini oʻrnatish yoʻli bilan noqonuniy foydalanish holatlari aniqlanganda xizmatlar koʻrsatishni bir tomonlama toʻxtatish.

5-§. Eshittiruvchilar, operatorlar va provayderlarning televideniye xizmatlarini koʻrsatishdagi huquqlari

307. Televideniye xizmatlarini koʻrsatishda eshittiruvchi quyidagi huquqlarga ega:

oʻz dasturlarini televideniye tarmogʻi orqali shartnoma asosida tarqatish;

dasturlarini bosh muharrir tomonidan eshittirish setkasi tasdiqlangandan keyin uzatish;

xususiy yoki alohida mualliflik shartnomalari boʻyicha olingan dasturlarni tarqatish (translyatsiya, retranslyatsiya qilish) va sotish, shuningdek olingan dasturlarni tarqatish (translyatsiya, retranslyatsiya qilish) va sotish huquqini uchinchi shaxslarga berish;

oʻz televideniye dasturlari translyatsiyasini shartnoma asosida yozish va uning tarqatilishini ta’minlash;

televideniye tarmoqlarini loyihalash, qurish va modernizatsiyalashda zarur texnik vositalarni mustaqil tanlash.

308. Televideniye xizmatlarini ko‘rsatishda operator eshittiruvchi (eshittiruvchilar) bilan tuzilgan shartnoma asosida ularning televideniye dasturlari tarqatilishini amalga oshiradi.

309. Televideniye xizmatlarini ko‘rsatishda operator eshittiruvchi (eshittiruvchilar) quyidagi huquqlarga ega:

eshittiruvchilarning televideniye dasturlarini shartnoma asosida translyatsiya va retranslyatsiya qilish;

provayderlar va abonentlar bilan televideniye tarmog‘i xizmatlarini ko‘rsatish to‘g‘risida shartnomalar tuzish hamda ularni qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda bekor qilish;

provayder va abonentlarga litsenziyada nazarda tutilgan hajmda va belgilangan standartlarga muvofiq keladigan televideniye xizmatlarini ko‘rsatish;

provayderlar va abonentlar tomonidan xizmatlar uchun to‘lov bo‘yicha shartnoma majburiyatlari hamda televideniyening tarmog‘i yoki foydalanuvchi qurilmasini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari buzilganda televideniye xizmatlaridan foydalanishni to‘xtatib turish yoki tugatish;

televideniye tarmog‘ini tashkil qilish va rivojlantirishda texnik vositalarni mustaqil tanlash.

310. Televideniye provayderi televideniye dasturlarining signallarini operator (operatorlar) bilan tuzilgan shartnoma asosida qabul qiladi va ularning tarqatilishini amalga oshiradi.

311. Televideniye provayderi quyidagi huquqlarga ega:

televideniye dasturlarining signallari berilishini qonunchilik hujjatlariga muvofiq ta’minlash;

abonentlar bilan televideniye tarmog‘i xizmatlarini ko‘rsatish to‘g‘risida shartnomalar tuzish va ularni qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda bekor qilish;

televideniye tizimlarini tashkil qilish va rivojlantirishda texnik yechimlar va vositalarni tanlash.

6-§. Provayderlarning taksofon xizmatini ko‘rsatishdagi huquqlari

312. Taksofon xizmatini ko‘rsatishda provayder quyidagi huquqlarga ega:

operator tomonidan shartnoma shartlari buzilgan taqdirda operator xizmatlarini rad etish;

operatordan uzilishlarda yoki telekommunikatsiyalar tarmog‘idan lozim darajada foydalanilmaganda to‘lovlarning qayta hisoblanishini talab qilish;

foydalanuvchilarga taksofon orqali telefon aloqa xizmatlarini ko‘rsatish bo‘yicha texnik siyosatni mustaqil ravishda belgilash va tashkiliy tadbirlarni amalga oshirish;

operator yoki foydalanuvchining aybi bilan yetkazilgan moddiy zarar qoplanishini talab qilish;

o‘z huquqlari buzilgan taqdirda vakolatli davlat organlariga yoki sudga murojaat qilish.

2-bob. Operatorlar va provayderlarning xizmatlarni ko‘rsatishdagi majburiyatlari

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

1-§. Operator va provayderlarning umumiy majburiyatlari

313. Operator va provayderlar telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatishda quyidagilarga majbur:

o‘z faoliyatini litsenziya shartlari va ushbu Qoidalarga muvofiq amalga oshirish;

ko‘rsatilayotgan xizmatlar sifatini amaldagi texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, texnik hujjatlar va normativ-huquqiy hujjatlar talablariga muvofiq bo‘lishini ta’minlash;

amaldagi shakllarga muvofiq statistika hisobotlarini belgilangan tartibda va muddatlarda vakolatli organlarga taqdim etish;

telekommunikatsiyalar tarmoqlari bo‘ylab uzatiladigan telefon so‘zlashuvlari va barcha turdagi ma’lumotlarni sir saqlash;

foydalanuvchilarga telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish shartlari va tartibi, shu jumladan, xizmatlar uchun tariflar o‘zgarganligi to‘g‘risidagi batafsil axborotni taqdim etish;

telekommunikatsiyalar tarmoqlaridan ruxsatsiz foydalana olish holatlariga yo‘l qo‘ymaslik choralarini ko‘rish;

abonentlarga shartnoma shartlari bajarilmaganligi yoki tegishli darajada bajarilmaganligi, shuningdek ko‘rsatilayotgan xizmatlar sifatini texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normative hujjatlar, texnik hujjatlar va boshqa qonunchilik hujjatlari talablariga muvofiq bo‘lishini ta’minlanmaganligi hamda abonentning roziligisiz ko‘rsatilgan xizmatlar uchun qonunchilik hujjatlariga muvofiq zarar o‘rnini qoplash;

shartnomada belgilangan muddatlarda telekommunikatsiyalar aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish;

xizmatlar, kechayu-kunduz ko‘rsatilishini ta’minlash;

ko‘rsatilgan xizmatlarning kamchiliklarini shartnomada, qonunchilik hujjatlarida belgilangan muddatlarda bartaraf etish;

telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish hududiga litsenziyaning amal qilish hududida joylashgan barcha aholi punktlarini, magistral avtomobil yo‘llarini va temir yo‘llarini, strategik muhim obyektlarni kiritish maqsadida taqsimotga hamda O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi bilan kelishilgan rejaga muvofiq mobil aloqa tarmog‘ini rivojlantirish va modernizatsiyalash bo‘yicha ishlarni izchillik bilan bosqichma-bosqich olib borish;

operator va provayder tarmog‘idagi IP protokoli asosida ishlovchi qurilmalarni IPv6 protokoli versiyasini qo‘llab-quvvatlashini ta’minlash;

abonentlarni tarmoqlarda bo‘ladigan yirik avariyalar, ularni rekonstruksiya qilish to‘g‘risida hamda ishlarni tugatishning taxmin qilingan muddatlari to‘g‘risida ommaviy axborot vositalarida, o‘zining rasmiy veb-saytida yoki SMS orqali xabardor qilish;

foydalanuvchi bilan muomala qilish etikasiga rioya qilish, telefon orqali so‘zlashuvda o‘z lavozimini, familiyasi yoki shaxsiy raqamini aytish;

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

abonent murojaat qilganda uning talabiga koʻra shaxsiy hisob raqamining holati va qarzdorligi mavjudligi toʻgʻrisida xabardor qilish;

oʻz veb-saytlari orqali taqdim etiladigan tariflar oʻzgarganligi toʻgʻrisidagi batafsil axborotni oʻz vaqtida taqdim etishga va maʼlumotlarni yangilash;

axborot resurslari himoya qilinishini taʼminlashga, Oʻzbekiston Respublikasining mavjud konstitutsiyaviy tuzumini, hududiy yaxlitligini zoʻrlik bilan oʻzgartirishga daʼvat etishga, urush, zoʻravonlik va terrorizmni, shuningdek, diniy ekstremizm, separatizm va fundamentalizm gʻoyalarini targʻib qilishga, milliy, irqiy, etnik yoki diniy adovat qoʻzgʻatuvchi axborotni, shuningdek, pornografiyani targʻib qilishga qaratilgan va tarqatilishi qonunchilik hujjatlari bilan taqiqlangan boshqa axborotning tarqatilishiga yoʻl qoʻymaslikka qaratilgan choralarni koʻrish;

operatorlar va provayderlar tomonidan abonentlarga telekommunikatsiyalar xizmatlarini koʻrsatishda ovozini oʻzgartirish va abonent raqamini soxtalashtirish, oʻzgartirish texnologiyalariga asoslangan xizmatlar koʻrsatmaslik;

abonent/foydalanuvchilarning murojaatlarini (yozma yoki axborot-kommunikatsiya tizimlari orqali) kelib tushgan kundan boshlab 15 kun ichida, materiallarni qoʻshimcha oʻrganish zarur boʻlganda abonentni yozma ogohlantirgan holda bir oygacha boʻlgan muddat ichida koʻrib chiqish;

abonentlar operatorning (provayderning) axborot-maʼlumot xizmatiga qoʻngʻiroq qilib bogʻlanishida teng huquqliligini taʼminlash.

Bunda, abonentlar operatorning (provayderning) axborot-maʼlumot xizmatiga qoʻngʻiroq qilib bogʻlanishlarida maʼlum bir abonentlarga boshqa abonentlarga nisbatan ustuvorlik (bogʻlanish vaqti, xizmat koʻrsatish vaqti va boshqalar) taqdim etilishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

314. Ariza va shikoyatlarni koʻrib chiqish uchun tekshiruv oʻtkazilishi, qoʻshimcha materiallarni talab qilish yoki boshqa choralarni koʻrish zarur boʻlgan hollarda, ularni koʻrib chiqish muddatlari murojaat qiluvchiga xabar qilgan holda operatorning (provayderning) rahbari tomonidan istisno tariqasida bir oydan koʻp boʻlmagan muddatga uzaytirilishi mumkin.

Taklif operatorga (provayderga) kelib tushgan kundan boshlab bir oy muddatgacha koʻrib chiqiladi, qoʻshimcha koʻrib chiqishni talab qiladigan takliflardan tashqari, bu haqda yozma shaklda taklifni kiritgan jismoniy yoki yuridik shaxsga besh kun ichida xabar qilinadi.

315. Ushbu Qoidalarni foydalanuvchilar eʼtiboriga yetkazish, shuningdek ularni oʻz rasmiy veb-saytida joylashtirishga majbur.

316. Telekommunikatsiyalar tarmogʻidagi shikastlanishlar abonent murojaat qilgan kundan boshlab belgilangan muddat ichida operator (provayder) tomonidan bartaraf etilishi kerak. Telekommunikatsiyalar tarmogʻida shikastlanishlarni bartaraf etish shartnomada qisqa muddatlar ichida bartaraf etish belgilanmagan boʻlsa, normativ hujjatlarda belgilangan muddatlardan ortiq boʻlmasligi kerak.

317. Operator va provayderlarning qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa majburiyatlari ham boʻlishi mumkin.

2-§. Telefon aloqasi xizmatlarini koʻrsatuvchi operator va provayderlarning majburiyatlari

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

318. Operator va provayderlar telefon aloqa xizmatlarini ko‘rsatishda quyidagilarga majbur:

a) telefon aloqasi abonentning aybi bilan buzilmagan hollarda abonent tomonidan ta’mirlash byurosiga talabnoma berilgan vaqtdan boshlab talabnoma yopilgan paytgacha foydalanuvchi qurilmasining butun ishlamagan vaqti uchun har oylik to‘lov hisoblanadigan barcha telefon aloqasi xizmatlari uchun qayta hisob-kitob qilishga;

b) buyurtma bo‘yicha xalqaro telefon aloqasidan foydalanganda hamda so‘zlashuvlar uchun vaqtbay to‘lov tizimi joriy qilinganda so‘zlashuvning minimal haq to‘lanadigan davomiyligini abonentlar e’tiboriga yetkazishga;

v) texnik sabablarga ko‘ra abonent raqamini almashtirish to‘g‘risida kamida 10 kun oldin abonentni tegishli tarzda xabardor qilishga;

g) mahalliy telefon aloqasi xizmatlarining narxini hisobga olish tizimining o‘zgarganligi to‘g‘risida ommaviy axborot vositalarida va o‘zining rasmiy veb-saytida kamida uch oy oldin e’lon qilish;

d) ommaviy axborot vositalarida va o‘zining rasmiy veb-saytida yangi tariflar kuchga kirishidan kamida 15 kun oldin universal telefon aloqasi xizmatlariga tariflarni o‘zgartirish to‘g‘risidagi qarorni nashr qilishga;

e) foydalanuvchi qurilmasining uzilishiga olib kelgan buzilishlar bartaraf etilgandan, telefon aloqasi xizmatlariga haq to‘lash qarzdorligi tugatilganda va abonent aybi bilan foydalanuvchi qurilmasi ishlamagan vaqti uchun abonent to‘lovi kiritilgandan keyin telefon aloqasi xizmatlariga haq to‘lanmaganligi yoki foydalanuvchi qurilmasini ekspluatatsiya qilish qoidalari buzilganligi uchun o‘chirilgan foydalanuvchi qurilmasini bepul tarmoqqa ulashga;

j) telekommunikatsiyalar tarmog‘i orqali ko‘rsatilayotgan mahalliy telefon aloqasi xizmatlari kommutatsion qurilmadan telekommunikatsiyalar tarmog‘ining kira olish nuqtasidagi abonent rozetkasigacha yoki u mavjud bo‘lmaganda foydalanuvchi qurilmasigacha bo‘lgan qismiga qadar xizmat ko‘rsatishga.

319. Operator (provayder) tomonidan taqdim etiladigan axborotda:

a) operatorning (provayderning) nomi va uning tarkibiy bo‘linmalarining nomi, ular joylashgan joy (pochta manzili), bog‘lanish uchun telefon raqamlari, rasmiy veb-sayti va ish tartibi;

b) foydalanuvchilarga ko‘rsatiladigan universal va qo‘shimcha (pullik va bepul) telefon aloqasi xizmatlari ro‘yxati;

v) telefon aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish shartlari va tartibi;

g) telefon aloqasi xizmatlarini ko‘rsatishdagi cheklovlar;

d) telefon aloqasi xizmatlari uchun tariflar va bu xizmatlarni ko‘rsatish hamda haq to‘lashdagi imtiyozlar;

e) telefon aloqasi xizmatlariga haq to‘lash tartibi va shakllari;

j) yangi ATSni ekspluatatsiyaga kiritish muddatlari va mavjud ATSlar abonent sig‘imini ko‘paytirish;

z) shartnomalarni tuzish tartibi, arizalarni qondirish muddatlari va shartnomalarni tuzish navbatining harakati;

i) telekommunikatsiyalar tarmoqlarida qo‘llashga ruxsat berilgan foydalanuvchi qurilmalarining ro‘yxati;

k) ma’lumot, favqulodda tezkor xizmatlar va ta’mirlash byurosining telefon raqamlari;

l) foydalanuvchi ushbu Qoidalar bilan tanishishi mumkin bo‘lgan joy to‘g‘risidagi axborot.

Ko‘rsatilgan axborot shartnomalarni tuzishda ommaviy axborot vositalari, ma’lumot-axborot xizmatlari yoki telefon aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish joylarida mijozlar bilan o‘zaro ishlar xizmatlari orqali ko‘rgazmali va foydalanish qulay bo‘lgan shaklda bepul abonentlar e’tiboriga yetkaziladi.

320. Operator (provayder) telekommunikatsiyalar vositalari va inshootlaridan foydalanib u tomonidan ko‘rsatilgan, ammo ayni damda telefon aloqasi xizmatlari bo‘lib hisoblanmagan xizmatlarga (masalan, qo‘riqlash signalizatsiyasi, Internet tarmog‘i xizmatlari va boshqa) haq to‘lanmagan holda abonentning telekommunikatsiyalar tarmog‘idan foydalana olishini to‘xtatib turishga haqli emas.

321. Operator (provayder) abonent roziligisiz alohida to‘lov evaziga ko‘rsatiladigan qo‘shimcha xizmatlar taqdim etilishini talab qilib turib olishga haqli emas.

322. Operator (provayder) tomonidan taksofon orqali telefon aloqa xizmatlari bevosita ko‘rsatilgan holda, operator quyidagilarga majburdir:

foydalanuvchini taksofon orqali sifatli telefon aloqa xizmatlaridan foydalanishini ta’minlash;

taksofonlar, kabinalar va yarim kabinalarning soz holatda saqlanishini ta’minlash;

taksofon orqali telefon aloqa xizmatlarini ko‘rsatish tartibi va shartlari o‘zgarganligi to‘g‘risidagi axborotni foydalanuvchilarga taqdim etish;

foydalanuvchilar uchun qulay bo‘lgan (savdo tarmog‘i, aloqa bo‘limi va hokazo) joylarda maxsus jeton yoki to‘lov kartalari sotilishini ta’minlash;

foydalanuvchilarning shikoyatlarini qonunchilik hujjatlarida belgilangan muddatlarda ko‘rib chiqish.

3-§. Mobil aloqa operatorlarining (provayderlarining) majburiyatlari

323. Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatishda operator (provayder) quyidagilarga majbur:

xizmat ko‘rsatish hududi doirasida mobil aloqa xizmatlarini sifatli, o‘z vaqtida va kecha-yu kunduz ko‘rsatilishini ta’minlash;

abonent shartnomaning bekor qilinishi vaqtigacha qarzini va oldindan to‘lovning zarur summasi to‘liq hajmda to‘laganida abonentga mobil aloqa xizmatlari ko‘rsatilishini tiklash;

abonentning yozma (xizmat ko‘rsatuvchi operatorning veb-saytida abonentning shaxsiy kabineti orqali) murojaatiga asosan bir yilgacha abonent raqamidan foydalanish davri ichida abonent shaxsiy hisobvarag‘idagi o‘zaro hisob-kitoblarning joriy holati to‘g‘risidagi axborotni taqdim etish. Uzoqroq muddat va ushbu axborotni taqdim etish shartlari shartnomada belgilanishi mumkin;

xizmatlar ko‘rsatilishi to‘xtagan hollarda abonent to‘lovini qayta hisoblab chiqish;

SIM-karta yoki foydalanuvchi qurilmasi (SIM-kartadan foydalanish ko‘zda tutilmagan mobil aloqa standartlari uchun va eSIM) yo‘qolganda abonentning yozma arizasi bo‘yicha yoki abonent uchun qulay bo‘lgan, operator (provayder) tomonidan o‘rnatilgan, boshqa usulda berilgan xabar bo‘yicha xizmatlarning ko‘rsatilishini zudlik bilan to‘xtatish;

abonent-yuridik shaxsga mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish uchun u bilan tuzilgan shartnomaning nusxasini taqdim etish;

abonent-jismoniy shaxsga mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish uchun u bilan tuzilgan shartnomaning nusxasini yoki mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish uchun ommaviy shartnoma tuzilganligining tasdig‘ini taqdim etish;

dilerlar uchun operator (provayder) bilan birgalikda ishlashning teng imkoniyatlarini qo‘llash;

dilerlar tomonidan ular zimmasiga yuklangan majburiyatlarning qat’iy bajarilishini nazorat qilish, dilerlarga nisbatan u bilan tuzilgan shartnoma shartlariga muvofiq shartnomani bekor qilish va diler sertifikatini qaytarib olishgacha bo‘lgan jazo choralarini qo‘llash;

dilerlarda xodimlarning minimal soni har bir xizmat ko‘rsatish punktiga bittadan xodim, ammo bitta dilerga kamida ikkitadan xodim bo‘lganda abonentlarni ulash uchun dilerlarga operatorning (provayderning) tizimidan foydalanishni taqdim etish;

o‘zining xizmat ko‘rsatish punktlarida tashrif buyuruvchilar xavfsizligini ta’minlash, jumladan, videokuzatuv kameralarini qo‘llagan holda (video yozuvni 90 kun saqlagan holda);

dilerlarga amaldagi abonentlar va ularning telekommunikatsiyalar tarmoqlaridagi harakatlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar bilan tanishish va o‘zgartirish kiritishga yo‘l qo‘ymaslik;

o‘zini-o‘zi obro‘sizlantirgan dilerlar bilan shartnomalar tuzmaslik;

o‘zining rasmiy veb-saytida dilerlarning ro‘yxatini ularning to‘liq nomlarini, yuridik manzili va xizmat ko‘rsatish punktlarini ko‘rsatgan holda yuritish;

o‘zining rasmiy veb-saytida rasmiy axborotni, shu jumladan taqdim etiladigan xizmatlar ro‘yxatining o‘zgarishi to‘g‘risidagi axborot, tariflar, prays-varaqlar, xizmatlarni taqdim etish tartibi va shartlarini o‘z vaqtida e’lon qilish;

dilerning xodimlariga ushbu Qoidalarning talablari va operator (provayder) hamda diler o‘rtasidagi shartnoma shartlariga muvofiq diler tomonidan o‘z majburiyatlarini bajarish uchun zarur va yetarli bo‘lgan darajada operatorning (provayderning) ma’lumotlar bazasidan shaxsan foydalanishni taqdim etish;

dilerni SIM-kartalar, hujjatlar, shartnomalar, blank mahsulotlari, uning o‘z majburiyatlarini bajarishi uchun zarur bo‘lgan axborot-so‘rovnoma ma’lumotlar bilan, shuningdek o‘z moliyaviy imkoniyatlaridan kelib chiqib, reklama va boshqa materiallar bilan ta’minlash;

ushbu Qoidalarning talablari va operator (provayder) hamda diler o‘rtasidagi shartnoma shartlariga muvofiq diler tomonidan o‘z majburiyatlarini bajarish uchun zarur va yetarli bo‘lgan darajada diler xodimlarini o‘qitishni va har ikki yilda malakasini oshirishni tashkil qilish;

diler tomonidan qo‘pol qoida buzishlarga yo‘l qo‘yilganda diler bilan tuzilgan shartnoma shartlariga muvofiq unga nisbatan shartnomani bekor qilish va diler sertifikatini qaytarib olishgacha bo‘lgan javobgarlik choralarini qo‘llash;

avval tuzilgan shartnomalar bo‘yicha ushbu operatorning (provayderning) beshta va undan ko‘p raqamlariga ega abonent-jismoniy shaxs bilan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish

shartnomasini faqat operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish punktlarida tuzilishini ta’minlash;

avval tuzilgan shartnomalar bo‘yicha ushbu operatorning (provayderning) beshta va undan ko‘p raqamlariga ega bo‘lgan abonent-jismoniy shaxs bilan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzishda yangi ulanish to‘g‘risida abonentning ushbu operator (provayder) bilan avval tuzilgan shartnomalar bo‘yicha mavjud bo‘lgan barcha raqamlariga SMS xabar orqali xabardor qilishni amalga oshirish;

SIM-kartani almashtirish, shuningdek abonentning arizasi bo‘yicha raqamni boshqa foydalanuvchi qurilmasiga qayta dasturlash (SIM-kartadan foydalanishni ko‘zda tutmaydigan mobil aloqa standartlari uchun) xizmatlarini ko‘rsatish faqat operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish punktlarida amalga oshirilishini ta’minlash;

diler orqali tuzilgan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi asosida abonentga mobil aloqa xizmatlarini taqdim etish;

abonent to‘g‘risidagi ma’lumotlar onlayn rejimida operatorning (provayderning) ma’lumotlar bazasiga kiritilgandan keyin bir hafta muddatdan kechiktirmasdan dilerdan tuzilgan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi nusxasini, abonent shaxsni tasdiqlovchi hujjatlarning nusxasini tegishli hujjatlar bilan birga olish. Hujjatlarni olishning boshqa muddati uzoqda va yetib borish qiyin bo‘lgan hududlarda joylashgan dilerlar uchun dilerlik shartnomasida operator (provayder) tomonidan haqiqiy imkoniyatlardan kelib chiqib transport infratuzilmasining mavjudligini hisobga olgan holda belgilanishi mumkin;

o‘zini-o‘zi obro‘sizlantirgan dilerlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni, operatornig (provayderning) mijozlariga xizmat ko‘rsatish huquqini beruvchi diler sertifikatdan mahrum qilingan dilerning rekvizitlari, ta’sischilari va boshqa ma’lumotlarni ko‘rsatgan holda O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi huzuridagi Axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat inspeksiyasiga markazlashtirilgan onlayn bazaga kiritish uchun darhol yuborish;

o‘zining rasmiy veb-saytida mobil aloqa xizmatlarining turlari va standartlari bo‘yicha xizmat ko‘rsatish hududini namoyish etuvchi interaktiv onlayn elektron kartani, shuningdek aholi punktlarining ro‘yxatini yuritish;

xalqaro trafikning noqonuniy o‘tkazilishi hamda GSM, IP yoki SMS-shlyuzlardan yashirin foydalanishga qarshi choralarni ko‘rish, shu jumladan tarmoqda maxsus apparat-dasturiy vositalarni o‘rnatish yo‘li bilan;

operatorning (provayderning) mulkchilik shakli va idoraviy bo‘ysunishidan qat’iy nazar tartibga soluvchi organ topshirig‘i bilan ajratiladigan qisqa raqamlarni sozlash bo‘yicha tegishli ishlarni amalga oshirish;

O‘zbekiston Respublikasi hududida GSM standartida ishlaydigan barcha operator (provayder) KRMBga ulanish;

abonent tomonidan donorga rouming xizmatlari uchun aniqlangan qarzdorlik to‘lanmagan taqdirda xizmat ko‘rsatishni to‘xtatib qo‘yish;

abonentning operator tarmoqlarida abonent raqamini ko‘chib o‘tish xizmatidan foydalanish huquqiga to‘sqinlik qilmaslik;

muntazam ravishda o‘z telekommunikatsiyalar tarmoqlarida xalqaro trafikni o‘tkazish tartibi buzilishlarining oldini olish, aniqlash va tugatishga doir chora-tadbirlarni amalga oshirish va abonentning harakatlarini tahlil qilish yoki tegishli tadbirlarni amalga oshirish yo‘li bilan abonent raqamlarini faol aniqlash prinsiplariga asoslangan vositalar va tizimlarni qo‘llash.

324. Operator (provayder) abonentlarga quyidagi axborotlarni abonentlarga bepul taqdim etishga majbur (shu jumladan, dilerlar orqali):

mobil aloqa tarmoqlarida foydalanuvchi qurilmasidan foydalanish imkoniyati to‘g‘risida;

ko‘rsatilayotgan xizmatlarning ro‘yxati, shuningdek ularni ko‘rsatish tartibi va shartlari o‘zgarganligi to‘g‘risida;

xizmat ko‘rsatish hududi o‘zgarganligi to‘g‘risida;

xizmatlarga tariflar o‘zgarganligi to‘g‘risida yangi tariflar joriy qilingunga qadar kamida 15 kun oldin ommaviy axborot vositalari, o‘zining rasmiy veb-sayti yoki SMS orqali majburiy tartibda xabardor qilish;

operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish punktlari ish rejimi o‘zgarganligi to‘g‘risida;

o‘z rekvizitlarining o‘zgarganligi to‘g‘risida;

SMS, shuningdek abonentlarning USSD so‘rovlariga USSD xabarlarni jo‘natish yo‘li orqali bepul yoki imtiyozli daqiqalar, SMS, Internet trafik va boshqa xizmatlarning tugaganligi to‘g‘risida.

325. Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatishda diler quyidagilarga majbur:

xizmat ko‘rsatish punktlarini faqat operator, provayder yoki dilerning tasarrufida, xo‘jalik yurituvida, tezkor boshqaruvida yoki ijarasida bo‘lgan binoda, binoning qismida, shuningdek statsionar savdo nuqtalarining jihozlangan savdo joylarida va savdo faoliyatini amalga oshirish uchun mo‘ljallangan va bir yoki bir nechta ish joylari uchun mo‘ljallangan savdo zallariga ega hududlarda joylashtirish. Dilerning xizmat ko‘rsatish punktini statsionar bo‘lmagan savdo obyektlariga joylash taqiqlanadi;

dilerning barcha xizmat ko‘rsatish punktlarida dilerlik xizmatlarini taqdim etish huquqi to‘g‘risidagi diler sertifikatining asl nusxasi bor bo‘lishini va ko‘rinadigan joyga qo‘yilishini ta’minlash;

dilerning barcha xizmat ko‘rsatish punktlarini malakali xodimlar bilan to‘ldirish;

diler tomonidan xizmat ko‘rsatish punktlarida operator (provayder) axborotiga ko‘ra avval tuzilgan shartnomalar bo‘yicha ushbu operatorning (provayderning) beshta va undan ko‘p raqamlariga ega bo‘lgan abonent-jismoniy shaxs bilan operatorning (provayderning) mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzishga yo‘l qo‘ymaslik;

dilerning xizmat ko‘rsatish punktlarida SIM-kartani almashtirish xizmatlarini ko‘rsatishga yo‘l qo‘ymaslik (uzoq va yetib borish qiyin bo‘lgan hududlardagi dilerning xizmat ko‘rsatish punktlari bundan mustasno);

abonent ma’lumotlari onlayn rejimida operatorning (provayderning) ma’lumotlar bazasiga kiritilgandan keyin bir hafta muddatdan kechiktirmay operatorga (provayderga) abonent bilan tuzilgan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi nusxasini, abonent shaxsini tasdiqlovchi hujjatlarining nusxasini tegishli hujjatlar bilan birga operatorga

(provayderga) taqdim etish. Hujjatlarni taqdim etishning boshqa muddati uzoqda va yetib borish qiyin bo‘lgan hududlarda joylashgan dilerlar uchun dilerlik shartnomasida operator (provayder) tomonidan real imkoniyatlardan kelib chiqib transport infratuzilmasining mavjudligini hisobga olgan holda belgilanishi mumkin;

abonentlarning SIM-karta yoki foydalanuvchi qurilmasi (SIM-kartadan foydalanishni ko‘zda tutmaydigan mobil aloqa standartlari uchun) yo‘qolganligi to‘g‘risida yozma arizalarini qabul qilish va tegishli axborotni operatorga (provayderga) yuborish;

dilerning xizmat ko‘rsatish punktlarida tashrif buyuruvchilarning xavfsizlik choralarini ta’minlash, shu jumladan videokuzatuv kameralarini qo‘llab videoyozuv va tovushni kamida 90 kun saqlagan holda;

326. Diler abonentlarga operatorning (provayderning) quyidagi axborotini taqdim etishga majbur:

mobil aloqa tarmog‘ida foydalanuvchi qurilmasidan foydalanish imkoniyati to‘g‘risida;

ko‘rsatiladigan xizmatlar ro‘yxatining, shuningdek ularni ko‘rsatish tartibi va shartlarining o‘zgarishi to‘g‘risida;

operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish hududi o‘zgarishi to‘g‘risida;

abonentlarga xizmat ko‘rsatish punktlari ish rejimining o‘zgarishi to‘g‘risida;

operator (provayder) rekvizitlarining o‘zgarishi to‘g‘risida;

avval tuzilgan shartnomalar bo‘yicha ushbu operatorning (provayderning) beshta va undan ko‘p raqamlariga ega bo‘lgan abonent-jismoniy shaxs bilan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini tuzishda bunday abonentni faqat operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish punktlarida ulanishini ko‘zda tutadigan cheklovlar to‘g‘risida;

SIM-kartani almashtirish xizmatlarini faqat operatorning (provayderning) xizmat ko‘rsatish punktlarida ko‘rsatish bo‘yicha cheklovlar to‘g‘risida.

327. Dilerning xodimlari tomonidan yo‘l qo‘yilgan qoida buzishlar uchun ular bilan bir qatorda dilerlik xizmati ko‘rsatish punktining bevosita rahbari va diler-yuridik shaxsning rahbari qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

328. Diler tomonidan ushbu Qoidalar va operator (provayder) bilan tuzilgan shartnoma talablarining qo‘pol buzilishiga yo‘l qo‘yilishi u bilan dilerlik shartnomasini bekor qilish va dilerni o‘zini o‘zi obro‘sizlantirgan dilerlar reyestriga kiritish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi.

Abonentning xabari bo‘lmagan yoki uning roziligisiz, imzolarni qalbakilashtirib, soxta hujjatlar bo‘yicha, shaxsni tasdiqlovchi hujjatlarning asl nusxasini tekshirmasdan abonent shartnomasining rasmiylashtirilishi qo‘pol qoida buzish hisoblanadi.

4-§. Operatorlar va provayderlarning ma’lumotlar uzatish xizmatlarini ko‘rsatishdagi majburiyatlari

329. Operator va provayderlar ma’lumot uzatish xizmatlarini ko‘rsatishda quyidagilarga majbur:

a) Wi-Fi xizmati ko‘rsatish vaqtida foydalanuvchilarning shaxsini identifikatsiyalash hamda foydalanilgan Internet tarmog‘ining veb-resurslari (log-fayllar) hisobini qonunchilik

hujjatlarida belgilangan tartibda yuritish bo‘yicha apparat-texnik chora-tadbirlar ko‘rish va ularni 3 oy ichida saqlanishini tashkillashtirish;

b) abonentlarga o‘zining veb-saytida va (yoki) ommaviy axborot vositalaridan foydalangan holda, shuningdek abonentlar va foydalanuvchilar bilan ishlash joylarida quyidagi axborotlarni taqdim etish:

xizmatlarni ko‘rsatish tartibi va shartlari o‘zgarganligi, shu jumladan xizmatlar uchun tariflar o‘zgarganligi to‘g‘risida o‘zgartirishlar kuchga kirishidan kamida 15 kun oldin ommaviy axborot vositalari, o‘zining rasmiy veb-sayti yoki SMS orqali xabardor qilish;

ish vaqti, pochta manzili va bank rekvizitlari o‘zgarganligi to‘g‘risida tegishli o‘zgarishlar kiritilgan vaqtdan boshlab;

v) shartnomaning bajarilmaganligi yoki lozim darajada bajarilmaganligi, shuningdek abonentning arizasiga ko‘ra xizmatlar ko‘rsatilmaganligi yoki shartnomada belgilangan darajadagi sifatga ega xizmatlar ko‘rsatilmaganligi uchun qayta hisob-kitob qilish;

g) abonentning joriy holati, shu jumladan ma’lumotlar uzatish vaqti, tezligi, olingan va (yoki) uzatilgan axborotning hajmi to‘g‘risida batafsil axborotni taqdim etish;

d) xalqaro trafik noqonuniy o‘tkazish (shu jumladan GSM, IP yoki SMS-shlyuzlardan), shuningdek tarmoqda maxsus apparat-dasturiy vositalarini o‘rnatish yo‘li bilan noqonuniy foydalanishga qarshi kurashish choralarini ko‘rish;

e) abonentga xizmatni shartnomada ko‘rsatilgan manzilda ko‘rsatishni ta’minlash.

330. Operatorlarga (provayderlarga) xizmatlarga ulanish uchun ariza kelib tushganda quyidagi muddatlarda ish ko‘rishi kerak:

texnik imkoniyatni o‘rganish va texnik imkoniyat bo‘lmagan taqdirda ariza beruvchiga asoslangan rad etishning aniq sabablari ko‘rsatilgan javobini berish 7 kundan oshmasligi kerak;

texnik imkoniyat bo‘lganda shartnoma tuzilgangan kundan boshlab 10 ish kunida ulanishni amalga oshirish;

texnik imkoniyat bo‘lmaganda, yangi tarmoqlarni ariza beruvchining hisobidan o‘tkazilishini hisobga olgan holda pudrat shartnomasi tuzilgan sanadan boshlab 180 kungacha bo‘lishi kerak.

Operator (provayder) abonentni haq to‘lash evaziga qo‘shimcha xizmatlar ko‘rsatishga yoki ma’lum bir xizmatni ko‘rsatish uchun boshqa xizmatlarni olishga majburlashga, shuningdek abonentdan ko‘rsatilmagan xizmatlar uchun to‘lov undirishga haqli emas.

5-§. Eshittiruvchilar, operatorlar va provayderlarning televideniye xizmatlarini ko‘rsatishdagi majburiyatlari

331. Eshittiruvchi amalga oshiradigan faoliyati turiga ko‘ra quyidagilarga majbur:

o‘z faoliyatini qonunchilik hujjatlari, mualliflik shartnomalari, shuningdek mazkur Qoidalar asosida amalga oshirishga;

chet el ommaviy axborot vositalarining dasturlari yoki mahsulotlarini tegishli qonunchilik hujjatlari va O‘zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalari talablari asosida tarqatishga;

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

efirga chiqishda, uzluksiz eshittirishlarda esa, bir kecha-kunduzda kamida to‘rt marta teng taqsimlagan holda o‘z nomini e’lon qilishga;

har haftalik televideniye dasturlari to‘g‘risidagi axborotni Internet tarmog‘ida e’lon qilish yo‘li bilan abonentlarga yetkazishga.

332. Televideniye xizmatlarini ko‘rsatishda operator quyidagilarga majbur:

o‘z faoliyatini qonunchilik hujjatlari, mualliflik shartnomalari, shuningdek mazkur Qoidalar asosida amalga oshirishga;

eshittiruvchining televideniye dasturlarini o‘zgartirish va qo‘shimchalarsiz translyatsiya qilishga;

televideniye tarmog‘ining texnik holatini mazkur tizimlarni loyihalash, qurish va ekspluatatsiya qilish texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlari talablariga muvofiq tarzda saqlashga;

ko‘rsatiladigan xizmatlar sifatini amaldagi standartlarga muvofiq ta’minlashga.

333. Televideniye xizmatlarini ko‘rsatishda provayder quyidagilarga majbur:

o‘z faoliyatini qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshirishga;

televideniye dasturlarining o‘zgartirish va qo‘shimchalarsiz uzatilishini ta’minlashga;

uy yoki xonadon ichidagi televideniye tarmoqlarining texnik holatini mazkur tizimlarni loyihalash, qurish va ekspluatatsiya qilish texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlari talablariga muvofiq saqlashga;

ko‘rsatiladigan xizmatlar sifatini amaldagi standartlarga muvofiq ta’minlashga.

6-§. Provayderlarning taksofon xizmatini ko‘rsatishdagi majburiyatlari

334. Taksofon xizmatini ko‘rsatishda provayderlar quyidagilarga majbur:

o‘z faoliyatini qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshirishga;

telekommunikatsiyalar tarmog‘idan foydalanish uchun operatorga to‘lovni o‘z vaqtida amalga oshirishga;

operatorning ish sifatini pasaytirishga yoki telekommunikatsiyalar tarmoqlarini shikastlantirishga qaratilgan xatti-harakatlar qilmaslikka;

foydalanuvchining taksofon orqali sifatli telefon aloqa xizmatlaridan foydalanishini ta’minlashga;

taksofonlar, kabinalar va yarim kabinalar soz holatda saqlanishini ta’minlashga;

taksofon orqali telefon aloqa xizmatlarini ko‘rsatish tartibi va shartlari o‘zgarganligi to‘g‘risidagi axborotni foydalanuvchilarga taqdim etishga;

foydalanuvchilar uchun qulay bo‘lgan (savdo tarmog‘i, aloqa bo‘limi va hokazo) joylarda maxsus jeton yoki to‘lov kartalari sotilishini ta’minlashga;

foydalanuvchilarning shikoyatlarini qonunchilik hujjatlarida belgilangan muddatlarda ko‘rib chiqishga.

IV bo‘lim. Abonentlar va foydalanuvchilarning huquq va majburiyatlari

1-bob. Abonentlar va foydalanuvchilarning huquqlari

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

1-§. Abonentlar va foydalanuvchilarning umumiy huquqlari

335. Jismoniy yoki yuridik shaxs operator yoki provayder bilan shartnoma tuzishdan oldin operator yoki provayderdan:

taqdim etiladigan asosiy va qo‘shimcha telekommunikatsiyalar xizmatlari ro‘yxati;

taqdim etiladigan telekommunikatsiyalar xizmatlari narxi va tariflar;

aloqani va abonentning telekommunikatsiyalar tarmog‘idan foydalana olishni tashkil qilish usullari;

ulanish va xizmat ko‘rsatish tartibi;

telekommunikatsiyalar xizmatlarini taqdim etish qoidalari;

kafolatlangan xizmat ko‘rsatish darajasi, sifat darajasi, operator (provayder) serverida abonent axborotining himoyalanganligini ta’minlashning kafolatlangan darajasi va boshqa ma’lumotlarni, axborotlarni olishga haqli.

336. Abonentlar va foydalanuvchilar quyidagi huquqlarga ega:

a) umumiy foydalanish telekommunikatsiyalar tarmog‘idagi xizmatlardan foydalanish uchun operator va provayderlar bilan shartnomalar tuzish;

b) o‘z foydalanuvchi qurilmasini ushbu Qoidalar va qonunchilik hujjatlarida belgilangan shartlar va tartibda tarmoqqa ulash;

d) operatordan (provayderdan) ushbu Qoidalarda belgilangan majburiyatlarini, shuningdek uning telekommunikatsiyalar tarmoqlari xizmatlarini taqdim etish shartnomasi bo‘yicha majburiyatlarini bajarishini hamda o‘z vaqtida sifatli xizmat ko‘rsatilishini talab qilish;

e) shartnomada ko‘zda tutilgan telekommunikatsiyalar xizmatlaridan amaldagi tariflarga, xizmatlarning tavsifi va xizmatlar sifatiga muvofiq, shuningdek operator (provayder) tomonidan ko‘rsatiladigan qo‘shimcha xizmatlardan foydalanish;

f) operatordan (provayderdan) telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish uchun shartnomada belgilangan majburiyatlarning bajarilishini talab qilish;

g) operator (provayder) tomonidan shartnomada kelishilgan shartlar buzilgan holda telekommunikatsiyalar xizmatlaridan voz kechish va operator (provayder) bilan shartnomani qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda bekor qilish;

h) telekommunikatsiyalar xizmatlari ko‘rsatilmaganligi yoki tegishli sifatga ega bo‘lgan xizmatlar ko‘rsatilmasligi natijasida operator (provayder) tomonidan yetkazilgan zarar o‘rnining qoplanishini talab qilish, ustidan shikoyat qilish, hamda ma’naviy zarar o‘rnining to‘ldirilishini talab qilish;

i) abonent va foydalanuvchilar operator (provayder) tomonidan telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish muddatlari buzilganda, agar shartnomani o‘z vaqtida bajarish boshlanmagan yoki ishlar (xizmatlar) shartnomada belgilangan muddatda bajarilmasligi ayon bo‘lganda, shuningdek bajarilgan ishlar va ko‘rsatilgan xizmatlar sifati shartnoma shartlarida belgilanganidan past darajada bo‘lganda, kamchiliklarini bepul bartaraf etish, operator (provayder) bilan kelishuv bo‘yicha telekommunikatsiyalar tarmog‘i xizmati ko‘rsatilishi

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

mumkin bo‘lgan yangi muddatni belgilash, telekommunikatsiyalar tarmog‘i xizmatining narxini qayta hisoblashni talab qilish;

j) qonunchilik hujjatlarida ko‘zda tutilgan imtiyozlar va afzalliklar berilishini talab qilish, imtiyozlar huquqini beruvchi hujjatlar taqdim etilgandan boshlab imtiyozlar va afzalliklar amal qiladi, shuningdek shartnomaga tegishli o‘zgartishlar va qo‘shimchalar kiritish;

k) shartnomada ko‘zda tutilmagan va abonent yoki foydalanuvchi tomonidan talab qilinmagan telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun haq to‘lashni rad etish;

l) favqulodda tezkor xizmatlarni (yong‘in-qutqaruv bo‘linmalarini, ichki ishlar organlarini, tez tibbiy yordamni, gaz tarmog‘ining avariya xizmatini va boshqa xizmatlarni) chaqirishda, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti virtual qabulxonasining ishonch telefonlariga qo‘ng‘iroqlarni amalga oshirishda, shuningdek shartnomada ko‘zda tutilgan hollarda telekommunikatsiyalar xizmatlaridan bepul foydalanish;

m) unga roziligisiz taqdim etilgan telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun to‘lovni to‘lashni rad etish;

n) operator (provayder) tomonidan taqdim etilayotgan telekommunikatsiyalar xizmatlari bo‘yicha arizalar, takliflar va e’tirozlar bilan operatorga (provayderga) murojaat etish;

o) mobil ilovada ro‘yxatdan o‘tgan holda operator (provayder) bilan o‘zaro munosabat o‘rnatish;

p) agar telekommunikatsiyalar xizmatini ko‘rsatish muddatlariga rioya qilmaslikka yengib bo‘lmaydigan kuch sabab bo‘lgan bo‘lsa, operator (provayder) bilan kelishib telekommunikatsiyalar xizmatini bajarishning yangi muddatini belgilash, bu haqda telekommunikatsiyalar xizmatini bajarish uchun belgilangan muddat tugaguniga qadar abonentga yoki foydalanuvchiga xabar qilinadi;

q) ularning huquqlari buzilganda vakolatlangan davlat organlariga yoki sudga murojaat qilish;

r) belgilangan tartibda operatorning (provayderning) rasmiy veb-saytlarida ro‘yxatdan o‘tish va taqdim etilayotgan interaktiv xizmatlardan foydalanish;

s) istalgan amaldagi tarif rejasiga bepul o‘tish, bundan foydalanuvchilarning muayyan guruhiga yoki ma’lum cheklangan hudud uchun ishlab chiqilgan alohida tarif rejalariga o‘tish mustasno.

337. Axborot-ma’lumot xizmatlarini yoki ma’lumot xizmatlarini ko‘rsatish jarayonida kamchiliklar aniqlanganda abonentlar va foydalanuvchilar o‘z tanlovi bo‘yicha quyidagilarni talab qilishga haqli:

axborot-ma’lumot xizmatlari va ma’lumot xizmatlarining kamchiliklarini bepul bartaraf etish;

telekommunikatsiyalar xizmatlari ko‘rsatilmaganligi yoki lozim darajada bo‘lmagan sifatli telekommunikatsiyalar xizmatlari ko‘rsatilmaganligi natijasida yetkazilgan zararlar o‘rnini to‘ldirish, ma’naviy zararlarning kompensatsiya qilish.

338. Foydalanuvchi quyidagi huquqlarga ega:

a) jamoat foydalanish joyining internet-provayderi tomonidan ko‘rsatiladigan xizmatlardan foydalana olishga;

b) jamoat foydalanish joyining internet-provayderi tomonidan o‘z vaqtida va sifatli xizmat ko‘rsatilishiga;

d) jamoat foydalanish joyining internet-provayderi tomonidan taqdim etiladigan xizmatlar sifatining yomonlashishiga yoki boshqa oqibatlarga olib keladigan katta kamchiliklarga yo‘l qo‘yilgan holda foydalanuvchi o‘z xohishi bilan quyidagilarni talab qilishga haqli:

kamchiliklarni bepul bartaraf etish;

taqdim etilgan xizmatlarning narxini mos ravishda kamaytirish;

xizmatlarni takroran taqdim etish;

shartnomani bekor qilish;

ular huquqlari buzilgan holda vakolatlangan davlat organlariga yoki sudga murojaat qilish.

339. Foydalanuvchi jamoat foydalanish joyining internet-provayderidan quyidagi axborotni olish huquqiga ega:

jamoat foydalanish joyining firma nomi;

jamoat foydalanish joyining joylashgan joyi (yuridik manzili);

jamoat foydalanish joyining ish rejimi;

taqdim etiladigan xizmatlar ro‘yxati;

taqdim etiladigan xizmatlar narxi, tariflar;

xizmatlarni ko‘rsatish bo‘yicha boshqa axborotni.

Abonent va foydalanuvchi qonunchilik hujjatlarida va ushbu Qoidalarda belgilangan boshqa huquqlarga ham ega bo‘lishi mumkin.

2-§. Telefon aloqa xizmatlari abonentlari va foydalanuvchilarining huquqlari

340. Telefon aloqa xizmatlari abonentlari va foydalanuvchilari quyidagi huquqlarga ega:

abonentning aybisiz aloqa bo‘lmagan davrda ta’mirlash byurosida uning talabnomasi mavjud bo‘lganida, shuningdek foydalanuvchining arizasisiz qo‘shimcha pullik xizmatlar va boshqalar taqdim qilinganda telefon aloqasi xizmatlari uchun to‘lovlarni qayta hisoblashni yoki ushbu xizmatlardan foydalanganlik uchun pul mablag‘larining qaytarilishini talab qilish;

mahalliy telefon aloqasi xizmatlari uchun vaqtbay to‘lov tizimidan foydalangan holda to‘langan davr uchun hisob taqdim etilganda alohida to‘lov evaziga bo‘lib o‘tgan telefon bog‘lanishlar rasshifrovkasini (hisobning batafsil tavsifini) talab qilish.

341. Telefon aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish muddatlari buzilganda abonent o‘z tanloviga ko‘ra:

operatorga shaharlararo va xalqaro telefon aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish kerakligi davomida yangi muddatni tayinlash va ushbu xizmatning narxini pasaytirishni talab qilish;

shartnomani bekor qilish va zararni qoplashni talab qilish huquqiga ega.

342. Agar operator telefon aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish jarayonida kamchiliklarga yo‘l qo‘ysa, abonent o‘z xohishiga ko‘ra quyidagilarni talab qilish huquqiga ega:

telefon aloqasi xizmatlarining kamchiliklarini bepul bartaraf etishga;

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

telefon aloqasi xizmatlarini qayta taqdim etishga;

xalqaro, shaharlararo va mahalliy telefon aloqasi xizmatlarining narxlarini kamaytirishga;

yetkazilgan zararlarni qoplash bilan shartnomani bekor qilishga.

3-§. Telegraf aloqa xizmatlari foydalanuvchilarining huquqlari

343. Foydalanuvchi aloqa korxonasining ishlash tartibi, ko‘rsatilayotgan xizmatlar, telegrammalarning o‘tish muddatlari, telegraf aloqa xizmatlarini ko‘rsatish qoidalari va ushbu xizmatlar uchun tariflar bo‘yicha kerakli va ishonchli axborotni talab qilishga haqli.

4-§. Taksofon orqali telefon aloqa xizmatlari foydalanuvchilarining huquqlari

344. Taksofon orqali telefon aloqa xizmatlari foydalanuvchilari quyidagi huquqlarga ega:

taksofonlarni ekspluatatsiya qiluvchi operatorni (provayderni) taksofonlarning sifatsiz ishlashi, kabina va yarim kabinalarning qoniqarsiz holati to‘g‘risida arz qilish;

taksofon orqali telefon aloqa xizmatlarini taqdim etish bilan bog‘liq takliflar va da’volar bilan operatorga (provayderga) murojaat qilish;

operatorning (provayderning) aybi bilan telefon aloqa xizmatlari ko‘rsatilmaganligi yoki sifatsiz ko‘rsatilganligi natijasida keltirilgan zarar o‘rnini qoplanishini talab qilish.

5-§. Mobil aloqa xizmatlari abonentlari va foydalanuvchilarining huquqlari

345. Mobil aloqa xizmatlari abonentlari va foydalanuvchilari quyidagi huquqlarga ega:

barcha xizmatlar turlari bo‘yicha batafsil hisobni barcha amalga oshirilgan ulanishlarning sanasi va vaqti, ularning davomiyligi va abonent raqamlarini ko‘rsatgan holda abonent raqamidan foydalangan bir yilgacha davr uchun operator (provayder) tomonidan belgilangan tartib va shartlarda olish. Ushbu axborotni taqdim etishning kattaroq muddati va shartlari shartnomada belgilanishi mumkin;

ushbu Qoidalar va shartnomalar shartlariga rioya qilgan holda, shuningdek muayyan hududda (aeroport, samolyot, antenna maydoni va boshqalar) amal qiladigan alohida qoidalarni hamda to‘sqinlik qilishi yoki xavfli vaziyatlar yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan holatlarda (tibbiyot muassasalari, yoqilg‘ini saqlash va qayta yuklash hududi, portlash ishlarini o‘tkazish joylarida va boshqalar) cheklanishlarni hisobga olgan holda, texnik talablarga mos bo‘lgan foydalanuvchi qurilmasidan foydalanish;

qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda operator (provayder) tarmoqlarida abonent raqamini ko‘chib o‘tish xizmatidan foydalanishi.

2-bob. Abonentlar va foydalanuvchilarning majburiyatlari

1-§. Abonentlar va foydalanuvchilarning umumiy majburiyatlari

346. Abonentlar va foydalanuvchilar quyidagilarga majbur:

a) operator (provayder) bilan tuzilgan shartnoma shartlariga rioya qilishga;

b) unga tegishli bo‘lgan foydalanuvchi qurilmasi yordamida ko‘rsatiladigan telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun shartnomada belgilangan muddatlarda va to‘liq hajmda to‘lovni to‘lashga;

v) telekommunikatsiyalar tarmog‘idan davlat siri bo‘lgan ma’lumotlarni yoki qonunchilik bilan qo‘riqlanadigan boshqa sirni uzatish uchun foydalanishga yo‘l qo‘ymaslikka;

g) telekommmunikatsiyalar tarmog‘i orqali O‘zbekiston Respublikasining mavjud konstitutsiyaviy tuzumini, hududiy yaxlitligini zo‘rlik bilan o‘zgartirishga da’vat etishga, urush, zo‘ravonlik va terrorizmni, shuningdek, diniy ekstremizm, separatizm va fundamentalizm g‘oyalarini targ‘ib qilishga, milliy, irqiy, etnik yoki diniy adovat qo‘zg‘atuvchi, shuningdek pornografiyani targ‘ib qilishga qaratilgan axborotni va tarqatilishi qonunchilik hujjatlari bilan taqiqlangan boshqa axborotni tarqatmaslikka;

d) telekommunikatsiyalar tarmog‘i yordamida fuqarolarning sha’ni va qadr-qimmatiga yoki ishchanlik obro‘siga putur yetkazuvchi, ularning shaxsiy hayotiga aralashishga yo‘l qo‘yuvchi axborotni tarqatmaslikka;

e) qonunchilik hujjatlariga asosan telekommunikatsiyalar tarmog‘i orqali tarqatilishi taqiqlangan axborotlardan tijorat yoki notijorat maqsadlarda tarqatish uchun foydalanmaslikka;

j) telekommunikatsiyalar tarmoqlari ish sifatining pasayishiga yoki telekommunikatsiyalar tarmoqlarining shikastlanishiga olib keladigan harakatlarni bajarmaslikka;

z) operatorni (provayderni) o‘zining foydalanuvchi qurilmasi, tarmog‘i va dasturiy ta’minotidagi barcha nosozliklar yoki o‘zgarishlar to‘g‘risida xabardor qilishga;

i) o‘z xonalarida joylashgan abonent tarmog‘i va foydalanuvchi qurilmasini texnik hujjatlar qoidalariga rioya qilishga;

k) ma’lumotlar bazalaridan ruxsatsiz foydalanmaslikka va operatorning (provayderning) dasturiy vositalarini o‘zgartirmaslikka;

l) operatorga (provayderga) yetkazilgan zararni qonunchilik hujjatlariga muvofiq qoplashga;

m) tarkibida kompyuter viruslari yoki tarmoq uchun zarar yetkazishi mumkin bo‘lgan axborotni yoki dasturiy ta’minotni e’lon qilmaslik yoki uzatmaslikka;

n) kompyuter axborotidan, ya’ni axborot-hisoblash tizimlari, tarmoqlari va ularning tarkibiy qismlaridagi axborotlardan qonunga xilof ravishda (ruxsatsiz) foydalanmaslikka;

o) telekommunikatsiyalar tarmog‘ida taqdim etilgan axborot va intellektual mulk obyekti uchun mualliflik huquqlarini buzmaslikka;

p) televideniye tarmoqlarida boshqa shaxslarning beriladigan signalga ulanish holatlariga yo‘l qo‘ymaslikka;

r) operator (provayder) vakillariga ularni tekshirish, ta’mirlash va texnik xizmat ko‘rsatish uchun telekommunikatsiyalar inshootlari va qurilmalari joylashgan hududlarga kirishni ta’minlashga.

347. Abonent va foydalanuvchiga qonunchilik hujjatlarida va ushbu Qoidalarda nazarda tutilgan boshqa majburiyatlarga ham ega bo‘lishi mumkin.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

2-§. Telefon aloqa xizmatlari abonentlari va foydalanuvchilarining majburiyatlari

348. Telefon aloqa xizmatlari abonentlari va foydalanuvchilari quyidagilarga majbur:

operator (provayder) bilan tuzilgan shartnomaga muvofiq telefonlashtirilgan turar-joydan ko‘chish, sotish, almashtirish, ijaraga berish, ijaraga (ikkilamchi ijaraga) olish, familiya, turar-joy manzili, rekvizitlari, korxona nomining o‘zgarishi, telefon aloqasi xizmatlariga to‘lash va ko‘rsatish bo‘yicha imtiyozlarni olish yoki yo‘qotgan hollarda bir oy muddat ichida operator (provayder) bilan shartnomani qayta rasmiylashtirish yoki bekor qilishga;

abonent liniyasini va qurilmasini o‘z uyida yaxshi holatda saqlashga.

Yakka tartibda foydalanadigan telefonga ega abonent, shuningdek tashkilotlardagi (shu jumladan, mehmonxonalar, yotoqxonalar, sanatoriylar, dam olish uylari, chet el vakolatxonalari va xalqaro tashkilotlar) telefon egalari ularning telefonlaridan amalga oshirilgan mahalliy va xalqaro telefon bog‘lanishlarga haq to‘lash uchun javobgar bo‘ladi.

3-§. Taksofon orqali telefon aloqa xizmatlari foydalanuvchilarining majburiyatlari

349. Taksofon orqali telefon aloqa xizmatlari foydalanuvchilari quyidagilarga majbur:

taksofondan foydalanish bo‘yicha yo‘riqnomaga muvofiq foydalanish, taksofonlar, kabinalar yoki yarim kabinalarning shikastlanishiga yo‘l qo‘ymaslikka;

taqdim etilgan so‘zlashuv to‘lovi uchun taksofonlarning ushbu tipi uchun mo‘ljallangan naqd pul va naqd pulsiz to‘lov vositalaridan (maxsus jeton, to‘lov kartasi) foydalanishga.

4-§. Ma’lumot uzatish xizmatlari abonentlari va foydalanuvchilarining majburiyatlari

350. Ma’lumot uzatish xizmatlari abonentlari va foydalanuvchilari quyidagilarga majbur:

telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish uchun GSM, IP yoki SMS-shlyuzlar yoki shunga o‘xshash apparat-dasturiy vositalardan foydalanish niyati bo‘lganda, bu haqda operatorni (provayderni) ogohlantirishga;

ma’lumotlar uzatish tarmog‘idan xalqaro trafikni noqonuniy o‘tkazish maqsadida foydalanmaslikka, shu jumladan GSM va IP-shlyuzlar orqali.

5-§. Mobil aloqa xizmatlari abonentlari va foydalanuvchilarining majburiyatlari

351. Mobil aloqa xizmatlari abonentlari va foydalanuvchilari quyidagilarga majbur:

a) SIM-karta yoki foydalanuvchi qurilmasi (SIM-kartadan foydalanish ko‘zda tutilmagan mobil aloqa standartlari uchun va eSIM) yo‘qolganligi to‘g‘risida operatorning (provayderning) Call-markaziga zudlik bilan qo‘ng‘iroq qilib xabar qilish, keyinchalik operatorga (provayderga) yoki diler orqali yozma arizani taqdim qilgan holda. Abonent

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

tomonidan ushbu shartlarga rioya qilinmagan holda u yo‘qotilgan SIM-karta yoki foydalanuvchi qurilmasidan (SIM-kartadan foydalanish ko‘zda tutilmagan mobil aloqa standartlari uchun va eSIM) foydalangan holda olingan operator (provayder) tomonidan ko‘rsatilgan mobil aloqa xizmatlariga to‘lov bo‘yicha operator (provayder) abonentning ular yo‘qolganligi va xizmatlar ko‘rsatishni to‘xtatish istagi to‘g‘risidagi arizasini olgan vaqtigacha majburiyatga ega, agar xabar qilishning abonent uchun qulay bo‘lgan boshqa usuli operator (provayder) tomonidan ko‘zda tutilmagan bo‘lsa;

b) ma’lumotlar o‘zgargani haqida operatorga (provayderga) 15 kun ichida xabar berishga:

jismoniy shaxs uchun – familiyasi, ismi, otasining ismi, yashash joyi yoki turgan joyi bo‘yicha ro‘yxatga olinganligi va shaxsini tasdiqlovchi hujjat ma’lumotlari haqiqiy hujjatni taqdim etgan holda yoxud uning vakili tomonidan shaxsini tasdiqlovchi hujjatlarning asl nusxasi va belgilangan tartibda rasmiylashtirilgan ishonchnomani taqdim etish yo‘li bilan;

yuridik shaxs uchun – nomi (firma nomi), yuridik manzili o‘zgarganligi, shuningdek yuridik shaxs tugatilganligi to‘g‘risida xabar qilishga;

d) mobil aloqa xizmatlari ko‘rsatish shartnomasini tuzayotganda ushbu operator (provayder) bilan avval tuzilgan shartnomalar bo‘yicha aktiv raqamlarning mavjudligi to‘g‘risida xabar qilishga;

e) mobil aloqaning ayrim xizmatlari yoki mobil aloqa xizmatlarining to‘plamlari uchun operator (provayder) tomonidan belgilangan shartlarga muvofiq maxsus tariflar (tarif rejalari)dan maqsadli foydalanishni ta’minlashga;

f) olingan abonent raqamidan GSM, IP yoki SMS-shlyuzlarda yoki analog uskunalarda foydalanish yoki telekommunikatsiyalar xizmatlari ko‘rsatish yoki ommaviy SMS jo‘natmalar uchun foydalanish istagi bo‘lganda, buni oldindan operator (provayder) bilan kelishishga;

g) shartnoma tuzishda olinadigan raqam (SIM-karta) birga foydalaniladigan foydalanuvchi qurilmasining asosiy turlari (uyali telefon, USB-modem, elektr energiyasi/suv/gaz hisoblagichlari, onlayn to‘lov terminallari, GSM, IP yoki SMS shlyuzlar yoki uskunaning boshqa turlari)ni ko‘rsatishga;

h) abonent raqamidan shaxsiy maqsadlarda yoki ishlab chiqarish ehtiyojlari uchun (yakka tartibdagi tadbirkorlar va yuridik shaxslar uchun) foydalanish, spamga, firibgarlikka, operator (provayder) bilan oldindan kelishmasdan ommaviy SMS-jo‘natmalarga, shuningdek, boshqa noqonuniy foydalanishga yo‘l qo‘ymaslikka;

i) abonent raqamidan xalqaro trafikni noqonuniy o‘tkazish uchun foydalanmaslik, shu jumladan, GSM va IP shlyuzlardan foydalangan holda.

j) o‘rnatilgan himoya tizimlarini chetlab o‘tgan holda telekommunikatsiyalar tarmog‘idan foydalanish hamda xalqaro trafikni o‘tkazish maqsadida telekommunikatsiyalar tarmog‘idan qonunga xilof ravishda (ruxsatsiz) foydalanmaslikka, shuningdek mazkur maqsadlar uchun mo‘ljallangan maxsus dasturiy yoki apparat vositalarini qonunga xilof ravishda (ruxsatsiz) saqlash va ularning faoliyatiga yo‘l qo‘ymaslik;

k) abonent raqami ko‘chirilgan taqdirda, donor bilan tuzilgan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi bo‘yicha mobil aloqa tarmog‘i xizmatlari uchun mavjud qarzni to‘lashga.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

V bo‘lim. Ko‘rsatilgan telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun hisob-kitoblar va to‘lovlar

1-bob. Telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun hisob-kitoblar va to‘lovlar

352. Telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun tariflar qonunchilik hujjatlariga muvofiq shakllantiriladi va tartibga solinadi.

Televideniye va radioeshittirish dasturlarini uzatish va tarqatish tasdiqlangan amaldagi tarif (preyskurant) asosida ko‘rsatiladi.

353. Foydalanuvchilarning ayrim toifalari uchun telekommunikatsiyalar xizmatlariga haq to‘lash va telekommunikatsiyalar tarmog‘idan foydalanishni taqdim etish bo‘yicha imtiyozlar belgilanishi mumkin.

354. Telekommunikatsiyalar xizmatlariga haq to‘lash shakli va tartibi taraflar o‘rtasida tuziladigan telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish to‘g‘risidagi shartnomada belgilanadi.

Telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun hisob-kitoblarni bu xizmatlarni ko‘rsatgan operator (provayder, eshittiruvchi) yoki shartnoma asosida ular tomonidan vakolatlangan shaxs olib boradi.

355. Telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun tariflarni belgilash, hisob-kitoblar va barcha to‘lovlar O‘zbekiston Respublikasi milliy valyutasida amalga oshiriladi.

Ko‘rsatilgan telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun hisob-kitoblarni amalga oshirishda xorijiy valyutadan, shuningdek xorijiy valyutadagi to‘lov hujjatlaridan foydalanishga qonunchilik hujjatlarida belgilangan hollarda, tartib va shartlarda yo‘l qo‘yiladi.

356. Hisob-kitoblar shakli va tartibi qonunchilik hujjatlariga muvofiq, operatorning (provayderning) texnologik imkoniyatlardan kelib chiqib abonent bilan kelishilgan holda operator (provayder) tomonidan belgilanadi hamda shartnomada aks ettiriladi va hisob-kitoblar amalga oshiriladi.

357. Telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun tariflar qonunchilik hujjatlariga muvofiq tomonlar o‘rtasida tuziladigan shartnomada belgilaniladi.

358. Telekommunikatsiyalar xizmatlariga tariflar ayrim xizmatlar yoki xizmatlarning to‘plamiga tariflar (tarif rejalari) ko‘rinishida belgilanishi mumkin.

Tarif rejalari operatorlar tomonidan mustaqil ravishda belgilanadi (qonunchilikda belgilangan tartibda tartibga solinuvchi tariflar bundan mustasno).

Bunda, operator (provayder) tomonidan, foydalanuvchilarning muayyan guruhiga yoki ma’lum cheklangan hududda alohida tarif rejalar va imtiyozlar taqdim etilishi mumkin.

Operator va provayderlarning belgilangan talablari bo‘yicha telekommunikatsiyalarning ayrim xizmatlari yoki xizmatlarining to‘plamlari uchun (masalan, USB-modemlar, elektr energiyasi, suv, gaz hisoblagichlari, onlayn to‘lov terminallari, GSM, IP yoki SMS-shlyuzlar yoki uskunaning boshqa turlarida foydalanish uchun, shuningdek muayyan toifalardagi shaxslarga taqdim etiladigan) maxsus tariflar (tarif rejalari) belgilanishi mumkin.

359. Telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun tariflar va tarif rejalarini shakllantirishda tarifikatsiyaning quyidagi turlari qo‘llanishi mumkin:

abonentlik, bunda muayyan davr (hisob-kitob davri) uchun abonentning to‘lov miqdori haqiqatda olingan telekommunikatsiyalar xizmatlarining hajmiga bog‘liq bo‘lmagan doimiy kattalik hisoblanadi;

vaqtbay, bunda abonentning to‘lov miqdori hisob-kitob davri davomida taqdim etilgan abonentning tashabbusi bilan amalga oshirilgan ulanishlar davomiyligining summasiga bog‘liq bo‘ladi;

har bir ko‘rsatilgan telekommunikatsiyalar xizmati uchun, bunda to‘lov miqdori amalda ko‘rsatilgan xizmat uchun aniqlanadi.

Tarif rejalarini shakllantirishda tarifikatsiyaning bir nechta turlarini birga qo‘shishga yo‘l qo‘yiladi.

360. Operator, provayder ko‘rsatilayotgan telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun hisob-kitob davrini mustaqil belgilaydi.

361. Telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun to‘lov quyidagicha amalga oshiriladi:

xizmatlar ko‘rsatilganidan keyin to‘lov to‘lash;

xizmatlar ko‘rsatilishidan oldin to‘lov to‘lash;

shartnomada belgilangan yoki hisobda ko‘rsatilgan hisob-kitob davri muddatiga kechiktirilgan to‘lov to‘lash yo‘li bilan.

Abonent o‘z xohishiga ko‘ra, 2 oydan ko‘p bo‘lmagan muddatga telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun abonentlik to‘lovlarini oldindan to‘lab qo‘yishi mumkin va bunda tarif o‘zgarsa ham qiymat qayta hisob-kitob qilinmaydi. Ushbu tartib bir oydan ortiq muddat uchun taqdim etiladigan tariflarga tatbiq etilmaydi.

362. Telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun hisob-kitob va to‘lovlar xizmatlar ko‘rsatish vaqtida amalda bo‘lgan tariflar bo‘yicha amalga oshiriladi.

Tariflarni o‘zgartirish va amalga kiritish to‘g‘risidagi axborot operator (provayder) tomonidan ommaviy axborot vositalarida, o‘zining rasmiy veb-saytida yoki SMS orqali kamida 15 kun oldin majburiy e’lon qilinishi lozim.

363. Operator (provayder, eshittiruvchi) va abonent o‘rtasida to‘lovni undirish bo‘yicha kelishmovchiliklar yuzaga kelgan holda, kelishmovchiliklar sud tartibida hal etiladi.

Begona shaxslar tomonidan telekommunikatsiyalar tarmog‘iga ruxsatsiz ulanish va foydalanish natijasida kelib chiqadigan kelishmovchiliklarda bajarilgan so‘zlashuvlarning kimga tegishliligi belgilangan tartibda tekshirilishi (aniqlanishi) kerak. Tekshiruv natijalaridan rozi bo‘lmagan abonent sudga murojaat qilish huquqiga ega.

364. Telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun to‘lovlar naqd pul yoki naqd pulsiz shaklda amalga oshirilishi mumkin.

365. Telekommunikatsiyalar xizmatlari uchun to‘lovlar qabul qilinishini operator, provayder, eshittiruvchi, diler mustaqil ravishda yoki to‘lov agentlari orqali tashkil qilishi mumkin.

366. Shartnoma bekor qilingan hollarda abonent avans sifatida kiritilgan pul mablag‘larini qaytarish uchun operatorga (provayderga, eshittiruvchiga) murojaat qilish huquqiga ega. Bunday holda operator (provayder, eshittiruvchi) 15 kun muddat ichida pul mablag‘larining foydalanilmagan qoldig‘ini qaytarishga majbur.

367. Telefonlashtirilgan turar joyga nisbatan egalik qilish huquqi belgilangan tartibda ushbu yashash joyi bo‘yicha yoki turgan joyi bo‘yicha ro‘yxatga olinmagan shaxslarga o‘tganda shartnoma tuzilgan holda foydalana olish taqdim etilganligi uchun to‘lovlar qo‘llaniladi.

368. Mahalliy telefon bog‘lanishlar xizmatlari uchun abonent to‘lov tizimini yoki xizmatlar uchun vaqtbay to‘lov tizimini qo‘llagan holda to‘lanadi.

Mahalliy telefon bog‘lanishlarni vaqtbay hisobga olish texnik imkoniyati bo‘lmaganda xizmatlar uchun abonent to‘lov tizimidan foydalaniladi.

Mahalliy telefon bog‘lanishlarni vaqtbay hisobga olinishini ta’minlash texnik vositalarining tayyor bo‘lishiga qarab xizmatlar uchun vaqtbay to‘lov tizimi kiritiladi.

Vaqtbay to‘lov tizimida telefondan foydalanganlik uchun to‘lov miqdori telefon bog‘lanishlarning ma’lum davomiyligi uchun belgilangan qayd qilingan kattalikdan va qayd qilingan kattalikdan tashqari telefon bog‘lanishning davomiyligiga bog‘liq bo‘lgan o‘zgaruvchan kattalikdan tashkil topadi.

369. Avtomatik mahalliy, xalqaro telefon aloqadan foydalanganlik uchun xizmatlarga to‘lov vaqtbay to‘lov tizimida abonent tomonidan faqat unga tegishli bo‘lgan foydalanuvchi qurilmasidan chiqadigan telefon bog‘lanishlar uchun to‘lanadi, bundan chaqirilayotgan abonent yoki operatorning (provayderning) hisobidan ko‘rsatiladigan xizmatlar mustasno.

370. Operator-telefonist yoki avtomatik usul bilan taqdim etilgan xalqaro telefon bog‘lanishlarga telefon bog‘lanishning davomiyligiga bog‘liq holda amaldagi tariflar bo‘yicha to‘lov to‘lanadi.

371. Mahalliy (xizmatlarga vaqtbay to‘lov tizimida), xalqaro telefon bog‘lanishda telefon bog‘lanishlarining davomiyligini hisobga olish operator tomonidan qabul qilingan tarifikatsiya birligiga muvofiq yuritiladi.

372. Mahalliy va xalqaro telefon bog‘lanishlarining tarifikatsiya birligi miqdori va to‘liq bo‘lmagan tarifikatsiya birligini to‘lash tartibi foydalanilayotgan kommutatsion texnikaning texnik imkoniyatlariga bog‘liq holda belgilanadi.

Bunda, tarifikatsiya birligi bir daqiqadan ko‘p bo‘lmasligi kerak.

373. Avtomatik mahalliy (xizmatlarga vaqtbay to‘lov tizimida), shaharlararo va xalqaro telefon bog‘lanishdan foydalanganda telefon bog‘lanishining davomiyligi istalgan shaxs yoki foydalanuvchi qurilmasining javob berish paytidan chaqirayotgan yoki chaqirilayotgan shaxs yoki foydalanuvchi qurilmasining uzilishigacha hisoblanadi.

374. Javob signali chaqirilayotgan shaxsning javobiga tenglashtiriladigan va telefon bog‘lanishining davomiyligini hisoblash boshi bo‘lib xizmat qiladigan foydalanuvchi qurilmasiga quyidagilar kiradi:

ma’lumotlar uzatish apparaturasi (modem va boshqalar);

faksimil apparati;

avtojavobbergich bilan ta’minlangan foydalanuvchi qurilmasi;

raqamni avtomatik aniqlovchi telefon apparati;

abonent bo‘lmaganda uning o‘rnini bosadigan va axborot almashinuvini ta’minlaydigan (yoki imitatsiya qiladigan) boshqa foydalanuvchi qurilmasi.

375. Agar abonent liniyasi yo‘q bo‘lgan abonentlar xizmatiga o‘tkazilgan yoki abonent bo‘lmaganda uning o‘rniga foydalaniladigan (xabarlarni yozib oluvchi yoki ma’lumotlar bilan almashish uchun xizmat qiladigan) qurilma bilan ulanganda, bu xizmat yoki bu qurilmaga abonentning so‘roviga ko‘ra u uchun javob beradigan shaxs sifatida qaraladi. Bunday holda telefon bog‘lanish o‘rnatiladi va to‘lov hisoblanadi.

Abonent operatorning (provayderning) Call-markaziga qo‘ng‘iroq qilganda oldindan yozib olingan ovozli xabarlar tizimini eshitish vaqti yoki avtoinformatorning audio xabarlari bog‘lanishning tarifikatsiyalanadigan davomiyligiga kiritilmaydi.

376. Konferensaloqa xizmatining davomiyligi barcha chaqirilayotgan shaxslar chaqirayotgan shaxs bilan telefon bog‘lanish o‘rnatilgandan keyin hisoblanadi, chaqirayotgan shaxsning “otboy” signali boshlanish paytidan tugaydi.

377. Bog‘lanish uchun buyurtma (operator-telefonist orqali) xalqaro telefon bog‘lanishlar taqdim etilganda to‘lanishi kerak bo‘lgan telefon bog‘lanishining minimal davomiyligi belgilanadi. Bunda, minimal davomiylikdan kam davom etgan telefon bog‘lanishiga minimal davomiylikdagi telefon bog‘lanishi sifatida to‘lov to‘lanadi.

Telefon bog‘lanishining ko‘rsatilgan minimal davomiyligi bir daqiqadan oshmasligi kerak.

378. Mahalliy (xizmatlar uchun vaqtbay to‘lov tizimida), xalqaro telefon bog‘lanishi uchun to‘lov telefon bog‘lanishi o‘rnatilishidan boshlab joriy sutkada amal qiladigan tarif bo‘yicha amalga oshiriladi.

379. Chaqirayotgan shaxs u tomonidan buyurtma berilgan oldinroq o‘rnatilgan shaharlararo yoki xalqaro telefon bog‘lanishni rad etganda, bunday telefon bog‘lanish taqdim etilgan vaqtda abonentdan bog‘lanishga buyurtma qilingan tarif bo‘yicha so‘zlashuv daqiqasining narxi va telefon bog‘lanishi paytiga operator-telefonist tomonidan bajarilgan xizmatlarning to‘liq qiymati miqdorida to‘lov undiriladi.

380. Agar chaqirilayotgan shaxs bilan bildirishnomali shaharlararo va xalqaro telefon bog‘lanish ko‘rsatilgan manzil bo‘yicha chaqirilayotgan shaxsning turmasligi sababli bildirishnoma bu shaxsga topshirilmaganligi yoki topshirish imkoniyati yo‘qligi sababli bo‘lib o‘tmagan bo‘lsa, chaqirilayotgan shaxsdan xizmat narxi miqdorida to‘lov undiriladi.

Agar chaqirilayotgan shaxs bilan bildirishnomali shaharlararo va xalqaro telefon bog‘lanish chaqirilayotgan yoki chaqirayotgan shaxsning so‘zlashuv punktiga kelmaganligi yoki chaqirilayotgan shaxsning ko‘rsatilgan telefon raqami bo‘yicha bo‘lmaganligi sababli telefon bog‘lanishi uchun tayinlangan vaqtdan keyin bir soat ichida bo‘lib o‘tmasa, to‘lov xizmatining narxi miqdorida undiriladi.

381. Agar chaqirayotgan shaxs xalqaro telefon bog‘lanishga buyurtma berayotganda chaqirilayotgan foydalanuvchi qurilmasining noto‘g‘ri abonent raqamini ko‘rsatgan bo‘lsa, u holda u ushbu buyurtma uchun amaldagi tariflar bo‘yicha o‘rnatilgan telefon bog‘lanishining haqiqiy davomiyligiga haq to‘laydi.

382. Avtomatik xizmat ko‘rsatish tizimi bo‘yicha taqdim etilgan mahalliy (xizmatlar uchun vaqtbay to‘lov tizimi) yoki xalqaro telefon bog‘lanishda abonentga hisobni taqdim etish uchun magnit tashuvchi (magnit tasmalar, disklar)ga yozilgan qiymatni hisoblash apparaturasining ma’lumotlari, operator-telefonist yordamida xalqaro telefon bog‘lanish taqdim

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

etilganda operator-telefonist tomonidan buyurtma blankiga kiritilgan yoki avtomatlashtirilgan hisob-kitoblar tizimining, shuningdek elektron kommutatorlarning magnit tashuvchilari (magnit tasmalar, disklar)ga yozilgan ma’lumotlar asos bo‘lib hisoblanadi.

383. Mahalliy shaharlararo va xalqaro telefon so‘zlashuvlari xizmatlari uchun to‘lovlar so‘zlashuv punktlarida bog‘lanish uchun buyurtma qilishda foydalanuvchi buyurtma qilinayotgan telefon so‘zlashuvining davomiyligi va buyurtmada ko‘rsatilgan qo‘shimcha pulli xizmatlar uchun oldindan haq to‘lashi kerak. Kompyuter bilan jihozlangan so‘zlashuv punktida telefon orqali so‘zlashuvdan keyin to‘lovni amalga oshirishga yo‘l qo‘yiladi.

Oldindan to‘lovni tasdiqlash uchun foydalanuvchiga majburiy tartibda buyurtma blankidan yirtib olinadigan talon beriladi. Mazkur talonda taqvim shtempelining yoki talonni bergan operator kassa apparatining izi bo‘lishi kerak.

384. Agar so‘zlashuv buyurtmada ko‘rsatilgan vaqtdan kam davom etsa yoki umuman bo‘lib o‘tmagan bo‘lsa, foydalanuvchiga pulning qolgan qismi yoki butun to‘langan summa qaytariladi. Hisob-kitob qilish uchun foydalanuvchi yirtib olinadigan talonni qaytarishi kerak.

Pulning qolgan qismi berilganda yirtib olinadigan talon foydalanuvchidan olib qo‘yiladi va bu talon o‘rniga undan undirilgan summa uchun kvitansiya beriladi. Kvitansiya har bir so‘zlashuv uchun bepul beriladi.

385. Ko‘rsatiladigan telegraf xizmatlariga haq to‘lash belgilangan tariflarga muvofiq amalga oshiriladi.

386. Taksofon orqali telefon aloqa xizmatiga haq to‘lash uchun maxsus jeton, to‘lov kartasi, tanga va milliy valyutaning tegishli kupyurasi ishlatiladi.

387. Taksofon orqali mahalliy, shaharlararo va xalqaro telefon aloqasi xizmati uchun tariflar qonunchilik hujjatlariga muvofiq belgilanadi.

388. Taksofon orqali shaharlararo va xalqaro telefon aloqasining tarifikatsiya birligining o‘lchovi hamda tarifikatsiya birligining to‘liq bo‘lmagan birligini to‘lash tartibi operator (provayder) tomonidan foydalaniladigan kommutatsiya texnikasining texnik imkoniyatlariga bog‘liq holda belgilanadi. Bunda, tarifikatsiya birligi bir daqiqadan ko‘p bo‘lmasligi kerak.

389. Taksofon orqali telefon so‘zlashuvining davomiyligi chaqiriluvchi abonent yoki foydalanuvchi qurilmasining javobidan to chaqiruvchi yoki chaqiriluvchi abonentning yoki foydalanuvchi qurilmasining uzilishigacha hisoblanadi.

390. Chaqiriluvchi shaxsning javobiga tenglashtirilgan, javob signali telefon so‘zlashuvi davomiyligi hisobining boshlanishi bo‘lgan foydalanuvchi qurilmasiga quyidagilar kiradi:

ma’lumotlar uzatish apparaturasi (modem va boshqalar);

faksimil apparati;

avtojavobbergich bilan jihozlangan foydalanuvchi qurilmasi;

raqamni avtomatik aniqlovchi telefon apparati;

abonent bo‘lmaganda uning o‘rnini bosadigan va axborot almashinuvini ta’minlaydigan (yoki imitatsiya qiladigan) boshqa foydalanuvchi qurilmasi.

391. Ma’lumotlar uzatish tarmog‘i operatori (provayderi) avtomatlashtirilgan hisob-kitob tizimlari yordamida abonentga ko‘rsatilgan xizmatlar (ma’lumotlar uzatish vaqti, tezligi,

olingan va (yoki) uzatilgan axborot hajmi, shuningdek abonent pul mablag‘larining harakati va boshqalar) to‘g‘risidagi axborot hisobini yuritadi.

392. Operator (provayder) shartnoma asosida hisob-kitoblarni amalga oshirish maqsadida bajarilgan ishlar va ko‘rsatilgan xizmatlarga haq to‘lash to‘g‘risida abonentga axborot taqdim etadi.

Bunda, quyidagi ma’lumotlar ko‘rsatilishi shart:

operator (provayder) rekvizitlari va murojaat uchun telefon raqamlari;

hisob-kitob davri;

bajarilgan ishlar narxi;

taqdim etiladigan xizmatlar ro‘yxati, har bir xizmat uchun hisob-kitob davri va ular uchun to‘lanadigan summa;

qo‘shilgan qiymat solig‘i summasi (agar undirilsa);

umumiy to‘lanadigan summa;

hisob taqdim etilgan sana;

haq to‘lash muddati.

393. Operator (provayder) tomonidan abonentning hisobvarag‘i yuritilgan taqdirda, to‘lov to‘g‘risida ko‘rsatilgan axborot operator (provayder) va abonent o‘rtasidagi shartnoma shartlarining o‘zgarishlari bilan bog‘liq abonentning hisobvarag‘i bo‘yicha balans tuzatishlarini, shuningdek kelib tushgan va abonentning hisobvarag‘ida aks ettirilgan oldingi hisob-kitob davridagi xizmatlar uchun abonentning to‘lovlari to‘g‘risidagi axborotlarni o‘z ichiga olishi kerak.

394. Mobil aloqa tarmog‘i bo‘yicha ulanish davomiyligining tarifikatsiya birligi operator (provayder) tomonidan belgilanadi, ammo bir daqiqadan ko‘p bo‘lmasligi kerak.

Mobil aloqa tarmog‘ida har bir internet sessiyani alohida hisobga olgan holda ma’lumotlar uzatish trafigining har bir yo‘nalishi bo‘yicha uzatilgan va olingan ma’lumotlar hajmining tarifikatsiya birligi operator (provayder) tomonidan belgilanadi, ammo 16 KB dan ko‘p bo‘lmasligi kerak.

Boshqa operatorning (provayderning) mobil aloqa tarmog‘idagi har bir internet sessiyani alohida hisobga olgan holda roumingda Internet-trafikni yaxlitlash xalqaro rouming to‘g‘risidagi kelishuvga ko‘ra belgilanadi, ammo ma’lumotlar uzatish trafigining har bir yo‘nalishi bo‘yicha tarifikatsiya birligi 16 KB dan ko‘p bo‘lmasligi kerak.

395. Ulanishning davomiyligini hisobga olish operator (provayder) tomonidan qabul qilingan tarifikatsiya birligiga muvofiq olib boriladi.

396. To‘lov miqdorini aniqlash uchun foydalaniladigan mobil aloqa tarmog‘i bo‘yicha ulanish davomiyligi chaqiriluvchi abonent yoki abonent javob bergan deb tenglashtirilgan javob signali bo‘lgan uskuna javob bergan sekunddan boshlab chaqiruvchi yoki chaqiriluvchi abonent yoki shu uskuna so‘zlashuvi tugagan vaqtgacha hisoblanadi.

Operator (provayder) tomonidan belgilangan minimal hisoblangan vaqt birliklarida hisoblangan ulanishlar davomiyligi to‘liq birlikkacha yaxlitlanadi.

Operator (provayder) tomonidan belgilangan trafik hajmining minimal hisob-kitob birliklarida hisoblangan ishlatilgan ma’lumotlar uzatish trafigining hajmi to‘liq birlikkacha yaxlitlanadi.

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

Operator (provayder, eshittiruvchi) ushbu Qoidalarga nisbatan abonent holatini yomonlashtirmaydigan mobil aloqa xizmatlari tarifikatsiyasi qoidalarini mustaqil belgilaydi.

397. Abonent tomonidan ushbu Qoidalarda belgilangan talablar, shuningdek shartnoma shartlari buzilgan hollarda, buzilishlar bartaraf etilguniga qadar operator (provayder) mobil aloqa xizmatlari ko‘rsatilishini to‘xtatish huquqiga ega.

Bunda, mobil aloqa tarmog‘idan foydalana olish va abonent tomonidan favqulodda tezkor xizmatlarni chaqirish imkoniyati saqlanadi.

398. Operator (provayder) tomonidan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish to‘xtatilgandan keyin abonent shartnoma va qonunchilik hujjatlari bilan belgilangan muddatda aniqlangan buzilishlarni bartaraf etish huquqiga ega. Aniqlangan buzilishlar bartaraf etilgandan keyin mobil aloqa xizmatlaridan foydalanish tiklanadi.

399. Kreditga taqdim etilgan mobil aloqa xizmatlari uchun to‘lov muddatini operator (provayder) mustaqil belgilaydi.

400. Abonent raqamini ko‘chirib o‘tish xizmatlari uchun to‘lov va retsipiyent bilan mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish bo‘yicha shartnoma tuzish abonent tomonidan qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

401. Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatish bo‘yicha imzolangan shartnoma asosida operatorga (provayderga) mobil aloqa xizmatlari to‘lovi amalga oshiriladi.

402. Har biri rezident hisoblangan mobil aloqa operatorlari (provayderlari) o‘rtasidagi hisob-kitoblar qonunchilik hujjatlariga muvofiq milliy valyutada amalga oshiriladi.

403. Mahalliy operatorning xizmat ko‘rsatuvchi xorijiy operatorlar (rouming-sheriklar) bilan va tizim hosil qiluvchi rouming-sheriklar bilan hisob-kitoblari O‘zbekiston Respublikasining qonunchilik hujjatlariga va xalqaro qoidalarga muvofiq bajariladi.

VI bo‘lim. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi tomonlarining javobgarligi va yakuniy qoidalar

1-bob. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasi tomonlarining javobgarligi

404. Operator (provayder) tuzilgan shartnoma bo‘yicha o‘z majburiyatlarini bajarmaganligi yoki lozim darajada bajarmaganligi hamda telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish muddatlarini va shikastlanishlarni bartaraf etish muddatlarini buzganligi uchun quyidagi hollarda abonent oldida javobgardir:

telekommunikatsiyalar tarmog‘idan foydalana olishni ta’minlash muddatlarining buzilishi;

shartnomada belgilangan telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish muddatlarining buzilishi;

shartnomada ko‘rsatilgan va abonent tomonidan talab qilingan telekommunikatsiyalar xizmatlarining barcha turlarini ko‘rsatmaganlik;

telekommunikatsiyalar xizmatlarini sifatsiz ko‘rsatish;

telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish bilan bog‘liq axborotning taqdim etilmaganligi, to‘liq taqdim etilmaganligi yoki o‘z vaqtida taqdim etilmaganligi;

QMMB: 10/26/3762/0082-son
27.01.2026-y.

shartnomani bajarish natijasida operatorga (provayderga) ma’lum bo‘lgan abonent to‘g‘risidagi ma’lumotlarning tarqatilishini cheklash to‘g‘risidagi talablarning buzilishi.

405. Majburiyatlarni bajarmaslik yoki lozim darajada bajarmaslik foydalanuvchining aybi bilan yoki yengib bo‘lmaydigan kuch, ya’ni favqulodda va muayyan sharoitlarda oldini olib bo‘lmaydigan vaziyatlar (fors-major) oqibatida sodir etilgan bo‘lsa, operator (provayder) abonent/foydalanuvchi oldida javobgar bo‘lmaydi.

406. Telegraf xizmatida jo‘natuvchi tomonidan manzil noto‘g‘ri ko‘rsatilganligi sababli telegramma topshirilmagan bo‘lsa, operator abonent yoki foydalanuvchi oldida javobgar bo‘lmaydi.

407. Telekommunikatsiyalar tarmog‘ida yuzaga kelgan nosozlik yoki shikastlanishlar shartnomada belgilangan muddatda bartaraf etilmagan taqdirda, operator (provayder, eshittiruvchi) abonentning talabiga ko‘ra shartnomada belgilangan miqdorda jarima (penya) to‘laydi.

Operator (provayder, eshittiruvchi) tomonidan jarima (penya) to‘langanligi ularni shartnoma bo‘yicha zimmasiga yuklatilgan majburiyatlarni bajarishdan ozod etmaydi.

408. Ushbu Qoidalar va shartnomada ko‘zda tutilgan o‘z majburiyatlarini bajarmagan taqdirda, tomonlar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo‘ladi.

409. Tomonlar o‘z majburiyatlarini bajarmagan hollarda, telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish shartnomasini bekor qilish tartibi va shartlari abonent va operator (provayder, eshittiruvchi) o‘rtasida tuziladigan shartnomada belgilanadi.

410. Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatish bilan bog‘liq nizoli masalalar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda hal qilinadi.

411. Agar mobil aloqa operatorining (provayderining) javobgarligi dilerning aybi bilan yuzaga kelgan bo‘lsa, operator (provayder) dilerdan u bilan tuzilgan shartnomaga va qonunchilik hujjatlariga muvofiq yetkazilgan zararni qoplashni talab qilishga haqli.

412. Operator, provayder, Wi-Fi xizmati tashkilotchisi o‘z ixtiyorida (bevosita boshqaruvi va nazorati ostida) bo‘lmagan ma’lumotlar uzatish tarmog‘ining resurslari, serverlari va segmentlari mazmuni, ulardan foydalanish imkoniyati va ishlash qobiliyati uchun javobgar bo‘lmaydi.

413. Abonent o‘z majburiyatlarini bajarmaganligi, shu jumladan shartnomaga muvofiq belgilangan muddatda xizmatlar uchun haq to‘lamaganligi uchun shartnomaga muvofiq javobgar bo‘ladi.

414. Operator (provayder, eshittiruvchi) qonunchilik hujjatlarida ko‘zda tutilgan boshqa holatlarda ham javobgardir.

415. Abonent tomonidan qilingan shikoyat yozma, og‘zaki va/yoki elektron shaklda amalga oshiriladi, u operatorga (provayderga, eshittiruvchiga) kelib tushgan kun ro‘yxatga olinishi kerak.

Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatishni rad etish, shartnomadan kelib chiqadigan majburiyatlarni o‘z vaqtida bajarmaslik yoki lozim darajada bajarilmaslik bilan bog‘liq masalalar yuzasidan shikoyatlar telekommunikatsiyalar xizmatlari ko‘rsatilgan, uni ko‘rsatish rad etilgan yoki hisob taqdim etilgan kundan boshlab 6 oy ichida beriladi.

2-bob. Yakuniy qoida

416. Mazkur Qoidalar talablari buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3763
2026 - yil 28 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING BUYRUG‘I

Donor qoni va uning tarkibiy qismlarini keyinchalik, zarurat boʻlganda, donorning oʻziga ishlatilishini koʻzlab topshirish (autodonorlik) tartibi toʻg‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Qon va uning tarkibiy qismlari donorligi to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. Donor qoni va uning tarkibiy qismlarini keyinchalik, zarurat boʻlganda, donorning oʻziga ishlatilishini koʻzlab topshirish (autodonorlik) tartibi toʻg‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
22-Yanvar 2026-yil
3-son

XUDAYAROV ASILBEK ANVAROVICH

Oʻzbekiston respublikasi sogʻliqni saqlash vazirining
2026-yil 22-yanvardagi 3-son buyrugʻiga
ILOVA

Donor qoni va uning tarkibiy qismlarini keyinchalik, zarurat boʻlganda, donorning oʻziga ishlatilishini koʻzlab topshirish (autodonorlik) tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Mazkur Nizom donor qoni va uning tarkibiy qismlarini keyinchalik, zarurat boʻlganda, donorning oʻziga ishlatilishini koʻzlab topshirish (autodonorlik) (bundan buyon matnda autodonorlik deb yuritiladi) tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoida

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

donor – oʻz qoni va uning tarkibiy qismlaridan bir qismini tibbiyot ehtiyojlari uchun ixtiyoriy ravishda beruvchi jismoniy shaxs;

autodonorlik – donorning oʻz qoni va uning tarkibiy qismlari oldindan olinib, keyinchalik, zarurat boʻlganda, donorning oʻziga qayta quyish amaliyoti.

2-bob. Autodonorlikni amalga oshirish

2. Autodonorlik uchun donorning yoshi oʻn sakkizga toʻlgan boʻlishi kerak.

3. Autodonorlik donorning jarrohlik amaliyoti oʻtkazilishi rejalashtirilayotgan davlat sogʻliqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalarida (bundan buyon matnda tibbiyot muassasalari deb yuritiladi) donor yoki uning qonuniy vakilining yozma roziligi asosida bepul amalga oshiriladi.

4. Autodonorlik quyidagi hollarda amalga oshiriladi:

donorga allogen qon quyishning imkoni mavjud boʻlmasa;

donorning qon guruhi kam uchraydigan boʻlsa;

donor yoki uning qonuniy vakili allogen qon quyishni rad etsa.

5. Autodonorlik uchun donordan qon va uning tarkibiy qismlarini olishdan oldin tibbiyot muassasasidagi donorning davolovchi shifokori tomonidan uning hayotiy koʻrsatkichlarining (arterial bosim, nafas olish tezligi, yurak urishi, tana harorati va boshqalar) barqarorligi ta’minlanishi lozim.

6. Autodonorlikdan oldin donorning qoni quyidagi koʻrsatkichlar boʻyicha laboratoriya tekshiruvlaridan oʻtkazilishi shart:

ABO tizimi boʻyicha qon guruhi va Rh tizimi boʻyicha rezus-mansubligi;

gemoglobin miqdori va gematokrit koʻrsatkichi;

OIV – 1 va OIV – 2 viruslariga qarshi antitelolar va antigenlar;

B gepatiti virusining yuzaki antigeni (HBsAg);

C gepatiti virusiga qarshi antitelolar (anti HCV);

xira treponemaga qarshi antitelolar;

qon zardobida oqsilning umumiy miqdori.

7. Donorning qonidan mazkur Nizomning 6-bandiga muvofiq oʻtkazilgan laboratoriya tekshiruvlari natijasida quyidagilar aniqlansa, autodonorlikka yoʻl qoʻyilmaydi:

OIV (OITS) infeksiya;

B yoki C virus markerlari;

zaxm kasalligi;

qondagi oqsil miqdori 60 g/l dan kamligi;

qonning kamligi (anemiya) (gemoglobin miqori 110 g/l kam boʻlganda);

gematokrit koʻrsatkichi 25 foizdan kamligi.

8. Autodonorlik uchun qon va uning tarkibiy qismlarini topshirish istagida boʻlgan shaxslar mazkur Nizomning ilovasida koʻrsatilgan roʻyxatda nazarda tutilgan qarshi koʻrsatmalar mavjud boʻlgan hollarda butunlay donorlikdan chetlashtiriladi.

9. Autodonorlik quyidagi davrlardan birida amalga oshiriladi:

jarrohlik amaliyotidan oldin;

jarrohlik amaliyotiga tayyorgarlik jarayonida;

jarrohlik amaliyoti davomida.

10. Autodonorlik uchun donor qoni va uning tarkibiy qismi quyidagi tartibda olinadi:

jarrohlik amaliyotidan oldin – donor qoni va uning tarkibiy qismlari jarrohlik amaliyoti o‘tkazilishi rejalashtirilgan kundan ko‘pi bilan 30 kun oldin olinadi;

jarrohlik amaliyotiga tayyorgarlik jarayonida – donor qoni va uning tarkibiy qismlari donorning holati barqaror bo‘lganda, davolovchi shifokor va anesteziologning tegishli xulosasi asosida olinadi;

jarrohlik amaliyoti davomida – donorning jarrohlik yaralaridagi bo‘shliqlarga oqib tushgan qoni Qonni intraoperatsion qayta quyish apparati yordamida yig‘ib olinadi (bunda donor yoki uning qonuniy vakilining yozma roziligi jarrohlik amaliyoti boshlanishidan oldin olingan bo‘lishi lozim).

Jarrohlik amaliyoti davomida donorning jarrohlik yaralaridagi bo‘shliqlarga oqib tushgan qonida bakterial ifloslanish hamda amniotik suyuqlikning tushish holati aniqlansa, autodonorlikni amalga oshirish taqiqlanadi.

11. Autodonorlikda donordan bir martalik qon olish miqdori 500 ml oshmasligi kerak.

Autodonorlikda donordan olingan qon va uning tarkibiy qismlarini donorning o‘ziga quyishdan oldin qon guruhi qayta aniqlanadi va individual muvofiqlik tekshiriladi (bundan jarrohlik amaliyotiga tayyorgarlik jarayonida hamda jarrohlik amaliyoti davomida donordan yig‘ilgan qonni uning o‘ziga quyish holatlari mustasno).

12. Autodonorlik uchun donordan olingan qon va uning tarkibiy qismlarini boshqa begona shaxslarga quyish taqiqlanadi.

3-bob. Donor qoni va uning tarkibiy qismlarini saqlash

13. Autodonorlik uchun donordan olingan qon va uning tarkibiy qismlari jarrohlik amaliyotidan oldin olingandan so‘ng, tibbiyot muassasalarining qon va uning tarkibiy qismlarini saqlash uchun mo‘ljallangan xonalaridagi muzlatkich yoki sovutgichlarda vaqtincha saqlash uchun joylashtirilishi kerak.

14. Autodonorlik uchun donordan olingan qonning plazmasi u olingan kundan boshlab muzlatkichlarda -25 – -40°C gacha bo‘lgan haroratda bir yilgacha, qonning eritrotsitar massasi esa u olingan kundan boshlab sovutgichlarda +2 – +6°C gacha bo‘lgan haroratda 35 kungacha saqlanadi.

15. Autodonorlik uchun donordan olingan qon va uning tarkibiy qismlari muzlatkich yoki sovutgichlarda vaqtincha saqlanganda ularning konteynerlarida “Autodonor” degan so‘z hamda donorning familiyasi, ismi, otasining ismi, jinsi, yoshi va qon guruhi, rezus-mansubligi, qon va uning tarkibiy qismlari olingan sana aks ettirilishi kerak.

16. Autodonorlik uchun donordan olingan qon va uning tarkibiy qismlarining saqlash muddatlari mazkur Nizomning 14-bandida belgilangan muddatlardan oshgan taqdirda yoki jarrohlik amaliyotida foydalanilmaganda Davolash-profilaktika muassasalarida chiqindilarni yig‘ish, saqlash va yo‘q qilishning sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlariga (0317-15-son SanQvaN) muvofiq utilizatsiya qilinadi.

4-bob. Yakuniy qoida

17. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.

Donor qoni va uning tarkibiy qismlarini keyinchalik, zarurat bo‘lganda, donorning o‘ziga ishlatilishini ko‘zlab topshirish (autodonorlik) tartibi to‘g‘risidagi nizomga
ILOVA

Autodonorlik uchun qarshilik qiluvchi ko‘rsatmalar RO‘YXATI

T/r	Nomi
1.	Onkologik kasalliklar: xavfli o‘smalar va qon kasalliklari
2.	O‘tkirosti transfuzion g‘ovakli ensefalopatiyalar (O‘TG‘E): Kuru, Kreytsfeld-Yakob kasalligi, Gerstmann-Shtreusler sindromi, oila anamnezida (O‘TG‘E) bo‘lgan shaxslar, amiotrofik leykospongioz
3.	Endokrin tizimi kasalliklarining moddalar almashuvi va vazifalarini qaytarib bo‘lmaydigan holatlari, qandli diabet (insulinga bog‘liq shakli)
4.	Giyohvandlik, alkogolizm, toksikomaniya
5.	Yurak-qon tomir kasalliklari: stenokardiya, o‘tkir aritmiya, II va III darajali gipertoniya, ateroskleroz, aterosklerotik kardioskleroz, obliteratsiyalovchi endoarterit, qaytalanuvchi tromboflebit, endokarditlar, miokarditlar, yurak illati
6.	Yuqumli kasalliklar: moxov, sil (hamma shakllari), tulyaremiya, tepkili terlama markerlari bo‘yicha ijobiy tekshiruv natijalari
7.	Nafas olish organlari kasalliklari: bronxial astma, bronxoektatik kasallik, o‘pkalar emfizemasi, nafas yetishmasligi belgilari bilan obstruktiv bronxit, dekompensatsiya bosqichidagi diffuz pnevmoskleroz
8.	Ovqat hazm qilish organlari kasalliklari: me’da va 12 barmoqli ichak yarasi kasalligi qo‘zg‘alish bosqichidagi, surunkali pankreatit xuruj davrida, nospetsifik yarali kolit xuruj davrida
9.	Jigar va o‘t yo‘llari kasalliklari: gepatitlar, jumladan toksik va noaniq etiologiyadagi gepatitlar, sirroz, kalkulyozli xoletsistit xolangit belgilari bilan
10.	Ko‘rish organlari kasalliklari: glaukoma, yuqori darajadagi miopiya (6 va undan ortiq dioptriyalar), retinopatiyalar, to‘r pardaning ko‘chishi, uveyit, irit, iridotsiklit, xorioretinit, to‘liq ko‘rlik, traxoma
11.	Teri kasalliklari: tana bo‘ylab tarqalib ketgan psoriaz, qizil volchanka, piodermiya, pufakchali ekzema, dermatozlar, vitiligo, chuqur mikozlar
12.	Buyraklar va peshob chiqarish yo‘llari kasalliklari: buyrakning dekompensatsiya bosqichidagi diffuz va o‘choqli shikastlanishi
13.	Nur kasalligi
14.	LOR-organlar kasalliklari: ozena, og‘ir kechadigan surunkali yiringli yallig‘lanuvchi kasalliklar
15.	Parazitar kasalliklar: leyshmanioz, exinokokkoz, toksoplazmoz, tripanosomoz, rishta
16.	Biron tana a’zosini olib tashlash bilan bog‘liq jarrohliklari amaliyotlari, reproduktiv tizim organlari bundan mustasno
17.	Markaziy asab tizimining organik kasalliklari
18.	Biriktiruvchi to‘qimaning diffuz kasalliklari

19.	Surunkali va oʻtkir osteomiyelit
20.	Tana aʼzolari transplantatsiyasi
21.	Ruhiy holatning buzilishi

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3764
2026 - yil 28 - Yanvar

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ САНОАТ, РАДИАЦИЯ ВА ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

Электр пайвандлаш ишларида ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–161-сон “Ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда вазирлик ва идораларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон “Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси қарор қилади:

1. Электр пайвандлаш ишларида ишларнинг хавфсизлиги қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Qo'mita raisi
07-Yanvar 2026-yil
31 son

RAFIQOV ABDUVAQQOS VOHIDOVICH

Kelishildi:

Vazir
22-Dekabr 2025-yil

ZAXIDOV BOTIR ERKINOVICH

Vakil o'rinbosari
18-Dekabr 2025-yil

URUNOV JAMSHID OLIMOVICH

Vazir
14-Dekabr 2025-yil

XUDAYAROV ASILBEK ANVAROVICH

Vazir
11-Dekabr 2025-yil

KUDRATXODJAYEV BOTIR BAXROMOVICH

Rais
09-Dekabr 2025-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги
қўмитасининг 2026 йил 7 январдаги 31-сон
қарорига
ИЛОВА

Электр пайвандлаш ишларида ишларнинг хавфсизлиги ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар электр пайвандлаш ишларида ишларнинг хавфсизлигига қўйиладиган талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотларда (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) электр пайвандлаш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган ходимлар ва иш берувчиларга, шунингдек юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Мазкур Қоидалар ёпиқ биноларда ёки очиқ ҳавода жиҳозланган ва фойдаланиладиган, пайвандлаш, қоплама қилиш, эритиш орқали кесиш (ажратиб кесиш ва сирт бўйича кесиш) ҳамда босим қўллаган ҳолда пайвандлаш технологик жараёнларини бажариш учун мўлжалланган доимий ва кўчма ҳаракатланувчи электр пайвандлаш қурилмаларига, жумладан, қуйидагиларга татбиқ этилади:

а) ёйли ва плазмали пайвандлаш, қоплама қилиш ва кесиш;

б) атом-водородли пайвандлаш;

в) электрон-нурли пайвандлаш;

г) лазерли пайвандлаш ва кесиш (ёруғлик нури ёрдамида пайвандлаш ва кесиш);

д) электрошлакли пайвандлаш;

е) контактли қиздириш орқали пайвандлаш;

ё) контактли ёки диффузион пайвандлаш, ёй-контактли пайвандлаш;

ж) ҳимоя газлар (актив ва инерт газлар) муҳитида пайвандлаш.

3. Иш берувчи мазкур Қоидаларга мувофиқ, ишлаб чиқариш хусусиятларини инобатга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар ҳамда технологик жараёнлар ва ускуналардан фойдаланиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қайта кўриб чиқади.

4. Мазкур Қоидаларнинг талабларига риоя этилишини назорат қилиш электр пайвандлаш ускуналарини қуриш, лойиҳалаш, реконструкция қилиш ва эксплуатация қилиш жараёнида ташкилот томонидан амалга оширилиши лозим.

2-боб. Умумий хавфсизлик талаблари

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

6. Ходимлар электр пайвандлаш ишларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарори билан тасдиқланган Ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг талабларига амал қилиши керак.

7. Ҳар бир ташкилотда раҳбарнинг буйруғи (бошқарув қарори) билан мазкур Қоидалар асосида билимлари текширувдан ўтган раҳбарлар ва мутахассислар орасидан электр пайвандлаш ишларининг хавфсиз фойдаланиш учун масъул шахс тайинланади.

Ташкилотларда электр пайвандлаш ишларининг хавфсиз фойдаланиш учун масъул шахсдан ташқари, ташкилот раҳбарининг буйруғига (бошқарув қарорига) биноан устахоналар (бўлимлар) бўйича ҳам электр пайвандлаш ишларининг хавфсиз фойдаланиш учун масъул шахслар тайинланиши мумкин.

8. Ташкилотнинг электр пайвандлаш ишларининг хавфсиз фойдаланиш учун масъул шахснинг мажбуриятлари мансаб йўриқномасида белгиланиши керак.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлом ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш устидан назорат ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли мутахассиси томонидан олиб борилади.

2-§. Электр пайвандлаш, юзаларни эритиб қоплаш ва металларни кесишда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари

10. Электр пайвандлаш, юзаларни эритиб қоплаш ва металларни кесиш жараёнлари ходимларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавфли ва зарарли омиллар қуйидагилардан ҳосил бўлади:

а) пайвандлаш аэрозолида мавжуд қаттиқ ва газсимон токсик моддалар;

б) оптик диапазондаги пайвандлашнинг интенсив (ультрабинафша, кўринадиган, инфрақизил) кучли нурланиши;

с) пайвандланаётган буюмлар ва пайвандлаш ваннасининг кучли иссиқлик (инфрақизил) нурланиши;

д) учқун, эриган металл ва шлакларнинг атрофга сачраши;

э) электромагнит майдонлар;

ф) ультратовуш;

г) шовқин;

ҳ) статик юклама;

и) чанг;

к) газ.

Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган.

11. Пайвандлаш аэрозоллари миқдори ҳамда таркиби пайвандланаётган металларнинг кимёвий таркибига, шунингдек электр пайвандлаш, юзаларни эритиб қоплаш ва металларни кесиш усулларига боғлиқ ҳисобланади.

Ходимларнинг нафас олиш зонасига қаттиқ моддалар (темир, марганец, кремний, хром, никель, мис, титан, алюминий, вольфрам ва бошқалар), уларнинг оксидлари ва бошқа бирикмалари, шунингдек газсимон токсик моддалар (фторли водород, кремний тетрафлориди, озон, углерод оксиди, азот оксидлари ва бошқалар) мавжуд бўлган пайвандлаш аэрозоллари тушиши мумкин.

Бунда пайвандлаш ишлари олиб бориладиган иш жойларининг атмосферасида зарарли моддалар ва газнинг рухсат этилган максимал концентрацияси мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида келтирилган.

Пайвандлаш аэрозоллари таркибидаги қаттиқ ва газсимон токсик моддаларнинг организмга таъсири сурункали ва касб касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

12. Оптик диапазондаги пайвандлашнинг кучли нурланишининг (ультрабинафша, кўринадиган, инфрақизил) интенсивлиги пайвандлаш металларига, ҳимоя ва плазма ҳосил қилувчи газларга ва бошқа омилларга боғлиқ ҳисобланади.

Бунда ҳимоя воситалари мавжуд бўлмаганда инсоннинг кўриш аъзоларининг шикастланиши (электроофталмия, катаракта ва бошқалар) ва тери қопламларининг зарарланиши (эритема, куйишлар ва бошқалар) юзага келиши мумкин.

13. Пайвандланаётган металлар ва пайвандлаш ваннасининг кучли иссиқлик (инфрақизил) нурланишининг интенсивлиги металларни қиздириш ҳароратига, уларнинг ўлчамлари ва конструкциясига, шунингдек пайвандлаш ваннасининг ҳарорати ва ўлчамларига боғлиқ ҳисобланади.

14. Ходимлар учқун, эриган металл ва шлакларнинг атрофга сачраши ҳамда отилиб чиқишини олдини олиши лозим.

15. Электромагнит майдонлар кучланиши пайвандлаш ускуналарининг тури ва қувватига, шунингдек пайвандланаётган металларнинг конфигурациясига боғлиқ ҳисобланади.

Электромагнит майдонларининг танага таъсир қилиш хусусияти таъсир қилишнинг кучлилиги ва давомийлиги билан белгиланади.

16. Шовқин манбалари пневматик юритмалар, вентиляторлар, плазматронлар, қувват манбалари ва бошқалар ҳисобланади. Шовқиннинг организмга таъсири унинг спектрал хусусиятлари ва товуш босими даражасига боғлиқ ҳисобланади.

Ультратовуш манбалари сифатида плазматронлар, ультратовуш генераторлари, электродлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Ультратовушнинг таъсири унинг спектрал хусусиятларига, интенсивлигига ва таъсир этиш давомийлигига боғлиқдир.

17. Пайвандлашдан кейин чокларни тозалаш учун қўлланадиган қўл пневматик асбоблар маҳаллий вибрация манбаи ҳисобланади.

18. Металларни қўлда ва ярим автоматик усулларда электр пайвандлаш, юзаларни эритиб қоплаш ва кесиш жараёнларида юқори қўл-елка аъзоларига тушадиган статик юклама электрод ушлагичлар, горелкалар ва кескичларнинг оғирлиги ва шаклига, шланглар ва симларнинг оғирлиги ҳамда эгилувчанлигига, узлуксиз ишлаш давомийлигига ва бошқа омилларга боғлиқдир.

19. Электр пайвандлаш, юзаларни эритиб қоплаш ва металларни кесиш жараёнлари амалга ошириладиган иш жойларини танлашда хавфли ишлаб чиқариш омиллари энг кам ҳосил бўладиган ҳамда ҳаводаги зарарли моддалар миқдори минимал бўлган жойларга устуворлик берилиши керак.

20. Иш жойларида оптик диапазон (ультрабинафша, кўринадиган инфрақизил) электромагнит нурланиш энергия оқимининг рухсат этилган зичлиги Радиочастоталарнинг электромагнит майдонлари манбалари билан ишлашнинг санитария қоидалари ва нормалари (0060-23-сон СанҚваН) (ҳисоб рақами 227, 2023 йил 30 декабрь) талабларига жавоб бериши керак.

21. Иш жойидаги товуш босими ва унга тенг келадиган кенг минтақали шовқин даражаси СанҚваН 0325-16 “Иш жойларида шовқиннинг йўл қўйилган даражасининг санитария нормалари”га асосан белгиланади.

Тонал ва импульсли шовқин учун рухсат этилган эквивалент даражаси 5 dB дан кам бўлиши керак.

Кондиционер, шамоллатиш ва ҳаво иситиш мосламаларини ишлатишда шовқиннинг рухсат этилган эквиваленти 5 dB дан кам бўлиши керак.

Турли хил товуш даражаларининг турли давомийликдаги таъсирини баҳолаш учун эквивалент товуш даражаси кўрсатгичи қўлланилишига йўл қўйилади.

Агар шовқин рухсат этилган даражадан ошиб кетса, ходимлар эшитиш органларининг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

Вақти бўйича тебранувчи ва узлукли эшитиладиган шовқин учун максимал товуш даражаси 110 dB дан, импульсли шовқин учун 125 dB дан ошмаслиги керак.

22. Иш жойларида ва ташкилотнинг ҳудудида шовқин ва тебранишнинг даражаси СанҚваН 0325-16 “Иш жойларида шовқиннинг йўл қўйилган даражасининг санитария нормалари” ва СанҚваН 0326-16 “Иш жойларида умумий ва локал тебранишнинг санитария нормалари”га мувофиқ бўлиши керак.

23. Ходимлар тегишли жамоавий ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмаганда электр пайвандлаш, юзаларни эритиб қоплаш ва металларни кесиш ишларини бажаришга йўл қўйилмайди.

3-§. Меҳнат хавфсизлиги бўйича қўшимча талаблар қўйиладиган юқори хавфли ишлар

24. Меҳнат хавфсизлиги бўйича қўшимча талаблар қўйиладиган юқори хавфли ишлар қуйидагилардан иборат:

баландликда бажариладиган пайвандлаш ишлари;

сиғимлар, цистерналар, қувурлар ичида пайвандлаш ишлари;

берк ва етиш қийин бўлган жойларда пайвандлаш ишлари;

қудуқларда ва чуқурларда пайвандлаш ишлари;

сув остида пайвандлаш.

4-§. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш

25. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низом асосида амалга оширилиши керак.

26. Хавфли ишлаб чиқариш объектларида электр пайвандлаш, юзаларни эритиб қоплаш ва кесиш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича аттестациядан ўтган ходимларга берилиши керак.

27. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш, малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш ташкилот раҳбарининг зиммасига юкланади.

28. Бўлинма ва бўлим раҳбарлари томонидан ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча турдаги йўл-йўриқдан ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, ўқитилиши ва билимларининг текширилишини назорат қилиш

ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати (меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис) зиммасига юкланади.

29. Ишга янги кираётган барча ходимлар, бошқа ташкилотлардан хизмат сафарига юборилган ходимлар, пудрат (субпудрат) ишларини амалга оширувчилар (малакаси, иш стажи ва иш тажрибасидан қатъи назар) ҳамда амалиёт ўтаётган талабалар ва ўқувчилар кириш йўл-йўриғидан ўтишлари шарт.

Кириш йўл-йўриғидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими ёки ушбу мажбуриятлар юкланган бошқа ходим, шунингдек, ташкилот томонидан жалб қилинган профессионал иштирокчилар томонидан ўтказилади.

Кириш йўл-йўриғининг айрим бўлимларини ўтказиш учун тегишли мутахассислар жалб қилиниши мумкин (тиббиёт ходими, ёнғин хавфсизлиги бўйича мутахассис, электр хўжалигига жавобгар шахс ва бошқа мутахассислар).

Кириш йўл-йўриғидан замонавий техник қурилмаларни қўллаган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш хонасида, ишлаб чиқариш шароитлари ва ўқитиш материалининг аниқ моҳиятига жавоб берувчи кўргазмали қуроллар ва адабиётлардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

30. Ходимлар кириш йўл-йўриғидан ташқари иш жойидаги йўл-йўриқдан ўтказилиши шарт.

Иш жойидаги йўл-йўриқнинг мақсади – ҳар бир ходимни ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларига ўқитишдан иборат. Йўл-йўриқ бериш жараёнида ходим ишлаб чиқариш ускунаси, асбоблар, мосламалар, уларнинг тавсифлари ва конструкциясининг хусусиятлари, юзага келиши мумкин бўлган хавфлар, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда иш жойини тайёрлаш тартиблари билан таништирилиши керак.

Иш жойидаги йўл-йўриқдан ўтказиш ходим бўйсунувига юборилган бевосита иш раҳбарига (уста, смена муҳандиси, бўлинма раҳбари) юкланади. Зарур ҳолларда иш жойидаги йўл-йўриқ тегишли мутахассислар (механиклар, энергетиклар, технологлар ва бошқалар) иштирокида ўтказилиши мумкин.

31. Ходимлар ушбу касбдаги малака ва иш стажидан қатъи назар, камида ҳар олти ойда бир марта, меҳнат шароитлари зарарли (ўта зарарли) ва (ёки)

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

хавфли (ўта хавфли) ишларда банд бўлган ходимлар камида ҳар уч ойда бир марта меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича даврий йўл-йўриқдан ўтишлари шарт.

Белгиланган муддатларда қандайдир сабабларга кўра (меҳнат таътили, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар) йўл-йўриқдан ўтмаган ходимлар ишга қайтган куни даврий йўл-йўриқдан ў тади.

32. Бўлинма ва бўлим мутахассис ва ходимлари қуйидаги ҳолларда навбатдан ташқари ўқитилиши ҳамда билимлари текширилиши шарт:

меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича янги ёки қайта кўриб чиқилган меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга киритилганда;

янги ускуналарни ишга тушириш ёки янги технологик жараёнларни татбиқ этишда;

ходимни бошқа иш ўрнига ўтказиш ёки уни бошқа лавозимга тайинлаш вақтида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўшимча билимлар талаб этиладиган ҳолларда;

бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилганда – гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар, шунингдек, авария ҳолати, ёнғин, портлаш ёки заҳарланиш юзага келганда;

ташкилотнинг раҳбари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва давлат назорати ва текшируви органлари талабларига асосан;

меҳнат фаолиятида бир йилдан кўпроқ танаффус бўлганда.

33. Агар ходимлар ўзининг асосий ишидан ташқари бошқа ишларни бажаришга жалб қилинган бўлса, унда асосий иши бўйича ҳамда қўшимча иш бўйича ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитилиши ва йўл-йўриқ ўтказилиши керак.

5-§. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишига рухсат бериш шартларига қўйиладиган талаблар

34. Электр пайвандлаш ишлари 18 ёшдан катта бўлган, махсус тайёргарликдан ўтган, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича билим ва кўникмаларга эга, шунингдек меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномадан ўтган шахсларга рухсат этилиши керак.

35. Ишга киришда касбий касалликларнинг олдини олиш учун ходимлар Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосан дастлабки тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.

Соғлиғида муаммоси бўлган ходимлар бошқа зарарли омиллар билан боғлиқ бўлмаган ишларга ўтказилиши керак.

36. 5 метрдан юқори баландликдаги пайвандлаш ишларида тиббий кўрикдан ўтган, баландликда ишлашга қарши кўрсатмаси бўлмаган, махсус дастур бўйича ўқитилган ва рухсатнома олган 3-тоифали пайвандчиларга рухсат этилади.

37. Аёлларга сиғимлар, цистерналар, қувурлар ичида ҳамда қудуқларда ва чуқурларда, шунингдек, 10 метрдан юқори баландликдаги иншоотларда пайвандлаш ишларини олиб боришга йўл қўйилмаслиги тавсия этилади.

38. Ходимлар электр хавфсизлиги бўйича II даражадан кам бўлмаган малакавий гуруҳга эга бўлиши керак.

6-§. Санитария ва гигиена қоидаларига қўйиладиган талаблар

39. Пайвандлаш ишлари амалга ошириладиган жойларни ёритиш ШНҚ 2.01.05-24 “Табиий ва сунъий ёритиш” шаҳарсозлик нормалари ва Қоидалари”га (ҳисоб рақами 309, 2024 йил 25 октябр) мувофиқ ташкил этилиши шарт.

40. Пайвандлаш ишлари амалга ошириладиган иш жойларидаги ҳарорат, намлик ва ҳаво тезлигининг рухсат этилган даражаси СанҚваН 0324-16 “Ишлаб чиқариш биноларининг микроиқлимнинг санитария-гигиеник нормалари” ва СанҚваН 0294-11 “Иш жойлари ҳавосидаги зарарли моддаларнинг рухсат этилган миқдорининг гигиеник талаблари”га мувофиқ бўлиши керак.

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

7-§. Ҳимоя воситаларини танлаш ва улардан фойдаланишга қўйиладиган талаблар

41. Ходимлар махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланади.

42. Шахсий ҳимоя воситалари бажариладиган ишнинг хавфларидан келиб чиқиб танланиши, ходимни етарли даражада ҳимоя қила олиши ва ноқулайлик туғдирмайдиган ўлчамда ҳар бир ходимга таъминланиши керак.

Шахсий ҳимоя воситаларини танлаш иш жойларидаги хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларига қараб амалга оширилиши шарт.

Ходимлар шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тартибини билиши керак.

43. Шахсий ҳимоя воситаларини танлашда ҳаводаги муҳит ва буюм юзаларининг заҳарли моддалар билан ифлосланиш даражасига, шовқин ва вибрация интенсивлигига, электр хавфсизлиги даражасига, иш жойидаги микроиқлимга ҳамда бажарилаётган иш хусусиятлари инобатга олиниши лозим.

Ҳавони тозаловчи воситалар иш жойидаги ҳавонинг тозалигини СанҚваН 0324-16 “Ишлаб чиқариш биноларининг микроиқлимнинг санитария-гигиеник нормалари” ва СанҚваН 0294-11 “Иш жойлари ҳавосидаги зарарли моддаларнинг рухсат этилган миқдорининг гигиеник талаблари”га мувофиқ таъминлаши керак.

44. Юз ва кўриш органлари учун шахсий ҳимоя воситаларини танлаш ушбу Қоидаларнинг 3, 4 ва 5-иловаларида келтирилган талабларни инобатга олиб амалга оширилиши керак.

45. Кўзни нурланишдан, учқун ва эритилган металл ва чангнинг сачрашидан ҳимоя қилиш учун ЗП ва ЗН турдаги кўзойнаклардан фойдаланиш керак.

46. Пайвандлаш, кесиш, эритиш, тозалаш, қиздириш вақтида юзни ҳимоя қилиш учун ходимлар ҳимоя қалқонлари билан таъминланиши лозим.

Ходимлар қулоқчинлар, шовқинга қарши эшитишни ҳимоя қилувчи мосламалар билан таъминланиши шарт.

47. Электр пайвандлаш ишларини бажаришда шовқин даражаси СанҚваН 0325-16 “Иш жойларида шовқиннинг йўл қўйилган даражасининг санитария нормалари”да белгиланган талаблардан ошмаслиги керак.

48. Ходимлар шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси томонидан ушбу воситалардан фойдаланиш қоидалари ва уларнинг хизматга яроқлилигини текшириш усуллари тўғрисида йўл-йўриқ берилиши керак.

49. Шахсий ҳимоя воситалари зарарсиз, қулай бўлиши, ходимларнинг ҳаракатига халақит бермаслиги, шунингдек, учқун ва эритилган металлнинг сачрашидан, намлик, саноат ифлосланишидан, механик шикастланишдан ҳимоялаши ва санитария-гигиена талаблари ҳамда меҳнат шароитларига жавоб бериши керак.

50. Пайвандлаш усуллари ва иш шароитларига қараб махсус кийимлар ушбу Қоидаларнинг 6-иловасига мувофиқ танланиши керак.

51. Пайвандлаш, юзаларни эритиб қоплаш ва металларни кесиш пайтида қўлларни ҳимоя қилиш учун ходимларга электр ўтказувчанлиги паст бўлган учқунга чидамли материалдан тайёрланган қўлқоплар берилиши керак.

52. Ҳимоя хусусиятларига эга бўлмаган, пайвандлаш ёйининг нурланишидан емириладиган ҳамда учқунлар ва эритилган металл томчиларидан алангаланиши мумкин бўлган, шунингдек қизиган юзаларга тегилганда эриб ёпишиб қоладиган лавсан, капрон ва шу каби синтетик материаллардан тайёрланган қўлқоплар ва махсус кийимлардан фойдаланиш тақиқланади.

53. Оёқларни эритилган металл сачрашидан келиб чиқадиган куйишлардан, механик жароҳатлардан, қиш фаслида очиқ ҳавода ишлаганда совқотишдан, олдиндан қиздирилган металларни пайвандлашда қизиб кетишдан, шунингдек электр токи уришидан (сиғимлар, цистерналар, қувурлар ичида ишлаганда) ҳимоялаш учун ходимлар махсус пойабзал билан таъминланиши шарт.

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

54. Очиқ боғичли ва ости металл михланган пойабзаллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

8-§. Биноларнинг ҳажмига, жойлашган жойига ҳамда ишлаб чиқариш объектлари ва майдонларига қўйиладиган талаблар

55. Ҳар бир иш жойи учун ускуналар ва йўлаклар эгаллаган майдондан ташқари, ҳар бир ходим ҳисобига камида 10 m² майдон ажратилиши лозим.

56. Иш жойлари шамоллатиш ускуналари шовқин пасайтиргичлар ва тебранишдан ҳимояловчи воситалар билан таъминланиши керак.

57. Бир қаватли биноларда зарарли моддалар ҳосил бўладиган иш жойлари ташқи деворлар яқинида жойлаштирилиши лозим.

Агар кўп қаватли биноларда бундай иш жойлари жойлашган бўлса, зарарли моддаларнинг қаватлар ўртасида тарқалишига йўл қўймаслиги зарур.

58. Пайвандлаш ёйининг кучли ёрқинлиги ва атрофдаги буюмлар билан контрастни камайтириш мақсадида иш жойлари, шунингдек, ускуналар оч рангларда (кулранг, сариқ, ҳаворанг) бўялиши лозим. Бўёқлар ёруғликни юмшоқ акс эттирувчи хусусиятга эга бўлиши ва ультрабинафша нурланишни қисман юта олиши керак.

59. Пайвандланган металларни олиб ўтиш учун ишлатиладиган ва ҳар бир сменада камида 40 дақиқа очиладиган кириш жойлари совуқ ҳавонинг иш жойига киришининг олдини оладиган махсус пардалар билан жиҳозланиши лозим.

60. Иш жойларининг поллари ёнғинга чидамли материаллардан ясалиши ва гигиена, технологик ва фойдаланиш талабларига жавоб бериши лозим.

61. Пайвандлаш ишлари олиб бориладиган жойлар ёнғинга чидамли ҳимоя панеллари билан ўралиши лозим.

Кичик ва ўрта ўлчамдаги металлар ёнғинга чидамли материал билан қопланган махсус иш жойларида пайвандланиши керак. Бунда иш жойининг қопламаси билан поллар орасида камида 50 mm, ҳимоя газ ишлатилганда эса камида 300 mm бўшлиқ қолдирилиши шарт. Ҳар бир иш жойлари учун эркин майдон камида 4,5 m² бўлиши лозим.

62. Иш жойининг ёнғин хавфсизлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарори билан тасдиқланган Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ белгиланиши керак.

9-§. Иш жойларини ёритишга қўйиладиган талаблар

63. Пайвандлаш ишлари кўз билан бажариладиган ишларнинг тоифасига киради. Бунда иш жойидаги табиий ва сунъий ёритиш ШНҚ 2.01.05-24 “Табиий ва сунъий ёритиш” шаҳарсозлик нормалари ва Қоидаларининг (ҳисоб рақами 309, 2024 йил 25 октябрь) талабларига жавоб бериши лозим.

64. Иш жойлари табиий ва сунъий ёритилган бўлиши лозим.

Сунъий ёритиш қуйидаги турларга бўлинади:

ишчи;

фавқулодда;

хавфсизлик;

навбатчи ёритиш.

65. Сунъий ёритиш умумий ёритиш (бир хил ва маҳаллийлаштирилган) ва комбинацияланган ёритиш тизими орқали амалга оширилиши лозим. Ҳажми катта бўлган металлар устида ишлайдиган иш жойларида комбинацияланган ёритиш умумий ёритиш (бир хил ва маҳаллийлаштирилган) қўлланилиши керак.

66. Пайвандлаш ишлари олиб бориладиган иш жойларида комбинацияланган ёритишнинг даражаси 400-500 lx бўлиши керак.

10-§. Иш жойларининг микроиқлимига қўйиладиган талаблар

67. Иш жойларида ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво тезлиги СанҚваН 0324-16 “Ишлаб чиқариш бинолари микроиқлимнинг санитария-гигиеник нормалари”нинг талабларига мувофиқ таъминланиши лозим.

68. Иш жойларини иситиш, вентиляциялаш ҳамда кондициялаш ШНҚ 2.04.05-22 “Иситиш, вентиляция ва кондициялаш” шаҳарсозлик нормалари ва

Қоидаларига (ҳисоб рақами 287, 2024 йил 11 сентябрь) мувофиқ бўлиши лозим.

69. Ходимларнинг вақтинчалик дам олиш жойларида микроиқлимнинг кўрсаткичлари мазкур Қоидаларнинг 67-бандига мувофиқ таъминланиши шарт, шунингдек очиқ дераза ва эшиклар яқинида махсус пардалар ўрнатилиши лозим.

Иш жойларида иссиқлик нурланиши 140 V/m^2 гача бўлса, ҳаво ҳаракати тезлиги 0,2 m/s га оширилиши лозим. Агар иссиқлик нурланишини техник усуллар билан 140 V/m^2 гача камайтириш имкони бўлмаса, иш жойлари совуқ ҳаво оқими билан таъминланиши керак.

11-§. Иш ва дам олиш режимлари

70. Ходимларнинг меҳнат ва дам олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳамда корхона ёки ташкилотнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига мувофиқ белгиланади.

71. Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон “Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ аттестациядан ўтказилиши лозим.

3-боб. Пайвандлаш технологиясига қўйиладиган талаблари

1-§. Электр пайвандлаш жараёнларининг айрим турлари учун махсус талаблар

72. Электр пайвандлаш ишларини бажаришга фақат ускуналар, шахсий ҳимоя воситалари ҳамда ҳимояловчи мосламалар ва санитария-гигиеник меҳнат шароитлари талабларига мос бўлгандагина киришишга рухсат этилади.

2-§ Қўлда ёйли пайвандлашни амалга оширишда хавфсизлик талаблари

73. Қўлда ёйли пайвандлаш имкон қадар маҳаллий ҳавони чиқариш мосламалари билан жиҳозланган иш жойларида амалга оширилиши керак.

74. Қўлда ёйли пайвандлаш ишларини 1,3 m дан баланд бўлган жойларда амалга ошириш учун ушбу жойларнинг ён томонолари ҳимоя тўсиқлари билан

жиҳозланган бўлиши лозим. Бунда ҳимоя тўсиғининг баландлиги камида 1,1 м бўлган тутқичли ва кенглиги камида 0,15 м бўлган тахтадан иборат бўлиши лозим.

75. Бир вертикал бўйича турли баландликларда ишларни бир вақтда бажаришга фақат пастки қаватларда ишлаётган ходимлар эритилган металл томчилари, пайванд қолдиқлари ва бошқа нарсалар тушиб кетиши мумкин бўлган буюмлардан ишончли ҳимояланган тақдирда йўл қўйилади.

Электр ва газ билан пайвандлаш ишлари олиб бориладиган жойлар, шунингдек уларнинг пастки қаватлари (агар ёнғинга чидамли ҳимоя қопламаси мавжуд бўлмаса), ёнувчан материаллардан камида 5 m, портловчи материаллар ва ускуналардан (газ баллонлари, газ генераторлари ва бошқалар) камида 10 m масофада тозаланган бўлиши лозим.

76. Пайвандлаш ускуналарининг кабеллари (симлари) кислород, ацетилен ва бошқа ёнувчи газ қувурларидан камида 1 m узоқликдаги масофада жойлаштирилиши лозим.

77. Зарарли газ пайдо бўлиши мумкин бўлган иш жойларда, шу жумладан сиғимлар, цистерналар, қувурлар, қудуқлар ва чуқурларда пайвандлаш ишларини бажаришга фақат ташкилот раҳбарининг рухсати бўйича амалга оширилади.

78. Ёнувчан, зарарли моддалар ёки электр қурилмалари билан боғлиқ қурилмаларни пайвандлаш, кесиш ёки қиздириш ташкилот раҳбарининг рухсати билан амалга оширилиши лозим.

79. Бино ичида жойлаштирилган буюмлар ичида пайвандлаш ишлари олиб борилганда иш жойидаги ҳаво ҳаракатланишининг тезлиги 0,7 – 2,0 м/с бўлиши керак.

Шамоллатиш ускуналари орқали берилаётган ҳаво ҳарорати +20°С дан паст бўлмаслиги лозим.

80. Буюмлар ичида пайвандлаш ишлари олиб борилганда чиқариш вентиляция қурилмалари орқали тортиб олинадиган ҳаво иш жойидан ташқарига чиқарилиши лозим.

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

81. Фавқулодда ҳолатларда кўчма чиқариш вентиляция қурилмалари орқали ифлосланган ҳавони иш жойидан чиқаришга вақтинча йўл қўйилиши мумкин.

82. Ишлаб чиқариш жойларида вентиляцияни ташкил этиб бўлмаса, ходимга унинг ниқоби ости орқали соатига 6–8 m^3 тоза ҳаво етказилиши керак. Совуқ мавсумда ушбу ҳаво камида +18 °C гача иситилган бўлиши шарт.

83. Титаниум металларни пайвандлашда аргон газини тежаш учун ҳимоя газини етказувчи мосламаларда газ оқимини ёпиш қурилмаси бўлиши лозим.

84. Пайвандлаш ишларида бахтсиз ҳодисалар асосан қуйидаги сабаблар туфайли содир бўлади:

пайвандлаш ускуна ва буюмларнинг металл қисмлари ерга уланмаганда электр токи таъсири;

пайвандлаш кабеллари ва электрод ушлагичларининг изоляция нуқсонлари борлиги;

ток ўтувчи қисмларда ҳимоя тўсиқларининг йўқлиги;

махсус оёқ кийимлар ва қўлқоплар ҳамда ҳимоя гиламчалардан фойдаланмаслик;

электр пайвандлаш ёйининг нуридан кўз ва терини ҳимоя қилувчи воситаларни ишлатмаслик.

85. Очиқ ҳавода буюмларни пайвандлашда ишлатиладиган пайвандлаш генераторлари, трансформаторлар ҳамда ёрдамчи асбоб-ускуналарни об-ҳаво таъсиридан ҳимоялаш учун улар усти ёпилган махсус жойларга жойлаштирилиши лозим.

86. Очиқ майдонларда электр пайвандлаш ишларини ёмғир, қор ёққанда ёки чақмоқ бўлганда бажариш тақиқланади.

87. Мобил пайвандлаш агрегати билан қувват манбаи ўртасидаги кабеллар узунлиги 10 m ошмаслиги лозим. Кабеллар изоляцияси механик зарарлардан

ҳимояланган бўлиши керак. Шикастланган изоляция ёки қопламага эга кабелларни ишлатиш тақиқланади.

88. Пайвандлаш кабеллари кислород қувурлари ва баллонлари ёнувчи газлар ишлатиладиган жойлардан камида 1 m узоқликдаги масофада жойлаштирилиши лозим.

89. Пайвандлаш ишларини бошлашдан олдин ва иш давомида пайвандлаш кабеллари ва электрод ушлагичларининг изоляцияси ҳолатини, шунингдек, барча контактларнинг маҳкам боғланганлигини назорат қилиш лозим.

Пайвандлаш кабеллари сув, мой, пўлат симлар, кислород ва ацетилен шланглар, қизиган пайвандланаётган буюмлар ва иссиқ қувурларга тегмаслиги керак.

90. Пайвандлаш агрегатларини тармоққа улаш ва узиш, уларни алмаштириш ҳамда ишлаш ҳолатини назорат қилиш электр монтёрлар томонидан амалга оширилиши керак. Бундай ишларни ходимлар бажариши тақиқланади.

91. Пайвандлаш ишларида газ баллонлардан фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган Газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши керак.

3-§ Ҳимоя газлари ва уларнинг аралашмаларида пайвандлаш жараёнларига қўйиладиган талаблар

92. Ҳимоя газлари ва уларнинг аралашмаларида пайвандлаш жараёнлари амалга ошириладиган иш жойлари қуйидагиларга эга бўлиши керак:

технология талабларига мувофиқ пайвандлаш ускуналари ва иш жойларининг жиҳозларига;

зарарли чанг ва газларни сўриб олувчи қурилмаларга.

93. Ҳимоя газлари муҳитида эрийдиган электродлар билан механизациялашган пайвандлаш бажариладиган иш столлари ёки манипуляторлар зарарли тутун, чанг ва газларни чиқариб юбориш учун мўлжалланган сўриб олувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Ушбу қурилмалар пайвандлаш ёйининг газ билан ҳимоясини бузмасдан ишлашини таъминлаши лозим.

94. Пайвандланадиган металларни ўрнатиш учун мўлжалланган мосламалар (манипуляторлар, айлантиргичлар) металлни пайвандлаш жараёнида барқарор ҳолатда туришини таъминлаши, зарур ҳолларда эса уни қулай ва хавфсиз тарзда айлантириш ҳамда кўчириш имкониятини яратиши лозим.

4-§. Газдан фойдаланган ҳолда ишлашга қўйиладиган талаблар

95. Газ контейнерлари ёки рамплар жойлаштирилган хона шамоллатиб турилиши ва иш жойидаги ҳаво ҳарорати эса +25 °C дан ошмаслиги лозим.

96. Газдан фойдаланган ҳолда пайвандлаш ишлари олиб бориладиган иш жойларида 20 тадан ортиқ газ баллон бўлмаслиги керак.

Бўш газ баллонни тўлдирилган газ баллон билан алмаштиришда ундаги коллектор клапанлари ёпилиши шарт ва газ баллонлар уланадиган жойларидан газ оқмаслиги лозим.

Газ баллонга редукторни улашдан олдин қуйидагилар текширилиши лозим:

редукторнинг кириш тутқичи ва ёпинчиқлари;

редукторнинг кириш тутқичидаги фибрали муҳр ва фильтрнинг мавжудлиги ва ишлаш ҳолати.

Шикастланган фибрали муҳрни фақат янги муҳр билан алмаштириш мумкин (бунда теридан, алюминий, мис ва бошқалардан фибрали муҳр ишлатиш тақиқланади).

Газдан фойдаланган ҳолда пайвандлаш ишлари олиб бориладиган иш жойларида ортиқча буюмлар ва ёнувчи моддаларни жойлаштириш тақиқланади.

97. Газдан фойдаланган ҳолда пайвандлаш ишлари олиб бориладиган иш жойларига карбонат ангидрид гази контейнерлар ёки рамплар орқали марказлашган тизим билан етказилса, уларнинг газ қиздиргичи иссиқ сув ёки буғ ёрдамида қиздирилиши лозим.

98. Суюқ карбонат ангидрид билан тўлдирилган контейнер ишлатилганда ишчи босим автоматик равишда 8-12 kgf/sm² оралиғида сақланиши лозим.

Бунда суюқ карбонат ангидрид билан тўлдирилган контейнердаги ишчи босим 7 kgf/sm² дан пастга тушмаслиги керак.

99. Газ контейнеридан суюқ карбонат ангидрид олинаётганда қуйидагилар тақиқланади:

таъмирлаш ишларини бажариш;

очиқ олов ёрдамида қувурлар ва ускуналарни иситиш;

эгилувчан уланиш шлангларини букиш ва кесиш;

уланган қисмларни босим остида тортиш.

100. Қиш мавсумида очиқ майдонларда пайвандлаш бажарилганда, карбонат ангидрид гази тўлдирилган газ баллонларни музлаш хавфидан олдини олиш мақсадида уларни махсус изоляция қилинган жойларга жойлаштириш лозим.

101. Музлаган карбонат ангидрид газ баллонини ёки редукторини очиқ олов, буғ оқими ва шунга ўхшаш усуллар билан иситиш тақиқланади. Газ баллон ёки редукторни иситиш учун газ чиқаришни тўхтатиб, уни +20–25 °C ҳароратдаги илиқ жойга олиб кириш ва иситилишини кутиш керак. Музлаган редукторни эса +25 °C дан ошмаган ҳароратдаги сув билан иситиш мумкин.

102. Газ баллон ва редуктор клапанларини иш жойида демонтаж қилиш ва таъмирлаш тақиқланади.

Бунда таъмирлаш ишларини фақат малакали ходимлар бажариши лозим.

103. Карбонат ангидрид гази редукторда музлашининг олдини олиш учун редуктор олдига қиздиргич ўрнатилиши лозим. Газ баллон редукторига уланган газ қиздиргичининг электр спирали газ баллон билан тўғридан-тўғри алоқа қилмаслиги керак.

104. Қиздиргич 42V дан ошмайдиган кучланиш ва 70Vt қувватли термоқдан қувватланиши лозим, бу газ баллонни ҳаддан ташқари қизиб кетишини олдини олади.

105. Карбонат ангидрид билан тўлдирилган контейнерлар ва баллонлардан пайвандлаш иш жойларига газни марказлашган тарзда етказиб берувчи рамплар

қўлланилганда, ўрнатмаларни ишлаб чиқарувчиларнинг техник ҳужжатлари ва кўрсатмаларини инобатга олган ҳолда меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим.

5-§. Аргон билан ишлашга қўйиладиган талаблар

106. Аргон билан тўлдирилган контейнерлар, йиғувчи идишлар ва цистерналар, шунингдек, газ баллонлардан фойдаланган ҳолда марказлашган тарздаги пайвандлаш ишларида рамплар ишлатилганда, уларнинг ишлаб чиқувчиларининг кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиши лозим.

107. Аргон билан тўлдирилган контейнерлар, йиғувчи идишлар ва цистерналар, шунингдек, газ баллонлар иш жойининг полидан 0,5 m паст чуқурликда жойлаштирилмаслиги керак.

108. Суюқ аргон билан тўлдирилган контейнер ишлатилганда қўшимча хавфсизлик чоралари қуйидагиларни ўз ичига олади:

контейнерни бўшатиш фақат буғлатгич ёрдамида амалга оширилиши;

клапанларни очиш ва ёпиш секин ва силлиқ, зарба ёки тебранишларсиз бажарилиши;

босим остидаги клапан ва қувурлардаги мурват ва муҳрларни маҳкамлаш тақиқланиши;

шлангларни узиш фақат аргон тўлиқ буғлангандан кейин амалга оширилиши;

суюқ аргон инсон терисига тегиши тақиқланиши;

шлангларни узаётганда хизмат кўрсатувчи ходим шлангнинг қарама-қарши томонида туриши.

109. Аргон билан тўлдирилган контейнерлар, йиғувчи идишлар ва цистерналар, шунингдек, газ баллонлардан фойдаланилаётганда ва уларда рамплар ишлатилаётганда барча хавфсизлик қурилмаларининг ишлашини доимий назорат қилиш лозим.

Бунда хавфсизлик қурилмалари созланган, пломбаланган ва тоза ҳолатда сақланиши керак.

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

6-§. Оқим-механизацияланган ва конвейер линияларида пайвандлаш жараёнларига хавфсизлик талаблари

110. Линияларда пайвандлаш ишлари доимий иш жойларида ҳамда вақтинчалик иш жойларида амалга оширилиши мумкин. Доимий иш жойларида тегишли пайвандлаш ускуналаридан фойдалаган ҳолда, вақтинчалик иш жойларида эса қўл билан пайвандлашда фойдаланиладиган ускуналар ёрдамида бажарилади.

111. Оқим-механизацияланган ва конвейер линияларида пайвандлаш жараёнларида технологик жараёнларни ишлаб чиқишда ишни максимал даражада автоматлаштириш таъминланиши, шунингдек, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини чеклаш ва ходимларни ҳимоя қилиш учун махсус техник ечимлар жорий этилиши лозим.

112. Автоматлаштирилган пайвандлаш жараёнларида, зарарли аэрозол, газ ва нурланиш даражалари рухсат этилган миқдордан ошса, ишларни масофадан бошқариш тизими орқали бажариш ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади.

113. Зарарли чанг ва газ ажралмаларини йўқ қилиш учун уларни пайвандлаш автоматлари ёки яримавтоматлари, агрегатлар, портал тизимлар ёки манипуляторларга ўрнатилган ёки бириктирилган чанг-газ қабул қилувчи қурилмалар ёрдамида олиб ташлаш лозим.

114. Фавқулодда вазиятларда ишлаш учун линияларда пайвандлаш ва кўтариш-транспорт операцияларини алоҳида бошқариш тизими таъминланиши шарт.

115. Пайвандлаш оқим-механизацияланган линияларидаги ускуна ва бошқарув консоллари бир текисликда жойлаштирилиши лозим, бунда ходимлар вертикал ҳаракатланишга мажбур бўлмайди.

116. Оқим-пайвандлаш линиялари махсус лойиҳалаштирилган иш жойининг ажратилган бўлимларида жойлаштирилиши лозим.

Пайвандлаш жойлари ёнмайдиган тўсиқлар ёки портал, консол ва шунга ўхшаш конструкциялар билан ажратилиши керак, бунда қўшни иш жойларидаги ходимлар зарарли омиллардан ҳимояланган бўлиши керак.

117. Oқим-механизацияланган ва конвейер линияларининг бўлимлари қўшни бўлимлар, деворлар, кириш йўлларидан йўлаклар орқали ажратилиши лозим.

118. Пайвандлаш жойидан йўлакларгача бўлган масофа камида 5 m бўлиши лозим, бунда йўлакдан ўтаётганлар пайвандлаш аркининг кўзга зарарли нуридан ҳимояланган бўлиши керак.

Агарда ушбу талабни бажариш имкони бўлмаса, пайвандлаш жойида ёнмайдиган тўсиқ ўрнатилиши зарур.

7-§. Контактли қиздириш орқали пайвандлаш жараёнларига қўйиладиган талаблар

119. Контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналарини иш жойларининг пойдеворига ўрнатишда, уларнинг статик ва динамик юклари инобатга олиниши лозим.

120. Контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналаридан фойдаланишда қуйидагилар бажарилиши лозим:

контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналарини доимий текшириб, чанг, кир ва мойлардан тозалаш;

мегометр ёрдамида контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналарининг барча ток ўтказувчи қисмларининг, шунингдек, ўрам ва бошқарув занжирларининг корпусга нисбатан изоляциясини текшириш;

контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналарини ҳаво етказиб бериш қурилмаларига улаш;

контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналарини совутиш учун сув билан таъминлаш ва ушбу сувни оқова сувларини чиқариб юбориш тизимига оқизиш;

контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналарининг узаткичларини ерга улаш;

контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналарининг пневматик тизими муҳрланганлигини текшириш;

контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналарининг пневматик тизимидан ҳаво чиқмаслигини текшириш;

контактли қиздириш орқали пайвандлаш техникаларига фойдаланишдан олдин минерал ёғ қуйиш ёки минерал ёғ мавжудлигини текшириш.

121. Контактли қиздириш орқали пайвандлаш техникаларидаги совутиш тизимининг ҳар бир қувури доимий текшириб турилиши лозим.

122. Контактли қиздириш орқали пайвандлаш техникаларининг совутиш тизимларидаги ҳаво ва сув тармоқларида вентиллар бўлиши шарт.

123. Контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналарининг совутиш тизимлари узоқ танаффус пайтида ёки сувнинг музлаш хавфи бўлганда сиқилган ҳаво билан тозаланиши керак.

124. Контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналари таркибидаги пневмосилиндрларнинг ишчи қисмларида занглаш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда, уларга коррозияга қарши мой суртилиши лозим.

125. Контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналаридан фойдаланишдан олдин улар синовдан ўтказилиши ҳамда ускуналарнинг барча қисмлари соз ҳолатда эканлиги ва тўғри ишлаши текширилиши лозим.

126. Контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналарини иш жойларининг пойдеворига ўрнатилганда ундаги барча болт бирикмаларининг маҳкамлиги текширилади.

127. Контактли қиздириш орқали пайвандлаш ускуналаридан фойдаланилганидан сўнг, уларнинг ток кабеллари ҳам иш жойларининг пойдеворига осилиши керак.

128. Ишни бошлашдан олдин ходим қуйидагиларга мажбур:

ўз иш жойини тартибга келтириш;

ўз асбоб-ускуналари ва мосламаларини ишга тайёрлаш ҳамда уларнинг созлигини текшириш;

ҳаво ва сув тизимлари, шовқин ютгичларннинг созлигини текшириш;

носоз мосламалардан фойдаланмаслик;

Ҳимоя Қурилмаларининг мавжудлиги ва созлигини текшириш;

блокировка Қурилмалари, бошқарув шкафлари, барча узелларнинг ерга уланганлиги, изоляциянинг созлигини текшириш;

шахсий Ҳимоя воситаларининг ишончлилиги ва созлигини текшириш.

129. Иш жараёнида ходим Қуйидагиларга мажбур:

доимо эътиборли бўлиш;

иш жойига ишга алоқаси бўлмаган шахсларни киритмаслик ва пайвандлаш ускуналарининг бошқарувини бегона шахсларга топширмаслик;

пайвандлаш ускуналари ишлаётган пайтда уни мойлаш, тозалаш ҳамда йиғиштириш ишларини бажармаслик;

пайвандлаш ускуналарига тегишли кабелларни сув билан тегиб кетмаслигини ва уларга эриган металл томчилари тушмаслигини назорат Қилиш;

электродларни текшириш, агар электродлар ёпишиб Қолса, дарҳол пайвандлаш ускуналарини тўхтатиш ва бу ҳаҚда шу заҳоти бўлим бошлиғига хабар бериш;

иш режимига Қатъий риоя Қилиш;

бўёҚ, мой, занг ёки Қалин Қатламли ҚотҚоҚ билан Қопланган металларни пайвандлашдан олдин уларни яхшилаб тозалаш;

пайвандланаётган металларни махсус мосламага ишончли Қилиб маҳкамлаш;

металларнинг майда деталлари пайвандланаётганда Қўллар Қисилиб Қолмаслиги учун эътиборли бўлиш;

пайвандлаш ускуналари ишлаганда унинг роликлар, электродлар ва бошҚа ҳаракатланувчи Қисмлари ишлашида хавфсизликни таъминлаш;

пайвандлаш ускуналари ишлаётган вақтда пайванд Қилинаётган жойларга, электродларга ва пайвандлаш ускуналарининг бошҚа Қисмларига Қўл теккизмаслик ҳамда пайвандлаш ускуналарига суянмаслик;

пайвандлаш ускуналари ишлаётган вақтда унга ёки унинг ички қисмига бирор нарса ўрнатмаслик ҳамда жойини ўзгартирмаслик;

пайвандлаш ишлари амалга оширилган жойлар эриган металл қолдиқлари ва бошқа ифлосликлардан тўлиқ тозалаш;

пайвандлаш ускуналарини созлаш ишларини электр тармоғидан ўчирган ҳолда амалга ошириш.

130. Ишдаги танаффуслар вақтида иш жойиларидаги электр тармоқлари ўчирилиши ҳамда сув ва ҳаво совутиш тизимларининг вентиллари ёпилиши керак.

Қиш фаслида иш жойларидаги сув музлаб қолмаслиги учун унинг айланиши (циркуляцияси) сақлаб турилиши лозим.

131. Иш жойиларида электр тармоқлари электр энергиядан узилиб қолган тақдирда дарҳол пайвандлаш ускуналари ўчириши зарур.

132. Пайвандлаш ускуналарида носозлик аниқланса, ишни дарҳол тўхтатилиши ва навбатчи электр монтёр чақирилиши керак. Бунда носозликни ходим томонидан бартараф этилиши тақиқланади.

Пайвандлаш ускуналаридаги носозликни бартараф этиш вақтида улар электр таъминоти ҳамда ҳаво ва сув манбаларидан тўлиқ узилиши керак ҳамда пайвандлаш ускуналарининг устига “Ёқилмасин!” деган огоҳлантирувчи белги қўйилиши шарт.

133. Иш жойиларининг яқинига камида 5 m масофада ёнувчан ва ёнғин хавфи бўлган материалларни жойлаштириш тақиқланади.

134. Пайвандлаш ускуналарида аланга пайдо бўлса, шу заҳоти ушбу ускуналарни ишлаши тўхтатилиши ва аланга қуруқ қум ёки ўт ўчиргич ёрдамида ўчирилиши ҳамда бир вақтнинг ўзида навбатчи электр монтёр чақирилиши керак.

Ёнғин содир бўлган барча ҳолатларда бу ҳақда дарҳол алоқа воситалари орқали давлат ёнғин назорати органларига хабар бериш лозим, бунда давлат

ёнғин давлат ёнғин назорати органлари етиб келгунча ёнғинни бартараф этиш чоралари давом эттирилиши зарур.

135. Иш тугагач ходим қуйидагиларга мажбур:

пайвандлаш ускуналарини электр таъминоти ҳамда ҳаво ва сув манбаларидан тўлиқ узиш;

иш жойини йиғиштириш, пайвандлаш ускуналарини ва тегишли асбобларни махсус ажратилган жойларга жойлаштириш;

тутаб турган буюмлар (латта, изоляция материали ва бошқалар) қолмаганлигига ишонч ҳосил қилиш;

иш давомида аниқланган барча носозликлар ҳақида бўлим бошлиғига хабар бериш.

136. Пайвандлаш ускуналарига фақат ушбу ускуналардан фойдаланувчи ходим, созловчи механик ва электр монтёр томонидан хизмат кўрсатилиши керак.

8-§. Ёйли ва плазмали пайвандлаш, қоплама қилиш ва кесиш жараёнларига қўйиладиган талаблар

137. Ёйли ва плазмали пайвандлаш, қоплама қилиш ва кесиш жараёнларида қуйидагилар таъминланиши шарт:

пайвандлаш ваннасига флухни механик тарзда таъминлаш учун мослама мавжуд бўлиши;

ишлатилган флухни пайванд чизиғидан тозалаш ва йиғиб олиш учун ҳопперли йиғувчи ва фильтрли флух тортгичи ўрнатилган бўлиши.

138. Ёйли ва плазмали пайвандлаш, қоплама қилиш ва кесиш жараёнлари амалга ошириладиган иш жойлар вентиляцияси қурилмалари билан жиҳозланиши шарт.

Ёйли ва плазмали пайвандлаш, қоплама қилиш ҳамда кесиш жараёнларини амалга оширишда қўлланиладиган вентиляция қурилмалари пайвандлаш ускуналаридан 40 mm дан ошмаган масофада жойлаштирилиши лозим.

Вентиляция қурилмаларида ҳаво оқими тезлиги 4–9 m/s бўлиши керак.

139. Вентиляция қурилмаларидан чиқаётган ҳавони чанг ва зарарли газлардан тозалаш учун вентиляция қурилмалари махсус мосламалар билан жиҳозланиши шарт.

140. Ёйли ва плазмали пайвандлаш, қоплама қилиш ҳамда кесиш жараёнларини амалга оширишда қўлланиладиган пайвандлаш ускуналари шлак қобиғини тозалаш ва уни йиғиб олиш учун мўлжалланган механик қурилмалар билан жиҳозланиши шарт.

Агар механик қурилмалар ишлатиш имкони бўлмаса, шлак қобиғи қўл билан тозалашга рухсат этилади, бунда ходим нафас олиш воситаси (респиратор) билан ҳимояланиши керак.

141. Шлак қобиғидан ҳосил бўлган флухни бунгерга солиш жараёнида иш жойлари ва атрофни чангдан ҳимоя қилиш чоралари кўрилиши шарт.

142. Ёйли ва плазмали пайвандлаш, қоплама қилиш ва кесиш жараёнларида ҳавога зарарли газлар кўп чиқмаслиги учун флух қуруқ ва тоза бўлиши керак, унга ҳеч қандай мой, флух қобиғи қолдиқлари ёки бошқа ифлосликлар аралаштирилмаслиги лозим.

143. Рельс йўли бўйлаб ҳаракатланувчи ёйли ва плазмали пайвандлаш, қоплама қилиш ҳамда кесиш жараёнларини амалга оширишда қўлланиладиган пайвандлаш ускуналаридан фойдаланилганда қуйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

рельс йўли буюмга ёки стендга ишончли ва тўғри маҳкамланган бўлиши;

ҳаракатланиш механизмининг орқа ва ён роликлари рельсга мустаҳкам ўрнатилган бўлиши.

144. Трубалар ва бошқа катта ҳажмли металларни ёйли ва плазмали пайвандлаш, қоплама қилиш ва кесиш ишларини амалга ошириш учун иш жойи қуйидаги талабларга жавоб берадиган махсус кабиналар билан жиҳозланиши шарт:

ташқи сиртлари иссиқ ва шовқиндан изоляцияланган бўлиши;

тартибланган ҳаво таъминоти (тоза ҳаво берувчи тизим) мавжуд бўлиши;

ёйли ва плазмали пайвандлаш, қоплама қилиш ва кесиш жараёнларни бошқариш учун бошқарув пульти билан жиҳозланган бўлиши.

9-§. Газ баллонларни сақлаш ва улардан фойдаланишга қўйиладиган талаблар

145. Очиқ майдонларда газ баллонларни сақлашда, уларни ёмғир, қор ва бевосита қуёш нурларидан ҳимоя қилувчи қопламалар ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши шарт.

146. Оёқчага эга бўлган газ баллонлари вертикал ҳолатда, махсус тўрлар ёки бошқа маҳкамловчи қурилмалар ёрдамида уларнинг ағдарилиб кетишининг олди олинган ҳолда сақланиши лозим.

Оёқчаси мавжуд бўлмаган газ баллонлари горизонтал ҳолатда, махсус рамкалар ёки токчаларда сақланиши лозим. Бунда газ баллонларини устма-уст жойлаштириш баландлиги 1,5 m дан ошмаслиги шарт.

Газ баллонлардаги клапанлар ҳимоя қопқоқлари билан ёпилган бўлиши ва бир томонга йўналтирилган бўлиши шарт.

147. Бўш газ баллонлар газ билан тўлдирилган газ баллонлардан алоҳида жойда сақланиши керак.

148. Газ баллонларни фақат масъул шахсларгина ташиши, сақлаши, бериши ва қабул қилиши мумкин.

149. Газ баллонларидан фойдаланишда, уларни сақлаш ва кўчириш жараёнида мой излари мавжуд материалларга ҳамда ишчи кийимларга тегиб кетишининг олди олиниши шарт.

150. Газ баллонлар зарбалардан ва тўғридан-тўғри қуёш нурларидан ҳимояланган бўлиши керак. Газ баллонлар иситиш мосламаларидан 1 m дан кам бўлмаган хавфсиз масофада ўрнатилиши лозим.

151. Иш жараёнидаги танаффуслар вақтида ҳамда иш вақти якунланганда пайвандлаш ускуналари газ баллонлардан узилган ҳолда ўчирилиши шарт.

Газ баллонларга уланган пайвандлаш ускуналарининг шланглар ажратиб қўйилиши ва газ баллонлардаги босим тўлиқ туширилиши лозим.

152. Иш вақти якунлангач газ баллонлар фақат газ баллонларни сақлаш учун махсус ажратилган жойга жойлаштирилиши ва ушбу жойга бегона шахсларнинг кириши олди олиниши шарт.

153. Пайвандлаш ускуналаридан фойдаланишда ходимлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон “Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида белгиланган талабларга амал қилиши шарт.

10- §. Ёнғиндан ҳимоя қилиш талаблари

154. Пайвандлаш ишларини бошлашдан олдин, иш жойларининг юқори нуқталари ва пайвандлаш ускуналаридаги ҳаво намуналарида ацетилен миқдори таҳлил қилиниши керак.

Бунда ҳаво намуналаридаги ацетилен миқдори 0,3 mg/l дан ошмаслиги лозим.

155. Пайвандлаш ишлари якунлангач ходим иш жойини тарк этишдан аввал иш жойида ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган алангалар йўқлигини текшириб чиқиши шарт.

156. Ходимларни ёнғин хавфсизлигини бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ўқитилиши керак.

157. Иш жойлари ёнувчан конструкциялар доимий ёки кўчма тўсиқлар билан, ёнувчан поллар эса металл қопламалар билан ҳимояланиши шарт.

Бунда кўчма тўсиқлар пўлат қопламадан тайёрланган бўлиши керак.

158. Пайвандлаш тайёрлов бўлимларида ёнғин вужудга келтириши эҳтимоли бўлган хавфли органик эритмалар фақатгина давлат ёнғин назорати органлари билан келишилган миқдорда сақланиши керак.

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

4-боб. Ишлаб чиқариш ускуналарига ва ишларни ташкил этишга қўйиладиган талаблар

1-§ Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган талаблар

159. Ўрта ва кичик ўлчамли металларни пайвандлаш, қиздириб бириктириш ва кесиш ишлари шамоллатиш тизимига эга, махсус жиҳозланган иш жойларида бажарилиши керак. Иш жойларининг юқори қисми очиқ, ёнмайдиган материаллардан тайёрланган бўлиши лозим.

Бир пайвандлаш ишлари олиб бориладиган иш жойидаги бўш майдон 3 m² дан кам бўлмаслиги шарт.

Пайвандлаш ишларини қулай ва хавфсиз бажаришни таъминлаш учун иш столи ва стеллажнинг ҳар икки томонидан камида 1 m кенгликда ўтиш йўллари бўлиши лозим.

Ускуналар, ҳаракатланувчи механизмлар ва кўчирилаётган деталлар орасидаги, шунингдек доимий кўп постли электр таъминоти манбалари орасидаги ўтиш йўллари кенглиги камида 1,5 m бўлиши керак. Доимий бир постли электр таъминоти манбалари орасидаги ўтиш йўллари кенглиги камида 0,8 m бўлиши лозим.

160. Иш жойларида ходимларнинг қўлидаги статик юкни камайтирадиган махсус таянчлар ўрнатилиши керак.

Кабелни елка устига узатиш ёки билакка ўраш орқали қўл устидаги юкни камайтиришга йўл қўйилмайди.

161. Бегона шахсларнинг иш жойларида бўлиши тақиқланиши шарт.

Ходим ўз ёнида ёки ўзидан пастда ишлайдиган ходимни радиация, учқун, эритилган металл томчиларнинг тасодифий тушишидан ҳимоя қилувчи тўсиқлар билан таъминлаши керак.

162. Иш жойлари ва ўтиш жойлари баландлиги камида 1,8 m бўлган экранлар билан ажратилиши керак.

Агар иш жойлари ва ўтиш жойларини экранлар билан ажратиш имкони бўлмаса, ходимлар шахсий ҳимоя воситалари билан ҳимояланган бўлиши

керак.

Очиқ ҳавода, бир-бирига яқин жойлашган бир нечта ходим бир вақтда ишлаганда, улар орасига тўсиқлар ўрнатилиши керак.

163. Очиқ ҳавода пайвандлаш ишлари амалга оширилиши жараёнида ёмғир ёки қор ёғса, иш жойларининг устига бошпана ўрнатилиши керак.

Бошпана бўлмаганда, ёмғир ёки қор пайтида пайвандлаш ишларини олиб бориш тўхтатилиши керак.

164. Доимий пайвандлаш ишлари олиб бориладиган иш жойларидан ташқарида пайвандлаш ишларини олиб бориш учун ташкилот раҳбарининг ёки ёнғин хавфсизлиги бўйича жавобгар шахснинг ёзма рухсати олиниши лозим.

165. 5 m ортиқ баландликда пайвандлаш ишлари олиб борилаётганда ушбу жойнинг пастки майдони ёнмайдиган материаллар билан қопланиши керак

Ходимлар 5 m ортиқ баландликда пайвадлаш ишларини олиб бориш жараёнида хавфсизлик камарлари, карбонли хавфсизлик арқонлари ҳамда зарур асбоб-ускуналар учун махсус сумкалардан фойдаланиши шарт.

166. Битта металлни иккита ходим томонидан пайвандлашга рухсат берилади.

167. Металларни пайвандлашда уларнинг юзаларидаги ҳарорат +45°C дан ошмаслиги керак.

168. Сиғимлар, цистерналар, қувурлар, қудуқларда ва чуқурларда пайвандлаш ишлари бажарилганда ушбу жойлар ҳавони сўриб чиқарувчи мосламалар билан таъминланиши керак ҳамда улардаги ҳаво алмашинуви тезлиги 0,3-1,5 m/s бўлиши керак.

169. Ҳаво ҳарорати +50°C дан юқори бўлган иш жойларида махсус иссиқликдан ҳимоя қилувчи воситалар ва тоза ҳаво етказувчи воситаларисиз ходимларнинг ишлашига йўл қўйилмайди.

170. Пайвандлашда металларини ушлаб туриш ва уларни ҳаракатлантириш учун иш жойи тартибга солинган ҳамда махсус стол ёки мосламалар билан

жиҳозланган бўлиши керак.

Бунда махсус стол ёки мосламалар ходим учун қулай ҳаракатланишини таъминлаши ва буюмларнинг кичик қисмларини пайвандлаш ёки қўлда кесишда ўтириб ишлаш имконини бериши керак.

171. Усти ёпилмаган чуқурликларнинг ёнида ходимларнинг ишлашига йўл қўйилмайди.

172. Ходимлар сиғимлар, цистерналар, қувурлар, қудуқлар ва чуқурларга тушганда, уларнинг ёпиш эшиклари (қопқоқлари) очиш жойларига маҳкам ўрнатилганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

2-§ Ишларни ташкил этишга қўйиладиган талаблари

173. Доимий техникаларни бошқариш ва назорат қилиш бошқарув пульти орқали амалга оширилиши керак.

174. Бир нечта бошқарув воситаларига эга пайвандлаш ускунаси бир вақтда фақат битта бошқарув воситасидан бошқарилиши керак.

175. Доимий ва кўчма пайвандлаш ускуналарининг ишлашини бошқариш ва назорат қилиш тизими масофадан туриб амалга оширилиши мумкин.

Навбатчи ёй ҳосил бўлишидан олдин, плазматронга кучланишнинг эркин узатилиши ходим томонидан “Ишга тушириш” тугмаси орқали амалга оширилишига рухсат берилади. Ушбу босқичда ҳимояловчи қулфлаш тизимининг ишлаши талаб этилмайди.

Навбатчи ёй актив ҳолатга келгандан сўнг ҳимоялаш қулфи автоматик равишда ишга туширилиши ва “Ишга тушириш” тугмаси орқали назорат қилиниши шарт.

Плазматрондан кучланиш ечилганда ёки ёй узилган ҳолатда ҳимоя қулфлаш тизими автоматик равишда ишга тушиши шарт.

176. Пайвандлаш ускуналарининг бошқарув панелларида электр таъминотни узиш, резакка газ беришни тўхтатиш учун ёндиргични ўчириш функцияларини таъминловчи тўхтатиш тугмачаси (“Стоп умумий”) ўрнатилиши шарт.

Тўхтатиш тугмачаси (“Стоп умумий”) қизил рангда, қўзиқорин шаклида ҳамда бошқарув панели юзасидан чиқиб турадиган қилиб жойлаштирилиши шарт.

177. Пайвандлаш ускуналарини электр энергияси билан таъминлаш учун қўлланиладиган электр симлари ва кабеллари ташқи ҳимоя қопламига эга бўлиши ҳамда механик шикастланишдан ҳимояланган ҳолда жойлаштирилиши шарт.

3-§ Плазма гази орқали кесиш ускунасига бўлган талаблар

178. Плазма гази орқали кесишни бошлашдан олдин қуйидагиларга риоя қилиниши керак:

совутиш тизимининг ишлашини текшириш;

керакли кесиш тезлигини ўрнатиш;

технологик жараёнга мувофиқ плазма ҳосил қилувчи муҳитнинг (масалан, газ, ҳаво, аргон ва бошқалар) сарфини аниқлаш;

йиғма столининг ёки асосий қисмининг тубида сув борлигини текшириш.

179. Плазма гази орқали кесиш ускунасидан фойдаланилганда ходимлар плазма ёйи ва ультрабинафша нурланишидан ҳимояланиши керак.

180. Плазма гази орқали кесиш ускунасидаги носозликларни бартараф этишда ушбу ускуналар электр таъминотидан узилган ҳолда электр хавфсизлиги бўйича камида III гуруҳга эга ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

181. Плазма гази орқали кесиш ишлари амалга ошириладиган жойлардаги поллар каучук диэлектрик гилам билан қопланиши керак.

4-§ Карбонат ангидрид ва газ аралашмалари муҳитида пайвандлаш учун ускуналарга қўйиладиган талаблар

182. Карбонат ангидрид муҳитида пайвандлаш яримавтоматининг ёндиргичининг конструкцияси газ чиқиш сопласини тезкор ечиш

имкониятини таъминлаши ҳамда уни металл сачрандиларидан (учқунлардан) осон тозалашга мослаштирилган бўлиши лозим.

Бунда, газ чиқиш сопласининг ток ўтказувчи қисмидан изоляцияланган бўлиши керак.

183. Ёндиргичда пайвандлаш тўхтатилгандан кейин газни ўчириш учун қўшимча жўмрак кўзда тутилган бўлиши керак.

184. Автоматик ва механизациялаштирилган пайвандлаш ускуналари зарарли чанг ва газларни чиқарувчи мосламалар билан таъминланиши керак.

185. Ходимлар бир хил турдаги ҳимоя кийимлари ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши керак.

186. Баллонлардан, суюлтирилган газ солинган контейнерлардан ва баллонлардаги ҳимоя газларидан фойдаланиш учун мўлжалланган рампалардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 августдаги 493-сон қарори билан тасдиқланган Ортиқча босим остида ишлайдиган ускуналар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент асосида амалга оширилиши керак.

187. Суюлтирилган газ солинган контейнерларга (ёки тўплагич идишларга), шунингдек пайвандлаш постларига газ етказиб беришнинг рампали тизимига хизмат кўрсатишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низом асосида билимлари текширилган шахслар қўйилади.

188. Суюлтирилган газ солинган контейнер (тўплагич-идиш) ўрнатиладиган майдонча металл тўсиққа эга бўлиши керак, бунда контейнер ва тўсиқ ўртасида камида 1 m бўлган масофа қолиши керак. Контейнер яқинида иситиш манбалари бўлмаслиги керак.

189. Транспорт автоцистерналаридан тўплагич-идиш сифатида фойдаланилганда майдонча автоцистернага юк ортиш ва тушириш учун

тегишли юк кўтариш қобилиятига эга телфер билан жиҳозланган бўлиши керак.

190. Контейнер (тўплагич-идиш) очиқ ҳавода ўрнатилганда, уни қуёш нурлари ва ёғингарчиликдан ҳимоя қилувчи соябон билан таъминланиши керак.

5-§. Инерт газлар муҳитида пайвандлаш учун ускуналарга қўйиладиган талаблар

191. Пайвандлаш ускуналарининг ёндиргичлари ва пистолет-ёндиргичларининг тутқичлари ходимни ҳимоялаш учун иссиқлик-электр изоляцияли материал билан қопланган бўлиши керак. Мазкур тутқичларнинг ҳарорати иш пайтида +40°C дан ошмаслиги лозим.

Агарда пайвандлаш ускуналарининг ёндиргичлари ва пистолет-ёндиргичлари тутқичларнинг ҳарорати +40°C дан ошганда улар сув ёки бошқа сунъий совутиш тизимига эга бўлиши керак.

192. Пайвандлаш ускуналарининг ёндиргичлари ва пистолет-ёндиргичларининг тутқичлари қулай ушлаш имконини бериши керак.

193. Пайвандлаш ускуналарининг ёндиргичлари ва пистолет-ёндиргичларининг тутқичларида кучланиш ва газни бошқариш учун мослама кўзда тутилган бўлиши керак.

194. Пайвандлаш ускуналарининг ёндиргичларининг умумий оғирлиги 0,8 kg дан, пистолет-ёндиргичларининг оғирлиги эса 1,5 kg дан ошмаслиги керак.

195. Пайвандлаш ускуналарининг ёндиргичлари ва пистолет-ёндиргичларининг тутқичларининг симлари электр изоляциясига эга материал билан қопланган бўлиши керак.

5-боб. Иш материаллари ва андазаларни тайёрлаш, сақлаш ва ташиш талаблари

196. Пайвандлаш, қоплаш ва кесиш ишларида қўлланиладиган материаллар (металлар, электродлар, боғламалар, флюслар, пайванд симлари,

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

газлар ва суюқликлар) ходимларга зарарли ва хавфли таъсир кўрсатмаслиги керак.

197. Ҳарорати +45°C дан юқори бўлган металларнинг қирраларини эритувчилар билан артиш тақиқланади.

198. Йилнинг совуқ даврида пайвандланиши керак бўлган металлар пайвандлаш бошланишидан олдин, уларнинг ҳарорати иш жойидаги ҳаво ҳароратидан паст бўлмаслиги учун иш жойига олдиндан олиб кирилиши керак.

199. Пайвандлаш, қоплаш ва кесиш учун қўлланиладиган пайвандлаш материаллари (электрод, флюс, сим) иш бошланишидан олдин, материал технологик паспортида тавсия этилган режимларда қиздирилиши ёки қуритилиши керак.

200. Таркибида зарарли моддалар бўлган коррозияга қарши қоплама билан қопланган пайвандланадиган ва юзаси қопланадиган металларнинг юзалари, пайвандлаш жойидан камида 1 m кенгликда мажбурий тартибда тозаланиши керак.

201. Пайвандлаш материаллари (электрод, флюс, сим) ёпиқ ва қуруқ биноларда сақланиши керак. Бунда пайвандлаш материалларининг (электрод, флюс, сим) сақланиши уларнинг технологик паспорти талабларига жавоб бериши шарт.

6-боб. Таъмирлаш ишларида хавфсизлик талаблари

202. Пайвандлаш ва кесиш учун мўлжалланган ускуналарга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш (тармоққа улаш ва ундан узиш, ўрнатиш, таъмирлаш) ишларига фақат электр хавфсизлиги бўйича 3-гуруҳдан паст бўлмаган электр монтёрларга йўл қўйилади.

7-боб. Якуний қоида

203. Ушбу Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

Электр пайвандлаш ишларида ишларнинг
хавфсизлиги қоидаларига
1-ИЛОВА

Пайвандлаш ишларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари

Т/р	Иш турлари	Зарарли омиллар										Хавфли омиллар			
		Чанг-газсимон модда лар	Оптик оралиқдаги нурланиш			Электромагнит майдон	Магнит майдонлар	Ионлаштирувчи манбалар	Шовқин	Ультратовуш	Лазернурлар	Қўлларга таьсир этувчи статик босим	Электр токи	Учқунлар, сачрашлар ва эриган металлни чиқиши	Ҳаракатланувчи механизмлар ва маҳсулот	Босим остидаги тизимлар
			Ульрабинафша	Кўринарли	Инфрақизил											
1.	Флюс остида ёйсимон қўлда пайвандлаш	х х	х х	х х	х х	-	-	-	х	-	Х	-	х х	х х	х	-
2.	Флюс остида ёйсимон ярим автоматлаштирилган пайвандлаш	х х	-	-	х	-	-	-	х	-	Х	-	х х	-	х х	-
3.	Флюс остида ёйсимон автоматлаштирилган пайвандлаш	х х	-	-	х	-	-	-	х	-	-	-	х х	-	х х	-
4.	Ёйсимон ҳимоя газларда ярим автоматлаштир	х х	х х	х х	х х	-	-	-	х	-	х х	-	х х	х х	х х	х х

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

	илган пайвандлаш														
5.	Ёйсимон ҳимоя газларда автоматлаштирилган пайвандлаш	х х	х х	х х	х х	-	-	-	х	-	-	-	х х	х х	х х	х х
6.	Электршлакли пайвандлаш	х х	х	х	х х	-	-	-	х	-	-	-	х х	х х	х х	-
7.	Контактли пайвандлаш	х х	х	х	х	х	х	х	х	-	Х	-	х х	х	х х	Х
8.	Электрон-нурли пайвандлаш	Х	х х	х х	-	-	-	х х	х	-	-	-	х х	-	х	х
9.	Ишқалаш йўли билан пайвандлаш	-	-	-	-	-	-	-	х	-	-	-	х х	х х	х х	-
10.	Диффузин пайвандлаш	-	-	-	-	х х	-	-	х	х х	-	-	х х	-	х х	х
11.	Ультратовушли пайвандлаш	х	-	-	-	-	-	-	х х	х х	-	-	х	-	х	-
12.	Юқори токли пайвандлаш	-	-	-	-	х х	-	-	-	-	-	-	х х	-	х	-
13.	Частотали пайвандлаш	х х	х х	х х	х х	-	-	-	х	-	Х	-	х	х х	х	х х
14.	Газли пайвандлаш	х х	х	х х	х х	-	-	х	х	х	-	-	х х	х х	х	х х
15.	Плазмали пайвандлаш															

16.	Кесиш	x x	x	x x	x x	-	-	-	x x	x	x	-	x	x x	x	x x
17	Плазмали кесиш	x x	x	x x	x x	-	-	x	x x	x x	x x	-	x x	x x	x	x x
18	Лазер пайвандлаш ва кесиш	x x	x	x	x x	-	-	x	x	-	-	X	x x	-	x	x x
19	Эритиш	x x	x	x x	x	-	-	-	-	-	x	-	x x	x	x	X
20	Чангитиш	x x	x x	x	x	-	-	-	x x	x x	-	-	x x	x x	x	X
21	Лехимлаш	x x	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	x x	-	-	-
Эслатма: xx — интенсив омил; x — ўртача омил.																

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

Электр пайвандлаш ишларида
ишларнинг хавфсизлиги
қоидаларига
2-ИЛОВА

Пайвандлаш ишларида атмосферада зарарли моддалар ва газнинг рухсат этилган максимал концентрацияси (РМК)

Т/р	**Номланиши**	**РМК, mg/m^3**	**Хавфлилик даражаси**
1.	Марганец	0,1	II
2.	Темир	6,0	IV
3.	Хромтриоксид	0,01	I
4.	Никель	0,05	I
5.	Медь	0,5-1,0	II
6.	Титан	10,0	IV
7.	Алюминий	2,0	III
8.	Вольфрам	6,0	IV
9.	Фторли водород	0,5/0,1	II
10.	Углерод оксиди	20,0	IV
11.	Азот оксидлари	5,0	III
12.	Озон	0,1	I
13.	Кремний тетрахлориди	0,5/0,1	II

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

Электр пайвандлаш ишларида
ишларнинг хавфсизлиги
қоидаларига
3-ИЛОВА

Пайвандлаш ишларида тавсия этилган ёруғлик фильтрлари

Т/р	Пайвандлаш турлари	Ток кучи ва ёруғлик фильтр тури	
1.	Пўлат электрод билан ёйсимон пайвандлаш	Ток кучи, А	15 30 60 150 275 350 600 700 900
		Ёруғлик фильтри	С-3 С-4 С-5 С-6 С-7 С-8 С-9 С-10 С-11
2.	Инерт газлар ҳимоясида оғир металларни пўлат электрод ёрдамида ёйсимон пайвандлаш	Ток кучи, А	20 30 50 80 100 200 350 500 700 900
		Ёруғлик фильтри	С-3 С-4 С-5 С-6 С-7 С-8 С-9 С-10 С-11 С-12
3.	Инерт газлар ҳимоясида енгил металл қоришмаларини пўлат электрод ёрдамида ёйсимон пайвандлаш	Ток кучи, А	15 30 50 90 150 275 350 600 800
		Ёруғлик фильтри	С-4 С-5 С-6 С-7 С-8 С-9 С-10 С-11 С-12
4.	Инерт газлар ҳимоясида вольфрам электрод ёрдамида ёйсимон пайвандлаш	Ток кучи, А	10 15 20 40 80 100 175 275 300 400 600
		Ёруғлик фильтри	С-3 С-4 С-5 С-6 С-7 С-8 С-9 С-10 С-11 С-12 С-13
5.	Карбонат ангидрид муҳитида пўлат электрод ёрдамида ёйсимон пайвандлаш	Ток кучи, А	30 60 100 150 175 300 400 600 700 900
		Ёруғлик фильтри	С-1 С-2 С-3 С-4 С-5 С-6 С-7 С-8 С-9
6.	Плазмали пайвандлаш	Ток кучи, А	30 50 100 175 300 350 500 700 900
		Ёруғлик фильтри	С-5 С-6 С-7 С-8 С-9 С-10 С-11 С-12 С-13
7.	Ҳаво-ёйли сиртни кесиш, қоплаш ва эритиш	Ток кучи, А	500 700 900
		Ёруғлик фильтри	С-11 С-12 С-13

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

Электр пайвандлаш ишларида
ишларнинг хавфсизлиги
қоидаларига
4-ИЛОВА

Газ билан пайвандлаш ва кислородли кесиш учун нур фильтрлария

Т/р	**Ёруғлик фильтр**	**Пайвандлашда ацетилен сарфи, l/s**	**Кесишда кислород сарфи, l/s**
1.	С-1	-	-
2.	С-2	70 дан кўп эмас	900 - 2000
3.	С-3	-	2000 - 4000
4.	С-4	70 – 200	4000 - 8000
5.	С-5	200 – 800	-
6.	С-6	800 дан кам эмас	-

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

Электр пайвандлаш ишларида
ишларнинг хавфсизлиги
қоидаларига
5-ИЛОВА

Лазер нурига қарши кўзойнаклар учун тавсия этилган шиша маркалари

Тўлқин узунлиги, mkm	0,48 — 0,51	0,53	0,69	0,84	1,06	1,54	10,6
Шиша тури	ОС-12* ОС-13 ОС-23-1	ОС-12 ОС-13 ОС-23-21	СЗС-21 СЗС-22	СЗС-21 СЗС-22	СЗС-21 СЗС-22 СЗС-24	СЗС-24 СЗС-25 СЗС-26	БС-15**

Изоҳ:
* Тўқ ранг;
** Рангсиз.

QMMB: 10/26/3764/0086-son
29.01.2026-y.

Электр пайвандлаш ишларида
ишларнинг хавфсизлиги
қоидаларига
6-ИЛОВА

Меҳнат шароитлари ва пайванд усулларига боғлиқ холда махсус кийим танлаш

Пайванд, кесиш усули	Меҳнат шароити	Махсус кийим вазифаси	Тавсия этилган махсус кийим турлари	Махсус кийим гуруҳи ва гуруҳ ости
Электр ёй туридаги пайвандлар, эритиб қуйиш ва кесиш (қўлда ярим автоматик)	Олдиндан +400° С гача қиздирилган, ёпиқ маҳсулотлар ичида	Танани юқори ҳароратдан ва эриган металл сачрашидан сақлаш	Совутувчи ва ҳимоя қопламали иссиққа чидамли кийим	1 А
Элект ёйли усулдаги пайванд турлари, эритиб қуйиш, кесиш (қўлда ва яримавтоматик) ва электршлакли пайванд	Олдиндан +150° С гача қиздирилган, ёпиқ махсулотлар ичида	Танани олд қисмини юқори ҳароратдан ва эриган металл интенсив сачрашидан сақлаш	Оловга чидамли сингдирилган, учқунга ва иссиқлига чидамли ҳимоя қопламалар мавжуд, шу жумладан совутувчи элементлари билан	1 Б
Элект ёйли усулдаги пайванд турлари, эритиб қуйиш, кесиш (қўлда ва яримавтоматик) ва электршлакли пайванд ва контакт-бирикмали пайванд	Ишлаб чиқариш хоналари	Нормал микроиқлим шароитида танани юқори ҳароратдан ва эриган металлни интенсив сачрашидан сақлаш	Оловга чидамли сингдирилган, учқунга ва иссиқликка чидамли спилк ҳимоя қопламалар мавжуд брезент кийим	2 А
	Ёзда очиқ ҳавода	Худди шундай, ҳавони юқори ҳароратлари шароитида	Брезент ҳимоя қобиқлари, енгил брезент	2 Б
	Қишда очиқ ҳавода	Худди шундай, ҳавони паст ҳароратлари шароитида	Оловга чидамли шимдирилган, ИМ-1 турдаги матодан ҳимоя қобиқли, шу жумладан иқлим зоналарга боғлиқ холда изоляцияланган брезент кийим	2 В
Контактли пайванд (нуқтали, улоқлик, бирикмали)	Ишлаб чиқариш хоналари	Тананинг олд қисмини, бўйинни ва юзни оптик диапазондаги электромагнит нурланишдан (ултрабинафша) ва металл зарраларини сачрашидан ҳимоя қилиш	Оловга чидамли шимдирилган, ИМ-1 турдаги учқунга чидамли матодан ҳимоя қобиқли, брезент кийим ёки ИМ-1 турдаги учқунга чидамли матодан тайёрланган этак билан таъминланган брезент кийим	3 А
Инерт газларда электр ёйли пайванд	Ишлаб чиқариш хоналари	Тананинг олд қисмини, бўйинни ва юзни оптик диапазондаги электромагнит нурланишдан (ултрабинафша) ва металл зарраларини сачрашидан ҳимоя қилиш	Нурланишга чидамли, фенилон матоли ҳимоя қобиқли, енгиллаштирилган брезентдан тайёрланган кийим	3 Б

Флюс остида электр ёйли усулда пайвандлаш (яримавтоматик ва автоматик) ва кесиш жараёнини масофадан бошқарув	Ишлаб чиқариш хоналари	Шлак ва металл томчиси тасодифий сачрашидан ҳимоя	Ёнғиндан қарши шимдирилган брезент кийим	4 А
Ишқаланиш йўли билан пайванд, ультратовуш, диффузион ва атмосфера назорат этувчи камераларда	Ишлаб чиқариш хоналари	Ишлаб чиқариш ифлосланишларидан ва механик шикастланишдан ҳимоя	Ишчи кийимлар	4 Б
Лехим	Ишлаб чиқариш хоналари	Лехим ва флюслар таьсиридан ҳимоя	Ишчи халатлар	5

QMMB: 10/26/3765/0089-son
30.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3765
2026 - yil 29 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA‘LIMI VAZIRINING BUYRUG‘I

Maktabgacha, umumiy o‘rta va qo‘shimcha ta’lim tashkilotlarini moddiy-texnik jihozlash talablari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi va “Maktabgacha ta’lim va tarbiya to‘g‘risida”gi qonunlari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni va 2022-yil 11-maydagi PQ–241-son “Maktabgacha va maktab ta’limini rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Maktabgacha, umumiy o‘rta va qo‘shimcha ta’lim tashkilotlarini moddiy-texnik jihozlash talablari to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Sog‘liqni saqlash vazirligi, Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Texnik jihatdan tartibga solish agentligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 28-yanvar
20-mh-son

KARIMOVA E’ZOZXON GAPIRJONOVNA

Kelishildi:

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi direktori
2026-yil 28-yanvar

OLLOYOROV MANSURBEK POLVONZODA

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil
2026-yil 19-yanvar

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Vazir
2026-yil 16-yanvar

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Direktor v.v.b
2026-yil 14-yanvar

MASHANPIN TIMUR VASIKOVICH

Vazir 2026-yil 9-yanvar		XIDOYATOV SHERZOD SAIDJANOVICH
Rais 2026-yil 9-yanvar		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH
Vazir 2026-yil 9-yanvar		KUDRATXODJAYEV BOTIR BAXROMOVICH
Vazir 2025-yil 29-dekabr		XUDAYAROV ASILBEK ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3765/0089-son
30.01.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta’limi vazirining
2026-yil 28-yanvardagi 20-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Maktabgacha, umumiy o‘rta va qo‘shimcha ta’lim tashkilotlarini moddiy-texnik jihozlash talablari to‘g‘risidagi nizom

Mazkur Nizom davlat maktabgacha, umumiy o‘rta va qo‘shimcha ta’lim tashkilotlarini moddiy-texnik jihozlashga qo‘yiladigan talablarni belgilaydi.

Ushbu Nizom nodavlat maktabgacha va umumiy o‘rta ta’lim tashkilotlari uchun tavsiyaviy xarakterga ega bo‘lib, ularni moddiy-texnik jihozlash litsenziya talablari asosida amalga oshiriladi.

1-bob. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarini moddiy-texnik jihozlash talablari

1. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarini o‘yinlar to‘plamlari, o‘yinchoqlar, mebel, jihozlar va boshqa texnik vositalar bilan jihozlash O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 22-dekabrdagi 802-son qarori bilan tasdiqlangan Maktabgacha ta’lim va tarbiyaning davlat standartida nazarda tutilgan minimal ro‘yxat va me’yorlar asosida amalga oshiriladi.

2. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarini o‘yinlar to‘plamlari, o‘yinchoqlar, mebellar, jihozlar va boshqa texnik vositalar, shuningdek ular bo‘yicha qo‘llanmalar bilan jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim:

maktabgacha ta’lim tashkiloti joylashgan mintaqa xususiyatlari inobatga olinishi;

ko‘p funksiyali, xavfsiz, bino o‘lchamiga mos va sifatli materiallardan foydalanilishi;

jismoniy, aqliy, sensor (sezgi) yoki ruhiy nuqsonlari bo‘lgan bolalar uchun ixtisoslashtirilgan va inklyuziv guruhlar tashkil etilishi mumkinligi hisobga olinishi;

mashg‘ulot (guruh) xonalari, yotoqxonalar va boshqa xonalar uchun mo‘ljallangan mebellarning korpuslari mustahkamlik darajasi hamda yumshoqlik

koʻrsatkichlari Maktabgacha taʼlim va umumiy oʻrta taʼlim tashkilotlarini jihozlashda foydalaniladigan mebellarga qoʻyiladigan sanitariya-gigiyena talablariga (0057-23-son SanQvaN) muvofiq boʻlishi;

maktabgacha ta’lim tashkilotlari uchun oʻyinlar toʻplamlari, oʻyinchoqlar, mebellar (stollar, stullar, krovatlar, javonlar, shkaflar, shuningdek yotoqxona, hojatxona, yuvinish, kiyim almashtirish, mashgʻulot (guruh) va ovqatlanish xonalaridagi mebellar), jihozlar, qoʻllanmalar hamda boshqa texnik vositalar yaroqlilik (saqlash) muddati, sifat koʻrsatkichlari, bolalarning yosh xususiyatlari hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarning talablarini inobatga olgan holda xarid qilinishi;

qoʻshimcha xonalarni (musiqa zali, jismoniy tarbiya zali, kutubxona, kir yuvish xonasi, oshxona, tibbiy xizmat koʻrsatish xonasi, ma’muriy-metodik xonalar, xoʻjalik xonalari va boshqalar) jihozlashda maktabgacha ta’lim tashkilotining quvvati hisobga olinishi;

qoʻshimcha didaktik materiallar, tarqatmalar, kartochkalar, koʻrgazmalar, turli yoʻnalishdagi mashgʻulotlar uchun materiallar, tasviriy faoliyat, qurish-yasash va jismoniy tarbiya uchun oʻquv qurollari, asbob-uskunalar va sport anjomlari yil davomida oʻtkaziladigan tadbirlar, musobaqalar va tanlovlarning ishlanmalari bilan ta’minlanishi;

mashgʻulot (ta’lim-tarbiya) jarayonida foydalaniladigan koʻrgazmali materiallar va jihozlarning bolalar uchun qulay holda joylashtirilishi;

bolalar uchun moʻljallangan ikki va toʻrt oʻrinli stol va oʻrindiqlar bolalarning yoshiga (boʻy koʻrsatkichlariga) mos ravishda tanlanishi;

yotoqxonalar bolalarning soniga mos yotoq anjomlari va maxsus mebel jihozlari bilan ta’minlanishi;

maktabgacha ta’lim tashkilotining hududi, binolari va guruh xonalarining ichki qismida ovoz yozish funksiyasiga ega va kamida bir oy davomida videoyozuvlarni elektron arxivda saqlaydigan kuzatuv kameralarining oʻrnatilishi;

xonalar, koridorlar va zallarda tabiiy gullar xavfsiz holda joylashtirilishi hamda quyosh nuridan muhofaza qiluvchi pardalar oʻrnatilishi;

guruh xonalarida zamonaviy kompyuter texnikalari, multimedia vositalari, internet tarmogʻi, chop etish qurilmalari va namoyish etish vositalari (televizor, videoproyektor, interaktiv doska va boshqalar) bolalar yoshiga mos holda oʻrnatilishi;

havoni tozalash va moʻtadillash agregatlarining (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi) mavjud boʻlishi;

oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga (markazlashgan yoki avtonom) ulangan boʻlishi.

3. Maktabgacha ta’lim tashkilotining hududini moddiy-texnik jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim:

hududga kirish qismi darvozasining ikki tomoniga maktabgacha ta’lim tashkilotining raqami yozilgan peshlavha oʻrnatilgan boʻlishi;

hududga kirish eshigida chaqiruv qoʻngʻirogʻi qurilmalari oʻrnatilgan boʻlishi;

xavfsizlikni ta’minlash maqsadida hudud mustahkam va baland devor yoki panjaralar bilan oʻralgan boʻlishi;

darvozalarning ochilishi va yopilishi qulay boʻlishi hamda qulflanadigan va elektron nazorat qilinuvchi moslamalar oʻrnatilishi;

hududning turli joylarida mustahkam va xavfsiz oʻrindiqlar joylashtirilgan boʻlishi;

hududda manzil boʻylab toʻgʻri harakatlanish uchun maxsus belgilar, strelkalar va koʻrsatkichlar (navigatsiya tizimi) mavjud boʻlishi;

ichki va tashqi hududlarni obodonlashtirish uchun xoʻjalik mollari hamda elektrotexnika asbob-uskunalari bilan ta’minlanishi;

chiqindilarni toʻplash uchun ranglar bilan ajratilgan maxsus qutilar (urnalar) boʻlishi;

bolalar uchun xavf tugʻdirmaydigan oʻyin maydonchalari, piyodalar yoʻlaklari va himoya toʻsiqlari oʻrnatilgan boʻlishi;

barcha jihozlar bolalarning yoshiga va rivojlanish darajasiga mos tarzda tanlangan boʻlishi;

hududda bolalarni jismoniy rivojlantiruvchi oʻyin maydonchalari boʻlishi va ushbu maydonchalarda bolalar yoshiga mos turli xil oʻyin qurilmalarining (tekis yoki boʻrtma yugurish yoʻlaklari, tebranish qurilmalari, labirintlar va boshqalar) joylashtirilishi;

bolalar uchun xavf tugʻdirmaydigan tashqi basseyn xavfsiz choʻmilish uchun qulay va bolalar yoshiga mos boʻlishi hamda basseyn suvi har kuni almashtirilishi;

bolalar uchun qumdonlar qum va oʻyinchoqlar bilan toʻldirilgan boʻlishi;

hudud bolalarning rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadigan xavfsiz materiallardan tayyorlangan o‘yin jihozlari va inventarlar bilan bezatilishi;

bolalarning tabiatga bo‘lgan muhabbatini oshirish maqsadida zaharsiz va xavfsiz madaniy o‘simliklar va gullar o‘stirish imkoniyatining mavjudligi;

hududda sanitariya-gigiyena talablariga muvofiq sharoitlar yaratilishi hamda hojatxonalar, gigiyena vositalari, ichimlik suvi, issiq va sovuq suv ta’minoti tizimlarining mavjud bo‘lishi;

yoritish tizimlarining o‘rnatilishi hamda quyosh nurlaridan himoya vositalari bilan jihozlanishi;

hududdagi barcha jihozlar va inventarlar, o‘yin maydonchalari, harakat yo‘laklari va hojatxonalar alohida ta’lim ehtiyojlari bo‘lgan bolalarning ehtiyojlariga mos ravishda jihozlangan bo‘lishi, shu jumladan alohida ta’lim ehtiyojlari bo‘lgan bolalar uchun panduslar, tutqichlar va Brayl yozuvli mnemosxemalar, rasmli badiiy kitoblar va maxsus ko‘rsatmalar bilan ta’minlanishi.

Maktabgacha ta’lim tashkilotining hududi Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida bolalarning hayoti va sog‘lig‘ini muhofaza qilishni tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 3012, 2018-yil 14-may) talablariga muvofiq jihozlanishi kerak.

4. Maktabgacha ta’lim tashkiloti bino va inshootlarining foye va yo‘laklarni jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim:

foyega kirish qismi devoriga vatanparvarlik va ma’naviyat burchaklari tashkil etilishi hamda ular O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi tomonidan ishlab chiqilgan tavsiyalar asosida bezatilishi, O‘zbekiston davlat ramzlari (bayroq, gerb, madhiya) aks ettirilgan stendlar o‘rnatilishi;

foye va yo‘laklar bolalarning rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadigan tarzda bezatilishi, devorlarga bolalar ijodiy ishlari, rang-barang rasmlar va ko‘rgazmali vositalar baland bo‘lmagan holda joylashtirilishi;

foye va yo‘laklarda bolalarning yoshiga mos mebellar, shu jumladan divanlar, o‘rindiqlar, kutish joylari, bolalarning buyumlarini saqlash uchun kiyim javonlari va shkaflari o‘rnatilishi;

foye va yo‘laklardagi ko‘rgazmali vositalar bolalar va tashrif buyuruvchilar uchun tushunarli va aniq bo‘lishi, shuningdek texnika va yong‘in xavfsizligi

qoidalari, evakuatsiya yo‘nalishlari va boshqa zarur ma’lumotlarning mavjud bo‘lishi;

bolalarning hayotini muhofaza qilish maqsadida xodimlar ko‘rishi mumkin bo‘lgan joylardagi e’lonlar taxtasiga yong‘in xavfsizligi, ichki ishlar organlari, tez tibbiy yordam xizmatlari hamda favqulodda vaziyatlar, yagona dispetcherlik xizmati telefon raqamlari ko‘rsatilgan ma’lumotlar hamda telefon apparati joylashtirilgan bo‘lishi;

evakuatsiyada foydalanish uchun zarur uskunalarning o‘rnatilgan bo‘lishi;

tabiiy yoritishga alohida e’tibor qaratilishi, shuningdek zarur hollarda qo‘shimcha sun’iy yoritish vositalari o‘rnatilishi;

alohida ta’lim ehtiyoji bo‘lgan bolalar ehtiyojlariga mos tutqichlar, panduslar va maxsus ko‘rgazmalar bilan jihozlanishi;

har bir xona eshigida ularning nomi yozilgan ma’lumotlar yozuvi o‘rnatilgan bo‘lishi;

yumshoq, yarim yumshoq va qattiq mebel jihozlari bilan ta’minlanishi.

5. O‘yinlar to‘plamlari va o‘yinchoqlar, shu jumladan rivojlantiruvchi didaktik o‘yinlar va o‘yin markazlari jihozlari hamda ko‘rgazmali materiallar bilan jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim:

a) jihozlashga qo‘yiladigan didaktik talablar:

bolalarning yoshiga mos bo‘lishi;

milliy qadriyatlarga asoslangan bo‘lishi;

tarbiyaviy ahamiyatga ega bo‘lishi;

hammabop bo‘lishi;

b) jihozlashga qo‘yiladigan psixologik talablar:

bolaning ruhiy holatiga salbiy ta’sir ko‘rsatmasligi;

zo‘ravonlikka undamasligi;

bolani ijodkorlikka va kreativ fikrlashga undashi;

bolani ruhiy jihatdan rivojlantirishi;

tinchlantiruvchi yorqin ranglarning tanlanishi;

c) jihozlashga qo‘yiladigan sanitariya-gigiyena talablari:

bola hayoti va sog‘ligiga xavf soladigan materiallardan tayyorlanmasligi;

foydalaniladigan materiallar ekologik toza bo‘lishi;

foydalanishga chidamli va mustahkam, yorqin ranglarda bo‘lishi;

dezinfeksiya choralariga chidamli bo‘lishi;

zararli hid chiqarmasligi, rangi boʻyalmasligi;

vazni bolalar yoshiga mos boʻlishi (ogʻir boʻlmasligi);

oʻtkir qirralari va sanchiladigan qismlari boʻlmasligi.

2-bob. Umumiy oʻrta taʼlim tashkilotlarini moddiy-texnik jihozlash talablari

6. Umumiy oʻrta taʼlim tashkilotlari Umumiy oʻrta taʼlim muassasalari uchun zarur boʻladigan jihozlar meʼyorlariga (roʻyxat raqami 2935, 2017-yil 16-oktabr) muvofiq jihozlanishi kerak.

7. Umumiy oʻrta taʼlim tashkiloti hududini jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim:

umumiy oʻrta taʼlim tashkiloti hududiga kirish qismida bayroq koʻtarish moslamasi (“flag-stock”) hamda kirish darvozasining peshtoqida katta harflar bilan muassasa raqami boʻlishi;

hududning kirish qismida darvozaning ikki tomoniga muassasa nomi yozilgan peshlavha oʻrnatilishi (chap tomonida davlat tilida va oʻng tomonida taʼlim turi boshqa tilda olib boriladigan boʻlsa, tegishli tilda yoziladi);

alohida taʼlim ehtiyojlari boʻlgan shaxslarning toʻsiqsiz harakatlanishi uchun shaharsozlik normalari va qoidalari talablari asosida zarur sharoitlar yaratilishi, shu jumladan oʻrindiqli aravachadan foydalanadigan nogironligi boʻlgan shaxslarning bino va inshootlarga kirishi va chiqishi uchun pandus va tutqichlarning oʻrnatilishi;

xavfsizlikni taʼminlash maqsadida umumiy oʻrta taʼlim tashkilotining hududi mustahkam va baland devor yoki panjaralar bilan oʻralgan boʻlishi;

darvozalarning ochilishi va yopilishi qulay va qulflanadigan boʻlishi hamda elektron nazorat qilinuvchi moslamalar oʻrnatilishi;

sport maydonlari (chaqiriqqa qadar boshlangʻich tayyorgarlik, yoʻl harakati qoidalari, oʻyin va bolalar maydonchasi, futbol maydoni va boshqalar) va jismoniy mashqlar uchun “workout” maydonchalarining mavjud boʻlishi;

geografiya fanining amaliy mashgʻulotlarida tajribalar oʻtkazish uchun maxsus geografiya maydonchasining tashkil qilinishi hamda tajribalar uchun asbob-uskunalar bilan jihozlanishi;

umumiy oʻrta taʼlim tashkiloti hududining turli joylarida mustahkam va xavfsiz oʻrindiqlar oʻrnatilishi;

umumiy oʻrta taʼlim tashkilotining oʻquv binoalariga yaqin joylarda velosipedlar uchun maxsus joy (turargoh) tashkil etilishi hamda zarur inventarlar

bilan jihozlangan bo‘lishi;

hududda manzil bo‘ylab to‘g‘ri harakatlanish uchun maxsus belgilar, kontrast rangdagi strelkalar va ko‘rsatkichlar (navigatsiya tizimi) o‘rnatilishi;

elektr tejamkor tungi yoritish chiroqlar bilan ta’minlanishi;

umumiy o‘rta ta’lim tashkilotining ichki va tashqi hududlarini obodonlashtirish uchun xo‘jalik mollari hamda elektrotexnika asbob-uskunalarining mavjudligi;

umumiy o‘rta ta’lim tashkilotining hududi chiqindilarni to‘plash uchun ranglar bilan ajratilgan maxsus qutilar (urnalar) bilan jihozlanishi;

oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga (markazlashgan yoki avtonom) ulangan bo‘lishi.

8. Umumiy o‘rta ta’lim tashkilotidagi bino va inshootlarining foye va yo‘laklarini jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim:

foyega kirish qismi devoriga O‘zbekiston Respublikasining davlat ramzlari (bayroq, gerb, madhiya) aks ettirilgan stendlar o‘rnatilishi;

stendlar o‘quvchilarga ko‘rinadigan qulay balandlikda joylashtirilishi (ko‘rgazmalar davlat tilida, shuningdek ta’lim turi boshqa tillarda olib boriladigan hollarda qo‘shimcha tarzda mazkur tillarda yozish tavsiya etiladi);

yo‘laklar, devorlar va zinapoyalardan o‘rgatish hududi sifatida foydalanish maqsadida dars mashg‘ulotlariga oid chizma, shakl, infografika va stendlarning mavjud bo‘lishi (chizma, shakl, infografika va stendlar binoda tahsil oluvchi o‘quvchilarning sinfidan kelib chiqib, boshlang‘ich yoki yuqori sinf o‘quvchilari uchun moslashtirilgan bo‘lishi tavsiya etiladi);

bino yo‘laklaridagi pollar to‘siqsiz bo‘lishi, devorlar va zinapoyalarning o‘quvchilar harakatlanishi uchun qulayligi hamda o‘quvchilarning xavfsizligini ta’minlash maqsadida tutqichlar o‘rnatilishi. Bunda, alohida ta’limga ehtiyojlari bo‘lgan bolalar uchun zinapoyalar maxsus ko‘tarish-tushirish moslamalari bilan ta’minlangan bo‘lishi lozim;

foyening hajmidan kelib chiqqan holda tashrif buyuruvchilar uchun kutish joylari tashkil etilishi (mazkur joylar qulay o‘rindiqlar, axborot stendlari, suv dispanserlari, kitob va jurnallar uchun javonlar, yashil burchaklar, Wi-Fi hududlar, zaryadlovchi stansiyalar hamda bolalar uchun kichik o‘yingohlar burchagi bilan ta’minlash tavsiya etiladi);

QMMB: 10/26/3765/0089-son
30.01.2026-y.

bino yo‘laklarining keng va harakatlanishga xalaqit bermaydigan qismlarida o‘quvchilar uchun qulay, ergonomik o‘rindiqlar hamda yuqori sinf o‘quvchilariga shaxsiy buyumlarni saqlash uchun javonlar o‘rnatilishi (yuqori sinf o‘quvchilariga shaxsiy buyumlarni saqlash uchun javonlar sinf xonalarida o‘rnatilishi mumkin). Bunda, boshlang‘ich ta’lim sinf o‘quvchilari uchun shaxsiy javonlar sinf xonalarida joylashtiriladi.

9. Dars jarayonida ishlatiladigan ko‘rgazmali o‘quv qurollari o‘quvchilar uchun qulay holda joylashtirilishi hamda sinf o‘quvchilari bo‘yining guruhlanishi inobatga olinishi kerak.

3-bob. Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarining alohida ta’lim ehtiyoji bo‘lgan o‘quvchilari uchun maxsus yordam ko‘rsatish xonalarini moddiy-texnik jihozlash talablari

10. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 12-oktabrdagi 638-son “Alohida taʼlim ehtiyojlari boʻlgan bolalarga taʼlim berishga oid normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash toʻgʻrisida”gi qaroriga muvofiq inklyuziv taʼlim sinflari va boshlang‘ich tayanch korreksion sinflar ochilgan umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida o‘quvchilarning individual taʼlim dasturlarini o‘zlashtirishi, ularning rivojlanishiga to‘sqinlik qilayotgan omillarni aniqlash hamda ularga turli ko‘rinishda psixologik yordam berish maqsadida maxsus yordam ko‘rsatish xonalari tashkil etiladi.

11. Maxsus pedagoglar va (yoki) yordamchi xodimlar maxsus yordam ko‘rsatish xonalarida o‘quvchilar bilan korreksion-pedagogik ishlarni olib boradi. Maxsus yordam ko‘rsatish xonalari ta’lim samaradorligi va bolalarning ehtiyojlariga mos keladigan, mustahkam va o‘tkir burchagi bo‘lmagan jihozlar hamda o‘quv materiallari bilan jihozlanadi.

12. Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarining alohida ta’lim ehtiyoji bo‘lgan o‘quvchilar uchun maxsus yordam ko‘rsatish xonalarida quyidagi jihozlar bo‘lishi talab etiladi:

bolalarning tana tuzilishiga moslashadigan ergonomik stol va stullar;

vizual va interaktiv o‘quv materiallarni namoyish qilish uchun zamonaviy ekran vositalari (interaktiv doska va proyektor);

bolalarning sensor ehtiyojlarini qondirish va diqqatini oshirishga yordam beruvchi maxsus sensorli o‘yinchoqlar va taktil materiallar;

bolalarning ko‘zlarini charchatmaydigan sun’iy yoritish vositalari;

zamonaviy kompyuter texnikalari va chop etish vositalari;

eshitishda nuqsoni bo‘lgan bolalar uchun eshitish uskunalari va ovoz kuchaytirgichlar;

o‘quv qurollari, ko‘rgazmali qurollar va boshqa materiallarni saqlash uchun maxsus mebellar (javon va shkaflar);

xonalarni quyosh nuridan muhofaza qilish uchun pardalar;

havoni tozalash va mo‘tadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi);

chiqindi tashlash uchun maxsus idishlar (urnalar);

o‘qituvchi uchun ish joyi (ish stoli va yumshoq o‘rindiq);

sinf doskasi;

sanitariya burchagi uchun gigiyena vositalari;

bolalar toliqqanda yoki ruhiy holati o‘zgarganda dam olishlari uchun maxsus burchak, yostiqlar, pufiklar va o‘yinchoqlar.

4-bob. Qo‘shimcha ta’lim muassasalarini moddiy-texnik jihozlash talablari

1-§ Bolalar kutubxonalarini moddiy-texnik jihozlash talablari

13. Bolalar kutubxonalarini madaniy dam olish markazlari (ijtimoiy-madaniy majmua va boshqalar) binolariga joylashtirishda bolalar kutubxonalarining funksional xususiyatlarini hamda kutubxona fondlarining saqlanishi va foydalanuvchilar uchun qulay shart-sharoitlar yaratilishini ta’minlovchi maxsus xonalar nazarda tutilishi kerak.

Bolalar kutubxonasini alohida binoga, turar joy yoki jamoat binosiga tutashgan blok-binoga yoki shaharsozlik norma va qoidalariga rioya etgan holda bolalar kutubxonasining funksional vazifasi va faoliyat doirasiga mos keladigan maxsus moslashtirilgan turar joy yoki jamoat binosining binolariga joylashtirish tavsiya etiladi.

14. Bolalar kutubxonasi hududi o‘ziga xosligi bilan ajralib turadigan va bolalar tomonidan oson tanib olinadigan, do‘stona, jozibali va qulay joy bo‘lishi lozim (maxsus mebel, rang va dekorativ dizayn va boshqalar).

QMMB: 10/26/3765/0089-son
30.01.2026-y.

15. Bolalar kutubxonasidagi uskunalar, dasturiy ta’minotlar va ma’lumotlar bazalari yangilab borilishi lozim.

16. Bolalarga mobil kutubxona xizmatlarini ko‘rsatishni tashkil etish maqsadida Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar kutubxonalari maxsus jihozlangan transport vositalari – bibliobuslar bilan ta’minlanishi kerak. Bunda, bibliobuslar o‘rindiqli aravachadan foydalanadigan nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun qulay va yig‘ma pandusli bo‘lishi talab etiladi.

17. Uslubiy, monitoring, ma’lumot, bibliografiya va adabiyotlarini saqlash bo‘limlari hamda shtatlar jadvalida ko‘rsatilgan mutaxassislik bo‘yicha har bir xodimning xonasini jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim

xodimlar uchun ish joylari (ish stollari va yumshoq stullar);

yumshoq, yarim yumshoq va qattiq mebel jihozlari (katalog yashigi, javonlar, shkaflar, divanlar, kreslolar va boshqalar);

zamonaviy kompyuter texnikalari;

hujjatlar va adabiyotlarni nusxalash, ko‘paytirish va raqamli formatga aylantirish uchun mo‘ljallangan qurilmalar;

aloqa vositalari;

foydalanuvchilarning ovozli va vizual ma’lumotlarga kirishini ta’minlaydigan vositalar;

havoni tozalash va mo‘tadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi);

chiqindi tashlash uchun maxsus idishlar (urnalar);

quyosh nuridan muhofaza qiluvchi pardalar;

suv dispanserlari.

18. Axborot-resurslari va texnologiyalari bo‘limi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

xodimlar uchun ish joylari (ish stollari va yumshoq stullar);

yumshoq, yarim yumshoq va qattiq mebel jihozlari (yarim yumshoq stullar, javonlar, shkaflar, divanlar, kreslolar va boshqalar);

zamonaviy kompyuter texnikalari;

hujjatlar va adabiyotlarni nusxalash, ko‘paytirish va raqamli formatga aylantirish uchun mo‘ljallangan qurilmalar;

aloqa vositalari;

havoni tozalash va moʻtadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi);

bolalar kutubxonasini RFID (“Radio Frequency Identification”) texnologiyasi asosida jihozlash uchun zarur uskunalar jamlanmasi;

bolalar kutubxonasining kirish qismida oʻrnatiladigan elektron nazorat qilinuvchi moslamalar;

server texnologiyasi va dasturlari toʻplami;

chiqindi tashlash uchun maxsus idishlar (urnalar);

kompyuter uchun qoʻshimcha xotira qurilmalari.

19. Media boʻlim xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

xodimlar uchun ish joylari;

ofis va studiya mebel jihozlari (studiya stoli, oʻqish stoli va yashigi, yarim yumshoq stullar, javonlar, shkaflar, divanlar va boshqalar);

audio va studiya uskunalar toʻplamlari;

zamonaviy kompyuter texnikalari;

chiqindi tashlash uchun maxsus idishlar (urnalar);

aloqa vositalari;

havoni tozalash va moʻtadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi).

20. Kompyuter xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

interaktiv doskalar;

mutaxassislar uchun ish joylari (kompyuter stollari va yumshoq stullar);

mutaxassislar uchun zamonaviy kompyuter texnikasi jamlanmalari (chop etish qurilmasi bilan);

hujjatlar va adabiyotlarni nusxalash, koʻpaytirish va raqamli formatga aylantirish uchun moʻljallangan qurilmalar;

foydalanuvchilar uchun oʻqish joylari (kompyuter stoli va stol toʻplamlari);

foydalanuvchilar uchun zamonaviy kompyuter texnika toʻplamlari;

aloqa vositalari;

havoni tozalash va moʻtadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi);

multimedia vositalari;

chiqindi tashlash uchun maxsus idishlar (urnalar);

dasturiy ta’minotni amalga oshirish boʻyicha maxsus kompyuter texnikalari

yuqori kuchlanishga bardoshli uzluksiz quvvat ta’minoti (UPS);

ko‘rgazmali vositalar va kiyim uchun shkaflar.

21. Xizmat ko‘rsatish bo‘limi va madaniy-ommaviy tadbirlarni tashkillashtirish bo‘limi xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

xodimlar uchun ish joylari (ish stollari va yumshoq stullar);

zamonaviy kompyuter texnikalari;

o‘quvchilari uchun o‘quv joylari (stollar va stullar);

kitoblar uchun infokiosk qurilmalari;

hujjatlar va adabiyotlarni nusxalash, ko‘paytirish va raqamli formatga aylantirish uchun mo‘ljallangan qurilmalar;

ko‘rgazmali vositalar;

chiqindi tashlash uchun maxsus idishlar (urnalar);

havoni tozalash va mo‘tadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi);

yumshoq, yarim yumshoq va qattiq mebel jihozlari (katalog yashigi, yarim yumshoq stullar, javonlar, divanlar, kreslolar va boshqalar);

interaktiv doskalar;

chiqindi tashlash uchun maxsus idishlar (urnalar).

22. O‘quv zali quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

yumshoq, yarim yumshoq, qattiq va ofis mebel jihozlari (yarim yumshoq stullar, javonlar, shkaflar, pufiklar, divanlar va boshqalar);

o‘quvchilar uchun o‘qish joylari (stollar va stullar);

doskalar;

multimedia vositalari;

zamonaviy kompyuter texnikalari;

hujjatlar va adabiyotlarni nusxalash, ko‘paytirish va raqamli formatga aylantirish uchun mo‘ljallangan qurilmalar;

ko‘rgazmali vositalar;

chiqindi tashlash uchun maxsus idishlar (urnalar);

havoni tozalash va mo‘tadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi).

23. Direktor va direktor o‘rinbosari xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

direktor va direktor o‘rinbosari uchun mo‘ljallangan ofis mebel jihozlari to‘plami (ofis stoli va kursi);

yumshoq, yarim yumshoq va qattiq mebel jihozlari (javonlar, shkaflar, seyflar, stullar, stollar va boshqalar);

aloqa vositalari;

zamonaviy kompyuter texnikalari;

hujjatlarni nusxalash va ko‘paytirish qurilmalari;

chiqindi tashlash uchun maxsus idishlar (urnalar);

havoni tozalash va mo‘tadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi).

24. Ko‘rgazmalar zali yoki xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

ko‘rgazma vositalari va devor uchun stendlar;

turli vitrinali mebel jihozlari;

maket va eksponatlarni qo‘yish uchun maxsus o‘rnatmalar.

25. Arxiv xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

yumshoq, yarim yumshoq va qattiq mebel jihozlari;

zamonaviy kompyuter texnikalari;

hujjatlar va adabiyotlarni nusxalash, ko‘paytirish va raqamli formatga aylantirish uchun mo‘ljallangan qurilmalar;

kitoblarni saqlash javonlari, shkaflar va stellajlar;

havoni tozalash va mo‘tadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi).

26. Tadbirlar zali quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

zal o‘lchamidan kelib chiqib maxsus mebel jihozlari (majlis stoli (prezidium) va stullari, yarim yumshoq stullar);

multimedia vositalari;

ovoz kuchaytirgichlar;

zamonaviy kompyuter texnikalari;

ovoz yozish funksiyasiga ega kuzatuv kameralari;

quyosh nuridan muhofaza qiluvchi pardalar;

havoni tozalash va mo‘tadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi).

27. Tibbiyot xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

QMMB: 10/26/3765/0089-son
30.01.2026-y.

shifokor va hamshira uchun ish joylari (stollar va stullar);

bemorlarni ko‘rikdan o‘tkazish va birinchi yordam ko‘rsatish uchun joy. Bunda, birinchi tez tibbiy yordam ko‘rsatish uchun qulay bo‘lgan maxsus tibbiyot mebellar to‘plami bo‘lishi lozim;

tibbiy asbob-uskunalar, dori-darmonlar va tibbiy materiallarni saqlash uchun mebellar;

dorilar va tibbiy preparatlarni saqlash uchun muzlatgich;

tana haroratini o‘lchash uchun vositalar;

har xil tibbiy materiallar va asbob-anjomlarni saqlash uchun mebel jihozlari.

2-§ **“Kelajak” markazlarini moddiy-texnik jihozlash talablari**

28. “Kelajak” markazlarining hududini jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim:

hududga kirish qismida bayroq ko‘tarish moslamasining mavjud bo‘lishi (“flag-stock”);

hududga kirish qismidagi darvozaning ikki tomoniga “Kelajak” markazining nomi yozilgan peshlavha o‘rnatilishi (chap tomonida davlat tilida va o‘ng tomonida ta’lim turi boshqa tilda olib boriladigan bo‘lsa, tegishli tilda yoziladi);

alohida ta’lim ehtiyojlari bo‘lgan o‘quvchilarning (tashrif buyuruvchilarning) to‘siqsiz harakatlanishi uchun zarur sharoitlar yaratilishi, shu jumladan binolarga kirish va chiqish uchun pandus va tutqichlarning o‘rnatilishi;

xavfsizlikni ta’minlash maqsadida mustahkam va baland devor yoki panjaralar bilan o‘ralgan bo‘lishi;

darvozalar ochilib-yopilishi qulay bo‘lishi hamda qulflanadigan va elektron nazorat qilinuvchi moslamalar o‘rnatilishi;

hududning turli joylarida mustahkam va xavfsiz o‘rindiqlar o‘rnatilgan bo‘lishi;

“Kelajak” markazining o‘quv binolariga yaqin joylarda velosipedlar uchun maxsus joy (turargoh) tashkil etilishi hamda velosipedlar uchun maxsus joy (turargoh) zarur inventarlar bilan jihozlangan bo‘lishi;

hududda to‘g‘ri harakatlanish uchun maxsus kontrast rangdagi belgilar, strelkalar va ko‘rsatkichlar (navigatsiya tizimi) o‘rnatilgan bo‘lishi;

elektr tejamkor tungi yoritish chiroqlari bilan ta’minlanishi;

ichki va tashqi hududlarini obodonlashtirish uchun xo‘jalik mollari hamda elektrotexnika asbob-uskunalar bilan ta’minlanishi;

QMMB: 10/26/3765/0089-son
30.01.2026-y.

hojatxonalar sanitariya-gigiyena talablari asosida gigiyena vositalari bilan ta’minlanishi. Bunda, alohida ta’lim ehtiyojlari bo‘lgan o‘quvchilar (tashrif buyuruvchilar) uchun maxsus jihozlar bilan to‘liq jihozlangan alohida kabinaga ega bo‘lishi lozim;

chiqindilarni to‘plash uchun hududda ranglar bilan ajratilgan maxsus qutilar (urnalar) bilan jihozlanishi.

29. “Kelajak” markazlari bino va inshootlarining foye va yo‘laklarini jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim:

foyega kirish qismi devoriga O‘zbekiston Respublikasining davlat ramzlari (bayroq, gerb, madhiya) aks ettirilgan stendlar o‘rnatilishi;

stendlar o‘quvchilarga ko‘rinadigan qulay balandlikda joylashtirilishi (ko‘rgazmalar davlat tilida, shuningdek ta’lim turi boshqa tilda olib boriladigan hollarda qo‘shimcha tarzda mazkur tilda yozish tavsiya etiladi);

yo‘laklar, devorlar va zinapoyalardan o‘rgatish hududi sifatida foydalanish maqsadida dars mashg‘ulotlariga oid chizma, shakl, infografika va stendlarning mavjud bo‘lishi (chizma, shakl, infografika va stendlar binoda tahsil oluvchi o‘quvchilarning sinfidan kelib chiqib, boshlang‘ich yoki yuqori sinf o‘quvchilari uchun moslashtirilgan bo‘lishi tavsiya etiladi);

foyening hajmidan kelib chiqqan holda tashrif buyuruvchilar uchun kutish joylari tashkil etilishi (mazkur joylar qulay o‘rindiqlar, axborot stendlari, suv dispanserlari, kitob va jurnallar uchun javonlar, yashil burchaklar, Wi-Fi hududlar, zaryadlovchi stansiyalar hamda bolalar uchun kichik o‘yingohlar burchagi bilan ta’minlash tavsiya etiladi);

bino yo‘laklarining keng va harakatlanishga xalaqit bermaydigan qismlarida o‘quvchilar uchun qulay, ergonomik o‘rindiqlar hamda yuqori sinf o‘quvchilariga shaxsiy buyumlarni saqlash uchun javonlar o‘rnatilishi (yuqori sinf o‘quvchilariga shaxsiy buyumlarni saqlash uchun javonlar sinf xonalarida o‘rnatilishi mumkin). Bunda, boshlang‘ich ta’lim sinf o‘quvchilari uchun shaxsiy javonlar sinf xonalarida joylashtiriladi.

30. “Kelajak” markazlarining xonalari va ustaxonalarini jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim:

“Kelajak” markazlari joylashgan binolarning barcha qismlari sanitariya-gigiyena, mehnatni muhofaza qilish va yong‘in xavfsizligi talablariga muvofiq jihozlanishi;

asbob-uskunalar va jihozlar bolalarning yoshi, guruhi hamda ta’lim oluvchilarning ixtisoslashuviga moslab tanlangan bo‘lishi;

amaliy fanlar, san’at, sport, axborot texnologiyalari va kasb-hunarga yo‘naltirilgan o‘quv dasturlarini amalga oshirish uchun zarur jihozlar bilan ta’minlangan bo‘lishi;

o‘quv xonalarida bolalarning ijodiy va amaliy qobiliyatlarini rivojlantirish uchun mo‘ljallangan turli asbob-anjomlar, materiallar va vositalarning bo‘lishi;

xonalar yoritish, isitish va shamollatish tizimlari bilan jihozlanishi;

ovoz yozish, tasvirga olish, multimedia va virtual reallik texnologiyalari zamonaviy vositalari bo‘lishi;

barcha jihozlar va asbob-uskunalar bolalar salomatligiga xavf tug‘dirmasligi hamda ekologik xavfsiz materiallardan tayyorlanishi.

31. “Kelajak” markazlarining xonalari va ustaxonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

multimedia vositalari;

quyosh nuridan muhofaza qiluvchi pardalar;

havoni tozalash va mo‘tadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi);

sun’iy yoritish vositalari;

o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlar joylash uchun mo‘ljallangan maxsus mebellar;

aloqa vositalari;

ovoz yozish funksiyasiga ega kuzatuv kameralari;

suv dispanseri;

hujjatlar va adabiyotlarni nusxalash, ko‘paytirish va raqamli formatga aylantirish uchun mo‘ljallangan qurilmalar;

zamonaviy kompyuter texnikalari.

32. Direktor va direktor o‘rinbosarlarining xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim.

direktor uchun qulay ish joyi va ofis mebel jihozlari to‘plami;

o‘quv va ish materiallarini saqlash uchun javon va shkaflar;

uchrashuvlar va yig‘ilishlar uchun mebel jihozlari;

zamonaviy kompyuter va chop etish qurilmalari;

ish stoli uchun kanselyariya jihozlari;

chaqiruv signali;
muzlatgich;
hujjatlarni saqlash uchun mebel jihozlari (seyf);
davlat ramzlari va “Kelajak” markazining ramziy bayrog‘i.

33. Qabulxona quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:
yumshoq va qattiq mebel jihozlar to‘plami;
zamonaviy kompyuter va chop etish qurilmalari;
sun’iy yoritish vositalari;
chaqiruv signali.

34. Shtatlar jadvalida ko‘rsatilgan mutaxassislik bo‘yicha xodimlarning xonalari (bo‘lim boshlig‘i va uslubchilar xonalari) quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:
xodimlar uchun ish joylari (ish stollari va yumshoq stullar);
zamonaviy kompyuter va chop etish qurilmalari;
suv dispanseri;
muzlatgich;
doskalar.

35. Faollar zalini jihozlashda quyidagi umumiy talablarga rioya qilinishi lozim:
faollar zalidagi o‘rindiqlar zalning umumiy quvvatiga mos hamda qulay, yumshoq yoki yarim yumshoq mebel jihozlaridan tarkib topgan bo‘lishi, shuningdek oʻrindiqli aravachadan foydalanadigan nogironligi boʻlgan shaxslar uchun bo‘sh joylar ko‘zda tutilishi. Bunda, ajratiladigan bo‘sh joylar bevosita evakuatsiya chiqishiga olib boruvchi yo‘laklariga yaqin joylashtirilishi kerak;
faollar zalining sahnasi (podium) maxsus mebel jihozlari hamda sahna pardasi va shirmaning mavjud bo‘lishi;
multimedia vositalari hamda audio va video tizimlar bilan jihozlangan bo‘lishi;
yorug‘lik tizimi bilan jihozlangan bo‘lishi, sahna va zal uchun turli yorug‘lik manbalarini boshqarish imkoniyatiga ega bo‘lgan maxsus chiroqlar mavjud bo‘lishi.

36. Tibbiyot xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

birinchi tez tibbiy yordam ko‘rsatish uchun zarur bo‘lgan dori-darmon vositalari;

dori-darmon vositalarini saqlash uchun mo‘ljallangan elektr manbaiga yaqin muzlatkich;

muzlatkich ichida saqlanadigan dori-darmon vositalari belgilangan haroratda bo‘lishi uchun nazorat termometrlari;

qo‘l yuvish uchun sanitariya burchagi. Bunda, sanitariya burchagi suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga (markazlashgan yoki avtonom) ulanishi va gigiyena vositalari bilan ta’minlangan bo‘lishi lozim;

yumshoq va qattiq mebel jihozlari;

shifokor uchun ish joyi (shifokor stoli va yumshoq stul);

multimedia va aloqa vositalari;

ovoz yozish funksiyasiga ega kuzatuv kamerasi;

xonani quyosh nuridan muhofaza qiluvchi pardalar;

havoni tozalash va mo‘tadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi).

37. Ko‘rgazmalar zali yoki xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

ko‘rgazmali vositalar va devor uchun stendlar;

turli vitrinali mebel jihozlari;

maket va eksponatlarni qo‘yish uchun maxsus o‘rnatmalar;

turli xil o‘lchamdagi podiumlar.

38. “Madaniyat va san’at” yo‘nalishida “Milliy raqs”, “Jahon raqslari” va “Folklor” to‘garak xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

raqs xonasidagi devorning bir tomonini qoplagan ko‘zgu;

raqs yo‘nalishlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

kiyimlar saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (kiyim javonlari va shkaflari). Bunda, raqs mashg‘ulotlarini bajarishda noqulaylik tug‘dirmasligi uchun xonada ortiqcha jihoz bo‘lmasligi talab etiladi;

pianino, karnay va ovoz kuchaytirgichlar.

39. “Madaniyat va san’at” yo‘nalishida “Yosh doirachilar”, “Yosh baxshilar”, “Estrada vokal”, “Fortepiano ijrochisi”, “O‘zbek milliy va jahon musiqa asboblarini chalish” to‘garak xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (stollar va stullar);

doskalar;

zamonaviy kompyuter va chop etish qurilmalari;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

cholg‘u asboblari, o‘quv qurollar, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (shkaflar, javonlar va stellajlar);

musiqiy asboblar (pianino, doira, do‘mbira, gitara va boshqa cholg‘u asboblari);

mediaklaviaturalar;

ovoz kuchaytirgich vositalari va mikrofon shtativlari;

qo‘shimcha ovoz yozish studiyasi va ovoz yozish studiyasi uchun maxsus jihozlar.

40. “Madaniyat va san’at” yo‘nalishida “Tasviriy san’at” va “Liboslar dizayni” to‘garak xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (stollar va stullar);

doskalar;

zamonaviy kompyuter va chop etish qurilmalari;

yo‘nalishlar bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlar saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (shkaflar, javonlar va stellajlar);

rassomlar dastgohi (molbert);

podiumlar;

bo‘yoq uchun metall taburetkalar;

tayyor mahsulotlarni quritish uchun javon va shkaflar;

tayyor mahsulotlarni saqlash uchun temirli stellajlar;

tumbali tikuv mashinasi, dazmollar va dazmollash stollari;

bichuv stollari va kostyumlar uchun stellaj-ilgaklar va turli manekenlar.

41. “Madaniyat va san’at” yo‘nalishida “Yosh qalamkash” va “Rejissyorlik, jurnalistika va notiqlik” to‘garak xonalarini jihozlashga qo‘yiladigan talablar:

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (stollar va stullar);

doskalar;

zamonaviy kompyuter va chop etish qurilmalari;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

tejamkor yoritish chiroqlari;

ovoz kuchaytirgichlar va kolonkalar;

notiqlar uchun maxsus mebel jihozlar (minbar va prezidium);

foto, audio va video apparaturalari (videokameralar uchun akkumulyator, mikrofon, kamera uchun projektor, raqamli videokamera, kamera uchun shtativ, fotoapparat uchun yoritgich, foto-chiroq, raqamli fotoapparat va boshqalar).

42. “Madaniyat va san’at” yo‘nalishida “Teatr olamiga sayohat” va “Qo‘g‘irchoq teatri” to‘garak xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

sahna uchun maxsus mebel jihozlar (minbar va prezidium);

zal o‘lchamidan kelib chiqqan holda o‘rindiqlar;

pardoz uchun stollar va stullar;

ovoz kuchaytirgichlar, mikrofon shtativ va kolonka;

zamonaviy kompyuter texnikalari va chop etish qurilmalari;

sahna dekoratsiyalari va turli xil maketlar;

sahna chiroqlari;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

sahna liboslarini saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (kiyim javonlari va shkaflar).

43. “Texnika, konstruktorlik va modellashtirish” yo‘nalishida “Konstruksiya (Lego)”, “Radiotexnika, elektronika va aloqa”, “Robototexnika va konstruktorlik”, “Robototexnika, Lego Mindstorms”, “Kubik-rubik” “Yosh dasturchi (Scratch, Python)”, “Yosh dasturchi (Java, Unity, 3D modellash)”, “Yosh dasturchi (Frontend-Backend)”, “Yosh dasturchi (C++, C#)”, “Yosh kino-video havaskor”, “Kompyuter muhandisi”, “Kompyuter dizayni va grafikasi”, “Kompyuter laboratoriyasi”, “Yosh fotohavaskor” va “Kibersport” to‘garak xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (stollar va stullar);

doskalar;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

zamonaviy kompyuter texnikalari va chop etish qurilmalari;

QMMB: 10/26/3765/0089-son
30.01.2026-y.

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar);

robototexnika va dasturlash ko‘nikmalarini rivojlantirish uchun lego robotlar;

elektronika va dasturlash asoslarini o‘rganish uchun arduinolar;

o‘quv jarayonida qo‘llaniladigan maxsus dasturiy ta’minotlar va qattiq diskdagi turli dasturlar;

ma’lumotlarni almashish va saqlash vositalari (qattiq disk va boshqalar);

to‘garak turlari bo‘yicha turli ehtiyot qismlari to‘plamlari;

asbob-uskunalar to‘plami (otvyortka, ombir va boshqalar);

chizmachilik asboblari;

elektr taqsimlash moslamasi;

elektr hodisalarini kuzatish asboblari (ossillograf, raqamli tester);

elektr asbob-anjomlari to‘plami (elektr tokini me’yorlashtiruvchi blok, elektrparmalagich va kavsharlagich).

44. “Texnika, konstruktorlik va modellashtirish” yo‘nalishida “Avtomodel”, “Aviamodel”, “Kemasozlik”, “Raketa-model” va “Yosh arxitektor” to‘garak xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (stollar va stullar);

doskalar;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlar saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar);

to‘garak turlari bo‘yicha turli ehtiyot qismlari to‘plamlari;

asbob-uskunalar to‘plami (otvyortka, ombir va boshqalar);

chizmachilik asboblari;

elektr hodisalarini kuzatish asboblari (ossillograf, raqamli tester);

elektr asbob-anjomlari to‘plami (elektr tokini me’yorlashtiruvchi blok, elektrparmalagich va kavsharlagich).

45. “Jismoniy tarbiya va sport” yo‘nalishida “Shaxmat va shashka” to‘garak xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

mashg‘ulot jarayoni uchun to‘garakning har ikki a’zolariga mo‘ljallangan shaxmat va shashka doskalari hamda toshlari, taymerlar;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (o‘quvchi uchun stol va stullar);

doskalar;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

zamonaviy kompyuter texnikasi;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

46. “Jismoniy tarbiya va sport” yo‘nalishida “Boks” to‘garak xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

boks maydoni;

boks qo‘lqopi;

boks shlemi;

turli o‘lchamdagi boks qoplari;

polga to‘shama (mat, sakrog‘ich, kanat);

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

asbob-anjomlar, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar);

havoni tozalash va mo‘tadillash agregatlari (konditsioner yoki ventilyatsiya tizimi).

47. “Jismoniy tarbiya va sport” yo‘nalishida gimnastika mashg‘ulotlarini o‘tish uchun keng va yorug‘ bo‘lgan “Gimnastika” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

musiqa markazi, maxsus gilamchalar, ko‘zgu, pardoz stoli, shirma, bulava, obruch, arqon va gimnastika koptoklari;

to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

48. “Jismoniy tarbiya va sport” yo‘nalishida “Stol tennisi” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

stol tennisi uchun maxsus stol;

stol tennisi raketkasi;

stol tennisi to‘pchalari (tablo);

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

49. “Jismoniy tarbiya va sport” yo‘nalishida “Karate, Taekvondo” va “Milliy kurash” to‘garaklari xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

tatami (puzzle);

boks va devor qoplari;

katta va kichik lapa;

gantel va lapa uchun stend;

kanat va futa protektor;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlar (temir stellajlar, javon va shkaflar).

50. “Jismoniy tarbiya va sport” yo‘nalishida “Voleybol”, “Mini futbol” va “Badminton” to‘garaklari xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

voleybol setkasi va to‘plari;

badminton o‘yin jihozlari (volan, raketka);

futbol darvozasi va to‘plari;

kamida ikki xil rangda voleybol va futbol formalari;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

asbob-anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

51. “Hunarmandchilik va qo‘l mehnati” yo‘nalishida “Kulolchilik”, “Yog‘och o‘ymakorligi”, “Duradgorlik” va “Mayda plastika” to‘garaklari xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stollari va stullari);

doskalar;

to‘garaklar turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

QMMB: 10/26/3765/0089-son
30.01.2026-y.

to‘garak a’zolari uchun kulolchilik charxi mavjud bo‘lgan kulolchilik va haykaltaroshlik dastgohlari;

asbob-uskunalar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash va quritish uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlar (temir stellajlar, javon va shkaflar);

kulolchilik mahsulotlarini tayyorlashga moslashtirilgan zamonaviy 3D printer;

kulolchilik asboblari;

mayda plastik anjomlar to‘plami;

turli o‘lchamdagi idishlar;

kulolchilikda foydalanish zarur bo‘lgan asbob-anjomlar to‘plami.

52. “Hunarmandchilik va qo‘l mehnati” yo‘nalishida “Bichish-tikish”, “To‘qish”, “Munchoqli bezak”, “Yumshoq o‘yinchoqlar”, “Gilamdo‘zlik”, “Do‘ppido‘zlik”, “Zardo‘zlik”, “Zargarlik” va “Kashtachilik” to‘garaklari xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stollari va stullar);

doskalar;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

to‘garak a’zolari uchun bichuv stoliga ega tikuv mashinalari;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlar (temir stellajlar, javon va shkaflar);

gilamdo‘zlik anjomlari;

zardo‘zlik va kashtachilik anjomlari;

to‘qish anjomlari;

zargarlik anjomlari;

dazmollar va dazmollash stollari;

kostyumlar uchun stellaj-ilgaklar;

turli manekenlar va ko‘zgu;

munchoqli bezak, yumshoq o‘yinchoqlar, do‘ppido‘zlik, gilamdo‘zlikda foydalanish zarur bo‘lgan asbob-anjomlar to‘plamlari.

53. “Hunarmandchilik va qo‘l mehnati” yo‘nalishida “Yosh pazanda” va “Yosh qandolatchi” to‘garaklari xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

elektr plita;

mikroto‘lqinli pech;

sig‘imi kamida 5 kg bo‘lgan xamir qorgich uskunasi;

oshxona anjomlari;

go‘sht qiymalagich;

tindirmali yuvish moslamasi;

muzlatgich;

qandolatchilik uskunalari;

xamir yoyish uchun mo‘ljallangan stol;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

doskalar;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

asbob-anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

54. “Hunarmandchilik va qo‘l mehnati” yo‘nalishida “Sartaroshlik” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

tindirmali yuvish moslamalari (qaychilar);

birinchi tez tibbiy yordam anjomlari;

soch quritish moslamalari (fenlar);

vertikal va gorizantal harakatlanadigan sartaroshlik kreslolari;

ko‘zgular;

sartarosh ish stollari;

soch olish mashinkalari;

soch olish mashinkasi uchun turli kattalikdagi tagliklar;

to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

asbob-anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

55. “Hunarmandchilik va qo‘l mehnati” yo‘nalishida “Charm buyumlar tikish” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

tayyor mahsulotlarni saqlash uchun temir stellajlar;

tindirmali yuvish moslamalari;

bichish ish stoli va stullari;

teri tikish uchun sanoat tikuv mashinasi;

rolikli va sirkulli bichish pichoqlari;

kichik pichoqlar;

turli uzunlikdagi lineykalar va turli diametrdagi bigizlar;

lekalo va turli qaychilar;

turli diametrdagi ignalar va bolg‘achalar;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

doskalar;

to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

asbob-anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

56. “Hunarmandchilik va qo‘l mehnati” yo‘nalishida “Mashina ustasi (Mexanik)”, “Elektr payvandlovchi” va “Santexnik” to‘garaklari xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

charxlash dastgohlari;

turli o‘lchamdagi metall chizg‘ichlar;

slesar iskanasi va kichik bolg‘alar;

payvandlovchi maxsus kiyimlar, qo‘lqoplar, himoya ko‘zoynaklari, etiklar va himoya niqoblari (shtoklar);

metall uchun egovlar va metallni qirqish uchun qaychilar;

turli xil sirkullar, shu jumladan shtangen sirkul;

elektr parmalagich (drel) va elektr metall keskich (bolgarka);

turli xil o‘lchamdagi ombirlar;

ish stollari va stullari;

payvandlash apparatlari va tindirmali yuvish moslamalari;

yong‘in o‘chirish vositalari;

xonani shamollatish uchun ventilyatsion tizim;

plastik trubalarni kesish uchun qaychi;

xalatlar, qalpoqlar, qo‘lqoplar va himoya ko‘zoynaklari;

germetik yelim pistoletlari;

plastik trubalarni montaj qilish uchun elektr dazmol;

perforator va universal otvyortka;

elektr bilan ishlash asboblari;

o‘lchash va nazorat vositalari va gaz kaliti;

kavsharlash uskunasi hamda trubalarga rezba ochish uchun lerkalar;

domkrat va mashinani ko‘taruvchi gidravlik uskuna;

avtomobil qismlari aks ettirilgan barelyef kesimli plakatlar;

havo kompressori;

qismlarni yig‘ishga mo‘ljallangan himoya to‘siqli temir ish stoli;

karcher uskunasi;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

57. “Turizm va ekologiya” yo‘nalishida “Yosh o‘lkashunos va sayyoh”, “Yosh ekskursovod” va “Yosh ekolog va tabiatshunos” to‘garaklari xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

chodir va sayyohlik ryukzagi;

yotoq ko‘rpasi va suv idishi;

sayyoh-alpenistlarning anjomlari;

chelak, sayyohlar kotelogi, termos, termometr, sekundomer, pedometr va sayyohlar uchun bosh fonar;

sayyohlik (kemping) mebeli (stol va stullar);

sayyohlik ovqatlanish idishlari;

gulxan aksessuari va ko‘p qirrali pichoq;

sayyohlik velosipedi va oyoq kiyimi;

muzlatgich va mehnat qurollari;

narvon va bog‘dorchilik qaychilari;

qushlar uchun qafaslar va qush qafasi uchun stellajlar;

mikroskop va lupa;

qushlarning ichki tuzilishi (barelyef modeli);

to‘garak xonasining devorlariga sayyohlik va o‘lkashunoslik, tabiatga oid fotosuratlar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

58. “Turizm va ekologiya” yo‘nalishida “Oila hamshirasi” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

odam skeleti va birinchi tez tibbiy yordam anjomlari;

mikroskop va inson tanasining mulyaji;

tonometr, sterilizator va termometr;

bir martalik shpritslar va osma ukol shpritslari;

maxsus reaktorli chiqindi idishlar;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

kushetka va fonendoskop;

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stollari va stullar to‘plami

doskalar;

to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

asbob-anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

59. “Turizm va ekologiya” yo‘nalishida “Floristika va fauna” va “Karving” to‘garak xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

turli o‘lchamdagi gul tuvaklari;

o‘simliklardan yasalgan gerbariylar;

quritilgan gullar aksessuarlari;

guldastalar tayyorlash uchun to‘plam;

hayvon va qushlar shakllarini yasash uchun to‘plam;

turli gullar va aksessuarlar tayyorlash uchun sovun, izalon va turli xom ashyolar;

erituvchi moslamalar;

pichoq charxi, karving, maxsus pichoqlari, qovoq tozalash qoshig‘i, ishlov berish taxtasi, likopchalar va muzlatgichlar;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stollari va stullar to‘plam);

doskalar;

to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

60. “Turizm va ekologiya” yo‘nalishida “Landshaft dizayn” va “Ekodizayn va interyer” to‘garak xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

himoya vositalari (ko‘zoynak, qo‘lqop, rezina etik va maxsus kiyim);

maysa o‘rgich apparat;

bog‘dorchilik qaychilari;

qo‘l arra, bolta, grablya (barona), ketmon, belkurak va chelak;

turli diametrdagi shlanglar;

elektr uzatuvchi kabel;

turli o‘lchamlardagi bo‘yoq cho‘tkasi;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stollari va stullari);

doskalar;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

asbob-anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

61. “Turizm va ekologiya” yo‘nalishida “Asalarichilik” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

yuz-niqob, tutatqich;

cho‘tka, asal ajratkich;

tarozi, banka-oxur, ish yashigi;

ramka yashigi, suv idishi;

arilarni ushlash moslamasi va gulchang ushlash moslamasi;

asalari uya ramkasi;

asal suzgich, shpatel va mumparda taxtachasi.

62. “Turizm va ekologiya” yo‘nalishida “Issiqxonachilik” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

issiqxona havosi tarkibidagi CO^2 gazi miqdorini tekshiruvchi moslama;

havo namligini o‘lchash vositasi;

havo namligini to‘g‘rilash uchun shamollatkichlar;

zararkunandalar va kasalliklarga qarshi kurashish anjomlari va qurilmalari;

zararkunandalar, begona o‘tlar va kasalliklarga qarshi kurashish uchun kimyoviy eritmalar;

tomchilatib va yomg‘irlatib sug‘orish qurilmalari;

dezinfeksiya vositalari;

issiqxona o‘simlik ko‘chatlarini yetishtirish uchun urug‘lar;

tuproq tarkibini aniqlovchi asbob;

mehnat qurollari.

63. “Oliy ta’lim muassasalari va maktabga tayyorlov” yo‘nalishida “Biologiya” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

xona devorlariga osilgan fanga oid ko‘rgazmali qurollar;

turli hayvonlarning maketlari;

mikroskoplar, botanika va zoologiyaga oid kolleksiyalar;

odam nafas olish tizimining tuzilishi (barelyef modeli);

odam eshitish a’zosining tuzilishi (barelyef modeli);

yurakning tuzilishi (barelyef modeli);

terining tuzilishi (barelyef modeli);
ko‘rish a’zosining tuzilishi (barelyef modeli);
odam ovqat hazm qilish traktining tuzilishi (barelyef modeli);
qurbaqaning ichki tuzilishi (barelyef modeli);
kimyoviy idishlarni quritish taxtasi;
qishloq xo‘jaligi ekinlari zararkunandalari kolleksiyasi;
mineral o‘g‘itlar kolleksiyasi;
to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);
to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stollar va stullar);
doskalar;
to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;
asbob-anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

64. “Oliy ta’lim muassasalari va maktabga tayyorlov” yo‘nalishida “Fizika” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:
Arximed chelagi;
laboratoriya elektron tarozisi;
kalorimetr (jismlar to‘plami bilan);
laboratoriya induktivlik g‘altagi;
ko‘rgazmali Tomson g‘altagi;
bir qutbli va ikki qutbli pereklyuchatellar to‘plami;
ulash simlari to‘plami;
o‘zgaruvchan sig‘imli kondensator;
turli quvvatli cho‘g‘lanma lampalar;
tajriba (ko‘rgazmali) masshtab chizg‘ichi;
taglikka o‘rnatilgan magnit strelka;
to‘g‘ri magnitlar (bir juft);
taqasimon magnitlar (bir juft);
elektrostatik mayatnik;
laboratoriya mikroskopi;
shisha tayoqcha;
ebonit tayoqcha;
izolyatsiyalangan dastakli plastinkalar;
fizika kabineti uchun elektr jihozlar to‘plami;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joyi (maxsus ish stoli va stullar);

doskalar;

to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

65. “Oliy ta’lim muassasalari va maktabga tayyorlov” yo‘nalishida “Kimyo” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

elektr jihozlar to‘plami;

avtomat mikropipetka;

areometrlar (silindri bilan);

elektron laboratoriya tarozisi;

distillyator (suvni haydash moslamasi);

elektr kolba isitgich;

kimyoviy moddalar (reaktivlar) to‘plami;

laboratoriya ishlari uchun shisha idishlar va jihozlar to‘plami;

kristall panjara modellari to‘plami;

o‘qituvchining tajriba-namoyishlari uchun jihozlar to‘plami;

o‘quvchilarning laboratoriya ishlari uchun kimyoviy laboratoriya idishlari to‘plami;

universal shtativ (kimyo laboratoriya xonasi uchun);

raqamli o‘quv termometri;

kimyoviy idishlarni quritish taxtasi;

kimyoviy elementlarning davriy sistemasi (infraqizil nurli va pult orqali masofadan boshqariladigan elektron jadval);

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stollari va stullar to‘plami);

doskalar;

to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

66. “Oliy ta’lim muassasalari va maktabga tayyorlov” yo‘nalishida “Matematika” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

kalkulyator, sanoq cho‘plar va xona devori uchun fanga oid ko‘rgazmali vositalar;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joyi (maxsus ish stoli va stullar to‘plam);

doskalar;

to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

asbob-anjomlar, o‘quv qurollar, hujjatlar va kiyimlar saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

67. “Oliy ta’lim muassasalari va maktabga tayyorlov” yo‘nalishida “Mental arifmetika” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

mental arifmetika uchun maxsus abakus hisoblagich;

mental arifmetika uchun maxsus polabakus;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stollari va stullar);

doskalar;

to‘garak bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

68. “Oliy ta’lim muassasalari va maktabga tayyorlov” yo‘nalishida “Ona tili va adabiyot” to‘garagi xonasi quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

o‘zbek va jahon adabiyotidan plakatlar;

ona tilidan harflar jamlanmasi (alifbo, afisha);

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stoli va stullar);

doskalar;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

69. “Oliy ta’lim muassasalari va maktabga tayyorlov” yo‘nalishida “Tarix” va “Davlat va huquq asoslari” to‘garaklari xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

tarix faniga oid plakatlar to‘plami;

davlat ramzlari tushirilgan plakatlar (bayroq, gerb, madhiya);

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining moddalari tushirilgan plakatlar;

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stollari va stullar);

doskalar;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari (temir stellajlar, javon va shkaflar).

70. “Xorijiy tillar” yo‘nalishida “Rus tili” va “Ingliz tili” to‘garaklari xonalari quyidagilar bilan ta’minlanishi lozim:

to‘garak rahbari uchun ish joyi (ish stoli va yarim yumshoq o‘rindiqlar);

to‘garak a’zolari uchun ish joylari (maxsus ish stollari va stullar);

doskalari;

to‘garak turlari bo‘yicha ko‘rgazmali vositalar;

suv dispanseri;

anjomlar, o‘quv qurollari, hujjatlar va kiyimlarni saqlash uchun mo‘ljallangan maxsus mebel jihozlari(temir stellajlar, javon va shkaflar).

Yakuniy qoida

71. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

4 (1232)-son
87-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1525-3
2026 - yil 30 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKAS VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI O‘ZBEKISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA
SOLISH AGENTLIGINING
QARORI

“Oziq-ovqat mahsulotlariga, ularni ishlab chiqarish vositalariga va xalq isteʼmoli mollariga sanitariya-epidemiologik xulosa berish tartibi toʻgʻrisida yoʻriqnomani tasdiqlash haqida”gi qaror, shuningdek unga oʻzgartirish va qoʻshimchalarni oʻz kuchini yoʻqotgan deb topish toʻgʻrisida

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 13-noyabrdagi 720-son “Oziq-ovqat va qishloq xoʻjaligi mahsulotlariga sanitariya-epidemiologik xulosa berish boʻyicha davlat xizmatini koʻrsatishning maʼmuriy reglamentini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi qaroriga muvofiq Oʻzbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oʻzbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi qaror qiladi:

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilsin.

2. Mazkur qaror Oʻzbekiston Respublikasi Qishloq xoʻjaligi vazirligi, Suv xoʻjaligi vazirligi, Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qoʻmitasi, Davlat aktivlarini boshqarish agentligi va Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 28-yanvar
01-son

XUDAYAROV ASILBEK
ANVAROVICH

Direktor
2026-yil 26-yanvar
01-13-282-son

JUMANAZAROV AKMAL RUZIKULOVICH

Kelishildi:

Direktor
2025-yil 29-dekabr

ORTIKOV AKMALXON JURAXONOVICH

Rais
2025-yil 26-dekabr

TURAXUJAYEV HALILILLO SOBIRJONOVICH

Vazir
2025-yil 26-dekabr

ABDURAXMONOV IBROXIM YULCHIYEVICH

Rais
2025-yil 26-dekabr

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Vazir
2025-yil 25-dekabr

XAMRAYEV SHAVKAT RAXIMOVICH

QMMB: 10/26/1525-3/0090-son
31.01.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligining 2026-yil 28-yanvardagi 01-son va Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oʻzbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligining 2026-yil 26-yanvardagi 01-13-282-son qaroriga

ILOVA

Oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO'YXATI

1. Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi va Oʻzbekiston davlat standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligining 2005-yil 30-sentabrdagi 01-1/54, 1-son “Oziq-ovqat mahsulotlariga, ularni ishlab chiqarish vositalariga va xalq isteʼmoli mollariga sanitariya-epidemiologik xulosa berish tartibi toʻgʻrisida yoʻriqnomani tasdiqlash haqida”gi qarori (roʻyxat raqami 1525, 2005-yil 28-noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2005-y., 47-48-son, 360-modda).

2. Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi va Oʻzbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligining 2017-yil 7-dekabrdagi 126, K-8-son “Oziq-ovqat mahsulotlariga, ularni ishlab chiqarish vositalariga va xalq isteʼmoli mollariga gigiyenik sertifikati berish tartibi toʻgʻrisida yoʻriqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida”gi qarori (roʻyxat raqami 1525-1, 2018-yil 15-yanvar) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 15.01.2018-y., 10/18/1525-1/0566-son).

3. Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi va Oʻzbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligining 2018-yil 22-oktabrdagi 49, 323-son “Oziq-ovqat mahsulotlariga, ularni ishlab chiqarish vositalariga va xalq isteʼmoli mollariga sanitariya-epidemiologik xulosa berish tartibi toʻgʻrisida yoʻriqnomaga oʻzgartirishlar va qoʻshimcha kiritish toʻgʻrisida”gi qarori (roʻyxat raqami 1525-2, 2018-yil 8-noyabr) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 09.11.2018-y., 10/18/1525-2/2171-son).

QMMB: 10/26/1652-4/0091-son
31.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1652-4
2026 - yil 30 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI,
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGINING
QARORI

“O‘zbekiston Respublikasida avtomototransport vositalari haydovchilarini tayyorlash va qayta tayyorlash bilan shug‘ullanuvchi ta’lim muassasalarini bitirgan haydovchilikka nomzodlarga beriladigan yagona namunadagi guvohnomani berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 15-oktabrdagi 642-son “Vazirlar Mahkamasining “Avtomototransport vositalari va shahar elektr transporti vositalari haydovchilarini tayyorlash hamda qayta tayyorlash bo‘yicha nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish faoliyatini litsenziyalash tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2018-yil 31-maydagi 408-son qaroriga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi va Ichki ishlar vazirligi qaror qiladi:

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 26-yanvar
20-son

MAXKAMOV ILXOM
RUSTAMOVICH

Vazir
2026-yil 21-yanvar
3-son

TASHPULATOV AZIZ
ANVAROVICH

Vazir
2026-yil 17-yanvar
5-q/q-son

SHARIPOV KONGRATBAY
AVEZIMBETOVICH

QMMB: 10/26/1652-4/0091-son
31.01.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligining 2026-yil 26-yanvardagi 20-son, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2026-yil 17-yanvardagi 5-q/q-son va Ichki ishlar vazirligining 2026-yil 21-yanvardagi 3-son qaroriga ILOVA

O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar
RO‘YXATI

1. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining O‘rta maxsus, kasb-hunar ta’lim markazi va Ichki ishlar vazirligining 2006-yil 27-dekabrdagi 6, 48/QB, 11-son “O‘zbekiston Respublikasida avtomototransport vositalari haydovchilarini tayyorlash va qayta tayyorlash bilan shug‘ullanuvchi ta’lim muassasalarini bitirgan haydovchilikka nomzodlarga beriladigan yagona namunadagi guvohnomani berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1652, 2007-yil 9-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasiqonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 1-2-son, 18-modda).

2. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining O‘rta maxsus, kasb-hunar ta’lim markazi va Ichki ishlar vazirligining 2012-yil 23-iyuldagi 3, 42/qq va 25-son “O‘zbekiston Respublikasidaavtomototransport vositalari haydovchilarini tayyorlash va qayta tayyorlash bilan shug‘ullanuvchi o‘quv yurtlarini bitirgan haydovchilikka nomzodlarga beriladigan yagona namunadagi guvohnomani berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1652-1, 2012-yil 10-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 32-son, 386-modda).

3. O‘zbekiston avtomobil transporti agentligi, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining Kasb-hunar ta’lim markazi va Ichki ishlar vazirligining 2018-yil 15-avgustdagi 70, 8/QQ, 56-son “O‘zbekiston Respublikasida avtomototransport vositalari haydovchilarini tayyorlash va qayta tayyorlash bilan shug‘ullanuvchi ta’lim muassasalarini bitirgan haydovchilikka nomzodlarga beriladigan yagona namunadagi guvohnomani berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1652-2, 2018-yil 7-sentabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 08.09.2018-y., 10/18/1652-2/1853-son).

4. O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi va Ichki ishlar vazirligining 2020-yil 25-martdagi 4, 9-2020 va 21-son “O‘zbekiston Respublikasida avtomototransport vositalari haydovchilarini tayyorlash va qayta tayyorlash bilan shug‘ullanuvchi ta’lim muassasalarini bitirgan haydovchilikka nomzodlarga beriladigan yagona namunadagi guvohnomani berish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1652-3, 2020-yil 2-may) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 02.05.2020-y., 10/20/1652-3/0531-son).

QMMB: 10/26/3015-3/0092-son
31.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3015-3
2026 - yil 30 - Yanvar

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUGʻI

“Maxsus axborot portali operatorining davlat xaridlarini tashkil etish hamda oʻtkazish borasidagi faoliyati toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga oʻzgartirish va qoʻshimchalarni oʻz kuchini yoʻqotgan deb topish toʻgʻrisida

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 30-iyuldagi 476-son “Davlat xaridlarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishni kengaytirish hamda davlat xaridlari elektron tizimi operatorlari faoliyatini yanada takomillashtirish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 22-yanvar
323-son

KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot
va moliya vazirining 2026-yil 22-yanvardagi
323-son buyrugʻiga ILOVA

Oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ROʻYXATI

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Loyiha boshqaruvi milliy agentligi direktorining 2018-yil 15-maydagi 186-son “Maxsus axborot portali operatorining davlat xaridlarini tashkil etish hamda oʻtkazish borasidagi faoliyati toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 3015, 2018-yil 21-may) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 22.05.2018-y., 10/18/3015/1248-son).

2. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2019-yil 11-martdagi 37-son “Maxsus axborot portali operatorining davlat xaridlarini tashkil etish hamda oʻtkazish borasidagi faoliyati toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 3015-1, 2019-yil 22-aprel) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 22.04.2019-y., 1019/3015-1/2982-son).

3. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2020-yil 24-fevraldagi 8-son “Maxsus axborot portali operatorining davlat xaridlarini tashkil etish hamda oʻtkazish borasidagi faoliyati toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 3015-2, 2020-yil 13-aprel) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 13.04.2020-y., 10/20/3015-2/0448-son).

4 (1232)-son
90-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3481-3
2026 - yil 30 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING

BUYRUG‘I

Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimchalar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-noyabrdagi PQ–3413-son “Ichki ishlar organlari kadrlari bilan ishlash va ularning xizmatini tashkil etish tartibini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi hamda 2025-yil 18-avgustdagi PQ–253-son “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim qarorlariga mahallalarda jinoyatchilikning barvaqt oldini olish tizimi natijadorligini yanada oshirishga qaratilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman**:

1. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2023-yil 2-noyabrdagi 601-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3481, 2023-yil 6-dekabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.12.2023-y., 10/23/3481/0923-son) bilan tasdiqlangan Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 28-yanvar
33-son

TASHPULATOV AZIZ
ANVAROVICH

O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining
2026-yil 28-yanvardagi 33-son buyrug‘iga
ILOVA

Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga kiritilayotgan qo‘shimchalar

1. 3-bandning “d” kichik bandi beshinchi xatboshisi “nomzodlar” degan so‘zdan keyin “(shu jumladan, “Bir million dasturchi” loyihasi doirasida dasturni muvaffaqiyatli tamomlagan va bitiruvchi sertifikatini olgan nomzodlar)” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

2. 84-band quyidagi mazmundagi ikkinchi va uchinchi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“Boshlang‘ich kasbiy tayyorgarlik kurslarini muvaffaqiyatli tamomlagan va belgilangan sertifikatga ega bo‘lgan xodimlar xizmatga qabul qilish vakolatiga ega bo‘lgan boshliqning buyrug‘i bilan tegishli lavozimga tayinlanadi.

Bunda xodimlarni tegishli lavozimga tayinlash territorial va eksterritorial tamoyillar asosida amalga oshirilishi mumkin.”.

4 (1232)-son
91-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3505-1
2026 - yil 30 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
HUZURIDAGI BOJXONA QO‘MITASINING
QARORI

Tovarning kelib chiqish mamlakati to‘g‘risidagi dastlabki qarorni qabul qilish tartibi haqidagi nizomning 3-ilovasiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma’muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasi **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 19-fevraldagi 109-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3505, 2024-yil 19-mart) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 20.03.2024-y., 10/24/3505/0231-son) bilan tasdiqlangan Tovarning kelib chiqish mamlakati to‘g‘risidagi dastlabki qarorni qabul qilish tartibi haqidagi nizomga 3-ilovaning 8-pozitsiyasidagi “Davlat bojxona qo‘mitasining” degan so‘zlar “Bojxona qo‘mitasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais

2026-yil 24-yanvar
1-son

MAVLONOV AKMALXUJA
YUSUPOVICH

QMMB: 10/26/3766/0093-son
31.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3766
2026 - yil 30 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIY MEROS AGENTLIGI DIREKTORINING BUYRUG‘I

Moddiy madaniy meros obyektlarining qo‘riqlanadigan tegra loyihasining nusxasini boshqa shaxslarga taqdim etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 30-martdagi 265-son “Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanishga oid ayrim normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Moddiy madaniy meros obyektlarining qo‘riqlanadigan tegra loyihasining nusxasini boshqa shaxslarga taqdim etish tartibi ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi, Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi hamda Madaniyat va san’atni rivojlantirish jamg‘armasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor
2026-yil 19-yanvar
1-son

ABDIKARIMOV BAXODIR
GANJIYEVICH

Kelishildi:

Vazir 2026-yil 9-yanvar		XIDOYATOV SHERZOD SAIDJANOVICH
Rais 2026-yil 8-yanvar		UMEROVA GAYANE OLEGOVNA
Direktori o'rinbosari 2026-yil 6-yanvar		MIRMAKSUDOV MIRSAID SADIKOVICH

QMMB: 10/26/3766/0093-son
31.01.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi Madaniy meros agentligi
direktorining 2026-yil 19-yanvardagi 1-son buyrugʻiga
ILOVA

Moddiy madaniy meros obyektlarining qoʻriqlanadigan tegra loyihasining nusxasini boshqa shaxslarga taqdim etish tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Mazkur Nizom moddiy madaniy meros obyektlarining qoʻriqlanadigan tegra loyihasining nusxasini boshqa shaxslarga taqdim etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qoʻllaniladi:

obyekt – moddiy madaniy meros obyektlari davlat kadastriga kiritilgan yoki tarixiy-madaniy qimmatga ega ekanligi aniqlangan bino, inshootlar, yer uchastkalari va boshqa koʻchmas mulk obyektlari;

maxsus vakolatli organ – Oʻzbekiston Respublikasi Madaniy meros agentligi va uning hududiy boshqarmalari;

qoʻriqlanadigan tegra – muhofaza tegralari, imoratlar qurish va xoʻjalik faoliyatini tartibga solish tegralari hamda qoʻriqlanadigan tabiiy landshaft tegralarini oʻz ichiga oladi;

qoʻriqlanadigan tegra loyihasi – moddiy madaniy meros obyektini muhofaza qilish maqsadida belgilangan hududlarning chegaralari, tegralarning turlari va foydalanish shartlarini belgilovchi loyiha hujjati.

2. Qoʻriqlanadigan tegra loyihasining nusxasi maxsus vakolatli organ tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarga ularning arizasiga hamda davlat organlariga ularning soʻrov xatiga asosan bepul taqdim etiladi.

2-bob. Qoʻriqlanadigan tegra loyihasining nusxasini boshqa shaxslarga taqdim etish tartibi

3. Qoʻriqlanadigan tegra loyihasining nusxasi quyidagi hollarda taqdim etiladi:

qurilish, rekonstruksiya, restavratsiya va konservatsiya ishlarini amalga oshirishda – ishchi hujjat sifatida foydalanish uchun;

buyurtmachilar tomonidan moddiy madaniy meros obyektining qo‘riqlanadigan tegra hududida qurilish, rekonstruksiya yoki boshqa shaharsozlik faoliyatini amalga oshirish rejalashtirayotgan – loyiha hujjatlarini ishlab chiqish va kelishishda foydalanish uchun;

davlat organlari tomonidan – o‘z faoliyatini amalga oshirishda foydalanish uchun.

4. Jismoniy va yuridik shaxslar hamda davlat organlari qo‘riqlanadigan tegra loyihasining nusxasini olish uchun maxsus vakolatli organga yozma yoki elektron shaklda murojaat qiladi.

Jismoniy va yuridik shaxslarning arizasida (davlat organlarining so‘rov xatida) quyidagi ma’lumotlar ko‘rsatilishi kerak:

qo‘riqlanadigan tegra loyihasining nusxasini olish maqsadi;

qo‘riqlanadigan tegra loyihasining nusxasi talab qilinayotgan obyektning nomi va joylashuvi.

5. Maxsus vakolatli organ jismoniy va yuridik shaxslarning arizasi yoki davlat organining so‘rov xati kelib tushgan kundan boshlab uch ish kuni ichida ariza yoki so‘rov xatini ushbu Nizom talablariga muvofiq ko‘rib chiqadi hamda qo‘riqlanadigan tegra loyihasining nusxasini taqdim qilish yoki asoslantirilgan holda taqdim qilishni rad etish to‘g‘risida qaror qabul qiladi.

Maxsus vakolatli organ qaror qabul qilgan kunning o‘zida jismoniy va yuridik shaxslarni yoki davlat organini ariza yoki so‘rov xatini ko‘rib chiqish natijalari haqida xabardor qiladi.

6. Qo‘riqlanadigan tegra loyihasining nusxasini taqdim etish quyidagi hollarda rad etiladi:

qo‘riqlanadigan tegra loyihasi tarkibida davlat sirlari jumlasiga kiritiladigan ma’lumotlar, shu jumladan maxfiy xaritalar, koordinatalar yoki boshqa obyekt tavsiflari mavjud bo‘lgan holda ariza beruvchining davlat sirlaridan foydalanishga doir ruxsatnomasi mavjud bo‘lmasa;

qo‘riqlanadigan tegra loyihasi nusxasini taqdim etish madaniy meros obyektining butligini xavf ostiga qo‘yishi mumkin bo‘lsa;

so‘rov xati yoki arizada qo‘riqlanadigan tegra nusxalarini olishdan maqsad aniq ko‘rsatilmagan bo‘lsa;

Boshqa asoslarga ko‘ra qo‘riqlanadigan tegra loyihasi nusxalarini taqdim etishni rad etishga yo‘l qo‘yilmaydi.

3-bob. Nusxasi taqdim etilgan qo‘riqlanadigan tegra loyihalarining hisobini yuritish tartibi

7. Qo‘riqlanadigan tegra loyihasining nusxasini taqdim etish bo‘yicha ma’lumotlar (nusxalar soni, taqdim etish sanasi va maqsadi, nusxa taqdim etilgan shaxs) ro‘yxatga olish kitobida qayd etilishi shart.

Ro‘yxatga olish kitobi muhrlangan holda maxsus vakolatli organning mas’ul xodimi tomonidan har bir yil uchun alohida yuritiladi va saqlanadi.

8. Qo‘riqlanadigan tegra loyihasi nusxasi, shuningdek, qo‘riqlanadigan tegra loyihasini berish bilan bog‘liq hujjatlar maxsus vakolatli organning arxivida doimiy (muddatsiz) saqlanadi.

4-bob. Yakuniy qoida

9. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3197-4/0099-son
02.02.2026-y.

4 (1232)-son
93-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3197-4
2026 - yil 31 - Yanvar

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МИЛЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги ва “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 мартдаги ПФ–56-сон “Чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–161-сон “Ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда вазирлик ва идораларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси **Қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги 12-сон қарори (рўйхат рақами 3197, 2019 йил 19 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.11.2019 й., 10/19/3197/4037-сон) билан тасдиқланган Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис
27-Yanvar 2026-yil
1 son

ABDUXAKIMOV AZIZ
ABDUKAXAROVICH

Kelishildi:

Rais
19-Yanvar 2026-yil

VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

Vazir
14-Yanvar 2026-yil

KUDRATXODJAYEV BOTIR
BAXROMOVICH

QMMB: 10/26/3197-4/0099-son
02.02.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг 2026 йил 27 январдаги 1-сон қарорига
ИЛОВА

Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 1-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қаттиқ маиший чиқиндилар – жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлувчи органик ва ноорганик чиқиндилар, шунингдек, уларнинг ҳудудида ва ободонлаштириш объектларидаги табиий жараёнлар натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар (озиқ-овқат ва ўсимлик чиқиндилари, тўқимачилик маҳсулотлари, ўраш-жойлаш (қадоқлаш) материаллари, шиша, резина, қоғоз, пластмасса, ёғоч чиқиндилари, ўзининг фойдаланиш хусусиятларини йўқотган уй-рўзғор буюмлари, супуринди, шунингдек, қаттиқ ёқилғида ишловчи маиший печкалар ва иситиш буғқозонларидан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар);”.

2. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Полигонлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этилади ҳамда полигонлар қурилиши учун мўлжалланган ер участкалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратилади.”.

3. 5-банддаги “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги” деган сўзлар “Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“29. Қаттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш майдони – полигоннинг чиқиндилар кўмиб ташланадиган асосий қисми ҳисобланади. У қаттиқ маиший

чиқиндиларни қабул қилишнинг йиллик ҳажмидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашининг Қарорига асосан полигон майдонининг 85 – 95 фоиз қисмида жойлаштирилади.”.

5. Қуйидаги мазмундаги 50^1-банд билан тўлдирилсин:

“50^1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 мартдаги ПФ–56-сон “Чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ полигонлар ҳудудида “ноль чиқинди” тамойили асосида маиший чиқиндиларни шаҳарлардан олиб чиқиш ва қайта ишлаш, улардан экологик тоза энергия ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган зоналар ташкил этилиши мумкин.”.

6. 51-банддаги “канализация” деган сўз “оқова сувларни чиқариб юбориш тизими” деган сўзлар билан алмаштирилсин.